Bu tajribani o'tkazish uchun biz 9 ta shisha idish oldik. har bir shish idishga PVS va kraxmalning 10 % li eritmasidan foydalanildi. Dastlab 9 ta shisha idishini raqamlab oldik va ketma ketlikda PVS dan 20 ml ; 17. 5 ml ; 15 ml ; 12. 5 ml ; 10 ml ; 7. 5 ml ; 5 ml ; 2. 5 ml ; 0 ml dan da quyib chidik va idishlarni hammasini magnitli moshalka ustiga 45°C da qo'yib qo'ydik. Keyin har bir idishga ketma ketlikda kraxmalning 10 %li eritmasidan tartib bilan 0 ml ; 2. 5 ml ; 5 ml ; 7. 5 ml ; 10 ml ; 12. 5 ml ; 15 ml ; 17. 5 ml ; 20 ml da quyib chiqdik va idishlarni yaxshi aralashirdik. Yaxshi aralashib bo'lgandan so'ng idishlarga limon kislotadan 1 ml dan solib chiqdik. Limon kislota ham aralashib bo'lgandan keyin unga 1 ml dan giletserindan aralashirdik va yaxshi aralashib bo'lgandan so'ng idishlarni – 40°C li muzlatgichda 12 soat davomida qoldiriladi(2). Muzlatgichdan idishlarni olgandan so'ng har bir idishga 2 % li bura eritmasidan solindi va idishlarni 24 soatga termostatga qoldirildi. Termostatdan olingan sorbentlarni har birini fizik kimyoviy xususiyatlari tekshirildi. bu sorbenlar ichidan eng samaradori tanlab olindi. Xuddi shu tajribani PVS o'rniga KMS moddasini qo'shib ham bajarib ko'rildi. Bunda ham olingan sorbentlarni har birini fizik – kimyoviy xususiyatlari o'rganilib ularning ichidan eng samaradori tanlab olindi. Olingan sorbentga biologik faol moddalar shimdirib ko'rildi. Keyingi tajribamizda yana boshqa moddalarni aralashirib sorbentlar olindi. Buning uchun bizga PVS, KMS, PEG, Agar va gilitserin kerak bo'ladi. Bunda moddalar quyidagi niosbatda aralashirib olinadi.

Bunda 5 ta shisha idish olib har bir idishga 10 ml dan suv solib olamiz va tarib bilan PVS dan 0 ; 0. 04 ; 0. 1 ; 0. 16 ; 0. 2 g dan solamiz, magnitli mishlaka ustida 90 – 95°C da eritib olamz. Keyin KMS ni tartib bilan ketma ketlikda har bir idishga mos ravishda 0. 2 ; 0. 16 ; 0. 1 ; 0. 04 ; 0 g dan

solib erib ketguncha aralastiramiz. Moddalar yaxshi erib ketganidan so'ng 50°C da har bir idishga 0.2 g dan agar solib eritamiz. Moddalar erib arlashib ketgandan so'ng 1ml dan har bir idishga gilitserin solamiz. 10 minutdan aralastirilib keyin har bir idishga 0.1 g dan PEG solib yana aralashmani yaxshi aralastirib olib PEG erib ketgandan so'ng aralashmani -40°C li muzlatgichda 1 sutkaga qo'yamiz. Muzlatgichdan olingandan keyin har bir idishning ustiga 1ml dan bura ning 0.4 % li eritmasidan quyib olib erishini kutamiz. Erib bo'lgandan so'ng idishlarni 20°C da termostatga 1 sutkaga qo'yamiz. 1 sutkadan so'ng termostatdan olib sorbentlarni fizik- kimyoviy xususiyatlarini, bakteriya va mikroblarga munosabatini o'rganiladi(3). Sorbentlar ichidan eng samaradorini tanlab olib unga biologik faol moddani shimdirib keying tajribalarni bajarimiz.

3-jadval: PVS,KMS,agar va Peg ning gr nisbatda olinishi					
T/r	PVS	KMS	Agar	PEG	H2O
1	0	0.2	0.2	0.1	10ml
2	0.04	0.16	0.2	0.1	10ml
3	0.1	0.1	0.2	0.1	10ml
4	0.16	0.04	0.2	0.1	10ml
5	0.2	0	0.2	0.1	10ml

Keyingi tajribamizda KMS, PVS va buradan sorbent olish jarayonini bajarib ko'rdik. Bunda moddalardan quyidagi nisbatda olindi.

4-jadval: PVS va KMS ni gr nisbatda olishi		
T/r	PVS	KMS
1	20 ml	0
2	15 ml	5 ml
3	10 ml	10 ml
4	5 ml	15 ml
5	0	20 ml

Bunda 10%li PVS dan 50 ml, KMSdan 0.5 %li 50 ml va 4% li buradan 15 ml oldik. Ishning borishida dastlab shisha idishga 10 %li PVS dan 50 ml va KMS dan 0.5 %li 50 ml eritma eritildi. Bunda eritish uchun magnitli mishalkada 90°C da 2 soat davomida eritildi. Shundan so'ng 5 ta petri chashkasi olinib ularga jadvaldagi nisbatda moddalar aralastirilib 25°C da 15 minut davomida aralastirildi. Aralashmani -40°C li muzlatgichda 12 soatga qoldirdik va aralashma muzlatgichdan olinib eritiladi va yana muzlatgichga qo'yilib bir necha marta takrorlanadi va keyin termostatga 20°C da 1 sutkaga qoldiriladi(4). Termostatdan olingan sorbentlarni fizik – kimyoviy xususiyatlari o'rganilib chiqildi. Fizik-kimyoviy jihatdan barqaror, mikroorganizmlar va bakteriyalarga nisbatan chidamli bo'lgan sorbent tanlab olindi va unga biologik faol moddalarni shimdirib ko'rildi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Satturwar P. M., Fulzele S. V., Dorle A. K. Biodegradation and in vivo biocompatibility of rosin: A natural film-forming polymer, AAPS Pharm. Sci. Tech. 2003; 4: 1-6
2. Charlz E. Karraher (2018). Sintetik polimerlar. 2018 yil 7-may kuni olingan: chemistryexplained. com
3. Smith A.M., Moxon S., Morris G.A. (2016) Biopolymers as wound healing materials. In: Egren MS (ed) Wound healing biomaterials. Woodhead Publishing. Cambridge, pp 561-287
4. Hamdan S., Paster I., Drakulich S, Dikici E. Tomic-Canic M, Deo S, Daunert S (2017) Nanotechnology-driven therapeutic interventions in wound healing: potential uses and applications. ACS Cent Sci 3:163-175

UO'K 635.658

MAHALLIY YASMIQ NAVLARINIG O'SISHI VA RIVOJLANISHI

G.M. Satipov, prof., Urganch Davlat Universiteti, Urganch

N.U. Zaribova, doktorant, Urganch Davlat Universiteti, Urganch

Annotatsiya. Butun dunyo va Rossiyada yasmiq ekinlarining rivojlanishi to'g'risida eng so'ngi ma'lumotlar keltirildi. Yasmiq doni sifatining asosiy ko'rsatkichlari yoritildi, bu esa uni boshqa don ekinlari orasida qimmatli ekanligini bildirdi; hosilni iste'moli va texnologik diversifikatsiya qilish imkoniyatlari belgilandi.

Kalit so'zlar: yasmiq, dukkakli ekinlar, sifati, ekish maydoni, umumiy hosil, eksport, urug'chilik, nav

Аннотация. В актуальном обзоре представлена информация об уровне развития посевов чечевицы в мире и в России. Показаны основные показатели качества зерна чечевицы, делавшие ее особенно ценной среди других бобовых; Определена возможность потребительской и технологической диверсификации урожая.

Ключевые слова: чечевица, зернобобовые культуры, качество, посевная площадь, валовой сбор, экспорт, селекция, сорт.

Abstract. In the state-of-the-art review the information on level of development of crop of lentil in the world and in Russia was presented. The major indicators of grain quality of lentil which made it especially valuable among other pulse crops were shown; possibility of consumer and technological diversification of crop was defined.

Key words: lentil, leguminous crops, quality, sowing area, total yield, export, breeding, variety.

Yasmiq bugungi kunda dunyodagi eng keng tarqalgan dukkakli ekinlardan biri bo'lib faqatgina oziq - ovqat mahsulotlari uchun ekiladi va 54 ta mamlakatda seleksiya ishlari olib boriladi. Uning maydonlari dunyoda 6 mln gektardan ortiq xisoblanadi. Yasmiq (*lens culinaris* Medik) eng qadimgi ekinlardan biri bo'lib qariyb 10 ming yillardan beri ekilib kelinmoqda[5]. Yasmiqni eng ko'p ekadigan malakatlarga Kanada, Hindiston, Turkiya, AQSh, Xitoy va Eron davlatlari kiradi. 2016 yil ma'lumotlariga ko'ra, Kanada yasmiqdan 3,2 mln. tonna don tayyorlashga erishdi va ekin maydonlari hajmi 2300 ming. gani tashkil qiladi. Rossiya davlatida yasmiq maydonlari yildan yilga oshib bormoqda, masalan 2015 yilda 35,4 ming.ga, 2016-yilda – 62,3, 2017-yilda – 167,4 ming.ga. gektarga oshib bormoqda. FAO ma'lumotlariga ko'ra, dunyo oziq-ovqat bozorida bu o'simlikning mahsulotga talab juda katta bo'lmoqda[2]. Ammo bir narsaga e'tibor berish kerakki, dunyo bozorida talab asosan qizil donli yasmiq urug'iga xisoblanadi. Kanada davlati etishtirilgan yasmiq donining 75% ini eksport qiladi, ikkinchi o'rinda AQSh turadi. Turkiya davlati eng katta import qiluvchi mamlakatlar sirasiga kiradi. Hindiston davlati ham aholisi ko'pligi uchun bu o'simlik donini eng ko'p miqdorda istemol qilishadi. Evropa davlatlari umumiy ishlab chiqarilgan yasmiq donining 22%, Hindiston qitasi 33%, yaqin Sharq va Shimoliy Afrika davlatlari aholisi 30%, Shimoliy va Janubiy Amerika 15%.

Aslida vatani bo'lgan O'zbekistonda bu ekinning maydonlari juda kam uchraydi, ba'zi qiziqqan insonlar tomonidan va ayrim ilmiy tekshirish muassasalari tomonidan ekilib kelinmoqda. Buyuk olim, akademik N.I. Vavilov o'zining ko'p yillik izlanishlari davomida yasmiqning yovvoyi formalarni O'zbekistondan topib va yasmiqning vatani O'zbekiston degan xulosaga kelgan.

1935 yillarda bu o'simlik bilan E. Barulina eng ko'p shug'ullangan va olim o'simlikning yovvoyi flormalari bilan hamda yasmiq donini oziq ovqatga ishlatilgan uning qobig'ini olib foydalanilsa, donning pishishi jarayoni 10-15 minutga tezlashadi degan ma'lumotlarni keltiradi[3]. Yasmiq navlarining rivojlanish ontogenezi va ma'danli o'g'itlarni turli xil me'yorda berilishi o'simlikning o'suv davriga ta'sirini o'rganish, Xorazm viloyati sharoitida bir qator qiziqarli ma'lumotlar olishga imkon berdi.

Yasmiq o'simligi o'z ahamiyatiga ko'ra, oziq-ovqat mahsulot sifatida tez hazm bo'ladigan va yarim yotib o'suvchi o'simliklar guruhiga kiradi. Bo'yining balandligi 45-55 sm, ammo navlariga qarab yasmiqning bo'yi uzun bo'lishi mumkin. Barglari juft patsimon barg bo'lib, juda mayda barg 2-8 juft oval bargchalari bo'lib, poyasining uchida jingalaklari bo'lib, boshqa o'simliklarga ilashib o'sishi mumkin. Boshqa dukkaklilardan ko'ra, bu o'simliklarda pastki dukkaklarning erdan joylashish balandligi yuqoriroq yoki 17-22 sm yuqorida bo'ladi. Bir tup o'simlikda dukkaklar soni o'rtacha 30-40 ammo kechpishar navlarda dukkak soni 50-60 tadan oshadi. Urug'larining rangi sariq, yashilroq, qizg'ish, qora, urug'lari mayda va yirik turlari bo'lib, ming dona urug'ning vazni turlariga qarab 25-28 va 36-40 gramm bo'ladi. Ammo urug'ning vazni navlar, agrotexnik tadbirlar tufayli o'zgarib borishi kuzatilgan[1].

O'zbekistonda yasmiq navlarni yaratgan olim N.Chirkov (5) ma'lumotiga ko'ra, yasmiqning barcha navlari asosan xo'raki xisoblanadi, poyasini balandligi 20-75 sm gacha etadi. Poyasi ingichka bo'lib kletchatkasi kam, tik turmaydi, poyasi egatchali, to'rt qirrali bo'lib, dastlab tik o'sadi. Ildizi o'q ildiz, gullari mayda, oq, pushti, binafsha rangda kalta bandli bo'lib, poyadagi barg qo'ltiqlarida 1-4

tadan joylashadi. Gullari poyada uzoq yashamaydi bori-yo'g'i 2 sutka changlanish imkoniyatiga ega holda yashab turadi.

Ekinlarning rivojlanishi, davrlarning davomiyligi aksariyat hollarda bu ekilgan ekin turi va navning belgisidir. Ammo tashqi sharoit omillari va qo'llaniladigan agrotexnik tadbirlar o'simlikning rivojlanishiga keskin ta'sir qiladi. Yasmiq o'simligi O'zbekistonda ekin maydonlari kamligiga sabab, uning etishtirish agrotexnikasi ishlab chiqilmagan, faqatgina bir necha navlari yaratilgan xalos. Aholining bu o'simlikning mahsulotiga bo'lgan talabini e'tiborga olgan holda endilikda keskin kontenental Xorazm viloyati sharoitida yasmiq etishtirish agrotexnikasini ishlab chiqish uchun ikkita yasmiq navi olindi va ularga ma'danli o'g'itlar hamda stimulyatorlarni ta'siri o'rganildi. Bizda yasmiqning darmon va Sarbon nomli navlarni tajriba ob'ekti bo'lib xisoblandi. Madanli o'g'itlarni fosforli o'g'itlarni 50, 100 kg miqdorda, kaliyli o'g'it esa 50 kg miqdorda berildi, azotli o'g'itlar berilmadi. Chunki yasmiqning o'zi ildizlari orqali azot to'plagan uchun azotli o'g'it berilmaydi.

Har ikkala yasmiq navi bir xil holatda birdaniga dalaga ma'danli o'g'itlar berildi ekish davrida "Sarbon" va "darmon" navlarining o'sib rivojlanishiga ma'danli o'g'itlar me'yori o'zgarishi bilan ta'siri sezilarli bo'ldi. Ma'danli o'g'itlar me'yori oshgan sari rivojlanish fazalarida gullash fazasida tezlashish va kechikish jarayoni kuzatildi. "Darmon" navida shoxlash fazasi may oyining o'rtalariga kelib kuzatildi. 19-22 mayda kuzatilib, o'g'it me'yori oshganligi evaziga bu davrning o'tishi 2-3 kunga kechikdi. Gullash davri "darmon" navida may oyining ikinchi yarmida kuzatilib, variantlar bo'yicha farq 2-4 kuni tashkil qildi. Yasmiq o'simligining morfologik belgilariga ko'ra, ushbu nav ma'danli o'g'itlarga o'ta talabchan emasligi ma'lum bo'ldi va madanli o'g'itlar ta'sirida uning bo'yining balandligida, barg va dukkaklar sonida katta farq kelib chiqmadi.

1 - jadval.

Mahalliy yasmiq navlarining rivojlanishi va hosildorligi

Navning nomi	Tajriba variantlari	Ekilgan muddati	Pishib etilishi	Hosildorlik ts/ga
Sarbon	P ₅₀	22.03	16.06	15,9
	P ₅₀ K ₅₀	22.03	16,06	17,5
	P ₁₀₀ K ₅₀	22.03	18.06	20,4
Darmon	P ₅₀	22.03	7.06	16,7
	P ₅₀ K ₅₀	22.03	7.06	18,3
	P ₁₀₀ K ₅₀	22.03	9.06	22,1

Aslida yasmiq navlarida to'liq fazasi gullash fazasi va dukkak hosil qilish fazalari bir vaqtda boradi yoki qo'shilib ketadi. May oyining oxirlarida yasmiq navlari to'liq dukkak hosil qildi va iyun oyida juda tezlik bilan pishib etildi. Havo haroratining birdaniga Xorazm sharoitida isib ketishi dukkaklarni tez pishib etilishiga olib keladi. Biz o'z tajribamizdagi yasmiq navlarni ildizlarini bir necha marta rivojlanish fazalariga qarab olib ko'rildi, ammo ularda tugunak hosil bo'lmagani aniqlandi. Chunki Xorazm sharoitida yasmiq yangi ekin bo'lgani uchun tuproqlarda muqim bakteriyalar bo'lmagani tufayli tugunaklar ildizlarda shakllanmadi. Ammo dukkakli ekinlar ekilganda ularning ildizlari va barglari mazkur tuproqqa to'kiladi va ushbu organik moddalar tuproqning ma'lum miqdorda azot bilan boyishiga sabab bo'ladi.

Rivojlanish fazalari bo'yicha olinigan ma'lumotlar shuni ko'rsatdiki darmon navi Sarbon navi nisbatan ertapishar xisoblanadi. Bu navning maysalari unib chiqqanidan urug'lari pishib etilganucha 78 kun vaqt o'tdi, Sarbon navida esa urug'larning pishib etilishi uchun 87 kun vaqtni talab qildi.

Xulosa. Xorazm viloyatining alyuvill tuproqlarida yasmiqning darmon va Sarbon navlarni ekib hosil olish mumkinligi va aholini yangi tarkibida oqsil miqdori yuqori bo'lgan don dukkakli mahsulot bilan ta'minlash imkoniyati paydo bo'ldi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Зотиков В. И., Наумкина Т. С., Грядунова Н.В., Сидоренко В.С., Наумкин В.В. Зернобобовые культуры – важный фактор устойчивого экологически ориентированного сельского хозяйства // Зернобобовые и крупяные культуры» – № 1 (17). – 2016. – С 6-13.

2. Кондыков И.В. Культура чечевицы в мире и Российской Федерации. (обзор).«Зернобобовые и крупяные культуры», №2 - 2012 г. С.13-20 .

3. Наумкина Т.С., Грядунова Н.В., Наумкин В.В. Чечевица – ценная зернобобовая культура // Зернобобовые и крупяные культуры – № 2 (14), – 2015. – С. 42-45.

4. Chirkov V.N. O'simlikshunoslik. Toshkent 1993. Mehnat.234.S.

5. Ятчук П.В. Современное состояние производства чечевицы «Журнал зернобобовых и крупяных культур». №4(28)2018 г. 111.

УЎК: 581.6.063

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ҲАЛҚ
ТАБОБАТИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА ЭТНОБОТАНИК ТАДҚИҚОТЛАР**

Ф.И.Ақбаров, к.и.х., ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент

О.К. Хожиматов, б.ф.д. проф., ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент

З.З.Қосимов, к.и.х., ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент

У.Ҳ.Қодиров, PhD. к.и.х., ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада, Сурхондарё вилояти аҳолиси турли хил касалликларни даволаш учун ишлатадиган 29 оила, 48 туркум ва 48 турга мансуб доривор ўсимликларнинг терапевтик қўлланилиши ўрганилган. Тадқиқотда Сурхондарё вилоятининг 10 та тумани ва 21 та қишлоғида маҳаллий аҳоли билан суҳбатлар ўтказилган. Маҳаллий аҳоли томонидан психологик касалликларда доривор ўсимликлардан фойдаланилиши қайт этилмади. Маълумотлар JASP 0.14.1 дастурида статистик таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: Сурхондарё, этноботаника, касалликлар, қайнатма, JSST, JASP, ArcGIS.

Аннотация. В статье исследуется терапевтическое применение 29 семейств, 48 родов и 48 видов лекарственных растений, используемых населением Сурхандарьинской области для лечения различных заболеваний. В рамках исследования были опрошены местные жители 10 районов из 21 селения Сурхандарьинской области. Применение лекарственных растений при психических расстройствах местным населением не установлено. Данные были статистически проанализированы в JASP 0.14.1.

Ключевые слова: Сурхандарья, этноботаника, болезни, отвар, ВОЗ, JASP, ArcGIS.

Abstract. The article examines the therapeutic use of 29 families, 48 genera and 48 species of medicinal plants used by the population of Surkhandarya region for the treatment of various diseases. The study interviewed locals in 10 districts and 21 villages of Surkhandarya region. The use of medicinal plants in psychological diseases by the local population is not indicated. The data were statistically analyzed in JASP 0.14.1.

Keywords: Surkhandarya, ethnobotany, diseases, decoction, WHO, JASP, ArcGIS.


Кириш. Доривор ва шифобахш ўсимлик турлари қадимдан инсоният ижтимоий ҳаётида муҳим рол ўйнаган [3]. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (JSST) маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг қариб 80 фоизи, айниқса ривожланаётган мамлакатларнинг узоқ қишлоқларда яшовчи аҳолиси, анъанавий дори воситаларидан кенг фойдаланади [5]. Бундан ташқари оддий фармацевтика билан тўлиқ даволаб бўлмайдиган турли хил паталогик ҳолатларнинг жуда кўплиги ўсимлик препаратларини қўллаш тенденцияси кўламини ортишига сабаб бўлмоқда [6]. Олиб борилган этноботаник тадқиқотлар табиий ва синтетик дориларни кашф қилиш учун асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда [2,4]. Узоқ ҳудудлар аҳолиси ўзларининг тажрибалари орқали доривор ўсимликларнинг маълум касалликларга қарши терапевтик фаоллиги тўғрисидаги билимларга эга. Ушбу маълумотларни барчасини ҳужжатлаштириш ва улардан фойдаланиш тизимли этноботаник тадқиқотлар ўтказишни таълаб қилади [1]. Шунингдек этноботаник тадқиқотлар маҳаллий ижтимоий-маданий шароитда доривор ўсимликларнинг аҳамиятини кўрсатади [9]. Булар минтақанинг маҳаллий ўсимликларини сақлаб қолиш ва асраш учун ҳам хизмат қилиши мумкин [7].

Ушбу тадқиқот “Ўзбекистон халқ табобатида ишлатиладиган доривор ва йўқолиш хавфи остидаги ўсимликларнинг электрон депозитарийсини яратиш” лойиҳаси доирасида Сурхондарё вилоятида доривор ўсимликлардан анъанавий фойдаланишни ҳужжатлаштириш ва этноботаник маълумотлар тўплаш учун ўтказилди. Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий аҳолини ўсимликларга асосланган дорилар ҳақидаги билимларини ҳужжатлаштириш ва доривор ўсимликлар профилини тузишдан иборат.

2. Тадқиқот методлари

2.1 Тадқиқот ҳудуди

Сурхондарё вилояти Ўзбекистоннинг энг жанубий вилояти бўлиб, шимолда Ҳисор, шарқда Боботоғ, ғарбда Бойсун ва Кўхитанг тизмалари ўраб туради, жанубий чегараси Ўзбекистоннинг Афғонистон билан Амударё орқали ўтган давлат чегарасига тўғри келади. Майдони 20.800 км кв. (<http://geografiya.uz>), аҳолиси 2 миллион 667 минг 300 киши (<https://stat.uz>, 2020).



1-расм. Экспедиция йўл харитаси

2.2 Этноботаник маълумотлар тўплаши

Этноботаник маълумотлар тўплаш учун 2021 йилнинг баҳор ва ёз мавсумида тўртта экспедиция уюштирилган (1 расм). Тадқиқот давомида маълумотлар суҳбат ўтказиш йўли билан йиғилди. Суҳбатлар маҳаллий аҳоли билан сўровнома шаклида, ахборот берувчиларнинг розилиги асосида ўтказилди. Суҳбатларни ўтказишда “Халқаро этнобиология жамиати” томонидан белгиланган Ахлоқ кодексига (The ISE Code of Ethics 2006) риоя қилинган (www.ethnobiology.net). Сўровнома икки қисмдан иборат бўлиб: биринчи қисмда маҳаллий аҳолининг демографик маълумотлари (жинси, ёши, касби), иккинчи қисмда эса доривор ўсимликларнинг маълумотлари (ўсимликнинг илмий ва маҳаллий номи, ҳаётий шакли, халқ табобатида ишлатиладиган қисми, дори таёрлаш усуллари, қўлланиладиган касалликлар) тасвирланган. Суҳбат ўтказиш жараёнларининг асосий қисми аудио шаклда ёзилган ва фото тасвирга олинган.

2.3 Маълумотларни таҳлили

Тўпланган маълумотлар ва олинган натижаларнинг статистик таҳлиллари JASP version 0.14.1 ва MapViewer Demo version 8 ёрдамида амалга оширилди. Этноботаник экспедициялар ва тадқиқотлар ўтказилган ҳудудларни акс эттирувчи хариталар ArcGIS version 10.6.1 дастурида яратилди.

3. Олинган натижалар

3.1 Доривор ўсимликларнинг таксаномик маълумотлари

Суҳбатлар давомида 29 оила, 48 туркум ва 48 турга мансуб доривор ўсимликларнинг 182 та этноботаник қайтлари ёзилди (1 жадвал). Этноботаник қайтларга кўра, маҳаллий аҳоли томонидан тиббий мақсадларда энг кўп *Lamiaceae* оиласига мансуб турлардан фойдаланилади. Бу оиллага мансуб турлар сўровномаларда 38 маротаба қайт этилган бўлиб, улар умумий кўрсаткичнинг 20.8 фоизини ташкил қилади. Кейинги натижалар *Apiaceae* (17/9.3%) ва *Capparaceae* (16/8.8%) оилаларига тегишли.

Турлар кесимида *Mentha longifolia* (L.) L. (ялпиз), *Capparis spinosa* L. (ковул), *Peganum harmala* L. (исириқ) ва *Ferula tadshikorum* Pimenov (тожик ковраги) энг кенг қўлланилади.


3.2 Сўровномалар ўтказилган худудлар

Тадқиқот давомида Сурхондарё вилоятининг 10 та тумани ва 21 та қишлоғида маҳаллий аҳоли билан суҳбатлар ўтказилди (2 расм). Қайт қилинган доривор ўсимликларнинг асосий қисми Бойсун (51/28%), Узун (48/26%) ва Денов (31/17%) туманларига тўғри келди. Касалликларда қўлланилишига кўра Бойсунда овқат ҳазим қилиш билан боғлиқ касалликлар, Узун ва Деновда шамоллашга оид хасталиклар юқори кўрсаткичга эга.

2 жадвал

Қайд этилган доривор ўсимликларнинг таксаномик тузилиши


№	Оила	Туркум	Тур	Қайт этилиши	Фоиз
1	Amaryllidaceae	2	2	6	3.3
2	Anacardaceae	2	2	4	2.2
3	Apiaceae	2	2	17	9.3
4	Asteraceae	6	6	12	6.6
5	Berberidaceae	1	1	3	1.6
6	Brassicaceae	1	1	7	3.8
7	Capparaceae	1	1	16	8.8
8	Caprifoliaceae	1	1	2	1.1
9	Ephedraceae	1	1	2	1.1
10	Equisetaceae	1	1	1	0.5
11	Fabaceae	2	2	6	3.3
12	Gentianaceae	1	1	8	4.4
13	Geraniaceae	1	1	2	1.1
14	Hypericaceae	1	1	1	0.5
15	Lamiaceae	7	7	38	20.8
16	Lythraceae	1	1	3	1.6
17	Malvaceae	1	1	5	2.7
18	Nitrariaceae	1	1	14	7.7
19	Orchidaceae	1	1	1	0.5
20	Orobanchaceae	1	1	1	0.5
21	Plantaginaceae	2	2	5	2.7
22	Polygonaceae	1	1	4	2.2
23	Portulacaceae	1	1	1	0.5
24	Ranunculaceae	1	1	2	1.1
25	Rosaceae	3	3	12	6.6
26	Scrophulariaceae	1	1	4	2.2
27	Solanaceae	2	2	3	1.6
28	Urticaceae	1	1	1	0.5
29	Violaceae	1	1	1	0.5
	Жами:	48	48	182	100



2-расм. Туманлар бўйича қайт этилган доривор ўсимликлар


3.3 Касалликларда қўлланилиши

Сўровномада қайт этилган доривор ўсимликлар 17 та турли касаллик гуруҳларида ишлатилади. Маҳаллий аҳоли томонидан шамоллаш, овқат хазим қилиш билан боғлиқ жараёнлар, қон босими ва ич кетиши каби касалликларда доривор хусусятга эга ўсимликлардан, ҳамда иштаха очувчи сифатида озиқ-овқат зираворлардан кенг фойдаланилади. Сухбатларда қайт этилган касалликларда доривор ўсимликларни қўлланилишига кўра шамоллашга оид хасталиклар 45 мартаба 25 фоиз ва овқат хазим қилиш билан боғлиқ касалликлар 37 мартаба 20 фоиз катта устунликга эга (1 диаграмма).



1-диаграмма. Касалликларда доривор ўсимликларни қўлланилиши

Sh- Шамоллаш, OH- Овқат ҳазм қилиш, QB- Қон босими, PH- Пешиоб хайдаш, G- Гепатит, АК- Аёллар касалликлари, GJ- Гижжа хайдовчи, IO- Иштаха очувчи, IS- Истма, Yo`- Йўтал, BK- Буйрак касалликлари, IK- Ич кетиши, IO- Иммунитетни оширувчи, KK- Кўз касалликлари, K-Куйиши, OQ- Оғриқ қолдирувчи, TO- Тиш оғриғи, EK- Эркаклар касалликлари.



2-диаграмма. Қатнашчиларнинг аниқ ёши ва қайтлари

Таҳлил натижаларига кўра маҳаллий аҳоли томонидан этироф этилган доривор ўсимликларнинг асосий қисми 58 % дамлама, қолганлари эса қайнатма, суртма, тузлама ва бошқа шакилларда қўлланилади. Ишлатилишида барг қисимлари 28 %, пояси ва навдаси 27 %, уруғи ва меваси 14 %, гули 10 % ва илдизи 7 %, қолган қисимлари 14 % кўрсаткичга эга.

3.4 Сухбат ўтказилган иштрокчиларнинг демографик таснифи

Сўровномаларда жами турли касб эгалари бўлган 31 та маҳаллий аҳоли вакиллари билан сухбат ўтказилди. Уларнинг 18 фоизини аёллар, 82 фоизини эркаклар ташкил қилди. Сухбатлар асосан ижтимоий ҳаётда фаол бўлган ўрта ёшли ва юқори даражадаги маҳаллий билимларга эга кексалар билан амалга оширилди (2 диаграмма).

Қатнашчиларнинг аниқ ёшларига кўра энг кўп доривор ўсимликлар тўғрисидаги маълумотлар 62 ва 72 ёшли иштрокчилардан олинди.

Хулоса. Ушбу тадқиқот шуни кўрсатдики маҳаллий аҳоли юрак-қон томир касалликлари ва психологик касалликларда доривор ўсимликлардан фойдаланишини этроф этмади. Бунинг асосий сабаби қишлоқ жойларида аҳолининг бундай касалликларни тан олишидаги қийинчиликлар деб ҳисоблаш мумкин. Доривор ўсимликлардан фойдаланиладиган анъанавий даволаш тизмлари Сурхондарё вилоятининг олис қишлоқларида ҳали ҳам кенг тарқалган. Бу этноботаник билимларни йўқолиб кетишини олдини олиш учун уларни хужжатлаштириш ва доривор ўсимликлар профилини яратиш зарурлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bibi T. et al. Ethnobotany of medicinal plants in district Mastung of Balochistan province-Pakistan //Journal of ethnopharmacology. – 2014. – Т. 157. – С. 79-89.
2. Fabricant D. S., Farnsworth N. R. The value of plants used in traditional medicine for drug discovery //Environmental health perspectives. – 2001. – Т. 109. – №. suppl 1. – С. 69-75.
3. Faruque M. O. et al. Quantitative ethnobotany of medicinal plants used by indigenous communities in the Bandarban District of Bangladesh //Frontiers in pharmacology. – 2018. – Т. 9. – С. 40.
4. Güzel Y., Güzelşemme M., Miski M. Ethnobotany of medicinal plants used in Antakya: a multicultural district in Hatay Province of Turkey //Journal of ethnopharmacology. – 2015. – Т. 174. – С. 118-152.
5. Islam R. Role of plant medicine in health care and improving nutritional standard in rural area of Bangladesh //National seminar on diversity of medicinal plants and their sustainable utilization in health care and improving nutritional standard in rural areas. – 2006. – С. 1-30.
6. S Redžić S. The ecological aspect of ethnobotany and ethnopharmacology of population in Bosnia and Herzegovina //Collegium antropologicum. – 2007. – Т. 31. – №. 3. – С. 869-890.
7. Sanz-Biset J. et al. A first survey on the medicinal plants of the Chazuta valley (Peruvian Amazon) //Journal of Ethnopharmacology. – 2009. – Т. 122. – №. 2. – С. 333-362.
8. The ISE Code of Ethics 2006. International Society of Ethnobiology. (<http://www.ethnobiology.net>).
9. Yaseen G. et al. Ethnobotany of medicinal plants in the Thar Desert (Sindh) of Pakistan //Journal of ethnopharmacology. – 2015. – Т. 163. – С. 43-59.
10. Хасанов И.А., Фуломов П.Н., Қаюмов А.А. Ўзбекистон табиий географияси (2-қисм). Тошкент – 2010. – Б. 161.
11. <http://geografiya.uz>

УЎК 595.78

ШИМОЛИ – ГАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ТАНГАЧАҚАНОТЛИЛАРНИНГ НОЁБ ВА КАМЁБ ТУРЛАРИ

Х.У. Бекчанов, б.ф.н., Урганч давлат университети, Урганч
М.Х. Бекчанова, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч
М. Абдуллаева, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч
Г.Н. Мамурова, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобининг охириги наширидаги ҳайвонот дунёси объектлари рўйхатидаги бир қанча тур ҳашаротлар ва турли салбий таъсирлар натижаси ҳақида умумий маълумот берилган. Хозирги кунда Шимоли-гарбий Ўзбекистон учун яна 8 тур тангачақанотлиларни биёкологик хусусиятлари ва уларнинг тарқалиши аниқланган. Ушбу мақолада юқоридаги турлар учун биология ва экологияси ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Шимоли — гарбий Ўзбекистон, Қизил китоб, тангачақанотлилар, ҳашаротлар, ноёб турлар ва экология

Аннотация. В последнем издании Красной книги Республики Узбекистан приведены общие сведения о некоторых видах насекомых и различных неблагоприятных воздействиях на объектов животного мира. К настоящему времени выявлены биоэкологические особенности

еще 8 видов чешуекрылых и их распространение для северо-западного Узбекистана. В этой статье представлена информация о биологии и экологии вышеуказанных видов.

Ключевые слова: Северо-западный Узбекистан, Красная книга, чешуекрылые, насекомые, редкие виды, экология и фауна

Abstract. The list of wildlife objects in the latest edition of the Red Book of the Republic of Uzbekistan provides general information on several types of insects, as well as information on biology and ecology as a result of various adverse effects.

Key words: Northwestern Uzbekistan, Red Book, Lepidoptera, insects, rare species, ecology and fauna

Кириш. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган турлари Ўзбекистон Республикаси ва унинг таъсис субъектларининг Қизил китобига киритилган. Қизил китобга киритиш - бу тегишли таксонларни ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг бошқа турларидан ҳуқуқий муҳофаза қилиш объектлари сифатида чегараловчи ҳуқуқий ҳужжат, расмийлаштирувчи белги. Қизил китобларга киритилган турларга нисбатан ташкилий ва ҳуқуқий кафолатлар амал қилади, бу уларни сақлаш ва тиклаш имкониятларини оширади.

Фаунани ўрганишнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ноёб турларни аниқлаш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини қабул қилишдир. Бундай чора тадбирлар қаторига ноёб ва йўқолиб бораётган турларни қизил китобга киритиш, лозим бўлса уларнинг қизил китобдаги мақомини ўзгартириш, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий объектлар рўйхатига киритиш, уларнинг табиий яшаш муҳитларини сақлаб қолиш, ва уларнинг табиий шароитда кузатув ишларини ташкил қилиш кабиларни киритиш мумкин. Бундан кўриниб турибдики ноёб ва йўқолиб бораётган турларни қизил китобга киритиш уларни муҳофаза қилишни ягона мезони бўла олмайди. Лекин кузатувлар натижасида аниқланган ноёб ва йўқолиб бораётган турлар ҳақида маълумотлар йиғиш, уларнинг сонини, мақомини аниқлаш ва қизил китобга киритиш, улар ҳақида тезда маълумотга эга бўлиш, уларни мунтазам назоратда ушлаш учун муҳим ҳисобланади. Шимоли – Ғарбий Ўзбекистон тангачақанотлилари ўрганилиши давомида йиғилган маълумотларга асосан улар орасидаги кам учрайдиган 9 та тур таҳлил қилинди.

Материаллар ва усуллар

Шимоли-ғарбий Ўзбекистон Республикасидаги энг катта майдолардан бирини эгаллаган. Кундузги капалаклар махсус энтомологик тўр матрап ёрдамида ушланди, материалнинг энг асосий қисмини тунги ҳашаротлар ташкил қилди. Кечаси парвознинг мавсумий учиб динамикасини аниқлаш учун бундай махсус тузоқлардан фойдаланилди. Тузоқлар ойига 2-4 марта материалларни олиб қайта ишланди. Бутун материал аниқланади, ҳисоблаб чиқилади ва маълумотлар базасига киритилади. Дарахтларда ривожланадиган кўплаб капалаклар дарахтлардан ажраладиган аттрактанлар ҳидига учишади, улар чириган мевалар ва ачитувчи шароб. Шунинг учун биз, тўқай ҳудудларда ачитилган шароб билан автоматик тузоқларни ўрнатдик.

Озиқ-овқат ўсимликлари ва ривожланиш даврларини аниқлаш учун биз қуртлар йиғдик табиатдан йиғилган ва учиб келган урғочилар томонидан катакларга қўйилган тухумдан ривожланиб чиққан қуртларни хилма хил ўсимликлар билан озиқлантирдик.

Тунги ҳашаротлар ёруғлик нурига учиб келадиган ҳашаротлар бўлганлиги учун биз ДРЛ лампаларининг турли хил ёруғлик манбаларидан (Phillips– 250 Вт ва Phillips – ТЛ 8W / 05 лампалар), кўча чироқлари ёки симоб лампалардан фойдаландик. Электр токи йўқ жойларда эса экран осиб қуёшли батареякалар ёрдамида махсус тузоқлардан кенг фойдаланилди, уларнинг остига ўлчамлари 2 x 2 м оқ материал экрани (масалан, чойшаблар) вертикал ва горизонтал равишда жойлаштирилди, горизонтал ерга жойлаштирилган чойшаб устига гофрокартондан ясалган тухум сақлагич (флейка)дан фойдаландик. (Ҳисоблаганда). (Фасулати, 1971).

Нодир ва камёб муҳофаза қилинадиган турлар рўйхатини тузишда шахсий материаллари 1993-2019 йилларда олиб борилган тадқиқотлар давомида тўпланган. Турларнинг

характеристикалари куйидаги позицияларни ўз ичига олади: тарқалиши ва яшаш жойлари биоэкологик хусусиятлари ҳақида умумий маълумот.

Натижалар ва муҳокама

Ўзбекистон Республикасида химоя қилиш учун тавсия этилган таксонлар рўйхати Шимоли-ғарбий Ўзбекистон ҳудудида топилган 9 турдаги тангачақанотлилар бўлиб шундан икки тури қизил китобга олдин киритилган.

(EREBIDAE)– ОИЛАСИ

1.ТУРАНҒИ ТАСМАҚАНОТИ

Орденская лента туранговая

Turanga Underwing Moth

Catocala optima (Staudinger,1888).

Мақоми. 2 (ВУ:D): Заиф, қисқариб бораётган, локал тарқалган Эрон– Турон тури.



Тарқалиши. Тўрткўл ш. ёнидаги Амударё қайирлари.

Ўзбекистондан ташқарида: Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Хитой (Шинжон), Ироқ.

Яшаш жойлари. Текислик дарёлари бўйидаги туранғили тўқай ва дарахзорлар. Амударё: 07.VIII.2019, 28. VIII.2000; 2 ♂♂, 1 ♀♀.

Сони. Ҳамма жойда кам ва узлуксиз камайиб бормоқда. Ўзбекистонда айрим топилмалар орқали маълум.

Яшаш тарзи. Йилда бир марта насл беради. Илк учиши ва тухум қўйиши – июнь июльда (тунлари). Қуртлари май–июньда туранғида (Populus pruinosa) ривожланади, катта ёшдагилари қишлайди ва келгуси йилнинг май ойида қўшимча озикланади, туранғининг кўчган пўстлоқлари остида юмшоқ пилла ичида ғумбакка айланади.

Чекловчи омиллар. Хўжалик фаолияти оқибатида тўқайларнинг кесиб ташланиши.

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш жойлари ва сонини мукаммал ўрганиш, яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш лозим.

2. ТЎҚАЙ ТАСМАҚАНОТИ

Орденская лента тугайная

Тугай Underwing Moth

Catocala remissa (Staudinger, 1891).

Мақоми. 2 (ВУ:D): Заиф, қисқариб бораётган, мозаик тарқалган Турон эндемик тури.



Тарқалиши. Оёқгужумди қ. (Жануби ғарбий Қизилқум), Тошкент ш. атрофлари. Ўзбекистондан ташқарида: Туркменистон, Хитой (Шинжон).

Яшаш жойлари. Текислик дарёлари бўйидаги туранғили тўқай ва теракзорлар. Фаунани сақлаш МЧЖ: 07.VII.2011; 1 ♂♂, 1 ♀♀.

Сони. Ҳамма жойда кам ва узлуксиз камайиб боряпти. Якка капалаклар учрайди.

Яшаш тарзи. Йилига бир марта насл беради. Илк учиши ва тухум қўйиши июнь–июльда (тунда). Қуртлари май–июньда теракларда Populus, кўпроқ туранғида (P. pruinosa) ривожланади, катта ёшдагилари қишлайди, кейинги йил майда қўшимча озикланади. Теракларнинг кўчган пўстлоқлари остида юмшоқ пиллаларда ғумбакка айланади.

Чекловчи омиллар. Тўқай ва теракзорларнинг кесиб ташланиши.

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш жойлари ва сонини мукаммал ўрганиш, яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш лозим.

3. Catocala lupina (Herrich Schaffer 1851).

Мақоми. 1 (EN) йўқ бўлиб кетаётган, локал тарқалган тур



Тарқалиши. Европа, Ғарбий Сибир.

Яшаш жойлари. Текислик дарёлари бўйидаги туранғили тўқай ва теракзорлар. Амударё: 07.VIII.2019, 28.IX.2000; 1 ♂♂, 1 ♀♀.

Сони. Жуда кам учрайди.

Яшаш тарзи. Моноволтин. Капалагининг учиш вақти: июль – сентябрь. Қуртининг фаол даври: ноябр ойлари. Куртларининг озуқа ўсимликлари: Salix ва Populus . Ўзбекистонда илк бор қайд этилган. Субмикротерм гуруҳ, Дендропил, толдошлар оиласининг олигофаги, ёзги – кузги тур. Имагоси қишлаб қолади.

Чекловчи омиллар. Инсонларнинг салбий хўжалик фаолияти оқибатида тўқайларнинг кесиб ташланиши.

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофазачоралари. Яшаш жойлари ва сонини мукаммал ўрганиш, яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш лозим.

4. *Catocala adultera* (Menetries, 1856).

Мақоми. 1 (EN) йўқ бўлиб кетаётган, локал тарқалган тур



Тарқалиши: Европа ва Ўрта Осиё.

Сони. Жуда кам учрайди

Яшаш тарзи: Моноволтин. Капалагининг учиш вақти: август. Қуртининг фаол даври: сентябрь. Куртларининг озуқа ўсимликлари: Populus, Aspen (Seppanen, 1970). Мўътадил гуруҳ, Дендропил, олигофаг, ёзги – кузги тур. Биотопи – тўқай, антропоген, тоғ. Қишлаш босқичи тухум. Кўп учрайдиган тур.

Чекловчи омиллар. Инсонларнинг салбий хўжалик фаолияти оқибатида тўқайларнинг кесиб ташланиши.

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофазачоралари. Яшаш жойлари ва сонини мукаммал ўрганиш, яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш лозим.

5. *Clytie illunaris* (Hubner, 1813)

Мақоми. 1 (EN) йўқ бўлиб кетаётган, локал тарқалган тур



Тарқалиши. Европа, Жанубий – Ғарбий Осиё, Жанубий Осиё, Шимоли Африка.

Яшаш жойлари. Текислик дарёлари бўйидаги туранғили тўқай ва теракзорлар. Гурлан: 27.VII.2019, 23.IX.2020; 1 ♂♂, 1 ♀♀.

Сони. Жуда кам учрайди

Яшаш тарзи. Поливолтин. Капалагининг учиш вақти: май – октябрь. Куртининг фаол даври: ноябр ойлари. Куртларининг озуқа ўсимлиги: Tamarix. Мўътадил – субтропик гуруҳ, Тамнофил, монофаг, бахорги – ёзги – кузги тур. Қишлаш босқичи тухум.

Чекловчи омиллар. Инсонларнинг салбий хўжалик фаолияти оқибатида тўқайларнинг кесиб ташланиши

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофазачоралари. Яшаш жойлари ва сонини мукаммал ўрганиш, яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш лозим.

NOLIDAE– ОИЛАСИ

6. *Earias chlorana* (Linnaeus, 1761).

Мақоми. 1 (EN) йўқ бўлиб кетаётган, локал тарқалган тур.



Тарқалиши. Европа, Ўрта Осиё.

Яшаш жойлари. Тўқай. Толлик тўқай: 03.VI.2018, 04.VII.2001; 1 ♂♂, 1 ♀♀.

Сони. Жуда кам учрайди

Яшаш тарзи. Биволтин. Капалагининг учиш вақти: мартдан апрелгача ва май охиридан август ўрталаригача. Қуртининг фаол даври апрель – май, июнь– сентябрь. Қуртларининг озуқа ўсимлиги: Salix. Субмикротерм гуруҳ, Дендрофил, монофаг, баҳорги – ёзги – кузги тур. Ғумбаги қишлаб қолади.

Чекловчи омиллар. Инсонларнинг салбий хўжалик фаолияти оқибатида тўқайларнинг кесиб ташланиши

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш жойлари ва сонини мукамал ўрганиш, яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш лозим.

7. *Earias chlorophyllana* (Staudinger, 1891).

Мақоми. 1 (EN) йўқ бўлиб кетаётган, локал тарқалган тур.



Тарқалиши. Европа, Африка, Осиё, Австралия ва Ўрта Осиё

Яшаш жойлари. Тўқай. Беруний: 24.VIII.2017; 1 ♂♂, 1 ♀♀.

Сони. Жуда кам учрайди

Яшаш тарзи. Биволтин. Капалагининг учиш вақти: апрель – июнь, июль – август. Қуртининг фаол даври: сентябрь. Қуртларининг озуқа ўсимликлари: Betula, Alnus, Salix баъзида Quercus. Суббореал– субтропик гуруҳ, Дендрофил, полифаг, баҳорги – ёзги тур. Ғумбаги қишлаб қолади.

Чекловчи омиллар. Инсонларнинг салбий хўжалик фаолияти оқибатида тўқайларнинг кесиб ташланиши

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш жойлари ва сонини мукамал ўрганиш, яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш лозим.

DREPANIDAE– ОИЛАСИ

8. *Sabra harpagula* (Esper, 1786).

Мақоми. 1 (EN) йўқ бўлиб кетаётган, локал тарқалган тур.



Тарқалиши. Европа, Ғарбий Сибир, Ўрта Осиё. Шарқий Осиё.

Яшаш жойлари. Тўқай. Фаунани сақлаш МЧЖ: 07.VII.2011; 2 ♂♂, 1 ♀♀.

Сони. Жуда кам учрайди

Яшаш тарзи. Биволтин. Капалагининг учиш вақти: май – июнь, июль – август. Қуртларининг фаол даври июнь – июль, сентябрь. Қуртларининг озуқа ўсимликлари: Tilia ва Quercus.

Субмикротерм гуруҳ, Дендрофил, полифаг, баҳорги – ёзги тур. Ғумбаги қишлаб қолади.

Чекловчи омиллар. Инсонларнинг салбий хўжалик фаолияти оқибатида тўқайларнинг кесиб ташланиши

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш жойлари ва сонини мукамал ўрганиш, яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш лозим

GEOMETRIDAE– ОИЛАСИ

9. *Idaea emarginata* (Linnaeus, 1758).

Мақоми. 1 (EN) йўқ бўлиб кетаётган, локал тарқалган тур.

Тарқалиши. Европа ва Ўрта Осиё, Марказий Осиё.



Яшаш жойлари. Тўқай. Амударё: 10.VIII.2020; 1 ♂♂, 1 ♀♀.
Сони. Жуда кам учрайди

Яшаш тарзи. Моновольтин. Капалагининг учиш вақти: июль – август. Куртларининг фаол даври сентябрь – май. Куртининг озуқа ўсимлиги: Populus. Мўътадил гурух, Дендрофил, полифаг, кеч ёзги тур. Куртлик босқичида қишлаб қолади. Ноёб тур.

Чекловчи омиллар. Инсонларнинг салбий хўжалик фаолияти оқибатида тўқайларнинг кесиб ташланиши

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш жойлари ва сонини мукамал ўрганиш, яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш лозим

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки ушбу худудда аниқланган 261 тур тангачақанотлилар ичида энг кам учраган 9 тур бўлиб, улардан 2 тури Ўзбекистон Республикаси қизил китобига киритилган, қолган турларни 7 турини ҳам Ўзбекистон Республикаси қизил китобига киритишга тавсия берамиз акс ҳолда бу турларлар Ўзбекистон Республикаси фаунасини кадастр бойлигидан чиқиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Чернов Ю.И. Природная зональность и животный мир суши. Монография. М. 1975 Чернов Ю.А. Природная зональность и животный мир суши. – М., 1975. 222 с.
- 2.Четвериков С.С. Бабочки Горьковской области. Справочник. Н. Новгород, 1993
- 3.Щеткин Ю.Л. Высшие чешуекрылые Вахшской долины (Таджикистан). Часть I. Rhopalocera и Heterocera // Тр. Инст. зоол. и паразит. АН ТаджССР. – Душанбе, 1960. Т. 19.– С. 1– 303.
- 4.Щеткин Ю.Л. Высшие чешуекрылые песков Вахшской долины. Душанбе: Изд-во АН ТаджССР, 1965. – 194 с. Lepidoptera:Rhopalocera и Heterocera. 7– 10 ст
- 5.Юсупов А. Чешуекрылые – стволые вредители лесов Узбекистана и меры борьбы с главнейшими: автореферат дис. ... кандидата биологических наук: 06.01.11.– Ташкент, 1995.– 23 с.: ил.
- 6.Яковлев Р.В., Дубатов В.В. Особенности распространения древооточцев (Lepidoptera, Cossidae) в пустынях Палеарктики // Зоологический журнал. Т. 92 (6).

УЎК 598.28/29(575.1)

ҒАРБИЙ ТЯНЬ-ШАНДА УЧРОВЧИ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТДАГИ ЧУМЧУҚСИМОНЛАРНИНГ БИОТОПЛАРДА ТАҚСИМЛАНИШИ ВА ЗИЧЛИГИ

Б.Н. Ғаниев, таянч-докторант, ЎзР ФА Зоология институти
Н.Н. Азимов, кичик илмий ходим, ЎзР ФА Зоология институти

Аннотация. 2021 йил баҳор ва ёз мавсумлари давомида Ғарбий Тянь-Шаннинг 5 типдаги биотопларида иқтисодий аҳамиятдаги Чумчуқсимонлардан 20 турнинг тақсимланиши ва зичлиги аниқланди. Турлар хилма-хиллиги бўйича баҳор ва ёз мавсумида дарахт ва бута ўсимликлари биотопида фаслларга мос равишда 17, 11 тур, арчазорларда - 14, 10 тур, қирғоқ бўйида - 13 тадан тур, ўрта тоғ ўтлоқи дашт ўсимликлари биотопида - 9, 3 тур ҳамда қоя ва тошлардан иборат биотопларда 4 тадан тур учраши кузатилди. Турларнинг зичлиги биотопларнинг тури ва фаслга боғлиқ равишда фарқланиши кузатилди. Хусусан, дарахт ва бута ўсимликлари ҳамда қирғоқ бўйи биотопларида орнитофауна хилма-хил эканлиги намоён бўлди.

Калит сўзлар: Ғарбий Тянь-Шан, Passeriformes, иқтисодий аҳамиятли турлар, биотопик тақсимланиши, турнинг учраш биотопларидаги зичлиги.

Аннотация. Определено видовое разнообразие, распространение и численность 20 экономически значимых видов из отряда Воробьинообразных, обитающих в пяти различных типах биотопов Западного Тянь-Шаня в весенне-летний период 2021 г. Выявлено, что видовое разнообразие в биотопе древесно-кустарниковой растительности составляет 17 (весна) и 11 (лето) видов, в биотопе арчовых лесов 14 (весна) и 10 (лето) видов, в биотопе пойменных горных лесов по 13 видов в весенне-летний период, в биотопе лугово-степной растительности среднегорий – 9 (весна) и 3 (лето) видов, в биотопе скальников и горных осыпей по 4 вида в каждый из рассматриваемых сезонов. Таким образом, было показано, что более богатое

видовое разнообразие характерно для биотопов древесно-кустарниковой растительности и пойменных горных лесов.

Ключевые слова: Западный Тянь-Шань, Passeriformes, экономически значимые виды, биотопическое распространение, плотность вида.

Abstract. During the spring and summer seasons of 2021 year, the distribution and density of 5 species of Sparrows of economic importance was determined in 20 species biotopes of Western Tyan-Shan. In accordance with the variety of species, in the spring and summer season, 17, 11 species were observed in the biotope of trees and shrub vegetation, 14, 10 species in the junipers, 13 species on the shore, 9 species in the steppe vegetation biotope of the Middle Mountain Meadow, 4 species were observed in the rock and stone biotopes. The density of the species was observed to vary depending on the type and season of the biotopes. In particular, it was shown that ornithofauna is diverse in tree and shrub vegetation, as well as on shore biotopes.

Keywords: Western Tien Shan, Passeriformes, economically important species, biotopic distribution, species density.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ги Қонунининг талабларига мувофиқ, табиий экотизимлар ва ўзлаштирилган ландшафтларда ёввойи ҳайвонларнинг захиралари ҳамда уларни яшаш муҳитининг ҳолати мунтазам ўрганилади. Бугунги кунда ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида қолган шунингдек, ҳаваскорлик ва спорт ови объекти ҳисобланган ҳайвонлар мониторингини олиб бориш бир мунча йўлга қўйилган. Республикамиз ҳудудида учровчи Чумчуксимонлар туркумининг иқтисодий аҳамиятга эга вакиллари тўғрисида Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 25 майдаги №02-03/1-595 тасдиқланган рўйхатида 36 тур келтирилган. Ушбу турларни табиий яшаш жойидан ажратиб олишга доир талаб бўлса-да, уларнинг учраш жойлари, биотопик тақсимланиши ва сонига доир маълумотлар етарли эмас. Табиатдан ажратиб олинган ҳайвонлар миқдори мазкур тур популяциясининг ҳолати юзасидан белгиланади.

Шу ўринда айтиш жоиз Ғарбий Тянь-Шан ҳудудида учровчи қушларнинг тур таркиби, учраш даврлари ва сонига доир маълумотлар Д.Ф. Железняков (1950, 1958) [3, 4], Е.Н. Лановенко (1997, 2002) [10, 11], О.В. Митропольский (2005) [12], Д.Ю. Кашкаров, Е.Н. Лановенко, Э.Р. Фоттелер в.б. (1995) [5], Р.Д. Кашкаров в.б. (2020) [6] ишларида келтирилган. Минтақа орнитофаунаси Л.Э. Белялова ва С.Э. Фундукчиев (2004) [1] томонидан қуйида келтирилган 5 хил кўринишдаги (дарахт ва бута ўсимликлари, қирғоқ бўйи, ўрта тоғлар ўтлоқи-дашт ўсимликлари, арчазорлар ҳамда қоя ва тошлар биотоплари) биотопларга бўлиб ўрганилган. Аммо ушбу маълумотлар Чумчуксимонлар туркумининг замонавий ҳолатини баҳолашга имкон бермайди.

Табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш тамойилларини инобатга олиб, 2021 йил баҳор ва ёз мавсумлари давомида Чумчуксимонлар туркумига доир бўлган, иқтисодий аҳамияти мавжуд турларнинг ҳолатини Ғарбий Тянь-Шаннинг (Тошкент вилояти ҳудуди) денгиз сатҳидан 900-2700 метргача бўлган баландликдаги ҳудуди мисолида ўрганиш учун дала тадқиқотлари олиб борилди. Бунда тизмалардаги сойларнинг қирғоқ бўйи, дарахт ва бута ўсимликлардан иборат ўрмонзорлар, арчазорлар, ўрта тоғ ўтлоқи даштлари, қоя ва тошлардан иборат биотоплар стационар сифатида белгиланди (1-жадвал). Чумчуксимонлар туркуми тур таркиби, қушларни биотопик тақсимланиши, сони, зичлиги ва уялашда иштирок этувчи турлар хилма-хиллиги ўрганилди (2-жадвал).

Дала тадқиқотлари жараёнида зоологик методлардан [13, 14, 15] фойдаланилди.

Тадқиқот даврида жами: 52 сутка давомида 388 км масофада асосан яёв (80 та), қисман отда (9 та) маршрутлар амалга оширилди. Биотоплар ўсимлик қопламанинг зичлиги ва турни максимал даражада аниқлаш мақсадида маршрутлар кенглиги - қирғоқ бўйи биотопида 40 метр, дарахт ва бута ўсимликлари биотопида 25 м, арчазорларда 30 м, ўрта тоғ ўтлоқи дашт биотопларида 150 м, қоя ва тошлардан иборат биотопларда 50 метр қилиб белгиланди. Юқори тонда сайровчи тоғ майнаси, жануб булбули каби қушларни ҳисобга олишда, турларни овози

инобатга олиниб 80-100 метргача масофада ҳисобланди. Тадқиқот жараёнида дурбин (BRESSER 7x40 mps), GPS новигатор, шунингдек, MP3 шаклда махсус ёзиб олинган кушларнинг овозларидан фойдаланилди. Турларни аниқлашда Raffael Aye ва.б. (2012) томонидан тузилган “Birds of Central Asia” [16] аниқлагичидан фойдаланилди.

1-жадвал

Стационар сифатида белгиланган ҳудудлар ва уларда мавжуд биотопларнинг турлари

T/P	Ҳудудлар номи	Координатаси (N, E)		Биотоплар турлари
1	Оҳангарон тумани, Эртошсой	41°08	70°23	Қирғоқ бўйи, дарахт ва бута ўсимликлари, арчазорлар, тош ва қоялар
2	Паркент тумани Санганак қишлоғи шарқий томони	41°13	69°49	Қирғоқ бўйи, дарахт ва бута ўсимликлари, арчазорлар, тош ва қоялар, ўрта тоғ ўтлоқи дашт биотопи
3	Чотқол кўриқхонаси	41°19	70°09	Қирғоқ бўйи, дарахт ва бута ўсимликлари, арчазорлар, тош ва қоялар, ўрта тоғ ўтлоқи дашт биотопи
4	Паркент тумани, Оқсоқотасой Шимолий қисми	41°24	69°53	Қирғоқ бўйи, дарахт ва бута ўсимликлари
5	Паркент тумани, Оқсоқотасой Жанубий қисми	41°22	69°53	Қирғоқ бўйи, дарахт ва бута ўсимликлари, арчазорлар
6	Паркент тумани, Нурекотасой	41°24	69°55	Қирғоқ бўйи, дарахт ва бута ўсимликлари
7	Паркент тумани, Кумушқон қишлоғи шарқий томони	41°18	69°51	Қирғоқ бўйи, дарахт ва бута ўсимликлари, арчазорлар
8	Чотқол кўриқхонаси (Терақлисой)	41°18	70°11	Қирғоқ бўйи, дарахт ва бута ўсимликлари, арчазорлар, тош ва қоялар
9	Чотқол тизмаси (яйлов)	41°19	70°03	Ўрта тоғ ўтлоқи дашт биотопи
10	Бўстонлик тумани Сойлик қишлоқ теварағи	41°38	69°45	Қирғоқ бўйи, дарахт ва бута ўсимликлари, тош ва қоялар, ўрта тоғ ўтлоқи дашт биотопи
11	Бўстонлик тумани Оясой	41°39	69°46	Қирғоқ бўйи, дарахт ва бута ўсимликлари
12	Бўстонлик тумани Пском дарё ёқаси (Такёнғоқ қишлоғи теварағи)	41°52	70°19	Қирғоқ бўйи, дарахт ва бута ўсимликлари

I – қирғоқ бўйи, II – дарахт ва бута ўсимликлари, III - арчазорлар, IV – тош ва қоялар, V – ўрта тоғ ўтлоқи дашт биотопи.

Ғарбий Тянь-Шанда олиб борилган орнитологик тадқиқотлар натижасида Passeriformes туркумининг 6 оиласига мансуб 20 турнинг учраши аниқланди. Қуйида мазкур турларнинг учраш биотоплари, кушларнинг мавсумий сони ва 10 гектар майдон бирлигидаги зичлиги келтирилади.

Шохдор тўрғай (*Eremophila alpestris*) – Тянь-Шань тизмасининг денгиз сатҳидан 1000-2700 метр баландликларида уяловчи одатий тур бўлиб, тадқиқотларимиз даврида Чотқол тизмасининг Шимоли-Ғарбий тоғ усти текисликларида (ўрта тоғ ўтлоқи дашт биотопларида) учратилди. Тўрғай 3 тадан 30 тагача кушлардан иборат гала ҳосил қилади. Ушбу биотопда турнинг ўртача зичлиги 10 гектар майдонда 2,32 тадан иборат.

Сўфитўрғай (*Galerida cristata*) – ўтроқ тур ҳисобланади. Баҳор фаслида дарахт ва бута ўсимликлари биотопларида 0,68, қирғоқ бўйи биотопларида 0,27, ўрта тоғ ўтлоқи дашт биотопларида 0,14 куш учратилди. Тур учратилган биотопларнинг умумий майдони 690,5 гектарни ташкил қилиб, унда кушнинг ўртача зичлиги 0,75 тадан иборат. Ёзда фақат арчазорлар биотопларида учратилиб кушнинг зичлиги 0,19 тани ташкил қилади.

Қоратомоқ қораялоқ (*Turdus atrogularis*) – учиб ўтувчи ва кўп сонда қишлоғи тур. Ўрганилган биотопларда куш сони ҳар хил бўлиб дарахт ва бута ўсимликлари биотопида 15,58 куш, қирғоқ бўйи биотопларида 9,63, арчазорларда 11,2 ва ўрта тоғ ўтлоқи дашт ўсимликлари биотопларида 0,16 куш учрайди. Тур учратилган биотопларнинг умумий майдони 816,5 гектарни ташкил қилиб, унда кушнинг ўртача зичлиги 9,15 тани ташкил этди. Қушнинг баҳорги миграцияси апрель ойининг иккинчи декадасигача давом этиши кузатилди.

Тадқиқот даврида учратилган турларнинг биотоплардаги зичлиги

Тур номи	Баҳор		Ёз		Учратилган жойи ва биотопи
	Учратилган сони	Ўртача зичлиги (10 га)	Учратилган сони	Ўртача зичлиги (10 га)	
<i>Eremophila alpestris</i>	-	-	54	2,32	9 (V)
<i>Galerida cristata</i>	53	0,75	3	0,19	2, 9, 10 (I, II, III, V)
<i>Turdus atrogularis</i>	695	9,15	-	-	1, 2, 4, 5, 6, 7, 10 (I, II, III, V)
<i>Myophonus caeruleus</i>	9	0,07	53	0,27	1, 2, 3, 7, 8, 10, 11, 12 (I, II, III)
<i>Monticola saxatilis</i>	2	0,08	8	0,3	8, 9 (I, II, IV, V)
<i>Luscinia megarhynchos</i>	76	0,4	66	0,45	1, 2, 3, 4, 5, 6, 8, 10, 11, 12 (I, II, III)
<i>Parus rufonuchalis</i>	16	0,25	39	1,2	2, 3, 8, 9, 11, 12 (I, II, III, IV, V)
<i>Parus flavipectus</i>	300	3,32	98	2,44	1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 10, 11, 12 (I, II, III, IV, V)
<i>Parus bokharensis</i>	311	3,28	26	0,74	1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 10, 11, 12 (I, II, III, IV, V)
<i>Oriolus oriolus</i>	86	1,39	27	0,39	1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 10, 11, 12 (I, II, III, IV)
<i>Fringilla coelebs</i>	418	5,43	-	-	1, 2, 4, 5, 6, 7, 10, 11 (I, II, III, V)
<i>Serinus pusillus</i>	160	4	89	2,04	3, 5, 8, 12 (I, II, III)
<i>Chloris chloris</i>	146	2,45	47	3	1, 2, 3, 5, 8, 10, 11 (I, II, III)
<i>Carduelis caniceps</i>	4	0,18	-	-	1 (II)
<i>Acanthis cannabina</i>	4	0,18	-	-	1 (II)
<i>Carpodacus erythrinus</i>	84	1,54	14	0,3	1, 2, 5, 12 (I, II, III)
<i>Carpodacus grandis</i>	-	-	1	0,03	8 (I)
<i>Coccothraustes coccothraustes</i>	97	1,77	11	0,38	1, 2, 3, 4, 5, 6, 8, 10, 11, 12 (I, II, III)
<i>Emberiza stewarti</i>	230	3,85	126	2,12	1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8 (I, II, III, IV, V)
<i>Granativora bruniceps</i>	38	0,68	48	0,93	1, 2, 3, 8, 9, 10, 11, 12 (I, II, III, IV, V)

Эслатма: Учратилган жой ва биотопларни ифодалашда 1-12 рақамлар 1-жадвалдаги ҳудудлар номига, I – V рақамлар эса биотоплар турларига мос тартибда келтирилган.

Тоғ майнаси (*Myophonus caeruleus*) – вертикал кўчишларни амалга оширувчи ўтроқ тур ҳисобланади. Баҳор фаслида дарахт ва бута ўсимликлари биотопида 0,06 куш, арчазорлар биотопида 0,09 куш ҳисобга олинди. Тур учратилган биотопларнинг умумий майдони 1298 гектарни ташкил қилиб, унда қушнинг ўртача зичлиги 0,07 тадан ортмайди. Ёз мавсумида дарахт ва бута ўсимликлари биотопида 0,12 куш, қирғоқ бўйи биотопларида 0,68 куш ва арчазорларда 0,02 куш қайд этилди. Тур учратилган биотопларнинг умумий майдони 1490 гектарни ташкил қилиб, унда қушнинг ўртача зичлиги 0,27 тани ташкил қилди.

Ола тош шақшақ (*Monticola saxatilis*) – одатий учиби ўтувчи-уяловчи тур. Баҳор фаслида фақат ўрта тоғ ўтлоқи дашт биотопларида 0,08 та, ёз фаслида эса дарахт ва бута ўсимликлари биотопида 0,64, қирғоқ бўйи биотопларида 0,07, қоя ва тошлардан иборат биотопларда 0,2 куш учратилди. Биотопларнинг умумий майдони 450,5 гектарни ташкил қилиб, унда қушнинг ўртача зичлиги 10 га майдонда 0,3 та атрофида бўлади.

Жануб булбули (*Luscinia megarhynchos*) – учиби ўтувчи уяловчи тур. Баҳорда дарахт ва бута ўсимликлари биотопида 0,49, қирғоқ бўйида 0,29, арчазорларда 0,4 куш учраши аниқланди. Тур учратилган биотопларнинг умумий майдони 1838 гектарни ташкил қилиб, унда қушнинг ўртача зичлиги 0,4 тага етади. Ёзда дарахт ва бута ўсимликлари биотопида 0,48, қирғоқ бўйида 0,43, арчазорларда 0,44 куш учрайди. Тур учратилган биотопларнинг умумий майдони 1490 гектарни ташкил қилиб, унда қушнинг ўртача зичлиги 0,45 тани ташкил қилди.

Сариқ томоқ читтак (*Parus rufonuchalis*) – вертикал кўчишларни амалга оширувчи ўтрок тур. Баҳорда дарахт ва бута ўсимликлари биотопида 0,14, қирғоқ бўйи биотопларида 0,37, ўрта тоғ ўтлоқи дашт ўсимликлари биотопида 0,08, арчазорларда 0,08, тош ва қоялардан иборат биотопларда 0,57, қуш учратилди. Биотопларнинг умумий майдони 851,5 гектарни ташкил қилиб, унда қушнинг ўртача зичлиги 0,25 та атрофида бўлади. Ёзда дарахт ва бута ўсимликлари биотопида 1,92, қирғоқ бўйи биотопларида 0,07, арчазорларда 1,6 қуш учратилди. Тур учратилган биотопларнинг умумий майдони 506,5 гектарни ташкил қилиб, унда қушнинг ўртача зичлиги 1,2 тани ташкил этди.

Сариқтўш читтак (*Parus flavipectus*) – вертикал кўчишларни амалга оширувчи ўтрок тур. Минтақадаги биоторпларда кўп сонли тур сифатида учрайди. Баҳорда қушнинг сони дарахт ва бута ўсимликлари биотопларида 7,2, қирғоқ бўйи биотопларида 3, ўрта тоғ ўтлоқи дашт биотопларида 0,12, арчазорларда 5,7, тош ва қоялар биотопида 0,57 тани ташкил қилади. Тур учратилган биотопларнинг жами майдони 851,5 гектарни ташкил қилиб, унда индивидларнинг зичлиги ўртача 3,32 тадан иборат. Ёз фаслида дарахт ва бута ўсимликлари биотопида унинг сони 4 тани, қирғоқ бўйи биотопларида 1,6, арчазорларда 1,73 тани ташкил қилади. Ёз мавсумида ушбу тур учраши кузатилган биотопларнинг майдони 506,5 гектарни ташкил қилиб, унда қушнинг зичлиги ўртача 2,44 тадан иборат.

Бухоро читтаги (*Parus bokharensis*) – ўтрок тур бўлиб, баҳор фаслида дарахт ва бута ўсимликлари биотопида 8,06, қирғоқ бўйи биотопларида 3,75, ўрта тоғ ўтлоқи дашт биотопларида 0,04, арчазорларда 3,97, тош ва қоялардан иборат биотопларда 0,57 тани ташкил этади. Қуш учратилган биотопларнинг майдони 851,5 гектарни ташкил қилиб, қушнинг зичлиги ўртача 3,28 тани ташкил қилади. Ёзда дарахт ва бута ўсимликлари биотопларида 1,6, қирғоқ бўйи биотопларида 0,48, арчазорларда 0,13 қуш қайд қилинди. Тур учратилган биотопларнинг майдони 506,5 гектарни ташкил қилиб, унда қушнинг зичлиги ўртача 0,74 тадан иборат бўлади.

Зарғалдоқ (*Oriolus oriolus*) – учиб ўтувчи, уяловчи тур. Баҳорда дарахт ва бута ўсимликлари биотопида 3,32, қирғоқ бўйи биотопида 0,23, арчазорларда 0,63 қуш учратилди. Биотопларнинг умумий майдони 561,5 гектарни ташкил қилиб, қушнинг зичлиги ўртача 1,39 тани ташкил қилди. Ёзда дарахт ва бута ўсимликлари биотопида 0,32, қирғоқ бўйи биотопларида 0,55, арчазорларда 0,38, қоя ва тошлардан иборат биотопларда 0,3 қуш учраши намоён бўлди. Ушбу тур учратилган биотоплар майдони 606,5 гектардан иборат бўлиб, қушнинг зичлиги ўртача 0,39 та атрофида бўлади.

Қизилтўш (*Fringilla coelebs*) – қишлоқчи тур ҳисобланади. Тадқиқотларимизда сўнгги қушларни апрель ойининг иккинчи декадасига қадар минтақада учраши қайд этилди. Дарахт ва бута ўсимликлари биотопларида 3,96, қирғоқ бўйи биотопларида 11,7, ўрта тоғ ўтлоқи дашт биотопларида 0,12, арчазорларда 5,95 қуш учратилди. Биотоплар майдони 816,5 гектардан иборат бўлиб, қушнинг зичлиги ўртача 5,43 тани ташкил этади.

Қизил қалпоқли вьюрок (*Serinus pusillus*) – вертикал кўчишларни амалга оширувчи ўтрок тур. Баҳорда дарахт ва бута ўсимликлари биотопида 0,55, қирғоқ бўйи биотопларида 0,55, арчазорларда 10,8 қуш учратилди. Қуш учратилган биотопларнинг майдони 561,5 гектарлигини ҳисобга олганда унинг зичлиги ўртача 10 га майдонда 4 тани ташкил қилди. Ёзда дарахт ва бута ўсимликлари биотопида 1,28, қирғоқ бўйи биотопларида 2,8 тагача бўлади. Ушбу биотоплар майдони 350,5 гектардан иборат бўлиб, қушнинг зичлиги ўртача 2,04 тани ташкил қилди.

Кўк чумчук (*Chloris chloris*) – минтақа тоғларида уяловчи тур. Баҳорда дарахт ва бута ўсимликлари биотопида 1,96, қирғоқ бўйи биотопларида 3,89, арчазорларда 1,51 қуш учрайди. Тур қайд қилинган биотоплар майдони 561 гектардан иборат бўлиб, қушнинг зичлиги ўртача 2,45 тани ташкил қилди. Ёзда фақат арчазорларда учратилиб, унинг зичлиги 3 тадан иборат бўлди.

Бўзбош саъва (*Carduelis caniceps*) – вертикал кўчишларни амалга оширувчи ўтрок тур. Тадқиқот ҳудудида илгари кўп сонли тур сифатида қайд этилган [12]. Ўрганилган районга ўхшаш бўлган Оқсу –Жабағли кўриқхонаси ҳудудида 1960-1966 йилларда 20 та, 1971-1973

йилларда 25 та уяси мавжудлиги аниқланган [7, 2]. 2002 йилнинг июль-август ойларида Пскем водийсининг юқори қисмида 90 та, Қурама тизмасида эса 2003 йил 24-29 апрелда 32 қуш учратилган бўлиб, уларнинг аксарияти жуфт бўлган [8, 9]. Баҳорги кузатишларимизда ушбу турнинг яшаши, кўпайиши учун хос ҳисобланган биотоплар йирик майдонни ташкил қилган бўлсада, фақат бир маротаба (4-майда) 2 жуфт қушнинг дарахт ва бута ўсимликлари биотопларида учраши қайд этилди. Бу ҳолат Ғарбий Тянь-Шань тизмаларида ўтроқ ҳолда яшовчи кенжа тури туркистон бўзбош саъвасининг (*C. c. paropanisi* Kollibay 1910) сони камайиб кетаётганлигини намоён қилади.

Канопчумчуқ (*Acanthis cannabina*) – уяловчи, учиб ўтувчи ва кишловчи тур ҳисобланади. Баҳор фаслида фақат дарахт ва бута ўсимликлари биотопларида бир маротаба 4 қуш қайд этилди. Ушбу фаслда ўрганилган дарахт ва бута ўсимликлари биотопларида унинг зичлиги 0,45 тадан кўп эмас.

Оддий қизилбош чумчуқ (*Carpodacus erythrinus*) – уяловчи, учиб ўтувчи ва кишловчи тур. Баҳорда дарахт ва бута ўсимликлари биотопларида 1,78 та, қирғоқ бўйи биотопларида 1,02, арчазорларда 1,82 тагача учрайди. Тур учратилган биотоплар жами майдони 561,5 гектардан иборат бўлиб, қушнинг зичлиги ўртача 1,54 тани ташкил қилди. Ёзда дарахт ва бута ўсимликлари биотопларида 0,16, қирғоқ бўйи биотопларида 0,45 та бўлади. Ушбу фаслда тур учраши аниқланган 350,5 гектардан иборат биотопларда қушнинг зичлиги ўртача 0,3 тани ташкил қилди.

Ҳисор арча қизилбоши (*Carpodacus grandis*) – вертикал кўчишларни амалга оширувчи ўтроқ тур. 2021 йил 3 июлда Чотқол давлат биосфера кўрикхонаси худудида (Тошкўприксоё) қирғоқ бўйи биотопида бир қуш учратилди.

Болтатумшуқ (*Coccothraustes coccothraustes*) – вертикал кўчишларни амалга оширувчи ўтроқ тур. Дарахт ва бута ўсимликлари биотопларида 2,8, қирғоқ бўйи биотопларида 0,37, арчазорларда 2,14 қуш учратилди. Тур учраши аниқланган 561,5 гектардан иборат биотопларда унинг зичлиги ўртача 1,77 тани ташкил қилди. Ёзда фақат қирғоқ бўйи биотопларида учратилди. Ушбу биотоп умумий майдони 288 гектарни ташкил этиб, унда қушларнинг зичлиги 0,76 тадан иборат бўлади.

Стюарт дехқончумчуғи (*Emberiza stewarti*) – учиб ўтувчи уяловчи тур. Баҳорда дарахт ва бута ўсимликлари биотопларида 3,78, қирғоқ бўйи биотопларида 2,36, ўрта тоғ ўтлоқи дашт биотопларида 0,08, арчазорларда 5,32, тош ва қоялардан иборат биотопларида 7,7 қуш учратилди. Тур учраши қайд этилган жами биотоплар майдони 851,5 гектардан иборат бўлиб, уларда қушнинг зичлиги ўртача 3,85 тани ташкил қилди. Ёз фаслида дарахт ва бута ўсимликлари биотопларида 4,48, қирғоқ бўйи биотопларида 0,76, ўрта тоғ ўтлоқи дашт биотопларида 0,17, арчазорларда 3,5, тош ва қоялардан иборат биотопларида 1,7 қуш учрайди. Тур учраши аниқланган барча биотопларнинг майдони 839 гектардан иборат бўлиб, унда қушнинг зичлиги ўртача 2,12 та атрофида бўлади.

Сариқ дехқончумчуғи (*Granativora bruniceps*) – учиб ўтувчи уяловчи тур. Баҳорда дарахт ва бута ўсимликлари биотопида 0,64, ўрта тоғ ўтлоқи дашт биотопларида 0,47, арчазорларда 0,95 қуш қайд қилинди. Сариқ дехқончумчуғи учраши маълум бўлган ҳамма биотоплар майдони 600,5 гектардан иборат бўлиб, қушнинг зичлиги ўртача 10 га майдонда 0,68 тагача бўлиши аниқланди. Ёзда дарахт ва бута ўсимликлари биотопларида 3,2, қирғоқ бўйи биотопларида 0,14, ўрта тоғ ўтлоқи дашт биотопларида 0,6, арчазорларда 0,5, қоя ва тошлардан иборат биотопларда 0,2 қуш учратилди. Тур учратилган 839 гектардан иборат биотопларда қушнинг зичлиги ўртача 10 га майдонда 0,93 тагача бўлиши ҳисобланди.

Хулоса. Биотопларда турлар баҳор мавсуми давомида нотекис сонда тақсимланган. Масалан, кишловчи, учиб ўтувчи қоратомоқ қораялоқ 4 тадан 342 тагача, қизилтўш 3-253 тагача, уяловчи турлардан – сариқтўш читтак 2-158 тагача, бухоро читтаги – 1-177, қизил қалпоқли вьюрок – 12-136, стюарт дехқончумчуғи – 2-83, кўк чумчуқ – 19-84 тагача, сўфитўрғай – 6-29, жануб булбули – 16-43, зарғалдоқ – 5-73, оддий қизилбош чумчуқ – 22-39, оддий болтатумшуқ – 8-62 ва сариқ дехқончумчуқ – 12-14 тагача учратилди. Худди шундай ёз фаслида сариқтўш читтак дарахт ва бута ўсимликлари биотопида 25 та учратилган бўлса,

кирғоқ бўйи биотопида 46, бухоро читтаги, кизил қалпоқли вьюрок юқоридаги биотопларга мос тартибда 10-14 ва 8-81 тани ташкил қилди. Кўк чумчуқ фақат арчазорларда учраб, ёз давомида 47 қуш ҳисобга олинди.

Кузатув жараёнида тоғ майнаси, сариктомоқ читтак, кулранг тош шақшақ, туркистон бўзбош саъваси, канопчумчуқ ва пушти қизилбош кабилар кам сонли турлар сифатида айрим ҳолларда учраши аниқланди. Ушбу турлар ва уларнинг яшаш жойларига антропоген таъсирлар даражасини юмшатиш, табиий муҳитдан ажратиб олиш миқдорини кескин камайтириш орқали уларнинг популяциясини барқарорлашишига эришиш мумкин. Шу ўринда ҳозирги кунда иқтисодий аҳамиятли ҳисобланган турлардан тартибли фойдаланиш, табиий ресурс сифатида захиралар миқдорини аниқ ҳисобга олиш, оқилона фойдаланишда популяциялар барқарорлигини аниқ прогнозлаш, турлардан узоқ муддат фойдаланиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Белялова Л.Э., Фундукчиев С.Э. Количественная характеристика населения птиц Башкызылсайского участка Чаткальского Заповедника // Труды Чаткальского Биосферного Государственного Заповедника.
2. Тошкент, 2004. Выпуск. 5. – С. 72-106.
3. Губин Б.М. Орнитологические наблюдения в заповеднике Аку-Джабагли [Труды Аку-Джабаглинского заповедника, вып.10]. – Алматы, 2012. – 248 с.
4. Железняков Д.Ф. Материалы к орнитофауне Чирчик-Ангренского водораздела // Труды Среднеазиатского ун-та. Нов. Серия, 1950. – Вып. 13. – С. 25-51.
5. Железняков Д.Ф., Колесников И.И. Фауна позвоночных Горно-лесного заповедника. Труды Горно-лесного зап.- Тошкент, 1958. Вып. 1.– С. 97-100.
6. Кашкаров Д.Ю., Лановенко Е.Н., Фоттелер Э.Р., Остапенко М.М., Сагитов А.К., Шерназаров Э., Бакаев С.Б., Третьяков Г.П., Митропольский О.В., Мекленбурцев Р.Н. Птицы Узбекистана. Ташкент: Фан, 1995. – Том 3. – 276 с.
7. Кашкаров Р.Д., Митропольская Ю.О., Грицына М.А., Тен А.Г., Абдураупов.Т.В. Фауна и система мониторинга позвоночных животных Ташкентской области. – Ташкент, 2020. – 504 с.
8. Ковшарь А.Ф. Авифаунистические особенности крайнего северо-запада Тянь-Шаня // Четвертая межвузовская зоогеографическая конфер. – Одесса, 1966. – С. 130-131.
9. Ковшарь В.А. К авифауне верхней части бассейна реки Пскем // Selevinia – 2002. №1-4. – Алматы, 2003. – С. 135-149.
10. Ковшарь В.А. К авифауне нижней части бассейна реки Пскем и низовьев р. Угам (Западный Тянь-Шань) по материалам экспедиции 2003 г. Selevinia – 2003. – Алматы, 2004. – С. 109-115.
11. Лановенко Е.Н. Исследование орнитофауны Чаткальского биосферного заповедника // Труды Заповедников Узбекистана.– Тошкент, 1997. Выпуск. 2. – С. 45-61.
12. Лановенко Е.Н. Значение Чаткальского заповедника для сохранения биоразнообразия птиц в Узбекстанской части Западного Тянь-Шаня. // Биоразнообразие ЗТШ: охрана и рациональное использование. – Тошкент. 2002. – С. 126-129.
13. Митропольский О.В. Биоразнообразие западного Тянь-Шаня: Материалы к изучению птиц и млекопитающих в бассейнах реки Чирчик и Ахангаран (Узбекистан, Казахстан) // Фауна и население птиц Западного Тянь-Шаня. – Ташкент-Бишкек, 2005. – 166 с.
14. Новиков Г.А. Полевые исследования экологии наземных позвоночных животных. – М.: Изд-во Советская наука, 1949. – 346 с.
15. Рогачева Э.В. Методы учета численности мелких воробьиных птиц // Организация и методы учета птиц и вредных грызунов. Москва, 1963. – С. 117-129.
16. Равкин Ю.С., Доброхотов Б.П. К методике учета птиц лесных ландшафтов во внегнездовое время // Организация и методы учета птиц и вредных грызунов. Москва, 1963. – С. 130-136.
17. Raffael Aye, Manuel Schweizer, Tobias Roth. Birds of Central Asia (Kazakhstan, Turkmenistan, Uzbekistan, Kyrgyzstan, Tajikistan, Afghanistan) - London, 2012. – 336 p.

УЎК 594.5

ҲИСОП ТОҒ ТИЗМАЛАРИ ҚУРУҚЛИК МОЛЛЮСКАЛАРИНИНГ ВЕРТИКАЛ ТАҚСИМЛАНИШИ

Ж.Ж. Жалилов, ассистент, Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали, Термиз

Аннотация. Мақолада Ҳисор тизмалари қуруқлик моллюскаларининг баландлик минтақалари бўйича турли биотопларда вертикал тақсимланиши ва турлар хилма-хиллиги ёритилган.

Калим сўзлар: Ҳисор тизмаси, қуруқлик моллюскалари, минтақа, чўл, адир, тоғ, биотоп, вертикал тақсимланиш.

Аннотация. В статье освещена плотность популяции и разнообразие наземных моллюсков, а также их распределение различных биотопов и вертикальных поясах на Гисарской хребтах.

Ключевые слова: хребта Гисар, наземные моллюски, пояс, чуль, адыр, тау, биотоп, вертикальное распределение.

Abstract. This article is clarified earth mollusks vertical distribute around Kukhitangranges, their various types and their densely population.

Key words: Kuhitangranges, earth mollusks, zones, desert, slope, mountain, vertical distribute.

Ҳисор тоғ тизмасининг жанубий ёнбағирлари қуруқлик моллюскаларининг турли биотоплар бўйича вертикал тарқалиши З. Иззатуллаев томонидан таҳлил қилинган. Сўнгги 40 йил ичида деҳқончилик учун янги ерларнинг ўзлаштирилиши, чорва молларининг боқилиши ва дарахтларнинг кесилиши ҳисобига ўсимликлар қоплами кескин ўзгариб кетди. Дарахтзорлар атрофи, тоғга яқин майдонлар ҳамда Кўхитанг тоғ тизмалари қуруқлик моллюскаларининг вертикал тарқалишининг шарқий қисмидан бошлаб, Сурхон давлат кўриқхонаси ҳудуди ҳамда Майдон дарёси ҳавзалари бўйлаб ўрганилган.

Моллюскаларнинг баландлик минтақалар бўйича тарқалиши асосан ўсимликлар билан боғлиқ, сабаби улар ўсимликлар билан озиқланади, улар остида ҳаёт кечириб, яшаш муҳи тисифатида ҳам фойдаланади. Шунинг учун уларни баландлик минтақалар бўйича тақсимланиши ўсимликларнинг тарқалиши асосида ўрганилади.

Қ.З.Зокиров (1966) ўсимликларни баландлик минтақалар бўйича тарқалишини эътиборга олиб, қуйидаги баландлик минтақаларига ажратади: 1. чўл; 2. адир; 3. тоғ; 4. яйлов.

Ушбу баландлик минтақалар бўйича моллюскаларнинг тарқалиши қуйидагича:

1. Чўл минтақаси. Чўл минтақаси денгиз сатҳидан 300-400 м баландликкача бўлган жойларни ўз ичига олади ва Ўзбекистон майдонининг 70 фоизини эгаллайди. Унинг катта қисмини суғориладиган ерлар, далалар, боғлар, беда плантациялари ва пахта далалари ташкил этади.

Чўл ўсимликлари жазирама иссиқ ва қуруқ иқлим шароитига мослашган. Уларнинг илдизлари жуда узун, барглари майда ёки бутунлай бўлмайдилар, шунинг учун танасидаги нам кам буғланади. Баъзи бир ўсимликлар қиска, сернам ва салқин муддатда ўз ҳаётини тугаллашга улгуради.

Суғорилиб деҳқончилик қилинадиган жойларда табиий ўсимликлар кишиларнинг хўжалик фаолияти натижасида анча сийраклашиб қолган. Шундай бўлсада, ҳайдалмай қолган ерларда табиий ўсимликларни учратиш мумкин. Баҳорда бу ҳудудлар кўм-кўк ўтлар билан қопланади: кўпроқ қорабош, шайтонқовуш, лола, лолақизғалдоқлар ўсиб, ёзда қуриб қолади. Бундан ташқари янтоқ, шувоқ, дарахтлардан жийда, дўлана, чинор, сада ва бошқа ўсимликлар ҳам учрайди.

Чўл минтақасида моллюска вакиллари қуйидаги биотопларда ўрганилди: боғ ва ариқ бўйларидаги турли хил ўтлар ораси, ўзлаштирилмаган ерлар.

а) боғ ва томорқалардаги ўтлар ҳамда сабзавот экинлари орасида: *Xeropicta candaharica* (9), *Candacharia levanderi* (5);

б) ариқлар бўйидаги ўтлар ораси ва тошлар остида: *Cochlicopa nitens* (4), *C. lubrica* (8), *Vallonia costata* (7), *Pupilla muscorum* (8);

в) ўзлаштирилмаган ерлардаги ярим буталар ва бошқа ўсимликлар поясида: *Xeropicta candaharica* (8);

Шундай қилиб, чўл минтақасининг турли биотопларидан қуруқлик моллюскаларининг 6 тури аниқланди.

2. Адир минтақаси. Бу минтақа денгиз сатҳидан 400-500 м. Дан то 1000-1200 м. Гача бўлган баландликларда жойлашган бўлиб, тоғ олди ҳудудларини эгаллайди.

Адирлар икки ҳил экологик регион ўртасида, яъни чўл (ксерофит) ва тоғ (мезофит) лар ўртасида жойлашган.

Адир минтақасида чўлга нисбатан ўсимликлар кўпроқ. Минтақа баҳорда қизил, сарик рангдаги лолалар ва чучмомалар билан қопланади. Адирларда кўнғирбош, ранг, сасир, янтоқ, коврак ва гулхайрилар ўсади. Адирларнинг юқорироқ қисмида зирк, наъматак буталари ва дўлана каби бута ва дарахтлар учрайди.

Адир минтақасида моллюскалар фаунаси қуйидаги биотопларда ўрганилди: ариқ бўйлари, нам жойлар, адир этаклари, буталар орасидаги тошлар ости:

Эслатма. Бу ерда ва бошқа жойларда 1 м² даги моллюскалар сонини кўрсатади.

а) ариқ бўйларидаги ўтлар ораси, тошлар остида интерзонал турлар учради: *Cochlicopa nitens* (3), *C. lubrica* (4), *Vallonia costata* (5), *Vallonia pulchella* (5), *Pupilla muscorum* (8);

б) адир этакларида: *Turcomilax turkestanus* (3), *Candaharia rozeni* (5), *C. kasnokovi* (6), *Candaharia levanderi* (4);

в) майда тошли ёнбағирлардаги буталар орасида: *Gibbulonopsis signata* (14), *Pupilla triplicata* (11), *Xeropicta candaharica* (15);

Шундай қилиб, Ҳисор тоғ тизмасининг адир минтақаларида 12 тур куруклик моллюскалари қайд қилинди.

3. Тоғ минтақаси. Бу минтақа денгиз сатҳидан 1500 м. Ва ундан юқори бўлган баландликдаги ҳудудларни ўз ичига олади. Баландликка кўтарилган сари ҳаво ҳарорати пасайиб, ёғинлар миқдори орта боради. Тоғларда ёз салқинроқ, чўлдагига нисбатан қисқароқ бўлади.

Тоғ минтақасидаги намиқ лим ва қалин ўсимлик қоплами тупроқ таркибида чириндининг кўпайишига шароит яратади. Бўз ва жигарранг тоғ тупроқларида хилмаҳил эфемер, эфемероид ўсимликлар ўсади.

Ҳисор тоғ тизмаларининг бута ва ўт ўсимликлари жуда хилмаҳил бўлиб, тоғнинг ёнбағирларида бетага, далачой, ровоч, тоғялпизи каби ўтлар ўсади, наъматак, зирк, дукчўп ва ирғай каби буталар, юқорироқда эса ўрмонлар учрайди. Тоғ ўрмонларида бодом, писта, дўлана, ўрик, олма, олча, нок, ёнғоқ каби мевали дарахтлар ўсади. Моллюскалар ана шу ўсимликлар билан озикланади.

Ҳисор тизмасининг тоғ ўрмонларини асосан, арчанинг *Juniperus* авлодига мансуб бир неча турлардани борат дарахтлар ташкил этиб, тоғ тизимининг бошқа ҳудудларида тарқалган *Juglans regia* (Грекёғоғи) бу ерларда учрамайди.

Ҳисор тизмасининг тоғли ҳудудларида табиий шароит ва тупроқ таркибига кўра турли моллюска хиллари учрайди.

Ҳисор тизмаларининг тоғ жинслари ва ўрмонлари, ўсимликларининг ўзига хослиги туфайли унда учрайдиган моллюска турлари ҳам бошқа тоғ тизмалардан фарқ қилади.

Тоғ минтақаларида моллюскалар фаунаси қуйидаги биотопларда учради:

а) ўрмон – бутазор биотопи, майда тошли ёнбағирларда: *Sphyradium doliolum* (15), *Gibbulonopsis signata* (21), *Acanthinula aculeate* (7), *Pupilla triplicata* (11), *Ottorozenia varenzovi* (3), *Xeropicta candaharica* (12), *Pseudonapaesus kasnakovi* (2), *Ps. albiplicata* (6), *Ps. erimita* (8), *Ps. sogdiana* (4) та, *Turcolimax turkestanus* (4);

б) кўчки ва харсанг тошлар остида, тошлар ва ўсимликлар қолдиқлари орасида: *Gibbulonopsis nanosignata* (13), *Chondrina granum* (3), *Leucozonella rufispira* (5), *L. retteri* (5), *L. angulata* (6), *Macrochlamys turanica* (4), *M. sogdiana* (1), *Kugitangia hatagica* (4);

в) сой бўйлари ва булоқ суви атрофида ўсаётган ўсимликлар орасида: *Cochlicopa nitens* (11), *C. lubrica* (8), *C. lubricella* (10), *Lauria cylindracea* (3), *Vallonia costata* (13), *Vallonia pulchella* (9), *Pupilla muscorum* (10), *Zonitoides nitidus* (9);

Олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида, Ҳисор тоғ тизмасининг чўл минтақасида 6 тур, адир минтақасида 12 тур, тоғ минтақасида 27 тур куруклик моллюскалари яшаши аниқланди.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, Ҳисор тоғ тизмалари куруклик моллюскаларининг популяция зичлиги ҳар хил биотопларда турличадир. Жумладан, сой

бўйлари ва булоқлар атрофи, ўт ўсимликлар ораси, ўрмон –бутазор биотопи ва майда тошли худудларда популяция зичлиги юқори – 1 м² да 20 - 21 нусхадан; боғ ва томорқалардаги ўтлар, сабзавот экинлари ораси, адир этакларидаги соя жойларларда эса ўртача- 1 м² да 9 тадан 11 нусхадан;

Популяциядаги турлар зичлиги у ёки бу биотопдаги шароитга бевосита боғлиқдир. Масалан, юқорида кўрсатилган биотопларда моллюскалар популяцияси зичлигининг юқори бўлиш сабаби, бу биотопларда тур учун озуқа моддаси кўплиги ва ҳаво ҳароратининг чўл ва адир минтақаларига нисбатан бироз пастлиги билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бабушкин Л.Н., Когай Н.А. Вопросы географического районирования Средней Азии и Узбекистана: Науч.тр. – Вып.231. – 1964.- С. 210 – 224.
2. Закиров К.З. Флора и растительность бассейна реки Зарафшан. Ташкент. Изд-во АН Уз, 1955.-210 с.
3. Пазиллов А., Гаибназарова Ф., Саидов М. Закономерности вертикального распространения наземных моллюсков Узбекистана и сопредельных территорий. Ташкент.из. «Фан», АН РУз., 2014, 191 с.
4. Pазilov A., F.Gaibnazarova, M.Saidov Rare and endangered species of terrestrial mollusk in western Tien Shan.
5. Gaibnazarova F., Karimova Kh., Muhammadiyev Z. “Geographical and ecological analysis of dry mollusks in Uzbekistan and adjacent regions” Volume: 03 Issue: 1 January-February 2021.
6. Gaibnazarova F., Karimqulov A. Composition and distribution of terrestrial molluscs in vertical landscape zones and biotopes. - Novateur publications
7. JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal ISSN No: 2581 – 4230 Volume 7, Issue 3, Mar -2021. p- 177-182.
8. Гаибназарова Ф., Пазиллов А. К Фауне наземных моллюсков (Gastropoda, Pulmonata) хребта Кугитангтау. Материалы конференции «Экология, эволюция и систематика животных» 13–16 ноября 2012 г., Рязань.
9. Пазиллов А., Гаибназарова Ф. Географическая изменчивость конхологических признаков наземного моллюска *Pseudoparacerasartechus* // Материалы VIII Международной научно-практической конференции.- Краснодар, 2014.- С. 128–130.
10. Jalilov J.J. Malakofauna of the gissar reservoir and the gorge ilonli gissar ridge // Jurnal: Asian Journal of Multidimensional Research. India-2021.P. 139-142.
11. Пазиллов А., Гаибназарова Ф., Каримова х чужеродный вид *Monacha carthusiana* (Mollusca, Gastropoda, Pulmonata) как новый промежуточный хозяин нематоды *cystocaulus ocreatus* в узбекистане. Научный вестник Ужгородского университета Серия Биология, Выпуск 40, 2016: 83-85.
12. Жалилов Ж.Ж. Гигрофильные виды наземные моллюски Узбекистана // “Oriental renaissance: innovative, educational, natural and social sciences” issue 3 of the scientific journal. Uzbekistan-2021. 805-811 s.
13. Пазиллов А., Гаибназарова Ф. Конхологическая изменчивость наземного моллюска *Gibbulinopsis signata* с хребтов Байсунтау, Кугитангтау и Бабатаг. «Экология, эволюция и систематика животных» . Рязан - 2012 Материалы международной научно-практической конференции.
14. Жалилов Ж.Ж. Малакофауна водохранилища Гиссар и ущелье илонли Гиссарского хребта // CONFERENCE. “Euro Asian Conference on Analytical Research” 15-october. Германия - 2021. 158 - 161 с.
15. Пазиллов А., Гаибназарова Ф. Видовой состав и изменчивость наземных моллюсков рода *Cochlicopa* Ўзбекистана и сопредельных территорий / Экологические особенности биологического разнообразия: материалы 5 - месяц Международной конференции - г. Хаджент, 2013- С.96-97.

УДК:60:633.11

ВЛИЯНИЯ ГЕНА *RHYA1* НА БИОМЕТРИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛЕЙ И НА УРОЖАЙНОСТЬ ПШЕНИЦЫ (*TRITICUM AESTIVUM L.*)

Ш.А.Султонова, А.А.Болкиев, С.А.Абдуллаев, А.Н.Абдуллаев, Ж.Б.Эшмурзаев, Н.Ш.Обидов, Ф.И.Бабаджанова, Х.А.Убайдуллаева, З.Т. Буриев, Центр Геномики и биоинформатики АН РУз, Ташкент

Аннотация. РНК-интерференция технологияси ёрдамида эртапишар, хосилдорлиги юқори янги биотехнологик линия олиш мақсадида *RHYA1* генетик вектор конструкциясини кузги юмшоқ бугдойнинг “Бардош” навининг етук уругига агробактерия орқали *in planta* трансформация қилинди. *RHYA1* генининг таъсири олинган бугдойнинг янги ген-нокаут линияларини ўсимликнинг бутун вегетация даврида ўсиши ва ривожланишининг биометрик кўрсаткичлари: поя баландлиги, илдиз системасининг ривожланиши, бошоқ узунлиги, бошоқдаги донлар оғирлиги олиб борилган тажрибалар натижасида ўрганилди.

Калит сўзлар: бугдой (*Triticum aestivum L.*), *Agrobacterium tumefaciens* · *in planta* ўсимлик ўзгаришида, юқори ҳосил, ген нокаут

Аннотация. Была проведена агробактериальная *in planta* трансформация векторных конструкций *PHYA1* в зрелые зародыши пшеницы сорта «Бардош» с помощью технологии РНК-интерференции, с целью получения новых биотехнологических скороспелых и высокоурожайных линий пшеницы. В течение вегетации нами изучалось влияние векторных конструкций *PHYA1* на биометрические показатели роста и развития ген – нокаутных линий пшеницы – высота стеблей, длина корней, длина и вес надземных органов в полевых условиях.

Ключевые слова: Пшеница (*Triticum aestivum L.*), *Agrobacterium tumefaciens* · *in planta* трансформация, · высокоурожайность, ген-нокаут.

Abstract. Agrobacterial *in planta* transformation of *PHYA1* vector constructs into mature wheat germ of the Bardosh variety was carried out using RNA interference technology in order to obtain new biotechnological early ripening and high-yielding wheat lines. During the growing season, we studied the effect of *PHYA1* vector constructs on biometric indicators of growth and development of knockout wheat lines - height of stems, length of roots, length and weight of aboveground organs.

Keywords: Wheat (*Triticum aestivum L.*), *Agrobacterium tumefaciens* · *in planta* transformation, high yield, gene knockout.

Эффективность современного сельскохозяйственного производства не позволяет удовлетворить постоянно растущие потребности человечества. Поэтому для решения продовольственной проблемы необходимо в первую очередь повышение урожайности основных продовольственных культур, в числе которых – пшеница.

Пшеница (*Triticum aestivum L.*) является одной из важнейших зерновых культур в мире. К 2050 году общее мировое производство продовольствия должно быть увеличено на 60-70%, чтобы удовлетворить потребности постоянно растущего населения. Эта цель увеличения производства продовольственного зерна может быть достигнута только за счет повышения урожайности сельскохозяйственных культур путем разработки генотипов высокоурожайных сортов пшеницы [1].

Усилиями традиционной селекции получают сорта пшеницы с относительно высокой устойчивостью к тем или иным неблагоприятным факторам, однако в целом проблема повышения урожайности пшеницы и ее устойчивости, стоит по-прежнему остро. Некоторые проблемы решить с помощью классической селекции невозможно или очень сложно. Поэтому, особые надежды возлагаются на генную инженерию, которая, по сути, продолжает направление традиционной селекции по улучшению генотипов полезных растений, но достигает тех же целей более эффективным и быстрым путем. Технология РНК-интерференции (*RNAi*) позволяет использовать широкий круг генов, повышающих устойчивость, выделенных из разных видов растений, и микроорганизмов, для создания трансгенных растений, которые приобретают заранее спланированные свойства устойчивости к стрессам. В настоящее время *RNAi* активно используется для регуляции экспрессии генов растений, животных и микроорганизмов и как метод изучения функциональной геномики организмов. Механизм технологии *RNAi* в клетках может быть запущен с помощью векторных конструкций, кодирующих малые интерферирующие РНК (*siRNA*) [2,3].

Фитохромы являются димерными хромопротеинами, регулирующими реакции растений на красный (R) и дальний красный (FR) свет. Фитохромы, класс фоторецепторов, играют важную роль в восприятии света и прорастании семян.

Прорастание семян регулируется различными факторами окружающей среды, такими как влажность, кислород, температура, свет и питательные вещества. Свет является одним из важных факторов окружающей среды, контролирующей развитие растения и его физиологию. Он затрагивает практически все аспекты роста растений с момента прорастания семян до вегетативного развития, инициацию цветения, контроль циркадного ритма, регуляцию экспрессии гена, гравитропизм и фототропизм. Растения реагируют на свет через несколько систем фоторецепторов. Семейство генов кодирующих фоторецепторы фитохромы,

поглощающие красный свет (R) и дальний красный свет (FR), имеют 5 апопротеинов называемых *PHYA*, *PHYB*, *PHYC*, *PHYD* и *PHYE1* [3].




Рис. 1. Влияние векторных конструкций *PHYA1* на высоту растений, ген-нокаутных линий пшеницы 2019-21 г. Опыт-NPK-100% + *PHYA1*
Контроль - NPK-100%

Рис. 2. Влияние векторных конструкций *PHYA1* на длину корней, ген-нокаутных линий пшеницы 2019-21 г. Опыт- NPK-100% + *PHYA1*
Контроль - NPK-100%

В лаборатории центра Геномики и биоинформатики АН РУз разработано ген-нокаутная конструкция: вектор гена фитохрома A1 (*PHYA1*) [3], предназначенный для подавления функции гена *PHYA1* у растений пшеницы.

Была проведена в лаборатории Трансгеномики и культура тканей агробактериальная *in planta* [4,5,6] трансформация зрелые зародыши мягкой пшеницы сорта «Бардош» с использованием векторной конструкции *PHYA1*, с помощью технологии (*RNAi*), с целью получения новых биотехнологических скороспелых и высокоурожайных линий пшеницы.

В процессе вегетации получили T₁ поколение растений пшеницы. После того был проведен ПЦР анализ на предмет определения трансгенных растений пшеницы. Вследствие чего были получены трансформированные генотипы пшеницы T₂ - T₃ поколение.

В связи с этим, целью исследований являлось изучение влияния векторных конструкций *PHYA1* на биометрические показатели [7] и урожайность ген – нокаутных линий пшеницы в полевых испытаниях.

Полевые опыты с озимой пшеницей были заложены в экспериментальной площадке Центра Геномики и биоинформатики АН РУз, в 3-х кратной повторности [8]. Минеральные удобрения под озимую пшеницу вносили согласно агротехнике и нормам (NPK-100%) [8].

Статистическую обработку полученных данных проводили при помощи компьютерной программы «Microsoft Excel» с использованием общепринятых статистических критериев.

В течение вегетации нами изучалось влияние векторных конструкций *PHYA1* на биометрические показатели роста и развития ген – нокаутных линий пшеницы – высота стеблей, длина корней, длина надземных органов, вес колосьев и зерен.

В опытных вариантах ген-нокаутных линий пшеницы средняя высота 1 стебля растений пшеницы в среднем за вегетацию была выше контроля на 10,7 см, на 11,3 см и на 11,2 см. 2019-2021г (рис. 1.).

Средняя длина ген-нокаутных линий пшеницы 1 корня растений пшеницы в среднем за вегетацию была выше контроля на 3,7 см, на 4,3 см и на 4 см. 2019-2021г (рис. 2.).



Рис. 3. Влияние векторных конструкций *PHYA1* на высоту растений, на длину корней, на длину колосьев и на вес семян ген-нокаутных линий пшеницы 2019-21 г.

Опыт- NPK-100% + *PHYA1*; Контроль - NPK-100%

Видно, что на рис.3 векторный конструкция *PHYA1* действительно хорошо повлияло на высоту растений, на длину корней, на длину колосьев и на вес семян ген-нокаутных линий пшеницы сравнение с контрольным вариантом на фоне полного минерального удобрением (NPK-100%).

В опытных вариантах ген-нокаутных линий пшеницы в фазу созревания количество кущений в среднем на 1 растение было выше контроля на 8,2 шт, на 9,4 шт и на 10,6 шт. 2019-2021г.

Сухой вес колосков ген-нокаутных линий пшеницы на 1 растение было выше контроля на 15,3 г, на 16,7 г и на 15,8 г. 2019-2021г.

Длина колосков ген-нокаутных линий пшеницы на 1 растение было выше контроля на 3,5 см, на 4,1 см, и на 4,2 см. 2019-2021г.

Вес 1000 семян ген-нокаутных линий пшеницы был выше контроля на 5,6 г, на 5,5 г и на 5,8. 2019-2021г.

Таблица 1.

Влияние векторных конструкций *PHYA1* на биометрические показатели и урожай ген-нокаутных линий пшеницы (среднее на 1 растение, 2019-21г, фаза колошение)

Варианты опыта	Кол-во кущений, шт.	Сухой вес колосков, г	Длина колосков, см	Вес 1000 семян, г	Урожай, ц/ га,
2019 г					
Контроль-NPK-100%	10,1±0,58	6,5±0,58	10,7±0,17	39,3±0,79	74±1,9
Опыт-NPK-100%+ <i>PHYA1</i>	18,3±2,03	21,8±4,58	14,2±0,33	50,2± 1,14	79±2,18
2020 г					
Контроль-NPK-100%	9,3±0,33	5,9±0,5	9,2±0,17	34,8±0,47	75,5±0,76
Опыт-NPK-100%+ <i>PHYA1</i>	18,7±0,88	22,6±5,5	13,3±0,29	50,9±0,35	80,2±1,9
2021 г					
Контроль-NPK-100%	9,1±0,33	6,1±0,49	9,7±0,17	38,8±0,47	76,3±0,76
Опыт-NPK-100%+ <i>PHYA1</i>	19,7±0,88	21,9±5,2	13,9±0,29	49,9±0,35	81±1,7

Урожай зерна ген-нокаутных линий пшеницы повысился на 5 ц/ га, на 4,5 ц/ га и на 4,7 ц/ га, по сравнению с контролем 2019-2021г. (табл. 1.).

Таким образом, на основании проведенных исследований можно заключить, что в опытных вариантах с новыми ген-нокаутными линиями пшеницы наблюдались более высокие показатели высоты стебля, длины корня, количества кущений, длины колосьев, а также веса

1000 семя, в связи с чем повысилась урожайность по сравнению с контрольным вариантом на фоне полного минерального удобрения.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Joshi, R., Passner, J.M., Rohs, R., Jain, R., Sosinsky, A., Crickmore, M.A., Jacob, V., Aggarwal, A.K., Honig, B., Mann, R.S. (2007). Functional specificity of a Hox protein mediated by the recognition of minor groove structure. *Cell* 131(3): 530-543.
2. HerveVaucheret, Post-transcriptional small RNA pathways in plants: mechanisms and regulations. *Genes Dev.* 2006 20: 759-771.
3. Nature communications Phytochrome RNAi enhances major fibre quality and agronomic traits of the cotton *Gossypium hirsutum* L. Ibrokhim Y. Abdurakhmonov¹, Zabardast T. Buriev¹, Sukumar Saha², Johnie N. Jenkins², Abdusattor Abdukarimov¹ & Alan E. Pepper³ 1-10 p.
4. Wesley S.V., Liu Q., Wielopolska A., Ellacott G., Smith N., Singh S., Helliwell C. /Custom knock-outs with hairpin RNA-mediated gene silencing.// *Methods Mol Biol.* 2003, 236.-pp.273-86.
5. Supartana P., Shimizu T., Nogawa M., Shioiri H., Nakajima T., Haramoto T., Nozue T., Kojima M. Development of simple and efficient in planta transformation method for wheat (*Triticum aestivum* L.) using *Agrobacterium tumefaciens* // *Journal of Bioscience and Bioengineering.* –2006. – Vol. 102, № 3. – P. 162– 170.
6. Zhao T., Zhao S., Chen H., Zhao Q., Hu Z., Hou Z., Xia Z. Transgenic wheat progeny resistant to powdery mildew generated by *Agrobacterium* inoculum to the basal portion of wheat seedling // *Plant Cell Rep.*– 2006. – Vol. 25. – P. 1199–1204.
7. Лакин Г.Ф. Биометрия. М.: Высшая школа, 1990. С. 284.
8. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. УзПИТИ, Тошкент, 2007, 147 б.

УЎТ 633.2.033.632.78.934.

ҚУШҚҰНМАС ЎТ КАПАЛАГИНИНГ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ ПРЕПАРАТЛАР САМАРАДОРЛИГИ

А.Ф. Хайтмуратов, к.х.ф.д., к.и.х., Термиз Агро-технологиялар ва Инновацион ривожланиш институти, Термиз

О.Я. Алланазаров, докторант, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада Қушқўнмас ўт капалаги (*Pyrameis cardui* L.) нинг биоэкологик хусусиятлари ўрганилиб, унинг қуртларига қарши Виделтаметрин, 10% эм.к. препарати 0,15-0,2 л/га миқдорда қўлланилганда мос равишда 90,0-94,7 %, биологик самарадорликка эришилганлиги Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий ҳудудлари яйлов майдонларида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига асосланиб баён этилган.

Калим сўзлар: яйлов, чакамиг, каррак, қичитқи ўт, капалак, қурт, гумбак, зараркунанда, препарат, биологик самарадорлик.

Аннотация. В статье представлены результаты опытов по изучению биоэкологической развития Репейница, или Чертополоховка (*Pyrameis cardui* L.) и против его гусенице рекомендован препарат Виделтаметрин, 10% к.эм., которые получил биологический эффективности 90,0-94,7 %, в норме расхода 0,15-0,2 л/га в пастбищах южных и центральных регионов Республики Узбекистана.

Ключевые слова: пастбищ, чертополохе, каррак, крапиве, бабочка, гусеница, куколка, вредител, препарат, биологический эффективности.

Abstract. The article studied the bioecological properties of the *Vanessa cardui*(*Pyrameiscardui* L.) and its anti-worm Videltametrine, 10% em.k. Based on the results of studies conducted on pastures in the southern and central regions of Uzbekistan, the biological efficiency was achieved at a dose of 0.15-0.2 l / ha, respectively, 90.0-94.7%.

Key words: pastures, thistle, carrak, nettle, butterfly, larvae, pupa, pest, drug, biological effectiveness.


Кириш. Яйловлардан самарали фойдаланишдаги муҳим вазифалардан бири яйлов ўсимликларини ҳашаротлардан ҳимоя қилиш. Чунки уларнинг яйлов ўсимликларига келтириладиган зарари жуда катта бўлиши мумкин.

Фитофаг ҳашаротларнинг яйлов ўсимликларига зарари оқибатида яйловлар озуқа захиралари айрим йиллари 25-36 фоизгача камайиши қайд қилинган [3]. Шунингдек Самарқанд вилояти яйловларида В.В.Корниенко томонидан шувоқ одимчиси устида

тадқиқотлар ўтказилиб, бу зараркунанда туфайли кўриладиган зарар 33-37 фоизни ташкил этиши аниқланган [2].

Яйлов ўсимликлар қоплами учун энг хавфли ва жиддий зарар етказувчи зараркунанда ҳашарот турларидан Чакамиғ, яъни кушқўнмас ўт капалаги (*Pyrameis cardui L.*) бўлиб, у вақти вақти билан оммавий кўпайиш хусусиятига эга бўлганлиги сабабли, ривожланиши учун қулай бўлган йиллари яйлов ўсимликларига жиддий зарар етказади[5].

Тадқиқот методи: Чакамиғ, яъни кушқўнмас ўт капалагини ўрганиш ва унга қарши кураш бўйича илмий тадқиқотларни Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий ҳудудлари яйлов майдонларида 2017-2020 йиллар мобайнида олиб бордик. Тадқиқотларда Фенологик ва фаунистик кузатиш ишлари В.П.Паллий, зараркунандаларга қарши қўлланилган химоя воситаларининг дала тажрибаларида биологик самарадорлигини Ш.Т. Хўжаев услубларидан фойдаланилди [4;6;]. Тажрибалардан олинган маълумотлар Б.А.Доспехов услуби бўйича математик таҳлил қилинди [1].



1-расм. Чакамиғ, яъни кушқўнмас ўт капалаги, қурти ва ғумбаги

Тадқиқот натижалари: Чакамиғ, яъни кушқўнмас ўт капалаги (*Pyrameis cardui L.*) – Тангача қанотлилар (*Lepidoptera*) туркумининг, Нимфалидлар (*Nymphalidae*) оиласига мансуб йирик кундузги капалак. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, тиниқ рангли олдинги қанотларини орқа қанотлари орасига шундай яшириб оладики, уларнинг фақат учи кўриниб туради. Қанотларининг ташқи томони оч қўнғир пушти, қора холлари бор; олдинги қанотларининг учки томони қора, оқ холлари бор. Қуртлари ҳар хил мураккабгулдошлар-чакамиғ, каррак, қичитқи ўт, янтоқ ва бошқа ўсимликларда озиқланиб ривожланади. Ғумбаклари ана шу ўсимликларда, кўпинча чакамиғда очиқ ҳолда ёпишиб туради.

Кузатишларимизга кўра, капалаклар жанубий вилоятларда ва чўл ҳудудларда апрель ойининг иккинчи, шимолий вилоятлар ва тоғ яйловларида учинчи 10-кунлигида учиб чиқа бошлайди. Навоий вилоятининг Нурота тоғ этакларида апрель охири май ойининг бошларидан тухумлар пайдо бўлади. Шундан 5-7 кун ўтиб қуртлари чиқиб, ўсимликларнинг юмшоқ барглари билан озиқлана бошлайди. Қуртлари 28-32 кун мобайнида ривожланиб, ғумбакка айланади.

Ғумбаклик даври 7-9 кунда ўтиб, янги авлод капалаклари учиб чиқади. Тадқиқотларимиздан аён бўлдики, чакамиғ, яъни кушқўнмас ўт капалаги Ўзбекистон шароитида беш марта насл беради. Чўл ҳудудларида зараркунанда ёз иссиғидан химояланиб июнь ойи охридан августнинг иккинчи ярмига қадар диапаузани ўтказади. Тоғли ҳудудларда эса ёзги тиним даври кузатилмайди.

Чакамиғ, яъни кушқўнмас ўт капалаги вақти–вақти билан оммавий кўпайиш хусусиятига эга бўлиб, унинг оммавий кўпайиши, ривожланиши учун қўлай келган 2019 йилда кузатилди. Республикаимизнинг барча ҳудудларида, айниқса Навоий вилоятининг Нурота, Конимех, Хатирчи Самарқанд вилоятининг Қўшрабат, Булунғур, Жомбой, Нуробод; Қашқадарё вилоятининг Яқкабоғ, Деҳқонобод, Ғузор; Сурхондарё вилоятининг Узун, Сариосиё, Бойсун, Шеробод; Жиззах вилоятининг Фориш, Зафаробод, Ш.Рашидов номли туманлари яйлов ҳудудларида зараркунанда капалакларининг оммавий учуши кузатилиб Самарқанд, Навоий, Жиззах шаҳарларидаги манзарали дарахтзорларга, паркларга учиб келганлиги кузатилди.

Тадқиқотлардан аниқландики чакамиғ, яъни кушқўнмас ўт капалаги қуртлари яйлов майдонларига туташ экилган полиз экинларини ҳам зарарлаши мумкин экан.

Чакамиғ, яъни кушқўнмас ўт капалаги (*Pyrameis cardui* L.)– капалаклар туркумининг Нимфалидлар оиласига мансуб кундузги йирик капалак бўлиб ҳисобланади. Қуртлари ҳар хил мураккабгулдошлар- чакамиғ, каррак, қичитқийўт ва бошқа ўсимликларда озикланиб ривожланади. 2019 йилда дастлаб апрель ойининг биринчи ярмида Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари яйловларида, май ойига келиб бутун республика ҳудудида капалакларнинг оммавий учиши кузатилди. Мавсум давомида қуртлари чакамиғ, каррак, қичитқийўт ва янтоқларда кўп микдорда ривожланди.

1-жадвал

Кушқўнмас ўт капалаги ҳашаротига қарши Виделтаметрин, 10% эм.к. инсектицидининг биологик самарадорлиги

Дала тажрибаси, Навоий вилояти, Кармана тумани, “Саноат” участкаси, К-90 моторли қўл пуркагичи (120 л/га), 21-05. 2019 й.

Вариантлар	Сарф-меъёри, л/га	Қуртларнинг зичлиги, дона/м ²				
		Дори сепиш-гача	Дори сепилгандан кейинги кунларда:			
			1	3	7	14
Виделтаметрин, 10% эм.к.	0,15	13,5	7,0	3,0	1,7	1,6
Бу ҳам	0,2	16,3	8,3	2,0	1,0	0,9
Атилла супер, 10% эм.к. (андоза)	0,25	20,3	10,0	4,5	4,6	3,5
Назорат (дорисиз)	-	17,4	17,2	17,2	15,4	14,6
Биологик самарадорлик, кунларга,%						
Виделтаметрин 10% эм.к.	0,15	13,5	49,5	80,7	87,9	90,0
Бу ҳам	0,2	16,3	50,4	89,3	91,8	94,7
Атилла супер, 10% эм.к. (андоза)	0,25	20,3	58,8	84,5	85,8	86,7
Назорат (дорисиз)	-	17,4		-	-	-
ЭҚФ ₀₅ =			2,8	1,6	1,2	0,8

Навоий вилоятининг Кармана тумани, “Саноат” участкаси яйловларида 2019 йил 19 майдан 5 июнгача кузатув ва кушқўнмас ўт капалаги қуртларига қарши Виделтаметрин, 10% эм.к. препарати синаб кўрилиб қуйидагича натижа олинди. Препарат 0,15 л/га микдорда қўлланилганда: 1 кундан кейин 49,5%, 3 кундан кейин 80,7%, 7 кундан кейин 87,9%, 14 кундан кейин 90,0% биологик самара олинди. Оширилган сарф-меъёрда (0,2 л/га) қўлланилганда эса: 1 кундан кейин 50,4%, 3 кундан кейин 89,3, 7 кундан кейин 91,8%, 14 кундан кейин эса 94,7% биологик самарадорликка эришилди.

Андоза ўрнида ишлатилган Атилла, 10% эм.к. препаратининг (0,25 л/га) биологик самарадорлиги 1 кундан кейин 58,8%, 3 кундан кейин 84,5%, 7 кундан кейин 85,8%, 14 кундан кейин 86,7% ни ташкил этди. Тажрибада синовдан ўтказилган препаратлар кушқўнмас ўт капалагига қарши ишлатиш учун тавсия этиш мумкинлигини кўрсатди (1-жадвал).

Тажриба учун танланган майдоннинг ўсимликлар қоплами асосан чакамиғ, янтоқ, каррак каби тиконли, зич ўсадиган ўсимликлардан иборат бўлиб, айниқса серёғин келган 2019 йил мавсуми бу ўсимликлар ривожла-нишига янада қулай келиб, гуркираб ўсди. Шу сабабли, яйлов ҳудудларида ўсимликлар зичлиги ортиб, зараркунандаларнинг ҳимояланишига замин яратилди. Бу эса, ўз навбатида тажрибадаги препаратларнинг самарадор-лигига ҳам таъсирини кўрсатди.

Хулоса: Кушқўнмас ўт капалаги қуртлари 28-32, ғумбаги 7-9 кун мобайнида ривожланиб, янги авлод капалаклари учиб чиқади. Ўзбекистон шароитида беш марта насл беради. Чакамиғ, яъни кушқўнмас ўт капалаги яйлов ўсимликларининг хавфли зараркунандаси бўлиб, оммавий кўпайганда чорва озуқасига жиддий зарар етказиши мумкин.

Кушқўнмас ўт капалаги қуртларига қарши Виделтаметрин, 10% эм.к. препарати 0,15 л/га микдорда қўлланилганда: 90,0%, 0,2 л/га сарф-меъёрда қўлланилганда эса: 94,7% биологик самарадорликка эришиш мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М.: Агропромиздат, 1985.-432 с.
2. Корненко В.В. “Полынные пяденицы как вредители полыни на пастбищах Самаркандской области и меры борьбы с ними. Автореф. дисс... к.с/х.н. – Тошкент, 1967. – 22 с.

3. Махмудов М.М., Мукимов Т.Х., Ортиқова Л.С., Саттарова Г.А. Арид минтақаси яйловлари ўсимликларининг асосий зараркунанда ва қасалликлари. //“Ўсимликларни ҳимоя қилишда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг ўрни ва истиқболлари.” мавзусидаги Республика илмий – амалий конференция мақолалар тўплами (2016 йил, 22-23 декабрь) –Тошкент: ”Навруз”. - 2016. -Б.316-321.

4. Палий В.Ф. “Методика фенологических и фаунистических исследований насекомых” Фрунзе .1966 г. 238 с.

5. Хайтмуратов А.Ф. Вредная энтомофауна пастбищ Узбекистана и меры борьбы с ней. // Ж. Бюллетень науки и практики. 2019 г. Т. 5, №1. С. 217-223.

6. Ходжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик актив моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. –Тошкент: «КО'НИ-NUR», 2004. – 103 б.

УДК 595.752.2

ОСОБЕННОСТИ ГЕОГРАФИЧЕСКОЙ И СЕЗОННОЙ ИЗМЕНЧИВОСТИ В РАЗВИТИИ ТЛЕЙ (НОМОРТЕРА, АРНИДИНЕА)

А.К.Хусанов, д.б.н., Андижанский государственный университет, Андижан

М.Ш.Джурраев, докторант, Андижанский государственный университет, Андижан

З.С.Абдукадилова, соискатель, Андижанский государственный университет, Андижан

Аннотация. Ушбу мақолада Фарғона тизмасининг турли географик минтақаларида яшовчи *Aphididae* оиласига мансуб шираларнинг баъзи турларининг географик ва мавсумий ўзгарувчанлик хусусиятлари келтирилган. Бундан ташқари шираларнинг морфологик хусусиятлари ҳам батафсил таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: шира, микроэволюция, ҳаёт тўлқинлари, мослашиш, автохтонлар, шираларнинг морфологик ўзгарувчанлиги, морфометрик белгилар, пси-квадрат.

Аннотация. В данной статье приводятся характеристики географической и сезонной изменчивости некоторых видов тлей семейства *Aphididae*, обитающих в различных географических регионах Ферганского хребта. Также подробно анализировано морфологические особенности тлей.

Ключевые слова: тли, микроэволюция, жизненные волны, адаптация, автохтоны, морфологическая изменчивость тлей, морфометрические признаки, пси-квадрат.

Abstract. This article presents the characteristics of the geographical and seasonal variability of some species of aphids of the *Aphididae* family living in different geographical regions of the Fergana Range. The morphological features of aphids are also analyzed in detail.

Key words: aphids, microevolution, life waves, adaptation, autochthons, morphological variability of aphids, morphometric characters, psi-square.

Тли, насекомые с ярко выраженной морфологической изменчивостью. Среди них встречаются разновидности, отличающиеся друг от друга в сезонном, вертикально-региональном, географическом, экотопном и других аспектах. Экологический фактор – любой элемент среды, способный оказывать влияние на организм. Экологические факторы могут влиять на поведение и уровень активности насекомых, на ход обменных процессов, морфогенез и развитие. Развитие и изменение численности тлей связано с воздействием различных экологических факторов. В этом отношении абиотические факторы имеют особые значения и они служат причиной увеличения или уменьшения численности тлей в течении определенного периода.

Цель данного исследования, изучить особенности географической и сезонной изменчивости тлей некоторых районах Ферганского хребта (Майлисай и Ханабад). Научная значимость результатов исследования обосновывается применением классических и современных методов, соответствием полученных теоретических результатов с результатами экспериментов. Практическая значимость работы заключается в том, что полученные результаты служат научной основой защиты естественного ландшафта от комплекса вредителей. В связи с этим изучение и идентификация видов данных насекомых, составление их каталогов, а также применение научно обоснованных методов борьбы с ними становится одной из самых актуальных задач.

Микроэволюция - это эволюционный процесс, который происходит в популяциях видов и приводит к изменениям их генофонда, что в конечном итоге приводит к появлению новых видов. В микроэволюции на характер процессов большое влияние оказывают: разделение, жизненные волны, мутации, естественный отбор. Эволюционирующая система, в отличительной особенности, граница прогрессивного или регрессивного развивающегося процесса, всегда приводят эволюцию быть в той или иной степени мозаичной. Когда адаптация достигает достаточного уровня относительно фактора, изменчивость в этом направлении прекращается [11, 12, 13].

В дивергенции морфологические признаки тлей являются ключевым фактором в их кормовой растительности и адаптации к ней. Другие факторы окружающей среды в ряде случаев несомненно оказывают прямое воздействие на тлей через кормовые растения [12, 14, 15, 16, 20].

Key words: horticultural farms, soil, agrochemical composition and properties, amount of humus, nitrogen, phosphorus, potassium, type and degree of salinity, anion, cation, dry matter, total amount of salts.

Кириш. Бухоро вилояти Бухоро туманида суғориладиган тупроқлар бир неча асрдан буён ўзлаштириб, ўзларига хос ва мос агроирригацион қатламлардан иборат. Агроирригацион қатлам айрим жойларда 2.5-3.0мм ни ташкил этиб, тупроқ кесмасида бўз рангли ҳар хил ҳолатда зичланган, намланган, енгил ва ўрта соз бўлиб, морфологияси, физикавий, кимёвий, минералогик ва бошқа хоссалари томонидан зональ ёки минтақавий тупроқлардан кескин фарқ қилади. Бироқ ҳозирги Ўзбекистонда, шу жумладан Бухоро вилояти суғориладиган тупроқларининг классификациясини сув режимига қараб уларни ирригацион автоморф, ўтувчи ва ирригацион гидроморф тупроқларга тақсимланиши ёки ажратилиши кўпгина олимлар фикрича тупроқлар пайдо бўлиш жараёнларининг ички механизмлари тўла ифодаланмайди.

Суғориладиган ерларнинг асосий майдони Зарафшон дельтасида жойлашган. Мазкур рельеф шакллариининг кўриниши ва тузилиши жихатдан пасттекисликлардан тўлқинсимон ва косасимон антропоген ландшафтлардан ташкил топган. Бу ўзаро терраслар бир-бири билан Зарафшон дарёсининг эски ирмоқлари билан ажралган.

Материал ва методика. Бухоро вилояти Бухоро туман Боғикалон МФЙ ҳудудидаги МЧЖ “СиёвушАгро” боғдорчилик фермер хўжалиги ривожланган қадимдан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларида юқорида қайд этилган омиллардан ташқари она жинси, рельефи, сизот сувлари ва бошқалар энг асосийларидан бири агроирригацион ётқизикларнинг суғориладиган далаларида етилишига бевосита боғлиқдир. Чунки тупроқ профилида янги аллювиал бирикмаларининг тўпланиши натижасида антропоген тупроқ ҳосил бўлиши биологик жараёнларни сифат ва миқдор жихатдан ўзгаришига олиб келади.

Шу сабабли Бухоро туман Боғикалон МФЙ ҳудудидаги МЧЖ “СиёвушАгро” боғдорчилик фермер хўжалигидаги тупроқлар гуруҳларидан морфологик тузилиши хоссалари ва хусусиятлари билан кескин фарқ қилади, бу эса уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини кўпайтириш ишларини мақсадли ва атрофлича бажарилиши учун суғориладиган тупроқларнинг хосса ва хусусиятларини, шунингдек, сув, физик, озуқа режимларини янги маълумотлар ва кўрсаткичлар билан бойитиш талаб этилади.

Тажриба натижалари. Бухоро туман Боғикалон МФЙ ҳудудидаги МЧЖ “СиёвушАгро” боғдорчилик фермер хўжалигидаги тупроқларида агрокимёвий таҳлил ўтказилганда куйидаги натижалар маълум бўлди (1-жадвал).

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан шу кўриниб турибдики, интенсив пакана олма боғлардан олинган тупроқларни “Ўздаверлойиха” институти “Бух.вил.ерлойиха” бўлинмаси лабораториясида агрокимёвий таҳлиллар қилинганда тупроқларни чуқурлиги билан тупроқдаги агрокимёвий хоссаларини ўзгариши ва чуқурлик ошиши билан бу кўрсаткичлар камайиб бориши аниқланган.

Бухоро туман Боғикалон МФЙ ҳудудидаги МЧЖ “СиёвушАгро” боғдорчилик фермер хўжалигида қадимдан суғориладиган тупроқлардаги минерал элементларини олинган

тупроқларда кесмаларда чуқурлиги ошиши билан озуқа элементларнинг камайиши кузатилган (2-жадвал)

1-жадвал

**Бухоро туман Боғикалон МФЙ худудидаги МЧЖ “СиёвушАгро” боғдорчилик фермер хўжалиги
тупроқларининг агрохимёвий хоссалари**

кесма	чуқур- лиги см	ишқорийлик		Cl		SO ₄		Ca		Mg	
		ум.НСО ₃ %	ум.НСО ₃ мл	%	мл.экв	%	мл.экв	%	мл.экв	%	мл.экв
А	0-32	0.024	0.40	0.018	0.49	0.080	1.67	0.022	1.10	0.005	0.40
В	32-62	0.038	0.62	0.014	0.39	0.050	1.04	0.016	0.80	0.006	0.49
С	62-85	0.029	0.48	0.018	0.49	0.051	1.03	0.015	0.75	0.007	0.54
сизот суви	90см	0.195	3.20	0.175	4.99	0.400	8.33	0.5	7.49	0.012	5.14
Ер ости суви	10м	0.188	3.08	0.315	8.88	0.340	7.08	0.136	6.29	0.072	5.93

2-жадвал

**Бухоро туман Боғикалон МФЙ худудидаги МЧЖ “СиёвушАгро” боғдорчилик фермер хўжалиги
тупроқларида озуқа элементларининг миқдори**

кесма	Чуқурлиги, см	Гумус, %	P ₂ O ₅ , мг/кг	K ₂ O, мг/кг
А	0-32	0.7708	15.0	171.0
В	32-62	0.7520	14.0	214.3
С	62-85	0.7332	13.0	195.0

2-жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, Бухоро туман Боғикалон МФЙ худудидаги МЧЖ “СиёвушАгро” боғдорчилик фермер хўжалигида парвариш қилинадиган интенсив пакана олма боғлари тупроқларини агрохимёвий хоссалари ўрта кўрсаткичга эга ҳисобланади. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, 0-85см чуқурликда гумус миқдори 0.7332-0.7708%ни ташкил қилади, бу кўрсаткич қадимдан суғориладиган тупроқлар учун паст ҳисобланади, фосфор-13.0-15.0мг/кг ва калий миқдори эса 171.0-214.3мг/кгни ташкил қилади.

Мазкур интенсив пакана олма боғларининг тупроқлари шўрланиш типи ва даражаси кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

**Бухоро туман Боғикалон МФЙ худудидаги МЧЖ “СиёвушАгро” боғдорчилик фермер хўжалиги
тупроқларини шўрланиш типи ва даражаси**

кесма	чуқурлиги, см	шўрланиш типи	Шўрланиш даражаси
А	0-32	Хлорли сульфат	Кам шўрланган
В	32-62	Хлорли сульфат	Кам шўрланган
С	62-85	Хлорли сульфат	Кам шўрланган
Сизот суви	90см	Хлорли сульфат	Кам шўрланган
Ер ости суви	10м	хлорли	Кам шўрланган

3-жадвалда келтирилган маълумотлари шундан далолат берадики, МЧЖ “СиёвушАгро” боғдорчилик фермер хўжалигини тупроғи типи хлорли сульфат ҳисобланиб, шўрланиш даражаси эса кам шўрланган тупроқлар тоифасига киради. 2020-2021 йиллар давомида МЧЖ “СиёвушАгро” боғдорчилик фермер хўжалигини қадимдан суғориладиган аллювиал тупроқларида интенсив олма ва нок навлари парвариш қилинмоқда. Тажриба натижалари шуни кўрсатадики, амал (вегетация) даврида дарахтлар томчилатиб усулида суғорилган. Суғоришни кунаро муддатда, ўтказилган, сув миқдори 2-3мартага тежалган.

Мазкур хўжалик тупроқларининг рН муҳити шкаласи 7.69-8.19 бўлиб, муҳит эса кучсиз ишқорий ҳисобланади ва бу ҳолат интенсив боғларда олмани пакана вегетатив пайвандтагларда ўсиш, ривожланиш ва мўл ҳосил беришига имконият яратилади.

Хулоса. Юқорида келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, қадимдан суғориладиган аллювиал тупроқларини етарли даражада органик ўғитлар билан таъминлаш муҳим агротехник омил ҳисобланади. Ана шунда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда юқори ва сифатли интенсив олма ва нок навларини парваришlashда тупроқнинг унумдорлигини сақлаб қолиш ва оширишга имконият яратилади. Шунингдек, юқорида келтирилган илмий-тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, қадимдан суғориладиган

аллювиал тупрокларни унумдорлигини ошириш ва сақлаш ҳамда мевали интенсив пакана вегетатив пайвандтагларга уланган олма ва нок дарахтларига тўғри шакл бериш, замонавий тежамкор томчилатиб суғориш усулини қўллаш, олма ва нок пайвандтагларига аҳамият бериш катта аҳамиятга эга бўлиб, интенсив боғларда эса ҳосилдорлигини ошириш ҳамда мева сифатини тубдан яхшилашга олиб келади. Пировард натижада мева етиштиришни иқтисодий самарадорлигини оширади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Юнусов Р., Акрамова П., Курбонов Р. Бухоро туман суғориладиган тупрокларнинг таснифи. Қишлоқ хўжалигида экологик муаммолар. Республика миқёсидаги онлайн илмий-амалий анжуман материаллар тўплами. Бухоро 2020, 17-18 декабр, 188-189 бет.
2. Арипов А.У., Арипов А.А. Уруғлик интенсив мева боғлари. Т., Шарк, 2013й, 156б.
3. Studying the different formations of apple trees in intensive orchards. European Journal of Agricultural and Rural Education (EJARE) Available Online at: <https://www.scholarzest.com> Vol. 2 No. 4, April 2021, ISSN: 2660-5643
4. Юнусов Р., Умаров К.У., Каримов Б.Ш. Боғдорчилик. Т., Ўзбекистон миллий файласуфлар жамияти., 2016й, 186б.
5. Ганиева Ф.А., Юнусов Р. Бухоро вилояти шароитида интенсив олмазорларда ўсиш ва ҳосилдорликнинг нав-пайвандтаг комбинациялари ҳамда кўчат қалинлигига боғлиқлиги. Монография. Б.Дурдона, 2021й, 102б.
6. Ганиева Ф.А., Юнусов Р., Рост и развитие вегетативно-размножаемых подвоев яблони в зависимости от плотности посадки. Столица науки., М., 2021.
7. Ganieva F.A., Yunusov R., Economical innovative basis for the care of intensive stunted apple varieties. ajmr. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) <https://www.tarj.in> Vol 10, Issue 6, June 2021
8. Ганиева Ф.А., Сатторова М.М. Влияние засоления почв на экологическое состояние орошаемых земель и физиологические процессы, протекающие в растениях. Вестник науки и образования. 21(99).часть 2, 2020..

УДК 631.6:631.62:573.6

ПЛАНИРОВАНИЕ РЕМОНТНО-ВОССТАНОВИТЕЛЬНЫХ РАБОТ ОТКРЫТОГО КОЛЛЕКТОРА ШУРУЗЯК С ЦЕЛЬЮ УЛУЧШЕНИЯ МЕЛИОРАТИВНОГО СОСТОЯНИЯ ОРОШАЕМЫХ ЗЕМЕЛЬ

А.И. Долидудко, докторант, НИИ ирригации и водных проблем, Ташкент
М.Н. Рахимова, докторант, НИИ ирригации и водных проблем, Ташкент

Аннотация. Мақоллада Сirdaryo viloyatidagi kollektor-zovur tarmog'i va uning bugungi holati, Sho'ruzak ochiq kollektorining sug'oriladigan yerlarning meliorativ holatiga ta'siri haqida qisqacha ma'lumotlar berilgan. Maqolada kollektorni qurish, ishlatish va ta'mirlash-tiklash ishlarini tahlil qilish uchun ma'lumotlar keltirilgan.

Калит со'злар. Ochiq kollektor, ta'mirlash-tiklash ishlari, Sho'ruzak, namuna olish, buzilmaydigan nazorat usullari, meliorativ holat

Аннотация. В статье приводится краткая информация коллекторно-дренажной сети Сырдарьинской области и ее состояние на сегодняшний день, а также влияние открытого коллектора Шурузьяк на мелиоративное состояние орошаемых земель. Статья содержит материалы анализа строительства, эксплуатации и ремонтно-восстановительных работ коллектора.

Ключевые слова. Открытый коллектор, ремонтно-восстановительные работы, Шурузьяк, отбор проб, неразрушающие методы контроля, мелиоративное состояние

Abstract. The article provides brief information on the collector-drainage network of the Syrdarya region and its state today, as well as the impact of the open collector Shuruzyak on the reclamation state of irrigated lands. The article contains materials for the analysis of the construction, operation and repair and restoration work of the collector.

Keywords. Open collector, repair and restoration work, Shuruzyak, sampling, non-destructive control methods, land reclamation

Введение. Специфика гидродинамического и гидрохимического режима требует локального подхода к размещению дренажных систем. На небольших участках создаются замкнутые водооборотные системы, обеспечивающие регулирование объема и качества дренажных вод, используемого на орошение или для других нужд[1].

В мире особое значение имеет развитие получения высоких урожаев сельскохозяйственных культур в различных климатических условиях, учитывая мелиоративное состояние земель, уровень грунтовых вод и их минерализацию, а также проведение целевых научно-исследовательских работ направленных на разработку методик повышения надежности эксплуатации коллектора[2]. В связи с этим одной из важнейших задач является совершенствование способов повышения устойчивости откосов коллектора.

Задачами исследований является разработка комплексного подхода к эксплуатации и планирование ремонтно-восстановительных работ на коллекторно-дренажных системах, учитывающих обязательное проведение альтернативных мероприятий, не противопоставляя, их друг другу, а находя их рациональное сочетание.

Материал и методы. Коллектор Шурузяк был построен в 1912-1915 годах. Глубина коллектора была небольшая – 1,5-2,0 м. По мере освоения новых земель коллектор неоднократно реконструировался. По съёмке 1926 года его глубина составляла 1,5-4,0 м. В 1957 году, после очередной реконструкции, средняя глубина коллектора достигла 4,5 м, в верхней части 2,0-3,5 м, в нижней – 5-8 м. В 1970 году его глубина была доведена до 2,5 – 9,0 м. Общая протяжённость КДС системы составила 1033,9 км[3].

Заглубление коллекторов и дрен производилось постепенно. Выполнить реконструкцию с заглублением сразу до необходимых глубин было не возможно в связи с тем, что грунты верхних покровных мелкозёмов на Шурузякском массиве по своим водно-физическим свойствам близки к плавунным грунтам. При превышении градиента напора определённой величины, откосы коллекторов и дрен начинают оплывать, вызывая деформацию и заплывание русла. В связи с этим русло коллектора Шурузяк при очередной реконструкции заглублялось приблизительно на 1,0 м. Затем заглублялась вся коллекторно-дренажная сеть. В результате уровни грунтовых вод понижались – создавались условия для следующей реконструкции.

К середине 1960-х годов строительство коллекторно-дренажной сети по расчётной протяжённости было почти завершено. Однако достигнуть расчётной глубины коллекторов и дрен в сложных гидрогеологических условиях старой зоны орошения Голодной степи при напорных подземных вод в подстилающих слоях и неустойчивости откосов оказалось весьма сложным, а в отдельных местах практически невозможным. Возникла необходимость в поиске других путей решения проблемы борьбы с вторичным засолением земель.

Результаты и обсуждение. Коллектор Шурузяк, протяжённостью 65,17 км имеет строительные параметры, рассчитанные на пропуск расчетного расхода в 38,0 м³/с. В постоянную эксплуатацию был принят в 1912 году и за последнее время на ПК0+50 не пропускает расхода более 10 м³/с[4].

Коллектор является водоприемником вод основных коллекторов Гулистанского района Куйботган, ВШ-Х, ВШ-5, ВШ-9, ВШ-11, ВШ-11а, со стороны Сайхунабадского района Овражный, Кендик, Сырдарьинского района ВЖД, ВШ-25, ВШ-19, ВШ-30, ВШ-34, Малек, Чегара, ВОВ, Шаркий.

Дренируемая площадь брутто более 27,54 тыс.га. Коллектор рассчитан на пропуск максимального расхода 38,0 м³/с, имеет поперечное сечение по дну $b=3,0-4,0$ м, $h=5,0-9,0$ м, уклон дна $i=0,00009-0,00012$, скорость течения $V=0,9-1,2$ м/с, шероховатость $n=0,033$ и заложение откосов до бермы $m=2,0$, а выше бермы $m=1,5$. На всем протяжении коллектора $H_{стр}=5,0$ м.

Глубина залегания грунтовых вод в зависимости от отметок рельефа колеблется от 0 до 3,5 м. Уровень грунтовых вод с начала года до апреля в связи с инфильтрацией атмосферных осадков поднимается на 0,5-1,0 м достигая максимальной величины, затем до ноября понижается до первоначального уровня.

Зона влияния коллектора охватывает орошаемые земли Шурузякского понижения площадью 27,54 тыс.га, преимущественно занятые хлопчатником, зерновыми и рисом. Также, вдоль коллектора имеется большое количество рыбных хозяйств (рис. 1).




Рис. 1. Схема магистрального коллектора Шурузяк

Таблица 1

Результаты анализа химического состава воды

Код пробы	pH	ЕСw, dS/m	Плотный остаток, г/л	Содержание растворимых ионов, г/л миллиграмм эквивалент/литр					
				HCO_3^-	Cl^-	SO_4^{2-}	Ca^{2+}	Mg^{2+}	Na^+
2	8,2	2,28	2,170	0,129	0,190	0,942	0,220	0,156	0,075
				2,116	5,358	19,596	11,000	12,823	3,246
4	7,9	2,3	2,455	0,117	0,190	1,016	0,260	0,132	0,105
				1,919	5,358	21,136	13,000	10,850	4,562
6	7,9	1,88	1,880	0,108	0,150	0,798	0,190	0,108	0,097
				1,771	4,230	16,601	9,500	8,878	4,224
8	7,9	2,37	2,465	0,117	0,170	1,111	0,270	0,156	0,080
				1,919	4,794	23,104	13,500	12,823	3,494
10	7,9	2,34	2,670	0,081	0,100	0,465	0,150	0,078	0,000
				1,328	2,820	9,670	7,500	6,412	0,000
б/н	7,9	1,89	1,700	0,117	0,160	0,613	0,160	0,138	0,000
				1,919	4,512	12,750	8,000	11,344	0,000

Коллектор Шурузяк обеспечивает водоотведение части коллекторно-дренажного стока со «старой» зоны орошения Голодной степи. Средняя минерализация воды в нем изменяется в настоящее время от 1,7 до 2,6 г/л (Таблица-1).

По показателю рН вода различается мало, кроме пробы № 2 и составляет соответственно 7,9. Вода оценивается, как слабощелочная, и не имеет отрицательных свойств по показателю рН и пригодна для орошения сельскохозяйственных культур данной территории.

Пробы воды также мало различаются по значению ЕС, по плотному остатку, хлору и другим ионам: ЕС колеблется в интервала от 1,9 до 2,4 dS/m, минерализация (плотный остаток): от 1,7 до 2,7 г/л, а содержание хлора от 0,10 до 0,19 г/л.

Из расчета гипотетического состава солей следует, что преобладают сульфатные соли – слаборастворимый сульфат кальция 35...48 % от общего содержания солей и токсичный (более растворимый) сульфат магния 25...45 % от общего содержания солей.

В соответствии с западными классификациями, вода коллектора Шурузяк характеризуется, как «солончатая вода», как по общему количеству солей, так и по электропроводности. По показателю опасности осолонцевания почвы (SAR) вода не опасная, а по содержанию хлор-иона (Cl) – вода средне опасная для полива сельхозкультур. За счет повышенной минерализации, эту воду рекомендовано использовать для орошения, но, как «орошение под контролем».

Вода оценивается преимущественно как «очень жесткая, кальциевая и магниевая», показатель 9,2...11,9 мг-экв/100 гр почвы. Только проба № 10 - имеет чуть меньшую жесткость-7,0 мг-экв /100 г.

Коллектор, обеспечивающий водоотведение коллекторно-дренажных вод из орошаемой зоны Сырдарьинской области, где открытый горизонтальный дренаж, построенный в 50-е годы, на сегодняшний день не даёт необходимого эффекта.

Причинами являются:

- оплывание откосов открытых дрен и коллекторов из-за слоистого строения суглинистых и мелких пльвунных песков профиля почвогрунтов;

- в этой зоне имеется значительный подземный приток с Чирчик-Ангренского бассейна под руслом реки Сырдарья обуславливает субнапорные воды на территории Баяутского, Шурузякского, Сардобинского понижений;

- ирригационные каналы различного уровня в земляном русле, имеющие несколько низкий КПД, что обуславливает большую нагрузку на дренаж;

- построенные в 60-70 годы системы скважин вертикального дренажа дали эффект, но в настоящее время их срок давности истек, расходы скважин, построенные с металлическими обсадными трубами имеют низкий КПД из-за падения дебита и недостатка погружных насосов для эксплуатации;

- в виду неудовлетворительного состояния, проявленного в виде прорастания растительностью (камышы и др.) береговой линии и донной части коллектора наблюдается снижение транспортирующей скорости воды в коллекторе вызывающий ускоренный процесс заиления и подпора;

- участки с гидротехническими сооружениями и конструкциями, не соответствующих современным нормам и требованиям эксплуатации (стойки, сваи мостов и т.д.), создающие искусственный подпор, приводящий к повышению нормального уровня воды в коллекторе;

- заиление подводящих каналов к насосным станциям, забирающим воду из коллектора Шурузяк. Для забора воды насосными станциями частично перекрывается русло коллектора не инженерными сооружениями - «туганами»;

- уровень воды коллектора в концевой части на период паводков (ранней весной, февраль-апрель) оказывается ниже уровня воды среднего течения реки Сырдарья, в виду этого также наблюдается подпор, приводящий к негативным последствиям для близ прилегающей территории;

- хозяйственные постройки несоответствующие требованиям – Положения “О водоохраных зонах водохранилищ и других водоемов, рек, магистральных каналов и

коллекторов, а также источников питьевого и бытового водоснабжения, лечебного и культурно-оздоровительного назначения в Республике Узбекистан” за № 174 от 7 апреля 1992 г., а также Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об утверждении положения о порядке установления водоохраных зон и зон санитарной охраны водных объектов на территории Республики Узбекистан» за № 981 от 11 декабря 2019 г.;

- отсутствие доступа для служб эксплуатации к устьевой части действующего коллектора обусловлено заболачиванием и густым прорастанием растительности по причине непосредственной близости старого русла коллектора.

Радикальным направлением улучшения обстановки является переустройство оросительных и дренажных систем позволяющих резко уменьшить удельный водозабор на орошение и понижение уровня грунтовых вод, а также создать гидромелиоративные системы технически современного уровня.

Выводы. В результате многолетних исследований были сделаны следующие выводы:

1. Построенная коллекторно-дренажная сеть дала положительный эффект по рассолению почво-грунтов и опреснению грунтовых вод. Однако глобального рассоления земель не произошло.

2. Для дальнейшего рассоления земель необходимо снять напорность подземных вод. Горизонтальный дренаж может лишь в незначительной степени ослабить напорность подземных вод, но снять её полностью не может. Напорность подземных вод усиливает оплывание откосов открытых коллекторов и дрен.

3. Окончательное решение проблемы может быть достигнуто при совместной работе вертикального и горизонтального дренажей. Вертикальный дренаж должен полностью снять напорность подземных вод, а горизонтальный дренаж обеспечить снижение уровней грунтовых вод.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Чембарисов Э.И., Мирзакобулов Ж.Б., Ананова К.К., Забиров Ф.М. Коллекторно-дренажные воды среднего течения бассейна р. Сырдарья, Сборник трудов научных чтений «Современные энерго- и ресурсосберегающие, экологически устойчивые технологии и системы сельскохозяйственного производства», Рязань, 2017, С. 150-153.

2. Хамраев Ш.Р., Долидудко А.И. Гидрохимические характеристики коллекторно-дренажных вод Сырдарьинской области. Наука и инновации в XXI веке: Актуальные вопросы, открытия и достижения: сборник статей XXVI Международной научно-практической конференции. – Пенза: МЦНС «Наука и Просвещение». – 2021. – 122-124 с.

3. Чембарисов Э.И., Рахимова М.Н., Долидудко А.И. Гидрологические и гидрохимические характеристики коллекторно-дренажных вод среднего течения бассейна р.Сырдарья. Международная научно-практическая конференция “Гидрометеорология, изменение климата и мониторинг окружающей среды: актуальные проблемы и пути их решения” Ташкент 7 мая 2021 г., стр. 147-150.

4. Isaev S.X., Radjabov T.T., Dolidudko A.I.– Influence of inorganic fertilizers on cotton crop yield in saline soils//Bulletin of Science and Practice. 2018, 4 No7, pp 160–165.

5. Хамраев Ш.Р., Долидудко А.И. Влияние открытой коллекторно-дренажной сети на мелиоративное состояние орошаемых земель. Сборник статей XXXIX международной научно-практической конференции Москва 15 сентября 2021 г.: «Научно-издательский центр «Актуальность.РФ», 2021. – 6-9 с.

6. Dolidudko A., Rakhimova M. – Method of Increasing the Reliability of the Open Horizontal Drainage System for the Purpose of Managing the Melioration Regime of the Syrdarya Region//International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. ISSN: 2350-0328. India, Vol. 8, Issue 9, September 2021 pp. 18109-18114.

УЎК:633.15:581

ШИРИН МАККАЖЎХОРИНИ ТУРЛИ МУЛЬЧАЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИДА ЎСТИРИШИ

И.А.Сапарниязов, ўқитувчи, Нукус давлат педагогика институти, Нукус
С.Т.Санаев, к/х.ф.д., доц., ТошДАУ Самарқанд филиали, Самарқанд

Аннотация. Мақолада Қорақалпоғистон шароитида сабзавот (ширин) маккажўхориני ўстиришида мўльчаланнинг турли материалларидан фойдаланилганда тупроқ ҳароратига таъсири, ўсимликларнинг униб чиқиши ва ҳосил органлари ривожланишига таъсири,

вариантлараро ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: сабзавотчилик, мульчалаш материаллари, нав, Замин ва Мегатон F₁, тупроқ, ҳарорат, ўсимлик, ҳосилдорлик.

Аннотация. В статье приведены информации об использовании материалов мульчирования влияющие на температуру почвы, на растительную (сахарную) кукурузу в условиях Каракалпакстана, с использованием различных методов мульчирования, влияния почвы на рост растений, формирование растений, рост, развитие и продуктивность растений.

Ключевые слова: овощеводство, материалы мульчирования, сорт, Замин и Мегатон F₁, почва, температура, растения, урожайность.

Abstract. The article provides information on the effects of soil melting in vegetable (sweet) corn in the conditions of Karakalpakstan, using the methods of mulching, which influence on soil, on the growth of plants, formation, development and productivity of the plants.

Keywords: Horticulture, mulching options, variety, Zamin and Megaton F₁, soil, temperature, plant, productivity.

Сабзавот (ширин) маккажўхори уруғларини униб чиқиши, уни ўсиши ва ривожланишини бошқаришда ўсимликни экиш муддати ва турли мульчалаш материалларида мульчалаб ўстириш муҳим омил ҳисобланади. Қорақалпоғистон шароитида сабзавот (ширин) маккажўхорини мульчалаб етиштириш тупроқнинг умум-физик хоссалари, намлик, иссиқлик ва озик режимини бошқариш имконини берди.

Мульчалаш тупроқни сутка давомидаги ва ўртача суткалик ҳарорати ҳамда самарали ҳарорат миқдорига таъсир кўрсатиб, ўсимликни ўсиши ва ривожланишига қулай шароит яратишини бир қатор тадқиқотларда айтиб ўтишган (Ш.Т.Холиқулов, 2007).

Сабзавот (ширин) маккажўхорининг танланган Замин нави ҳамда Мегатон F₁ дурагайи турли мульчалаш материалларида экиб ўстирилганда ривожланиш фазаларнинг ўтиши ва давомийлиги таҳлил қилинди.

Фенологик кузатувлар натижалари шуни кўрсатдики, Замин нави ва Мегатон F₁ дурагайи уруғларининг тез униб чиқиши қора плёнка билан мульчаланганда қайд этилиб, уруғлар экилгандан сўнг 9- кун кузатилди. Кўмир кукуни, қора кум, ёғоч қипиғи билан мульчаланганда ҳамда мульчасиз вариантларда нисбатан 2-3 кун кеч қайд этилди. Назорат вариантда кеч униб чиқиш билан бир қаторда кўчатларнинг нисбатан сийрак униб чиқиши ҳам кузатилди.

Сабзавот (ширин) маккажўхорининг Замин нави турли мульчалаш материалларида ўстирилганда униб чиқишда, 7-баргнинг шаклланиши 14-15 кунда, 7-барг шаклланишидан рўвакларга 33-35 кун, рўваклардан рўвакнинг гуллашига 4-кун, рўвакнинг гуллашидан сўталашга 12-14 кун, сўталашдан сут пишишга 13-15 кун, сут-мум пишишга фазаларининг давомийлиги 4-5 кун давом этди. Замин навининг ўсув даври давомийлиги мульчалаш усулларига қараб 81-84 кун давом этди. Мульчасиз экилган назорат вариантда сабзавот сўталарининг йиғиб олишга кетган давр 81 кунни, қора плёнка билан мульчаланган вариантда 83 кунни, гўнг билан мульчаланган вариантда вегетация даври 84 кунни ташкил қилди. Бошқа мульчалаш материалларида ўстирилганда сўталарнинг техник етилишига сарфланган вақт 82 кундан иборат бўлди.

Шундай қилиб, сабзавот (ширин) маккажўхорини мульчалаб экиш унинг ўсув даври давомийлигини назорат вариантыга (мульчасиз) нисбатан 2-3 кунга узайтирди. Мульчалаш таъсирида ўсимликни ўсув даври давомийлигини узайтириши ўсимликда биологик ва физиологик жараёнларни фаоллиги ошганлиги, уни потенциал имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга шароит бўлганлигидан тушунтирилади.

Сабзавот (ширин) маккажўхорининг ажратилган Мегатон F₁ дурагайи ҳам турли мульчалаш материалларида ўстирилиб, унинг фенологик фазаларининг давом этиши Замин навидан кескин фарқланмади. Бунда ҳам сабзавот сўталарининг сут-мум пишишига бўлган

давр мульчалош материалларига қараб 80-84 кунни ташкил қилди. Сабзавот сўталарининг эрта етилиши мульчасиз назорат вариантда қайд этилиб, ўртача 80 кунни ташкил этди. Қора плёнка билан мульчаланганда эса 83 кунни, гўнг билан мульчалаб ўстирилган вариантда сўталарнинг тайёр бўлишига 84 кун сарфланганлиги аён бўлди.

Сабзавот (ширин) маккажўхориноқора плёнка ҳамда гўнг билан мульчалош материалларида ўстириш мульчалашнинг бошқа материалларида, яъни ёғоч кипиғи, кўмир кукуни, қора кум билан мульчаланганга нисбатан сабзавот маккажўхори Замин нави ва Мегатон F₁ дурагайи сўталарининг техник етилиш даври назорат вариантга нисбатан 1-3 кунгача узайиши кузатилди.

Сабзавот (ширин) маккажўхорининг Замин нави турли мульчалош материалларида ўстирилганда ўсимлик бўйи 172,4 см дан 177,8 см гача бўлди. Тажриба вариантларида баланд бўйли ўсимликлар қора плёнка билан мульчаланганда (177,8 см) ҳамда гўнг билан мульчаланганда (177,4 см) қайд этилди. Сабзавот (ширин) маккажўхорининг Мегатон F₁ дурагайи ҳам энг баланд бўйли ўсимликларнинг қайд этилиши қора плёнка билан мульчаланганда кузатилиб 169,4 см ни ташкил этди. Замин навида бош пояда биринчи сўтанинг жойлашиш баландлиги вариантлараро 25,3-26,8 см оралиғида қайд этилиб, кескин фарқ бўлмади. Мегатон F₁ дурагайида эса дастлабки сўтанинг жойлашиш баландлиги мульчалош материалларига қараб 28,9-31,3 см да бўлди. Сабзавот (ширин) маккажўхорининг мульчалош материалларида ўстирилганда тупланганлик, яъни ён поялар ҳосил бўлиши Замин навида 2,4-2,9 донани, Мегатон F₁ дурагайида 0,6-0,7 донадан иборат бўлди.

Бош поядаги баргларнинг ҳосил бўлиши эса Замин навида 11,2 донадан 12,6 донагача, Мегатон F₁ дурагайида 11,5 донадан 12,9 донагача бўлди. Кўп баргланган ўсимликлар асосан қора плёнка ва гўнг билан мульчаланган вариантда кузатилди. Умуман олганда, сабзавот (ширин) маккажўхори нав ва дурагайлари етиштиришда мульчалош материалларидан фойдаланиш ўсимликни ўсиш ва ривожланишини бирмунча жадаллаштирди, ҳосил элементларига ижобий таъсир кўрсатиб, юқори ҳосил олишга замин яратди.

Сўталар ҳосил бўлишида мульчалашнинг аҳамияти сезиларли бўлди, яъни уруғларни экишда қора плёнка билан мульчаланганда бир тупда 3,6 донагача, гўнг билан мульчаланганда 3,5 донагача сўта ҳосил бўлди. Мегатон F₁ дурагайида ҳам сўталарнинг шаклланишига мульчалош материаллари таъсирини кўрсатиб, сўта пайдо бўлиш 2,0 донадан 2,6 донагача ошди.

Сабзавот (ширин) маккажўхорини нав ва дурагайлари мульчалош материали ўсимликни ер остки қисмларини, хусусан илдиз тизимини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Замин нави турли мульчалош материалларида ўстирилганда ҳўл илдиз вазни 181,7 г дан 191,3 г гача ортиб борди, ушбу илдиз қуруқ вазни эса 154,2-170,2 г ни ташкил қилди. Сабзавот (ширин) маккажўхорининг Мегатон F₁ дурагайида турли мульчалош материалларида ер остки ҳўл ва қуруқ вазни шаклланиши Замин навида қайд этилган қонуният асосида бориб, бу ерда ҳам энг юқори ҳўл илдиз ҳажми 168,0-168,4 г, қора плёнка ҳамда гўнг билан мульчаланган вариантда кузатилди. Шу билан бир қаторда қуруқ илдиз вазни 151,5 г ни, ҳўл илдиз ҳажми 151,4 см³ ни ташкил этди. Замин нави ва Мегатон F₁ дурагайларида пояннинг ҳўл вазни 336,0 г дан 351,8 г гача, қуруқ вазни 288,9 г дан 326,6 г гача ортиб борди. Бош поядаги барглар вазни эса ҳўл ҳолатда 72,0-90,8 г, қуруқ ҳолатда 64,8-80,8 г ни ташкил қилди, барглар сони эса ўз навбатида вариантлараро ҳар бир тупда 11,5-26,4 донани ташкил қилди.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикасининг суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида сабзавот (ширин) маккажўхорининг асосий экин сифатида ўстиришда, турли мульчалош материаллари ёрдамида мульчалош ўсимликларнинг мақбул ўсиб ривожланишини таъминлади. Айниқса, қора плёнка ва гўнг билан мульчаланганда ўсимликларнинг баланд пояли, сербарг бўлиши, ер остки ва ер устки органлари вазнининг кўп бўлишига олиб келди. Бу ўз навбатида баргларнинг ассимиляция фазасининг ортишига, пировардида дон ҳосили элементларининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Тадқиқотларимизда сабзавот (ширин) маккажўхори Замин нави ҳамда Мегатон F₁ дурагайи турли мульчалош материалларида яъни, қора плёнка, гўнг, ёғоч кипиғи, кўмир кукуни, қора кум ёрдамида мульчалаб ўстирилди. Мульчалош материаллари сабзавот (ширин) маккажўхори маҳсулдорлик кўрсаткичларига сезиларли таъсир қилди. Сабзавот (ширин) маккажўхори Замин навида вариантлар бўйича ҳар тупдан асосий бош поядан 1,6-2,1 донагача товар сўталар олинди. Мегатон F₁ дурагайида эса товар сўталар чиқиши 1,7-2,1 донани ташкил қилди. Кўп сўтали ўсимликлар асосан гўнг ва қора плёнка билан мульчалаб экилган

вариантларда қайд этилиб, бир тупда 2,0-2,1 донагача товар сўталар ҳосил бўлди. Ўртача бир дона товар сўталар вазни ўрганилган нав ва дурагайда вариантлар орасида 235,5 г дан 256,2 г гача ортиб борди.

Сўталарининг узунлиги ва диаметри ўлчанганда дастлабки сўта узунлиги 23,6-26,3 см ни, иккинчи сўта узунлиги эса 20,3-23,9 см ни, биринчи шаклланган сўталар диаметри 4,2 см дан 5,5 см гача, иккинчи бўлиб шаклланган сўталар диаметри 3,9 см дан 4,6 см гача қайд этилди.

Ҳосилдорлик. Сабзавот (ширин) маккажўхорининг Замин нави ҳамда Мегатон F₁ дурагайи турли мульчалош материалларида ўстирилиб, унинг ҳосилдорлиги таҳлил қилинганда Замин навида йиллар ва мульчалош материаллари бўйича ҳосилдорлик гектарига 9,1 т дан 11,9 т гача ўзгарди. Мульчасиз экилган вариантда ҳосилдорлик тажриба йилларида гектарига 9,1-9,7 т ни, ёғоч қипиғи билан мульчаланганда 10,5-11,3 т ни, қора кум билан мульчаланганда 10,3-11,2 т ни, кўмир кукуни билан мульчаланганда 10,8-11,7 т ни ташкил этди. Энг юқори ҳосилдорлик гўнг ва қора плёнка билан мульчаланганда қайд этилиб, гектарига 11,1-11,6, 11,9-12,6 т бўлди.

Ҳосилдорлик кўрсаткичлари Мегатон F₁ дурагайида ҳам мульчалош материалларига қараб ўзгариб борди. Мульчасиз назорат вариантда ҳар гектаридан энг паст ҳосил (9,7-10,1 т) олинган бўлса, энг юқори ҳосилдорлик (12,8-13,4 т) қора плёнка билан мульчалаб экиб ўстирилганда қайд этилди. Назоратга нисбатан юқори ҳосилдорлик гўнг билан мульчалош ҳисобига олиниб, ўртача гектаридан 12,1-12,7 т ни ташкил қилди. Ёғоч қипиғи, кўмир кукуни ва қора кум билан мульчалаб ўстиришда ҳосилдорлик гектарига 11,0-12,3 т оралиғида қайд этилди. Мульчалош материаллари ҳамда йиллар бўйича ўртача ҳосилдорлик гектарига Замин навида 9,4-12,2 т, Мегатон F₁ дурагайида 10,1-13,1 т бўлди.

Хулоса. Сабзавот (ширин) маккажўхори Замин нави ва Мегатон F₁ дурагайи гўнг ва қора плёнка билан мульчалош гектаридан 2,1-3,0 т ёки назоратга нисбатан 22,6-29,8 % юқори ҳосил олинди.

Умуман олганда сабзавот (ширин) маккажўхори етиштиришда гўнг ва қора плёнкадан мульчалош материали сифатида фойдаланиш товарбоп сўталар чиқимиға ижобий таъсир этиб юқори ҳосилдорликни таъминлар экан.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Остонақулов Т.Э., Нарзиева С.Х., Бурхонов Ш. Ширин маккажўхори (селекцияси, уруғчилиги ва юқори ҳосил олиш технологияси). Т., 2007, 119 б.
2. Холиқулов Ш.Т., Ғозиев Г.Ч. Суғориладиган типик бўз тупроқлар хоссаларига мульчалошнинг таъсири. // Ўзбекистон биология журнали. – 2007. - № 2. – Б. 28-33.
3. Санаев С.Т., Амонтурдиев И., Сапарниязов И.А. Эртаги муддатда сабзавот (ширин) маккажўхоридан юқори ҳосил олиш технологияси. // O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi № 3 2020 36-6

УЎК: 631.312:631.51

БОҒ ҚАТОР ОРАЛАРИ ТУПРОҒИГА ИШЛОВ БЕРУВЧИ КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТНИНГ ИШЛАШИ

Т.С. Худойбердиев, т.ф.д., проф., Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти, Андижон

А.М. Абдуманнопов, таянч докторант, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти, Андижон

Аннотация. Янги боғларнинг қатор ораларидан 4...6 йил давомида полиз-сабзавот экинларини экиб, фермерлар томонидан қўшимча даромад олишларининг имконияти мавжуд. Лекин кўп холларда боғ қатор оралари кузда шудгорланган бўйича фойдаланмай қолиб кетмоқда. Сабаби, боғ қатор ораларини тайёрлаш учун қишлоқ хўжалик агрегати бир неча марта қатор ораларига кирмоқда. Бу эса харажатларни кўпайишига олиб келмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда агрегатнинг бир ўтишида (ёки бориб келишида) боғ қатор ораларини полиз-сабзавот экинларини экишга тайёр холга келтирувчи комбинациялашган агрегат яратилди. Илмий мақолада яратилган агрегатни синаш натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: Боғ қатор, полиз-сабзавот экинлари, айланма панжали юмшатгич, универсал ўқ-ёй панжали юмшатгич, кесак майдалагич, теккислагич, пушта олгич, пуштага шакл бергич.

Аннотация. У фермеров есть возможность высаживать бахчевые и овощные культуры на 4...6 лет между рядами новых садов и получать дополнительный доход. Причина в том, что сельскохозяйственный агрегат несколько раз заходит в междурядье для подготовки междурядий огорода. Это приводит к увеличению затрат. С учетом этого за один проход (или возврат) агрегата создан комбинированный агрегат, который подготавливает грядки к посадке бахчевых и овощных культур. В научной статье представлены результаты испытаний созданного агрегата.

Ключевые слова: огородный ряд, бахче-овощные культуры, роторно-кулачковый умягчитель, универсальный стреловидный умягчитель, фрез-измельчитель, планировщик, ворсоуборщик, ворсоформ.

Abstract. There is an opportunity for farmers to plant melons and vegetables for 4 ... 6 years between rows of new orchards and earn extra income. The reason is that the agricultural unit enters the row spacing several times to prepare the garden row spacing. This leads to increased costs. With this in mind, in one pass (or return) of the unit, a combined unit was created, which prepares the garden rows for planting melons and vegetables. The scientific article presents the results of testing the created aggregate.

Keywords: Garden row, melon-vegetable crops, rotary claw softener, universal arrow-claw softener, cutter grinder, leveler, pile picker, pile shaper.


Охирги йилларда боғларни ташкил қилишга ва интенсив боғларни яратишга катта эътибор берилмоқда. Хозирда Республикамизда **301479** гектар ерларда боғлар яратилган бўлиб, шундан **97775** гектар майдондаги боғ қатор ораларидангина унумли фойдаланилмоқда [1]. Шундан келиб чиққан холда боғларнинг кўчатларини парвариш қилиш, уларнинг хосилдорлигини орттириш, уларга тушадиган зараркунандаларга қарши курашиш, хосилини йиғиб олиш ва боғ қатор ораларига ишлов бериш ишларини самарали олиб бориш давлат томонидан топширилган муҳим вазифа бўлиб, юқоридаги ишларни бажариш учун техник воситаларни яратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Данакли мевали дарахтлар4–6 йилгача, уруғли мевали дарахтлар эс 5–8 йилгача боғ қатор ораларига полиз-сабзавот экинларини экиб, фермерлар томонидан кўшимча даромад олиш имкониятларининг борлиги махсус тавсияномаларда кўрсатилган [2].

Боғ қатор ораларига ишлов берувчи техникалар охирги пайтларда хилма-хил бўлиб бормоқда[3,4]. Кўплари боғ қатор ораларидаги бегона ўтларни қуритишга ва кўчатлар орасига ишлов беришга мўлжалланган бўлса, кўплари тупроқни юмшатиш ва шудгорлашга бағишланган. Лекин боғ қатор оралари тупроқларига ишлов бериш, 4...6 йил давомида кўшимча даромад олиш учун, ҳар хил полиз-сабзавот экинларини экиш бўйича ишлар етарли даражада олиб борилмаётганини айтиш мумкин. Кўп боғ қатор оралари кузда шудгорланган бўйича қатор ораларидан умуман фойдаланмай қолиб кетмоқда. Бундай бўлишининг асосий сабабларидан бири, қатор ораларига ишлов бериб, ерни тайёрлаш учун кўп харажатни талаб қилишидир. Чунки ерларни тайёрлаш учун, яъни кузги шудгорлашдан кейин эрта баҳорда шудгорланган ерларни юмшатиш, йирик кесакларни майдалаш, тупроқ юзасини текислаш ва суғориш ариқларини очиш керак бўлади. Хозирги даврда ҳар бир технологик жараёни бажариш учун боғ қатор ораларига қишлоқ хўжалик агрегатининг алохида-алохида кириши керак бўлади. Бу эса харажатларни кўпайтиради. Ҳамма технологик жараёнларни бирданига бажарувчи комбинациялашган агрегат эса ҳали ишлаб чиқилмаган. Бу эса шу йўналишдаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Шу мақсадда Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти олимлари томонидан боғ қатор ораларида агрегатнинг бир ўтишида (ёки бир бориб келишида) тупроққа ишлов бериб, полиз ёки сабзавот уруғларини экиш учун тайёрловчи комбинациялашган агрегатнинг лойихаси тайёрланиб, шу асосда унинг синов варианты тайёрланди[5].

Кўйида комбинациялашган агрегатнинг ён томонидан ишчи органларнинг бирига нисбатан жойлашув схемаси кўрсатилган, 1-расм.




1-расм. Комбинациялашган агрегатишчи органларининг жойлашув схемаси

Ишчи органларнинг жойлашуви боғ қатор ораларида бажариладиган жараёнларнинг кетма-кетлигига мос тушгани учун шу схема қабул қилинди. Агар тракторнинг қуввати барча жараёнларни бирданига бажаришга етса, агрегат жараёнларни бир ўтишда бажаради. Агар тракторнинг қуввати камлик қилса, боришда юмшатгич ва кесак майдалагич ишчи органлар ишлайди, қайтишда эса текислагич, суғориш ариқчаларини очгичлар ишлайди. Бу эса агрегатнинг судрашга каршилигини аниқлашни тақозо этади.

Хар қандай ҳолатда ҳам ёнилғи кам сарфланади ва қатор ораларига агрегат кам киргани учун тупроқнинг зичлашуви камайд.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда комбинациялашган агрегатнинг синов варианты тайёрланди, **2-расм.**



2-расм. Комбинациялашган агрегатнинг кўриниши

1-айланма панжали юмшатгич, 2- универсал ўқ-ёй панжали юмшатгич, 3-кесак майдалагич, 4-текислагич, 5- пушта олгич, 6- пуштага шакл бергич

Агрегатнинг олд қисмига икки қатор қилиб, юмшатувчи ишчи органлар ўрнатилди, яъни биринчи қаторига айланма панжали юмшатгичлар, иккинчи қаторга эса универсал ўқ-ёйли панжа иш органлар ўрнатилиб, уларнинг жойлашуви шахмат тарзида амалга оширилди.

Кейинги қаторга цилиндрсимон шаклга ва унинг юзасига тишлар ўрнатилган кесак майдалагичлар жойлаштирилди. Тупроқ юзасининг релефи кесакларни майдалашга таъсир қилмаслиги учун умумий кенликка тўртта кесак майдалагичлар ўрнатилди. Уларни кўтариб тушириш ўрнатилган гидроцилиндр ёрдамида амалга оширилади.

Навбатдаги қаторга юмшатиш юзани текислаш учун икки қисмдан иборат бўлган текислагичлар ўрнатилди. Уларнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ҳолатини ўзгартириб, тупроқни бутунлай чап ёки ўнг томонга суришини ёки тупроқни агрегат кенлигининг марказий қисмига суришини ташкил этиш мумкин.

Тўртинчи қаторга суғориш ариқчаларини олиш учун махсус тайёрланган эгат ариқчасини очгичлар, агрегатнинг икки ёнига эса, кўчатларни суғориш учун оқучниклар ўрнатилди.

Боғ қатор ораларига, одатда, сабзавот-полиз екинлари экилади. Уларни экиш учун пушталар трапациясимон шаклда бўлишлари керак. Шунинг учун агрегатнинг охирига кўшимча равишда пуштани шакллантирувчи ишчи органлар жойлаштирилди.

Тайёрланган комбинациялашган агрегатнинг барча иш органлари назарий жиҳатдан асосланди [6,7,8,9,10].

Тайёрланган комбинациялашган агрегат кузда шудгорланган боғ қатор ораларида синаб кўрилди. Куйида боғ қатор орасига ишлов берилмаган ва ишлов берилган ҳолати 3-расмда кўрсатилган.



а



б



в

3-расм. Комбинациялашган агрегатнинг ишлаш жараёни

а – шудгорланган боғ қатор ораси; б – агрегатнинг ишлаш жараёни; в – қатор ораларига ишлов берилган ҳолати

Комбинациялашган агрегат синовлар натижасида полиз-сабзавот экинларини экиш талабларига мос равишда комбинациялашган агрегатни боғ қатор оралари тупроғига ишлов бериш имкониятига эга эканлиги аниқланди.

Хулоса:

1. Комбинациялашган агрегат томонидан боғ қатор ораларига полиз-сабзавот экинларини экиш учун тупроғига ишлов беришдаги жараёнларни бир боришда ёки бир бориб қайтишда бажариши самарали бўлиб, ёнилғи сарфи ва вақтни тежаш имкониятини беради.

2. Боғ қатор ораларига полиз-сабзавот экинларини экиш эса кўшимча даромад манбаи бўлиб хизмат қилади ва ерларни ташлаб қўйишдан сақлайди.

3. Синовлар натижасида яратилган комбинациялашган агрегатбоғ қатор оралари тупроғига ишлов бериб, тупроқни экишга тайёрлаш имкониятига эга эканлиги аниқланди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 мартдаги 121-сон қарорига 5-Илова Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2021 йил ҳосили учун боғ ва узумзор қатор ораларига қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш. <https://lex.uz/docs/5323647>

2. Р.Ҳақимов, Ф.Расулов //Мевали боғ қатор ораларида сабзавот, полиз ва картошка экинларини етиштириш бўйича тавсиялар. https://www.agro.uz/uz/information/about_agriculture/574/7909/

3. Мусурмонов А.Т. Боғларда дарахтлар қатор оралари ва танаси атрофи тупроқларига ишлов беришнинг илмий-техник ечимлари:тех. фан. док. дисс.. автореферат. Тошкент – 2019.

4. Ахметов А.А., Арипов А.О., Муротов Л.Б.Инновационный пассивный рабочий орган для садоводческого чизель-культиватора.Инновацион технологиялар журнал. маҳсус сони-2020. 15-18бет

<https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsionnyy-passivnyy-rabochiy-organ-dlya-sadovodcheskogo-chizel-kultivatora/viewer>.

5. Т.С.Худойбердиев, А.Н.Худоёров Д.И. Рустамова, А.М. Абдуманнопов. Янги агрегатнинг тузилиши ва унинг интенсив боғдорчиликда ишлатилиши.//AGRO ILM 3[53]SON, 2018.

6. Т.С.Худойбердиев, А.Н.Худоёров, Б.Н.Турсунов, Б.Р.Болтабоев, А.М.Абдуманнопов. Боғдорчиликда кўчатлар қатор ораларига ишлов беришнинг янги технологияси.// Ирригация ва Мелиорация. Б.47-51, №1(15) 2019 йил.

7. Т.С.Худойбердиев, А.Н.Худоёров, Б.Р.Болтабоев, А.М.Абдуманнопов. Мевали дарахтлари қаторларига суғориш жўякларининг шакиллантиришни тадқиқ этиш.// Ирригация ва Мелиорация. Б.43-50, №3(17) 2019 йил.

8. Т.С.Худойбердиев, А.Н.Худоёров, Б.Р.Болтабоев, А.М.Абдуманнопов. Боғдорчиликда кўчатлар қатор ораларидаги тупроққа ишлов берувчи комбинациялашган агрегат теккислагичининг параметрларини асослаш.// Ирригация ва Мелиорация. Б.90-94, № махсус сони 2019 йил.

9. T.S.Xudoyberdiev, B.R.Baltabaev, A.M.Abdumannopov. Substantiation of the parameters of the grader of the combined unit for tilling the soil in the row-spacing plants in gardening.//International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 06, 2020 Pages: 3939...3948

10. T.S.Xudoyberdiev, B.R.Baltabaev, A.M.Abdumannopov. Боғ қатор ораларига эрта бахорги ишлов берувчи агрегат юмшатгичларини жойлаштириш параметрларини асослаш. //Агросаноат мажмуаси учун фан, таълим ва инновация, муаммолар ва истиқболлар» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман ТИҚХММИ.2019йил. Бет 214-218

УЎК 631.3

ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН СЕЯЛКАЛАРНИНГ СУДРАШГА ҚАРШИЛИГИНИ ТАЖРИБА УСУЛИДА АНИҚЛАШ

*Т.С. Худойбердиев, т.ф.д., проф., Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институтини, Андижон*

*Р.Р. Йўлдошев, докторант, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институтини, Андижон*

Аннотация. Чигитни, чигит ва соя уругини белгиланган схема асосида, уругларни хар хил меъёрда, уруг тушган уялар орасидаги масофани хар хил ўлчамда бўлишида ишловчи, керак бўлса фақат пахта чигити ёки соя уругини экувчи универсал сеялка яратилди. Хар қандай қишлоқ хўжалик машинаси қайси трактор билан агрегатланиши кераклиги тўғрисидаги муаммога дуч келади. Ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалик машинаси дуч келган трактор билан агрегатланиши мумкин эмас. Мана шулардан келиб чиқиб, ушбу мақола янги ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалик машинасининг судрашга бўлган қаршилигини аниқлашга бағишланган.

Калитли сўзлар. Комбинациялашган машина, қўшимча хосилдорлик, ишлов бериш сифати, судрашга қаршилик кучи, илмоқдаги тортиш кучи, фойдали иш коэффициенти, белгиланган тезлик, уялар орасидаги масофа, тензометрик кўрсаткич.

Аннотация. На основе установленной схемы посева семян, семян и сои создана универсальная сеялка, которая сеет семена разного размера, расстояние между гнездами разного размера, при необходимости посев только семян хлопчатника или сои. . Перед любой сельскохозяйственной машиной стоит вопрос, какой трактор агрегатировать. Разработанную сельхозмашину нельзя агрегировать с встреченным трактором. Исходя из этого, данная статья посвящена определению сопротивления лобового сопротивления недавно разработанной сельскохозяйственной машины.

Ключевые слова. Комбинированная машина, дополнительная производительность, качество обработки, сила сопротивления, сила тяги в контуре, эффективность, фиксированная скорость, расстояние между пазами, тензодатчик.

Abstract. On the basis of the established scheme of sowing of seeds, seeds and soybeans, a universal seeder was created, which sows the seeds in different sizes, the distance between the nests in different sizes, and only sows cotton seeds or soybeans if necessary. Any agricultural machine faces the problem of which tractor should be aggregated. The developed agricultural machine cannot be aggregated with the encountered tractor. Based on this, this article is devoted to determining the drag resistance of a newly developed agricultural machine.

Keywords. Combined machine, additional productivity, processing quality, drag strength, traction force in the loop, efficiency, fixed speed, distance between slots, strain gauge.

Ҳозирда қишлоқ хўжалигида янги технологиялар ва уларга хос бўлган техникаларнинг янги конструкциялари ишлаб чиқилмоқда ва мавжудлари такомиллаштирилмоқда.

Қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқилиши билан қуйидаги масалаларни ҳал қилиш керак бўлади.

1. Агар техникалар такомиллаштирилса уларнинг самарадорлиги шу вазифани бажарувчи мавжуд техникалар билан қиёслаш натижасида аниқланиши керак.

2. Бир неча технологик жараённи бир вақтда бажарувчи комбинациялашган машина яратилган бўлса, унинг самарадорлиги ҳар бир жараёнларнинг алоҳида бажарувчи агрегатлар самарадорлигининг йиғиндисига қиёслаш натижасида аниқланиши керак.

3. Янги технология асосида ишловчи қишлоқ хўжалик машинасининг янги конструкцияси яратилганда унинг самарадорлиги шу техника ишлатилганда экиннинг қўшимча ҳосилдорлиги билан ёки тупроққа ишлов беришда ишлатилганда эса ишлов беришнинг сифати ва сарфланган вақти билан баҳоланади.

Юқорида санаб ўтилган масалаларнинг ечими ишлаб чиқилган ҳар қандай қишлоқ хўжалик машинаси қайси трактор билан агрегатланиши кераклиги тўғрисидаги муаммога дуч келади. Шунини айтиб ўтиш керакки, ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалик машинаси дуч келган трактор билан агрегатланиши мумкин эмас. Бунинг учун янги ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалик машинасининг судрашга бўлган қаршилигини амалиётда аниқлаш керак бўлади.

Аниқланган қаршилиқнинг миқдори билан тракторнинг тортиш кучи орасида қуйидаги шарт бажарилиши керак.

$$R_{\text{я}} \leq \eta_{\text{т}} \cdot P_{\text{ил}}$$

бу ерда: $R_{\text{я}}$ – янги ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалик машинасининг судрашга қаршилиқ кучи, Н;

$P_{\text{ил}}$ – агрегатланиши керак бўлган тракторнинг илмоғидаги тортиш кучи, Н;

$\eta_{\text{т}}$ – тортиш кучидан фойдаланишнинг фойдали иш коэффициентини. Бу коэффициентнинг самарали миқдори [$\eta_{\text{т}} = 0,8 \dots 0,95$] оралиғида бўлиши керак.

Бу ифода шунини билдирадики, танланаётган тракторнинг асосий ишчи ўзатмасидаги тортиш кучи, янги ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалик машинасининг судрашга бўлган қаршилигидан камида 5%...20% гача кўп бўлиши керак. Агар бу миқдор бундан кичик бўлса, трактор янги қишлоқ хўжалик машинасини белгиланган тезликда тортишга қийналади, агар кўп бўлса, тортиш кучидан самарали фойдаланилмайди ва ёнилгининг сарфи кўпаяди.



1-расм. Пахта чигити билан соя уруғини бир вақтда экувчи сеялка секциясининг қаршилигини аниқлаш ҳолати

Мухтарам Президентимиз 2020 йилда Андижон вилоятига қилган ташрифида пахта чигити билан соя уруғини бир вақтда экувчи янги технологияни жорий қилиш таклифини берган. Шу таклиф асосида янги секцияли сеялка ишлаб чиқилди. Пахта чигити ва соя уруғини белгиланган схема асосида, уруғларни ҳар хил меъёрда, уруғ тушган уялар орасидаги масофани ҳар хил ўлчамда бўлишида ишловчи, керак бўлса фақат пахта чигити ёки соя уруғини экувчи универсал сеялка ҳисобланади. Мазкур сеялкани трактор билан агрегатланишини аниқлаш учун уни дала шароитида судрашга бўлган қаршилиги тензометрик қурилма ёрдамида аниқланди (1-расм).


Тажриба ўтказилган даланинг кўрсаткичлари куйидагилар.

1-жадвал

Синов ўтказилган даланинг намлиги, зичлиги тўғрисида маълумотлар

Кўрсаткичлар ва қийматлар	Тупроқнинг намлиги, %	Тупроқнинг зичлиги, г/см ³
0 – 10	13,65	1,1
10 – 20	17,74	1,22

3. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг аниқ ёндашувларини белгилаб олиш, тадбиркорликни молиявий ва номолиявий қўллаб-қувватлашнинг мақсадга йўналтирилган, айниқса, аҳолини тадбиркорликка ўқитиш ва касбга ўргатиш ишларини тизимлаштириш, шу жумладан барча дастурлар ҳисобидан ажратилаётган маблағларнинг сарфланиш самарадорлигини баҳолаш ишларини ташкил этишда камчиликлар кузатилмоқда.

4. Ўзак саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш, соҳанинг рақобатбардошлигини кучайтириш бўйича аниқ механизм ҳамда дастакларга асосланган ягона индустриал сиёсат ва стратегия ишлаб чиқилмаган ва ҳаказо.

Бу ва шунга ўхшаш долзарб муаммоларни ечиш ва самарали макроиқтисодий сиёсатни таъминлаш учун мазкур фармон билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги этиб қайта ташкил этилди. Янги вазирликка бир қатор вазифалар, хусусан, 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясини; 2030 йилгача Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантириш стратегиясини; Камбағалликни камайтириш дастурини тайёрлаш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепция [5] нинг мақсади – 2030 йилга қадар юқори даражали инсон капитали, инновацияларга асосланган реал секторнинг ривожланиши ва натижага қаратилган

инвестиция сиёсатини юритилиши орқали ижтимоий сиёсатга йўналтирилган бозор иқтисодиёти шакллантирилиши, республикани Жаҳон банки классификатори бўйича ўртадан юқори даромадли мамлакатлар гуруҳига киришини таъминлайди. Концепцияда етита устувор йўналиш белгиланган бўлиб, устувор вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши мамлакатни 2030 йилда аҳоли жон бошига ЯИМ икки бараварга ошиши, меҳнат бозорида барқарор юқори даромадли иш ўринларининг яратилиши ҳамда аҳолининг камбағал қатламини икки маротабага қисқаришига олиб келади. Янги инвестицион лойиҳаларни ишга солиш ва иш ўринларини яратиш ҳисобига ишсизлик даражаси 9,3 фоиздан 5,2 фоизга, инфляция даражаси 14,3 фоиздан 4,3 фоизга камайтиради. Иқтисодий ўсиш суръатини 2022 йилдан бошлаб 6,0 фоиздан кам бўлмаслиги белгиланди.

Самарали ижтимоий сиёсат юритиш орқали 2030 йилга бориб аҳолини уй-жой (киши бошига 20 кв.м), сифатли ичимлик сув (100 фоиз), электроэнергияга (100 фоиз) бўлган талабини тўлиқ қондирилиб, тиббий хизмат сифати яхшиланади. Натижада, аҳолини ўртача умр кўриш ёши 78-80 ёшга етказилади, оналар ўлими учдан бир қисмга, янги туғилган чақалоқлар ўлими даражаси икки мартага камайтириш мақсад қилинмоқда.

Давлат ижтимоий сиёсатининг аҳолининг камбағал қатламини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлари бир тизимга келтирилиб, 2021 йилда миллий стратегия лойиҳаси эълон қилинди. Бу стратегия “2021-2030 йилларда Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш стратегияси”[6] деб номланди. Мазкур стратегия икки босқичда амалга оширилади:

1. Қисқа ва ўрта муддатлар (2021-2025 йиллар).
2. Узок муддатли (2026-2030 йиллар).

Камбағалликни қисқартириш бўйича 2030 йилгача бўлган муддатда қуйидаги натижаларга эришиш режалаштирилди:

– “ижтимоий ҳимоя ягона реестри” орқали камбағал аҳолининг ижтимоий ҳимоясини тўлиқ шакллантириш, бунда мазкур тоифадаги аҳолини 2025 йилда 85 %гача, 2030 йилда эса 100 % ёрдам билан қамраб олиш;

– камбағал аҳолининг иш билан бандлигига тўлиқ эришиш, бунда босқичма-босқич ошириш орқали йилига 100 мингдан ортиқ эҳтиёжманд ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган фуқаролар учун иш ўринларини квоталаш;

– ўзини ўзи банд қилиш истагида бўлган камбағал аҳоли қатламларининг 50 минг нафарини рўйхатга олиш, фаолиятини бошлаш, меҳнат куруллари сотиб олиши ва бошқа мақсадлар учун субсидиялар ажратиш;

– камбағал аҳоли қатламини касб-хунар, хорижий тил ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш ҳамда танлаган йўналиши бўйича микрокредитлар ажратиш орқали фаолиятини бошлаши ёрдамида 50 минг нафар камбағал аҳоли бандлигини таъминлаш;

– камбағал оилалар фарзандларининг мактабгача таълим билан қамров даражасини ўртача қамров даражасидан ошириш, 2025 йилга бориб 600 минг, 2030 йилга бориб эса 800 минг нафар эҳтиёжманд ва кам даромадли оилалар фарзандларига ўқув йили бошида бир марталик ўқув куруллари ва кийим-кечаклар сотиб олиши учун ёрдам пулларини ажратиш, эҳтиёжманд оилалар фарзандларидан 2 мингдан 5 минг нафаригача олий ўқув юртларида таҳсил олишига кўмаклашиш;

– камбағал аҳолининг соғлиқни сақлаш хизматларидан 100% бепул фойдаланишига имконият яратиш, махсус реестрларга киритилган эҳтиёжмандлардан 5000 нафарига ҳар йили соғлиғини тиклаш ва соғломлаштириш мақсадида шифохоналарга ордер ва сихатгоҳларга йўлланмалар ажратиш;

– уй-жойга муҳтож, оғир турмуш шароитларида яшаётган камбағал аҳоли қатламларига, биринчи галда хотин-қизларнинг йилига 1 500 нафарини уй-жой билан таъминлаш, 10 минг нафаригача ижара тўловларини қоплаб бериш, кам даромадли оилаларнинг 20 минг нафарига арзонлаштирилган кўп қаватли уйлардан хонадон сотиб олиши учун бошланғич бадал ва субсидиялар тўлаб бериш. Шунингдек, юқоридаги барча чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш орқали 2030 йилга бориб камбағаллик даражасини икки баробарга қисқартиришга эришиш назарда тутилмоқда.

Камбағалликни камайтиришда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини такомиллаштиришда куйидаги масалаларга эътибор қаратиш зарур:

1. Хориж тажрибаларини ўрганиш асосида камбағалликни қисқартиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий база, мезонлар ва ҳудудий хусусиятлардан келиб чиқиб баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2. Камбағал инсонларнинг иқтисодий имкониятларини ишга солишда уларнинг соғлиғи жиддий тўсиқ бўлмоқда. Маблағларнинг етишмаслиги кўп жиҳатдан соғлом турмуш тарзини олиб бориш ва саломатлигини сақлаб туриш имкониятини чекламоқда. Илгари бепул бўлган тиббий хизматларни қисқариши, пуллик тиббий хизматларнинг кенгайиши камбағал қатламнинг бу борадаги эҳтиёжлари эришиб бўлмас орзуга айлантормоқда. Давлат ижтимоий сиёсатида “Темир дафтар”га киритилган оилаларга бепул тиббий хизмат тизимини яратиш.

3. Нархларнинг ўсиши муносабати билан, энг кам иш ҳақининг индексациясини таъминловчи бош келишувни ишлаб чиқиш ва барча хўжалик юритувчи субъектлар учун уни мажбурий қилиш. Меҳнатга ҳақ тўлаш минимуми ишчи кучининг мўътадил жисмоний қайта тикланиши учун зарур бўлган пул маблағларини, яъни тирикчилик минимумини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

4. Таълим тизимида касб таълимини тўла равишда давлат ҳисобидан молиялаш, биринчи марта касб ўрганувчиларга ёки бир неча йиллик иш стажидан сўнг янги касб эгалловчиларга ўқиш даври учун стипендиялар жорий этиш мақсадга мувофиқ. Олий таълим тўла эркинлаштирилиши, давлат грантларини фақат “Темир дафтар”га киритилганлар учун тақдим этилиши, олий таълим ҳамма учун пулли бўлиши, лекин давлат харажатларнинг бир қисмини ўз зиммасига олиши, олий таълимдаги барча имтиёзлар тўла бекор қилиниши лозим ва улар камбағалларга мақсадга мувофиқдир.

Давлатнинг ижтимоий сиёсати бозор иқтисодиёти шароитида янгича кўринишларда намоён бўлиб, давр талабларидан келиб чиқиб доимо такомиллашиб боради

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Ўлмасов А, Ваҳабов А. Иқтисодиёт назарияси. (Дарслик) – Т: “Шарк”, 2006. – б 473.
2. Наманган вилоят давлат архиви. 688-фонд. 1-рўйхат. 859-йиғма жилд, 16-варақ.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. Б.119-138.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975-сонли Фармони. 2020 йил 26 март.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. ID-10120. 2019 й; <https://regulation.gov.uz/ru/document/10120>.
6. 2021–2030 йилларда Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш стратегиясини тасдиқлашга оид президент қарори лойиҳаси. –Т:Ўзбекистон республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги. 2021. 18.03. <https://uznews.uz/uz/article/29424/>
7. Умурзақова М. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида тиббий суғуртаси ривожлантириш борасидаги илғор хорижий тажрибалар. —Т: Иқтисод ва молия. 2018. №4
8. Набиев Х. Мулкдорлик ва маънавий камолот. —Н: 2006. —Б.54.

УДК 330.354:338

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО МЕХАНИЗМА РАЗВИТИЯ ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

К.И. Курпаяниди, к.э.н., доц., профессор Российской Академии естествознания, Ферганский политехнический, Фергана

Аннотация. Ички ва ташқи бизнес амалиётларини ўрганиш, тадбиркорликни ривожлантириш вазифалари мамлакат иқтисодиётининг тадбиркорлик секторини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Мақолада муаллиф иқтисодиётнинг тадбиркорлик соҳасини мамлакат ва

минтақалар даражасида ривожлантиришининг ташиқилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришининг айрим масалаларини ўрганади.

Калит сўзлар: Тадбиркорлик, давлат тасарруфидан чиқариш, инфратузилма, механизми, тадбиркорлик, бизнесни тартибга солиши, Ўзбекистон иқтисодиёти.

Аннотация. Изучение отечественной и зарубежной практики хозяйствования, задачи развития предпринимательства обуславливают необходимость разработки теоретических и методологических основ регулирования и поддержки предпринимательского сектора экономики страны. В статье автор рассматривает некоторые вопросы совершенствования организационно-экономического механизма развития предпринимательского сектора экономики на уровне страны и регионов.

Ключевые слова. Бизнес, дерегулирование, инфраструктура, механизм, предпринимательство, регулирование бизнеса, экономика Узбекистана.

Abstract. The study of domestic and foreign business practices, the tasks of entrepreneurship development necessitate the development of theoretical and methodological foundations for regulating and supporting the entrepreneurial sector of the country's economy. In the article, the author examines some issues of improving the organizational and economic mechanism for the development of the entrepreneurial sector of the economy at the level of the country and regions.

Key words. Business, deregulation, infrastructure, mechanism, entrepreneurship, business regulation, economy of Uzbekistan.

В настоящее время малый бизнес и частное предпринимательство является не только звеном в создании рыночной инфраструктуры, но и необходимым элементом социального преобразования общества. В связи с этим приобретают решающее значение такие важнейшие задачи как:

- Ограничение вмешательства государственных структур в деятельность частного предпринимательства;
- Расширение доступа частных предпринимателей к рынкам ресурсов и рынкам сбыта, рост ассортимента и объема товаров, реализуемых рыночным путем на биржевых и аукционных торгах;
- Финансовая поддержка, предоставление дополнительных налоговых льгот и преференций путём создания развитой банковской системы, выделения кредитов под невысокие для предприятий-производителей процентные ставки и вовлечение международных финансовых институтов для расширения системы микрокредитования;
- Стимулирование создания новых малых предприятий, мелких частных цехов на дому, занимающихся по заказам крупных предприятий производством мелких комплектующих изделий.

Это, по нашему мнению, достигается на основе формирования механизма, обеспечивающего эффективное управление предпринимательской деятельностью, который представляет собой взаимосвязанный комплекс форм, методов, рычагов хозяйствования, обеспечивающих эффективную реализацию целей и задач, стоящих перед системой малого предпринимательства. При этом определяющую роль в этом принадлежит государству в лице законодательных, исполнительных и контролирующих органов. Принимая во внимание, что механизм развития МБ представляет собой совокупность инструментов реализации системных целей посредством организации и управления воспроизводственным процессом, нами предлагается следующее содержание его организационных и экономических основ. К элементам организационной составляющей относятся: законодательно-нормативная база; организационно-правовые формы хозяйственных структур; институционально-инфраструктурная база концепции и программы социально-экономического развития; материально-техническая база; научно-методическая и информационная база; подготовка кадров и др.

Элементами экономической составляющей являются следующие инструменты регулирования: финансово-кредитные (инвестирование, кредитование и т.п.); налоговые

(ставки налогообложения, налогооблагаемая база, налоговые льготы, специальные налоговые режимы); страхование; ценообразование; распределение доходов; тарифная политика; амортизационная политика; самофинансирование; оплата труда и пр.

Экономическая составляющая механизма, опираясь на организационную базу, должна обеспечить создание благоприятных условий хозяйствования для всех субъектов. Сущность экономического механизма в процессе развития МБ заключается в совокупном воздействии всех его элементов на экономические интересы предпринимателей в целях стимулирования их производственной и инвестиционной деятельности.

Таким образом, организационная и экономическая составляющие такого механизма тесно между собой взаимосвязаны. Государство, для выполнения своих регулирующих функций с целью управления развитием МЧБ должно эффективно использовать как организационную, так и экономическую составляющие хозяйственного механизма.

При этом *комплексный организационно-экономический механизм развития малого бизнеса и частного предпринимательства* должен функционировать на трех уровнях: макроуровне - общегосударственное регулирование и поддержка предпринимательства на государственном уровне; мезоуровне - региональное регулирование на уровне областей и микроуровне - содействие развитию предпринимательства на уровне районов и городов.

В качестве одной из широко используемых форм государственной поддержки предпринимателей в рамках организационного механизма можно выделить формирование и реализацию государственных программ социально-экономического развития, поддержки МБ, как на государственном, так и на региональном уровне, являющихся основным средством проведения государственной политики в указанной сфере. Целевые программы предусматривают меры по финансовой, инвестиционной, кредитной, информационной поддержке предпринимательства, меры по развитию инфраструктуры, кадрового обеспечения в МП.

Анализ зарубежного и отечественного опыта разработки национальных и территориальных программ поддержки МБ позволил получить ряд важных выводов, имеющих существенное практическое значение. Результаты его определяют целевую ориентацию и приоритеты государственной и региональной политики стимулирования развития данного сектора экономики. Они систематизированы в табл. 1. Анализ показал, что в государственной поддержке малого бизнеса ключевая роль принадлежит формированию благоприятных макроэкономических условий. Это означает обеспечение низкого уровня инфляции, процентных ставок по кредитам, устойчивого экономического роста и высокого платежеспособного спроса.

Кроме того, особая важность принадлежит наличию соответствующей законодательно-нормативной базы, учитывающей следующие моменты:

- четкая формулировка целей по поддержке МБ на национальном уровне;
- четкая постановка задач и выбор качественных критериев оценки конечных результатов; привязка государственной программы на региональном уровне.

Таблица 1.

Целевая ориентация и эффективность государственных программ поддержки субъектов предпринимательства

<i>Мероприятия</i>	
Концентрация усилий на формировании благоприятного предпринимательского климата. Развитие нормативно-правовой базы, адекватно отражающей особенности этапа рыночной трансформации и задачи, вытекающие из приоритетов социально-экономического развития. Реализация государственной политики на региональном уровне. Анализ и реализация системы государственной поддержки малого бизнеса, как части интегральной экономической и социальной политики.	
Сокращение воздействия:	Усиление воздействия:
налогообложение; дерегуляция деятельности; подготовка кадров; информационные и консультационные услуги; решение краткосрочных проблем.	целевая направленность политики; технологии и инновации; финансовая поддержка; поощрение диалога.

Кроме того, особая важность принадлежит наличию соответствующей законодательно-нормативной базы, учитывающей следующие моменты:

- четкая формулировка целей по поддержке МБ на национальном уровне;
- четкая постановка задач и выбор качественных критериев оценки конечных результатов;
- привязка государственной программы на региональном уровне.

С точки зрения МБ следует выделить следующие стороны в деятельности региональных структур по поддержке МБ снижающих ее эффективность:

- низкий удельный вес представителей, имеющих собственный предпринимательский опыт в малом бизнесе;
- разный уровень обеспечения конечных результатов при реальном воплощении поставленных задач.

Последнее мероприятие об интегральном подходе к вопросам формирования политики в области государственной поддержки МБ отражает ситуацию, когда рассмотрение проблем малых предприятий в отрыве от других экономических и социальных задач просто не представляется возможным.

Сформулируем необходимые предпосылки переключения государственной поддержки развития МП, раскроем, что имеется в виду под направлениями, где предлагается снизить вливания из государственных источников.

Налогообложение. Ключевая идея о необязательности концентрации внимания на налогообложении отражает точку зрения о необходимости создания нормальных макроэкономических условий для всех предприятий и экономики в целом. Вместо концентрации усилий на поисках системы налогообложения, стимулирующей развитие лишь малых предприятий, (что не является решением проблемы в случае отсутствия стимулирующей функции налоговой системы вообще) целесообразно сконцентрировать усилия на разработке механизмов, делающих возможным увеличение инвестиций в малый бизнес существующими финансовыми институтами. Более подробно данный вопрос будет рассмотрен ниже.

Дерегулирование. Повышенное внимание к данному аспекту обуславливает тот факт, что чрезмерная либерализация в деятельности малых фирм и индивидуальных предпринимателей зачастую оборачивается ухудшением условий хозяйствования для предприятий остальных форм собственности, препятствует формированию конкурентной среды в национальной экономике и как следствие развитие форм собственности, адекватно не соответствующих духу предпринимательства.

Установление диалога между органами управления и предпринимателями. Достижение высокого уровня развития предпринимательского сектора невозможно без согласования интересов государства и предпринимателей. Поддержкой предприятий малых форм наряду с государством занимаются различные объединения, союзы предпринимателей. Через такую форму сотрудничества и самоорганизацию малых предприятий возможно не только решение каких-то отдельных финансово-производственных проблем, но и отстаивание, лоббирование интересов предпринимателей. Бизнес-ассоциации, являясь защитниками интересов частного сектора, играют исключительно важную роль в обеспечении эффективного руководства и разработке стратегий развития в индустриально развитых странах. В то же время, в республике подобные структуры не стали пока еще реальной силой, влияющей на принятие решений, эффективно отстаивающей интересы субъектов малого предпринимательства при принятии законов, регулирующих их деятельность, формировании программ поддержки. Именно поэтому на сегодняшний день можно говорить о том, что перспектива развития сектора МБ невозможна без конструктивной совместной работы государственных органов поддержки предпринимательства, самих предпринимателей и их объединений.

Считаем, что вхождение профессиональных предпринимателей в местные органы власти создаст механизм воспроизводства благоприятных условий для дальнейшего развития

предпринимательства и установления на местных территориях цивилизованных рыночных отношений. Это будет улучшать экономическую обстановку в регионах, способствовать экономическому росту и повышению доверия к власти.

Государство должно самым серьезным образом заботиться об увеличении профессионализма кадров на всех уровнях управления. Наряду с собственниками предприятий органы государственного управления организуют, проводят и контролируют всю деятельность кадров, имеют возможность оценивать результативность работы кадров, влиять на их подбор, подготовку, назначение, принимать меры по усилению контроля за деятельностью предприятия вплоть до отстранения от должности и привлечения к ответственности.

На каждом этапе осуществления экономических реформ государство должно соблюдать меру в отношении форм и методов государственного регулирования и неолиберальной политики. В условиях рыночных отношений государственная политика поддержки предпринимательства должна быть последовательной, но гибкой и мобильной, сочетающей бюджетные средства и механизмы внебюджетного финансирования. Необходимо использовать современные технологии и организационно-финансовые институты: лизинг, гарантийные фонды, специализированные банки, общества взаимного кредитования, страховые, аудиторские и консалтинговые компании, венчурное финансирование, ипотечное кредитование и т.д.

Все это в сочетании с эффективной государственной поддержкой будет способствовать становлению и распространению в республике духа свободного цивилизованного предпринимательства.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Akhmetshin, E. M., Pavlyuk, A. V., Hasanov, E. L., Sverdlikova, E. A., & Kadyrov, M. A. (2018). Institutional Mechanisms for Implementation of Entrepreneurial Potential of the Population of the Region. *Journal of Applied Economic Sciences*, 13(7).
2. Diuk, A. (2021). Conceptualization of the principles of organizational and economic socialization of entrepreneurship. *Norwegian Journal of Development of the International Science*, (63-1), 17-25.
3. Dzwigo, H., Trushkina, N., & Kwilinski, A. (2021). The Organizational and Economic Mechanism of Implementing the Concept of Green Logistics. *Virtual Economics*, 4(2), 41-75.
4. Klein, P. G., Mahoney, J. T., McGahan, A. M., & Pitelis, C. N. (2010). Toward a theory of public entrepreneurship. *European management review*, 7(1), 1-15.
5. Kurpayanidi, K. I. (2021). Stimulation of foreign economic activities of entrepreneurship on the basis of innovative development. *Theoretical & Applied Science*, (1), 8-13.
6. Richardson, J. (2004). Entrepreneurship and development in Asia. *International Journal of Entrepreneurship and Innovation Management*, 4(5), 469-484.
7. Siegel, D. S., Wright, M., & Lockett, A. (2007). The rise of entrepreneurial activity at universities: organizational and societal implications. *Industrial and Corporate Change*, 16(4), 489-504.
8. Van de Ven, H. (1993). The development of an infrastructure for entrepreneurship. *Journal of Business venturing*, 8(3), 211-230.
9. Woolley, J. (2017). Infrastructure for entrepreneurship. In *Oxford Research Encyclopedia of Business and Management*.
10. Zhang, C. (2020). Clans, entrepreneurship, and development of the private sector in China. *Journal of Comparative Economics*, 48(1), 100-123.

УЎК 33

РАҚАМЛАШУВ ШАРОИТИДА ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ЛОГИСТИКА ЗАНЖИРИНИ БОШҚАРИШ

А.Т. Мирсодиқов, таянч докторант, Фарғона давлат университети, Фарғона

Аннотация. Тадқиқотда қурилиш соҳасида рақамли технологиялардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ўрганган. Шу билан бирга қурилиш лойиҳаси иштирокчиси бўлган субъектлар фаолиятини корхоналараро мувофиқлаштиришни оптималлаштириши учун логистика занжири бошқаруви концепциясини қўллашнинг зарурлиги асосланган. ВМ-технологияси асосида логистика занжирларида ягона ахборот муҳитидан фойдаланиш истиқболлари баён этилган.

Калит сўзлар: қурилиш соҳаси логистикаси, рақамлаштириш, корхоналараро мувофиқлаштириш, логистика занжирларини бошқариш, етказиб бериш занжирлари, BIM-технологиялари.

Аннотация. В исследование рассматривается современное состояние применения цифровых технологий в строительстве. Выявляется необходимость применения концепции управления цепями логистики для оптимизации межорганизационной координации участников строительного проекта. Описываются перспективы применения единой информационной среды в цепях логистики на основе BIM-технологии.

Ключевые слова: логистика строительства, цифровизация, межорганизационная координация, управление цепями поставок, цепь поставок, BIM-технологии.

Abstract. The article examines the current state of the use of digital technologies in construction. Revealed the necessity of applying the concept of logistics chain management to optimize the inter-organizational coordination of construction project participants. Described the prospects of using a unified information environment in logistics chains based on BIM-technologies.

Key words: construction logistics, digitalization, inter-organizational coordination, supply chain management, supply chain, BIM technologies.

Кириш. Қурилиш логистикаси логистиканинг алоҳида тармоқ тури бўлиб, у қурилиш объектини оптимал ресурс харажатлари билан ишга тушириш ва уни кўчмас мулк бозорида сотиш мақсадида қурилишни моддий-техник таъминотига йўналтирилган ҳам илмий, ҳам амалий фаолият туридир [1, 7].

Рақамлаштириш (рақамли трансформация) – жамиятнинг барча соҳаларида рақамли технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ ўзгаришдир [2, 47]. Рақамлаштириш жараёни ҳозирда фаолиятнинг кўплаб соҳалари, жумладан қурилиш соҳаси логистика занжирининг ривожланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Қурилиш компаниялари ўз фаолият жараёнларини автоматлаштириш учун алоҳида рақамли технологиялардан фойдаланадилар. Электрон ҳужжат айланиши, дастлаб, аксарият йирик қурилиш компаниялари томонидан контрагентлар билан бирламчи ҳужжатлар алмашинувини соддалаштириш учун ишлатилган. Зарурий ресурсларни харид қилишда қурилиш логистикасининг асосий жараёни сифатида рақамлаштириш пудратчилар ва етказиб берувчилардан хизматлар ва материалларни сотиб олиш учун электрон тендерлардан фойдаланишда намоён бўлади.

Ташиш соҳасида рақамлаштириш кўпинча, қурилиш соҳасидаги энг асосий ташиш воситаси ҳисобланган автомобилларнинг жойлашишини кузатиш ва транспорт воситаларини йўналтириш технологиялари билан боғлиқ. Ушбу ташиш воситасининг самарали фаолияти бир неча омилларга боғлиқ: биринчи навбатда, қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни ташиш учун махсус катта ўлчамларга эга ёки ташиш қобилиятига эга ёки муайян турдаги материалларни ташиш учун махсус мўлжалланган транспорт талаб қилинади (катта ўлчамли, оммавий, доимий аралаштиришни талаб қиладиган ва ҳоказо.). Иккинчидан, қурилиш соҳаси логистика занжирларида ташиш воситаларининг аксарияти маҳаллий транспорт характерида бўлиб, улар томонидан ташиш жараёни бир ҳудуд ёки минтақа доирасида амалга оширилади. Шу билан бирга, фақатгина айрим компаниялар томонидан рақамли технологияларнинг жорий этилиши умумий ҳолда қурилиш соҳаси логистика занжирининг рақамлашувига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Айтиб ўтиш жоизки, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида иқтисодий самарадорликни ўстириш имконини берувчи асосий омилларни бошқариш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш, маҳсулотлар таннархини камайтириш, диверсификациялаш ҳамда рақобатбардошлигини ошириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда [3, 5]. Ушбу йўналишдаги тадқиқотларни қурилиш соҳаси логистика занжирларини бошқариш бўйича ҳам олиб борилиши бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.


Юқоридаги ҳолат ва хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқотда қурилиш соҳаси логистика занжирларида рақамли бошқарув орқали фаолият самарадорлигини ошириш масаласи назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилди.

Таҳлиллар ва натижалар. Рақамли технологияларни жорий этишни талаб қиладиган қурилиш логистикасининг аксарият муаммолари логистик занжирларини корхоналараро мувофиқлаштириш соҳасида ётади. Ҳар бир аниқ қурилиш лойиҳаси учун логистика занжирини қуриш қурилиш компанияси ходимларининг асосий қисмини жалб этувчи меҳнат талаб иш ҳисобланади. Қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш кўплаб турли корхоналарни жалб қилиш билан боғлиқ: асосий фокус (қурилиш) компанияси, инвесторлар, бош пудратчи, субпудратчилар, материаллар, хизматлар, меҳнат ресурсларини етказиб берувчилар ҳамда лойиҳа ташкилотлари – уларнинг барчаси лойиҳанинг бутун муддати давомида умумий мақсад йўлида фаолияти мувофиқлаштирилиши керак бўлган субъектлардир. Шу сабабли, асосий мақсадга эришиш йўлида таъминот занжирини бошқариш концепциясини киритиш тавсия этилади.

Логистика занжирини бошқариш

Логистика занжири бошқаруви – логистика занжири иштирокчиларининг стратегик мақсадларига эришишга қаратилган режалаштириш, ташкил этиш, ҳисобга олиш, назорат қилиш, таҳлил қилиш, тартибга солиш жараёнларини шундан олдин олувчи комплекс жараёнлар [3, 401]. Қурилиш соҳасидаги логистика занжири ўз таркибида фокус (қурилиш) компаниясига, шунингдек, қурилиш материалларини етказиб берувчилар, хизматлар (пудратчилар), истеъмолчилар ва турли воситачиларни бирлаштиради. Воситачилар сифатида логистика занжирида кўпинча тайёр маҳсулотлар (қурилган объектлар) ни сотадиган компаниялар – кўчмас мулк агентликлари ва бошқарув компаниялари фаолият кўрсатади.

Одатда, фокус (қурилиш) компанияси логистика занжири хусусиятлари ва иштирокчилар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ташкил этиш билан шуғулланадиган қурилиш компанияси, ишлаб чиқувчи ёки бош пудратчи ҳисобланади. Қурилишдаги логистика занжирларининг ўзига хослиги шундаки, ҳар бир янги лойиҳа учун материаллар, хизматлар, қурилиш майдончасининг жойлашиши ва бошқа бир қатор омилларга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиқиб таъминот занжирини янгидан мувофиқлаштириш керак. Тадқиқотларда тизимдаги занжир бўғинлари сонига қараб, боғланиш шакли тўғридан-тўғри, кенгайтирилган ва максимал таъминот занжирига ажратилади [3, 401]. Баъзи мутахассислар ўз тадқиқотларида қурилиш таъминот занжирини бошқариш масалаларини ўрганиш жараёнида таъминот занжирларининг ҳар учала варианты амал қилишини исботлашга ҳаракат қилишган [4, 5], бироқ, бизнинг фикримизча, амалиётда қўллаш учун кенгайтирилган таъминот занжири сифатида кўриб ўтилган шакллarning энг самарали шаклини олиш мақсадга мувофиқ (1-расм).



1-расм. Қурилиш соҳасида логистика занжирининг кенгайтирилган шакли

Расмдан кўриниб турибдики, қурилиш соҳасидаги таъминот занжирлари одатда жуда қисқа бўлиб, етказиб берувчиларнинг бир неча даражалари ўзида бирлаштиради, холос. Энг

йирик қурилиш ва фокус компаниялари сезиларли харажатларини камайтириш ва етказиб бериш вақтини қисқартириш мақсадида ресурсларни ишлаб чиқарувчи компаниялар билан тўғридан-тўғри шартнома тузишни афзал кўришади. Худди шундай, йирик қурилиш компаниялари томонидан темир-бетон буюмлари, дераза ва эшик блоклари каби технологик тайёр маҳсулотларни сотиб олиш ҳам кўриб ўтилган шаклда амалга оширилишга ҳаракат қилинади. Таъминот занжирининг алоҳида бзинлари сифатида турли даражадаги пудратчилар фаолият кўрсатадилар. Таъминот занжирининг бошқа қисмига келсак, тайёр қурилиш маҳсулотларини (кўчмас мулк) сотиш бевосита охириги истеъмолчига ёки битта воситачи (кўчмас мулк агентлиги ёки бошқарув компанияси) орқали амалга оширилади.

Қурилиш (фокус) компаниялари асосий пудратчилар билан узоқ муддатли шартномалар тузиб, бир нечта компания лойиҳасини таъминлайдиган таъминот занжирларини яратишга интилади. Шу билан бирга, фокус компанияси иқтисодий алоқаларнинг бир қисмини (бошқариладиган алоқалар) назорат қилишга интилади ва алоқаларнинг бир қисми билвосита назорат (бошқарилмайдиган, яъни кузатилган алоқалар) га бўйсунди. Шу билан бирга, қурилишда кенгайтирилган таъминот занжирларининг ўзига хос хусусияти – бошқарилмайдиган (кузатиладиган) иқтисодий алоқаларнинг деярли йўқлиги билан изоҳланади.

Қурилиш майдонида материалларни ташиш учун энг мақбул пудратчиларни танлаш, шу жумладан, махсус ускуналар ижараси, сақлаш жараёни кўпинча бир қурилиш лойиҳаси доирасида харажатларнинг асосий қисмини ташкил этади. Кўпгина компаниялар асосий логистика жараёнларини янада самарали ташкил этиш учун аввалдан шаклланган гуруҳларга қўшилмоқда. Материалларни, технологик тайёрлиги юқори бўлган маҳсулотларни, компаниялар гуруҳи ичидаги хизматларни сотиб олиш қурилиш компанияларининг логистик харажатларини сезиларли даражада камайтиради ҳамда объектнинг қурилиш даврини қисқартиради.

Шундай қилиб, қурилиш бозоридаги асосий тенденция қурилиш компаниялари, уларнинг бирлашмаларининг гуруҳларга, холдинглар ва корпорацияларга кўпинча кредит муассасаси иштирокида бирлашиши сифатида қаралади. Ушбу тенденция, бир томондан, қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш учун молиялаштиришни жалб қилиш соҳасидаги қонунчиликнинг ўзгариши, қурилишда иштирок этиш битимларини тузишдан бош тортиш ва ҳисоб-китобларга ўтишни сезиларли даражада осонлаштирди. Бошқа томондан, худудларни комплекс ривожлантириш учун шартнома тузиш фақат ишлаб чиқувчилар ҳисобидан ва қуриш учун участкалар ажратиш уй-жой-кўчмас мулкни ижтимоий инфратузилма билан таъминлаш учун давлат томонидан талабларнинг ортиши кузатилмоқда [6, 120].

Қурилиш соҳасининг ахборот таъминоти

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида энг муҳим вазифалардан бири самарали таъминот занжири бошқарувини яратиш учун логистик занжирларни бошқаришнинг инновацион усуллари ва технологияларини кўллашдир [7]. Логистика занжирларини бошқариш нафақат корхоналараро мувофиқлаштириш усули, балки қурилиш лойиҳаси доирасида компаниялар ўртасида ахборот алмашиш воситаси сифатида ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Бу таъминот занжирининг барча иштирокчилари томонидан ягона ахборот кўмагидан фойдаланишни талаб қилади.

ВМ-технологияси бундай таъминотни амалга ошириш имконини беради. Рақамли моделлаштириш сифатида пайдо бўлган ушбу технология ўз имкониятларини кенгайтди ва ундан қурилиш лойиҳасининг барча босқичларида фойдаланиш мумкин: инвестиция фондини шакллантириш ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан кўчмас мулк объектнинг 3D моделлари, материаллар ва хизматларни сотиб олиш учун тендерлар, юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш жадвалини тузиш. ВМ-технологиясидан фойдаланишнинг дастлабки босқичи сифатида рақамли моделлаштириш дунёдаги компанияларнинг тахминан 40%и томонидан ишлатилаётган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич фақатгина 5-8% эди (1-жадвал).

Қурилиш компанияларида ВРМ технологияларини жорий этиш босқичлари

Босқич	Босқич номи	Мазмуни
1	Рақамли моделлаштириш	Лойиҳанинг 3D модели, лойиҳанинг барча бўлимлари бинонинг умумий моделида ўзаро боғланган. Моделдан қурилиш ва монтаж ишлари жадвалини ва харажатларни олишда фойдаланиш мумкин.
2	Ички жараёнларнинг рақамли таъминоти	Модел ўзида барча жараёнларни: дизайн, молиявий таҳлил, қурилиш-монтаж ишлари, қурилиш операцияларини бирлаштиради, яъни қурилиш компаниясининг ички муҳитини тўлиқ акс эттиради
3	Етказиб бериш занжирининг рақамли таъминоти	Ушбу босқичда таъминот занжирининг барча иштирокчилари муайян қурилиш лойиҳаларини амалга оширишда барча турдаги оқимларнинг ҳаракатини кузатиш ва назорат қилиш имконини берувчи умумий ахборот муҳитига интеграциялашади.

Мамлакатимиздаги қурилиш компанияларининг аксарияти (90-95%) биринчи даражада бўлиб, автоматлаштиришнинг турли даражаларидан фойдаланган ҳолда лойиҳаларни амалга ошироқда. ВРМ-технологиясида ишлаган бир неча компаниялар (5-10%) иккинчи даражанинг дастлабки босқичига эришадилар. Қурилиш логистикасини рақамлаштиришга асосий тўсиқлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: зарур дастурий таъминотнинг етишмаслиги, етарли қонунчилик базасининг йўқлиги, шу жумладан электрон шаклда дизайн-смета ҳужжатларини мажбурий тақдим этиш.

Хулоса. Ҳозирги вақтда инновацион ривожланиш стратегиясига кўра, қурилиш соҳасида замонавий рақамли дастурий таъминот ва ахборотни қўллаб-қувватлаш зарур зарурий даражада эмас. Келажакда ушбу соҳада рақамлаштиришни ривожлантириш йўналишлари алоҳида қурилиш компаниялари ва компаниялар гуруҳлари ташаббуслари билан боғлиқ. Қурилиш логистикасининг ҳозирги ривожланиш босқичи виртуаллик ва корхоналараро мувофиқлаштириш каби тушунчалар билан тавсифланади. Қурилиш компаниялари ва ишлаб чикувчилари турли тармоқ тузилмалари, таъминот занжирларида иштирок этадилар, INTERNET технологиялари ва рақамли моделлаштиришни оптималлаштирадилар, бу эса қурилиш лойиҳалари иштирокчилари ўртасидаги ўзаро таъсир самарадорлигини сезиларли даражада оширади ва объектларнинг қурилиш вақтини қисқартиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дюкова О.М. Логистика строительства: современное понимание и тенденции. СПб.: Изд-во СПбГЭУ, 2016. -116 с.
2. Дмитриев А.В. Эволюция цифровизации транспортно-логистических систем. Логистика и управление цепями поставок: сборник научных трудов. СПб.: Изд-во СПбГЭУ, 2019. С. 44-54.
3. Матризаева Д.Ю. Саноат корхоналарининг иктисодий самарадорлигини бошқаришни такомиллаштириш (“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси мисолида). Иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Т.: ТДИУ, 2021. – 61 б.
4. Логистика и управление цепями поставок/ под ред. В.В. Щербакова. М.: Юрайт, 2015. 582 с.
5. Плетнева Н.Г., Гужва Е.Г., Чепаченко Н.В. Выбор модели цепи поставок как способ повышения эффективности предпринимательских структур в строительстве// Вестник гражданских инженеров. 2018. №6 (71). С. 236-242.
6. Плетнева Н.Г. Концептуальная модель логистического обеспечения предпринимательской деятельности в строительстве как инструмента повышения ее эффективности// Вестник гражданских инженеров. 2016. №6 (59). С. 330-338.
7. Локтионова Е.В. Логистический менеджмент в жилищном строительстве: инфраструктурный аспект// Логистика и управление цепями поставок: сборник научных трудов. СПб.: Изд-во СПбГЭУ, 2019. С. 119-122.
8. Смирнова Е.А. Особенности управления трансграничными цепями поставок// Инновационная деятельность. 2014. №2 (29). С. 66-69.

УДК 33

**АНАЛИЗ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ РЕГИОНА
(НА ПРИМЕРЕ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН)***Н.Н. Панжиева, преподаватель, Термезский государственный университет, Термез*

Annotatsiya. Maqolada "mintaqaning investitsion jozibadorligi" tushunchasini aniqlashning asosiy yondashuvlari ko'rib chiqiladi. Surxondaryo viloyatining investitsion jozibadorligini

shakllantiruvchi asosiy ko'rsatkichlar alohida ta'kidlangan. Aniqlangan ko'rsatkichlar asosida Surxondaryo viloyatida turizm sohasining investitsiya jozibadorligining integral indeksi hisoblab chiqildi.

Kalit so'zlar: investitsiyalar, mintaqaviy investitsiyalar, investitsion jozibadorlik, mintaqaning investitsion jozibadorligi.

Аннотация. В статье рассмотрены основные подходы к определению понятия «инвестиционная привлекательность региона». Выделены основные показатели, которые формируют инвестиционную привлекательность Сурхандарьинской области. На основе выявленных показателей рассчитан интегральный индекс инвестиционной привлекательности туристической отрасли в Сурхандарьинской области.

Ключевые слова: инвестиции, региональные инвестиции, инвестиционная привлекательность, инвестиционная привлекательность региона.

Abstract. The article discusses the main approaches to defining the concept of "investment attractiveness of the region". The main indicators that form the investment attractiveness of the Surkhandarya region are highlighted. On the basis of the identified indicators, the integral index of investment attractiveness of the tourism industry in the Surkhandarya region was calculated.

Key words: investments, regional investments, investment attractiveness, investment attractiveness of the region.

В современном развивающемся мире инвестиционная политика выступает в экономической стратегии государств основным элементом, определяется основными задачами и целями такой стратегии. В результате продуманной и реализованной политики привлечения в государство иностранных инвестиций возможно повышение конкурентоспособности, ускорение темпов экономического роста и модернизация экономики государства.

Результаты исследования современных ученых свидетельствуют о том, что для привлечения инвестиций в регионы основным фактором считается благоприятная инвестиционная составляющая [5, с. 2152].

На сегодняшний день в литературных источниках встречается достаточно обширное количество определений термина «инвестиционная привлекательность региона». Рассмотрим некоторые из них. В научных трудах Л.Г. Ахтариёвой подчеркивается, что инвестиционная привлекательность региона представляет собой совокупность показателей, отражающих уровень регионального финансового и социально-экономического развития [1, с. 234].

Инвестиционная привлекательность региона, по мнению Е.В. Володина, представляет собой совокупность факторов политического, природно-географического и социально-экономического характера, формирующих представление об эффективности инвестирования в региональные объекты для инвестора [2, с. 29].

На взгляд В.А. Джиоева, инвестиционная привлекательность региона является характеристикой, которая в себе объединяет природную и экологическую составляющую, инвестиционную базу, финансовые возможности региона для осуществления софинансирования проектов инвестиционного характера [3, с. 119].

Таблица 1

Динамика основных экономических показателей Сурхандарьинской области [4]

Наименование	2015	2016	2017	2018	2019
ВРП, млрд. сумм	7891,9	8454,8	10630,6	нет данных	нет данных
ВРП на душу населения, млн. сум	нет данных	3,5	4,27	нет данных	нет данных
Инвестиции в основной капитал, млрд. сумм	1843,6	2142,4	3551,0	7240,6	11835,1
Инвестиции на душу населения, тыс. сум	773,0	879,1	1427,1	2848,3	4552,8

Республика Узбекистан – страна, которая стратегически расположена в сердце Центральной Азии и которая богата ресурсами. В Республике Узбекистан находится 14

административно-территориальных единиц первого порядка, среди которых Сурхандарьинская область. Динамика основных экономических показателей Сурхандарьинской области Республики Узбекистан представлена в таблице 1.

В период 2015-2017 наблюдается повышение ВРП региона. Так, если в 2015 г. он составлял 7891,9 млрд. сум, то к 2017 году увеличился на 34,7 % и составил 10630,6 млрд. сум. В период 2016-2017 можно наблюдать повышение ВРП на душу населения на 22 %. На протяжении исследуемого периода наблюдается повышение инвестиций в основной капитал и инвестиций на душу населения, однако об этом подробнее будет рассказано далее.

Специализация Сурхандарьинской области в сфере промышленности и услуг схематически представлена на рисунке 1-2.




Рис.1. Специализация Сурхандарьинской области в сфере промышленности [составлено автором]

Следовательно, основной специализацией в Сурхандарьинской области в сфере промышленности считается пищевая, текстильная промышленность и шелкопрядство, от которых было получено 821,5 млрд. сум, 636,7 млрд. сум и 486,2 млрд. сум, соответственно.




Рис.2. Специализация Сурхандарьинской области в сфере услуг [составлено автором]

Основной специализацией в Сурхандарьинской области в сфере услуг считается транспорт и торговля, от которых было получено 932 и 1798,6 млрд. сум, соответственно.

Освоение инвестиций в основной капитал в Сурхандарьинской области Республики Узбекистан в фактических ценах представлено на рисунках 3-4.

В 2018-2019 гг. в Сурхандарьинской области Республики Узбекистан повышение инвестиций в основной капитал, прежде всего, обусловлено формированием теплиц агрохолдингом «Эко-культура». Стоимость проекта составляет 472 млн. долларов, площадь теплиц для выращивания томатов – 314 га [6].




Рис.3. Освоение инвестиций в основной капитал в Сурхандарьинской области, % [составлено автором]




Рис.4. Темп роста инвестиций в основной капитал в Сурхандарьинской области, % [составлено автором]

При рассмотрении особенностей развития в Сурхандарьинской области Республики Узбекистан туристической отрасли было установлено, что туризм в исследуемом регионе – это один из приоритетных направлений развития, что обусловлено хорошим потенциалом развития туристической отрасли в области.

Вывод. Проведенное исследование позволяет сделать вывод о высоком уровне инвестиционного потенциала Сурхандарьинской области Республики Узбекистан. Одним из направлений развития и повышения уровня инвестиционного потенциала в регионе считается туристическая отрасли, интегральный индекс инвестиционной привлекательности которого составляет 30 %. Именно поэтому требуется повышать инвестиционную привлекательность туристической отрасли региона, так как инвестиции воздействуют на формирование в регионе соответствующего производственного, трудового и ресурсного потенциала. Повышение инвестиционных вложений создает соответствующий эффект мультипликативного характера, а также оказывает положительное влияние на результаты финансово-хозяйственной деятельности.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Ахтариёва, Л.Г. Современные подходы к оценке инвестиционной привлекательности регионов // Вестник УГНТУ Наука, образование, экономика. Серия: Экономика. - 2014. - № 1 (7). С. 233-239.
2. Вологдин, Е.В. Оценка инвестиционной привлекательности региона: теория и практика (на примере Алтайского края): монография. - Барнаул: Алтайский государственный университет, 2017. - 158 с.
3. Джиоев, В.А. Сущность и взаимосвязь понятий инвестиционной привлекательности и инвестиционного климата регионов // Вестник ГУУ. 2020. №3. С. 118-122.
4. Официальный сайт Агентства по привлечению иностранных инвестиций при Министерстве инвестиций и внешней торговли Республики Узбекистан. URL: <https://invest.gov.uz/ru/>
5. Траченко, М.Б., Джиоев, В.А. Экспресс-анализ инвестиционной привлекательности регионов // Финансы и кредит. 2018. №9 (777). С. 2151-2165.
6. «Эко-культура» хочет построить 300 гектаров теплиц в Узбекистане. URL: <https://www.agroinvestor.ru/investments/news/30639-eko-kultura-khochet-postroit-300-gektarov-teplits/>

УЎТ 639

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСКИЧЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Х.Б.Ражапов, катта ўқитувчи, Урганч Давлат университети, Урганч

Аннотация. Мазкур мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) тушунчалари, тамойиллари, ривожланиш босқичлари, КБХТ шарт-шароитлари, имкониятлари ва муаммолари ёритилган.

Калим сўзлар: бизнес, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, якка тартибдаги тадбиркорлик, талаб, таклиф, ялпи ички маҳсулот.

Аннотация. В статье описаны концепции, принципы, этапы развития, условия, возможности и проблемы малого бизнеса и частного предпринимательства.

Ключевые слова: бизнес, малый бизнес, частное предпринимательство, индивидуальное предпринимательство, спрос, предложение, валовой внутренний продукт.

Abstract. This article describes the concepts, principles, stages of development, conditions, opportunities and challenges of small business and private entrepreneurship.

Keywords: business, small business, private entrepreneurship, individual entrepreneurship, demand, supply, gross domestic product.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) ни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифасидир. Бугунги кунда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суратларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда.

Тадбиркорлик ва бизнес тушунчаларига берилган таърифлардан келиб чиқиб, бу тушунчалар бир-биридан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилишини кўриб ўтиш мумкин:

Бизнес бозор иқтисодиётининг барча иштирокчилари орасидаги муносабатларни қамраб олади ва фақат ишбилармонларнинг эмас, балки истеъмолчиларнинг, ёлланган ишчиларнинг, давлат тизими хизматчиларининг ҳам хатти ҳаракатларини ўз ичига олади. Бу ҳолатда, бизнес сўзининг синонимлари бўлиб, маълум маънода тижорат, савдо-сотик каби тушунчалар ҳисобланади. Умумий кўринишда бизнес – бу кишининг бозор муносабатлари тизимдаги ишчанлик фаоллигидир.

Тадбиркорлик фаолияти бизнеснинг бир шакли сифатида намоён бўлади ва унинг турли соҳаларида амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолиятининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалсада, унинг илмий тушунчаси VII асрга келиб пайдо бўлган ва мулкдор деган тушунча билан бир хил тушуниланган. Мулкчиликнинг турли шакллари асосланган, рақобатли иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш, бошқариш турли хил шакл ва усулларда олиб борилади. Уларнинг ичида тадбиркорлик фаолияти алоҳида ўрин тутуди ва бу фаолият орқали мулкчиликнинг турли шакллари иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқариш яъни фойда олиш амалга оширилади[1].

Қуйидаги 1 – жадвалда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг турлари ва шакллари, унга таърифлар келтирилган.

Бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти назариясининг ривожланишида уч босқич, яъни мазкур соҳани илмий жиҳатдан тадқиқ этишдаги алоҳида босқичлар шартли равишда ажратилади.

Биринчи босқич дастлабки бозор муносабатлари шаклланиш даври – XVIII асрда пайдо бўлиб, у тадбиркор томонидан амалга ошириладиган таваккалчилик жараёнлари билан боғлиқ. Айнан иқтисодиёт фанида тадбиркорлик фаолиятига оид дастлабки тадқиқотлар ҳам шу даврда Р. Кантлон, А.Тюгро., Ф.Кене., А.Смит ва Ж.Б.Сей асарларида амалга оширилган.

Ж.Б. Сейнинг иқтисодий қарашларида “Тадбиркорлар ва меҳнаткашлар фаолияти бойлик манбаи ҳисобланади”.

Ж. Б. Сей ер, меҳнат ва капитал қиймат яратишнинг тенг омиллари деб ҳисоблаган. У учта асосий манбага кўра, даромаднинг уч турини аниқлади: иш ҳақи (меҳнат учун), фоиз (капитал учун тўловлар) ва рента (ер учун тўловлар).

У пулни айирбошлаш воситаси ролини ўйнади, чунки одамларга пул эмас, балки у билан сотиб олган нарса керак.

Харажат қуйидагиларга боғлиқ:

- маҳсулотнинг фойдалилиги;
- маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари;
- талаб (тўғридан-тўғри муносабат) ва таклиф (тескари муносабат).

Ж.Б.Сейнинг фикрига кўра, ялпи талаб ва ялпи таклиф доимо тенглаштирилади, ёки бошқача қилиб айтганда, яратилган товарнинг қиймати ялпи даромад билан ифодаланади, бунинг учун товарлар таннархида сотиб олинади, шунинг учун ортиқча ишлаб чиқариш инқирози бозор иқтисодиётида мумкин эмас. У фақат маълум товарларни ортиқча ишлаб чиқариш имкониятини тан олди.

Америкалик иқтисодчи Ж.Б.Кларк (1847-1938) Ж.Б.Сейнинг «учлик формуласига» бир оз ўзгартириш киритди. Унинг фикрича, ишлаб чиқаришда доим тўрт омил иштирок этади:

- 1) капитал;
- 2) ишлаб чиқариш воситалари ва ер;

- 3) тадбиркорлик фаолияти;
4) ишчининг меҳнати.

1 – жадвал

Тадбиркорлик фаолиятининг турлари ва шакллари [8]

№	Тадбиркорлик фаолиятининг турлари ва шакллари	Таърифи
	Ишлаб чиқариш тадбиркорлиги	Ишлаб чиқариш тадбиркорлигини тадбиркорликнинг асосий тури десак, хато бўлмайди. Зеро, бундай тадбиркорлик фаолияти туфайли маҳсулот, товарлар ишлаб чиқарилади, хизмат кўрсатилади, маълум маънавий кадрлар юзага келади.
	Тижорат тадбиркорлиги	Тадбиркорлик фаолиятининг бу тури товар ва хизматларни сотиб олиш ва сотиш жараёнларини амалга ошириш билан таърифланади, чунки бу соҳада қисқа вақт орасида даромад олиш мумкин. Агар ишлаб чиқариш корхона самарадорлигининг 10-12% ини ташкил қилса, тижорат фаолияти эса бу кўрсаткични яна 20-30%га оширади.
	Молиявий тадбиркорлик	Молиявий тадбиркорлик тадбиркорлик соҳасининг алоҳида олинган турига киради. Унинг фаолият соҳаси қийматларни алмадиниши ва алмаштирилишидан иборат. Молиявий фаолият ишлаб чиқариш, тижорат соҳасини қамраб олиши мумкин. Тижорат банклари ва фонд биржалари молиявий тадбиркорлик учун фаолият кўрсатувчи мақом бўлиб хизмат қилади.
	Маслаҳат тадбиркорлиги	Маълум бир соҳада ўз мутахассислиги бўйича йўл-йўриқ кўрсатувчи кишига маслаҳатчи дейилади. Чет элларда бошқарув бўйича пулли маслаҳат консалтинг деб юритилади. Иқтисодий ва бошқарув бўйича Европа Федерацияси маслаҳатчилар Ассоциациясининг таърифича менежмент-консалтинг бошқарув бўйича муаммо ва имкониятларни аниқлаш, уларга баҳо бериш, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда ҳолисона маслаҳат бериш ҳамда ёрдам кўрсатишидир.
	Якка тартибдаги тадбиркорлиги	Шахсий мулкка асосланади, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ўзи ёки оила аъзолари меҳнати асосида амалга оширилади. Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширилишидир.
	Хусусий тадбиркорлик	Бу фуқаролар (алоҳида фуқаро) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулккий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик асосида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.
	Жамоа тадбиркорлиги	Бу бир гуруҳ фуқароларнинг ўзларига маъқул бўлган мулкчилик шаклларида жамоаларга бирлашиб, жамоа корхоналарини ташкил қилишлари ва шу асосда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишларидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўртасидаги тафовутлар [8]

➤ **Кичик бизнес** – ҳуқуқий шахс сифатида ёки корхона ташкил этиб тадбиркорлик билан шуғулланилади ва ишчиларнинг сони йирик, ўрта ва кичик бизнес турларига ажратилади.

➤ **Хусусий тадбиркорлик** – хусусий корхона ва якка тартибдаги тадбиркорлик шаклларида амал қилади. Агар хусусий корхона ҳуқуқий шахс бўлса, якка-тартибдаги тадбиркорлар жисмоний шахс сифатида иш юритадилар.

Америкалик олим Р.Хизрич, «Тадбиркорлик ўз қийматига эга бўлган қандайдир янги нарсани яратиш жараёни, тадбиркор эса бунинг учун барча зарур вақти ва кунини сарфлайдиган, барча молиявий, психологик ва ижтимоий хавф-хатарни ўзига олиб, эвазига мукофот сифатида пул ва эришилган ютуғидан қаноатланувчи шахс», - деб таъкидлайди [2].

Инглиз профессори А.Хоскин эса «ишни ўз ҳисобидан олиб боровчи, бизнесни бошқариш билан шахсан шуғулланувчи ва керакли воситалар билан таъминланиш учун шахсий жавобгарликка эга, қарорни мустақил қабул қилувчи шахс якка тартибдаги тадбиркор бўлади», - деб изоҳлайди [3].

Француз иқтисодчиси Р.Кантилон тадбиркорликнинг муҳим тавсифи хусусиятларидан бири сифатида таваккалчиликни ажратиб кўрсатади. Унинг фикрича, тадбиркор – воқеа ва


ходисаларни олдиндан кўра билиш хусусиятига эга бўлган, ўз зиммасига барча масъулиятни олиб таваккал қилувчи, ўз хатти-харакатлари туфайли даромад олишга умид қилувчи ва ҳар қандай йўқотишларга тайёр бўлган шахсдир.

Р.Кантилондан кейин неоклассик мактаб намоёндалари ўз асарларида ўзига хос таваккалчилик асосида рақобатлашиб, савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона эгасини тадбиркор деб ҳисоблай бошладилар.

Тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги назариялар ривожланишининг иккинчи босқичида тадбиркорликнинг асосий хусусияти сифатида инновацион фаолият ажратилиб кўрсатилади. Бу оқимнинг асосчиси Ю.Шумпетер бўлиб, унинг фикрича, иқтисодий ўсишнинг негизида тадбиркорни ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинациясини ишлатишга, қўллашга бўлган интилиши ётади ва ушбу интилишнинг натижаси инновация, янгиликлар ҳисобланади[4].

Мазкур назариялар ривожланиши учинчи босқичининг асосий ғояси – тадбиркорнинг муҳим шахсий фазилатлари, жумладан изланиш ва тадқиқот ҳисобланади. Бу оқим намоёндалари Ф.Хаек ва Л.Мизес тадбиркорликка янги иқтисодий имкониятларни излаб топиш ва тадқиқ қилиш деб қарайди, шу билан бирга фаолияти изланиш тарзида кечадиган ҳар қандай шахсни бўлғуси тадбиркор деб ҳисоблашади[1].

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг шаклланиш босқичлари [8]



Иқтисодиётда давлат иштирокини стратегик асосланган даражада қисқартириш, хусусий мулкни янада ривожлантириш ва уни ҳимоя қилишга доир комплекс масалаларни ҳал этиш - ҳукумат, давлат бошқаруви органлари ва барча даражадаги ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифа сифатида белгиланади. Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз - кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Мен такрор бўлса ҳам, айтишдан ҳеч қачон чарчамайман, яъни **«Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади»**. Шунинг учун бундан кейин тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилиш - давлат сиёсатига, Президент сиёсатига тўсқинлик қилиш, деб баҳоланади. Принципиал жиҳатдан ғоят муҳим бўлган бу позициямизни яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтишни муҳим ва зарур деб ҳисоблайман[5].

Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий, умумдавлат мақсадларида фойдаланиладиган ва ниҳоят, жамоа, гуруҳ, хусусий ва шахсий мақсадларда ишлатиладиган турлари мавжуд. Шунга мос равишда тадбиркорликнинг турли туман: давлат, жамоа, хусусий,

аралаш ва бошқа ҳосила шакллари ривожланади. Турли мамлакатларда давлат корхоналарининг ҳуқуқий мақоми турли–туманлиги билан анча фарқланади. Ҳатто бирон–бир мамлакатда барча давлат корхоналари фаолиятини тартибга солувчи ягона қонуний ҳужжат мавжуд эмас.

Ўзбекистонда КБХТнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб–қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш шароитида иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, КБХТ миллий иқтисодиётни яратиш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини асоси ҳисобланувчи ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга вилоят, туман ва шаҳарларни уларнинг табиий–географик имкониятлари, ер шароити ва деҳқончилик маданиятини назарда тутган ҳолда, ҳудудий эҳтиёж ва манфаатлар нуктаи назаридан иқтисодий ривожлантириш чораларини кўриш белгиланган.


Республикада иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларни рағбатлантириш ва қўллаб–қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинган, энг аввало, хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, КБХТ учун қулай шартшароитлар яратишга ва ҳар томонлама қўллаб–қувватлашга, ЯИМда ушбу соҳанинг улушини ошириб боришга, бандлик муаммосини ҳал қилишга асос бўлмоқда[6].


Қуйида Республикада КБХТнинг иқтисодиёт тармоқларидаги асосий кўрсаткичларининг ҳажми келтирилган:

2020 йилда кичик тадбиркорлик субъектларининг ЯИМ даги улуши 53,9 фоизни ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2019 йилда 56,5 фоизни ташкил қилганди. 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 1,6 фоиз пасайиш кузатилди. 2020 йилда ЯИМ ўсиши 2019 йилдаги 5,8 % ва 2018 йилдаги 5,4 % га нисбатан 1,6 % гача секинлашди. Шу билан бир вақтда, ЯИМ дефлятор индексида ҳам 2019 йилдаги 118,6 % ва 2018 йилдаги 127,5 % га нисбатан 2020 йилда 111,9 % гача секинлашиш кузатилди[7].

2020 йилда янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да [7]



Кичик тадбиркорлик субъектларининг сони, йиллар кесимида [7]
(ҳар 1000 аҳолига, бирликда)



Кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (хар 1000 аҳолига, бирликда) 2017 йилда 12,4 бирликни, 2018 йилда 13,2 бирликни, 2019 йилда 13,3 бирликни, 2020 йилда 15,6 бирликни ташкил қилди. 2020 йилда 2017 йилга нисбатан 3,2 бирлик, 2018 йилга нисбатан 2,4 бирлик, 2019 йилга нисбатан 2,3 бирлик ўсиш кузатилди. 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 0,1 бирлик ўсиш кузатилди ва бу бошқа йилларга нисбатан анча паст кўрсаткичдир.

2020 йилда 93,2 мингта янги кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди. Бу ўтган йилга нисбатан 0,4 фоизга кўп демакдир.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида 35213 та (37,8 %), саноат соҳасида 18596 та (19,9 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 14969 та (16,1 %), қурилиш соҳасида 5637 та (6,4 %) ташкил этилган.

КБХТни ривожлантириш учун ҳозирги замон талабаларига жавоб берадиган даражада маслаҳат марказлари фаолиятини такомиллаштириш лозим. Бу борада олиб борилаётган ишларни қониқарли деб бўлмайди. Маслаҳат марказларини инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда манфаатдор бўлишлари бунинг бир ечими бўла олади.

КБХТни ташкил этиш ва ривожлантириш билан боғлиқ ҳисоб рақамларни очиш, рўйхатдан ўтиш, кредит фоиз ставкаларининг юқорилиги, хар хил рухсатнома, маҳсулотлар сертификацияси ва лицензиялар учун хар хил расмий ва норасмий тўловлар мавжудлиги ҳам яна бир муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. В.У.Ходиев, Ш.Ш.Шодмоннов. Иқтисодийот назарияси. Дарслик. Ташкент-2017. 276-277 б.
2. Р.Хизрич., С.Питерс. Предпринимательство.М., 1991, 256 с.
3. М.Р.Болтабоев, М.С.Қосимова, Ш.Ж.Эргашходжаева, Б.К.Ғойибназаров, А.Н.Самадов, Р.Ходжаев. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. –Т.: 2012.-274 бет.
4. Шумпетер Й. Теория экономического развития. М.: - Прогресс, 1982
5. Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент; “Ўзбекистон” НМИУ, 2016 й. 15-бет.
6. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №2, март-апрель, 2017 йил. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳозирги ҳолати. Бобоев Акмал Чориевич.
7. <https://stat.uz/uz/> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.
8. Муаллиф ишланмаси.

УЎК 33

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ ВА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

О.Н. Тўйчиева, катта ўқитувчи, Фарғона политехника институти, Фарғона

Аннотация. Мақолада мамлакатимиз олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгариш тенденциялари ўрганилган. Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулотнинг ва таълим соҳасидаги хизматларнинг 2010-2020 йиллардаги динамикасининг қиёсий таҳлили амалга оширилган ва соҳа фаолиятини ривожлантиришига қаратилган хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Калим сўзлар: Олий таълим, олий таълим тизими, таълим хизматлари бозори, хусусий ОТМ, таълим хизматлари сифати.

Аннотация. В статье рассматриваются проводимые реформы и тенденции изменений в системе высшего образования. Проведен сравнительный анализ динамики валового внутреннего продукта и услуг в сфере образования на 2010-2020 годы в Республике Узбекистан и сформулированы выводы и предложения, направленные на развитие деятельности сферы образования.

Ключевые слова: Высшее образование, система высшего образования, рынок образовательных услуг, частный университет, качество образовательных услуг.

Abstract. The article discusses the reforms and trends of changes in the higher education system of our country. The Republic of Uzbekistan conducted a comparative analysis of the dynamics of gross domestic product and services in the field of education in 2010-2020 and formed conclusions and proposals aimed at developing the activities of the sphere.

Keywords: Higher education, higher education system, educational services market, private university, quality of educational services.

Кириш. Замоनावий иқтисодиётда олий таълим тизими XXI асрда иқтисодий қудрат ва сиёсий таъсир устунлиги сабабли давлатларнинг глобал рақобати шароитида асосий ва истиқболли платформалардан бири бўлиб ҳисобланади. Янги билимлар иқтисодиётида рақобатлашиш учун Ўзбекистон Республикасининг меҳнат бозорида юқори малакали кадрлар улушини кескин ошириш объектив зарурият сифатида вужудга келади.

Бугунги кунда шиддат билан ривожланиб бораётган дунёда инсон капиталига бўлган эҳтиёж ва уни ривожлантириш асосий мақсадлардан бири бўлиб қолмоқда. Инсон капитали жаҳон даражасидаги университетларни ўз ичига олган рақобатбардош ва мослашувчан таълим тизимига асосланган. Бутун дунё бўйлаб барча ОТМнинг ходимлари ўз университетларининг нуфузи учун қайғуради ва ўз таълим муассасаларининг глобал рейтингда юқори ўринларни эгаллаши учун курашади.

Мамлакат иқтисодиётида кўп укладлилиқни ҳамда рағбатлантирувчи кучга эга бўлган рақобат муҳитини яратиш орқали давлатни мулкка бўлган монопол ҳуқуқини тугатиш, хусусий мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналарни барпо этиш стратегик вазифалардан бири ҳисобланади. Айни шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, мамлакатда ОТМлар ўртасида рақобат муҳитини яратиш долзарб ҳисобланади. Фикримизча, мулкчиликнинг турли шаклларидаги ОТМларни яратиш қуйидача бўлиши мумкин:

- давлат ОТМларини ташкил этиш;
- хусусий ОТМларни ташкил этиш;
- ДХШ ОТМларини ташкил этиш.

Ҳозирда жаҳон миқёсида олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишнинг минтақавий жиҳатларини эътиборга олган ҳолда янада такомиллаштириш борасида кенг қўламдаги илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада турли шарт-шароитлар билан тафовутланувчи минтақаларда олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг инновацион моделларини яратиш, иқтисодиётнинг юқори малакали мутахассисларга нисбатан тез ўзгариб боровчи эҳтиёжини кадрлар тайёрлашнинг мавжуд имкониятлари ҳамда салоҳияти билан мувофиқлаштириш муаммолари тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш керакки, минтақаларда кадрлар тайёрлашнинг сифати ва салоҳиятини инновацион-инвестицион механизмларини моделлаштириш ҳамда прогнозлаш жараёнларини янада такомиллаштириш бу борадаги муҳим илмий тенденциялардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жамиятда туб сифат ўзгаришларини ҳамда яқин истиқболда барқарор ривожланишни таъминлаш имконини берадиган олий таълим тизимини шакллантиришни талаб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Парламентга Мурожаатномасида олий таълим тизимида таҳсил олиш учун кенг имконият яратишга

қаратилган ишларни янада кучайтириш, университетлар нуфузини ошириш, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириб, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш ва рақобатни кучайтириш, нуфузли хорижий институт ҳамда университетлар билан ҳамкорликни кучайтириш, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини янада ошириш, илмий ва илмийпедагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилган[1]. Худудларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, сиртки ва кечки ўқув шакллариининг очилиши, қабул квоталарининг оширилиши бу борадаги ислохотларнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили. Турли даврларда иқтисодчи олимлар таълим тизимининг микро ва макроиқтисодий даражаларида тутган ўрнини, унинг иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этганлар. Таълим соҳасининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни унинг ривожланиши билан ўзгариб боради. Хусусан, П.Дракернинг фикрича, ҳозирги даврда “билимлар капитал ва ишчи кучини четга суриб, ишлаб чиқаришнинг етакчи омилига айланмоқда”[2] .

Э.Денисоннинг ҳисобларига кўра, АКШда киши бошига тўғри келадиган даромадларнинг ошиши таълим олиш даражасининг ошиши ҳисобига рўй берган[3] .

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олий таълим тизимининг ҳолати, ривожланиш тенденциялари, уларни бошқариш ва молиялаштириш, маркетинг ва менежменти, таълим бозорини ривожлантириш масалалари иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, олий таълимни ривожлантириш вазифалари[4], бозор муносабатларига ўтиш даврида таълим тизимининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсири[5], таълим хизматлари бозорида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш[6], тадбиркорлик соҳаси учун олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашда бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини такомиллаштириш[7] каби йўналишларда илмий изланишлар олиб борилган.

Юқорида қайд этилган илмий ишларнинг аксарият қисми олий таълим тизимининг ривожланиши ва маркетинги, менежментининг амал қилиш механизмларини ўрганишга бағишланган. Ўзбекистонда олий таълим тизимининг шаклланиш ва амал қилиш хусусиятлари, меҳнат бозори билан узвий боғлиқлигини кучайтириш, таълим сифатини ошириш ҳамда бошқаришни такомиллаштириш масалалари етарлича очиб берилмаганлиги бу борада тадқиқотларни чуқурлаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

Таҳлил ва натижалар. Миллий меҳнат бозори ҳамда инсон капиталини иқтисодий тадқиқ қилиш ва ислохотлар марказининг изланишлари натижалатига кўра, мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётида рақобатни сақлаб қолиш борасидаги ягона имконияти - илғор модернизация сценарийсини амалга ошириш - меҳнат бозоридаги сифат ўзгариши ва юқори малакали мутахассислар улушининг кўпайиши ҳисобланади.

Шубҳасиз, олий маълумот инсоннинг асосий ҳуқуқи ва инсон тараққиётининг муҳим ҳаракатлантирувчи кучидир. Охир оқибат ноқулай ижтимоий-иқтисодий шароитда бўлган одамларнинг қашшоқликдан чиқиб кетишлари учун уларга билим ва кўникмалар бериш, шу орқали ҳаётини яхшилаш имкониятларини яратади.

Кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро стандартлар даражасида тубдан қайта кўриб чиқиш, шунингдек 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси соҳани такомиллаштириш учун тўртки бўлди дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонида кўра: “Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида: олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, худудларда давлат ва нодавлат ОТМ фаолиятини ташкил этиш асосида олий

таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш” вазифаси қўйилган[8].

Ушбу кўрсатмаларни амалга ошириш нафақат малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш бўлиб қолмасдан, балки кенг доирадаги вазифаларни: баркамол авлодни тарбиялаш, комил инсонни шакллантириш, мамлакатда барқарор ижтимоий сиёсий муҳитни шакллантириш, жамиятни демократлаштириш, иқтисодий бозор тамойиллари негизда бошқарувчи замонавий мутахассисларни етказиб беришни назарда тутди.

Бугунги кунда республикада 114 та ОТМ мавжуд бўлиб, улардан 93 таси маҳаллий ҳамда 21 таси хорижий ОТМ ва уларнинг филиаллари ҳисобланади. Жумладан, сўнгги 3 йилда янги 6 та ОТМ, 17 та филиал ва 14 та хорижий ОТМ филиали ташкил этилди.

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳамда таълим соҳасидаги хизматларнинг ўзгариши ҳолатининг таҳлили амалга оширилди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ЯИМнинг ва таълим соҳасидаги хизматларнинг 2010-2020 йиллардаги динамикасининг қиёсий таҳлили¹

Йиллар	Мамлакат ЯИМ, млрд. сўм	ЯИМ-нинг ўсиш суръати, %	Таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми, млрд. сўм.	Таълим соҳасидаги хизматларнинг ўсиш суръати, %	ЯИМда таълим соҳасидаги хизматларнинг улуши, %
2010	74 042,0	100,0	763,1	100,0	1,0
2011	96 949,6	130,9	1027,4	134,6	1,1
2012	120 242,0	162,4	1385,3	181,5	1,1
2013	144 548,3	195,2	1793,0	235,0	1,2
2014	177 153,9	239,3	2154,4	282,3	1,2
2015	210 183,1	283,9	2681,4	351,3	1,3
2016	242 495,5	327,5	3263,0	427,6	1,3
2017	302 536,8	408,6	4402,0	576,8	1,4
2018	406 648,5	549,2	5416,5	709,8	1,3
2019	510 117,2	688,9	7164,9	938,9	1,4
2020	580 203,2	783,6	9073,0	1189,0	1,6

Мазкур жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, мамлакатимизда ЯИМ 2010-2020 йиллар давомида 7,8 мартага ўсган. Аммо таълим соҳасидаги хизматларнинг ўсиш суръати шу даврда 11,9 мартани ташкил қилган. Таълим хизматларининг мамлакат ЯИМдаги улуши шу дарда 1,0 %дан 1,6 %гача ўсганлиги, ўсиш нуқтаи назаридан юқори, аммо улуши нуқтаи назаридан кам. Бунга албатта объектив сабаблар бор эди. Чунки бепул таълим шароитида харажатлар катта бўлиши билан бирга даромад кам бўлиши табиий ҳолдир.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар – жаҳон иқтисодиётининг асосий субъектларидан бири ҳисобланади. Ушбу мамлакатлар «ривожланган» ёки «саноат жиҳатдан тараққий этган» мамлакатлар деб аталади.

Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларга хос бўлган асосий хусусиятлардан бири – даромадларнинг аҳоли қатламлари ўртасида нисбатан текис тақсимланиши ва мамлакат ҳудудининг бир текис ўзлаштирилиши ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу мамлакатлар иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилганлиги, хусусан, аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш, илм-фанни ривожлантиришга катта маблағ сарфлаш (ЯИМ га нисбатан 2-3 %) ва унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этилиш, тиббиёт, таълим, маданий соҳаларга сарфланаётган харажатларнинг юқорилиги ва атроф-муҳит муҳофазасига ажратилаётган сарф-харажатларнинг (ЯИМ га нисбатан 3-4 %) юқорилиги билан ажралиб туради[9].

Айниқса, таълим хизмат ҳисобланиб ресурсни тежаган ҳолда иқтисодиётни ривожлантириш хусусиятига эга. Ушбу соҳани мамлакатимизда ривожланиши ўз навбатида таълим хизматлари сифати билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Бу борада юртимизда катта эътибор қаратиб келинмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Олий таълим тизими (ОТТ)ни 2017 - 2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун йўналтириладиган молиявий маблағлар 1,7 триллион сўмдан зиёд бўлиб, улардан 1,2 триллион сўми ўқув-лаборатория бинолари, спорт заллари ва талабалар тураржойларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга, 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эса ўқув-лаборатория ускуналари, мебел ва инвентар билан таъминлаш, умумий тартибда фойдаланишга мўлжалланган, барча таълим муассасаларига хизмат кўрсатадиган лаборатория комплексларини ташкил этиш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга сарфланади.

Хулоса. Мамлакатимизда олий таълим тизимини ривожлантиришда қуйидагиларга эътибор бериш зарур деб ҳисоблаймиз.

- олий таълимни ривожлантириш шакллари бозор талаблари асосида ташкил этиш ва халқаро олий таълим тизими билан интеграциялашувида миллий анъаналаридан келиб чиқиш;

- олий таълим тизимининг иккинчи моделида асосан давлат томонидан даражасини камайиб боришига молиялаштириш асосланган бўлиб шахсни таълим олиши ва келажакда карьера қилишни кафолатланиши;

- олий таълим тизимини ривожлантиришни нафақат ички балки ташқи жаҳон бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда зарурий йўналишларда ривожланишини таъминлаш;

- илм-фан тараққиётини олий маълумотли кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида уларни боғлиқликда олиб бориш учун олий ўқув юртлари кафедраларида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш;

- олий таълим ўқув юртларини ишлаб чиқариш корхоналари билан биргаликда мутахассислар тайёрлашга эътибор бериш зарур деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. – www.uz.uz.

2. Дракер П. Посткапиталистическое общество // Ж. Экономика XXI века. – М.: 1999, № 11. – С. 3-4.

3. Хайруллаева Т. Взаимосвязь общественного производства и воспроизводства человеческого капитала// Ж. Иқтисодиёт ва таълим. – Т.: 2006, № 4. – С. 11.

4. Вахабов А., Имамов Э. Высшее образование в Центральной Азии. Задачи модернизации. - М.: 2007. – 214 с.

5. Эшбоев А.Х. Бозор муносабатларига ўтиш даврида таълим тизимининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсири: и.ф.н. ...дис. автореферати. – Т.: 2008. - 25 б.

6. Усмонова Р.М. Таълим хизматлари бозорида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш (олий таълим мисолида): и.ф.н. ...дис. автореферати. - Т.: 2011. – 25 б.

7. Кучаров А.С. Тадбиркорлик соҳаси учун олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашда бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини такомиллаштириш: и.ф.д. ...дис. автореферати. - Т.: 2006. – 40 б.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони\ lex.uz.

9. Vaxabov A.V., Tadjibayeva D.A., Xajibakiyev Sh.X.. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar: darslik. – Toshkent.: Baktria press, 2015. – 71 b.

УЎК: 336.7(575.1)

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛИ

Д.Р.Хакимов, и.ф.н., Фаргона давлат университети, Фаргона

Аннотация. Мақолада пул-кредит сиёсати бўйича айрим ёндашувлар тадқиқ қилинган. Пул-кредит сиёсатини самарадорлигини баҳолаш, пул-кредит сиёсатининг энг таниқли қоидалари келтирилган, Марказий Банкнинг жавоб реакцияси функцияси, пул-кредит сиёсати қоидаларини таҳлил қилиши асосида самарали хорижий тажрибалардан фойдаланиши имкониятлари аниқланган.

Калит сўзлар: Марказий Банк, пул-кредит сиёсати, макроиқтисодий жараёнлар, қайта молиялаш ставкаси, потенциал кўрсаткич.

Аннотация. В статье исследуются некоторые подходы к денежно-кредитной политике. Выявлены оценка эффективности денежно-кредитной политики, наиболее известные правила денежно-кредитной политики, функция реагирования ЦБ, анализ правил денежно-кредитной политики, возможность использования эффективного зарубежного опыта.

Ключевые слова: Центральный банк, денежно-кредитная политика, макроэкономические процессы, ставка рефинансирования, индикатор потенциала.

Abstract. The article examines some approaches to monetary policy. The evaluation of the effectiveness of monetary policy, the most well-known rules of monetary policy, the response function of the Central Bank, the analysis of the rules of monetary policy, the possibility of using effective foreign experience are identified.

Keywords: Central Bank, monetary policy, macroeconomic processes, refinancing rate, potential indicator.

Кириш. Жаҳон молиявий бозорларида салбий тенденциялар, валюта курслари ва хом ашё товарларга нархларнинг юқори волатиллигининг кучайиб бораётган даврда пул-кредит сиёсатининг ишлаш самарадорлигини ўрганиш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш долзарблиги ортиб бормоқда.

Монетар ҳокимиятлар томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида инфляциянинг паст суръатлари, миллий валютанинг мўътадил девалвацияси, банк тизимининг барқарорлиги таъминланди. Бироқ, эришилган ижобий натижаларга қарамадан, Ўзбекистонда олиб борилаётган пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини оширишга ва уни иқтисодий жараёнларга самарали таъсир этишга тўсқинлик қилаётган муаммо ва омиллар ҳамон мавжуд. Хусусан, иқтисодиётни ноинфляцион монетарлаш даражасини янада ошириш эҳтиёжи мавжуд, нақд пул маблағларининг бюджетдан ташқари муомаласини пасайтириш лозим. Бундан ташқари, айирбошлаш курсларда катта фарқлар мавжуд, бу монетар ҳокимиятларнинг иқтисодиётга валютани тартибга солиш орқали таъсир этиш имкониятларини пасайтириб, пул трансмиссиясининг ишлашини қийинлаштирмоқда.

Бу ҳолат, макроиқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг тури ва йўналишларини, ишлаётган каналларни аниқлашнинг муҳимлигини англатади. Бу олиб борилаётган сиёсатда керак бўлган зарур тўғирлашларни вақтида ва тезлик билан амалга оширишга имкон беради. Макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш мақсадида комплекс чораларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва ташқи шароитлар ўзгарган ҳолатларда салбий таъсирларни олдини олиш ҳамда пул-кредит сиёсати самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Мавзунинг долзарблиги. Республикада олиб борилаётган пул-кредит сиёсатини самарадорлигини баҳолашда бир томонлама ёндашувнинг мавжудлиги бу соҳадаги самарадорликни ошириш имконини бермайди. Тадқиқотда пул-кредит сиёсати самарадорлигини оширишда пул трансмиссияси механизми фаолиятини шакллантириш бўйича комплекс ва тизимли ёндашув зарурлиги илмий асосланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Олиб борилаётган пул-кредит, валюта, молиявий сиёсатларнинг макроиқтисодий жараёнларга таъсир этиш жиҳатларини иқтисодчи-олимлар тадқиқот олиб борганлар.

Масалан, Усоский В.Н. ўз илмий мақоласида пул-кредит сиёсати жараёнида Марказий Банк оралиқ мақсадларни таргетлаши ва шу мақсадларни асосан пул ҳокимиятларининг танловини тавсифлайди, аммо, шу билан бирга жорий макроиқтисодий ва институционал шароитлар устувор пул трансмиссияси каналига боғлиқлигини асослаб беради[1].

Моисеев С.Р. мақоласида дунёдаги энг таниқли пул-кредит сиёсати қоидаларини таҳлил қилиб, уларни асосан икки йўналишга, монетаристик назарияси қоидалари ва кейисчилик назарияси қоидаларига ажратади[2].

Таниқли Америкалик иқтисодчи Тэйлор Ж.Б. 1992 йилда АҚШ ФЗТ мақсадли фоиз ставкасининг инфляцияга ва иқтисодий цикларга реакциясини таърифлаб бериш учун ўзи

ихтиро қилган тенгламадан фойдаланишни таклиф қилган. Бу тенглама ҳам тавсифловчи, ҳам кўрсатма бериш функцияларини муваффақиятли бажарган.

Тенгламага биноан, ФЗТ 1987 - 1992 йиллар мобайнида иккита фикрга амал қилиб, олиб бораётган сиёсатининг воситаси даражасини, федерал жамғармалар бўйича ставкаларни белгилаган[3].

Мак Каллум қоидаси бўйича монетар сиёсатнинг асосий воситаси сифатида фоиз ставкаси эмас, балки пул агрегатларини тартибга солиш аҳамиятлироқдир. Унинг фикри бўйича қоиданинг моҳияти номинал ЯИМ ва пул муомаласи тезлиги динамикасига боғлиқ бўлган пул базасини тартибга солишдан иборатдир[4].

Билан А.ва Крюшко М.мақолаларида молиявий инқирозгача Украина Банк сектори иқтисодий жабҳада жалб қилинган маблағлар ҳисобига молиялаштирилганлиги ва шунинг натижасида чет эл капиталининг чиқиб кетиши ва банк кредитларини кейинчалик жалб қилиш имкониятининг йўқлиги, банклар ликвидлиги ва молиявий секторда салбий намоён бўлиши ҳамда фоиз ставкаларининг кескин пасайиши монетар трансмиссиясининг самарадорлигига салбий таъсир қилганлиги тўғрисида фикр юритишади[5].

Андрюшин С.А., Кузнецова В. ўз мақолаларида молиявий инқироз даврида иқтисодий фаолликни ва кредит экспансиясини рағбатлантиришга йўналтирилган фоиз сиёсати, бир вақтнинг ўзида, активларга нархларнинг ўсишига ёки молиявий кўпикларнинг шаклланишига олиб келганлиги ва Марказий Банк, нархлар барқарорлигига интилган ҳолатда, кредитлар ва активлар нархларининг ўсишини чеклаганлиги оқибатида миллий иқтисодийларнинг ривожланишини секинлашганлиги тўғрисида фикр юритишади[6].

Таҳлил ва натижалар. Пул-кредит сиёсатини амалга оширишда қоидадан фойдаланиш бир қатор ижобий натижаларга олиб келади. Йўқотишларни минималлаштиришда Марказий Банк Тэйлор моделидан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир, чунки бу ҳолатда пул ҳокимиятлари ўз хохишлари бўйича керак бўлган пул-кредит воситаларини ишлатишлари мумкин. Тэйлор модели пул агрегатлари ва валюта курсини таргетлашнинг бир-бирига мос тушишини назарда тутди[7]. Қуйидаги жадвалда пул-кредит сиёсатининг энг таниқли қоидалари келтирилган.

Пул-кредит сиёсати қоидаларига иқтисодчилар томонидан кўп тўрифлар берилган. Моисеев С.Р. фикрича, энг тўғри таъриф қуйидагичадир: “Пул-кредит сиёсатининг қоидаси – бу Марказий Банкнинг жавоб реакцияси функциясидир, унга биноан пул-кредит сиёсатининг воситасини қўллаш муҳим иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгаришига жавобан амалга оширилади” [8-14].

Ўн йиллар давомида Фридман Федерал Захира Тизими томонидан 3-5 фоиз даражасида белгиланган пул массасининг кўпайишини қўллаш қоидасини амалга ошириши тарафдори бўлган. Бироқ, 1980 йиллар бошида ФЗТ пул массасига асосланган қоидаларни қўллашга ҳаракат қилганда, бу ҳаракат ижобий натижа бермади: пул массаси ва иқтисодий ўртасидаги қисқа муддатли ўзаро алоқаларнинг барқарорлиги жуда паст бўлган, шунинг учун бундай қоидалар пул-кредит сиёсати учун ишончли мўлжал бўла олмаслиги аниқ эди. Тэйлор қоидаси оддий тенглама сифатида намоён бўлади. Бу тенгламани Тэйлор 1992 йилда ФЗТ мақсадли фоиз ставкасининг инфляцияга ва иқтисодий циклларга реакциясини таърифлаб бериш учун таклиф қилган[9]. Бу тенглама ҳам тавсифловчи, ҳам кўрсатма бериш функцияларини муваффақиятли бажарган.

Тенгламага биноан, ФЗТ 1987 - 1992 йиллар мобайнида иккита фикрга амал қилиб, олиб бораётган сиёсатининг воситаси даражасини, федерал жамғармалар бўйича ставкаларни белгилаган.

Биринчидан, нақадар инфляция даражаси АҚШда 2 фоизга яқин. Агар инфляция 2 фоизли даражадан ортиб кетса, инфляцияни жиловлаш мақсадида ФЗТ федерал жамғармалар бўйича фоиз ставкасини кўтарган.

Иккинчидан, нақадар иқтисодийнинг реал даромади потенциал кўрсаткичидан узоқ. Агар даромад потенциал кўрсаткичдан паст бўлса, иқтисодий рағбатлантириш мақсадида

ФЗТ мақсадли фоиз ставкасини пасайтирган. Ҳозирги даврда, фоиз ставкаларининг инфляцияга нисбатан пропорционал ўзгаришидан ортиғи Тэйлор тамойли деб аталади.

Тэйлор, 1987 - 1992 йиллар мобайнида, тенглама федерал фондлар бўйича ставканинг аниқ ҳаракатини тафсифлашни ҳам кўрсатиб берди. Тэйлорнинг фикри бўйича, ҳозирги пайтда тан олинаётган ўша даврдаги пул-кредит сиёсатининг муваффақиятли натижаларига шундай қоидага аниқ амал қилинмаганлик туфайли эришилган [10].

1-жадвал

Пул-кредит сиёсатининг энг таниқли қоидалари [8-13]

Йил	Қоиданинг номланиши	Қоида тенгламаси	Муаллифлар
1600-йй..	Катъий белгиланган валюта курси қоидаси	$\Delta e_t = 0$	-
1898	“Рационал пул тизимини” бошқариш учун фоиз ставкаси қоидаси	$i_t = b r_t$	К. Виксель
1920	Фишер қоидаси	$\Delta e_t = -\Delta p_{t-1}$	И. Фишер
1953	Пул массасининг доимий кўпайиш суръати қоидаси	$\Delta m_t = \text{const}$	М. Фридмен
1983- 1985	Номинал даромаднинг таргетлаш қоидаси	$y_t = 0$	Ч. Бин, Р. Холл
1992	Гулхарт қоидаси	$i_t = a + b r_t$ ($a=0,03, b=1,5$)	Ч. Гудхарт
1993	Тэйлор қоидаси	$i_t = b r_t + c y_t$ ($b=1,5, c=0,125$)	Дж. Тэйлор
1999	Болл қоидаси	$i_t = b r_t + c y_t + d_1 q_t + d_2 q_{t-1}$ ($b=2,51, c=1,93, d_1=0,43, d_2=0,3$)	Л. Болл

Бу ерда, i_t - номинал қисқа муддатли фоиз ставкасининг ўзгариши. r_t – t вақтида инфляциянинг оптимал кўрсаткичга нисбатан оғиши. y_t – t вақтида ЯИМнинг потенциал кўрсаткичга нисбатан оғиши. Δe_t – t вақтида номинал валюта курсининг ўзгариши. Δm_t – t вақтида пул массаси кўпайишининг номинал суръати. q_t – t вақтида реал валюта курси.

Хулоса ва таклифлар. Филлипс эгри чизиғи каби, Тэйлор эгри чизиғи инфляция ва ишсизлик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатиб беради. Бироқ, агар Филлипс эгри чизиғи инфляция даражаси ва ишсизлик ўртасидаги боғлиқликни постулат сифатида кўрсатиб берса, Тэйлор сиёсатни ишлаб чиқувчи мутахассислар инфляция ва ишсизликнинг ўзгарувчанлиги ўртасидаги компромисс билан ишлашларини кўрсатиб берди. Марказий Банкнинг таъсирчан сиёсати нафақат инфляциянинг ўзгарувчанлигини, балки ишсизликнинг ўзгарувчанлигини ҳам пасайтириш орқали яхшироқ компромиссга эришишга имкон беради.

Моҳияти бўйича Марказий Банк олиб борган монетар сиёсати ва Тэйлор модели бўйича олинган натижалар бир бирини инкор этмайди. Олинган натижалар тўлиқ вазиятни баҳолашга имкон бермади, сабаби Ўзбекистонда қайта молиялаш ставкасининг ўзгартирилиши монетар сиёсатнинг энг эгилувчан ва тезкор воситаларидан ҳисобланмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, қайта молиялаш ставкасининг ўзгартирилиши одатда Марказий Банкнинг белгилаб олган сиёсати тўғрисидаги хабари сифатида кўрилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Усоский В.Н. Ограничения на выбор режима денежно-кредитной политики. Сборник Белорусского государственного экономического университета.- Минск, 2008. –С. 15.
2. Моисеев С.Р. Правила денежно-кредитной политики//Финансы и кредит.– Москва, 2008. - №8.- С. 12.
3. Taylor J.B., 1993. Discretion versus policy rules in practice. Carnegie-Rochester Conference Series on Public Policy 39.
4. McCallum, B.T. Robustness Properties of a Rule for Monetary Policy. — Carnegie-Rochester Conference Series on Public Policy 29, 1988, pp. 173-203.
5. Bilan, Olena and Maxym Kryshko. 2008. Does Monetary Policy Transmission in Ukraine go through the interest Rate? EERC Working Paper Series 476, pp. 45-47.
6. Андрушион С.А., Кузнецова В. Денежно-кредитная политика ЦБ в условиях глобального финансового кризиса//Вопросы экономики.-Москва, 2010. - №6.- С. 23.
7. Taylor, J. (1999). The Robustness and Efficiency of Monetary Policy Rules as Guidelines for Interest Rate Setting by European Central Bank. Journal of Monetary Economics. pp. 124-126.
8. Моисеев С.Р. Правила денежно-кредитной политики//Финансы и кредит.–Москва, 2008. - №8. – С. 13.

9. Taylor, J.B., 1993. Discretion versus policy rules in practice. Carnegie-Rochester Conference Series on Public Policy, Vol. 30, pp. 195-214, November 1993.

10. Taylor, Jon B., "Discretion versus Policy Rules in Practice," Carnegie-Rochester Series on Public Policy, Vol. 30, pp. 184-223, November 1993.

УЎК 33

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТ СИФАТИДА

Л.Н.Халикова, и.ф.н., доцент, Самарқанд иқтисодий ва сервис институти, Самарқанд

Аннотация. *Амир Темура давлати иқтисодий сиёсатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиши муҳим ўрин эгаллаган. Амир Темура давлат тузуми тарихини ўрганиш шуни кўрсатдики, унинг замонида соҳибқироннинг бевосита раҳнамолигида ижобий ҳимоялашнинг кенг қамровли тизими амал қилган.*

Калим сўзлар: *иқтисодий сиёсат, ижтимоий ҳимоя, давлат тузуми, жамият.*

Аннотация. *Из исторических источников известно, что Амир Тимур для строительства могущественного государства и справедливого общества, эффективно использовал морально-материальную систему стимулирования населения. Процветание огромного государства при Амуре Тимуре, возможно, было в результате продуманной экономической политики, многие положения которой актуальны и в настоящее время.*

Ключевые слова: *экономическая политика, социальная защита, государственная система, общества.*

Abstract. *From historical sources we know that Amir Timur for the construction of the powerful state and a just society effectively used moral and material stimulation system to population. Prosperity of the huge state at Amir Timur period may have been as a result of the sound economic policy, many provisions of which are relevant in the present time.*

Key words: *economic policy, social protection, state system, society.*

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб иқтисодий ислохатларнинг ўзига хос йўли танланди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тизимини жорий этиш тезлашмоқда. Ўтиш даври жараёнлари бешта асосий тамойиллар қаторига кучли ижтимоий ҳимоя соҳасида ҳам узоқ муддатни ўз ичига олган дастур босқичма - босқич амалга оширилмоқда. Халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишни ифода этади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқлаш даражасини янада камайтириш” вазифасининг қўйилиши долзарб масала ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ўзбекистон андозасига асосланган энг муҳим принцип ҳам кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдан иборат.

Ижтимоий сиёсат босқичма - босқич ва макроиқтисодий бошқарув билан маҳкам боғланган бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий социал характериға боғлиқ. Ижтимоий жиҳатдан ривожланган жамият идеал жамиятдир, бунда ижтимоий қатламлар ўртасида турмуш даражасида катта фарқ ҳамда антогонистик қарама-қаршилиқлар бўлмайд.

Ижтимоий ҳимоянинг социал иқтисодий муносабат сифатидаги моҳияти жамият ва аҳоли ўртасидаги муҳтожлик ҳолларда ёрдам, қарияларга кўмаклашиш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий аҳвол, ҳаётини зарурий воситалар билан таъминлаш каби муносабатлардан иборатдир. Ижтимоий ҳимоя пенсия, нафақа, моддий ёрдам, қариялар, беморлар, ногиронларга имтиёзли хизмат кўрсатиш ва болаларга кўрсатиладиган ғамхўрлик каби жамият томонидан амалга ошириладиган сиёсатда намоён бўлади.

Ижтимоий ҳимоянинг иқтисодий негизини моддий ишлаб чиқариш ташкил этади. Тақсимот муносабатлари натижасида жамиятнинг олдиға қўйилган бош мақсадға мувофиқ ялпи маҳсулотнинг бир қисми аҳолининг ижтимоий ҳимоясига сарфланади. Жамият ва

корхоналар ихтиёрида ялпи ички маҳсулотнинг бир қисмини махсус фондларга тўплаш ва тақсимлаш мулкчилик муносабатларнинг реализация қилиниш жараёнидир. Ижтимоий ҳимоя фондининг аксарият қисми тақсимотчилик жараёнида давлат бюджетида шаклланади. Унинг тўпланиш механизми солиқлар ва мақсадли жамғармалардир. Демак, социал ҳимоя иқтисодий муносабат сифатидаги моҳияти ишлаб чиқаришнинг тақсимот жараёнида меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган ёки бошқа объектив сабабларга кўра моддий ёрдамга муҳтож жамият аъзоларининг энг зарурий эҳтиёжларини қондириш муносабатларидан иборатдир. Бунда:

- биринчидан, социал ҳимоя муносабатлари бевосита ижтимоий ишлаб чиқаришга асосланади ва шу жараёнда шаклланадиган тақсимот истеъмол муносабатлар тизимига кўшилади;

- иккинчидан, социал ҳимоя ишлаб чиқарилган ижтимоий маҳсулотнинг “қўшимча” қисмида ўз манбаини топади ва тақсимотчилик жараёнида амалга оширилади;

- учинчидан меҳнат қобилиятига эга бўлмаган ва ёрдамга муҳтож жамият аъзоларига эҳтиёжларини қондириш адолатли тақсимотчилик принципларини амалга оширилишини ифодалайди.

- тўртинчидан, бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчиликнинг ижтимоий шакллари объектив зарурлигини тақозо этади.

2020 йил аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида туб бурилиш йили бўлди, десак, муболаға бўлмайди.

Аввало, аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик мавжудлигини биринчи марта тан олиб, уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишларни бошладик.

Барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги – “темир дафтар” тизими жорий этилди. Қисқа муддатда бу тизим орқали 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Сўнги 4 йилда иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларига бозор механизмларини жорий этиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Эндиги вазифа – чуқур таркибий ислохотлар орқали узоқ муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратишдан иборат. Шуларни инобатга олиб, кейинги йилда куйидаги йўналишларда кенг қамровли ишларни амалга оширамиз.

Биринчидан, камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ёндашув ва ностандарт усулларни жорий этамиз.

Бир ҳақиқатни аниқ тушуниб олишимиз керак – камбағаллик масаласи кредит, ижтимоий нафақа ёки уй бериш билан ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Бунинг учун таълим, соғлиқни сақлаш, касб-хунарга ўқитиш, ичимлик сув, энергия ва йўл инфратузилмаси билан боғлиқ комплекс муаммоларни ҳал этиб бориш керак.

Нима учун биз “темир дафтар”ни жорий этдик? Бундан мақсад – эҳтиёжманд аҳолини тўғри аниқлаш ва шу асосда, улар билан манзилли ишларни ташкил этишдир.

Шу ўринда мозийга назар ташлайдиган бўлсак буюк саркардамиз, соҳибқирон Амир Темур давлатининг иқтисодий сиёсатида ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муҳим ўрин эгаллаган.

Амир Темур давлат тузуми тарихини ўрганиш шуни кўрсатдики, унинг замонида соҳибқироннинг бевосита раҳнамолигида ижобий ҳимоялашнинг кенг қамровли тизими амал қилган.

Агар илгарилари ижтимоий ҳимоялаш ислом дини ахлоқ қоиди-тузукларига мувофиқ ихтиёрий ҳайри-эҳсон шаклида устуворлик қилган бўлса, Амир Темур даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг давлат тизими ҳам вужудга келиб, иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишига айланган.

Амир Темур марказлашган давлат вужудга келтириш жараёнида раиятнинг мол-мулкни талон-тарож қилишдан ҳимоя қилди. Ички ва ташқи босқинчи, талончи, қароқчиларнинг йўли тўсилди.

Ҳамма замонларда ҳам шу жумладан, Амир Темур замонида ҳам аҳолини адолату-инсофдан чекинган, иймон-у, инсофни, нафс балосига алмаштирган амалдорлар ҳокимлар, беклар, қозилар, ясовуллар, закотчилар ва шунга ўхшашлардан ҳимоя қилиш талаб қилинган.

Сипоҳийлар томонидан ҳам қонун қонидани бузиш ва кези келганда аҳоли мулкини талон-тарожлик, зўравонлик билан тортиб олиш ҳолатлари содир бўлган.

Амир Темур ўғри, қароқчи, зўравонларни “ясо” асосида жазолагаи, фасодчи, бузуқи, нафси ёмон кишиларни мамлакатдан ҳайдаб чиқарган. “ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим” (“Темур Тузуклари”). Раиятга золимлар томонидан етказилган ашёвий ва жисмоний зарарлар, шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилинар, исботлангандан кейин зарарлар тўланар ва шариат қоидаларига мувофиқ жазолари белгиланарди.

Аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимояпаш ва қўллаб-қувватлаш борасида ҳам изчил иқтисодий сиёсат олиб борилган.

Ишсизлик ўша замонларнинг қам катта ижтимоий илллати ҳисобланган. Натурал хўжалик ҳукмронлик қилган замонда меҳнат бозори жуда суст ривожланган эди, шунинг учун ишсизлик гадолар сонининг кўпайишида намоён бўларди.

Амир Темур гадоликка мамлакатни хунук кўрсатувчи омил деб қаради ва бу ижтимоий иллатнинг иқтисодий заминини йўқотмасдан унинг олдини олиш мумкин эмаслигини аниқ таҳлил қилган ҳолда ижтимоий ҳимоя қилишнинг турли усулларида фойдаланди.

Биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор табақалари-оғирлар, шол, кўр, чўлоқ, қариллик сабаби билан ишлай олмайдиганлар нафақа билан таъминланди. Баъзи маълумотларга қараганда хазинанинг ўн фоизи шу мақсадга сарфланган.

Иккинчи навбатда қилинган иш шу бўлдики, меҳнатга қобилиятли, билагида кучи бор фақир-мискинлар, гадоларни иш ва ҳунар билан таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилди. “Яна буюрдимки, ҳар мамлакатнинг гадоларига вазифа юклаб иш берсинпар, токи шу йўл билан гадолик расми йўқотилсин”. (“Темур Тузуклари”, 95 бет).

Гадоликни касб қилиб олганларни, нафақа олиб кам гадолик қилувчиларни мамлакат худудидан ҳайдаб юборишга жазо чоралари кўрилган. Дангаса ва текинхўрларга нисбатан ижтимоий фикр - нафрат ва мурасасизлик кайфияти уйғотилган.

Амир Темур давлати ижтимоий ҳимоя тизимининг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, унда аҳолининг турли қатламларига қатъий табақалаштирилган тарзда ёндашилган. Ижтимоий ҳимоя давлатнинг моддий ёрдамига муҳтож бўлган жамият аъзоларига йўналтирилган. Амир Темур замонида жамиятимизда кам учрайдиган ижтимоий ҳимоянинг камёб усулидан фойдаланилган. Агар фуқародан бирининг уй-жойи бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналар етказилиб берилиб, ўй эгасига ёрдам кўрсатилган.

Ижтимоий ҳимояга табақалаштирилган ҳолда ёндашилган деганимизнинг иккинчи бир исботи шуки, қайси бир сипоҳий хизматда юриб қариллик ёшига етса, у улуфадан (маошнинг тури) маҳрум этилмаган ва мартабасидан туширилмаган. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари, албатта, ҳар бир мамлакат ва элатларнинг миллий анъаналари ва урф-одатларига таянган ҳолда амалга оширилган. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида маҳалла-гузарлар алоҳида рол ўйнаган.

Ҳамма замонларда, шу жумладан, Амир Темур замонида ҳам маъориф, соғлиқни сақлаш, мусофирларга ёрдам кўрсатиш, сув чиқариш, кўприклар қуриш давлатнинг ёрдамига муҳтож бўлган. Амир Темур аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсатида ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақолар (дарвишлар, қаландарлар, ғариб, мискинлар тўхтайдиган, истиқомат қиладиган жой) қурилган, йуловчи мусофирлар учун йўл устига работлар бино қилинган, дарёлар устига кўприклар қурилган.

Соҳибқирон томонидан амалга оширилган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, айниқса, энг ҳимоясиз ва муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш сиёсати куйидаги мақсадларни амалга оширишга хизмат қилган:

- ❖ биринчидан, жамиятда барқарорлик ва иноқлик кайфиятини вужудга келтирган;
- ❖ иккинчидан, фан, маданият, мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини ривожланишига рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилган;

❖ учинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш Амир Темурнинг “мамлакатни обод, раъиятни рози” қилишдан иборат иқтисодий сиёсатининг узвий қисмини амалга оширишга эришилган;

❖ тўртинчидан, Амир Темур давлати доврўғи бутун жаҳонга тарқалишига сабаб бўлган ва у халқаро аҳамият касб этган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 декабрь.
2. Темур ва темурийлар салтанати. Қомуслар бош таҳририяти – Т.: 1994.
3. Иброҳим мўминов. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. «Фан». Т.: 1968.
4. Амир Темур ўғитлари. Тошкент. «Наврўз» - 1992.
5. Темур тузуқлари. Тошкент. Нашриёт-манбаа бирлашмаси. – 1991.
6. Муҳаммаджон Холбеков. Амир Темурнинг Европа кироллари билан ёзишмалари. Самарқанд. 1996.

УЎК 33

МИЛЛИЙ ТУРИЗМ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИНИНГ ЭМПИРИК ТАДҚИҚИ С. Халилов, и.ф.б.ф.д., доцент, ТДИУ, Тошкент

Аннотация. Мазкур мақола туризм соҳасини самарали ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган. Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий ҳолати ҳам таҳлил қилинган. Бундан ташқари, туризм соҳасидаги долзарб муаммолар ечимига бағишланган илмий тавсиялар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: туризм индустрияси, минтақавий ривожланиш, хорижий туристлар таширифи, туристик хизматлар экспорти.

Аннотация. Данная статья посвящена перспективным направлениям развития туризма. Проанализировано экономическое состояние развития туризма в Узбекистане. Кроме того, были даны научные рекомендации для решения актуальных проблем в сфере туризма.

Ключевые слова: туристическая индустрия, региональное развитие, визит иностранных туристов, экспорт туристических услуг.

Abstract. This article is dedicated to promising areas of tourism development. It has been analyzed economic condition of tourism development in Uzbekistan. Besides, it has been given scientific recommendations for solving important issues in tourism.

Keywords: tourism industry, regional development, foreign tourists arrivals, tourist services export.

Кириш. Ўзбекистон бой туризм салоҳияти ва туризмни ривожлантиришнинг барча имкониятларига эга мамлакатлар қаторига киради. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) маълумотларига кўра, туризм жаҳон товарлар ва хизматлар экспортида тўртинчи, даромад келтириши бўйича учинчи ўринда туради. Туризм дунё иқтисодиётининг энг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сонли фармони [1] ҳамда 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари [2] Ўзбекистонда туристик хизматларнинг барча йўналишлари, шу билан биргаликда, маданий-кўнгилочар, маърифий-танишув туризми, зиёрат туризмини тараққий эттириш, кириш туризми йўналишида туристлар оқимини кўпайтириш, мамлакат тарихий-маданий салоҳиятини дунёга намоён этишда ҳамда туризм маданиятини шакллантириш учун асосий ташкилий-ҳуқуқий дастуруламал бўлди.

Амалиётда қўлланилаётган ушбу ҳужжатлар Ўзбекистонда туристик хизматлар экспорти салоҳиятини намоён қилиш, туризм инфратузилмаси объектларига сармояларни изчил жалб

этиш, шу билан биргаликда, туристик минтақалар салоҳиятини янада кенг тарғиб қилиш мақсадида инновацион йўналишларни татбиқ қилган ҳолда, мавжуд тарихий-маданий ресурслардан самарали фойдаланиш учун бир қатор имконият яратди. Шунинг билан бир қаторда, туристик хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришда Ўзбекистонга ташриф буюриш истагини билдирган хорижий фуқаролар учун виза тартиботи соддалаштирилганлиги, туризм инфратузилмасини жаҳон талабларига мос равишда ривожлантирилганлиги, ҳар бир тарихий-маданий объектларнинг маълумотлари тўлиқ бўлиши учун ахборот-коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланиш, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга.

Фармонда 7 та давлат фуқаролари учун республикамиз ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгилаш, 39 та давлат фуқаролари учун Ташқи ишлар вазирлигига туризм ваучерига оид талабни бекор қилиш, шунингдек, 2018 йил 1 июлидан эътиборан бир қатор хорижий мамлакатлар фуқаролари учун электрон кириш визалари бериш тизимини жорий этиш [3], туристик объектларни асраб-авайлаш ва туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича бошқа бир қатор вазифалар белгилаб қўйилди.

“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” ички туризмни ривожлантириш дастури эса Республика фуқароларининг диққатга сазовор жойларни бориб кўриш, муқаддас кадамжоларни зиёрат қилиш, Ўзбекистон тарихи борасидаги билим ва тасаввурларини бойитишда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, туризм соҳасида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари учун айрим солиқ мажбуриятларининг бекор қилиниши, имтиёзли кредитлар олиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқа масалаларда кенг имтиёз ва преференциялар берилгани ҳам диққатга сазовордир [4].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Миллий туризм тармоғи ривожланишининг методологик асослари хорижлик ва маҳаллий олимлар илмий ишларида муҳим тадқиқот предмети сифатида ўрганилган. Жумладан, туризм индустриясининг ривожланишига бағишланган илмий манбалардан энг муҳимларидан бири В.И.Азар тадқиқот ишларини санаб ўтиш мумкин.

Сўнгги йилларда чоп этилган маҳаллий олимларнинг илмий ишлари ҳам диққатга молик. Ж.Н.Абиев миллий иқтисодиётда туризм тармоғини ривожлантиришнинг иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этган. А.А.Эштаев томонидан туризм индустрияси ва уни бошқаришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш методологияси тадқиқ этилган. Бирок бугунгача олиб борилган илмий-амалий тадқиқотларда миллий туризм тармоғи самарали ривожланишида хориж тажрибасининг эмпирик тадқиқи етарли даражада ўрганилмаган. Ушбу тадқиқот иши эса масаланинг айна жиҳатларини қамраб олган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот иши давомида кузатиш, қиёслаш, тизимли ва қиёсий таҳлил, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилди. Бундан ташқари, туристик фаолият субъектлари менежерлари ўртасида фокус-гуруҳлаш методи асосида таҳлилий изланишлар олиб борилди. Тадқиқотлар натижасига кўра туристларга тақдим этилаётган асосий туристик маҳсулотлар таркиби ўрганилди.

Таҳлил ва натижалар. Туризм барча давлатларнинг ижтимоий, маданий, таълим ва иқтисодий соҳалари, шунингдек, халқаро иқтисодий муносабатларга бевосита таъсир кўрсатувчи фаолият тури ҳисобланади. Айнан, ушбу фаолият хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда туризмнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги самарадорлигини аниқлаш лозим. Туризмнинг самара-дорлиги ташриф буюрувчиларнинг сони ёки маълум бир туристик маҳсулотни ишлаб чиқарувчи туристик тузилмаларнинг фаолият ҳажми билан аниқланади.

Туристлар оқимини янада кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон дунёнинг кўплаб давлатлари билан ўзаро ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда. Шу муносабат билан қатор хорижий мамлакатлар билан ҳукуматлараро ва идоралараро шартномалар имзоланган. Туризм соҳасидаги ихтисослашган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, 1993 йилдан буён Ўзбекистон Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) аъзоси ҳисобланади. У дунёнинг 150 дан зиёд давлатини бирлаштирган. 2004 йилдан бери Самарқанд

шаҳрида UNWTOнинг Буюк Ипак йўли бўйича Минтақавий офиси фаолият кўрсатиб келади. У мазкур трансконтинентал йўлда туризм ривож қўллаб-қувватланишини мувофиқлаштиради. Мамлакатимизнинг бу тармоқни ривожлантиришдаги хизматларини эътироф этган ҳолда ушбу халқаро ташкилотга аъзо мамлакатлар бир неча бор Ўзбекистон Республикасини мазкур ташкилотнинг раҳбарлик органи – Ижроия Кенгашига сайлаган. Кенгашнинг 99-сессияси ҳам қадимий Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган эди. Ушбу анжуманнинг мамлакатимизда ўтказилиши республикада туризм соҳасини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган мажмуавий чора-тадбирлар самарадорлигининг халқаро ҳамжамият томонидан яна бир қарра эътироф этилганини тасдиқлади [5].

Замонавий босқичда республикада йирик тадбирларнинг мунтазам ўтказилаётгани, уларда дунёнинг кўпгина мамлакатлари туризм индустрияси вакиллари тўпланаётгани Ўзбекистон туристик хизматлар бозорининг юқори суръатлар билан ривожланишини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Бундай халқаро тадбирларда туризм индустрияси малакали мутахассислари соҳа ўсишидаги асосий тамойилларни муҳокама этмоқда, ўзаро амалий алоқаларни йўлга қўймоқда. 1995 йилдан буён Тошкент халқаро туризм ярмаркаси ҳар йили ўтказилади. Мазкур форум бу соҳада фаолият олиб борадиган шериклар ўртасидаги конструктив мулоқот учун ўзига хос минбар ҳисобланади.

2013 йилдан буён Ўзбекистонда баҳорги-ёзги туризм мавсумини очиб берадиган “Дам олиш дунёси” Ўзбекистон халқаро туризм кўرғазмаси ўтказилиб келинмоқда. Ушбу тадбирда республика минтақалари маданиятларининг ёрқинлиги ва ранг-баранглиги, уларнинг туризм салоҳияти намойиш этилади. Кўрғазма маҳаллий ва хорижий туроператорларга янги мавсум бошланишида ўз маҳсулотлари ва хизматларини илгари суриш, йирик мижозлар билан шартномалар тузиш имкониятини яратади [6].

Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўлида қулай географик жойлашуви, республикамизнинг турли давр ва цивилизацияларга хос бўлган 7 мингдан зиёд ёдгорликларга эга эканлиги ва уларнинг кўпчилиги ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатидан жой олгани бу соҳанинг изчил ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистонга хорижий туристлар оқимини барқарор жалб қилиш борасида жаҳоннинг ривожланган давлатларида тўпланган илғор тажрибалар тизимли равишда ўрганилмоқда. Айниқса, яхлит тизимга асосланган маркетинг кампаниясини ташкил этиш, ташқи бозорлар конъюнктура ўзгаришларини доимий тадқиқ этиб бориш, нейромаркетинг усулларида фойдаланиш орқали туристлар харид хулқ-атворидаги мотивларни таҳлил қилиш устувор аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўладики, узоқ йиллар давомида миллий туристик маҳсулот рақобат устунликлари мақсадга мувофиқ ҳолда тарғиб этилмади. Миллий туристик брендни шакллантириш масаласи диққат-эътибордан четда қолди. Хориж тажрибаси таҳлили эса шундан гувоҳлик берадики, қатъий тизимга асосланган маркетинг кампаниясини ташкил этиш халқаро туризм бозорида йирик улушларни эгаллашнинг самарали воситаси ҳисобланади. Илмий-тадқиқот марказлари, таълим муассасалари, туристик бизнес субъектлари ва ваколатли давлат тузилмалари ўртасида корпоратив ҳамкорлик айти мақсадларга хизмат қилувчи стратегик аҳамиятга эга чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради. Фан, таълим ва бизнес интеграцияси юқори технологияларга асосланган инновацияларни туризм индустриясига чуқур татбиқ этиш жараёнларини жадаллаштиради. Шундагина қабул қилинаётган стратегик бошқарув қарорларининг илмий асосланганлик даражаси ҳам ортади.

Туризм индустрияси ҳар бир суверен давлат ички ва ташқи сиёсатига кучли боғланган иқтисодий тармоғи саналади. Шунини инобатга олиб, миллий туристик маҳсулот реализацияси учун салоҳиятли ташқи бозорлар конъюнктураси ўзгаришларини мунтазам тадқиқ этиб бориш зарурати юзага чиқади. Талаб ҳажмини прогнозлаш, таклиф миқдорини ҳисоблаш, бозор мувозанат нархини аниқлаш, рақобат кучлари ҳаракатига баҳо бериш ҳар қандай туристик бизнес субъекти учун долзарб саналган. Танлама кузатиш тамойиллари асосида социологик сўровномалар ўтказиш, фокус гуруҳларда туристик маҳсулот истеъмол хоссалари

экспериментини ташкил этиш, чуқурлаштирилган интервью, экспресс-сўров каби усуллар ташқи бозорлар конъюнктура ўзгаришларига объектив баҳо бериш имкониятини яратади. Миллий туризм тармоғини стратегик ривожлантириш дастурларини молиялаштиришда айна жиҳатларнинг тўла инобатга олинishi муҳим ўрин тутади.

Кирувчи туристик оқим демографик тузилмаси хусусиятлари, тўлов лаёқати қабул қилувчи мамлакат томонидан тақди этилувчи хизматлар истеъмол хоссалари билан ҳамоҳанг бўлиши лозим. Ушбу мутаносибликни таъминлашда замонавий нейромаркетинг усуллари кенг қўлланилмоқда. Бошқача айтганда, туристлар харид мотивларига юқори аниқликда таъсир ўтказиш усуллари ишлаб чиқилган. Масалан, потенциал туристларнинг хизматлар ҳақидаги тижорат ахборотига эмоционал реакциясини таҳлил қилувчи автоматлаштирилган дастурий таъминот воситалари яратилган. Ушбу усулларни амалиётда қўллаш ҳар бир туристнинг индивидуал талабини максимал даражада қаноатлантириш орқали уни қўшимча харажатга ундаш йўллариини белгилаб олишга шароит яратмоқда. Бир сўз билан айтганда, юқорида таъкидлаб ўтилган тизимли маркетинг кампанияси, конъюнктура таҳлили ва нейромаркетинг усуллари хорижий туристларни жалб қилишда барқарорлик коэффицентини яхшилашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, туристик хизматлар экспортини самарали ташкил этиш ва стратегик бошқаришнинг илғор хорижий тажрибасини ўрганиш, аввало, туристик бизнес маҳаллий субъектлари рақобатбардошлиги ортишига олиб келади. Айниқса, ўзининг туристик ресурслари ва салоҳияти билан жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб келаётган Япония, Греция, Финляндия ва Словакия тажрибаси таҳлили Ўзбекистон миллий туристик маҳсулоти жозибадорлигини таъминлашда алоҳида ўринга эга. Ўзбекистон хилма-хил ресурсларни ўзида жамлаган миллий туристик маҳсулотга эга. Юқорида номлари келтирилган давлатларнинг ҳар бирига тегишли тажриба алоҳида олинган йўналишлар кесимида Ўзбекистон миллий туристик маҳсулоти жозибадорлигини ошириш учун фойдали саналади.


Туристик хизматлар экспортини самарали ташкил қилиш ва бошқариш, шунингдек, хорижий туристларга замонавий хизмат турларини тақдим этиш борасида айна шу давлатларнинг узоқ йиллик тажрибалари муҳим аҳамият касб этади. Японияни мисол сифатида оладиган бўлсак, туроператорлар томонидан чуқур диверсификацияланган туристик маҳсулотлар сотуви йўлга қўйилганлигини кузатиш мумкин. Юқори сервис сифати, рақамли технологиялар татбиғи, персонал малакаси мамлакатнинг ижобий халқаро имижини шаклланишига ҳисса қўшган. Японияда тарихий-маданий туризм, гастрономик туризм, саргузашт туризми, экстремал туризм, индустриал туризм, спорт туризми каби йўналишлар юқори суръатларда ривожланиб бормоқда. Давлат миқёсида туристик бизнес маҳаллий субъектлари фаолиятини фискал ва монетар дастаклар орқали фаол қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. Туристик бизнес маҳаллий субъектлари имтиёзли шартлар асосида халқаро туристик ярмаркаларда мунтазам қатнашиб келади. Мамлакатда туризм индустрияси барча корхоналари учун иқтисодий преференциялар пакети амал қилади.

Япон туроператорлари томонидан хорижий давлатларда туристик агентликлар тармоғини шакллантиришга ҳам алоҳида урғу берилади. Ушбу туристик агентликлар тармоғи орқали кирувчи туристик оқим қизиқишларига сабаб бўлувчи креатив реклама материаллари кенг тарқатилади. Бунинг учун юқори малакага эга дизайнерлар, овоз режиссорлари, копирайтерлар, блоггерлар хизматидан фойдаланилади. Туризм индустрияси маҳаллий корхоналари томонидан эса моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш рационал тартибда йўлга қўйилган. Комиссион мукофотлар эвазига фаолият олиб борувчи туристик агентликлар тармоғи Япония миллий туристик маҳсулоти сотувини ташкил этишга фаол жалб этилган. Натижада Япония туристик ресурслари, объектлари ва инфратузилмасининг самарали рекламаси йўлга қўйилишига эришилган. Айниқса, йил фаслларида табиат ўзгаришлари асосида вужудга келувчи бетакроп табиат манзаралари ҳақидаги ахборот аудио-визуал материаллар, босма ва электрон нашрлар, социал-медиа орқали потенциал хорижий туристларга жозибали тарзда етказилади.

Тарихий-маданий, диний, зиёрат, экологик, тиббий, соғломлаштириш, спорт, экстремал, таълим, агротуристтик, этнографик, рекреацион, гастрономик йўналишдаги турпакетлар халқаро савдоси япон туроператорларига салмоқли даромад келтирмоқда. Бундан ташқари, турлар нархи истеъмолчилар тўлов қобилиятидан келиб чиққан ҳолда класслар қулайлик даражаларига кўра калькуляция қилинади. Япония туристик хизматлар бозорида дифференцияциаланган нархлаштириш сиёсати фаол тарзда қўлланилади. Хизматлар классини танлаш орқали турли нарх диапазонидаги турпакетлар ассортиментидан бирини харид қилиш имконияти сақланиб қолади.

Худди шундай, Греция туристик хизматлар бозорининг амал қилиш тажрибаларидан ҳам кўп жиҳатларни ўрганиш мумкин. Масалан, хизматлар сифати параметрлари нархлаштириш сиёсатида бирламчи навбатда инобатга олинади. Миллий туристик маҳсулот сервис сифати, оптимал нарх ва жозибали реклама орқали юқори рақобатбардошлик позициясини сақлаб келади. Грециянинг Европа қитъаси йирик давлатлари билан қўшнилиги ҳам унга муайян даражада рақобат устунлигини тақдим этади. Пляжбўйи худудларининг кенглиги ва географик қулай жойлашуви хорижий туристлар оқимини ўзига жалб этади. Туризм инфратузилмаси объектларини лойиҳалаштиришда кўплаб омиллар ҳисобга олинган. Натижада туристлар учун инфратузилма объектларидан фойдаланиш қулай кечади. Тарихий-маданий мерос объектлари сонининг кўплиги тарихий ва замонавий анъаналар уйғунлигини таъминлайди. Греция туроператорлари комбинацион турлар сотувини самарали ташкил эта олган. Грецияга ҳар хил дид ва турли ёш тоифасидаги туристлар ташрифи доимий тус олган. Бундан кўринадики, мамлакатда туристик хизматлар экспорти диверсификацияси таъминланган. Кирувчи туристик оқим таркиби бир нечта мезонлар асосида диверсификацияланган. Демографик ва географик сегментация мезонлари, ташриф мақсадлари таснифи бўйича миллий туристик маҳсулот ўз бозор улушини кенгайтириб бормоқда.

Финляндия эса ўзининг тоғ-чанғи мажмуалари билан дунёга танилган. Тоғли ва тоғолди худудларида замонавий туризм инфратузилмаси объектлари барпо этилган. Тоғ туризми ишқибозлари эҳтиёжларига мос равишда барча қулайликларни ўзида мужассам этган меҳмонхоналар ва ноёб дизайнга эга ресторанлар тармоғи барпо этилган. Меҳмонхона мажмуаларида қўшимча хизматлар кенг ассортиментини шакллантирилган. Бу меҳмонхоналар фаолияти юқори рентабеллигини таъминловчи етакчи омил бўлиб қолмоқда. Қолаверса, экстремал туризмнинг роупжампинг, рафтинг, параглайдинг каби хиллари юксак тараққий этган. Шу жиҳатдан, Финляндия ёшлар туристик оқимини жалб қилувчи йирик марказлардан бири саналади. Бироқ Финляндия миллий туристик маҳсулотини диверсификацияланган, деб баҳолаш мушкул. Сабаби шундаки, мамлакатга кирувчи туристик оқим ўз таркибий хусусиятларига кўра хилма-хиллик касб этмаган. Тақдим этилувчи асосий хизматлар туризмнинг фақатгина бир нечта йўналишларига ихтисослашган.



1-расм. Халқаро миқёсда тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиш ва уларни Ўзбекистон минтақаларида қўллаш йўллари [7]

Словакия жаҳонга ўзининг рекреацион ресурслари билан машҳур. Санатор-курорт муассасалари тармоғи барқарор фаолият юритади. Шунинг учун ҳам, Словакияга аксарият пассив дам олишни хуш кўрувчи туристлар ташриф буюради. Даволаш муассасалари ва соғломлаштириш марказларида анимацион хизматлар самарали йўлга қўйилган. Натижада даволаниш ёки саломатликни тиклаш мақсадларини кўзлаб ташриф буюрувчилар ҳам унутилмас таассуротлар билан қайтади. Анимацион хизматлар туристларнинг демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилади. Йирик мегаполислар бўйлаб экскурсион турлар ҳам туристларда ёрқин таассуротлар қолдиради.

Бир сўз билан айтганда, юқорида санаб ўтилган давлатлар тажрибаси Ўзбекистон миллий туристик маҳсулоти рақобат устунликларини фаол тарғиб қилишда қўл келади. Уларни маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда мақсадга мувофиқ қўллаш Ўзбекистон туристик минтақалари манфаатларига тўла мос келади. Япония, Греция, Финляндия ва Словакия давлатларининг илғор тажрибаларидан Ўзбекистон туристик хизматлар миллий бозорини тартибга солишда ва ривожлантиришда фойдаланиш имкониятларини аниқлаб олиш лозим (1-расм).

Кўриниб турганидек, мамлакатимиз минтақаларида туристик хизматлар экспортини самарали ташкил этиш, шунингдек, туристик хизматлар экспорти таркибини диверсификациялаш мақсадида жаҳоннинг туризм соҳиси юксак ривожланган давлатлари тажрибасини таҳлил қилиш зарур.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Греция тажрибасини Навоий, Сурхондарё вилоятлари учун, Япония тажрибасини Жиззах, Самарқанд вилоятлари учун, Финляндия тажрибасини Фарғона вилояти учун, Словакия тажрибасини Тошкент вилояти учун ривожланишнинг бизнес-модели сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Аввало, Греция тажрибаси тоғолди ҳудудларида туристик инфратузилма объектларини жойлаштириш, аниматорлик хизматларини ташкил этиш йўналишида намуна бўла олади. Япония тажрибаси эса мавсумий тадбирларнинг туристик дастурлар билан боғланганлиги, этнографик ўзига хосликлар намойишига комплекс ёндашилганлиги билан ажралиб туради (2-расм).

Финляндия тажрибаси тоғ-чанғи мажмуалари фаолиятини инновацион асосда йўлга қўйиш, туристларни қишки мавсумда қабул қилиш хизматларининг жозибадорлиги нуқтаи назардан муҳим саналади.



2-расм. Хорижий туристларни жалб қилишнинг Греция ва Япония тажрибаси [7]

Словакия тажрибаси эса ҳудудларда соғломлаштириш муассасалари фаолиятини самарали бошқариш, комбинацион турларни ишлаб чиқиш жараёнининг илмий асосланганлиги билан диққатга сазовордир (3-расм).

Таъкидлаш жоизки, туристик хизматлар экспортини ташкил этишнинг илғор хорижий тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш имкониятларини аниқлаш келгусида миллий туристик маҳсулот диверсификациясини таъминлайди.

Қолаверса, туристик хизматлар экспортини ташкил этишнинг илғор хорижий тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш ўзининг иқтисодий афзалликларига ҳам эга. Яъни, юқорида санаб ўтилган давлатлар тажрибаси асосида иқтисодий-техник жиҳатдан чуқур асосланган инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Бу, ўз навбатида, туристик хизматлар экспортини диверсификация қилиш имконини беради. Натижада Ўзбекистоннинг глобал туристик бозордаги мавқеи ортади ҳамда мамлакатимизга хорижий туристлар оқими барқарор жалб этилишига эришилади.



3-расм. Хорижий туристларни жалб қилишнинг Финляндия ва Словакия тажрибаси [7]

Хулоса. Миллий туризм тармоғини ривожлантиришда хориж тажрибасининг эмпирик тадқиқи натижасида бир қанча илмий-назарий хулосаларга келинди. Туристлик хизматлар экспортини ташкил этиш бўйича Япония, Греция, Финляндия, Словакия давлатларининг илғор тажрибаларини ўрганиш натижасида мамлакатимиз минтақаларида туристик хизматлар экспортини самарали ташкил этиш, шунингдек, туристик хизматлар экспорти таркибини диверсификация қилиш йўллари такомиллаштирилди. Шу йўл билан туристик бизнес маҳаллий субъектлари рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, туристик хизматлар экспортини диверсификация қилишнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ қилиш натижалари Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳририни такомиллаштиришга ҳамда туризмни ривожлантиришнинг 2019-2025 йилларга мўлжалланган концепциясини амалга оширишга хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сон Фармони. Халқ сўзи. 2018 йил 6 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514-сонли Қарори. Халқ сўзи. 2018 йил 9 февраль.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сон Фармони. Халқ сўзи. 2018 йил 6 февраль.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сон Фармони. Халқ сўзи. 2018 йил 6 февраль.
5. www.unwto.org – Бутунжаҳон туризм ташкилоти расмий сайти маълумотлари.
6. www.unwto.org – Бутунжаҳон туризм ташкилоти расмий сайти маълумотлари.
7. Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ СУГУРТАЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

С.М.Ҳошимов, катта ўқитувчи, Тошкент Молия Институту, Тошкент

Аннотация. Мақолада Республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишида хорижий инвестицияларни суғурталашидаги муаммолар ва уларнинг ечими бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, илғор хориж тажрибаларидан келиб чиқиб, хорижий инвесторлар рискларини Ўзбекистон иқтисодиётида суғурта воситасида бошқаришида уларни тизимлаштириш масалалари келтирилган.

Калит сўзлар: инвестицияларни суғурталаш, инвестиция лойиҳалари, комплекс суғурталаш, суғурта шартномаси, қайта суғурталаш, инвестиция босқичлари, юк суғуртаси, титул суғурталаш.

Аннотация. В статье разработаны предложения и рекомендации по проблемам страхования иностранных инвестиций и их решению при привлечении инвестиций в экономику республики из зарубежных стран. Также приведены вопросы систематизации рисков иностранных инвесторов в экономике Узбекистана посредством страхования на основе передового мирового опыта.

Ключевые слова: страхование инвестиций, инвестиционные проекты, комплексное страхование, договор страхования, перестрахование, этапы инвестирования, страхование грузов, титульное страхование.

Abstract. The article developed proposals and recommendations on the problems of insurance of foreign investments and their solution when attracting investments in the economy of the republic from foreign countries. Also, the issues of systematization of risks of foreign investors in the economy of Uzbekistan through insurance based on the best world experience are given.

Keywords: investment insurance, investment projects, comprehensive insurance, insurance contract, reinsurance, investment stages, cargo insurance, title insurance

Кириш. Мустақил Ўзбекистон ривожланишининг 2017 йилига келиб, биринчи марта Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг беш устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида, устувор ташқи сиёсат, прагматизм ва юқори мосланувчанликка асосланган миллий манфаатлар асосида мазмунан янги ташқи иқтисодий муносабатлар қурилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида "Янги Ўзбекистон" Марказий газетасига берган интервьюсида сарҳисоб ва келажак учун янги вазифаларни шакллантирар экан, қуйидагиларни таъкидлади: "ушбу дастур ҳужжатида биз стратегик мақсад-янги Ўзбекистон қуриш ва учинчи Уйғониш даврининг пойдеворини белгилаб олдик"(Мирзиёев, 2021).

Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали қўшимча иш ўринлари яратилиши, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштирилиши, экспорт салоҳиятини оширилиши, жисмоний ва юридик шахслар даромадининг ошиши ва бир сўз билан айтганда миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорига интеграциялашувига эришиш мумкин. Ижобий натижалар самараси хорижий инвесторлар мулкӣ манфаатларини қандай ҳимоя қилиниши билан ҳам белгиланади. Мамлакат иқтисодиётида тўғридан-тўғри хорижий иинвестициялар салмоғи ортиб борар экан, уларни суғурта воситасида ҳимоялаш механизмларини ҳам доимий такомиллаштириб боришни тақозо этади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларнинг мулкӣ манфатларини муносиб ҳимоялаш ўзига хос долзарб вазифадир.

Адабиётлар шарҳи. Инвестиция лойиҳалари рискларини суғурталаш масалалари МДХ мамлакатлари олимлари А.С.Загрядский, Н.А.Кричевский, Л.С.Бородавко, Д.А.Михеев ва М.Ю.Будниковнинг илмий ишларида ўрганилган. Россиялик олим А.С.Загрядский ўз тадқиқотларида миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишида суғуртанинг ролига катта аҳамият бериб, асосан хорижий инвестицияларни сиёсий рисклардан суғурталаш

масалаларини тадқиқ қилган. А.С.Загрядский фикрича: “Инвестицияларни суғурталаш – бу олдиндан аниқлаб бўлмайдиган бозор конъюктураси ўзгариши ва бошқа инвестиция фаолиятини амалга ошириш шароитларини ёмонлашишига олиб келадиган ноқулай омиллар таъсирида инвестицион қўйилмаларни йўқотишдан ҳимоялашга қаратилган суғурта туридир” (Загрядский, 2004) деб таърифлайди. Ушбу масалада Н.А.Кричевскийнинг илмий ишларида: “Инвестицияларни суғурталаш – бу инвестиция фаолиятини амалга оширишда жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича шахсий ва мулкӣ суғурта турларининг мажмуасидир” (Кричевский, 2006) деган фикрни олға сурилади. Л.С.Бородавко илмий тадқиқотларида: “инвестицияларни суғурталаш - инвестиция лойиҳалари рискларини амалга оширишда, суғурталанувчиларнинг тўлаган суғурта мукофотлари ва бошқа маблағлари ҳисобига ташкил этилган суғурта фондларидан инвестиция фаолияти субъектлари мулкӣ манфаатларини ҳимоялаш муносабатлари” (Бородавко, 2012) деган таърифни беради. Ушбу олим томонидан берилган таърифда инвестицияларни суғурталаш масалалари бироз кенгрок ёритилганлигини кўриш мумкин. Д.А.Михеев курилиш соҳасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари рискларини суғурталаш борасида илмий тадқиқотлар олиб борган (Михеев, 2005). М.Ю.Будниковнинг илмий ишларида корхоналар инвестиция лойиҳаларини суғурталаш тизимини ривожлантириш масалаларига урғу берилган (Будников, 2008). М.Ю.Будников томонидан инвестиция рискларини суғурталашда алоҳида суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва инвестиция лойиҳаларини комплекс суғурталашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берган.

Тадқиқот методологияси. Мазкур мавзуну ёритишда абстракт-мантиқӣ фикрлаш, умумлаштириш, каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Инвестицияларни суғурталаш мамлакат иқтисодиётининг келгусидаги барқарор ривожланишининг зарурий элементиدير. Биринчидан, суғурта воситасида инвестициялаш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашни кафолатлаш мақсадида инвестиция фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган турли рисклардан ҳимоялаш амалга оширилади. Иккинчидан, инвестицияларни суғурта ёрдамида сифатли ҳимоялашнинг ишончилиги мамлакат инвестиция муҳитини яхшилаиди, бу ўз навбатида иқтисодиётда инвестициялар суръатининг ўсишида ижобий омил бўлиб хизмат қилади. Учинчидан, ушбу суғурталаш тури доирасида суғурталаш дастурини ишлаб чиқиш мумкинки, бу аниқ инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олишни тақозо этади. Демак, гап инвестиция лойиҳари рискларини комплекс суғурталаш ҳақида бориб, ушбу йўналишни келгусида янада такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

1-жадвал

Суғурталашга қабул қилинадиган инвестиция лойиҳалари турлари
(Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

Инвестиция лойиҳалари	
Инвестиция лойиҳалари турлари	Лойиҳа хусусиятлари
А	Риск даражаси паст бўлган, амалда суғурталашда тизимли тажрибага эга бўлинган стандарт хусусиятли лойиҳалар
Б	Индивидуал тарзда рискларни таҳлилин аналга оширишни талаб қилувчи инвестиция лойиҳалари.
С	Мураккаб характердаги суғурталашни ўз ичига олувчи инвестиция лойиҳалари. Суғурталаш дастурини тузишда алоҳида эътибор қаратиладиган, аниқ таҳлил ва баҳолашни талаб қиладиган лойиҳалар
Д	Бундай лойиҳаларни суғурталаш дастурлари жуда кенг қўламли бўлиб, суғурта ташкилоти жавобгарлиги жуда юқори бўлади
Е	Юқори жавобгарлик ва юқори ноаниқлик шароитидаги, оғир рискларни (Суғурта компанияси розилиги асосида) суғурталашга қабул қилинадиган инвестиция лойиҳалари. Бундай лойиҳаларни суғурталашда барча содир бўлиши мумкин бўлган омилларни баҳолаш ва ўрганиш натижаларига кўра экспертлар баҳоси асосида суғурталаш имкониятлари тўғрисида қарор қабул қилинади

Хорижий инвестиция иштирокида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини суғурталаш амалиётида инвестиция фаолияти субъектлари асосий суғурталанувчилар сифатида, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёни эса рискларни юзага келиши манбаси сифатида тушунилади. Инвестиция лойиҳалари рискларини суғурталаш борасида хориж тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистонда хорижий инвестиция иштирокидаги инвестиция лойиҳалари рискларини таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида комплекс суғурталашни сифатли, ишончли ва тўғри ташкил этиш мақсадида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини маълум хусусиятларига кўра бир неча турларга ажратиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бу ўз навбатида инвестиция лойиҳалари рискларини суғурталаш шартларини ишлаб чиқишда кўл келиши мумкин. Инвестиция лойиҳаларини турларга ажратиш, уларни суғурталашга қабул қилишнинг мураккаблик даражасини ўзида акс эттиради, бу эса суғурта компанияларининг рисклар бўйича жавобгарлик маъсулиятини қабул қилиш қобилиятини белгилайди. Шундан келиб чиқиб, инвестиция лойиҳаларини шартли равишда бешта турга ажратиш лозим.

Инвестиция лойиҳаларини маълум бир белгиларига кўра баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда аниқ бир лойиҳаларни амалга ошириш жараёни билан боғлиқ омиллар ва уларнинг инвестиция лойиҳаларини суғурталашга қабул қилишга таъсирига асосланган. Ушбу мезонлар келгусида инвестиция лойиҳаларини аниқ шартнома шартларида суғурталашга қабул қилишга хизмат қилиши мумкин. Инвестиция лойиҳаларини баҳолаш мезонлари билан қуйидаги жадвалда танишишимиз мумкин.

2-жадвал

Инвестиция лойиҳаларини баҳолаш мезонлари (Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

Инвестиция лойиҳаларини баҳолаш мезони номи	Баҳоси
1. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тармоғи (X ₁)	
Хизматлар соҳаси	1
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш	2
Қурилиш соҳаси	3
Энергетика ресурслари билан боғлиқ фаолият	4
Саноат ишлаб чиқариш соҳаси	5
Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш	6
2. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш давомийлиги (X ₂)	
1 йилгача	1
1 йилдан 3 йилгача	2
3 йил ва ундан юқори	3
3. Инвестиция лойиҳасининг мураккаблик даражаси (X ₃)	
Енгил инвестиция лойиҳаси	1
Мураккаблик даражаси унча юқори бўлмаган инвестиция лойиҳалари	2
Мураккаб инвестиция лойиҳаси	3
Мураккаблик даражаси юқори бўлган инвестиция лойиҳаси	4
Ўта мураккаб инвестиция лойиҳаси	5
4. Инвестициялаш ҳажми (X ₄)	
Кичик ҳажмдаги лойиҳалар	1
Ўрта ҳажмдаги лойиҳалар	2
Йирик ҳажмдаги лойиҳалар	3
5. Инвестиция лойиҳаси технологик даражаси (X ₅)	
Юқори технологиялардан фойдаланмаслик	1
Қисман юқори технологиялардан фойдаланиш	2
Юқори технологиялардан доимий фойдаланиш	3
6. Қоплашга бўлган талаб (X ₆)	
Бир йўналишли суғурталашдан фойдаланиш	1
Икки йўналишли суғурталашдан фойдаланиш	2
Уч йўналишли суғурталашдан фойдаланиш	3
7. Кам ўрганилган ёки ўта муҳим зарарли рисклар (Y ₁)	
Ҳа	2
Йўқ	1
8. Бошқа салбий омиллар (Y ₂)	
Ҳа	2
Йўқ	1

Инвестиция лойиҳасини қайси турга тегишлилигини аниқлаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда олти мезон кўрсаткичлари йиғиндиси топилади.

$$X = X_1 + X_2 + X_3 + X_4 + X_5 + X_6 \quad (1)$$

Иккинчи босқичда инвестиция лойиҳасини қайси турга тегишли эканлигини батамом аниқлаш учун мультипликатив ёндошув қўлланилади. Бу шу билан изоҳланадики, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш мезонининг охириги икки кўрсаткичи инвестиция лойиҳасини суғурталашга қабул қилиш шартларини ишлаб чиқишни мумкин қадар қийинлаштиради. Мультипликатив ёндошув мазмуни шундан иборатки, дастлабки олти кўрсаткич йиғиндиси охириги икки кўрсаткичга кўпайтирилади.

$$Z = X * Y_1 * Y_2$$

Шундай қилиб, инвестиция лойиҳасини қайси турга мансублигини интеграл кўрсаткич асосида аниқлаш имкони яратилади. Инвестиция лойиҳаси қуйидаги интеграл кўрсаткич шкаласи бўйича қайси турга мансублиги аниқланади:

-6-9 - А турдаги; -10-14 – Б турдаги; -15-18 – В турдаги; -19-22 – С турдаги;

-23 ва ундан юқори Д турдаги.

Инвестиция лойиҳасининг қайси турга мансублигига қараб рисклар таҳлил қилинади ва баҳоланади, суғурта шартномаси шартларига аниқлик киритилади. Рискларни баҳолашда қуйидаги ёндошувларни қўллаш мумкин:

-А ва Б турга мансуб инвестиция лойиҳалари статистик ёндошув асосида баҳоланади (рискларни баҳолашнинг статистик усуллари);

-С ва Д турга мансуб инвестиция лойиҳалари сценарий ёндошув асосида (қарорлар дарахтини тузиш усули, хавфлилик индекси усули);

-Е турга мансуб инвестиция лойиҳалари эксперт ёндошув асосида (эксперт баҳолаш усули) баҳоланади.

Суғурта шартномаси шартларини аниқлаш ҳам инвестиция лойиҳаси турларига қараб: А, В ва С турларга мансуб лойиҳалар стандарт шартларда суғурталанишга қабул қилинади; Д ва Е турларга мансуб инвестиция лойиҳалари эса махсус шартларда суғурталанишга қабул қилиниши мумкин.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга салбий таъсир қиладиган рискларни барчасини бартараф қилиш мумкин эмас, шунинг учун ҳам лойиҳа рискларини бошқаришнинг усули сифатида комплекс суғурталашдан фойдаланилади. Шунини алоҳида айтиш мумкинки, комплекс ёндошув алоҳида суғурта турлари бўйича полисларни сотиб олишга қараганда маълум бир чегирмага эга бўлиш имконини беради. Бундан ташқари, комплекс суғурталаш суғурталовчининг индивидуал ёндошувини ва суғурталанадиган объектларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш имконини яратади.

Инвестицияларни суғурталаш – Ўзбекистон суғурта бозорида етарлича ривожланмаган ёш йўналишлардан биридир. Яъни инвестиция фаолиятини турли рисклардан ҳимоя қилиш бўйича алоҳида мулкый суғуртага асосланган классик суғурта маҳсулотлари (мол-мулкни зарардан суғурталаш, мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш ва бошқа молиявий рискларни суғурталаш) мавжуд бўлсада, амалда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг барча босқичларида юзага келиши мумкин бўлган рисклардан тўлиқ ҳимоя қилиш механизми ривожланмаган. Бу масалада бир неча муаммоларни санаб ўтиш мумкин. Биринчидан, инвестиция рискларини суғурталаш билан санокли суғурта компаниялари шуғулланмоқда. Иккинчидан, инвестицияларни, айниқса хорижий инвестицияларни суғурталаш бўйича Ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштириш зарур. Учунчидан, инвестиция рискларини комплекс суғурталаш бўйича тайёр суғурта маҳсулотларини йўқлигини айтиб ўтиш мумкин. Масалан қуйидаги янги инновацион суғурта маҳсулотларини жорий этишни таклиф қилиш мумкин:

-Машина ва механизмларни бузилишлардан суғурталаш – машина ва механизмларни ишлаб чиқариш жараёнидаги турли салбий ҳолатлар (ногўғри лойиҳалаштириш, электр узатишдаги камчиликлар, дефект ҳолатлари ва бошқа авариялар) натижасида бузилиши ёки тулиқ ишдан чиқиши.

-Фойдани йўқотишдан суғурталаш – турли рисклар таъсирида ишлаб чиқаришни тўхтаб қолиши ёки бизнесни вақтинча тўхтаб қолиши натижасида қутилган фойдани ололмаслик рискинни суғурталаш.

-Мансабдор шахс жавобгарлиги суғуртаси – ушбу суғурта тури моддий зарарлар етказилишига олиб келувчи қабул қилинган қарорлар (солиқ соҳасида, ҳуқуқий соҳада ва бошқа хатолар) рискинни пасайтиришда қўлланилиши мумкин. -Корхона мулкни барча рисклардан суғурталаш – мулкга жисмоний зарар келтирувчи барча рисклардан (ёнғин, табиий фалокатлар ва бошқалар) суғурталаш тушунилиб, суғурталаш объекти сифатида асосий фондлар бўлиши мумкин.

-Товарларга оид юк суғуртаси – экспорт ва импорт қилинаётган товарларни бир вақтнинг ўзида юк сифатида суғурталашни амалга ошириш.

-Ишлаб чиқаришни қайта таъмирлашда ёки ускуналарни монтаж қилишда қурилиш-монтаж рискларини суғурталаш – қурилиш ишларининг барча турларини (янги, тугалланмаган қурилиш, қайта таъмирлаш, монтаж ишлари) суғурталаш. Ушбу суғурта турида инвестор эътиборини тортиши мумкин бўлган ҳолат қурилишни ўз вақтида тугалланмаслиги ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушира олмаслиги натижасида фойдани йўқотиши бўлиши мумкин.

-Мамлакат рискинни суғурталаш – инвестиция қабул қилувчи мамлакат инвестиция муҳитига таъсир қилувчи барча рисклар (Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик, технологик, ҳуқуқий ва бошқа рисклар) мажмуасини суғурталаш.

Хулоса шундан иборатки, илғор хориж тажрибаларидан келиб чиқиб, хорижий инвесторлар рискларини Ўзбекистон иқтисодиётида суғурта воситасида бошқаришда уларни тизимлаштириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Ана шунда умумий ҳолат кўринади ва бундай инвестиция рискларини суғурталаш ва қайта суғурталаш мумкин.

Хулоса ва таклифлар:

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни суғурталашни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган изланишлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Инвестиция лойиҳаларини маълум бир белгиларига кўра аниқ турларга ажратиш амалиётини ишлаб чиқиш билан суғурта компаниялари томонидан лойиҳаларни комплекс суғурталашга қабул қилиш лозим.

2. Илғор хориж тажрибаларидан келиб чиқиб, хорижий инвесторларнинг мулкий манфаатларини суғурта воситасида ҳимоялаш бўйича янги инновацион суғурта маҳсулотларини жорий этиш ва ўз навбатида Суғурта фаолияти классификаторини қайта кўриб чиқиш таклиф қилинади.

3. Давлат улуши бўлган суғурта ташкилотларининг акцияларини хусусий, шу жумладан хорижий инвесторларга сотиш орқали уларнинг устав капиталларини ошириш тавсия этилади.

4. Миллий суғурта компанияларининг қайта суғурталашга хорижга узатилаётган суғурта мукофотларини камайитириш учун фақатгина қайта суғурта фаолиятини амалга оширувчи етакчи халқаро суғурта компаниялари иштирокида суғурта ташкилотини ташкил қилиш тавсия қилинади.

5. Суғурта бозори ахборот-таҳлилий журналининг ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида "Янги Ўзбекистон" Марказий газетасига берган интервьюси. <https://daryo.uz/k/2021/08/17/shavkat-mirziyoyev-yangi-ozbekiston-gazetasiga-intervyu-berdi/>

2. А.С.Загрядский “Роль страхования иностранных инвестиций в улучшении условий капиталовложений в национальную экономику”, Автореферат.М-2004г.

3. Бородавко Л.С. “Развитие страхования реальных инвестиций при реализации инвестиционных проектов”. Автореф. Иркутск., 2012. С.19-20.

4. Кричевский Н.А. Страхование инвестиций., М. 2006г.Ст.72.

5. Михеев Д.А. “Совершенствование управления проектным и рисками в инвестиционно-строительной сфере”. Автореферат.Москва, 2005г.

6. Будников Ю.М. “Развитие системы страхования инвестиционных рисков предприятия”. Автореферат., Москва, 2008г.

O'ZBEKLARNING AN'ANAVIY UY-JOY QURISH MADANIYATIDA QADIMIY DINIY TASAVVURLAR VA ZARDUSHTIYLIK IZLARI

(Xorazm vohasi materiallari asosida)

U.M.Abdalov, dotsenti, PhD, Urganch davlat universiteti, Urganch

Annotatsiya. *Mazkur maqolada Xorazm vohasi o'zbeklarining an'anaviy turmush tarzida saqlanib kelayotgan uy-joy qurish madaniyatidagi qadimiy diniy tasavvurlar va zardushtiylik izlari ilmiy adabiyotlar hamda dala yozuvlari asosida tadqiq etilgan.*

Kalit so'zlar: *moddiy madaniyat, uy-joy, urd-odat, an'ana, marosim, tirnoq to'yi, joy to'yi, to'sin, o'tona, non, tuz, is chiqarish, sinchkori uy, ayvon.*

Аннотация. *В статье на основе научной литературы и полевых записей исследуются древние религиозные представления и следы зороастризма в жилищной культуре узбеков Хорезмского оазиса, сохранившиеся в традиционном образе жизни.*

Ключевые слова: *материальная культура, жилье, обычай, традиция, церемония, гвоздь свадьбы, место свадьбы, луч, трава мать, хлеб, соль, производительность труда, придирчивый дом, навес.*

Abstract. *This article examines the ancient religious ideas and traces of Zoroastrianism in the culture of housing of the Uzbeks of the Khorezm oasis, which are preserved in the traditional way of life, on the basis of scientific literature and field records.*

Keywords: *material culture, housing, urd custom, tradition, ceremony, nail wedding, place wedding, beam, grass mother, bread, salt, work output, picky house, awning.*

O'zbek xalqining an'anaviy turmush tarzida moddiy madaniyatning o'ziga xos xususiyatlari mavjud. Moddiy madaniyat o'z navbatida, bir nechta turlarga bo'linib, an'anaviy turar-joylar, milliy kiyimlar va xalq taomlari ko'rinishida namoyon bo'ladi.

O'zbeklarda yashash makoni hisoblangan uy-joy, xususan, ota-bobolar xonadoni muqaddas dargoh hisoblangan va unga alohida mehr qo'yilgan. Qolaversa, ota-bobolarimizda yerning muqaddasligi borasida juda ko'p hikmatli so'zlar, matal, maqol va rivoyatlar mavjud [1].

Xorazm vohasining geografik o'rni, tabiiy sharoiti va geografik muhit xususiyatlari Turonning boshqa tarixiy madaniy viloyatlaridan keskin farqlanishini kuzatish qiyin emas. Xuddi o'sha xususiyat asosida voha aholisi o'zlari yashab, turmush tarzini olib boradigan makonni o'z faoliyatlariga olib kirganlar. Dastlabki ajdodlarimiz turar joylari Amudaryo dinamikasiga bog'liq bo'lgan. Uning goh-gohida ko'tarilishi va pasayishi ularning mavsumiy bo'lishiga olib kelgan [2].

Xorazmliklar uy-joylariga muqaddas dargoh sifatida qarashgan. Yangi uyning geografik o'rniga alohida e'tibor berishgan, ya'ni uy-joyini qabristondan uzoqroq hududga bino qilganlar [3]. Dunyodagi ko'plab boshqa xalqlar singari Xorazm vohasi o'zbeklarining ham yangi uyga ko'chib kirish oldidan bajaradigan turli xil rasm-rusumlari va odatlari bo'lib, xalq tasavvurida ushbu amallarning bajarilishi oila a'zolarining kelgusida beziyon yashashlarini ta'minlar ekan [4]. Voha aholisi esa asosan, uyning kattalari, ya'ni piru badavlat otaxon va onaxonlari yangi uyga ilk qadam bosib kirishlarini xush ko'radi.

O'z navbatida yangi uy qurish davomida ham turli marosimlar bajarilgan. Jumladan, Xorazm vohasida yangi uyni qurishdan avval qurbonlik qilingan. Ushbu marosim "tirnoq to'yi" ("tirnoq" – binoning poydevori) deb atalgan. Uy-joy qurib bitkazilgandan so'ng esa yangi uyda "is chiqarilib", bo'g'irsoq pishirilgan [5].

Yangi uy poydevori qurib bitkazilib, devor qurilishi boshlanishidan oldin Xorazmda ustalarga oq qozoqi ro'mol ulashilgan. Oq rang halollik va poklik ramzi ekanligi barobarida, ushbu odatda ezgu niyatda belni mahkam bog'lab, halol va sifatli ishlashga da'vat ham yashiringan.

Uy-joy bitganidan so'ng ham maxsus udumlar bajarilgan. Jumladan, Xonqa tumani Saropoyon qishlog'ida hozirgacha shunday odat mavjudki, uy tiklanib bo'lib, faqat tomi bostirilishi arafasida uy

egasi usta oldiga borib: “Tagi yer, usti osmon joyni (tomi yopilmagan uyga ishora) menga sotasanmi?” deb soʻraydi. Usta bunga javoban: “Mening qurgan uyim senga yoqdimi?” deb soʻraydi, uy egasi: “Yoqdi” deb javob beradi. Shundan keyin uy egasi ustaga oq matoni buklab, uning burchagiga “xayrli boʻlsin”, degan maʼnoda pul tugib beradi [5]. Mazkur marosimning asosiy sababi, agar uy egasi qurilishning muayyan bosqichlarida ustani rozi qilib bormasa, ushbu holat uyga ham yoqmasmish va uy norozilik belgisi sifatida doimo tebranib turadigan boʻlarmish, degan irimlar mavjud. Tebranib turadi, degan ishonch esa vohada uylarning aksariyati sinchdan qurilganligi bilan izohlanadi.

Voha oʻzbeklari uy-joylarining oldi tomonini hamisha quyoshga qaratib qurishga harakat qilgan. Ertalabdan kunning tushishi qut-baraka keltiradi, deb hisoblangan. Bundan tashqari, axborotchilarning fikricha, ertalab uydan chiqayotganlari-da ham, yumushlarini bitkazib, kechga tomon uyga qaytayotganlarida ham kunga qarab uyga kirganlar [3]. Ushbu odatning ildizlari zardushtiylikda quyoshning ulugʻlanib, ilohiylashtirilishi bilan bogʻliq anʼanalarga borib taqaladi. Vohada islom dini keng tarqalganidan soʻng mazkur odat yangi mazmun kasb etib, uying eshikka roʻpara yaxlit devori kunchiqar tomonga teskari, yaʼni qiblani moʻljallab quriladigan boʻlgan.

Xorazm vohasida uy-joylar bilan bogʻliq mifologik tasavvurlar ham chuqur ildiz otgan va hatto qadimda turar joylarni asrovchi maxsus ilohlar, kulʼtlar ham boʻlganligi eʼtirof etiladi. Bu ham bevosita zardushtiylik anʼanalariga borib taqalib, keyinchalik bu obraz islomdan keyingi qurilish homiysi Xizr obrazi bilan uygʻunlashib ketgan [6]. Arxeolog Q.Sobirovning maʼlumotiga koʻra, Gurlan shahrida Xizr eli nomli mahalla mavjud [7].

Oʻrta Osiyoning mahalliy oʻtroq aholisi, ayniqsa, oʻzbeklar orasida qurilish sohasida dev obrazi ham mavjud. Ayrim tadqiqotchilar fikricha, dev qiyofasi, avvalo, quruvchi siyimosini aks ettirgan [8].

Azaliy oʻtroq oʻzbeklarning turar-joy qurish bilan bogʻliq udumlari orasida uying ayrim qismlari – toʻsin, ustun va eshiklarni oʻrnatish jarayonida ramziy maʼnolarga ega boʻlgan va aynan mazkur qismlar bilan bogʻliq qator diniy-semantik urf-odatlariga amal qilingan. Jumladan, xona tepasiga tomni yopish uchun qoʻyiladigan toʻsinlar soni doimo toq, yaʼni 5, 7, 9, 11 tadan iborat boʻlib, ular xona turi va hajmini anglatuvchi oʻlchov birligi hisoblangan. Shunga koʻra, uy xonalari xalq orasida “besh bolor” (toʻsin), “etti bolor”, “toʻqqiz bolor” va h.k. nomlar bilan ataladi. Xalqona qarashlarga koʻra, ayrim joylarda toʻsinlarning juft boʻlmagani Allohga bagʻishlangan deyilsa, boshqalarida esa xonaning oxirgi toʻsini vazifasini xonadon erkagi bajaradi, deb tushunilgan. Shu oʻrinda Xorazmda uy toʻsini bilan bogʻliq oʻziga xos ramziy odatga amal qilinganligini taʼkidlash oʻrinlidir [8]. Taniqli etnograf olim M.V.Sazonovning yozishicha, Xorazmning ayrim tumanlarida biror-bir xonadonda ketma-ket oʻlim yuz berganda, shu oila aʼzolaridan qolganlarining umrini asrab qolish niyatida xonaning oʻlim sodir boʻlgan qismidagi tomning ikki toʻsini yoki tomning toʻgʻri kelgan joyidan ikkita toʻsin, ayrim tumanlarda esa tomning barcha toʻsinlari butunlay almashtirilgan [9].

Voha aholisi yangi imorat qurilishi poyoniga yetganidan keyin, uning darvozasi yoki eshigi tepasiga qoʻchqor shoxi yoxud tuz solingan shisha idish ilib qoʻyish odati mavjud. Xalq nazdida, bular yovuz nazarlarni qaytaradi va ulardan himoya qiladi.

Vohada odatda, uy-joylarni qabristondan uzoqroqda qurishga harakat qilingan. Bu odat zardushtiylikdagi jasaddan hazar qilish anʼanasiga borib taqaladi. Yangi eʼtiqodlar taʼsirida ushbu tushuncha nisbiy oʻzgarishga uchrab, endilikda aholi tasavvurida qabristonlardagi marhumlar ruhi xonadon aʼzolaridan birortasi, ayniqsa, yosh bolalarga ziyon yetkazishi, natijada inson jismoniy yoki ruhiy xastalikka chalinishi mumkin, degan tushuncha vujudga kelgan.

Ajdodlar ruhini rozi qilish maqsadida Xonqa, Hazorasp va Yangibozor tumanlari aholisi yangi uying qurilishi yakunlangach, olamdan oʻtgan ota-bobolari ruhiga atab “is” chiqargan (chalpak pishirilgan) [10]. Mazkur odatning sal boshqacharoq shakli Gurlan tumanida ham kuzatildi. Ularda ota-bobolari ruhiga bagʻishlab, qoʻshni va qarindosh-urugʻlari va mahalla mullasi ishtirokida duo-fotiha qilinadi. Ushbu marosim Gurlanda “mulla chaqiriq” deb nomlanadi [7].

Xorazmliklarda yangi uyga avvalo, oilaning kattalari – ota-ona ilk qadam bosgandan keyin ertasiga “joy toʻyi” berilgan [9]. Bunda eng avvalo, xonadon vakillaridan biri yovuz kuchlar va gʻayri nigohlarni daf etish maqsadida isiriq tutatib, uni barcha xonalar boʻylab aylantirib chiqqan.

Ko`rinadiki, Axriman yovuzliklari bilan bog`liq hadiklar ming yilliklar osha xalqning xotirasida hanuzgacha saqlanib kelmoqda.

Yangi uyga ko`chib kirishda uch narsaga alohida amal qilingan. Birinchisi, ostonadan tuz olib kirilgan, bu bilan xonadon tuz-namakli, tuz-nasibali bo`lishi niyat qilingan. Ikkinchisi, ostonadan non va un olib kirilgan. Bu bilan yangi xonadon ahli rizq-nasibali, hayoti to`kin-sochin va farovon bo`lishi niyat qilingan. Uchinchidan, yangi uy ostonasidan ichkariga ko`zgu – oyna olib kirilgan. Bu bilan ushbu ro`zg`or ahlining hayoti, turmushi oynaday ravshan, beg`ubor, nurafshon, musaffo bo`lishi xudodan so`ralgan va yaxshi niyat qilingan [11]. Shuningdek, xorazmliklar uy-joylarida ostona kul`ti mavjud bo`lib, axborotchilarning ma`lumotlariga ko`ra, Xorazmning janubiy tumanlari aholisi orasida kimdir vafot etganda marhumni uydin olib chiqish paytida udumga binoan tobut uch marta uy ostonasiga qo`yib-olingandan keyin tashqariga olib chiqilgan [4].

Aholi orasida uying ostonasi bilan birga, xonadon o`chog`iga oid ham o`ziga xos e`tiqod tasavvurlar mavjud. Oilada agar, o`g`il farzand bo`lsa, u uy o`chog`ining davomchisi hisoblangan [12]. Shu bilan birga, o`choq oila a`zolarining maslahat joyi bo`lganligini alohida qayd etish joiz. Xorazmning neolit davri urug` jamoalari sig`ingan otashgoh homiysi “Donishmand ona” bo`lgan [13]. S.A.Tokarevning fikricha, matriarxat davrida manzilgoh o`chog`iga nisbatan “o`t ona” yoki “o`choq sohibasi” kabi atamalar vujudga kelgan [14]. Xorazmliklarda olov quyoshning yerdagi parchasi sifatida tasavvur qilingan bo`lib, uning doimo yonib turishi hayotning davomiyligini anglatgan.

“Avesta”da imorat tiklash, uy-joy qurish haqida shunday ibratli o`git va da`vat mavjud: “Porso inson uy tiklab ...xotini va farzandlariga o`rin ajratib bersa ...olovi alangali boshqa narsalari ham mo`l-ko`l bo`lsa, Zamin rahmatiga musharraf bo`lajak.

Minglab toqi, ming vassa

Yuzming havon, bozi ming

Son-sanoqsiz sinchlari...” [15]

Ushbu misralardagi toqi, vassa, havon, sinch kabi tushunchalar cho`pkori – sinchli (nigirik) uylarning qismlarini anglatib, ularning aksariyati hozir ham ishlatiladi. Bu shundan dalolat beradiki, o`sha paytlarda zardushtiylik jamiyatida amalda bo`lgan imorat qurish an`analari bugungi zamonaviy turmush tarzimizda ham o`z aksini topgan.

Umuman olganda, hozirgi globallashuv jarayonlari, axborot oqimining tezlashishi, ilmiy-texnika jadal sur`atlar bilan o`sib borayotgan davrda xalqimizning uy-joy qurilishi bilan bog`liq milliy urf-odatlarini saqlab qolish dolzarb masala hisoblanadi. Xorazm vohasida ham hozirgi kunda faqat chekka qishloqlarda an`anaviy paxsa uylar qurilmoqda. Faqat ular endilikda ilgariydek hashar yo`li bilan emas, balki maxsus ustalar guruhi tomonidan amalga oshirilmoqda. Ilgariydek uy-joy qurish paytida o`tkaziladigan marosim va udumlar ham transformatsiyaga uchrayotganini kuzatish mumkin. Jumladan, Xonqa tumani Sarapoyon qishlog`idan Saporboy Rahimovning ta`kidlashicha, yaqin-yaqingacha uy-joy qurishning har bir bosqichida ma`lum bir udumlar bajarilgan [5]. Afsuski, endilikda ular asta-sekin unutilib bormoqda.

Ushbu merosni asrab qolish va kelajak avlodlarga yetkazish hozirgi kun etnologiya fani oldida turgan dolzarb masaladir. Chunki, ota-bobolarimiz tomonidan o`tkazilgan har qanday marosimning tub zaminida nafaqat milliy mentalitetimiz negizlari, shu bilan birga ko`plab umuminsoniy qadriyatlar yotadi. Jumladan, yuqoridagi udumlar ma`lum ma`noda vatanparvarlik tuyg`usining shakllanishida muayyan ahamiyatga egaki, zukko xalqimiz bejiz: “Oila – Vatan ichra vatandir”, – deb ta`kidlamagan. Shu boisdan ham ushbu yo`nalishdagi keng qamrovli tadqiqotlar yanada izchil davom ettirilishi maqsadga muvofiqdir.

Shunday qilib, yuqoridagi tahlillar asosida quyidagi xulosaga kelish mumkin: o`zbek xalqining xo`jalik an`analari va moddiy madaniyatida zardushtiylik dini bilan bog`liq urf-odat hamda marosimlar hozirgacha saqlanib qolganligi yana shunda ko`rinadiki, aynan vohada xalqona turar-joylar tuzilishi va qurilishiga mintaqaning o`ziga xos tabiiy-geografik muhiti, aholi xo`jaligi, turmush tarzi, etnik o`ziga xosligi (Shimoliy va Janubiy Xorazm o`zbeklari) ta`sir qilgan va bu esa o`z navbatida uy-joylar qurilishi va yangi uylarga ko`chib o`tish bilan bog`liq marosimlarda o`z aksini topgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Nozilov D. Markaziy Osiyo me'morchiligida inter'er. – Toshkent, 2005. – B. 71.
2. Abdalov U.M. Xorazm vohasi aholisi uy-joy qurilishi bilimining shakllanish bosqichlari (mil.avv. VI ming yillikdan to milodiy VIII asrgacha) // “Globallashuv jarayonida Quyi Amudaryo xalqlari hayotida etnotransformatsiya va dinamika” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani. – Urganch. 2015. – B.21-24.
3. Dala yozuvlari. Xorazm viloyati Urganch tumani Xasavul qishlog'i. 2019 y.
4. Abdalov U.M. O'zbeklarning an'anaviy turmush tarzida zardushtiylik izlari (Xorazm vohasi materiallari asosida): Avtoreferat diss.... tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori. Nukus., 2020, - B. 16.
5. Dala yozuvlari. Xorazm viloyati Xonqa tumani Saropoyon qishlog'i. 2017 y.
6. Suxareva O.A. Voprosu o kul'te musulmanskih svyatix v Sredney Azii // Trudi instituta istorii i arxeologii. T-II, T.: 1950. - S. 172.
7. Dala yozuvlari. Xorazm viloyati Gurlan tumani Hizr eli qishlog'i. 2017 y.
8. Ashirov A.A. O'zbek xalqining qadimgi e'tiqod va marosimlari... – B. 164.
9. Sazonova M.V. K etnografii uzbekov Yujnogo Xorezma... – S. 292–294.
10. Dala yozuvlari. Xorazm viloyati Yangibozor tumani Cho'polonchi qishlog'i. 2017 yil.
11. Mahmud Sattor. O'zbek udumlari. -T.: Cho'lpon, 2007. – B. 123.
12. Rapoport Yu.A. Iz istorii religii drevnogo Xorezma... – S. 71.
13. Jabborov I.M. Yuksak ma'naviyat va noyob ma'naviyat maskani.... – B. 50.
14. Tokarev S.A. Rannie formi religii. – M.: Nauka, 1990. – S. 522–563.
15. Ro'zimboev S., Sobirova N. “Avesto” mifologiyasi va Xorazm fol'klori.... – B. 3.

UO'K 902

SUG'D KONFEDERATSIYASI TARKIBIDA NAXSHABNING KESHDAN ALOHIDA HUKUMRONLIK MASALASI

H. Baratov, o'qituvchi, Qarshi davlat universiteti pedagogika instituti, Qarshi

Annotatsiya. Ushbu maqola doirasida Sug'dning alohida hududlarining tarixiy-geografik holati va mazkur jarayonlarning ijtimoiy-siyosiy madaniy hayotga ta'siri masalalarini tadqiq etish muhim ahamiyat kasb etadi. Ayniqsa, Markaziy Sug'dning bosh bo'g'inlarini tashkil qilgan Kesh va Naxshab tarixiy geografiyasi va siyosiy hayoti masalalari alohida tadqiq etildi.

Kalit so'zlar: Sug'd, Kesh, Naxshab, Suyshu, Tanshu, Shi, Kyuysha, Qoshtepa, Shortepa, Ovultepa

Аннотация. В данной статье важно изучить историко-географическое положение отдельных районов Согда и влияние этих процессов на общественно-политическую и культурную жизнь. В частности, отдельно изучались вопросы исторической географии и политической жизни Кешского и Нахшабского районов, составлявших основные звенья Центральной Согдийской области.

Ключевые слова: Согд, Кеш, Нахшаб, Суйшу, Таншу, Ши, Кюйша, Кошмена, Шормена, Овультепа

Abstract. V dannoy state vajno izuchit istoriko-geograficheskoe polojenie otdelnyx rayonov Sogda i vliyanie etix protsessov na obshchestvenno-politicheskuyu i kulturnuyu jizn. In chastnosti, otdelno izuchalis voprosy istoricheskoy geografii i politicheskoy jizni Keshskogo i Naxshabskogo rayonov, sostavlyavshix osnovnyye zvenya Tsentralnoy Sogdiyskoy oblasti.

Keywords: Sugd, Kesh, Naxshab, Suyshu, Tanshu, Shi, Kyuysha, Qoshtepa, Shortepa, Ovultepa.

Quyi Qashqadaryodagi Naxshab shahrining Eftaliylar hukmdorining qarorgohlaridan biri bo'lganligi Janubiy Sug'dning (Qashqadaryo vohasi) siyosiy mavqeyi oshishiga olib kelgan omillardan biri bo'lganligini ta'kidlash lozim. Voha hududi orqali qadimdan Buxoro va Samarqand Sug'didan Janubiy-Sharqiy Eron, Afg'oniston va Hindistondagi savdo shaharlariga olib boruvchi yo'llar o'tgan bo'lib, bu karvon yo'llari yo'nalishlarini o'rganish Janubiy Sug'd va undagi mulklar, makonlarning joylashuviga xos xususiyatlarni va chegaralarini, tarixiy geografik o'rnini aniqlashtirishda muhim ahamiyatga egadir. Shu bois ushbu masalalarga to'xtalib o'tish lozim.

Samarqand va Buxorodan keluvchi yo'llar quyi Qashqadaryoning yirik shahri Naxshabda tutashgan. Bu davrga mansub Xitoy manbalarida (Bey shi, Suy shu, ushbu ikkala yilnomada

keltirilgan ma'lumotlar Tan shu yilnomasida takrorlanadi) Nashebolo deb keltirilgan bu shahardan Amudaryoning o'rta oqimidagi kechuvlarga (Kalif, Kerki, Burdaliq) yoki Subah, G'uzor, Temir Darvoz orqali Termizga borilgan (Ilk o'rta asrlarga kelib, Yerqo'rg'on o'rnidagi ko'hna shahar xarobaga aylangach, voha markazi Qala'i Zahoki Moron yodgorligi o'rnida bo'lgan Naxshab shahriga ko'chgan). Samarqanddan janubga ketuvchi asosiy yo'llarning bir yo'nalishi hozirgi Ko'kdala dashtlari va Qo'ng'irtog'ning shimoliy yonbag'irlari orqali o'tgan [1. b. 273].

Naxshab hukmdorlari ham o'z nomlaridan tangalar zarb qilgan bo'lib, ushbu tangalar kam o'rganilgan. Qashqadaryo hududidan 1953 yilda Qarshi shahridan 3 km. sharqda joylashgan milodiy III-IV asrlarda oid bugungi Chimqo'rg'on suv ombori atrofidagi Pirmat bobotepa, Qo'shtepa, Sho'rtepa va Ovultepa yodgorliklaridan topilgan tangalar orasida "sherni mag'lub etayotgan hukmdor" tasviri tushirilgan tangalarning ushbu hukmdorlik tarixi bilan bog'liqligi xususida qarashlar mavjud [2. b. 137].

Sug'dshunos V.A. Livshisning ta'kidlashicha, O.I. Smirnovaning ushbu tangalardagi sug'diy yozuvni "kushoniy, kushonga oid" talqin etishi S.K. Kabanovning Qashqadaryo vohasida so'nggi kushonlarning manzilgohlari bo'lganligi to'g'risidagi taxminni ilgari surishiga sabab bo'lgan edi [3. b. 277]. Dastlab xioniylar so'ngra kidariy va eftaliylar tarkibiga singib ketgan kushonlar manzilgohlarining Sug'dning Naxshab hukmdorligi hududida bo'lganligi ehtimoli ham yo'q emas. Lekin ma'lumot bahsli va isbot talab. Milodiy VII-VIII asrning boshlarida zarb qilingan Naxshab tangalarining ma'lum qismini bir tomonida "hukmdor" tasviri, bir tomonida esa "ot" tasviri va uning atrofida sug'diy jumalalar ("qut (sohibi) hukmdor") aks etgan tangalar tashkil etishini ko'rish mumkin [3. b. 343-344.]. Shu o'rinda e'tibor qaratilishi lozim bo'lgan yana bir masala shuki, Naxshabda ham boshqaruv tepasida Keshdagi kabi harbiylar (axurpatlar) – ispahbodlar turgan. Ehtimol, konfederatsiya ixshidlari o'z mamlakatlarining chegaralarini kuchaytirish va barqaror ushlab turish uchun harbiylar boshqaruvini kuchaytirgandirlar.

Xitoy yilnomalarida 738 yilda Turgash hukmdori Tuxosyan Qut-cho'rga qarshi kurashgan turgashlar lashkarboshisi Bag'a Tarxonning yonida joy olgan Shi (Kesh) hukmdorining nomi Sisizinti (Siginti) shaklida keltiriladi [4. b. 46.]. Mazkur hukmdor ismining asli *Ashkand* bo'lib, u ayni vaqtda Naxshab hukmdori bo'lgan. Xitoy yilnomalarida uning Kesh hukmdori sifatida tilga olinishi o'sha paytda mazkur hukmdorning yaqin qo'shnilari ustidan o'z mavqeini oshirganligi bilan bog'liq. Tarixiy manbalarda al-Ashkand Kesh va Naxshab hukmdori sifatida tilga olinadi. Bu esa arablar bosqini arafasida Naxshab Kesh tarkibida bo'lganligi taxminini kuchaytiradi [5. b. 316].

Sug'd konfederatsiyasida boshqa hukmdorliklar qatori Naxshabning ham o'z o'rnini bo'lgan. Ushbu hukmdorlik joylashgan hudud hozirgi Qarshi shahrining shimolidan 8 km shimoliy-g'arbdagi Shulluktepa shahar xarobasi o'rnida bo'lgan. Naxshab hukmdorligi Sug'd konfederatsiyasining Toxariston konfederatsiyasi bilan chegarasi hisoblanadi. Markaziy Sug'ddan farqli ravishda bu yerda dehqonchilik bilan birgalikda chorvachilik ham ustuvor bo'lganligi va ilk o'rta asrlarda ko'chmanchi hayot tarzi nisbatan hukmdor bo'lganligi ma'lum bo'ladi [1. b. 6]. "Tan shu" yilnomasida, Naxshab VI – VII asrlarda yarim mustaqil maqomda bo'lib, *Shi* (Kesh) tarkibidagi "Kichik *Shi*" deb keltirilgan. Xitoy manbalarida keltirilgan ma'lumotlarga e'tibor qilinsa, Naxshabning Kesh tarkibida bo'lganligi anglashiladi. Naxshab hukmdorlari qadimdan o'z nomlaridan tanga zarb etganliklari ma'lum. Xitoylik mualliflar Naxshabning ma'muriy chegaralarini keltirishda xatolikka yo'l qo'yishgan. Ularda Naxshab Eron bilan chegaradosh deb keltiriladi. Balki bu o'rinda yilnoma mualliflari bir muddat Sug'dga Amudaryo orqali chegaradosh bo'lgan Sosoniylar davlatini nazarda tutishgandir. Tadqiqotchilar milodiy IV – V- asrlarga oid sosoniylar tangalaridagi "sher" yoki "kamonchi" tasviri, ikonografik jihatdan Naxshab tangalariga o'xshash ekanligini ilgari surishadi [6. b. 66-68].

Arxeologik tadqiqotlarda ko'ra, islomdan oldingi Naxshabning boshqaruv markazi Yerqo'rg'onga ko'chib shahar kengayib, 150 ga maydonga yetgan. Qal'ai Zahoki-Moron (225 ga) shahrining rivoji ham ayni davrga oid [7. b. 67-69]. Arablar bosqinidan keyin esa shahar to'liq yo'q qilinmagan. Faqatgina hukmdorlikning siyosiy boshqaruv markazi Shulluktepa ko'chirilgan [8. b. 15]. VI asrning 60- yillarda Turk xoqonligi armiyasining Eftaliylarga qarshi harbiy harakatlaridagi hal qiluvchi jang ham Naxshabda bo'lgan [9. b. 228-229]. Shuningdek, Arablar istilosi va unga qarshi ko'tarilgan qo'zg'olonlar oqibatida Naxshab shahri (Zahoki Moron) asta-sekin vayronaga aylangach,

Naxshabning boshqaruv markazi Yerqo'rg'ondan janubroqqa (Shulluktepa) ko'chadi [10. b. 127] va yangi sulola vakillari bu yerdan turib vohani boshqarishgan.

Xulosa sifatida quyidagi fikr va mulohazalarni ilgari surish mumkin:

–Sug'd konfederasiyasining Toxariston bilan chegara hukmdorligi hisoblangan Naxshab konfederasiya vujudga kelgan dastlabki davrlardan boshlab uning tarkibida rivojlangan. Naxshab hukmdorligi xususida keltirilgan, manbalardagi ma'lumotlar, numizmatik materiallarga e'tibor qaratadigan bo'lsak, bu hudud Eftaliylar davlatining tayanchlaridan bo'lgan deb taxmin qilish mumkin. Eftaliylar va Turk xoqonligi o'rtasidagi hal qiluvchi janglarning aynan Naxshab hududida bo'lganligi bunga asos bo'ladi;

–Naxshabning Sug'd markaziy hokimiyatiga bog'liqligi Kesh orqali bo'lgan. Keyinchalik o'z nomidan tanga zarb etgan Naxshab hukmdorlari konfederatsiyaning teng huquqli a'zosiga aylangan;

–“Sherni mag'lub etayotgan hukmdor” tasviri tushirilgan tangalarning aynan Naxshab hukmdorlari tomonidan zarb etilganligi masalasi ochiqligicha qolmoqda. Turk xoqonligi Sug'dda hukmronligini o'rnatguniga qadar bu yerda hukmronlik qilgan eftaliylar mahalliy hukmdorlarga tanga zarb qilish huquqini berganligi taxmini ham ehtimoldan xoli emas. Chunki, konfederasiya tarkibidagi hukmdorlar qadimdan o'z tangalarini zarb ettirganliklari ma'lum. Bu esa yuqorida ta'kidlanganidek, Naxshab hukmdorligining bir muddat Kesh tarkibida bo'lganligini va bu tangalar Kesh hukmdorlari tomonidan zarb qilingan degan to'xtamga kelishga imkon beradi;

–Bu davrda xoqonlik tomonidan Sug'dning tarkibidagi hukmdorliklar boshqaruvchilari bilan yaqin aloqalar yo'lga qo'yilgan. Jumladan, Naxshab hukmdorligida ham turkiy-sug'diy aralash sulolalar hukmronlik qilgan. Arxeologik moddiy materiallar va numizmatik ma'lumotlar bunga dalil bo'ladi.

Xullas, yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, Naxshab muayyan hududi, boshqaruv markazi, o'z qo'shini, tanga zarbiga ega bo'lgan. Bu esa Naxshabning mustaqil ichki boshqaruviga ega bo'lganligini ko'rsatadi. Buni Naxshab hududida olib borilgan arxeologik tadqiqotlar va yozma manbalardagi ma'lumotlar tasdiqlaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Массон М.Е. Столичные города в низовьях Кашкадарьи с древнейших времен до наших дней. – Ташкент: Фан, 1973. – С. 24;
2. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах ... Ч. II.
3. Кабанов С.К. Нахшабские монеты V-VII вв. // ВДИ. 1961. –№.1(75).
4. Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб.: 2008
5. Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М.: Наука, 1981.
6. Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turcs) occidentaux // Сб. Тр. Орхонской эксп. – СПб.: 1903.
7. Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. – Душанбе: Ирфон, 1989. Кн.1.
8. Кабанов С.К. Нахшаб на рубеже древности и средневековья (III-VII вв.). – Ташкент: Фан, 1977.
9. Наймарк А.И. К нумизматической истории Нахшеба / Археология Средней Азии. Тезисы докладов. – Ташкент: 1990.
10. Лунина С.Б. Города Южного Согда в VIII-XII вв. – Ташкент: Фан.
11. Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue.
12. Мавлонов Ў. Шуллуктепа // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎМЭ, 2005. 10-жилд.

UDC 93/94

NATURAL-GEOGRAPHICAL CHARACTERISTICS AND GUZARS OF KESH-SHAKHRISABZ OASIS

B.B. Bobojonov, teacher, Pedagogical Institute of Karshi State University, Karshi

Annotatsiya. Ushbu maqolada Kesh-Shahrisabz vohasining tabiiy-geografik tavsifi va undagi guzarlarning joylashuvi va tarixi haqida so'z boradi. Maqolada Kesh-Shahrisabz orqali o'tadigan savdo yo'llari va mamlakatimizdagi arxeologik yodgorliklar haqida ham ma'lumot berilgan!

Kalit so'zlar: Kesh-Shahrisabz, guzar, arxeologik yodgorlik.

Аннотация. Статья посвящена природно-географическому описанию оазиса Кеш-Шахрисабз, местонахождению и истории гузаров в нем. В статье также представлена информация о торговых путях через Кеш-Шахрисабз и археологических раскопках в стране!

Ключевые слова: *Кеш-Шахрисабз, гузар, археологический памятник.*

Abstract. *This article deals with the natural-geographical description of the Kesh-Shakhrisabz oasis and the location and history of the guzars in it. The article also provides information on trade routes through Kesh-Shakhrisabz and archeological sites in the country!*

Keywords: *Kesh-Shakhrisabz, guzar, archeological monument.*

Kesh-Shahrisabz was the third largest city in the Bukhara Khanate and an important trade center, politically and economically strong. Recent research in Shakhrisabz has shown that life in the city flourished even before the Timurid period, during the Samanid and Karakhanid periods. Today, the historical and cultural development of the Kesh oasis serves to further increase the tourism potential of our country. It is the responsibility of the younger generation to preserve, study and bring to the world the historical and cultural monuments of our people, the historical and memorial period of Amir Temur Temurids, to instill in the minds of our people a sense of national pride, independence and devotion to the motherland. gives strength to push. This chapter seeks to highlight the role of Kesh-Shakhrisabz in the development of the history and culture of our country[1].

Kashkadarya region is located in the south of ancient Sogdiana. According to archeological sources, the system of urban planning and statehood in the ancient Kesh region was formed 2,700 years ago on the site of the present-day villages of Uzunqir and Kumirtepa in the Kitab district. . The ancient city is mentioned in written sources as Kesh, Kes, Kas. According to the "law of migration of urban culture" in Central Asia, the ancient Kesh also moved several times due to paleoecological and political events (Uzunkir - now the city of Kitab - the city of Shakhrisabz). his successor is the city of Shahrisabz[2].

The huge monuments of the Kashkadarya oasis have attracted the interest of broad-minded, educated representatives of Russian officers and Russian scientists, writers and other specialists who have set foot in the country since the occupation of our country by the Russian Empire. at the level of those who began to study these monuments. Although the research and observations made at that time have not yet reached the level of full-fledged scientific research, they have undoubtedly given impetus to further scientific research. In this regard, we must acknowledge the invaluable contribution of Russian scientists, such as VV Bartold, NI Veselovsky, VL Vyatkin, who studied during this period, in the study of the history of our country. Such research has reached a new level since the establishment of the Soviet regime in Uzbekistan. However, archeological excavations of the Kashkadarya oasis began mainly after the war years, and for more than 50 years, great scientific discoveries have been made in the field of archeology and special research has been conducted on the history of archeological studies of the oasis[3].

Shahrisabz was called Kesh in the Middle Ages. Archaeologists say that the capital of the oasis is also called Kesh. It is located between Kitab and Shakhrisabz. In the XIX-early XX centuries in the Kesh oasis Shahrisabz and Kitab were considered to be large cities with a separate center.

Trade routes through the oasis played an important role in the development of the city of Kesh, in particular, the road from Fergana, Chach oasis and Samarkand to Oqarbat and the Iron Gate to Tokharistan. In the early Middle Ages, the use of mountain roads (Toshrabot, Kaltaminor Pass) from Kesh to Tokharistan through the Gissar Mountains became more active. According to Chinese sources, the "Iron Gate" on the border between Sogdiana and Tokharistan is also actively used as a road through the Gissar Pass.

The huge monuments of the Kashkadarya oasis have attracted the interest of broad-minded, educated representatives of Russian officers and Russian scientists, writers and other specialists who have set foot in the country since the occupation of our country by the Russian Empire. at the level of those who began to study these monuments. Although the research and observations made at that time have not yet reached the level of full-fledged scientific research, they have undoubtedly given impetus to further scientific research. In this regard, we must acknowledge the invaluable contribution of Russian scientists, such as VV Bartold, NI Veselovsky, VL Vyatkin, who studied during this period, in the study of the history of our country. Such research has reached a new level since the establishment of the Soviet regime in Uzbekistan. However, archeological excavations of the

Kashkadarya oasis began mainly after the war years, and for more than 50 years, great scientific discoveries have been made in the field of archeology and special research has been conducted on the history of archeological studies of the oasis[4].

The city of Shakhrisabz also consisted of three parts - Ortakurgan, Qala and Rabod. Bek Fortress is located in the north-eastern corner of the city and is popularly known as Shahrissabz Afrosiyobi. The fort has two gates, the East Gate is called the Artillery Gate and the South Gate is called the Blue Gate. In front of the fortress is the main square of the city - Registan. From Chorsu, a circular dome in the center of the city, there were streets on all four sides of the city, and through these streets there were gates to the city. There were six gates of the castle wall that separated the city from the outside. The north gate is called Kitab, the east gate is called Kunchiqar, the west gate is called Kushxona, and the south gate is called Charmgar. There were also secondary Kalmyk Gates and Simkhana Gates in the southeast corner[5].

The city had 7 caravanserais and 2 baths. The city was divided into guzars, and each guzar had its own mosque. The mosques of Khoja Mirhamid and Hazrat Malik Ajdar were also among the main mosques of the city during the period under study. According to A.L. Kun, in the second half of the 19th century there were 14 guzars in the city, and by the beginning of the 20th century the number of guzars had reached 53. These are: Honaqo, Poppy, Repression, Chubin, Madoxon, Eshonipir, Telpakdoz, Taqi chanor, Sangi Ohur, Chairman, Khoja, Kultepa, Balohovuz, Aloviddin, Degrizi, Hauzi Mardon, Chakor, Simxona, Juyi Haytak, Hazrati Imam, Uzbek, Qoshhovuz, Meshchilik, Big Charmgar, Kichik Charmgar, Khabarlik, Kuli Khatbaki, Kunduzak, Yoyilma, Kulollik, Hazrati Sheikh, Murdoshuy, Pohl, Qassoblik, Nazarmat, Payzbobo, Qopqon, Namatmon Ho ' ja Mir Hamid, Sutbozor, Jilovxona, Hingaron, Isobek, Chakorlik, Malik Ajdar, Kitab, Khojaguzar, Eshonguzar, Sopiguzar, Big Chuyton, Small Chuyton, Arpabozor and others[5].

The Shahrissabz guzars were not as large as the Bukhara guzars.

In the works of European explorers of the oasis in the XIX century, the information about the population of the Shahrissabz principality varies. According to OA Sukhareva's research, the number of houses is 2789. In all, there were about 3,000 homes in the city. If we assume that on average there are 6 people in each family, then the population of the city is 18,000 people. Based on these data, it can be said that the population of the city was about 18-20 thousand. It should be noted that the data on the total population of the city of Shakhrisabz is not the city, but the population of the principality.

The majority of the city's population is Uzbek. In addition to Uzbeks, Tajiks, Jews and people of other nationalities lived here. There were about a dozen Jewish houses in Shakhrisabz. Because Jews were considered non-Muslims, they were not allowed to enter the Muslim guzars, which was controlled by the Shah of Shakhrisabz[6].

Shahrissabz is the political and economic center of the principality, where the prince's fortress is located. The castle was inhabited by the prince, his family and officials. The courtiers lived in the guzars near the bek fortress. For example, the Great Kingdom House is located in Sangiokhur Guzar. It was inhabited by the upper classes of the principality and welcomed dignitaries[7].

Sopiguzar, northwest of the city, is home to the city's clergy. In addition, the masters living in Kultepa, Hazrat Sheikh, Hazrat Imam Guzars made a living by donating to the tombs of Hazrat Sheikh and Hazrat Imam. The people of Khoja Guzar and Eshanguzar were engaged in farming and gardening.

The majority of the city's population was engaged in handicrafts and trade. Leather, pottery, textiles, sewing, embroidery, goldsmithing, blacksmithing, degreasing, coppersmithing, jewelry and other handicrafts flourished here.

In Shakhrisabz, people engaged in interrelated handicrafts lived side by side in the guzars. In Shakhrisabz, for example, people engaged in tannery and soap-making lived in the Big Leather, Small Leather, Meshgar, and Yoyilma guzars in the southeast of the city. There are also shoemakers in Kovushdoz, Namaton guzar, Kitab guzar, Etikdoz, Xuja Mirhamid, Kalkan guzar, Chuyton guzar, Yakhdondoz and Kamchindo. In the Kunduzak guzar there were soapmakers, in the Telpakduz guzar there were telpakdozs and posindozs, and in the butchery guzar there were butchers. Chitgars lived mainly in the guzar of Rais, pottery, and in the guzar of Hazrat Sheikh, and a part of the pottery guzar

was called shakhchilik. Blacksmiths lived here. The Shakhrisabz degres lived mainly in the Degreziy and Chuyi haytak guzars, the coppersmiths in the Hovuzi Mardon guzars, and the Balakhovuz, Hovuzi Mardon and Kunduzak guzars[8].

Another part of the city was engaged in the sale of handicrafts. They had their own stalls in Shakhrisabz markets. The big merchants were engaged in long-distance trade. Shahrissabz Begi also kept special funds for trade. Most of the traders lived in guzars close to the city markets. The central market of Shakhrisabz is located south of Chorsu Bek. Built in the late 15th and early 16th centuries, this Chorsu market is well-preserved. In addition to the daily market, there were several small markets in the city. For example, the straw market in the western part of the city sells livestock. The city has craft guzars, markets, caravanserais, as well as many mosques, madrassas, baths and other public buildings. In general, the city of Shakhrisabz was not only a center of handicrafts, but also a major commercial and cultural center.

The Shakhrisabz oasis has a long history of handicrafts and centers, which are mainly divided into guzars, which are associated with a particular field[9].

In Shakhrisabz, the Guzars, who are mainly engaged in the same type of handicrafts, are called by the same name. There were also other craftsmen in the guzars. In Chui oblast, for example, in addition to degres and jewelers, there were artisans engaged in weaving, tanning, shoemaking, and weaving.

REFERENCES:

1. A. Sagdullayev and others. Excerpts from the history of ancient Kesh-Shahrissabz. –T., 1998.
2. Eshov.B The first cities in the system of civilization. Tashkent .: Tafakkur. 2004.
3. Mavlonov. O ‘. M Ancient Roads of Central Asia. Tashkent .: Academy, 2008.
4. Ravshanov P. Sources of Nakhshab and Kesh history. Karshi, 2005.
5. Ravshanov P. Khushvakov N. Journey to the History of Kashkadarya. Tashkent, 2020.
6. Ravshanov P. Khushvakov N. Journey to the History of Kashkadarya. Tashkent, 2020.
7. Sukhareva O.A. K istorii gorodov Buxarskogo xanstva. T., ANUzCCR.
8. Yakubov B. Shakhrisabz and the history of the book (socio-political life in the first half of the XVIII-XIX centuries). Karshi, 1996.
9. From the report of the Department of Ethnography of the Shahrissabz State Museum Reserve. Shahrissabz, 2009.

O‘UK 93/94

TEMURIYLAR DAVRI TIBBIYOT SOHASI TARAQQIYOTINING O‘ZIGA XOS JIHATLARI

O.R.Nazarov, Guliston davlat universiteti, Guliston

B.K.Samadov, Guliston davlat universiteti, Guliston

Annotatsiya. Maqolada Markaziy Osiyo xalqlari hayotida muhim davr bo‘lgan. Ikkinchi Renessans sifatida tarixga kirgan temuriylar davrida tibbiyot sohasidagi o‘ziga xos yuksalish jarayoni tahlil qilingan. Amir Temur va temuriylar davri yozma manbalari orqali mavzuga oid masalalar manbalarni qiyoslash metodi orqali yoritib berilgan.

Kalit so‘zlar: Tibbiyot qonunlari, ilmiy maktablar, aniq va tabiiy fanlar, egilish, bo‘g‘inlar, ta‘lim, tibbiyot, farmatsevt, shifoxona.

Аннотация. В статье анализируется уникальный период в жизни народов Средней Азии, период подъема медицины в период тимуридов, вошедший в историю как второе Возрождение. Период Тимура и тимуридов освещен письменными источниками, и предмет охвачен сравнением.

Ключевые слова: каноны медицины, научные школы, точный и естественные науки, воспитание, знахарь, фармацевт, больница.

Abstract. The article analyzes a unique period in the life of the peoples of Central Asia, the period of the rise of medicine in the Timurid period, which went down in history as the second Renaissance. The period of Timur and the Timurids is covered by written sources and the subject matter is covered by comparison.

Keywords: Canons of medicine, scientific schools, exact and natural sciences, bending, about joints, education, medicine man, pharmacist, hospital.

Kirish. XIV asrning ikkinchi yarmida Movarounnahrda markazlashgan yirik temuriylar davlati vujudga keldi. Bu davlatning asoschisi buyuk davlat arbobi va sarkarda Amir Temur edi. U ko'p qo'shni mamlakatlarni birlashtirib, buyuk temuriylar davlatini barpo etdi. Bu davlat tarkibiga Movarounnahr, Xuroson, Xorazm, sobiq Oltin O'rda yerlari, Hindiston, Eron, Turkiya kabi mamlakatlar kirardi. Temuriylar davlati siyosiy, iqtisodiy va madaniy jihatdan yuksak darajada rivojlangan edi. Amir Temur mamlakatni, xususan, uning negizi bo'lgan Movarounnahrni yanada obod qilishga katta ahamiyat berdi. Shaharlarda ulkan qurilishlar olib borildi. Hashamatli saroylar, masjid- madrasalar, karvonsaroylar, yo'llar, ko'priklar, sardobalar, hammomlar barpo etildi. Shular qatorida kasalxonalar, shifoxona va dorixonalar ham qad ko'tardilar.

Iqtisodiy jihatdan mamlakatda ichki bozor va tashqi savdo keng ko'lamda rivoj topdi. Bunday siyosiy va iqtisodiy yuksalish o'z navbatida madaniy rivojlanishni taqozo qildi. Mamlakatda ilm-fan, san'at va adabiyot yuksaldi. Yirik olimlar, faylasuflar, san'at va adabiyot namoyandalari yetishib chiqdilar. Shular qatorida yaxshi tajribaga ega bo'lgan hakimlar bor edi. O'sha davrda fanning hamma sohalari qatorida tibbiyot ilmi ham yuksaldi. Madrasalarda boshqa dunyoviy bilimlar qatorida tibbiyot ilmi ham o'qitila boshladi. Bundan tashqari Amir Temur farmoni bilan Samarqand saroyida kitoblar saqlash uchun maxsus bino "Kitob gumbazi" qurilgan edi. Bu gumbaz (kutubxonada) ko'p nodir asarlar saqlangan. "Kitob gumbazi"da ko'p sonli olimlar xizmat qilganlar, ular qo'lyozmalarni o'rganish va ularga sharh yozish bilan shug'ullanganlar. Ular qatorida mashhur hakimlar ham bo'lganlar, Fayzulloh Tabriziy, Muhammad Yusuf, Ibrohim Kermoniy va boshqalarni misol keltirishimiz mumkin. Shu tariqa maqolada Amir Temur va temuriylar davridagi tibbiyot ilmiga tegishli manba va ma'lumotlar tahlili maqolada o'z aksini topgan.

Malumotlarga ko'ra Mavlono Fazlulloh Tabriziy Amir Temurning shaxsiy tabibi bo'lgan. "Temur tuzuklari"da kasalxonalar va g'aribxonalar barpo etish ham ko'rsatilgan. Bu haqda "Temur tuzuklari"da bunday deyilgan: "Men yana amr etdimki, katta-kichik har bir shaharda masjid-madrasa va xonaqoh bino etsinlar, faqir-u miskinlarga langarxonalar solsinlar. Kasallar uchun shifoxonalar qurdirsinlar va ularda ishlash uchun tabiblar tayinlansin"[1].

Samarqandning o'zida "Dor ush-shifo", deb ataluvchi katta kasalxonalar bo'lgan. Amir Temur unga boshliq qilib, o'sha vaqtdagi mashhur hakimlardan biri bo'lgan Mir Sayyid Sharifni tayinlagan. Bu hakim asli Jurjonlik bo'lgan va Amir Temurning taklifi bilan Samarqandga ko'chib kelgan.

"Dor ush-shifo"da yana bir ko'zga ko'ringan hakim — Mansur ibn Muhammad Yusuf ishlagan. Bizga bu muallifning "Odam gavdasining tuzilishi", "Mansurning-to'liq to'plami" va "G'iyosiya" nomli asarlari ma'lum.

"Odam gavdasining tuzilishi" kitobi kirish qism, 4 bob va xotimadan iborat. Kirish qismida odam gavdasining tuzilishi haqida umumiy ma'lumot berilgan. So'ng 4 bobda suyaklar, mushaklar, qon tomirlari va asab tolalari bayon etilgan. Xotimada ayrim a'zolar haqida ma'lumot berilgan "Mansurning to'liq to'plami" asarida esa kishi salomatligini saqlash, kasalliklarning sabablari, bemorga tashxis qo'yish va davolash masalalari bayon etilgan. Turli kasalliklarda ishlatiladigan dorilar ham ko'rsatilgan.

Amir Temur "Dor ush-shifo"da xizmat qiluvchi hakimlarga yaxshi maosh to'lagan. Uning buyrug'i bilan hakimlarning maoshi munajjimlar, tarixchilar va huquqshunoslarning maoshlariga tenglashtirilgan. Amir Temur tabiblarga nisbatan yaxshi munosabatda bo'lgan. Ularga hurmat bilan qaragan. Bu haqda Amir Temurning o'zi bunday, deb yozgan: "Men olim va tabiblar bilan yaxshi munosabatda bo'ldim. Tabiblarda kasal navkarlarimni davolatdim"[2].

Shuningdek, Amir Temur aholi o'rtasida har xil ommaviy kasalliklar tarqalmasligiga alohida ahamiyat bergan. Buning uchun shaharlarni va boshqa aholi yashaydigan joylarni ozoda saqlash, xalqni yaxshi sifatli toza suv bilan ta'minlash choralarini amalga oshirgan. Ozodalikga rioya qilmagan va ko'cha-ko'ylarga axlat tashlab, ularni iflos qilgan kishilarni jazolagan. Suvni toza saqlash uchun yopiq tipdagi suv quvurlari qurdirgan. Shaharlararo yo'llarda sardobalar barpo ettirgan. Samarqand va Toshkent yaqinidagi Shohruhiya shaharlarida olib borilgan arxeologik qazilmalar vaqtida bunday inshootlar ko'p topilgan.

Sohibqiron vafotidan so'ng ham bir qancha vaqt mamlakatda obodonchilik ishlari davom ettirildi. Uning o'gil va nabiralari o'z bobolarining mamlakatni ulug'lash ishlari davom ettirdilar.

Bu ish ayniqsa, Amir Temurning yuksak iste'dod egasi bo'lgan nabirasi Ulug'bek podshohlik qilgan davrda ayniqsa rivoj topdi. Mamlakatda buyuk qurilishlar olib borildi. Maktab, madrasa va kasalxonalar barpo etildi.

Mirzo Ulug'bek olim va fozillarni doim qo'llab-quvvatlardi. Tarixiy ma'lumotlarga ko'ra Ulug'bekning o'zi boshqa fanlar qatorida tibbiyotga ham qiziqqan. U tibbiyotga oid kitoblarni ko'p o'qigan. U umuman sog'liqni saqlashishlari va tibbiy fanlarning rivojlanishiga katta ahamiyat bergan. Samarqandda katta kasalxona qurdirgan. Unga boshliq qilib, o'sha vaqtda ko'zga ko'ringan hakimlardan biri bo'lgan Burhoniddin Nafis ibn Avaz Kermoniyini tayinlagan. Bu hakim Ulug'bekning shaxsiy tabibi bo'lgan.

Burxoniddin Nafis ibn Avaz Eronning Kermon shahrida tavallud topgan. O'sha yerda bilim olib, yaxshi hakim bo'lib yetishgan. Kasallarni muvaffaqiyatli davolab, aholi o'rtasida ko'p hurmatga sazovor bo'lgan. Nafis ibn Avaz chuqur bilimli olim va yaxshi tajribali hakim edi. Ulug'bek madrasasida talabalarga tib ilmidan dars bergan. Binobarin, madrasada boshqa bilimlar qatorida tib ilmi ham o'qitilgan. Nafis ibn Avaz tibbiyot ilmining turli sohalariga oid bir nechta kitob yozgan. Ammo, ularning ko'pi bizgacha yetib kelmagan. Bizga bu olimning XIII asrda yashagan mashhur hakim Najibuddin Samarqandiyning "Kasalliklarning sabablari va alomatlari" nomli kitobiga yozgan sharhi ma'lum, xolos. Bu kitob 1424-yilda yozilgan bo'lib, u "Kasalliklarning sabablari va alomatlariga sharh", deb atalgan. Muallif kitobni Ulug'bekka bag'ishlagan va unga taqdim etgan. "Sharh"da Ibn Avaz Najibuddin Samarqandiy kitobining mazmunini tushunarli qilib bayon etgan va uning qiyin joylarini izohlab bergan. Nafis ibn Avaz o'rta asrlar davri tibbiyot ilmining rivojlanishiga munosib hissa qo'shgan.

Bundan tashqari Samarqandda o'sha davrda Tojiddin Hakim ismli mashhur jarroh ham yashagan. U murakkab operatsiyalarni ham bajara olgan. Masalan, ko'z kataraksiyasini juda muvaffaqiyatli operatsiya qilgan. Tojiddin Hakimning jarrohlik faoliyatidagi muhim tomonlaridan biri shuki, u operatsiya qilinayotgan joyga tashqaridan yiring paydo qiluvchi ko'zga ko'rinmas tirik mavjudotlar (hozirgi tilda mikroblar) tushishi mumkinligini bilgan va unga qarshi tadbir ko'rgan. Chunonchi, operatsiyada ishlatiladigan asbob va qurollarini olovda qizdirib olib (mikroblarni o'ldirib), so'ng ulardan foydalangan. Bu hozirgi tilda aseptika deyiladi. Operatsiya vaqtida esa piyozni mayda qilib to'g'ratib qo'yib, unga tez-tez qo'lini botirib turgan. Buni antiseptika deyish mumkin. Ma'lumki, piyozda mikroblarni yo'q qiluvchi fitonsidlar bor. Tojiddin Hakim mikroblarni ko'zi bilan ko'rmagan bo'lsa ham (u vaqtda hali mikroskop kashf etilmagan edi) atrof-muhitda yiring paydo qiluvchi mikroblar borligini fikran bilgan. Tojiddin Hakimni aseptika va antiseptikaning asoschisi deb atash mumkin. Ingliz jarrohi lister esa bu usulni Tojiddin Hakimdan 400 yil keyin ishlab chiqqan edi. Afsuski, u tibbiyot tarixiga aseptika va antiseptikaning asoschisi sifatida kirib qolgan.

Temuriylar davridagi tibbiyot XV asrning ikkinchi yarmida juda yuksak darajaga ko'tarildi. Bu davrda mamlakatda temuriylardan bo'lgan Husayn Boyqaro podshoh bo'lgan. U o'qimishli, bilimdon shoh edi. Har xil fanlarga qiziqqan, olim va fozillarni qo'llab-quvvatlagan. Boyqaroning saroyida xizmat qilgan olimlar qatorida hakimlar ham bo'lgan. Shulardan bizga quyidagilar ma'lum: Ne'matullo ibn Faxriddin Kermoniy, Abdulhay Ziyoradgohiy, Muhammad Husayn ibn Mirquvomiddin va b.

Ne'matullo ibn Faxriddin Kermoniy o'z davrining ko'zga ko'ringan hakimlaridan biri bo'lgan. U Kermon shahrida tavallud topgan va o'sha yerda o'qib tabiblik kasbini egallagan. Hakim Kermoniy Husayn Boyqaroning taklifi bilan Xirotda kelib, bu yerda saroy tabibi vazifasida xizmat qilgan. Kermoniy hakim, olim, faylasuf bo'lgan. Badiiy adabiyotga ham qiziqqan. "Hakimiy" taxallusi bilan she'rlar yozgan. Ammo, asosiy kasbi tabiblik edi. Bizga hakim Kermoniyning tibga oid "Bahr al-hawos" ("Hosiyatlar dengizi") nomli asari ma'lum.

Kitob kirish qism, uch bob va xulosadan iborat. Kirish qismida har xil o'simlik va minerallardan olinadigan dorilar, foydali hayvonlar va qushlar bayon etilgan. Dorilarning nomi uch tilda — arab, fors va turkiy tilda berilgan.

Kitobning birinchi bobida sodda dorilar, ularning xossalari va ishlatish usullari bayon etilgan. Ikkinchi bob murakkab dorilarga bag'ishlangan. Bunda murakkab dorilarni tayyorlash, saqlash va ishlatish usullari ko'rsatilgan. Uchunchi bobda qaysi kasallikda qanday dori qo'llanishi

tushuntirilgan. Shu bobda har xil ovqat mahsulotlaridan dori sifatida foydalanish ham ko'rsatilgan. Kitobning xulosasida tibbiy atamalar berilgan. Ammo, Abdulhay Ziyoratgohiy va Muhammad Husayn ibn Mirquvomiddin haqida yetarli ma'lumotlar mavjud emas.

Ma'lumki, Husayn Boyqaroning bosh vaziri Alisher Navoiy edi. U ko'p jihatdan tibbiyotga yaqin kishi bo'lgan. O'zi ham tibbiyotni yaxshi bilgan. Tarixiy ma'lumotlarning guvohlik berishicha Alisher Navoiy tabiblik kasbi bilan shug'ullanmagan bo'lsa ham tibbiy bilimdan yaxshi xabardor bo'lgan. Alisher Navoiy Samarqandda mashhur olim Fazlulloh Abulavsiv (Abu Lays) rahbarlik qilgan madrasada tahsil olgan. Bu olim tibbiyot sohasida ham chuqur bilimga ega bo'lgan. U Alisher Navoiyning ustozini hisoblanadi.

Biz yuqorida ko'rsatib o'tganimizdek o'sha davrda madrasalarda boshqa fanlar qatorida tibbiyot ilmi ham o'qitilgan. Binobarin, Alisher Navoiy madrasani tugatganida tibbiyot fanidan ham bilimga ega bo'lib chiqqan. Tarixiy dalillar shuni ko'rsatadiki, Alisher Navoiy tibbiyotni juda qunt bilan o'rgangan va bu sohada o'z mulohaza va fikrlariga ega bo'lgan. Alisher Navoiy tibbiyot, sog'ilqni saqlash masalalari va tabiblar haqida juda to'g'ri fikr yuritgan. Alisher Navoiyning bu masalaga oid fikrlari uning mashhur asari "Mahbub ul-qulub" ("Sevgili qalblar")da o'z ifodasini topgan.

Temuriylar davrini haqli ravishda yangi davr va zamonaviy tibbiyotning rivojlanish poydevori bo'lib xizmat qilgan deyishimiz mumkin.

Xullas yuqorida bildirilgan fikr mulohazalar hamda tahlillar shuni ko'rsatadiki, zamonaviy tibbiyotning kelib chiqishi va uning tarraqqiyot bosqichi yani temuriylar davrida yuksak darajada rivojlanganligini ko'rishimiz mumkun. Ayniqsa Amir Temurning tibbiyot sohasiga boshqa sohalar kabi jiddiy etibor berishi sabab, O'rta Osiyoda hamda ko'pgina sharq mamlakatlarida tibbiyot ilmi, yani davolash usullari, tashhis qo'yish, dorivor o'simliklardan tayyorlangan turli kasalliklarni davolashga doir dori-darmonlarni tayyorlash usullari takomillashib bordi. Amir Temur va temuriylar davrida tibbiyot sohasining vakillari hisoblangan Fayzulloh Tabriziy, Muhammad Yusuf, Ibrohim Kermoniy, Said Sharifni va shu kabi tibbiyot ilmi vakillarining tibbiyot sohasida izlanishlari natijasida nafaqat O'rta Osiyoda balki sharq o'lkalarida Jumladan Eron, Hindiston o'lkasi tabiblari ham bahramand bo'lishgan. Chunki Amir Temur davrida hakimlar faoliyatiga jiddiy e'tibor berilgan, birgina "Dor-ul shifo" maskanida xizmat qiluvchi hakimlarga yaxshi maosh to'lagan. Uning buyrug'iga binoan hakimlarning maoshi, munajjimlarning, tarixchilarning va huquqshunoslarning maoshlariga tenglashtirilganligi fikrimizning yorqin ifodasidir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Abduvaliyev.A, Jo'rayev.I. Sharq tabobati asoslari. Toshkent Tibbiyot Akademiyasi, 2009. 79-b.
2. Jo'rayev.A. Xalq tabobati. –Toshkent: "Sharq", 2014. 88-b.
3. Alisher Navoiy. Mahbub ul-qulub. –Toshkent: "Fan", 1983. 25-b.
4. Zahiriddin Muhammad Bobur. "Boburnoma". –Toshkent: "Fan", 1983. 35-b.
5. Xondamir. "Makorim ul-axloq". –Toshkent: "G'afur G'ulom", 1967. 40-b.
6. Xondamir. "Xulosat ul-axbor". -Toshkent: "Fan", 1994. 531-b.
7. Махмудова Н.М. «История развития внутренней медицины в Узбекистане». –Ташкент: «Фан», 1969. 112-с.

UO'K 93/94

AJDODLARIMIZ MA'NAVY MEROSIDA KAMONDAN O'Q OTISH HAQIDA

S.R. Turayeva, t.f.n., Jamoat xavfsizligi universiteti, Toshkent

Annotatsiya. *Maqolada o'zbek milliy jang san'atining qadimiy turlaridan sanalgan kamondan otishning tariximizda tutgan o'rni va ahamiyati, bu borada shakillangan an'analarni o'rganish maqsadida, mamlakatimiz tarixiga oid mahalliy manbalar va tarixiy hujjatlar asosida kamondan otish tarixi tadqiq etilgan. O'zbek xalqi moddiy va ma'naviy meroslarida kamondan o'q otish an'analari borasida o'tmishdan yig'ilgan tajriba mavjud bo'lib, xalqimiz orasida kamondan o'q otish sportini rivojlantirish va ommalashtirish, ajdodlar merosini, milliy qadriyatlarini tiklash yoshlarda milliy o'zlikni anglash tuyg'usini yanada rivojlantiradi.*

Kalit so'zlar: *Kamon, kamondan o'q otish, o'q-yoychi, jangavor tayyorgarlik, ov qilish, milliy o'yin, nishon, tir, mergan, jangavor qurol, musobaqa, kamonchi.*

Аннотация. В статье исследуются роль и значение в истории стрельбы из лука, одного из древнейших видов узбекского национального боевого искусства, с целью изучения в этой связи сформировавшихся традиций на основе местных источников и исторических документов по истории нашей страны была исследована история стрельбы из лука. Материальное и духовное наследие узбекского народа включает в себя опыт, накопленный из прошлого по традициям стрельбы из лука, развитие и популяризация стрельбы из лука среди нашего народа, восстановление наследия предков, национальных ценностей.

Ключевые слова: лук, стрельба из лука, стрелок, боевая подготовка, охота, национальная игра, мишень, стрела, снайпер, оружие, соревнования, лучник.

Abstract. The article examines the role and significance in the history of archery, one of the most ancient types of Uzbek national martial art, in order to study in this regard the traditions formed on the basis of local sources and historical documents on the history of our country, the history of archery was studied. The material and spiritual heritage of the Uzbek people includes the experience gained from the past according to the traditions of archery, the development and popularization of archery among our people, the restoration of the heritage of ancestors, national values will contribute to the further development of a sense of national self-knowledge among young people.

Key words: bow, archery, shooter, combat training, hunting, national game, target, arrow, sniper, weapon, competition, archer.

2021 yil 17 iyunda O'zbekiston Prezidenti SH. Mirziyoyev tomonidan "Kamondan otish sport turini yanada rivojlantirish va ommalashtirish chora- tadbirlari to'g'risida"gi qarorni imzolanishi [1] ajdodlar qadriyati bo'lgan kamondan otish bo'yicha professional sportchilarni tayyorlashni tizimili takomillashtirish, iqtidorli yoshlarni tanlash, saralash, jamiyatda sog'lom turmush tarzini targ'ib qilish borasida yuksak qadam bo'lganligini e'tirof etish lozim. Toshkentda har yili "Alpomish va Barchinoy", Samarqandda "To'maris kubogi" musoboqalari, Buxoro, Qo'qon, Samarqand va Xivada "Turizm va komondan o'q otish haftaligi" o'tkaziladi. Ko'pchilikka ma'lumki, kamondan otish sporti yoshlarni diqqatni jamlash, zehinni o'stirish, tez qaror qabul qilish, ziyraklikni oshirish bilan birga tanadagi ko'z muskullari, oyoq, va elka kabi muskullarni muvofiqlikda birga ishlashini ta'minlaydigan sport turiga kiradi.

Yurtimizda kamondan o'q otish tarixi o'zoq o'tmishga borib taqaladi va bugungi kunda bu sohani rivojlantirishga e'tiborimiz asli xalqimizning o'tmish qadriyatlarini tiklash borasidagi samarali ishlar sarasiga kiradi. O'tmishdan ma'lumki, insoniyatning mezolit davri (o'rta tosh davri – milloddan avvalgi 12- 7 ming yilliklar) buyuk ixtirolaridan biri bu o'q- yoyning paydo bo'lishidir. Ushbu davrdan odamlar yer yuzidagi yirik hayvonlardan tashqari endi tezchopar, chaqqon, mayda hayvonlarni ovlash boshlagan. O'q- yoyning kashf etilishi chopqir hayvonlar bilan bir qatorda qushlarni ham ovlash imkoniyatini yaratgan. **O'zbekistonning Surxondaryo viloyatidagi Zirautsoy** qoya tosh tasvirlari mezolit davriga oiddir. Ushbu qoyatoshga o'yilgan tasvirlarda ov manzarasi tasvirlangan bo'lib, unda bir guruh ovchilar ho'kizlarni ovlash uchun kamon tortyabgani, ba'zi kamon o'qlari xo'kizlarga tekkan, o'ngda va so'lda esa go'yo tog' cho'qqisi bo'ylab g'alati qo'ng'iroqsimon teri yopingan shakllar yotadi. Ularning qo'lida o'q-yoy ko'rinmaydi, o'roq yoki boltaga o'xshash qurollar tutishgan.

Qadimgi yunon yozuvchilari Kaspiy dengizining sharqiy tarafida yashagan xalqlarni sak (shak) va massagetlar deb ataganlar. Saklar va massagetlar turkiy xalqlarning ajdodlari edi. Milloddan avvalgi V asrda yashagan yirik yunon tarixchisi Gerododning yozishicha, «massagetlarning barcha buyumlari, hatto nayza, **o'q-yoy** va oyboltalari ham oltin va misdan yasalgan. Bosh kiyimlari, kamarlari, otlarining yugan va uzungilari oltindan bo'lgan. ... Ular ot ustida ham piyoda ham yaxshi jang qiladilar. O'q- yoy, qilich, oyboltalar bilan mis sovut kiyib yurishadilar. Jang paytida oltin kamar taqib oladilar. Chunki ular yurtida oltin va mis konlari ko'p edi».

Aleksandriyalik Kliment "Palos" asarida, "Sug'diyonaning nargi tarafida Yaksart (Sirdaryoning qadimiy turkcha nomi) daryosi bo'ylab saklar isteqomat qiladilar. **O'q otishda** dunyodagi baracha o'q otuvchilardan mohir bo'lib, o'qni bekorga ketkazmaydilar. Saklarning ayollari ot ustida turib, oldinga qarab ham, orqaga qarab ham o'q otishda mohirdirlar. Ular erlaridan

qolishmaydilar” - deb yozadi. Demak, yozma manbalarda ta'kidlanganidek, O'zbekiston hududida saklar, massagetlar, so'g'idliklar, xorazmliklar, baqtriyaliklar yashaganlar. Ular o'q- yoydan turli maqsadlarda foydalanganligi haqida ma'lumotlar berishadi.

Tarixdan ma'lumki bizga ma'lum Sulton Jaloliddin Manuberdi, Amir Temur, Zahiriddin Muhammad Bobur buyuk sarkardalarimiz ham kamondan o'q otishda mohir bo'lgan.

XIII asr muarrixii Shihobiddin Muhammad an- Nasaviy qo'shin tarkibidagi kamondan o'q otuvchi bo'linmalarni “yoyandozdar” deb tilga oladi[2].

XV asr muallifi Abdurazzoq Samarqandiyning yozishicha: “Harbiy safarda har bir zobit jang qilish usullarini yaxshi bilishi farz sanalgan bo'lib, o'zi bilan birga bir yilga etadigan oziq ovqat, qurol-aslaha, 30 ta o'q bilan kamon, temir sovut, nayza va qalqon, bolta, temir kurak olib yurishi kerak bo'lgan”[3].

Davrlar o'tishi bilan ushbu kamondan otish nafaqat ov qilishda, hatto o'z hududidini muhofazalash, o'zga hududlarni egallash maqsadidagi asosiy harbiy qurollardan biriga aylangan. O'rta Osiyo tarixiga oid XIX asrgacha bo'lgan manbalarda jangavor harakatlardagi asosiy harbiy qurollar tarkibida eslatib o'tiladi.

Yozma manbalarda qayd etilishicha, o'q va kamon asosiy jang qurollari sarasiga kirgan. Bu davrda kamonning tashqi tomondan chandir, ichki tomondan silliq muguz (xo'kiz shoxi) yopishtirilgan yog'ochdan iborat bo'lgan Ba'zida tutqichining o'rtasi va uchlari suyak (dandon) bilan qoplangan[4]. Ular “qattiq kamon”[5] deb atalib, kamonning o'qi uzoqqa otiladigan alohida murakkab turi edi. XV asr muarrixii, Zahiriddin Muhammad Bobur Sulton Husayinning amirlaridan biri Sayid Urusni “yoyi qattiq, o'qi esa uzun edi”, - deb tasvirleydi[6]. Shu bilan birga kamonlarning murakkab tuzilishga ega turlari ham mavjud bo'lgan. Manbalarda ovda alohida, jangda alohida o'qlar ishlatilishi haqida ma'lumotlar uchraydi[7]. Kamondan o'q otish nafaqat o't ochish qurollari paydo bo'lgunga qadar, balki undan keyin ham Turkistonda muayyan masofadan turib nishonga urishning asosiy usuli bo'lib kelgan. Ma'lumki kamondan otish uchun o'q uyacha (kamgak) vositasida ipga o'rnatilgan. O'qlar turli shaklda bo'lib, yog'och, poynak va qush patidan yasalgan o'qlar keng tarqalgan. Ko'pincha o'q yasashda qush (oq qush) patidan foydalanilgan. Yog'och o'qlar turli daraxtlardan tayyorlangan, jumladan manbalarda qayindan, xadang yog'ochidan yasalgan o'qlar tilga olinadi[8]. O'q uzish uchun barmoqlarga maxsus angishvonasimon zehgilar taqilgan[9]. Hofiz Tanish Al- Buxoriyning “Abdullanoma” asarida Dashti Qipchoq askarlari uch paykonli kamondan bir ip tortishda uchtadan o'q uzishi haqida qimmatli ma'lumotlar keltiriladi[10].

Neftga shimdirilgan matoni o'qqa o'rab, yondiruvchi o'qlar ham tayyorlangan. Qamaldagilar qal'a devorlaridan turib qamal qiluvchilarni o'qqa tutish uchun ulardan foydalanganlar. Qamal qilayotganlar esa qamalga olingan shaharda yoki qal'ada yong'in chiqarish maqsadida yondiruvchi o'qlarni otganlar. O'qlarning uchi suyak (dandon) yoki metallan yasalgan. Metall uchlari turli shakllarda tayyorlangan. Shakliga ko'ra turli maqsadlarda, masalan, ayrimlari sovutlarni teshib o'tishga mo'ljallangan o'qlar tayyorlangan. Zahiriddin Muhammad Bobur hatto qavatma qavat sovutni teshib o'tgan o'qlar haqida ma'lumot beradi. Xorazmlik kamonchilar mohir ekanligini alohida qayd etadi[11]. Kamonlardan o'q otib, jangni qizg'in tus olishi “tiyrandozliq” deb qayd etiladi.

Kamon va o'qlar turli shakl va o'lchovda tayyorlangan. Shuningdek, o'qotar qurollardan biri kamonning bir turi - “taxsh” bo'lgan. U yog'och qo'ndozga o'rnatilgan po'latdan ishlangan va kamon ipi chig'ir bilan tortilgan. Miltiqqa o'xshab otilgan va uning o'qi kamon o'qidan qisqa bo'lgan. Taxsh otuvchilar “taxshandoz” deb atalgan. Zahiriddin Muhammad Bobur bir mohir taxshandoz haqida shunday yozadi: “Ibrohim soruning qoshida bir taxshotar bor edi, juda yaxshi otardi. Uningdek taxshotarni ko'rmagan edik”[12]. Lekin taxshandozlar XVI-XVII asrlardagi harbiy to'qnashuvlarning ishtirokchilari sifatida nisbatan kam hollarda tilga olinadi.

Siyosiy qudrat ko'p jihatdan mamlakat qurolli kuchlariga bog'liq edi. Bu holat hukmdorning qurol-yarog' yasash ishlariga alohida e'tibor berishiga sabab bo'lgan.

Dastlab O'rta Osiyoda qurol-yarog'lari bo'lgan sovuq qurollar va oddiy o'q otar qurollarni - kamonlarni asosiy qismini mahalliy ustalar tayyorlagan. Ular tayyorlangan qurollar orasida **xanjar, qilich va nayza, o'q** – yoy kabi qurollari ko'pchilikni tashkil etgan tashkil etgan. Mahalliy ustalar

tomonidan yasalgan bu qurollar, odatda otadan o'g'ilga meros o'tgan. Bu holatni yorqin ko'rinishi xalq og'izaki ijodi "Alpomish" dostonida ham namayon bo'lgan. Yana buyuk sarkarda Boburning yozishicha, "... Tanbalning **duvulg'asiga** o'q otdim, yana sadoqqa kaftimni cho'zdim, xon dodam bir **sarsabz go'shagir** berib edi. Ul chiqdi, tashlashga ko'nglim bo'lmadi, sadoqqa qayta soldim"[13]. Sarsabz go'shagir – yashil rangli kamonning tirkash bog'lanadigan boshi (uchi)[14]. Muarrix xon bobosi bergan yashil rangli kamonning tirkash bog'laydigan boshini doimo o'qdon- sadoq'ida olib yurganligiga ishora bermoqda.

O'rta Osiyoning ba'zi manzillari ayrim qurol turlarini ishlab chiqarishda mashhurlikka erishgan. Samarqand qurolsozlik markaziga aylanib, **sovutsozlar mahallasi** qurilgan. Xususan, "**Boburnoma**" asarida Choch – Toshkentning mashhur kamonlari eslatib o'tiladi. Ya'ni manbalarda "**kamoniy chochiy**" nomi bilan uchraydi[15]. Kamongaron- yoy yasovchilar ma'nosida bo'lib, "eski zamonlarda ushbu qishloqda yoy yasaguvchilar o'rmasganlari sababidan shu nom bilan atalgan"[16]. XVI asrlarda o'q yoydan otilgan tez uchadigan maxsus o'q - "**shiba**"[17] deb atalgan. Tadqiq qilingan tarixiy manba va adabiyotlarda kamonning o'lchovi va o'qining uzunligi muvofiq kelishi haqida fikr bildiriladi[18]. Kamon va o'qlarni olib yurish uchun ustalar maxsus "**sadoq**" yasaganlar. U kamalak o'qlari turadigan o'qdon edi. Ba'zan sadoqlar yupqa ishlangan metaldan tashqari, charmdan ham tayyorlangan. Neftga shimdirilgan matoni o'qqa o'rash orqali yong'in chiqaruvchi o'qlar ham tayyorlangan. Kamonlar har bir hukmdor qo'shini uchun o'ziga xos farqli qilib ishlangan.

"Boburnoma" asarida muallifning yozishicha, "... Men darvozaning ustidini **novak** otadur edim. Yana ba'zi yovug'umdag'ilar o'q otadur edilar"[19]. **Novak** bu – 1. yoy o'qchi 2. kiprik (majoziy ma'noda). Novak otmoq – o'q otmoq, "novakdoz" – o'q otuvchidir. Yana bu turdagi o'q otuvchilarni ba'zi manbalarda "novakafkan", "novakfikan" deb ham yuritiladi[20]. Novak – kamonning o'qidir[21]. Kamon o'qining uchi "**charkas**" deb atalgan.

Bobur Samarqand uchun janglardan birini (1500-1501) xotirlab, "..... Ul kuni Shayxzoda darvozasining ustidini o'q uchida bir bo'z otligining otini novak o'qi bilan yaxshi otdim" – deb yozadi[22]. Demak, Bobur kamon otish borasida mohir sarkarda bo'lgan, degan xulosaga kelishimizga asos bo'ladi. Yuqoridagi manbadan ayonki, Bobur uzoqdan nishonni yuqori aniqlikda oluvchi, mohir ekanligini tasdiqlovchi ma'lumotlar juda ko'p. Tarixiy manbalardagi ma'lumotlarni qiyosiy tahlilidan aniqlanadiki, o'rta asr kamonsilari 50- 100 qadam masofadan 500 qadamgacha nishonni (osilgan tanga eki uzukni) aniq olganliklari ma'lum qilinadi.

O'rta asrlarda erkak kishi uchun jismoniy mashq, harbiy aslahalarni tutish, ov, jang qilish, chavondoqlik, chavgon o'ynash singari mashg'ulotlar asosiy o'rin tutgan. Zayniddin Vosifiyning ma'lumotiga ko'ra, bo'lg'usi taxt sohiblari-valiahdlarni tarbiyalash dasturiga shahzodalarga umumiy ta'lim berish bilan birga, yoshlikdan harbiy mashqlarga, jumladan, **kamondan o'q otish**, kurash tushush va otda yurishga o'rgatish tadbirlari kiritilgan[23]. Umuman bunday musobaqalar to'y marosimlarida, bayramlarda tashkil etilgan.

O'rta asrlarda kamondan o'q uzish bo'yicha o'tkazilgan musobaqalar ta'rifi ko'plab uchraydi[24]. Jumladan, yosh amirlarga "mohir mergan", "kamondan yaxshigina otadi" kabi ta'riflar beriladi. Kamondan o'q otishda torni tortish chap elka orqali amalga oshirilgan[25]. Bundan maqsad, kamondan o'q uzayotgan jangchi safdoshiga xalal bermasligi ko'zlangan bo'lsa, ajabmas.

Shuningdek, nishonga otishga mo'ljallangan jismoniy mashq inshootlari – sadafxonalar (tir) to'g'risida ham ma'lumotlar berilgan[26]. Manbalarda qayd etalishicha, o'sha davrda Hirotdan shimoli-sharqda joylashgan bog' o'rtasida saroy bilan birga maxsus bino – tir (zamonaviy tir tushunchasi shundan kelib chiqqan) bunyod etiladi. Bu erda kamondan o'q uzish bo'yicha harbiy musobaqalar o'tkazilgan[27]. Odatda, muayyan balandlikka osib qo'yilgan qavoq, taxta va qog'ozga kamon o'q otib, mashq qilingan.

Fayzulloh ibn Ro'zbehxon "Mehmonnomai Buxoro" asarida "qovoqni nishonga olish tasviri" ni alohida ajratib ko'rsatadi. Unda kamondan qavoqni nishonga olishga bag'ishlangan harbiy mashq musobaqasi o'zining ta'sirli ifodasini topgan. Muallifning xabar berishicha, 1509 yilgi yurish oldidan Shayboniyxon huzuriga "xalifalarning tantanasi odatlariga binoan barcha sultonlar... qavoqni nishonga olish uchun ot minib, maydonga kelishadi. Qavoq Shayboniyxon turgan tantanalar maydonga o'rnatilgan edi. O'z kuchini sinash uchun bohodirlar bir- birini gij- gijlab,

dahshat solib, qavoqqa tashlanadilar. ... Qavoq boshiga tanga butog'i o'rnatilgan bo'lib, harbiylar unga ot solishar, lekin u tangasini osonlikcha bermas, buning uchun uning boshidagi shar yorilishi kerak edi.

.. kuchini sinamoqchi bo'lgan o'n mingga yaqin o'zbek bahodirlari o'z kuchi va abjirligini ko'rsatishga harakat qilib, qavoqqa ot solishar, "baribir, tarqoq holda jang olib borgan kabi uning yonidan o'tib ketardilar, keyin orqaga qaytar va ikki yuz gaz (1gaz-kamonning parsiz o'qi uzunligi[28], mato o'lchovida 61 sm ga, [gazi- masaxat] - er o'lchovida 106-107 sm teng[29]) yuqoriga osilgan qavoqqa kamondan o'q uzardilar"[30].

"Boburnoma" asarida ham bir bekning harbiy mashq qilish uslubi haqida shunday hikoya qilinadi: "... qaboq (kamon otish mashqida qo'llaniladigan nishon) maydonida maydon boshidan chopib, yoyni tushirib olib otib, qavoqsimon nishonga urardi. Yana zehgiri (barmoqqa kiyiladigan angishvonasimon moslama) bir, bir yarim qarich chilvirga bog'lab, chilvirning ikkinchi uchini bir yog'ochga mahkamlab, aylanar edi. Aylanish holatida o'qni otib, zehgirdan o'tkazardi"[31].

So'nggi davr manbalarda, xususan Munis va Ogahiyning "Firdavs ul-iqbol" asarida bu mashq o'yini "oltin qaboq" deb atalgan. Baland yog'och tepasiga qavoq qo'yib, o'q- yoy o'qi bilan nishonga olishda g'olib bo'lgan mergan, shu qavoq ichiga joylangan oltin quymasi mukofot tariqasida berilganligi eslatib o'tiladi. Manbada qayd etilishicha, 1811 yil 14 martda bo'lib o'tgan Sayyid Abdulloh xo'janing xatna sunnat to'yida "...ul hazrat jashn adosidin so'ng komronlig' bila yaroni davlatg'a rukub qilib, "oltun qaboq" tomoshosidin so'ng ot chopturub va kurash tutturub, oti o'tganlarni va harfini yiqq'an pahlavonlarni in'omi vofir va ehsoni mutakosiridin bahravar qildi"[32].

Qadimdan ov (shikor) orqali harbiy mashqlarni o'tashga alohida e'tibor berilgan. Bu tadbir azaldan O'rta Osiyoda an'anviy o'tkazib kelingan. Ovchilar (harbiylar) ov paytida saf tortib turishi, ovni qanday qurshab, xalqa ichiga olishi qoidalar asosida belgilab qo'yilgan edi. Qo'mondon va askarlar bo'sh vaqtlarini ov bilan o'tkazishlari tashviq qilinar edi. Bundan ko'zlangan maqsad esa, faqat ov emas, balki askarlarni jangovar holatda ushlab turish, ularning o'q otish mahoratini oshirish va qiyinchiliklarga chiniqtirishdan iborat edi.

Umuman, tarixiy manbalarda kamondan o'qni nishonga bexato tekkiza olgan abjir shaxslarga nisbatan "mergan" atamasi qo'llanilgan. Bu haqida mashhur sharqshunos olim Yu. Bregel o'z tadqiqotlarida aniqroq izohlaydi[33]. Unga ko'ra, "mergan" so'zi mo'g'ilcha so'z bo'lib, ma'nosi "kamonchi", bundan tashqari, u "o'q yoychi", XIX-asrda O'rta Osiyoda "o'qchi" ma'nosini ham olgan.

Aniqlashimizcha, tarixiy manbalarda kamondan o'q otuvchilar "qodirandoz" deb ham tilga olinadi[34]. "Qodirandoz" – mumtoz adabiyotda mohir o'qchi, mergan ma'nosini anglatadi[35]. Ular hatto tunda nishonni bexato olganligi haqida ma'lumotlar beriladi.

Umuman O'rta Osiyo xalqlaridagi bu qadriyatga aylangan mashg'ulot bo'lganligi bois, hatto chor Rossiyasi bosqiniga qadar, aholining kamondan otish bo'yicha mohir jamoalari o'zlarining maxsus yashash manziga ham ega bo'lganlar. Masalan, 1868 yilgi Toshkent shahriga oid qozi hujjatlaridan ma'lum bo'lishicha, "merganchi" mahallasida 3 ta masjid, "o'qchi" mahallasida 2 ta masjid bo'lganligi aniqlangan[36].

O'rta Osiyoda ayrim mashg'ulot, hunar turi, kasb-korlarning ham "risola"si (nizom, ustav) bo'lgani kabi kamonchilar risolasi ham bo'lgan. Tadqiqotimiz davomida, XIX asrga kelib kamonchilarning risolasini qayta ishlab, "Risola-i miltiqandoz"[37] nomi bilan o'zgartirilgan risolaga duch keldik. Ushbu risolada miltiq otuvchilarning kichik kitobcha ko'rinishidagi, nasta'liq xatida kamonchilar risolasining qayta ishlangan shakli ekanligi aytilib, qora siyohda, rus qog'oziga XIX asrning birinchi yarmida ko'chirilgan risolasidir. Avvallari risola harbiy istehkomda saqlangan bo'lsa, uni cho'ntak miqyosida hajmining kichrayishi, qo'lyozmaning yozilish uslubi va muqovalanishidagi ixchamlashishi harbiylarning yonida olib yurishidagi qulaylikka mo'ljallanganligini ko'rsatadi. Risolaning bosh sahifasida ushbu risola "kamonchilar risolasi" bo'lganligi aniq qayd etiladi. Ushbu risola zamonlar o'tishi, porxli miltiq otish texnika va texnologiyasi kirib kelishi natijasida o'zgartirilgan bo'lishi mumkin. Ammo risola maqsadi va vazifasi, mohiyati o'zgarmagan bo'lish ehtimoli yuqori. Unda ko'rsatilishicha, merganchilikdagi o'n ikkita farzlarga amal qilish ta'kidlanadi. Bular 1 – saxovat; 2 – muruvvat; 3- kifoyat; 4 – inobat; 5-

karomat; 6- tahorat birla bo'lmoq; 7- omonat(ga xiyonat qilmaslik); 8- xiyonat (safdosklariga xiyonat qilmaslik); 9 – savob (ishlar) qilish; 10 – etimlarga mehr shavqat qilmoq; 11- xolis niyatli bo'lmoq; 12 – ibodat qilmoq lozimdir[38].

O'rganilgan manbalar kamondan o'q otish ajdodlarimizdan meros azaliy qadriyat ekanligini anglatadi. Ammo davrlar o'tishi bilan mazkur faoliyat, sport turiga aylangan. Ushbu sport turida diametri 40 – 122 sm doira nishonga 18-90 m uzoqlikdan 30 yoki 36 tadan o'q uzilib ochko to'planadi. Kamondan otish maxsus sport turi sifatida XV asrda Shvetsariyada shakllandi. Kamondan o'q otish musobaqalarining hozirgi qoidalari XIX asr oxirida ishlab chiqilgan. Ushbu sport turi olimpiada o'yinlari dasturiga 1900 yil kiritilgandan so'ng ko'p mamlakatlarda tarqalgan. 1931 yildan Jahon chimpianati o'tkaziladi. Xalqaro kamondan otish federatsiyasiga (FITA) 1931 yilda asos solingan va 127 ta milliy federatsiya a'zo (2002). O'zbekiston kamondan o'q otish federatsiyasiga 1991 yildan kirgan. O'zbekistonda kamondan otish XX asrning 60-yillaridan ommalashtirilgan.

Xullas, kamondan o'q otish o'zbek xalqining azaliy milliy qadriyatlaridan sanaladi. Tariximizda bu faoliyat bilan buyuk sarkardalarimiz, mamlakat mudofaasi mas'uliyatini zimmasiga olgan vatanparvar, fidoyi aholining 7 yoshidan -70 yoshigacha bo'lgan barcha qatlami shug'illangan. O'zbek xalqi moddiy va ma'naviy meroslarida kamondan o'q otish an'anlari borasida o'tmishdan yig'ilgan tajriba mavjud. Ajdodlar merosini, milliy qadriyatlarni tiklash bu milliy o'zlikni anglashga bo'lgan amallardan hisoblanadi. Bunday maqsadlar yo'lida, ushbu sport turi bilan shug'illanish uchun zarur moddiy- texnik bazani shakllantirish, nafaqat sog'lom aholi, hatto, jismoniy imkoniyati cheklangan va nogironligi bo'lgan shaxslar tomonidan parakamondan otish sport turi bilan shug'ullanish uchun zarur sharoitlar yaratish, ularning Paraolimpiya va Paraosiyo o'yinlari hamda xalqaro musobaqalar, turnirlar va jahon chempionatlarida doimiy va munosib ishtirokini ta'minlash kabi vazifalarni o'z oldimizga qo'yishga imkon beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. “Kamondan otish sport turini yanada rivojlantirish va ommalashtirish chora - tadbirlari to'g'risida”gi O'zbekiston Prezidenti qarori 2021 yil 17 iyun. // www. Lex.uz
2. Shihobiddin Muhammad an- Nasaviy. Sulton Jaloliddin manguberdi hayoti tafsiloti. T. “O'zbekiston” 2006. – B. 57, 114.
3. Abdurazzoq Samarqandiy. Matlai sa'dayin va majmai bahrnain. II jild. 2-3 qimlar- T. : “O'zbekiston”, 2008. – 567.
4. Mukminova R., Agzamova G. O'rta Osiyo xonliklarida harbiy ish. // O'zbekiston davlatchiligi tarixi ocherklari. Kollektiv monografiya. –T.: Sharq, 2001. – B. 108.
5. Hofiz Tanish Al- Buxoriy. “Abdullanoma” fors tilidan S. Mirzaev tarjimasi, so'z boshi va izohlar muallifi B. Axmedov 1- kitob – T. : “Sharq”, 1999. – 306.
6. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. – T. : 2008 – B. 136.
7. Zamonov A. Buxoro xonligida qo'shin tuzilishi va harbiy boshqaruv (Shayboniylar sulolasi davri) – T. 2018. – B. 112.
8. Hofiz Tanish Al- Buxoriy. “Abdullanoma” fors tilidan S. Mirzayev tarjimasi, so'z boshi va izohlar muallifi B. Axmedov 1- kitob – T. : “Sharq”, 1999. – 109,119.
9. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. – T. : 2008 – B. 135.
10. Muhammad Solih. Shayboniynoma – T. , 1989. – B. 37.
11. Zahiriddin Muhammad Bobur Boburnoma.” Fan” – T. : 2019. – B.172.
12. Zahiriddin Muhammad Bobur Boburnoma. – T. :2008. – B.47.
13. Zahiriddin Muhammad Bobur Boburnoma / nashrga tayyorlovchi P.Shamsiev; Muharrir A. O'ktam. “Yulduzcha”. – T.:1989. – B.97.
14. O'zbek klassik adabiyoti asarlari uchun qisqacha lug'at – T.: 1953, - B. 78.
15. Zahiriddin Muhammad Bobur Boburnoma. – T. :1989. – B. 9. // Hofiz Tanish Al- Buxoriy. “Abdullanoma” fors tilidan S. Mirzayev tarjimasi, so'z boshi va izohlar muallifi B. Axmedov – T. : “SHarq”, 1999. – B. 112.
16. Abu Tohirxoja. Samariya // Meros. – T. : 1991. –B. 77.
17. Hofiz Tanish Al- Buxoriy. “Abdullanoma” fors tilidan S. Mirzayev tarjimasi, so'z boshi va izohlar muallifi B. Axmedov – T. : “Sharq”, 1999. – B. 402.
18. Курилев В.П. Оружие казахов // Материальная культура и хозяйство народов Кавказа, Средней Азии и Казахстана. Сборник МАЭЛ. – М.: 1978. – С. 19.
19. Zahiriddin Muhammad Bobur Boburnoma / nashrga tayyorlovchi P. Shamsiev; Muharrir A O'ktam- “Yulduzcha”. – T. :1989. – B. 82.
20. Navoyi asarlari uchun qisqacha lug'at. – Toshkent. 1993. – B. 206.
21. O'zbek klassik adabiyoti asarlari uchun qisqacha lug'at – T.: 1953, - B. 241.

22. Zahiriddin Muhammad Bobur Boburnoma / nashrga tayyorlovchi P. Shamsiyev; Muharrir A. O'ktam "Yulduzcha". – T. :1989. – B. 82.
23. Vosify, Zayniddin Mahmud. Badoe' ul- voqoe/ fors tilidan N. Norqulov tarjimasini. – T. G'ofur G'uom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1979. – B. 69.
24. Zamonov A. T. Buxoro xonligining qo'shin tuzilishi va harbiy boshqaruv (Shayboniylar sulolasi davri). – T. " Bayoz" – 2018. –B. 102.
25. Иванини М. Икки буюк саркарда. ...- Т. "Янги аср авлоди" 2014.- б. 145.
26. Zahiriddin Muhmmad Bobur. Boburnoma. / " O'qituvchi" – Toshkent – 2008. – B.119.
27. Abdurazzoq Samarqandiy. Matlai sa'dayin va majmai bahrnain. II jild. 2-3 qimlar- T. : "O'zbekiston", 2008. – 567; Mukminova R. , Agzamova G. Buxoro xonligi (amirligi) // O'zbekiston davlatchligi tarixi ocherklari. Kollektiv monografiya. T.: Sharq NMAK, 2011. - - B. 123.
28. O'zbek klassik adabiyoti asarlari uchun qisqacha lug'at – T.: 1953, - B. 68.
29. Давыдов Е. А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. – М., 1970. – С. 68.
30. Фазлалах ибн Рузбихон Исфохони. Михман-наме-йи Бухара. (Записки бухарского гостя)/ Перевод с персидского, предисловие и примечание Р. П. Джалиловой. – М., 1979. – С. 114.
31. Zahiriddin Muhammad Bobur Boburnoma. – T. :2008. – B.135.
32. Munis va Ogahiy. Firdavs ul- iqbol (Baxtu saodat jannati).(Arab yozuvidan tabdil etgan, kirish va izohlar mualliflari SH. Vohidov, I. Bekchanov, N. Polvonov.)– Toshkent, "Yangi asr avlodi"-2010 . – B. 346; - 635. Shir Muhammad mirab Munis and Muhammad Riza mirab Agahi. Firdavs al- Iqbal. History of Khorezm / Translated from Chaghatay and Annotated by Yuri Bregel. – Brill – Leiden – Boston – Koln, 1999. – R. 351. (ingliz tilidagi nashri).
33. Shir Muhammad mirab Munis and Muhammad Riza mirab Agahi. Firdavs al- Iqbal. History of Khorezm / Translated from Chaghatay and Annotated by Yuri Bregel. – Brill – Leiden – Boston – Koln, 1999. – R. 115; 604.
34. Munis va Ogahiy Firdavs ul – iqbol. // arab yozuvidan tabdil etish, kirish va izohlar muallifi SH. Vohidov, I. Bekchanov, N. Polvonov. "YAngi asr avlodi"- T.: 2010. B. 196.
35. Navoiy asarlari uchun qisqacha lug'at. "Fan" Toshkent., 1993. -B.349.
36. Sultonov O'. Toshkent masjidlar tarixi. – "Yangi asr avlodi" Toshkent 2010. – 69; 72.
37. Risola-i miltiqandoz. O'zbekiston Milliy universiteti muzey fondi, qo'lyozma, inv. №159486. –1a – 7b varaqlar.
38. Risola-i miltiqandoz. O'zbekiston Milliy universiteti muzey fondi, qo'lyozma inv. № 159486. 5b. - 6a.,b. varaq.

UO'K 93/94

O'ZBEKISTONDA KLUB MUASSASALARINING SHAKLLANISHI VA MADANIY – MA'RIFIY JARAYONIDAGI TARIXIGA NAZAR

M.Z. Xolmo'minov, o'qituvchi, O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti, Toshkent
A.N. Qolqanatov, magistrant, O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti, Toshkent

Annotatsiya. Mazkur maqolada O'zbekiston hududida klublarning ilk vujudga kelish jarayonlari faolatiyatiga doir muhim tarixiy ma'lumotlar berilgan. Xalqimizning madaniy-ma'rifiy hayotida katta ahamiyatga ega bo'lgan, klublarning rivojlanish bosqichlari hamda aholiga siyosiy-mafkuraviy ta'sir ko'rsatish quroli bo'lganligi haqida fikr-mulohazalar yuritilgan.

Butun dunyoda faoliyat olib borgan klublarning O'zbekiston zaminida aholiga madaniy va siyosiy jihatdan xizmat ko'rsatishi, klubga qiziquvchilarning jalb etilishi va faol ishtirok etishi bo'yicha ilmiy izlanishlar va tadqiqotlar olib borilgan. Madaniyat va san'at sohasining asl ildizi bo'lgan klubshunoslik ilmining nafaqat ilmiy joiz bo'lsa amaliy o'rganish bo'yicha tavsiyalar berilgan.

Kalit so'zlar: klub va klubshunoslik, madaniy-ma'rifiy muassasa, madaniy xizmat, madaniyat, havaskorlik, oqartuv, choyxonalar, ko'chma tomosha.

Аннотация. В статье представлена важная историческая информация о деятельности первых клубов на территории Узбекистана. Было отмечено, что клубы играют важную роль в культурной и образовательной жизни нашего народа, на этапах развития и являются инструментом политического и идеологического воздействия на население. Были проведены научные исследования и исследования, посвященные культурным и политическим услугам клубов всего мира в Узбекистане, вовлечению и активному участию заинтересованных людей в клубе. Рекомендации по практическому изучению клубной науки, являющейся изначальным корнем области культуры и искусства, даются только в том случае, если это допустимо с научной точки зрения.

Ключевые слова: клубное и клубное обучение, культурно-образовательное учреждение, культурный сервис, культура, хобби, просвещение, чайханы, передвижное шоу.

Abstract. This article provides important historical information on the activities of the first clubs in the territory of Uzbekistan. It was noted that clubs are an important tool in the cultural and educational life of our people, the stages of development and a tool for political and ideological influence on the population. Scientific research and studies have been conducted on the cultural and political services of clubs around the world in Uzbekistan, the involvement and active participation of interested people in the club. Recommendations are given for the practical study of club science, which is the original root of the field of culture and art, only if it is scientifically permissible.

Keywords: club and club studies, cultural-educational institution, cultural service, culture, hobby, enlightenment, teahouses, mobile show.

O'zbekistonda madaniy – ma'rifiy muassasalarning paydo bo'lishi XIX asrdan boshlandi. Klublar, madaniyat saroylari, madaniyat uylari, kutubxonalar, kinoteatrlar, muzeylar, istirohat bog'lari, ko'chma tomosha yig'inlari xalqning eng ko'p to'planib, madaniy hordiq chiqarib dam oladigan ommaviy maskanlari bo'lgan. Ular aholining madaniy-ma'rifiy olamini yuksaltirish bilan birga, o'sha davr mafkurasini keng targ'ib etish vazifasini ham bajarar edi.

O'zbekistonda ma'naviy-ma'rifiy soha o'zining immanent xususiyatlariga, ijtimoiy-pedagogik texnologiyasi va boshqarish mexanizmlariga ega. U ijtimoiy-madaniy borliqning tarkibiy qismi sifatida, butun ma'naviy-ma'rifiy jarayonlarini o'z ichiga oladi [1: 4 b].

O'zbekiston ma'naviy-siyosiy hayotida aholining ehtiyojini qondirish madaniy-ma'rifiy muassasalarning eng sinalgan ish shakli edi. Bu baroda klub muassasalari ochilib, ularning faoliyati siyosiy-iqtisodiy, ijtimoiy-ma'rifiy, mafkuraviy masalalarni hal qilishga yo'naltirilgan. Turkiston shaharlarida fabrika va zavodlarning posyolkalarida qizil choyxonalar bilan birga madaniy-ma'rifiy muassasalarning yangi xili – klublar ham tashkil topa boshladi. O'zbekistonda birinchi klublar ya'ni ishchilar klubi 1918-yil 7-may kuni Toshkentda Turkiston xalq universiteti huzurida va Samarqandning Qushhovuz mahallasidagi musulmon klubida ochilgan. Klublar asosan harbiy qismlarda, moarif tashkilotlari, kasaba uyushmalari va partiya tashkilotlari tomonidan ham tashkil qilingan.

1920-yillarda maxsus madaniy - ma'rifiy muassasalar (klub, xalq uyi, qizil choyxona, qiroatxona va boshqalar) tizimi “mehnatkashlarning kommunistik tarbiyasi” va xalq ma'rifatining asosiy vositalaridan biri sifatida xalq maorif komissarligi tarkibida tashkil topgan. 1924-yili klub muassasalari soni 134 taga yetgan bo'lsa, 1978-yili O'zbekistonda 3880 ta madaniyat uyi (klublar) va saroylari faoliyat ko'rsatgan [2: 170, 171b].

Ijtimoiy hayotda madaniy-oqartuv muassasalarining eng sinalgan shakli – klublar siyosiy-iqtisodiy, ijtimoiy-ma'rifiy, mafkuraviy masalalar bo'yicha faoliyat ko'rsatdi. Biroq, xalq klubning asosiy, bosh vazifasi “kommunistik ruhda tarbiyalash” bo'lib qolishini qabul qilmadi. Ammo, bu davrda kommunistik partiya klublarda madaniy ishlarga aholining qiziqishi yuqori ekanligini yaxshi tushunib, o'zining ishonchli siyosiy poydevori sifatida munosabatda bo'la boshlaganlar. Bu siyosiy hodisalar klublarning asosiy vazifasi – aholiga madaniy xizmat ko'rsatish va bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etib, ijodiy mehnat mahsulidan bahramand bo'lishdek istaklariga ta'sir qilishi qiyin edi. Klublar turli tashkilotlarda tashkil etilishi uchun barcha imkoniyatlar yaratib berilgan.

Madaniyat muassasalari qaysi tashkilotga, qaysi hududga qarashli bo'lishiga qaramay markazlashgan klublar bo'lgan. Yagona boshqaruv tizimiga qarashli bo'lib, yagona partiya rahbariyati tomonidan ish ko'rilar, yangona rejalar bilan ish olib borganlar. Bu sohada uzoq yillar faoliyat ko'rsatgan siyosiy fandar nomzodi, professor Haydarov Azamat Haydarovichning ta'kidlashicha, Eski ittifoq davrida barcha madaniyat-oqartuv muassasalari faoliyatiga oid planlar (hozirda yillik rejalar) maxsus hujjatlar majumasi va blankalarda qo'lda yozilib, SSSR Madaniyat Ministrligi Butunittifoq xalq ijodi va madaniy-oqartuv ishlari ilmiy-metodik markaziga borib topshiriladigan bo'lgan.

Madaniy-oqartuv muassasalarining aholiga xizmat qilish bo'yicha ishlarni yanada yaxshilash, madaniy-oqartuv ishlarining mavjud rezervlari hamda imkoniyatlaridan to'laroq foydalanish maqsadida respublika klub muassasalariga rahbarlik qilishni markazlashtirish joriy qilingan [3: 8 b].

V.Triodinning "Klub va bo'sh vaqt" nomli asarida yozilishicha, madaniy-oqartuv ishining qo'yilgan maqsadlarga erishish yo'lida qo'llaniladigan usullardan iboratdir. Klub qatnashchilarini uyushtirish xususiyatiga ko'ra ommaviy, grupp va individual ish formalari farqlanadi. Materiallarni tashkil etish asosida esa leksiya, suhbat, og'zaki jurnal, tematik kechalar, dibat-bahslar kabi formalar shakllangan edi. Klub ishini terang yaxshi bilish orqali unda xalqqa ta'sir kuchi yuksak vositalardan foydalangan holda ham man'an ham siyosiy kuch bilan bir qancha usullardan foydalangan. O'sha davrdagi manbalarda qo'ydagicha keltirilgan: Klub ishini aholiga madaniy xizmat ko'rsatish uchog'i sifatida talqin etish bu faoliyatni bir yoqlama tushunish demakdir. Hozirgi paytda klub qatnashchilarini madaniy-estetik boyliklar yaratish ishiga jalb etish, bu sahoda aktiv izlanishlar olib borish kun tartibiga qo'yildi. Yangi formalarni izlash prosessida ish vositalariga tayanish lozimki, toki klub qatnashchilari va tashkilotchilar, tarbiyachilar o'rtasida monolog tarzida emas, balki dialog shaklida jonli muloqatlar yuzaga kelsin [4: 4 b].

Aholiga siyosiy-mafkuraviy ta'sir o'tkazishda klub ishining aktiv formalari kishilarning siyosiy-axloqiy jihatdan uyushuviga, keng ijtimoiy muloqatlarga bo'lgan ehtiyojlarini qondirishga, kollektivchilik psixologiyasi shakllanishiga, sog'lom ijtimoiy muhit paydo bo'lishiga, ijodiy tashabbuskorlik va havaskorlik ijodining rivojlanishiga qulay shart-sharoitlar yaratadi.

O'sha davrlarda aholining klubga bo'lgan qiziqishi va munosabatlariga ta'sir etuvchi omillardan biri tizimli ravishda aholining talab va ehtiyojlarini o'rganib borishda klub faoliyatining asosiy sohalari va muammolarini o'rganishga doir anketa so'rovnomalarini olib borib, ijtimoiy fikrni shakllantirish zaruriyati paydo bo'lgandi. Bu ishning ahamiyati bir tomondan, aholi qatlamining man'aviy dunyosining tushunish jarayoni chuqurlashib borayotgani bo'lsa, ikkinchi tomondan, ko'pchilik moddiy va ma'naviy boyliklarning iste'molchilaridan uni ijod jarayonida o'zi yaratishiga ishtiyogini uyg'otish va a'zoga aylantirishdan iborat edi. 1921-yil o'rtalarida Toshkentda 200 kishiga mo'ljallangan to'rt oylik siyosiy-oqartuv kursi ochildi. 1921-yil boshidan Turkiston Respublikasi Xalq maorifi Komissarligi qoshida proletariatga madaniy yordam ko'rsatishni tashkil etuvchi yo'riqchilar tayyorlaydigan uch oylik kurslar tashkil etila boshlandi. 1927-yil fevralida Toshkentda madaniy-oqartuv xodimlarining olti oylik kurslari faoliyat ko'rsata boshladi. 1921-yilda uch yillik Lomonosov kurslari ochildi. Ishchi fakulteti dasturi asosida tashkil etilgan mazkur kurs 1923-yildan to'rt yillikka aylantirildi. Bunday kurslar Turkiston siyosiy-oqartuv Qo'mitasi huzurida ochildi va 1924-yilda ularni 324 kishi bitirdi [5: 82 b].

Bu holatlar dam olish shakllarini erkin tanlashda, ularga o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqqan holda mashg'ulotlar taklif etishda klub xodimlaridan mas'uliyat talab etadi. Shunday qilib, klub ishiga jonli shakllarni singdirish aholi talablarini chuqur o'rganmasdan turib amalga oshirish natija bermasligidan dalolat beradi. Shu nuqtaiy nazardan madaniy-ma'rifiy muassasalar bilan birga siyosiy-oqartuv ishlariga alohida urg'u berildi. Turkistondagi tashviqot-targ'ibot xodimlarining 1923-yilda o'tkazilgan kengashida klub muassasalarining ishlari mazmunini yaxshilash masalalariga katta ahamiyat berildi. Kengashda "to'garaklar, choyxonalar, klublar, kurslar kamroq bo'lsa ham, ular haqiqiy to'garaklar, haqiqiy qizil choyxonalar bo'lishi va ishni yaxshi olib borishi zarurligi" o'qtiriladi («Туркестанская правда», 1923-yil, 29-sentabr). Profintern markaziy klubi Toshkent shahridagi barcha klub muassasalari uchun metodik markaz bo'ldi. Unda hamma klublarning ishlari o'zaro muvofiqlashtirildi, namunaviy tadbirlar o'tkazildi, Toshkent shahridagi klublarning madaniy-ommaviy ishlarini yo'lga qo'yishda amaliy yordam berildi. Kishilardagi qiziqishlarni aniqlash va ularni qondirish asosida faoliyat ko'rsatgan klub muassasalarining madaniy-ommaviy ishlari ko'pchilikning e'tirofiga sazovor bo'ladi.

Ishchi Zubarenkoning: "Men o'zimning butun hayotimni klubga ko'chirishga, mehnat saroyiga ko'chirishga rozi bo'lardim. Oilam bilan klubda bajaradigan ishlarim – kelajak uchun amalga oshiriladigan tadbirlar bo'lardi" («Туркестанская правда», 1923-yil, 20-dekabr), degan so'zlari yuqoridagi fikrimizning dalilidir [6: 13 b].

1926-yil iyunda esa Toshkentda klub-kutubxona xodimlarini qayta tayyorlash bo'yicha birinchi respublika bir oylik kursi tashkil etildi va unga 50 kishi qabul qilindi. 1927-yil fevralida Toshkentda madaniy-oqartuv xodimlarining olti oylik kurslari faoliyat ko'rsata boshladi. Mazkur davrda bunday kurslar bilan birga madaniyat sohasi uchun xodimlar sovet-partiya maktablari, kommunistik universitetlar, ishchi fakultetlarida ham tayyorlana boshlandi.

Masalan, 1925-yil qizil choyxonalar soni 177 ta bo'lgan bo'lsa, 1928-yilda ular soni 366 taga yetdi. Shunga mos ravishda klublar va dehqon uylari 140 va 244, kutubxonalar soni esa 84 va 270 tani tashkil etdi. Klub muassasalari dastavval viloyat va uezd markazlarida, so'ngra respublika tumanlari, qishloq joylarida vujudga kela boshladi. 1920-1928-yillarda ularning soni 40 tadan 531 taga ko'paydi. 1933-1937-yillar mobaynida respublika bo'yicha 1490 nafar madaniyat va ma'rifat xodimlari tayyorlandi Mana shu mutaxassislarni tayyorlash asosan kurslarda amalga oshirildi [7: 22 b].

O'zsovpofga qarashli 39 ta klubning 1935-yil 1-yanvarga tuzilgan hisobotidan ko'rinishicha, ishlab chiqarish-texnika va ijtimoiy-siyosiy to'garaklarga ega bo'lgan klublar barcha klublarning uchdan bir qismini tashkil etgan. Ammo mustabid sovet tizimi sharoitida madaniy-oqartuv muassasalari tom ma'noda o'zlariga yuklatilgan vazifalarni to'la bajarishga imkoniyatlari bo'lmadi. To'g'ri, ushbu davrda keng tarmoqli va keng qamrovli madaniy-oqartuv muassasalari – kutubxona, klub, madaniyat uylari, saroylari, kinoteatr, muzeylar barpo etildi, ular xodimlar bilan ta'minlandi, ma'lum darajada moddiy-iqtisodiy ko'mak oldi. Masalaga shu tarzda yondashishdan birinchi navbatda markazning siyosiy rahbariyati manfaatdor edi. O'lkamizda madaniy-targ'ibot ishlari avvaldan mavjud bo'lgan bo'lsa da, biroq bizning tasavvurimizdagi madaniy-oqartuv muassasalari faqatgina oktabr to'ntarishi tufayligina maydonga kelgan edi. 1959-yilda respublika bo'yicha klub muassasalari shaharlar va shahar tipidagi posyolkalarda 342 ta, qishloqlarda 2691 ta, ommaviy kutubxonalarda 3205 ta va jami kinomoslamalar 1910 tani tashkil qilgan.

1960-1970-yillar mobaynida O'zbekiston madaniy-ma'rifiy muassasalarining faoliyati ancha takomillashib, O'rta Osiyo miqyosidagi hamkorligi kuchaygan va qardosh jumhuriyatlaridagi madaniy-ma'rifiy muassasalar bilan aloqasi hamda o'zaro yordami yaxshilanadi. 1985-yilda "Klub muassasalari va sprot inshootlaridan foydalanishni yaxshilash tartiblari to'grisidagi" qarori madaniy-ma'rifiy muassasalar faoliyatini yanada takomillashtirish uchun kata imkoniyat yaratgan. Tarix fanlari nomzodi, dotsent M.Nurmuhammedovanning "O'zbekistonda madaniy-ma'rifiy ishlar" nomli kitobida o'sha yillardagi klublar faoliyati bo'yicha quydagicha statistika keltirilgan [8]:

T/r	Xalq ta'limi bo'limlari tasarrufidagi klub muassasalarining turlari	Muassasalarning umumiy soni			
		1933-y.	1934-y.	1935-y.	1936-y.
1	Qizil choyxonalar va kolxoz qizil burchaklari	3224	3224	2977	3628
2	Qolxoz klublari	–	177	141	222
3	Madaniyat uylari	–	–	65	69
4	Milliy klublar	–	23	26	28
5	Xotin-qizlar klublari	–	56	47	55
6	Bolalar va yoshlar klublari	–	24	33	61
7	Boshqa klub muassasalari	320	84	164	132
8	Kolxozchilar uylari	19	–	–	–
Jami		3563	3638	3453	4195

1970-1980-yillarda O'zbekistonda madaniy qurilish sohasiga katta ahamiyat berilib, madaniy-ma'rifiy muassasalar tarmog'i ko'paydi. 1979-yilning 1-dekabridan boshlab 370 kolxozda va 180 sovxozda turmush madaniyati bo'yicha rais va direktor o'rinsobarlari faoliyat boshlagan. 1983-yil bahorida respublika miqyosida 27 ta ko'chma radio va bir qancha ko'chma gastrollar tashkil qilingan.

Respublika bo'yicha 1971-yilda 3471 ta klub, 1975-yilda 3704 ta, 1980-yilda 4041 ta edi. Jumladan, qishloq joylaridagi klublar 2812 tadan, 3199 taga yetgan. 1980-yilga kelib tahminan Respublikamizda 20 ta markazlashgan klub sistemasi faoliyat olib bordi. Faqat besh yillikning o'zidayoq qishloqdagi klub muassasalari 150 dan, kutubxonalar 805 dan ko'proqqa oshdi. Hozir O'zbekiston qishloqlarida 3060 klub muassasalari, 5283 kutubxona, 160 xalq muzeylari, 289 xalq

madaniyat universitetlari Madaniyat ministrligi sistemasiga kirib, 150 ming kishini o'z ichiga olgan 8 mingdan ortiqroq badiiy havaskorlik kollektivlari mavjud. Qoraqalpog'iston Avtonom Respublikasi va o'n bir oblastda kutubxonalar xizmati markazlashtirilmoqda. Bu ish 1980-yilda to'la nihoyasiga etkazilib, har bir qishloq aholisiga respublikada mavjud barcha kitob boyliklaridan foydalanish imkonini beradi [9: 8 b]. Birinchi marta 1975-yili 7-oktabrda Moskvada klub ishining dolzarb masalalari bo'yicha Butunittifoq ilmiy-amaliy konferensiyasi o'tkazilgan.

Klubni rivojlantirish va takomillashtirish muammosi bo'yicha muhokama o'tkazildi. Ko'plab dolzarb muammolar bir qator ko'rib chiqildi va istiqbollari:

- klub biznesi nazariyasini yanada rivojlantirish va ilmiy tadqiqotlarni muvofiqlashtirish;
- klub muassasalarini boshqarishni tashkil etish va metodologiyasini takomillashtirish;
- klub xodimlarini tayyorlash, malakasini oshirish, tanlash va ishga joylashtirishni takomillashtirish;

klublarning davlat aktivlarini shakllantirish, ularda o'zini-o'zi boshqarishni tashkil etish;[10: 4 b]. Mustaqillikkacha bo'lgan davrda klub, madaniyat uylari va madaniyat saroylari qoshida "Xalq havaskorlik" va "Bolalar namunali" jamoasi unvonini olgan hududlarda quyidagi badiiy havaskorlik jamoalari faoliyat ko'rsatgan:

Qoraqalpog'iston Respublikasi:(14 ta jamoa) *"Bo'ston"* (1981²-yil, 1990³-yil), *"Tarona"* (1982-yil, 1990-yil), *"Uchqun"* (1963-yil, 1973-yil), *"G'ulpaq"* (1981-yil, 1990-yil), *"Aro'ular"* (1975-yil, 1977-yil) *ashula va raqs xalq ansambllari*, *"G'uncha"* raqs bolalar namunali ansambli (1982-yil, 1990-yil), *"Arziu"* (1982-yil, 1990-yil) va *"Jayxun"* vokal-cholg'u estrada xalq ansambli (1986-yil, 1990-yil), *"Xalq teatri"* (1958-yil, 1961-yil), *"Y.Mamutov"* (1959-yil, 1969-yil), *"A.Xalimov"* (1959-yil, 1964-yil), *"X.Jumaniyazov"* (1949-yil, 1963-yil), *"A.Utepov"* (1965-yil, 1973-yil) nomidagi xalq teatrlari, *"Qirq qiz"* dutorchilar xalq ansambli (1965-yil, 1979-yil)

Andijon viloyati:(10 ta jamoa) *"Chashma"* (1963-yil, 1965-yil), *"Armug'on"* (1979-yil, 1982-yil), *"Navro'z"* (1971-yil, 1971-yil), *"Navo"* (1985-yil, 1990-yil) ashula va raqs xalq ansambllari, *"Andijon polkasi"* yigitlar raqs xalq ansambli (1972-yil, 1982-yil), *"Asaka"* (1955-yil, 1959-yil), *"Parvona"* (1972-yil, 1979-yil) xalq teatrlari, **Maqom xalq ansambli** (1968-yil 1975-yil), *"Andijon samosi"* xalq dorbozlik san'ati guruhi (1983-yil, 1990-yil), *"Osiyo"* (1956-yil, 1987-yil) sirk-illyuziya xalq guruhi

Buxoro viloyati:(17 ta jamoa) *"Lola"* (1968-yil, 1970-yil), *"Dildor"* (1972-yil, 1979-yil), *"Go'zal"* (1984-yil, 1987-yil), *"Nurafshon"* (1979-yil, 1982-yil), *"Navo"* (1980-yil, 1987-yil), *"Oromitan"* (1971-yil, 1985-yil), *"Binafsha"* (1980-yil, 1989-yil), *"Feruza"* (1979-yil, 1984-yil) ashula va raqs xalq ansambllari, *"Moxi-sitora"* (1987-yil, 1988-yil), *"Nozanin"* (1983-yil, 1988-yil), *"Afshona"* (1986-yil, 1989-yil) folklor-etnografik xalq ansambllari, *"Sayyod"* (1980-yil, 1986-yil), *"Do'stlik"* (1970-yil, 1971-yil) vokal-cholg'u xalq ansambllari, *"Xalq teatri"* (1938-yil, 1961-yil), *"Xalq teatri"* (1926-yil, 1959-yil), *"Qo'g'irchoq xalq teatri"* (1959-yil, 1970-yil), *"La'li"* (1970-yil, 1990-yil) estrada-sirk xalq jamoasi.

Jizzax viloyati:(6 ta jamoa) *"Tog' shalolasi"* (1972-yil, 1974-yil), *"Oltin boshog"* (1977-yil, 1979-yil), *"Jizzax guldastasi"* (1967-yil, 1976-yil), *"Do'stlik chamani"* (1976-yil, 1984-yil), *"Cho'lquvar"* (1972-yil, 1975-yil) ashula va raqs xalq ansambllari, *"Xalq teatri"* (1957-yil, 1958-yil)

Navoiy viloyati:(8 ta jamoa) *"Chinnigul"* (1985-yil, 1990-yil), *"Guli"* (1978-yil, 1983-yil), *"Gulichiroy"* (1970-yil, 1978-yil), *"Cho'li Iroq"* (1976-yil, 1986-yil), *"Aktau"* (1972-yil, 1982-yil), *"Jastulek"* (1974-yil, 1986-yil) ashula va raqs xalq ansambllari, *"Drama xalq teatri"* (1978-yil, 1981-yil), *"Navro'z"* (**Feniks**) xalq teatri (1982-yil, 1987-yil)

Namangan viloyati:(11 ta jamoa) *"Namangan gullari"* (1967-yil, 1972-yil), *"Olvalizor gullari"* (1970-yil, 1973-yil), *"Qaldirg'och"* (1949-yil, 1964-yil), *"Dilshod"* (1968-yil, 1969-yil), *"Guldasta"* (1971-yil, 1974-yil), *"Xushnavo"* (1979-yil, 1981-yil), *"Gulbahor"* (1974-yil, 1975-

² Mazkur birinchi yil jamoaning tashkil etilgan yili

³ Bunda jamoaning SSSR Madaniyat Ministrligi tomonidan berilgan "Xalq havaskorlik" va "Bolalar namunali" jamoasi unvon olgan yili keltirilgan. Bu ma'lumotlar O'zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi Respublika madaniyat muassasalari faoliyatini tashkil etish ilmiy-metodik markazi arxiv manbalaridan olindi.

yil), **“Chust taronalari”** (1984-yil, 1985-yil) ashula va raqs xalq ansambllari, **“Samo”** (Galaktika) vokal-cholg‘u xalq ansambli (1972-yil, 1977-yil), **“Xalq teatri”** (1950-yil, 1959-yil), **“Oltin kalitcha”** qo‘g‘irchoq xalq teatri (1973-yil, 1982-yil)

Samarqand viloyati:(22 ta jamoa) **“Yoshlik”** (1975-yil, 1977-yil), **“Rohat”** (1968-yil, 1976-yil), **“Zarafshon”** (1969-yil, 1971-yil), **“Sayqal”** (1975-yil, 1977-yil), **“Oq oltin”** (1979-yil, 1986-yil), **“Shashmaqom”** (1969-yil, 1974-yil), **“Tarona”** (1977-yil, 1981-yil), **“Jomboy taronalari”** (1982-yil, 1990-yil), **“Shashmaqom-So‘g‘diyona”** (1969-yil, 1972-yil) ashula va raqs xalq ansambllari, **“Beshqarsak”** (1957-yil, 1988-yil) va **“Chavqi”** (1986-yil, 1988-yil) folklor-etnografik xalq ansambllari, **“Navnihol”** bolalar vokal-cholg‘u namunali ansambli (1979-yil, 1980-yil), **“Urush va mehnat faxriylari”** xalq xori (1965-yil, 1969-yil), **Xalq drama teatri** (1957-yil, 1959-yil), **Xalq drama teatri** (1964-yil, 1969-yil), **Xalq drama teatri** (1972-yil, 1979-yil), **Xalq drama teatri** (1968-yil, 1973-yil), **Xalq drama teatri** (1959-yil, 1959-yil), **“Bumerang”** xalq teatri (1982-yil, 1986-yil), **Qo‘g‘irchoq xalq teatri** (1968-yil, 1973-yil), **“Buratino”** qo‘g‘irchoq xalq teatri (1976-yil, 1980-yil), **Tasviriy san‘at studiyasi** (1965-yil, 1986-yil).

Sirdaryo viloyati:(6 ta jamoa) **“Yoshlik”** (1968-yil, 1971-yil), **“Do‘stlik”** (1970-yil, 1973-yil), **“Dilrabo”** (1970-yil, 1987-yil) ashula va raqs xalq ansambllari, **“Guliston”** vokal –cholg‘u estrada xalq ansambli (1974-yil, 1976-yil), **“Yosh tomoshabinlar”** (1975-yil, 1988-yil) va **“Xalq teatri”** (1961-yil, 1988-yil).

Surxondaryo viloyati:(15 ta jamoa) **“Surxon gullari”** (1978-yil, 1981-yil), **“Kumush tola”** (1970-yil, 1983-yil), **“Rayxon”** (1970-yil, 1978-yil), **“Rohat”** (1960-yil, 1971-yil), **“Lola”** (1968-yil, 1986-yil), **“Shalola”** (1965-yil, 1967-yil), **“Oqarbuloq tongi”** (1970-yil, 1980-yil) ashula va raqs xalq ansambllari, **“Boysun”** folklor-etnografik xalq ansambli (1987-yil, 1989-yil), **“Navnihol”** raqs xalq ansambli (1974-yil, 1989-yil), **“Drama xalq teatri”** (1981-yil, 1989-yil), **“Drama xalq teatri”** (1954-yil, 1960-yil), **“Drama xalq teatri”** (1934-yil, 1968-yil), **“Drama xalq teatri”** (1966-yil, 1968-yil), **“Buratino”** (1965-yil, 1968-yil) va **“Yoriltosh”** (1983-yil, 1989-yil) qo‘g‘irchoq xalq teatrlari

Toshkent shahri:(16 ta jamoa) **“Yashlek”** boshqird –tatar (1968-yil, 1989-yil), **“Gulshan”** (1986-yil, 1986-yil), **“Oltin vodiy”** (1989-yil, 1990-yil), **“Dilrabo”** (1986-yil, 1990-yil) ashula va raqs xalq ansambllari, **“Rus kashtalari”** rus xalq havaskorlik ansambli (1981-yil, 1986-yil), **“Ritm”** (1968-yil, 1989-yil), **“Yoshlik”** (1978-yil, 1986-yil), **“Yuzma-yuz”** (1984-yil, 1990-yil) raqs ansambllari, **“Kontinent”** vokal-cholg‘u ansambli (1985-yil, 1989-yil), **Xalq kamer xori** (1987-yil, 1990-yil), **“Quyoshjon”** namunali bolalar xori (1977-yil, 1983-yil), **Xalq drama teatri** (1956-yil, 1970-yil), **“Logos”** xalq teatr studiyasi (1983-yil, 1986-yil), **“Karvon”** havaskorlik qo‘g‘irchoq xalq teatri (1986-yil, 1990-yil), **“Vodiy”** xalq milliy cholg‘u asboblari ansambli (1986-yil, 1990-yil), **“Вдохновение”** opera studiyasi (1968-yil, 1989-yil)

Toshkent viloyati: (15 ta jamoa) **“Do‘stlik taronalari”** (1959-yil, 1961-yil), **“Navro‘zi ajam”** (1977-yil, 1981-yil), **“Parkent gullari”** (1972-yil, 1987-yil), **“Zafar taronalari”** (1978-yil, 1984-yil) ashula va raqs xalq ansambllari, **“Gulyor”** (1977-yil, 1988-yil), va **“Zarrin yaproqlari”** (1984-yil, 1989-yil) folklor-etnografik xalq ansambllari, **“Yangi yo‘l”** vokal-cholg‘u xalq ansambli (1968-yil, 1972-yil), **“Bo‘stonliq lolari”** (1977-yil, 1981-yil) va **“Qizil chinnigul”** (1980-yil, 1989-yil) xalq xori, **“Nihol”** xalq teatri (1977-yil, 1982-yil), **“Chig‘irig”** (1956-yil, 1980-yil) va **“Polvon”** (1975-yil, 1990-yil) qo‘g‘irchoq xalq teatri, **“Hosil”** maqom xalq ansambli (1978-yil, 1982-yil), **Dorbozlik** xalq jamoasi (1983-yil, 1989-yil), **“Qaldirg‘och”** sirk jamoasi (1981-yil, 1984-yil).

Farg‘ona viloyati:(20 ta jamoa) **“Quvasoy”** (1970-yil, 1979-yil), **“Vodil chashmasi”** (1974-yil, 1976-yil), **“Anor”** (1965-yil, 1968-yil), **“Zebo”** (1980-yil, 1986-yil), **“Rayhon”** (1985-yil, 1986-yil), **“Zilola”** (1972-yil, 1977-yil), **“Gulnoz”** (1976-yil, 1978-yil), **“Tabassum”** (1960-yil, 1967-yil), **“Tanovor”** (1974-yil, 1982-yil), **“Orzu”** (1975-yil, 1980-yil) ashula va raqs xalq ansambllari, **“Raduga”** estrada xalq xoreografiya ansambli (1980-yil, 1986-yil), **“Solnishko”** namunali bolalar xoreografiya ansambli (1972-yil, 1986-yil), **“Nurxon”** (1956-yil, 1959-yil), **“Zanjirali Mirzatov”** (1959-yil, 1988-yil), **“Beshariq”** (1985-yil, 1990-yil) xalq teatrlari, **“G‘uncha”** qo‘g‘irchoq xalq teatri (1965-yil, 1968-yil), **“Maqomchilar”** xalq ansambli (1967-yil, 1968-yil), **“Vodil chinori”** xalq

milliy sirk guruhi (1970-yil, 1981-yil), “Xalq filarmoniyasi” (1963-yil, 1973-yil), “Sarvigul” o‘zbek cholg‘u asboblari xalq ansambli (1980-yil, 1987-yil)

Xorazm viloyati:(12 ta jamoa) “Xumor” (1987-yil, 1989-yil), “Dilorom” (1971-yil, 1973-yil), “Muborak” (1977-yil, 1989-yil), “Yulduz” (1971-yil, 1973-yil), “Navro‘z” (1972-yil, 1974-yil), “Navbahor” (1978-yil, 1982-yil) ashula va raqs xalq ansambllari, “Orazibon” folklor-etnografik xalq ansambli (1985-yil, 1987-yil), **Xalq teatri** (1931-yil, 1967-yil), **Xalq teatri** (1922-yil, 1959-yil), **Xalq teatri** (1966-yil, 1966-yil), “Maqom” maqomchilar xalq ansambli (1966-yil, 1968-yil), “Xojixon Boltayev” nomidagi maqom xalq ansambli (1970-yil, 1973-yil).

Qashqadaryo viloyati:(11 ta jamoa) “Cho‘l chamani” (1972-yil, 1983-yil), “Gulshan” (1980-yil, 1985-yil), “Tog‘ go‘zali” (1972-yil, 1975-yil), “Bo‘ston” (1969-yil, 1971-yil), “Dil navosi” (1983-yil, 1988-yil), “Oltin qo‘llar” (1972-yil, 1980-yil), “Shodiyona” (1970-yil, 1971-yil), “Sado” (1984-yil, 1988-yil) ashula va raqs xalq ansambllari, “Chiroqchi chiroqlari” folklor-etnografik xalq ansambli (1973-yil, 1980-yil), “Xalq teatri” (1952-yil, 1959-yil), “Xalq dorbozlar” guruhi (1976-yil, 1988-yil).

O‘zbekistonda madaniy-ma’rifiy sohaning shakllanish muammolarini o‘rganish masalalarini uzoq yillar davomida ilmiy-tadqiqot ishlarini olib borgan, falsafa fanlari doktori, professor V.Alimasovning “O‘zbekistonda ma’naviy-ma’rifiy soha: nazariya va amaliyot” ilmiy asarida yoritilgan. Shuningdek fan nomzodlari va dotsentlar Sh.Berdiyev, V.Miniev, A.Ro‘zmetovlar madaniy-ma’rifiy ishlar sohasida ilmiy-tadqiqot ishlarini olib borgan.

Biz tadqiqotlarimiz natijasida shuni alohida aytishni joiz topdikki, madaniyat va san’at muassasalarining tub ildizlarini o‘rganib, tahlil qilib faqat mana shu kasbga to‘g‘ri va mos keladigan manbalardan foydalanib, sohaning istiqbolini aniq shakllantira olamiz. Klub ishlarini tarixini o‘rganish orqali O‘zbekistonda madaniyat tarmoqlarini takomillashtirish va rivojlantirish, madaniyat muassasalarining fundamental bazalarini mustahkamlash diqqat markazimizdadir. Madaniyat va san’at sohasi boshqaruvidagi bugungi kunda uchrayotgan nomutanosibliklar madaniy-ma’rifiy ishlar tarixini chuqur o‘rganishni talab etmoqda. Klublar professional ijodkor va ijod muassasalarining tarixan beshigi ekanligini hisobga olib, klubshunoslik ishlarini teran o‘rgansak va tizimli tahlil qila olsakgina, hozirgi muassasalar faoliyatini reglamentlovchi, tartibga soluvchi, muvofiqlashtiruvchi, resurslar bazalarini taqsimlovchi va hal qiluvchi ilmiy mohiyatni yuzaga chiqara olamiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. В.Алимасов, Ю.Манзаров. Ўзбекистонда маънавий-маърифий соҳа назария ва амалиёт (фалсафий-социологик тадқиқот). «Навруз» нашриёти. Тошкент 2014. 120 б.
2. М. Abdurahmonov, N. Rahmonov. Madaniyatshunoslik (bakalavriat uchun) darslik Toshkent – 2008. 193-b.
3. R.X.Xodjavev va boshq. “Klub muassasalariga rahbarlikni markazlashtirish va O‘zbekistonda madaniy komplekslarni yaratish”. Toshkent 1980-y. “Matbuot” tipografiyasi. 30-b.
4. Qarang: V.N.Tixonovskiy. Klub ishiga aktiv ish formalarini tadbiiq etish haqida (metodik tavsiyanoma). RNMS NT i KPR bosmoxonasi Toshkent – 1988-y. 16-b.
5. M.Yuldosheva Milliy madaniyat rivojining mashaqqatlari. “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti Toshkent-2007. 134-b.
6. M.Nurmuhammedova. O‘zbekistonda madaniy-ma’rifiy ishlar. Toshkent “O‘qituvchi”. 1993y. 95-b.
7. M.Nurmuhammedova. O‘zbekistonda madaniy-ma’rifiy ishlar. Toshkent “O‘qituvchi”. 1993y. 95-b.
8. M.Nurmuhammedova. O‘zbekistonda madaniy-ma’rifiy ishlar. Toshkent “O‘qituvchi”. 1993y. 95-b.
9. R.X.Xodjavev va boshq. “Klub muassasalariga rahbarlikni markazlashtirish va O‘zbekistonda madaniy komplekslarni yaratish”. Toshkent 1980 y. “Matbuot” tipografiyasi. 30-b.
10. Актуальные проблемы клубной работы. Москва 1976 г. Материалы всесоюзной научно – практической конференции. Выпуск II. Ст 430. «Полиграфист».
11. O‘zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi Respublika madaniyat muassasalari faoliyatini tashkil etish ilmiy-metodik markazi arxiv manbalari. Toshkent 1991 y.

УЎК 93/94

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРДА ЗООАНТРОМОРФ РАМЗЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Э. Алимкулов, таянч докторант, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Тошкент

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон ҳудудидаги археологик ёдгорлик ва обидалардан топилган зооантроморф рамз, тимсол ва тасвирлар хусусида сўз

юритилади. Хусусан, Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидан топилган турли кўринишдаги буқа ҳайкалчалари, деворий тасвирлар, тош муҳрлар, сопол идишлар, тангалар, шахмат доначалари ва бошқа шу каби ашёлар мазкур ҳудудларда қадимдан тотем эътиқоди билан боғлиқ рамзлар бўлганини англатади. Топилган археологик ашёларнинг айримларидан бугунги кунда ҳам истефода этилаётгани маълум қилинган.

Калит сўзлар: тотем, Гопатшоҳ, Қалъалиқир-2, Ҳаёт дарахти, Талли-Барзу, Гавумард, буқа, зардуиштилик, К.Тревер, Беруний.

Аннотация. В данной статье речь идет о найденных в археологических памятниках и объектах зооантропоморфных символов и рисунков. В частности, найденные на территории Хорезмской, Самаркандской, Кашкадарьинской, Сурхандарьинской областях различные виды статуэток быков, настенных рисунков, каменных печатей, глиняных посуды, монет, шахматных фигурок и других предметов означают, что с древних времен на этих территориях использовались символы, связанные с тотемным верованием. Для информации сказано, что некоторые виды данных археологических находок используются и по настоящее время.

Ключевые слова: тотем, Гопатшоҳ, Қалъалиқир-2, дерево судьбы, Талли-Барзу, Гавумард, бык, зороастризм, К.Тревер, Бируни.

Abstract. This article deals with the zooanthromorphic symbols and drawings found in archaeological sites and objects. In particular, various types of statuettes of bulls, wall paintings, stone seals, earthenware, coins, chess pieces and other objects found on the territory of Khorezm, Samarkand, Kashkadarya, Surkhandarya regions mean that symbols associated with the totemic was used in these territories since ancient times. For information, it is said that some types of data from archaeological finds are used to this days.

Key words: totem, Gopatshokh, Kalalikir-2, The tree of life, Talli-Barzu, Gavumard, bull, Zoroastrianism, K.Trever, Biruni.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида яратилган рамз ва тасвирларда илк мифологик тафаккур тарзининг шаклланиши билан боғлиқ тарихий жараёнлар илмий жамоатчиликда қизиқиш уйғотади. Табиат ва инсон ўртасидаги муносабат, аждодларимизнинг оламда рўй берган ўзгаришлар сирларини билишга интилишлари, воқеа-ҳодисаларни жонли кўринишда тасаввур қилишга бўлган эҳтиёжлари дастлабки эътиқодий қарашларнинг шаклланиши учун замин ҳозирлаган.

Жаҳон халқларининг ибтидоий эътиқодларида “одамларнинг ҳайвонот ёки ўсимликнинг муайян турларига қариндошлик алоқалари бор”, деган қараш бўлган. Муайян қабилалар, уруғдош гуруҳлар ўзларининг умумий белгилари ва тотемлари бўлган ҳайвон ва ўсимликдан келиб чиққан, деб билганлар. Мазкур ибтидоий тасаввурлар ҳақида кўплаб афсоналар етиб келган. Масалан, Австралия аборигенлари орасида сақланиб қолган афсоналардаги тасаввурлар бунга яққол мисол бўла олади.

Тотемизм таъсирида пайдо бўлган урф-одатлар, нормалар асрлар давомида қатъий равишда қўлланилган. Табу – тақиқлаш, яъни, тотемни озуқа сифатида истеъмол қилишни тақиқлаш тизими пайдо бўлган. Фақатгина баъзи диний маросимларда руҳонийлар ёки қабил бошлиқларига тотемни ейиш руҳсат этилган.

Тотемлар даврлар ўтиши билан урф-одатлар шаклланишига таъсир кўрсатган. Диний рамзларнинг айрим унсурлари кейинги даврларда тарқалган эътиқодлар билан уйғунлашиб, янги мазмун касб этган. Қабил уруғларининг тотемлар ёнида ўйнаб рақсга тушишлари уларнинг ўтмишдошлари босиб ўтган ҳаёт йўллари қаратилган бўлсада, рақсдаги ҳаракатлар тақлид қилинаётган тотем ҳайвоннинг ташқи кўриниши ҳамда феъл атворига ҳамоҳанг тарзда бўлган. Бу каби жамоавий кўринишда бажариладиган урф-одат ва маросимларда қабилдошлар бегоналардан ўзларини ажратиш учун қабилга хос бўлган хатти ҳаракатларни амалга оширганлар ва шу орқали уларда “бизники” ва “биздан эмас” деган тушунчалар пайдо бўлиб борган.

Бирлаштириш ва тартибга солиш тотемизмнинг асосий вазифаларидан бири саналади. У илк шаклланган диний тасаввурлардан бўлиб, бугунги кунда айрим халқларнинг миллий ва диний маросимларида ҳам учратиш мумкин. Хусусан, Қирғизистонда оқ буғу, Ҳиндистонда маймун ва сигир, Австралияда кенгуру, туркий халқларда хумо куши афсонавий саодат ва бахт олиб келувчи ҳайвон сифатида эътироф этилган ва улуғланган.

Даврлар ўтиши сайин, тотем ҳайвонларидан муайян соҳа маъбудларига нисбатан диний эътиқод кўриниши шаклланиб боради. Мисол тариқасида қадимги Мисрда тимсоҳ ёки тимсоҳ бошли одам – сув илоҳи, сигир ёки шохли аёл сиймосида – осмон илоҳаси, ов маъбуди кўринишида – лочин, буқа эса тинчлик ва осойишталик илоҳи сиймосида тасвирланган. Шунингдек, қадимги Ҳиндистонда ҳар қандай вазиятда ҳам сигирга тегмаслик тушунчаси, илоҳий маймун – Хануман тасвиридаги бутлар билан ибодатхоналарни безашлик, Европада айиқнинг улуғланишини кўриш мумкин.

Марказий Осиё минтақасида турли қушлар, ҳайвонот оламига мансуб мавжудотларнинг суратлари билан бирга, геометрик рамзлар ҳам муҳим аҳамият касб этган. Илк диний тасвурлар пайдо бўлган вақтда уларнинг ўтмишдаги аجدоди тотем билан боғлиқ бўлган. Замонлар ўтиши билан, бу рамзлар космик илонлар мажмуаси ҳамда деҳқончилик эътиқоди каби тимсолларга ўзгарган. Тошкент вилоятининг Ғазалкент туманидан топилган 1800 га яқин петроглифда кўплаб рамзлар сингари турли йиртқич ҳайвонлар, от, товуқ, тоғ эчкилари, буғу, мерганлар, бўталоқ ва туялар, ит, илон тасвирлари туширилган. Мазкур ҳудуддан Ўзбекистон тарихида илк маротаба икки ғилдиракли араваларга от қўшилган тасвирлар топилган. Милодмиздан олдинги III аср ва милоднинг I асрига оид қадимги Хоразмдан топилган сопол ҳайкалчаларда туя, қўй, мол, от, аждарҳо, дастали идишларда эса шер, жайрон ва йўлбарс тасвирлари бор. Ушбу топилмалардаги рамзларни кўриб, юртимизда қадимдан тотемизм ривожланганини англаш қийин эмас.

Олим Ю.Рапопортнинг қайд этишича, бу каби жараён барча миллат ва элатларнинг бошидан ўтган. Шундан бўлса керак, массагетларда аёл баданига тотем кириши билан бола туғилиши ҳамда тотем муайян бир ҳайвонга айланиши билан ўлимни ҳис этиш сингари иккита хос тасавури бўлган. Шу мақсадда, қадимги Хоразмнинг подшоҳларини уруғ-қабилга тотем ҳисобланган буқа терисига ўраб кўмишгани эҳтимолдан ҳоли эмас.

Умуман олганда ибтидоий диний тасаввурлардан бири бўлган тотемизмга оид рамзлар кўп. Аксарият халқларда зоантропоморфизм рамзлари турли эътиқодларни ўзида мужассамлаштириб, уйғунлашган тотем кўринишида намоён бўлган. Бу эса ўз навбатида оламнинг пайдо бўлишида қандайдир илоҳий кучларнинг иштирокига боғлиқ бўлиб, олий даражадаги илоҳлар ёнига олиб борувчи муҳим бир қадам бўлган. Зардуштийлик эътиқодига кўра, икки томони ҳам тотемдан ташкил топган Гопатшоҳ образи одам-буқа шаклида тасвирланган бўлиб, дунё пайдо бўлишида тотемизмнинг ўрни беқиёс эканига ёрқин мисол бўлади. Тарихга назар солинса, қадимги хоразмликларнинг муқаддас тотем, туркий ҳукмдорлардан бўлган Ўғусхоннинг ташқи қиёфаси, Авестодаги дастлабки инсон Гавумард (Каюмарс) танаси ярми одам ярми буқа шаклида тасвирланган. Хоразмнинг Шовот туманидан топилган милодмиздан олдинги V асрга тааллуқли бўлган ҳайкалчада зоантропоморфизм рамзи ифодаланган [1].

К.Тревер тадқиқотида Самарқанд вилояти жанубидаги Талли-Барзу ёдгорлигидан топилган катта идиш синиғидаги археологик топилмада танаси буқа, бош қисми серсоқол одам суратини “Гопатшоҳ - шоҳ-чўпон”, деб атагандан сўнг бу атама фанга киритилади [2]. Мазкур рамз юртимиз ҳудудида кенг ёйилган рамзлардан бўлиб, унинг тасвири турли жойларда учрайди. Хусусан, Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланувчи милоддан аввалги V-IV асрларга оид бўлган Гопатшоҳнинг тасвири туширилган тош муҳрда ўз аксини топган.

Хоразмнинг Қалъалиқир-2 дан топилган идиш қопқоғидаги бўртиб чиққан суратдаги рамз ҳам борлиқнинг яратилишини англантиши билан ўзига тортади. Ушбу расм остидаги, учбурчак шаклига эга ярим-доирачалар тоғу-тошлар ва Ернинг яратилишини, икки ёнидаги доирачалар Қуёш ва Ойни, ўртадаги барглари эса Ҳаёт дарахтини англайди. Бу суратдан кўриниб турибдики, аввал Ер, юлдузлар ва Ҳаёт дарахти, кейин Ер билан осмон айро ҳолда,

энг сўнггида Гопатшоҳ яратилгани маълум бўлмоқда. Мазкур рамзда Гопатшоҳ – ярми одам ярми хайвон, яъни буқа шаклида, бошининг юқори қисмида қадимги Шарқ рамзлари сифатида қараладиган ғишт ва тошларни ташиш савати акс эттирилган [3]. Шунга асосан у дастлабки меъмор сифатида Гавумард ва “Шоҳнома”даги Каюмарс билан уйғунлаштирилган [4].

Абу Райҳон Беруний, Абулқосим Фирдавсий ва араб тарихчилари Табарий, Масъудий ҳамда Саълибий сингари олимларнинг асарларида Гавумард, яъни дастлабки яратилган одам – инсон-буқа ҳақида ишончли маълумотлар келтирилган. Жумладан, унда Гавумард башариятга темир эритиш, ўт ёқиш, бино ва иншоотларни бунёд этишни ўргатгани зикр этилган.

Археологларнинг изланишларига кўра, Қалъалиқир-2 ёдгорлик мажмуасидан топилган буюмда инсоннинг буқа билан кураш тушиши ифодаланган. Ваҳоланки, Европа тадқиқотларида буқа Митрага қаршилик кўрсатмаган, деган назариялар бор.

Зардуштийлик эътиқодида Ахриман илоҳи томонидан ўлдирилган буқа барча набототларга ҳаёт бахш этган, деб тавсифланади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, қурбонликка аталган буқа Митранинг зардуштийлик мавзусига боғлиқ. Митра эътиқодига кўра, ўсимлик ва чорванинг мўл-кўлчилигини кўпайтиришга қаратилган буқани қурбонликка келтириш таомили, зардуштийликда Ахриманнинг биринчи қилган гуноҳи, деб эълон қилинади.

Буқа билан боғлиқ эътиқод Марказий Осиёдан ташқари Яқин Шарқ мамлакатларида ҳам неолит даврига бориб тақалади [5]. Бунга милоддан олдинги иккинчи мингйилликка оид Бақтриядан топилган бронза муҳрида иккита илон боши шаклидаги қайиқ ичида турган буқа тасвирини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бақтрияда Ҳаёт дарахти олдида турган буқанинг тилла нишонидagi сурати иккита эътиқодни бирлаштирган. Тасвирнинг юқори қисмидаги нуқрачалар осмон, юлдузлар ва Қуёшни, куйи қисмидаги учбурчаклар – Ерни ифодалаган рамзлар ҳисобланади. Осмон билан Ер орасида пайдо бўлган борлик, дастлабки буқа кўринишида тасвирланган.

Самарқанд яқинидаги Талли-Барзу ёдгорлик мажмуасидан топилган XI-XII асрларга оид сопол лавҳда буқалар, юлдузлар ва Ҳаёт дарахти нақшлар билан тасвирланган. А.Беленицкийнинг таърифига кўра, мазкур суратда уч жуфт буқа орқа оёқларига таянган ҳолда кўтарилиб турибди. Ҳар бир жуфтлик орасида Ҳаёт дарахтининг сурати, унинг фонида халқачалар ва юлдузчалар чизилган. Ҳар жуфт буқа тепасида янги чиққан Ой, орқа томонида кўринар-кўринмас оташгоҳ расми бор.

Шунингдек, Сўғддан топилган улкан хум бўлагида ифодаланган аланга олган оташгоҳнинг юқори қисмида турган буқа тасвири ҳам унинг диний маросимдаги ўрнини кўрсатади. Тадқиқотчининг фикрича, ўтмишда бу тасвирда Ҳаёт дарахти ёнида хайвонларнинг геральдик тасвири қурбонлик қилинадиган жойнинг олдида турган ибодат тасвири билан уйғунлашган [6].

К.Тревер Зардуштийликнинг VI асрига оид паҳлавий тилида ёзилган манбаларида келтирилган рамзни тадқиқ этади. Ушбу манбада “Гопатшоҳ (макони) Милоднвеж, Хванирас кишварида бўлиб, унинг белидан юқорига қараб одам, оёғидан танасининг ярмигача – буқа шаклида, доим денгиз бўйида сайр қилиб, илоҳларга суюқликлар қурбонлик келтиради”. Бу сурат айнан Талли-Барзу топилмасига ҳамоҳанг бўлиб, Оссурия ва Эрон рамзларидан тубдан фарқ қилади. Мазкур ҳудуддаги рамзларда Гопатшоҳ қанотларсиз ифодаланган. Бу рамзнинг тарихи Эрон давридан олдинги қадимги маҳаллий маданий анъаналарга бориб тақалади. Гопатшоҳ рамзи зардуштийликдан аввалги диний эътиқодларга тақалиб, Эрон маданиятидан илгарги маданиятдан асос олади. Талли-Барзу Гопатшоҳи юқоридаги маълумотни тасдиқлаган ҳолда у қадимий матнларнинг тавсифига айнан мос тушади [7].

Олима Авестода ушбу рамзни юртимиз билан боғлаб, “Дайтия” дарёсини ҳеч шубҳаланмасдан Зарафшон дарёси, деб атайди. Гопатшоҳни эса ибтидоий тотем эътиқоди ҳосилдорлик тимсоли бўлмиш сув эътиқодига қўшилиб, синкретлашган, деб ҳисоблайди. “Го – буқа” сўзига “Пати – ҳукмрон” сўзи қўшилиши орқали атама ҳосил бўлган, кейинчалик, ўзга тилли муҳитда “шоҳ” сўзи қўшилган. Катта эҳтимол билан “Гопати – шоҳли мол чўпони” бўлиб, “Гопатшоҳ” “чўпон-шоҳ” маъносини билдиради.

Афросиёбнинг укаси Агрерат Сўғдиёнада Гопатшоҳ деб аталиши афсоналарда келтириб ўтилган. Бошқа жиҳатдан Гопатшоҳни сув билан боғлиқлигини эътиборга олиб, уни афсонавий буюк қахрамон шоҳлар билан уйғунлаштирилган. Шундан келиб чиқиб, сув деви – Афросиёбнинг аждоди ҳисобланган ҳамда Гопатшоҳ олам яратилишининг тотемистик эътиқоди бўлиб, даврлар ўтиши билан маъбудлар пантеонидан ўрин олган, деган қарашлар ҳам бор [8].

Қадимий битикларда Ходайаш номли дастлабки буқа Авестода хаома билан абадий ҳаёт берувчи тотем бўлиб, унинг танасидан доривор гиёҳ ва ўсимликлар, уруғидан эса фойдали ҳайвонлар униб чиққани айтилади. Олима К.Тревер қатор ғарб олимлари ва зардуштийлик матнларига таяниб қуйидагиларни келтиради: “Гопатшоҳ кўриқловчи Ходайаш буқаси Авестода асосий рамзлардан бири бўлиб, “доимо тоза” деган маънони англатади. У тириклигида сув билан боғлиқ бўлиб, ўлганлар тириладиган ватқтда унинг ёғидан ва хаома шарбатидан инсонларга боқий умр ато этувчи таом тайёрланади”.

Шарқшунос олим Ҳ.Кароматовнинг таъкидлашича, Авестонинг Бундахишн китобида “Буқа Эронвежда... Дайтия баракали дарёсининг ўнг қирғоғида яратилиб, оппоқ бўлиб, Ой каби ярқираган. Ва, у (буқа) ўлганидан кейин, уруғи Ой нурида софланиб, уруғидан турли ҳайвонлардан бир жуфтдан, танасидан эса, дунё узра турли набототлар ўсиб чиққани” [9] зикр этилган.

Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида “Рўзи Михр куни Ой аравасини етакловчи буқа пайдо бўлиши, ушбу буқа нурдан яралиши, унинг шоҳлари тилла ва туёқлари кумушданлиги, у бир вақтнинг ўзида пайдо бўлиб, кейин йўқолиб қолиши, уни кўрган инсоннинг сўраган тилаги шубҳасиз ижобат этилиши ҳақида маълумотлар келтирилган” [10].

Гопатшоҳ эркак илоҳ бўлса, аёл илоҳ сиймосида сигир гавдаланиб, у қадимдан “Дрваспа” деб номланган. Мазкур илоҳа минтақамизда Анахита, Мисрда эса Изида маъбудаларининг “аждоди” саналади. Сурхондарёнинг Қизилчатепа ёдгорлигидан сопол илоҳа ҳайкалчаси топилган бўлиб, унинг бошидаги тожда иккита сигир шоҳлари ва Ой рамзи тасвирлангани юқоридаги фикрнинг ёрқин далили бўла олади.

Кушонлар империясининг асосчилари Кадфиз I ва Кадфиз II томонидан зарб эттирилган тангалар ўша давр диний эътиқодларидан дарак беради. Хусусан, Сурхондарёнинг Кампиртепа ёдгорлигидан топилган тангаларга разм солинса, унинг олд томонида ўнг қўлини оташгоҳга қаратиб узатган шоҳдан чап томонда уч тишли айри, ўнгда – тамға, орқа томонида – Нанди буқаси олдида турган маъбуд Шива рамзи тасвирланганини кўриш мумкин.

Далварзинтепадан ҳам айнан шу каби танга топилиб, унинг орқа томонида – Нанди буқаси ёнида турган илоҳа Шива, танганинг олд томонида эса қўлини оташгоҳ узра узатган шоҳ рамзи тасвирланган. Бундан ташқари, Сурхондарёнинг бошқа худудидан топилган геммада ҳам юқоридаги тасвирга ҳамоҳанг рамз ифодаланган.

Топилган ашёлардан бирининг олд томонида тасмалар тақилган тож кийган шоҳ оташгоҳга нимадир қурбонлик қилаётгани, қурбонлик жойида уч тишли айри, орқасида шоҳ рамзи бўлмиш тамға, танганинг орқа томонида буқа ёнида Охшо маъбуди сиймоси тасвирланган [11]. Эфталитлар тангасида (V асрга оид) эса ҳукмдорнинг бошидаги тожда куш қанотлари ҳамда буқа калласи расми туширилган.

Археологик изланишлар натижасида, Қашқадарёнинг Саритепаси, Хоразмнинг Замахшар қишлоғи [12] ва Тошқалъадан XII-XIV асрларга оид Қуёш билан боғлиқ рамзлар билан бўялган буқа ҳайкалчалари, сопол идишларга чизилган буқа тасвирлари топилган [13]. Самарқанд, Хоразм, Қовунчи, Кофирқалъа, Кува, Тошкент яқинидаги Қанғҳа [14] ва бошқа шаҳарлардан VI-VIII асрларга оид сопол идиш ва ҳар хил ашёларда буқа ҳайкалчалари ҳамда суратлари қазиб олинган. Бу эса аҳолини қадимги тотем эътиқодларида буқа алоҳида мистик рамзга эга бўлганига далолат қилади.

Сурхондарёнинг Далварзинтепасидан шахмат дончалари топилган бўлиб, эътиборли жиҳати улардан бири буқа кўринишида ясалган. Фил ва буқа кўринишидаги шахмат дончалари энг қадимги “шатранж” ўйин турига тегишли бўлиб, ундаги иштирокчилар сони

тўрт кишини ташкил этган. Япониялик олимлар ушбу шахмат тошлари дунёда топилган шахмат доначаларининг энг қадимгиларидан бири эканини таъкидлаб, уни Марказий Осиёдаги илк археологик топилма сифатида эътироф этганлар. Шунинг учун, улар томонидан шатранж ўйинининг иккинчи Ватани Ўзбекистон, деб аталгани қувонарли албатта.

Минтақамизда борлиқ яратилишининг тотеми бўлган Гопатшоҳ билан боғлиқ эътиқодий қарашлар, асрлар ўтгани сайин унутилади. Лекин, маҳаллий халқ ўртасида у ёки бу кўринишда сақланиб қолган. Бунга Кўхна Хоразм Миздахонидаги XVII асрга оид Шамбун-наби ва Жўмард қассобнинг қабрлари хоразмликларда муқаддас даргоҳ ҳисобланади. Айрим тадқиқотчиларнинг фаразларига кўра, зардуштийликда бу қабр илк одам – Гавумард эътиқоди билан боғлиқ. Халқимиз орасида Жўмардни қассобларнинг пири сифатида қараб, унинг қабри ёки дўкони Самарқанд вилоятида жойлашганини қайд этишади. Афсоналарга кўра, ўта бой бўлишига қарамасдан, оддий инсон сифатида аҳолининг барча қатламига бепулга гўшт тарқатган.

Чорвачиликда кўп учрайдиган касалликларнинг олдини олиш ва тўхтатиш мақсадида маҳаллий аҳоли Шамбун-наби номи билан боғлиқ авлиёнинг зиёратгоҳига боради. Зиёратгоҳда турли урф-одат ва маросимлар ўтказилади. Мазкур зиёратгоҳ соҳибини олимлар Библиядаги Самсон ёки Соломон пайғамбар билан бир хил мақомда қиёслашади [15].

Хулоса ўрнида юртимиз ҳудудидаги мифологик тафаккур тизимида аждодларимизнинг ўсимлик ва ҳайвонот олами билан ғайритабиий қариндошлик ришталари ҳақидаги тотемистик қарашлари алоҳида ўрин тутади. Сопол идишлар ташқи безагида ифодаланган биринчи одам – Гопатшоҳдан тортиб, турли қушлар, жонзотлар, парранда-ю даррандалар ва судралиб юривчиларгача тотем сифатида улуғланиши уларнинг хилма-хил ноёб кўринишдаги рамзлари келиб чиқишига сабаб бўлганини қайд этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ремпель Л.И. Цепь времен: вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. – Ташкент: Издательство литературы и искусства им. Гафура Гуляма, 1987. – С. 52.
2. Тревер К.В. Гопатшах - пастух-царь // ТОВЭ. Вып. 2. 1940. – С. 73.
3. Калалы-гыр 2. Культурный центр в Древнем Хорезме. - М., 2004. – С. 221.
4. Тревер К.В. Гопатшах - пастух-царь // ТОВЭ. Вып. 2. 1940. – С. 82.
5. Хлопин И.Н. Образ быка у первобытных земледельцев Средней Азии // Древний Восток и мировая культура. - Л., 1981. – С. 26-31.
6. Беленицкий А.М. И изображение быка на памятниках искусства древнего Пянджикента // Этнография и археология Средней Азии. – М., 1979. – С. 91.
7. Тревер К.В. Гопатшах - пастух-царь // ТОВЭ. Вып. 2. 1940. – С. 75.
8. Ўша манба, – Б. 76-77.
9. Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. -Тошкент: Ғ.Фуллом., 2008. – Б. 107.
10. Беруний. Памятники минувших поколений. Т. 1. - Ташкент, 1957. – С. 240.
11. Забелина Н.Н. Обзор монет // Сообщения Респ. Историкокраеведческого музея ТаджССР. - Сталинабад, 1952. – С. 77.
12. Древняя Г.Я. К истории культов древнего населения Кашкадарьи // Материалы истории, историографии и археологии. Сб. тр. ТашГУ. № 533. – Ташкент, 1977. – С. 23.
3. Хлопин И.Н. Образ быка у первобытных земледельцев Средней Азии // Древний Восток и мировая культура. - Л., 1981. – С. 27.
4. Усова Е., Буряев Ю. Терракотовые поделки с городища Канка // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 16. 1981. – С. 46.
5. Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. - М., 1948. – С. 87.

УЎК 323-055.2(575.1)(09)

ЎЗБЕК ЗИЁЛИ АЁЛЛАРИНИНГ ҚАТАҒОН ҚИЛИНИШИ

(Матлуба Мухамедова мисолида)

А.Н.Ахророва, бўлими бошлиғи, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи

Аннотация. Ушбу мақолада совет режимидаги қатагонлик сиёсатининг даҳшатли оқибатлари, айнан уй бекаси, зиёли, давлат арбоблари бўлган ўзбек аёлларининг беайб қамоққа олиниши Матлуба Мухамедова мисолида ёритилади.

Калим сўзлар: катта террор, 00486-сонли буйруқ, АЛЖИР лагери, ИИХК, аксилинқилобий фаолият.

Аннотация. В этой статье обсуждаются ужасные последствия репрессивной политики советского режима, включая невинное заключение в тюрьму узбекских женщин, домохозяек, интеллектуалов и государственных деятелей на примере Матлубы Мухамедовой.

Ключевые слова: большой террор, приказ 00486, лагерь АЛЖИР, НКВД, контрреволюционная деятельность.

Annotation. This article discusses the terrible consequences of the Soviet regime's repressive policies, including the innocent imprisonment of Uzbek women, housewives, intellectuals and statesmen, on the example of Matluba Mukhamedova.

Keywords: big terror, order 00486, ALGERIA camp, People's Commissariat of Internal Affairs, counter-revolutionary activity.

Совет ҳукуматининг катағон сиёсатининг энг юқорига кўтарилган 1937-1938 йиллардаги “катта террор” кампаниясида Ўзбекистондан минглаб одамлар катағон қиличидан ўтказилди, концлагерга ташланди. [5] НКВД нинг 00486 – сонли буйруғи бўйича 1938-1946 йилларда Қарағандаги “Алжир” (Акмолинский лагерь жён изменников родины) лагерида “Ватан хоинларининг оила аъзолари” дан 6500 аёл жазони ўтаган. Халқ душмани тамғаси билан катағон бўлганларнинг фарзандлари махсус болалар муассасаларида сақланган. 1937 йил 15 августдан 1939 йил январигача Иттифоқ бўйича 25342 бола оиласидан ажратиб олинган, улардан 22427 нафари Халқ маорифи комиссарлиги ҳудудидаги болалар уйлари ва маҳаллий боғчаларга тарқатиб юборилган, шундан 1909 нафари Москвада бўлган, 2915 нафари бошқаларга боқиш учун оилаларга қайтариб берилган. Бу болаларнинг ёши 15 гача бўлган. Ёши 15 дан юқори бўлган болалар “ижтимоий хавфли” ҳисобланиб, қамоққа олинган ва ҳукм қилинган.

Қарағанда лагеридаги маҳбус аёллар жазо муддатини ўтаётганларида 1507 нафар фарзанд кўрганлар, бу болалар кўпинча севги асосида эмас, зўрлик асосида дунёга келганлар. Ана шундай фожеалар Ўзбекистонда яшаётган аҳоли катта қисмини бошига ҳам тушган эди. [6] Ўзбекистонда ҳам бошқа собиқ иттифоқ давлатлари қаторида НКВД нинг 00486 – сонли буйруғи бўйича катағонга учраган эркалар қаторида уларнинг кўпчилиги уй бекаси бўлган аёллари ҳам катағон гирдобига тортилди. Шулар қаторида зиёли бўлган аёллар ҳам беайб катағон қурбони бўлган. Қуйида шуларни бири билан танишамиз.

Матлуба Мухамедова 1911 йилда Фарғона шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек, у Тошкент шаҳрида Первомайский кўчаси 80 уйда истиқомат қилган. Тошкент тиббиёт институтининг 3 курс талабаси. Оиласи: Отаси-Дадамухаммад Нурмухамедов 62 ёшда. Ўқитувчи. Онаси-Мархамат-46 ёш. Синглиси-Махбуба Мухамедова-29 ёш, тўқимачилик мактабида ўқиган. Кейин турмуш ўртоғи Саттор Жабборнинг ҳибсга олиниши муносабати билан у ердан ҳайдалган. Укаси Фатхулла Мухамедов 23 ёшда, 1937 йилда судланган, 7 йил қамоқ жазосига маҳкум этилган. Синглиси-Мақсуда-19 ёш, Ниғмат Мавлонов билан турмуш қурган. У қандайдир артелда ишлаган. Тўлиқсиз олий. Аксилинқилобий шеър ёзгани учун комсомол аъзолигидан ҳайдалган.

Матлуба 1927 йилда Москвада очилган ўзбек ишчи ёшлар факультетига ўқишга киради. У ерда яхши ўқиш билангина чекланиб қолмай, билим юртининг ижтимоий-маданий тадбирларида ҳам фаол қатнашди, шеърини машқлар қила бошлади. Кейинчалик унинг шеърларида миллатчилик ва советларга қарши кураш руҳи бор деб, комсомолдан чиқардилар, ўқишдан ҳайдадилар. Матлуба Москвада қолиб, мусиқа билим юртига ўқишга киради, аммо кўп ўтмай, Тошкентга қайтади ва шу йиллари Ленинграддаги Политехника институтида таълим олиб қайтган Восиқ Мухамедовга турмушга чиқди. 1937 йил декабрида Восиқ Мухамедов миллатчиликда айбланиб қамоққа олинди, уйи тинтув қилиниб, Матлубанинг ўзи ҳам сарсон-саргардон бўлиб қолди ва Ўзбекистон Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг 1938 йил 17 январда Матлуба Мухамедовани қамоққа олиш ҳақида қарори чиқади. Унинг қамокда

олинишига асос бўлган айбномада айтилишича, гўё у ҳозир ҳибсда бўлган Германиянинг айғоқчиси Саттор Жаббор, аксилинқилобий миллатчилардан Чўлпон ва Муҳамедовлар билан яқин муносабатда бўлган ва аксилинқилобий шеърлар битиб, уни яширин йўллар билан тарқатиб келган.[1] Лекин Матлуба Муҳамедова сўроқнинг биринчи кунлариданок ўзига қўйилган бу айбларнинг мутлақо асоссизлигини айтади. Жумладан, 1938 йил 19 январда (яъни ҳибсга олинганининг учинчи куни) бўлган дастлабки сўроқ вақтида ИИХК бўлими бошлиғи, терговчи Акжигитов Матлубадан қамоқдаги эри Восиқ Муҳамедовнинг “халқ душмани” сифатидаги фаолияти хақида кўргазма беришни талаб қилганида, у мазкур айбнинг асоссизлигини айтиб, бундай жавоб берди:

Савол: Восиқ Муҳамедов халқ душмани сифатида фош этилган. Унинг бу аксилинқилобий фаолияти сизга маълум. Шу ҳақда кўргазма беринг.

Жавоб: Восиқ Муҳамедовнинг ҳеч қандай аксилинқилобий фаолияти менга маълум эмас.

Савол: Сиз аксилинқилобий фаолиятингиз учун қамоққа олингансиз. Шу ҳақда кўрсатма беринг.

Жавоб: Мен ҳеч қандай аксилшўровий фаолият олиб бормаганман”. [2]

Орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтгач, Матлуба 1938 йил 21 февраль куни яна терговга чақирилади. Терговчи (Березников) бу сафар Матлубанинг айблари хақида кўргазма олиш учун уни узоқ дағдағали саволларга тутди. Уни Москвадаги ўқиши пайтида ёзган миллий руҳдаги шеърларидан тортиб, эри Восиқ Муҳамедов ва опаси Маҳбубанинг Германияда ўқиган умр йўлдоши Саттор Жабборларнинг аксилшўровий миллатчилик фаолиятлари учун қамалганликлари-ю, Матлубанинг ушбу кишилар билан яқин муносабатда бўлганлигини юзига солиб, ундан ўз айбини бўйнига олишга талаб этадилар, унинг бу масалаларга оид жавобларини эса терговчилар ўз манфаатларидан келиб чиқиб, бундай ўзгартирадилар:

Савол: Сизнинг аксилинқилобий миллатчилик фаолиятингиз нималарда кўринганлигини айтиб беринг.

Жавоб: Мен 1929 йилда Чўлпоннинг ҳали босилмаган каттагина шеърини ўқигач, аксилшўровий миллатчилик руҳида бир шеър ёздим. Мазкур шеъримда чоризмнинг ағдарилганига 12 йилча ўтганига карамай, шу давр ичида ўзбек халқи аҳволида ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўқ, Ўзбекистон ҳали ҳам аввалгидай мустамлака шароитидадир, деб ёзган эдим. Шеър ишчилар факультетининг комсомол комитетига маълум бўлиб, талабаларнинг умумий мажлисида муҳокама қилинди. Мазкур мажлисида мен миллатчилик ғояларимни химоя қилдим ва бунинг учун комсомолдан ўчирилдим. Шундан кейин мени талабалар сафидан ҳам ҳайдашди ва мен Тошкентга қайтиб келдим. 1932 йили ҳозирда қамоқда бўлиб, аввал Германияда ўқиган опамнинг эри Саттор Жаббор менга бир немисча журнални бериб, (номи эсимда йўқ) унда менинг 1929 йилда ёзган шеъримнинг немисча таржимада босилганлигини кўрсатган. Шеърга илова тарзида таржимоннинг мақоласи ҳам берилган бўлиб, унда тахминан: “ 17 ёшли ўзбек қизи Матлуба Муҳамедова ўз шеърида ўзбек халқини Совет ҳукуматига қарши қуролли кўзғолонга чақиради”, - деб ёзган ва менинг ғояларимни мақтаган эди. Унинг номи ҳам эсимда йўқ. Бир куни 1937 йилда қариндошим Рашид Тагиров (ўқитувчи) билан суҳбат чоғида мен унга айтдимки, тез орада мен ва бошқа кўплаб ўзбеклар олий маълумотли бўлиб, руслар билан Ўзбекистонда раҳбарлик лавозимлари учун курашишни бошлаймиз. Шунда миллий кадрларимиз кўп бўлганда, руслар етакчи ролни қўлда ушлаб тура олмайди ва ўз ватанига қайтишга мажбур бўлади ва Ўзбекистонда фақат ўзбеклар қолади. Айни пайтда, терговчилар Матлубанинг қамоқдаги эри Восиқ Муҳамедовдан ҳам унинг ишчилар факультетидаги “гоявий зарарли” фаолиятига оид қўшимча айблов кўргазмасини олишга ҳаракат қиладилар.[3] 1938 йил 17 май куни Тошкент вилояти суди коллегияси мажлисида унинг жиноий иши кўриб чиқилди. Мазкур суд мажлисининг баённомасида ёзилишича, судланувчи Муҳамедова ўз айбини қисмангина тан олиб, бошқа айблар терговчиларнинг “тўқимаси” эканлигини айтган: “Мен, - деган у ушбу суд мажлисида, - талабалар орасида ҳеч қачон советларга қарши руҳда тарғибот олиб бормаганман. Мен рус қизлари билан хамиша дўст-иноқ бўлганман, улар менинг оғзимдан ҳеч қачон аксилинқилобий сўзларни эшитишмаган.

Мен 1927 йили Москвада ўқидим. Опамнинг эри Германияда бўлган. Эрим 1937 йил 16 декабрда қамалган. 1937 йили акам ҳам қамоққа олинди. У ўша вақтларда қурилиш институтининг талабаси эди. Шеърим ҳақида гапирадиган бўлсам, у бор-йўғи тўрт сатрдангина иборат бўлиб, унда мен дугонам эрининг ҳибсга олиниши ноҳақ бўлганлиги, унинг ҳалол киши ва партия аъзоси бўлиб, ҳеч қандай айби йўқлиги ҳақида сўзлаганман, холос. Лекин шеъримнинг мазмуни кейинчалик қарорда терговчилар томонидан ўзгартириб юборилган. “Мен ўзимнинг айбимни фақат шеър ёзганлигимда, деб ҳисоблайман. Суддан ёшлигимни ҳисобга олиб, жазо чорасини енгиллатишларини сўрайман. Мен камок лагерда ҳалол ишлаб, ўз хатоларимни тузатаман”. Суд хайъати аъзолари уни 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди ва 5 йил сайлаш-сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Шундай кейин Матлуба Муҳамедова жазо муддатини ўташ учун узок Сибирнинг “Усольский” лагерига жўнатилди. У ерда ўзига ўхшаган кўплаб бегуноҳ маҳбуслар билан бирга қаҳратон киши кунларида ўрмонда дарахт кесди, назоратчиларининг маҳбусларга нисбатан кўпол муомалалари ва ҳақоратларини ўз бошидан кечирди. Матлуба рўй берган адолатсизликларга чидай олмай, ҳақиқатни талаб қилиб, СССР прокуратураси ва бошқа юқори суд органларига мурожаат қила бошлади. Орадан икки йилча вақт ўтгач, 1940 йил 26 февраль СССР Олий Суди жинойий ишлар бўйича суд коллегияси мажлисида Тошкент вилояти судининг 1938 йил 17 майдаги Матлуба Муҳамедованинг иши юзасидан чиқарган ҳукми бекор қилинди.

Матлуба Муҳамедованинг кейинги тақдирини унинг опаси Маҳбуба Муҳамедова (1907-1978) нинг ўғли, ҳозирда меҳнат фахрийси, техника фанлари номзоди Урхон Жаббор ҳикоя қилиб берди. “Матлуба холам узок Сибирдаги қамоқ лагерларидан қайтганларида мен тахминан 7-8 ёшли бола эдим. У киши сургундан жуда озиб-тўзиб қайтган эдилар. Чунки, холам Сибирда ўрмон кесиш билан шугулланиб, кўп азоб чеккан ва у ердан ҳатто “бошқа Маҳмудова” деб ўзгартирилган фамилия билан қайтган эканлар. Шунга карамасдан, холам ТошМИДаги ўқишларини давом эттиришга киришиб, уни уруш йилларида тугатдилар ва Тошкентда шифокор-врач бўлиб ишлай бошладилар. Урушдан сўнг Воркутадаги қамоқ лагеридан тоғам Фатхулла Муҳамедов ҳам қайтиб келди. У 1937 йили Архитектура институтида талабалиги вақтидаёқ қамалиб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган ва ўша ёқларга сургун қилинган эди. Тоғам сургундан ўн йиллик оғир иш шароити ва совуқ оқибатида оғир хасталикка чалинган ва бунинг устига, унинг Тошкентда яшашига рухсат берилмай, маънавий эзилганлар. Шундан сўнг тоғам ўз шаҳрига сиғмай, Наманганга кетиб яшаган. Холам тоғамнинг кетидан кетиб, Наманганда врач бўлиб ишлаш билан бирга уларнинг оғир дардларини даволаган, унга ва оиласига моддий ёрдам бериб турган. Тоғамнинг Тошкентда яшашига фақат Сталин вафотидан кейингина рухсат берилиб, шундан кейингина у шу ерга қайтган. Унгача биз онам билан Матлуба холам ва Фатхулла тоғамларнинг аҳволидан хабар олиб туриш учун Наманганга бориб турганмиз. Холам Тошкентга келганидан кейин ҳам шифокор бўлиб ишлаб, кекса ота-онасидан, опаси Маҳбуба Муҳамедова ва бизларнинг (холамнинг болалари йўқ эди) ҳолимиздан хабар олиб турдилар. Чунки, менинг отам, машҳур химик олим Саттор Жаббор ҳам 1937 йилнинг бошларида Германия жосуси сифатида ҳибсга олиниб, биз, ёш гўдаклар ҳам, моддий ва маънавий кўмакка муҳтож бўлиб қолган эдик. Шундай қилиб, холам Намангандан қайтганларидан кейин ҳам кўп йиллар мобайнида ўз соҳаларида ишлаб, халқимизнинг сиҳат-саломатлиги йўлида ҳалол меҳнат қилиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлдилар. Шуниси қувончлики, у киши ҳаётлик вақтларида Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганини ўз кўзлари билан кўрдилар. Халқимизнинг совет мустамлакачилиги зулмидан қутулгани учун беҳад қувониб, бизларни мустақилликнинг қадрига етишга ва унинг барқарорлиги йўлида тинмай кураш олиб боришга даъват этган эдилар. Ва шу васиятлари ила у киши 1998 йили Тошкентда оламдан кўз юмдилар”.

Шундай қилиб, Матлуба Муҳамедова ва унинг эри таникли ўзбек зиёлиси, Ўзбекистоннинг дастлабки бинокор муҳандисларидан бири бўлган Восиқ Муҳамедов ва шу соҳанинг вакили бўлган акаси Фатхулла Муҳамедов ҳамда опасининг эри, машҳур ўзбек химик олими Саттор Жабборнинг бегуноҳ қамалиши ва жабрланишлари етмагандай, унинг

ўзи ҳам гуноҳсиз камалиб, бир неча йиллар узоқ Сибирь ўрмонларида оғир меҳнат ва ҳақоратларни бошдан кечирди.[4] Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, қатағонликнинг ўткир тиғи эркақлар қаторида аёлларни ҳам четлаб ўтмаган. Биз мустабид тузумнинг бундай ноқонуний ва шафқатсиз фаолиятини халқимизга етказишимиз лозим. Токи келажак авлод мустақилликни қадрига етиб, шукроналик билан ҳаёт кечиришсин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи архиви. П-8288. 1-варақ.
2. Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи архиви. П-8288.10-варақ.
3. Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи архиви. П-8288. 19-варақ.
4. Қор қўйнида лолалар. Қатағон этилган аёллар ҳақида очерклар. Тошкент. 2001 йил. 83-бет .
5. Рустам Шамсутдинов. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август-5 ноябрь). Иккинчи китоб. Шарқ. Тошкент. 2007 й. 5-б.
6. Рустам Шамсутдинов. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август-5 ноябрь). Иккинчи китоб. Шарқ. Тошкент. 2007 й. 10-б.

УЎК 93/94

“САҲИХУЛ-БУХОРИЙ” НИНГ МАҚДИСИЙ ҚЎЛЁЗМА НУСХАСИ”НИ ТАВСИФИ
И. Даурбекова, илмий ходим, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази,
Самарқанд

Н. Қобилов, илмий ходим, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Самарқанд

Аннотация. “Саҳиҳул Бухорий”нинг машҳур нусхаларидан бири аллома Тақиййуддин Абу Муҳаммад Абдугани томонидан кўчирилган “Мақдисиий” нусхасининг тавсифи ва аҳамиятли жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: қўлёзма, аллома, ҳадис, нусха, манба, Оксфорд, Кембридж кутубхона фондлари, Мақдисиий, Жамоилий

Аннотация. В данной статье приводится характеристика значительные аспекты “Мақдисиичиская” копии “Сахих ал-Бухарий” который был переписан Тақиуддином Абу Муҳаммадом Абдугани

Калит сўзлар: қўлёзма, аллома, ҳадис, нусха, манба, Оксфорд, Кембридж кутубхона фондлари, Мақдисиий, Жамоилий

Abstract. One of the most famous copies of Imam Bukhari, the description and important aspects of the copy of “Maqdisi” copied by the scholar Taqiyyudin Abu Muhammad Abdugani. The role of the scholar in the Islamic world is also mentioned.

Калит сўзлар: қўлёзма, аллома, ҳадис, нусха, манба, Оксфорд, Кембридж кутубхона фондлари, Мақдисиий, Жамоилий

Мамлакатимизда ислом маданияти ва маърифатини ўрганиш, татбиқ этиш аждодларимизнинг илмий меросини ўсиб келаётган авлодга етказиш учун олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва тарихий манбаларни ўрганаётган тадқиқотчилар қайси мавзуни ёритишидан қатъи назар, уни кенгроқ ва янги маълумотлар билан тўлдириб, асосий манбага таянган ҳолда иш олиб боришга ҳаракат қилади. Тадқиқотчиларимиз мустақилликнинг дастлабки давридан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги қўлёзмалар фонди, СамДУ қўлёзмалар фонди, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази фонди, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази фонди, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси фонди ва бошқа фондларда сақланаётган мана шундай улкан меросни тадқиқ этиб, кенг афкор оммага тақдим этиб келмоқда.

Жаҳонда бирорта машҳур кутубхона йўқки, у ерда аждодларимиз қаламига мансуб қўлёзма асар бўлмасин. Британия музейи, Париж Миллий кутубхонаси, Оксфорд, Кембриж кутубхоналари, Голландия, Германия, Франция, Испания, Италия, Туркия, Эрон, Ҳиндистондаги кутубхоналарда юртимиз алломаларига тегишли кўплаб қўлёзма асарларнинг намуналари сақланиб келинмоқда. Жумладан, Имом Бухорийнинг илмий мероси, хусусан “Саҳиҳул Бухорий” асари кириб бормаган бирор кутубхона бўлмаса керак. Алломанинг ҳаёти ва илмий меросига оид илмий изланиш ва тадқиқотлар неча асрлардан буён давом этиб

келмоқда. Шу сабабли дунё кутубхоналарининг барчасида Имом Бухорий асарлари ёки унга оид шарҳларни кўплаб учратамиз. Имом Бухорий асарларининг қўлёзма нусхалари дунё кутубхона фондларини илмий ва моддий жиҳатдан бойитиб келмоқда. Ана шундай қўлёзмалардан бири “Саҳихул Бухорий” нинг машҳур беш нусхасидан бири бўлган “Мақдисий” нусхаси ҳисобланади.

Ислом оламида ҳадис илми билан шуғулланган кўплаб муҳаддис алломалар ҳадис илмини тараққий эттиришига муносиб ҳисса қўшган. Улар ҳаддан зиёд кўп бўлгани боис ҳаммасини номма-ном келтириб ўтирмаймиз.

Уларнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақидаги қимматли маълумотлар араб тилидаги Ўрта аср манбаларида ҳам келтирилган. Жумладан, Хатиб Бағдодий [6], Нажмиддин Умар Насафий [10], Абу Саъд Самъоний [12], Шамсиддин Заҳабий [14], Ҳожи Халифа [13] асарларини зикр этиш мумкин.

Шом диёри кўплаб диний ва дунёвий фанлар ривожига ўз ҳиссасини қўшган етук алломалар вояга етган заминдир. Шундай олимлардан бири имом, хофиз, фақиҳ, муҳаддис Тақийуддин Абу Муҳаммад Абдуғани ибн Абдувоҳид ибн Сарур ибн Рофиъ ибн Ҳасан ибн Жаъфар Мақдисий бўлиб, уламоларнинг айтишича, насаби Жаъфар ибн Абу Толибга бориб тақалади. Аллома 541/1146 йили Наблусда Жамоилий қишлоғида туғилган. Ота-боболари зиёлилар сулоласи оиласи бўлгани учун ёшлигидан илм ўрганишга қаттиқ киришган. Ўта тақводор, ибодатгўй, зеҳни ўткир, хотираси кучли бўлиб, ҳадис илмига иштиёқи баланд бўлган. Дамашқнинг машҳур шайх, олимларидан дарс олиб, Байтул Мақдис, Миср, Искандария, Бағдод, Ҳаррон, Мўсул, Ҳамадон, Исфаҳон каби катта шаҳарларга илмий сафар қилган, замонасининг буюк алломаларидан сабоқ олган ва кўплаб ҳадислар тинглаган [14].

Сўнгра Дамашққа қайтиб келиб, китоб таълиф қилиш билан шуғулланган ва исломий билимларнинг турли соҳаларидан дарс берган. Имом Абдуллоҳ Басирининг маълумотида кўра, Мақдисий 50 дан ортик асар ёзган бўлиб [2], энг машҳурлари: “ал-Мисбоҳу фил уйун ас-саҳиҳ ал-ҳадис”, “Нихаятул мурод”, “ал-Камол”, “ал-Умда ал-аҳком” асарларидир. Алломанинг фикҳ, калом илмига оид бошқа асарлари ҳам мавжуд. Ундан Ибн Баттий, Абу Мусо Мадиний ва бошқалар мингдан зиёд ҳадис тинглаган ва ёзиб олган. Ибн Халил, ибн Абдудоим ва Муҳаммад ибн Муҳалҳал Ҳусайний ва бошқа кўплаб шогирдлари ҳам алломадан ҳадис ривоят қилган.

Имом Абдулғани Мақдисий умрини илмга хизмат қилиш учун бағишлаган. У ҳижрий 600/1203-йил 59 ёшида Қоҳирада вафот этган.

Абдулғани Мақдисийнинг буюк хизматларидан бири Шарқда самимий меҳр-муҳаббат, катта ҳурмат-эътибор билан тилга олинадиган муҳаддис аллома Имом Бухорийнинг шоҳ асари - “Саҳихул Бухорий” дан ўз дастхати билан нусха кўчирганидир. Ушбу қўлёзма бугунги кунда Германиянинг Лейпциг университетини кутубхонаси фондида сақланмоқда. Кутубхона фондида XIII-XIX асрларга оид 11900 та қадимги нодир Шарқ қўлёзмаси ва санъат тарихига оид асар мавжуд [5]. №1326 рақам остидаги “Саҳихул Бухорий” ни муҳаддислар “Жамоилий нусхаси” деб ҳам атайдилар. Қўлёзманинг хошиясидаги ёзувларда Дамашқ шаҳрида 630/1233 йили (14 Муҳаррам ойи 600х.й.) Рамазон ойининг охири, пайшанба кунини аллома Забидийдан тинглангани ва бу мажлисда иштирок этган Шоҳ Арман ибн Маликул Одил Абу Бақр Муҳаммад ибн Айюб, Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Юниний, Хофиз Абдулғани Мақдисийнинг набиралари ва бошқа олимлар бирма-бир санаб ўтилган [1: 5: 245⁶].

Айнан шу нусхадан аллома Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Юниний кўчириб, уни “Юниний нусхаси” деб ҳам номлаган.


Шунингдек, асар “Ҳусайн ибн Забидий йўли билан Абулвақт Сижзийдан, у Абулҳасан Довудий, у Сарахсийдан, у Фирабрийдан, у Бухорийдан ривоят қилган” деган маълумот мавжуд [17: 20]. Бу маълумот, нусханинг ишончли ва тўлиқ эканидан далолат беради. Асар 263 бетдан иборат ва насх хатида ёзилган. Нусханинг котиби ва соҳиби юкорида таъкидланганидек, аллома Абу Муҳаммад Абдулғани Мақдисийдир.

“Ал-жомий ас-саҳиҳ”нинг мазкур бешинчи жилд нусхаси “Қурбонликлар китоби”дан бошланиб, боблари алоҳида қалин ҳарфлар билан ёзилган. Шунингдек, асарнинг 33


саҳифасида “Тиб китоби” киритилган бўлиб, унда аксар боблар беморлар ва уларни зиёрат қилиш тартиблари ҳақида баён қилинган ҳадислар келтирилган [1: 5: 33^a].

سمح جميع هذا الخبر وهو الخامس من كتاب البحار على الشيخ الامام العالم الشريف
 ابو محمد موسى بن يحيى بن الحسين بن ابي البركات الهاشمي حقه سماعه من ابي الوفاء عبد الاول
 تقراه الفقيه معين الدين ابو الفضل نعمت الله بن نعمت الله بن يحيى بن الحسين بن عبد الرحمن
 الشيخ الامام العالم الاوسط جمال الحفاظ ابو محمد بن عبد العزيم بن عبد الواهر بن علي بن ابو محمد
 عيسى بن الامام العالم موفق الدين ابو عبد الله بن احمد بن محمد بن ولده وارثه ابو محمد بن عبد
 الله بن الامام ابي عمر بن احمد بن القصد بن عبد الله بن محمد بن عبد الحارث بن ابو العباس احمد بن
 عبد الملك بن عثمان بن اسحاق بن عبد الله بن ابراهيم بن محمد بن خلف بن محمد بن عبد الرحمن
 ابن ابراهيم بن ابي المقدس بنون والامير الامام العالم ابو المنصور مهلهل بن ابراهيم بن
 يوسف الجيني الانصاري وابراهيم بن عبد الوهاب بن عبد الكريم بن يحيى بن عبد القادر
 ابن الشيخ طاهر بن الشيخ الامام العالم ابي عمر بن عثمان بن زروق واخوه ابو الحسين واولاده عبد
 الكريم وعبد الحميد وصالح بن ماضي القاسمي وابراهيم بن صالح بن يونس بن ابي اسحاق بن يوسف
 بن خلف بن يوسف الجيني السديري والقصد بن الحسين بن علي بن شبيب بن محمد بن موسى
 وموسى بن ابراهيم بن عبد الله بن عبد الحميد ولد الفقيه جمال الدين بن اسحاق بن عبد الوهاب
 الجيني وعبد الله بن ابي عبد الواهر بن عبد الله بن ابي اسحاق بن يوسف بن علي بن ابراهيم بن
 الحسين بن علي بن محمد بن صالح بن الكاشي وعمر بن جسي بن موقا الكاشي وولده عبد القوي
 بن عثمان بن صالح بن الربوي العسقلاني بن عبد الصمد بن حسن بن محمد الجيني وعبد المصعب بن
 عبد الله بن علي بن المديني وابراهيم بن علي بن معروف العمري وعلي بن زرق بن منصور العطار


باب من ذبح الضحية غيره ثم ساق حديث عائشة
 عن عبد الرحمن بن ابي القاسم عن ابيه عن عائشة قالت دخل
 علي رسول الله صلى الله عليه وسلم فقال يا ابا عبد الله فقال
 مالي انفسيت قلت نعم قال فما باله لم يتركه لبيته
 علي فاني لدمي ارضي ما يقضي الحاج غير ان لا
 بالبيت وضاح رسول الله عليه السلام عن نسيان بالقرآن
باب من ذبح الضحية غيره ثم ساق حديث عائشة
 حدثنا حاج بن المنهال قال سمعت ابا عبد الله قال اخبرني زيد
 قال سمعت النبي صلى الله عليه وسلم يقول يا ايها الذين آمنوا
 عليه بخصب فقال ان ابي ما سئل من يومنا هذا ان
 يصلي من رجوع فمكروا به فاجابوا فقالوا لا يصلي
 من رجوع فاجابوا هو كرم بقدره لا اعله لبيته من النبي
 في شيء فقال ابو تراب ما رسول الله لا يحب قبل ان يصلي
 وعنده من حبه خير من مائة الف فقالوا لا يصلي
 من رجوع فاجابوا هو كرم بقدره لا اعله لبيته من النبي
باب من ذبح الضحية غيره ثم ساق حديث عائشة
 حدثنا علي بن ابي حمزة قال سمعت ابا عبد الله قال
 اخبرني زيد بن ابي عمير قال سمعت النبي صلى الله عليه وسلم يقول
 يا ايها الذين آمنوا عليه بخصب فقال ان ابي ما سئل من يومنا هذا ان
 يصلي من رجوع فمكروا به فاجابوا فقالوا لا يصلي
 من رجوع فاجابوا هو كرم بقدره لا اعله لبيته من النبي



Асарнинг 50 саҳифасида иккинчи бор “Тиб китоби” келтирилган бўлиб, дардларга шифо бўлувчи воситалар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадислари орқали баён қилинган [1: 5: 50^а].



Мазкур қўлёзма нусха “Мерос китоби” “Ким бирор гуноҳ ишни қилиб қўйса” боби билан яқунланган.



Дарҳақиқат, Имом Бухорий асарларининг қўлёзма нусхалари дунё мамлакатлари кутубхона фондларининг ўзига хос фахри ва бойлигининг аломатига айланган. Қўлёзмаларнинг энг аҳамиятли жиҳати шундаки, мисол қилиб ҳадис манбаларини олсак, ҳозир нашр қилинаётган ҳадис китобларининг охирида, албатта, унинг аслига тўғрилигини тасдиқлайдиган манба кўрсатилади. Яъни, қўлда кўчирилган бу ноёб тарихий ҳужжатлар маълумотларни ўзгартириб кетишдан, илмий адабиётларга нотўғри маълумотлар қўшилиб қолишидан сақлайди. Шунинг учун ҳам асл манбаларни авайлаб-асраш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. “Ал-Жомий ас-саҳих”, Макдисий қўлёзма нусхаси. 5-жуз. Лейпциг университетети (Германия), №1326 рақамли қўлёзма.
2. Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur. Bd.I. – Weimar. Verlag von Emil Felber, 1898.; ўша муаллиф. Geschichte der arabischen Litteratur. Erster Supplementband. – Leiden. E.J.Brill, 1937.
3. <https://oliymahad.uz/4846>
4. Robson J. “Al-Darimi” // Encyclopedie de l’Islam. Nouvelle ed. T. 2. – Leiden – London: Brill, 1965.P-164.
5. Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums. Bd.I. – Leiden, 1967.
6. [www. Wikipedia.org/wiki/Universitätsbibliothek Leipzig](http://www.Wikipedia.org/wiki/Universitätsbibliothek_Leipzig)
7. Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Ҳофиз Бағдодий “Тарих Бағдод ав мадинат ас-салом”. 14 жилд. – Байрут: Дор кутуб илмийа, 1997.
8. Бёртон Дж. “Мусульманское предание: введение в хадисоведение” / Пер. с англ. – Спб., – М.-С.:56 2006.
9. Гольдциер И. “Лекции об исламе” / пер.с немецкого А.Н.Черновой. – Брокгауз-Ефрон, 1912.
10. Грюнбаум Г. “Классический ислам. Очерки истории” (600-1258). – М.: Наука, 1986.
11. Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Насафий. “Китобул канд фи зикр уламо Самарқанд” / Назар Муҳаммад ал-Фарёбий таҳрири остида. “Мамлака Арабия Саудийа” Мактабат кавсар, 1991.
12. Рудольф У. “Аль-Матуриди и суннитская теология в Самарканде” – Алматы. 1999.
13. Самъоний Абу Саъд Абдукарим ибн Муҳаммад ибн Мансур Тамимий. “Ал-Ансоб” 5 жилд. Абдуллох Умар Барудий таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-фикр, 1998.
14. Ҳожи Халифа “Кашф аз-зунун ан асами ал-кутуб ва-л-фунун” 2 жилд. – Истанбул, 1941-43.
15. Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. “Сийар аълом ан-нубало” 23 жилд – Байрут: Муассасат ар-рисола, 1992., <https://islamweb.net/ar/library> <http://hadithtransmitters.hawramani.com>
16. Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. “Сийар аълом ан-нубало” 23 жилд. – Байрут: Муассасат ар-рисола, 1992.
17. Намозижун минал усулил махтутот ли нусахи “ал-Жомий ас-саҳих”. “Марказус суннати ват туросин набавий” нашриёти.Риёз. 20-б. نماذج من الأصول المخطوطة لنسخ الجامع الصحيح للإمام البخاري من مكنتات

УЎК 94(575.1)

МАҲАЛЛИЙ МУАРРИХЛАР АСАРЛАРИДА СУРХОН ВОҲАСИ ТАЛҚИНИ

*А.А.Қаршиев, стажёр-тадқиқотчи, Денов тадбиркорлик ва педагогика институти,
Денов*

Аннотация. *Мазкур мақолада Бухоро амирлигида мангитлар сулоласи тарихи ва амирлик таркибида бўлган Сурхон воҳаси ҳақида маҳаллий тарихчилар асарларидаги маълумотлар таҳлил этилган.*

Калим сўзлар: *Бухоро амирлиги, мангитлар сулоласи, Денов беклиги, Шеробод беклиги, Алмосбий.*

Аннотация. *В статье анализируется история династия Мангытов в Бухарском эмирате и сведения о Сурханском оазисе в трудах краеведов.*

Ключевые слова: *Бухарский эмират, династия Мангытов, Денауское бекство, Шерабадское бекство, Алмосбий.*

Abstract. *The article analyzes the history of the Mangyt dynasty in the Bukhara Emirate and information about the Surkhan oasis in the works of local historians.*

Key words: *Emirate of Bukhara, Mangyt dynasty, Denau beklik, Sherabad beklik, Almosby.*

Бухоро амирлиги таркибида бўлган Сурхон воҳаси тарихини ўрганишда маҳаллий муаррихлар томонидан ёзилган асарлар алоҳида аҳамиятга эга. Сурхон воҳасининг биз тадқиқот олиб бораётган давр тарихига оид манбаларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: архив ҳужжатлари, маҳаллий муаррихлар томонидан ёзилган асарлари, ушбу ўрганилаётган даврда яшаб, тарихий жараёнларда бевосита иштирок этган рус амалдорлари, ҳарбийлари, сайёҳлари, географ олимлари томонидан ёзилган асарлар, хотиралар ва ҳисоботлар.

Илмий тадқиқотнинг асосий манбаларидан бири архив ҳужжатлари бўлиб, Ўзбекистон Миллий архиви (Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви) фондларидаги ҳужжатлардан ташкил топган. Илмий тадқиқотда Ўзбекистон миллий архивининг қуйидаги фонди: Бухоро амирлиги қўшбегисининг архиви (И-126-фонд) материалларидан фойдаланилди [11].

Масалан Бухоро амирлиги қўшбегисининг архиви (И-126-фонд) материалларидан Фонд. И-126. Опис-1. 1-бетида, Давлат хазинасининг ноқонуний сарфланиши ҳақида яний Эй ўз бандаларини суйгувчи зот дея Бухоро амирига Денов беклигида амирга хизмат қилган бир вакил шахс ушбу хатда маълум қилмоқда.

Ҳимоячи қўрғон бўлмиш Дехнав вилояти ва шахрининг солиқчиси бўлмиш Муҳаммад Яъқуб тўқсоба ўз ғуломлари билан амирлик намунаси бўлмиш донишмандларнинг сараси Алмосбий мирохур номли амлоқдорнинг ҳовлисига келиб, у ерда уч кеча турганлиги. Ушбу мирохур, тўқсоба кетаётган чоғида, унинг ғуломига (қулига) бир бош яхши от, бир туп рўмол, бир дона фаранги(европача) кийим ва бир дона ҳисорий ипакдан тўқилган кийим берганлиги, Алмосбий ғуломишон Дехнов ва Юрчи ва унга қарашли жойларни аминонасини (яний тазвин пулини-солиғини) Назар мирохурга топширганлиги аммо шу пул(яний солиқдан йиғилган пуллар)ни мирохур Назарбий эртани ўйламасдан харжу-харажат қилаётганлигини, бунга мисол қилиб, ҳар кеча уникага 30(ўттиз)та отлиқ уникага келиши ва отларга Назар мирохурнинг хизматкорлари қарашлари ҳақида ушбу хатда хабар берган.

Шунингдек, учта меҳмонхонаси борлиги, ҳамиша меҳмонхонаси хизматкор ва ғайри хизматкорлардан тўлаллиги, одамлар кечаю-кундуз шу ерда ошу-нон ейишлари, ҳар кун бозорга бориб қўп нарсалар олиб келишганлиги, мирохур бундай ўйламасдан харажат қилса давлатимизнинг хазинасига зиён етиши аниқлиги тўғрисида арз қилган.

Ўзбекистон миллий архивида сақланаётган Бухоро амирлиги қўшбегисининг архиви фонди ҳужжатларида воҳадаги XVIII асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида бўлган тарихий жараёнлар, яъни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва савдо соҳаларида рўй берган ижобий ва салбий ўзгаришлар шунингдек, амалдорлар ўртасидаги аниқ маълумотлар алмашинуви уларнинг қўшбегига йўллаган ҳисоботлари ўз аксини топган.

Ушбу тадқиқот ишини ёзишда маҳаллий ёзма манбалар, жумладан, Муҳаммад Вафойи Карминагийннинг “Тухфат ул-хоний” (Хоннинг тухфаси) ёки “Тарихий Раҳимхоний” ([Муҳаммад] Раҳимхон тарихи) [1, Б.237], Мулло Ибодулла ва Мулла Муҳаммад Шарифнинг “Тарихи амир Ҳайдар” (Амир Ҳайдар тарихи) [12, Б.1836], Мир Олим Бухорийнинг “Фатхномаи султоний” (Султон фатхномаси) [1, Б.239], Аҳмад Донишнинг “Таржимаи аҳволи амирони Бухоро” (1885 йилдан кейин ёзилган), Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний (1838/39-1914 йилдан кейин)нинг “Тарихи салотини Манғития” (Манғит ҳукмдорлари тарихи) [3, Б.109], Мирза Салимбекнинг (тўла исми: Мирза Салимбек ибн Муҳаммад Раҳим)нинг “Тарихи Салимий” (Салимий тарихи) [6, Б.330], Муҳаммад Али Балжувонийнинг “Тарихи нофеий” (Фойдали тарих)номли асарларидан ҳам тарихий манба сифатида фойдаланилди.

“Тарихи нофеий” (Фойдали тарих) асари XX аср бошлари Бухоро амирлигига оид муҳим маълумотлар беради. Амирликнинг давлат тизими, идора усули, 1918-1922 йиллар давомида юз берган сиёсий воқеалар гувоҳ томонидан баён этилган [9. Б.2].

Муҳаммад Вафойи Карминагийннинг “Тухфат ул-хоний” (Хоннинг тухфаси) ёки “Тарихий Раҳимхоний” ([Муҳаммад] Раҳимхон тарихи) асари Бухоро хонлигининг 1722-1782 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихи, манғитлар сулоласининг биринчи ҳукмдорлари ва уларнинг олиб борган сиёсатини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

“Тухфат ул-хоний” сажъ* усулида билан ёзилган, лекин воқеаларнинг тўла ва кенг ёритилиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, географик ва этник далилларга бойлиги билан биринчи даражали манбалар қаторида туради. Асар Бухоро хонлигида XVIII асрнинг 20-йилларидан бошлаб кучайиб кетган иқтисодий ва сиёсий тангликни, ижтимоий-сиёсий тарқоқликнинг кучайиши ва бунинг натижасида марказий давлат бошқарувининг заифлашуви, манғит ҳукмдорларининг улуслар ва қабилаларни бўйсундириш мақсадида олиб борган тинимсиз урушлари ва бунинг оқибатида кўплаб шаҳар ва қишлоқларнинг вайрон этилиши, меҳнаткаш халқ турмушининг оғирлашиб бориши ва унинг асосий сабабларини аниқлашга ёрдам бериши мумкин бўлган далилий маълумотларга бойдир [1, Б.237].

Муҳаммадшариф ибн Муҳаммаднақийнинг «Тож ут-таворих» (Тарихлар тожи) асарида манғит амирлари, хусусан, Муҳаммад Раҳимхон ҳукмронлиги даври ёритилган. **Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Нақий** (XIX-аср) — Бухоро тарихнавислик мактаби намоёниси бўлиб, Бухоро хонлиги тарихига оид «Тож ут-таворих» асарини ёзган (1800 йил). Асарда Чингизхон ва унинг авлодлари, шайбонийлар ва аштархонийлар тарихи, манғитларнинг шажараси, амир Ҳайдар ҳукмронлигининг дастлабки йилларидаги воқеалар хусусида сўз боради. Шунингдек, мазкур асарда 1757 йил 4 майда Деновда кўтарилган йирик кўзғолон, ва унинг 40 минг кишилик кўшин билан Муҳаммад Раҳимхон томонидан шафқатсизларча бостирилгани қаламга олинган [10, Б.17].

Воҳанинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётига оид зарур маълумотлар ва манғитлар ҳукмронлик қилган ҳудудлар географияси, топографик ҳамда этник номлари Мирзо Абдулазим Сомийнинг “Тарихи салотини манғитийа” [3, Б.109] асарида келтирилган. Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний [1839 – Бухоро, Бўстон қишлоғи (ҳоз. Қизилтепа тумани) — 1908] — тарихчи олим, хаттот. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Устози Қози Саъиддин Моҳир [8, Б. 2727-76 а, б вв.] маслаҳати билан Сомий — «олижаноб, юксак» таҳаллусини олган [1, ЭР. [mirzo-abdulazim-somiy-bostoniy-uz/](#)]. У дастлаб Бухоро амирлари саройида, хусусан амир Музаффар (1860-1885) ва амир Абдулахад (1885-1910)лар ҳукмронлиги даврида сарой мунший* си вазифасида ишлаган.

Мирзо Сомий узоқ йиллар давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай, сермахсул ижод қилиб, бир қанча асарлар яратди. Унинг тарихий асарлари сирасига “Даҳмаи шоҳон”, “Тухфаи шоҳий” ва “Тарихи салотини манғитийа” [4, Б.141]ни келтириш мумкин. Ушбу

асарлар манғит амирлари тарихига бағишланган. “Тухфаи шоҳий” 1898-1903 йилда, “Тарихи салотини манғитий” эса ундан бироз кейин, яъни 1906-1907 йилда ёзилган.

«Тухфаи шоҳий» ва «Тарихи салотини манғития» тарихий асарлари битта давр — манғитлар сулоласи тарихига бағишланса ҳам, бир-биридан кескин фарқ қилади. 1-асар расмий сиёсат талаблари даражасида ёзилган бўлса, 2-асарда муаллиф Бухоро амирлигининг манғитлар ҳукмронлик қилган даврини танқидий нуқтаи назардан баҳолайди.

Иккала асар орасидаги фарқлар: асарнинг ҳажми ва хронологик чегараси, легитимация* масаласи, ҳукмдорлар ва тарихий шахсларга берилган баҳода кўринади. Ушбу асарда хусусан, маҳаллий ҳукмдорлар, бек ва амлокдорлар ҳақида ҳам маълумот беради. Ушбу манбанинг маълумотлари воҳанинг сиёсий тарихини янада кенгрок ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Сомийнинг хабар беришича, Амир Музаффар Шарқий Бухоро ерларига рус губернатори билан дўстона муносабатни ўрнатгач, қўлдан кетган Зарафшон воҳаси ҳудуди ўрнини тўлдириш, иккинчидан Абдулмалик тўрани кўллаб-қувватлагани, учинчидан худуднинг стратегик нуқталигини ҳисобга олгани ҳолда ўзининг ҳарбий юришларини бошлади. Шеробод беклиги қўнғиротлари ва сарой қабилаларидан ўч олиш учун даставвал Қарши беги этиб Абдумўминтўра ва Ғузор ҳокими этиб Ёқубқушбегини тайинлаб уларни ҳарбий қуролланган кўшин билан Шерободга жўнатди [3, Б.109]. Сомий мазкур асарининг кўп жойларида маҳаллий ҳукмронлар, бек ва амлокдорлар ҳақида ҳам маълумот беради.

Аҳмад Донишнинг “Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғития” (Рисола ёки манғитлар сулоласи ҳукмронлиги тарихи) асарида Бухоро ва Россия ўртасидаги алоқалар кенг ёритилган [2, Б.92]

Бухоро тарихнавислик мактаби вакилларида бири бўлмиш Мирзо Бадиъ Девоннинг “Мажмаъ ул-арқом” асарида Бухоро амирлигида маъмурий, молия, солиқ тизими, ҳазинадаги қирим ва чиқимлар, васиқа ва аризалар тузиш қоида-тартиблари кенг ёритилган. Мазкур асарда муаллиф амирликдаги амал ва мансаблар, улар эгаларининг вазифа ва мажбуриятларини баён қилиб, тадқиқотчиларга муҳим маълумотларни қолдирган [7, Б.122].

“Шеробод вилоятининг узунлиги қибладан то шарқий томонгача олти фарсах, шимолдан жанубга қадар бўлган масофа етти фарсахни ташкил этарди. Вилоят беш амлокликдан иборат. Унинг қибла, жанубга қараган томонида Жайхун деб аталадиган дарё оқиб ўтади. Чўчкагузар билан Паттакесар ўртасидаги масофа етти фарсах. Дарёнинг қирғоғи бўйлаб туркман қабилалари истиқомат қиладилар. Улар юқорида қайд қилинган амлокликлардан ташқарида яшасада, ҳар йили белгиланган ер солиғини Шеробод ҳокимига тўлаб келадилар.” Асарда воҳа аҳлининг деҳқончилиги ва унинг ўзига хос томонларини қаламга олган. Умуман олганда, “Тарих-и Салими” Бухоро амирлигининг 1860-1920 йиллар тарихини ўрганишда муҳим қўлланма.

Шунингдек, Мирзо Салимбекнинг Бойсун ва Шерободда бек лавозимида ишлаган даврда бекликларнинг бошқарилиши, қишлоқ хўжалиги учун экинзорларнинг кенгайтирилиши, ўзи ҳам янги ерлар ўзлаштириб катта даромад олгани, воҳанинг иқлими, суғорилиш тизими ҳақида кўплаб маълумотлар келтирган [6, Б.330].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аҳмедов Б., Ўзбекистон тарихи манбалари (Қадимги замон ва ўрта асрлар). Т.: Ўқитувчи, 2001.-Б.237.
2. Дониш Аҳмади Махдум. Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғития. Таҳия Далер. – Душанбе: Сарват, 1992. – 92 с.
3. Мирза Абдал Азим Сами. Тарих-и салатин-и манғитийа (история мангытских государей). / Издание текста, предисловие, перевод и примечания Л. М. Епифановой. – Москва: Восточная литература, 1962. –С.109
4. Мирзо Абдулазим Сомий. Даҳмаи шоҳон. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, № 2188. 141 б – 171 а вв; Ўша муаллиф. “Тухфаи шоҳий” ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, №2091-298 в; Ўша муаллиф. Тарихи салотини манғития
5. Мирза Салимбек. Тарих-и Салими. – Т., 2009. – С. 6.
6. Мирза Салимбек . Тарих-и Салими (источник по истории Бухарского эмирата) / Перевод с персидского, вводная статья и примечания: ки. н. Н. К. Норкулов. Редактор перевода: д. ф. н. А. К. Арендс. Предисловие,

редактор ввeдения и примечаний: д. и. н. А. С. Сагдуллаев. – Ташкент: Akademiya, 2009. – 330 с.; Мирзо Салимбек. Кашкўли Салимий. Таворихи мутақаддимин ва мутааххирин / Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз, изоҳлар муаллифи Н. Йўлдошев. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 2003. – 344 б.

7. Мирза Бади' Диван. Маджма' ал-аркам (предписания фиска, приёмы документации в Бухаре XVIII в.). Факсимиле рукописи, введение, перевод, примечания и приложения А. Б. Вильдановой. – Москва: Наука, 1981. – 122 (+198).

8. Мир Мухаммад Хикмат. Тазкират аш-шуаро. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, инв.№ 2727-76 а, б вв.

УЎК 36 (392)

“ПОДШО-ВАЗИР” ЎЙИНИ (Хоразм вилояти мисолида)

У.Б.Махмудов, кичик илмий ходими, Хоразм Маъмун академияси, Хива

Аннотация. Ушбу мақолада Хоразм ҳудудида азалдан ўйналиб келинган “Подшо-вазир” ўйини тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар. Ошиқ, йўрга, гурунг, олчи, пикка, чикка, подшо, вазир, сўфи.

Аннотация. В данной статье представлена информация об игре “Падша-вазир”, в которую издавна играют в Хорезмской области.

Ключевые слова. Ашиқ, йорга, гурунг, алчи, пика, чикка, падша (царь), вазир (министр), суфий.

Abstract. This article provides information about the game “Padsha-vazir”, which has long been played in Khorezm.

Key words. Ashiq, yorga, gurun, alchi, pikka, chikka, padsha (king), vazir (minister), sufi

Ҳар бир халқнинг маданий-маънавий хазинасида халқ ўйинларининг ўрни катта ҳисобланади. Халқ ўйинлари вужудга келиши ёки ривожланишига кўра ғайриоддий ҳодиса бўлмасдан, балки ҳар бир халқнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётини образли ҳамда муайян тарзда акс эттирадиган фаолият тури ҳисобланади.

Халқ ўйинлари халқ ижодиётининг ўзига хос жанри бўлиб, кўп асрлик тарихга эга. Уларда турли хил тарихий даврларда халқлар ҳаётининг у ёки бу кўринишлари аниқ акс этганлиги билан аҳамиятли саналади.

Хусусан, Хоразм воҳасида ҳам кўпгина ўзига хос қизиқарли халқ ўйинлари мавжуд бўлиб, улар узоқ замонлардан буён ўйналиб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келган.

Шундай ўйинлардан бири “Подшо-вазир” ўйинидир. Бу ўйин тўй ва зиёфатларда, гурунг*ларда йигитлар даврасида навбатма-навбат ошиқ отариш (ташлаш) йўли билан ўйналган.

Ошиқ сўйилган кўйнинг кейинги икки оёғи тиззаси бўғимидан ажратиб олинган. Ошиқнинг тўрт томонини ҳам ўз номи бўлиб, унинг юқоридаги ботиқ томони — олчи-подшоҳ, пастки текис томони — товва-вазир, ёнбош қабарик томони — пикка-сўфи (айбсиз), унга қарама-қарши бўлган ботиқ томони — чикка гуноҳкорликни билдирган [10. Б. 86].

Бу ўйинда йигитлар даврасининг ўнг томонидаги киши ошиқ ташлаб ўйинни бошлаб берган. Сўнгра галма-гал ўз навбати билан ошиқ ташлаш давом этиб, даврани қайта-қайта айланаверган. Ошиқ ташлаш давомида подшо ва вазир аниқланмагунча гуноҳкорлар ҳисобга олинмаган. Подшо ва вазир эса ошиқ ташлаш йўли билан давра иштирокчиларидан сайланган [3].

Вазирлик лавозимида эришган киши қамчидек эшиб тайёрланган дуррани қўлига олади ва ошиғи олчи тушган кишининг олдида бориб, унга подшоҳлик тожи сифатида салла ўрайди. Сўнгра иккови орасида (иккови ҳам чўкка тушиб ўтирган ҳолда) суҳбат бошланади:

Вазир. Ассалому алайкум, подшойим, хизматингизга келдик (қўл олишиб саломлашадилар).

Подшо. Хизматимизга ярайсизми?

* Гурунг – Хоразм вилоятида эркаклар йиғини (зиёфати) шундай юритилади.

Вазир. Хизматингиз билади.

Подшо. Халойикни тартибга чақиринг.

Вазир. Хўп бўлади (*вазир даврадагиларни подшо қандай ўтирган бўлса, шу тахлитда ўтиришга мажбур қилади.*)

Вазир. Подшойим, халойик тинч. Йўрғани* юритишга ижозат беринг.

Подшо. Йўрғани юритинг. Навбати келган киши ошиқни ташлайди. Ошиғи пикка тушса, ошиқ навбатдаги кишига ўтади. Агар ошиғи чикка тушса, дарҳол вазир подшога мурожаат қилади.

Вазир. Подшойим, дод.

Подшо. Арзингни айт.

Вазир. Мен бир ўғри тутдим.

Подшо. На* ўғриси?

Вазир. Олма ўғирлаётганда тутдим.

Подшо. Олма узган кўлига беш жуфтдан дарра уринг.

Айбдор. Подшойим, арзим бор.

Подшо. Айбдор, арзингни айт.

Айбдор. Шеригим бор.

Подшо. Шеригини ҳам синаб кўринг.

Яна навбатдаги киши ошиқ ташлайди. Унинг ошиғи пикка тушса айбдор билан иккови туриб подшога “қуллуқ, подшойим” деб таъзим қилиб ўтирадилар. Агар чикка тушса, подшо ҳар икки айбдорни ҳам беш жуфт даррадан уришга буюради. Ҳукми вазир ёки унинг топшириғи билан даврадаги бир киши ижро қилади. Бунда ҳам айбдорлар ҳукми ижро қилувчи билан бирга подшога “қуллуқ, подшойим” деб таъзим қиладилар. Подшонинг ижозати билан улар ўз ўринларига ўтирадилар. Вазир эса яна подшодан рухсат олиб, ўйинни давом эттиради. Ўйин давомида кимнинг ташлаган ошиғи чикка тушса, уларнинг ҳар қайсисига вазир турли айбдордан бирини рўқач қилади. Подшонинг буйруғи билан от ўғриси давра айлантриб минилади ва отдай кишнатилади. Эчки ўғрисини уриб маъратадилар. Эшак ўғриси ҳам эшакдай ханграйди ва минилади. Вазир баъзан подшога Сизнинг ҳузурингизга битта раққосани олиб келаятгандим, бу киши уни ўғирлаб кетди, дейди, айбдорни кўрсатиб, подшо эса ундан раққоса бўлиб “Лазги” ёки “Норим-норим”, “Оразибон” куйларидан бирига ўйнаб беришни талаб қилган. Айбдор эса хотин-қизлар кийимини кийиб даврадош мусикачилар чалган куйларга ўйнаб берган. Шунингдек, айбдорлар кўшиқ айтишга, масҳарабозлик қилишга, эртақ, афсона ва латифалар айтиб беришга ҳам мажбур бўлганлар [10. Б. 86-87].

Ўйин давомида подшо ва вазир тез-тез ўзгариб туради. Подшо ўзгарганда вазир аввалги подшонинг тожини янги подшога кийгизиб, унинг олдини тозалаганлар. Агар аввалги подшо ўйин тўрт-беш давра айлангунча подшолик қилган бўлса, янги подшо сайлангач, эски подшони даврадагилар тахтдан ағдариб ташлашни талаб қилганлар. Шу вақт вазир икки киши ёрдамида аввалги подшони ўрнидан тикка турғзади. Улардан бириси унинг орқа томонига ўтиб икки кўлини ерга тираб тахт вазифасини бажаради. Бир киши эса эски подшони зарб билан орқага суради. Натижада подшо тахт вазифасини бажарувчига ўралашиб, орқа томонга йиқилиб тушади. Даврада кучли кулги бошланади. Ҳаммалари жой-жойига ўтирадилар. Вазир эса бурунги тартибда янги подшодан ижозат сўраб, ўйинни давом эттиради [5].

Ўйин давомида даврадагилар подшо ва унинг вазирага қаттиқ бўйсундилар. Ўйин давраси уч-тўрт соатлаб давом этган. Ўйин фақат кўпчиликнинг илтимосига биноан ёки подшо ролида ўйнаётган кишининг буйруғига биноан тўхтатилган, холос.

Хива шаҳрида истиқомат қилувчи 68 ёшли Бахтиёр Рахимовнинг берган маълумотида қараганда “Подшо-вазир” ўйини Хоразмда энг қизиқарли томошабоп ўйинларидан бири бўлган [3].

* Йўрға – ошиқ.

* На – нима.

Хонқа туманида истиқомат қилувчи Пирназар ота Давлетовнинг берган маълумотида кўра - “Мен 10-15 ёшли вақтларимда тўйларда бериладиган зиёфат ёки гурунгларида “Подшо-вазир” ўйини бўлмастай қолганини кўрган эмасман. Бу ўйин оддий ўйин бўлиб қолмасдан балки ўзининг турли хил сахнавий жиҳатлари билан ёшларни санъатга бўлган қизиқишини ўйғотишга хизмат қилган [4].

Албатта, ўйиннинг ушбу жиҳатлари Хоразм халқини санъатга бўлган меҳр-муҳаббатини янада оширган бўлса ажаб эмас.

Балким шу жиҳати билан ҳам ўйинининг келиб чиқиши узоқ ўтмишга бориб тақалашини тахмин қилишимиз мумкин. Сабаби Хоразм воҳасининг қадимий қалъаларидан санъатнинг илк илдизлари билан боғлиқ кўпгина асори-атиқалар топилгани барчамизга маълум. Жумладан, юнон тарихчиси Геродот - “Аракс (Амударё) бўйларида яшовчи массагетлар кечаси гулхан ёқиб, ўсимлик ҳидидан маст бўлиб, унинг атрофида кўшиқ айтиб рақсга тушар эдилар [2. С. 75]”, - деб ёзиб қолдирган.

Хоразмнинг қадимий пойтахтларидан бири, Амударёнинг қуйи қисмида жойлашган Тупроққалъадан топилган арфа чалаётган аёл тасвири ёки лазги рақсини эслатувчи аскарлар рақси тасвирлари [7. С. 351] ушбу ҳудуд аҳолиси маданияти ва санъати узоқ ўтмишга бориб тақалишини ёритиб беради.

Шунингдек, ўйинда подшолик тузумидаги бошқариш тизими акс этгандек бўлиб кўринса ҳам подшони тахтдан ағдариб ташлаш каби кўпчилик иштирокида ёки халқ вакилларининг талабига биноан узоқ давр ҳукмронлик қилган кишига жазо бериш жараёнлари бизга ҳарбий демократиянинг илк кўринишларини эслатади.

“Подшо-вазир” ўйинида подшо халқ орасидан сайланади ва халқ орасида ўтириб арз сўрайди. Унинг подшолиги эса тож кийиши билангина атрофдагилардан фарқ қилади. Даврадагилар подшонинг ҳамма буйруқларини адо этадилар. Қизиғи шундаки, озми-кўпми ҳамма айбдорлар жазоланади.

С. П. Толстовнинг фикрига қараганда исломгача бўлган даврда Ўрта Осиёдаги эркаклар уйи — меҳмонхоналарда жамоат овқатланадиган ва эски ўйин маросимлари ўтказиладиган жой бўлган [9. Б. 45].

Юқорида маълумот берганимиздек, “Подшо-вазир” ўйини ҳам меҳмонхоналарда ўтказилиб келиниши ушбу ўйинни қадимийлигидан далолат беради.

Ўйинда томошабиннинг диққатини тортадиган томони бу ўйинда образларнинг, яъни подшо, вазир, сўфи ва айбдорнинг бўлиши, шунингдек, улар ўртасида кучли фантазия асосида даврада турли хил сахнавий кўринишларни юзага келиши албатта ўйини томошага бой ва қизиқарли кечганини таъминлаган.

Шу жиҳатдан “Подшо-вазир” ўйинини сахнавий кўриниш ҳамда қизиқарли воқеаларга бой ўйин сифатида узоқ йиллар давомида халқимиз орасида ўйналиб келинган.

Бизнингча, шу каби халқ ўйинлари нафақат давраларда ўйин-кулгу улашган, балки халқнинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришда, айниқса, театр санъатининг шаклланиши ҳамда тараққий этишига ҳам катта ҳисса қўшган.

Хусусан, Н. Нуржонов тожик миллатига хос “Подшо-вазир” ўйинида содда драма санъати кўриниши борлигини таъкидлаб, бу ўйин Хоразмда ўйналиб келинган “Подшо-вазир” ўйини билан ўйналиш жиҳатидан анча яқинлиги тўғрисида тўхталиб ўтади [6. С. 6].

Шунингдек, А. Д. Авдеев “Театрнинг келиб чиқиши” номли асарида қадимий ўйинларнинг театр санъатининг вужудга келишидаги хизматини таъкидлаб, рус халқи орасидаги “кирол” ўйинига алоҳида тўхталиб ўтади. Бу ўйинда ҳам ўйин иштирокчиларидан бири кирол қилиб сайланади. Ўйинчилар ўта қарам киши сифатида тахтга чиққан киролни табриклаш учун келадилар. Кироли ролида иштирок этаётган киши тахтда кироли қиёфасида намоён бўлади [1. С. 35].

Албатта юқоридаги маълумотдан кўринадик, рус халқи ўйинида ҳам ўйинчилар орасидан ҳукмдорнинг сайланиши атрофдагилар эса унга сўзсиз итоат этишлари “Подшо-вазир” ўйин сюжетини эслатади.

Қорақалпоқ халқи орасида машҳур бўлган “Аға бий” ўйини ҳам “Подшо-вазир” сюжетига ўхшаб кетади. Ўйинда иштирокчилар хон, вазир, қози, муфти, ясовул ва оддий ўйин иштирокчилари сифатида қатнашадилар. Бунда хон “Аға бий” ва бошқалар ўйин иштирокчиларининг уйига навбати билан зиёфатга борадилар. Ҳар бир уйда ўйин иштирокчилари янги қўшиқ тўқишлари ва ўз санъатини намоиш этишлари керак. Шу шартни бажармаган айбдорларга қози жазо топиб — ит бўлиб хуришга, бўри бўлиб увлашга, от ёки эшак ўрнида минилишга буйруқ беради. Ясовул эса айбдорларга дарра билан уриб жазо беради [10. Б. 92].

Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, қорақалпоқлардаги “Аға бий” ўйини билан Хоразм воҳасидаги “Подшо-вазир” ўйини орасида боғлиқлик мавжуд.

Булардан шуни хулоса қилиш мумкинки, халқлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий алоқалар натижасини халқ ўйинларида ўз ифодасини топганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Т.Қиличев “Подшо-вазир” ўйинини Хоразмда XX асрнинг 40-йилларигача ўйнаиб келинганини, шунингдек, ўйин тафсилоти фақат қарияларнинг эсидагина сақланиб қолганини таъкидлайди [10. Б. 92].

Лекин тадқиқотларимиз давомида ўйин ўтган асрнинг 70-80 йилларида ҳам кенг ўйналганлигини гувоҳи бўлдик. Бу даврга келиб ўйин олдингидек фақатгина йигитларнинг гурунг ёки йиғинларида эмас, балки оммавий тарзда болалар орасида ҳам ўйналинган. Ва яна бу даврга келиб ўйин шуниси билан ажраладики, ўйинни қизлар томонидан ҳам ўйналганлигини кўришимиз мумкин [3].

Шунингдек, энди бу даврларда ўйин ашёси сифатида ошиқ ўрнига қоғоздан кенг фойдаланишган ҳамда ундаги жазо турлари содда ва болаларга хос бўлган [8. Б. 256].

Хулоса қиладиган бўлсак, “Подшо-вазир” ўйини ўзининг қадимийлиги ва қизиқарлиги, айниқса, саҳнавий элементларга бойлиги билан бошқа ўйинлардан ажралиб туради. Ўйин асрлар давомида сайқал топиб ривожлана борган. Шу сабабли ўйин оддий ўйин бўлиб қолмасдан, халқнинг ижодкорлик, нутқ қобилятини ривожлантиришга хизмат қилиши билан ҳам ижтимоий аҳамият касб этган. Албатта, ўйининг саҳнавий кўринишга эгалиги ҳар қандай томошабинни ўзига тарта олган. Шу сабабли ҳам ўйин кўпгина халқлар орасида севиб ўйналган.

Лекин тадқиқотимиз давомида ушбу ўйинни фақат ёши катта инсонлар билиши, бугунги ёш авлоднинг деярли кўпчилиги ушбу ўйинни умуман билмаслиги бизни бироз ҳавотирга солди. Ва шу сабабли ушбу ўйинни халқ орасида яна қайта тиклаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади. Бу орқали биз халқимизнинг бой моддий-маънавий хазинасини асраб қолиш билан бир қаторда уларни келгуси авлодга етказиш каби масъулиятли бурчимизни бажарган бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Авдеев А.Д. Происхождение тетара. Москва, 1959.
2. Геродот. История. В девяти книгах. Л., изд-во «Наука», 1972.
3. Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Хива шаҳри. 2020.
4. Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Хонқа тумани. 2020.
5. Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани. 2020.
6. Нуржанов Н. Истоки народного театра у таджиков. Автореферат. 1951.
7. Толстов С.П. Древний Хорезм. Москва, 1948.
8. Халқ ҳаракати ўйинлари назарияси ва амалиёти. Тошкент, 2014.
9. Хива ичанқалъа музей-кўриқхонасининг 2002-2003 йиллардаги архиви.
10. Қиличев Т. Хоразм халқ театри. Тошкент, 1988.

XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ЭНТОМОЛОГИЯ СТАНЦИЯСИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИГА НАЗАР

Р.Н.Турсунов, доцент, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент

Аннотация. Россия империяси Туркистон минтақасини босиб олганидан сўнг ўлкани хом ашё базасига айлантириши, қишлоқ хўжалигида пахтачилик ва боғдорчиликни янада кенгайтириши, экинларни турли зараркунанда ҳашоратлардан асраш мақсадида ўлкада Энтомология станциялар ташкил этилади ва уларнинг фаолияти назоратга олинади. Мазкур мақолада XIX аср охири - XX аср бошида Туркистонда ташкил этилган Энтомология станциялари фаолияти тарихи билан боғлиқ бўлган жиҳатлар тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: энтомология, амалий энтомология, энтомолог, энтомология станцияси, қишлоқ хўжалиги зараркунандалари, ҳашоратлар, чигирткалар, табиатни асраб-авайлаш,

Аннотация. После завоевания Туркестана Российской империей будут созданы и контролироваться энтомологические станции, чтобы превратить страну в сырьевую базу, расширить производство хлопка и садоводства в сельском хозяйстве, а также защитить посевы от различных вредителей. В статье рассматриваются аспекты истории энтомологических станций, созданных в Туркестане в конце XIX - начале XX вв.

Ключевые слова: энтомология, практичный энтомология, энтомолог, энтомологическая станция, вредители сельскохозяйственных культур, насекомые, саранча, охрана природы.

Abstract. After the conquest of Turkestan by the Russian Empire, entomology stations will be established and monitored in order to turn the country into a raw material base, further expand cotton and horticulture in agriculture, and protect crops from various pests. This article examines aspects of the history of entomology stations established in Turkestan in the late XIX and early XX centuries.

Keywords: entomology, practical entomology, entomologist, entomology station, agricultural pests, insects, locusts, nature conservation.

Табиатга табиий офатлардан ташқари, ҳашоратлар ва турли зараркунандалар ҳам катта талофат келтирган. Шунинг учун ҳам қадимдан қишлоқ хўжалиги экинларини, турли мевали дарахтларни, ўсимликларни ҳашорат ва зараркунандалардан асраб-авайлаш бўйича чора-тадбирлар ва амалий ҳаракатлар қилинган.

XIX асрнинг ўрталаридан ўлкада рус табиатшунос олимларининг энтомология соҳасида қатор тадқиқотлари[1] амалга оширилади. Ушбу тадқиқотлар натижасида қишлоқ хўжалик зараркунандаларини ўрганиш мақсадида 1898 йилда Туркистон қишлоқ хўжалик жамияти қошида “Чигиртка кўмитаси” тузилади. Мазкур ташкилот тузилмасидан илгари қишлоқ хўжалигида фаолият олиб борган рус мутахассислари экинларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш учун марказдан, яъни, Рус энтомология жамиятининг мутахассисларидан ёрдам олганлар. Бу борада Туркистон ўлкасида америка пахта навини маҳаллийлаштириш йўлида фаолият олиб борган рус агрономи А.Вилькниснинг асарида ғўзага зарар етказадиган ҳар қандай зараркунандаларга қарши курашиш учун рус энтомология жамиятининг мутахассисларидан маслаҳат олиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатиб ўтилганх[2].

1911 йилда Тошкентда В.Плотников томонидан “Туркистон энтомологик станцияси” нинг ташкил этилиши қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунандалардан асрашда муҳим аҳамият касб этди[3]. Бу станцияни ташкил этишдан мақсад зарарли ҳашоратларни илмий жаҳатдан ўрганиш билан бирга уларга қарши қишлоқ хўжалигида аҳолига амалий жиҳатдан ёрдам бериш, қўлланма, рисолалар чиқариш ва тарқатиш, амалий энтомология бўйича музей ташкил қилиш, маҳаллий аграномларга зарарли ҳашоратларга қарши курашишда билим ва кўникмалар бериш назарда тутилган[4].

XX аср бошида Туркистон ўлкасида қишлоқ хўжалиги экинларини зарарли ҳашоратлардан асраш йўлида мутасаддилар томонидан бир қатор амалий ишлар амалга оширилган. Жумладан, табиатни ўрганиш ва зараркунандаларга қарши курашиш бўйича

энтмолог мутахассислар Туркистон ўлкасида қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кураш

Ўлка энтмология кенгаши таркибидан ўлка Агрономия кенгашига кирган жамоат ташкилотларининг раҳбар ходимлари ва вакиллари, шунингдек, зараркунандаларга қарши кураш бўйича мутахассислар ўрин олади[5].

Туркистон энтмология станцияси ўлканинг зараркунандаларга қарши кураш бўйича катта тажрибага эга ташкилоти бўлиб, унинг олдида қишлоқ хўжалиги зараркунандаларини ўрганиш ва уларга қарши курашнинг оқилона усулларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган.

Лойиҳада шунингдек, вилоят бюрolari иш режасини муҳокама қилиш учун ҳар бир минтақада йилда бир марта ҳарбий губернатор ёки вилоят бошлиғи раислигида, энтмология бўйича катта мутахассис, Туркистон энтмология станцияси вакили ва бундан ташқари, вилоят Агрономия кенгашларига кирувчи раҳбар ходимлар ва вакиллар иштирокида вилоят энтмология кенгаши чақирилиши ҳамда унда маҳаллий бюро мудирини -энтмология бўйича мутахассис вилоят энтмология кенгашида маъруза қилиши белгиланган[6].

Вилоят энтмология кенгаши қарорлари ўлка миқёсида белгиланган тадбирларни бирлаштириш ва Ўлка Кенгашида ҳисобот бериш учун Туркистон Дехқончилик Бошқармасига юборилади. Бундан ташқари, ҳисоботни тайёрлаш вазифаси энтмология бўйича катта мутахассисга юклатилади.

Генерал-губернатор кенгаши томонидан чигирткасимонларга қарши кураш учун ажратилган кредитлар тегишли равишда ўлка Дехқончилик бошқармаси, вилоятларда эса – ҳарбий губернаторлар ва Каспийорти минтақаси бошлиғи тасарруфига ўтади. Уларни сарфлаш эса мақсадлардан келиб чиқиб, Дехқончилик бошқармаси энтмология станцияси, катта мутахассис ва вилоят ҳарбий губернаторлари, вилоят энтмология бюроси бошлиқлари орқали амалга оширилади. Ҳисоботларни текшириш ваколати Назорат Палатаси зиммасида бўлади[7].

Ушбу лойиҳадан шуни кўриш мумкинки, Тошкентдаги Туркистон энтмология станцияси ўз фаолияти давомида зараркунандаларга қарши курашишда ижобий натижаларни кўлга киритиб, ўзининг худудий бўлинмаларини ҳам очиш борасида амалий ҳаракатлар олиб борган. Станция мутахассислари томонидан чигирткаларга қарши курашда бир қатор янги усуллардан фойдаланганлар, яъни чигирткаларни кўпайиш даврини, уларнинг турини аниқлаб, зараркунандаларга қарши курашда ўз вақтида амалий чоралар кўриш борасида мутасадди ходимларни олдиндан мавжуд хавфдан хабардор қилиб, биргаликда уларга қарши кураш олиб боришган[8]. Бу ҳолат албатта, қишлоқ хўжалиги экинларини имкон қадар талофатларсиз етиштириб, сифатли ҳосилни йиғиб олишга хизмат қилган.

1913 йил 1 июлда Бухоро хонлиги агрономи И.В. Шумков Туркистон энтмология станцияси раҳбари В.И.Плотниковга бу йил маданий ўсимликлар зараркунандалари, жумладан, прусик (Италия чигирткаси) нинг кескин кўпайиб кетиши кутилаётгани, бу эса фалокатнинг ўзгинаси бўлиб, Бухоро мулклари худуди, шунингдек, маҳаллий Туркистон вилоятларида ҳашаротларга қарши қатор чора-тадбирларни кўриш кераклиги юзасидан хабар беради.

Мазкур масала юзасидан Туркистон энтмология станцияси раҳбари В.И.Плотников 1913 йилнинг 1 июль куни прусик чигирткасининг кескин кўпайиши ҳақидаги маълумотлар маҳаллий Туркистоннинг бошқа худудларидан ҳам келганлигини инобатга олиб, ўз раислигида ҳамда ёрдамчиси М.М. Сиязов, Бухоро хонлиги агрономи И.В. Шумков ва унинг ёрдамчиси В.П. Колченков-Николаев иштирокида йиғилиш ўтказади.

Туркистон энтмология станцияси раҳбари В.И.Плотников сўзга чиқиб қўйидаги фикрларни билдириб ўтади: “Ушбу йиғилишда маълум бўлдики, жорий йилда прусик чигирткасининг кескин кўпайиб кетиши, уларнинг тухум қўйиши лалмикор ерлардаги экинларнинг етилиш даврига тўғри келишини инобатга олсак, қишлоқ хўжалиги ва айнан суғориладиган экинларнинг келгуси йил ҳосили учун жиддий хавф туғдиради. Прустик чигирткасига қарши кураш анча қийин бўлади, чунки у Марокаш чигирткасига қараганда тезроқ кўпаяди, Марокаш чигирткаси каби бирдамликда ҳаракатланмайди, лекин унинг бир

жойдан бошқасига қараб секин юришини инобатга олинса, тарқалиш худуди анчагина кам бўлиши мумкин[10].

Жойлардаги чигирткасимонлар ва уларга қарши кураш усулларини ўрганиш мақсадида Бухоро хонлиги маблағлари ҳисобидан хонлик агрономнинг 3-ёрдамчиси - энтомолог лавозимини таъсис қилиш жоиз[11].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, ўлканинг уч маҳаллий вилояти ҳарбий губернаторларидан прусик чигирткасининг тухум пўстлоқлари ўчоғини топиш ва уларни Деҳқончилик бошқармасига юбориш юзасидан ўтказиладиган разведка ҳаражатлари сметасини ишлаб чиқишни сўраган бўлардим. Бухоро хонлиги масаласига келадиган бўлсак, разведка тадбирлари Бухоро агрономия ташкилоти томонидан, унинг ихтиёридаги маблағлар эвазига уюштирилади, қолаверса, тилга олинган ташкилотга Рублев заводидан жорий йилнинг кузига етказиб бериш шarti билан 1000 пуд мишьякли (маргимушли) нордон натрийга буюртма қилишга рухсат бериш ва жами 12000 рубль атрофидаги бу ҳаражатларни Бухоро ҳукумати томонидан 1914 йилда чигирткаларга қарши курашиш учун ажратиладиган маблағлар сирасига киритишни ўйлаб кўрган бўлардим.

Бундан қатъий назар, Бухородаги Россия сиёсий агенти орқали Бухоро ҳукумати билан алоқага киришиб, энтомологни хонлик агрономнинг 3-ёрдамчиси сифатида таклиф қилиш учун маблағ ажратиш зарурияти ҳақида мулоҳаза юритган бўлардим. Жаноби Олийлари эътиборига юқорида қайд қилинганлар юзасидан маълумот бераман”[12] деб таъкидлайди.

1916 йил 13 августда Энтомология станцияси томонидан Қишлоқ хўжалиги бошқармасига станция фаолияти дастури тақдим этилади[13]. Мазкур дастурда станция фаолиятининг асосий мазмун-моҳияти, унинг вазифалари, қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан, боғдорчилик, узумчилик, полиз ва дала экинларини турли зараркунандалардан асраш, уларга қарши курашиш ҳамда бу борада чет элдаги энтомология станциялари билан доимий ҳамкорлик алоқалар амалга оширилиши кўрсатилган.

Туркистон энтомология станциясининг фаолият дастури қуйидагиларни ўз ичига қамраб олган:

1. Энтомология станцияси илмий-амалий таснифдаги муассаса бўлиб, биринчидан, станция Туркистоннинг зарарли ҳашаротлари биологиясини ўрганади, иккинчидан, станция ҳам ҳашаротларга қарши курашни ташкил этишда қатнашади, ҳам бевосита кураш жараёнида тегишли оғоҳлантирувчи ва қирувчи чораларни амалга ошириш, амалий кўрсатмалар бериш орқали ўз фаолиятини амалга оширади[14].

2. Энтомология станцияси Туркистон ўлкасидаги ҳамма турдаги зарарли ҳашаротларга қарши курашни ўрганиш, уни ташкил этишни асосий вазифа деб билиб, ҳашаротлар ичида чигиртка турларининг муҳим ўринда туришини инобатга олиб, Марокаш чигирткаси, ўлкада учрайдиган бошқа чигирткаларга қарши оқилона курашиш учун бор кучини ишга солади. Станция маҳаллий чигиртка турларини ўрганишга қатта эътибор қаратиб, уларнинг турларини аниқлаш, баҳор фаслида пайдо бўлиши, личинка босқичи ва қанот чиқариш даврларини, уларнинг ҳаёт тарзи ва одатларини, табиий душманларини, тухум қўйиш жойлари ва паразитлар билан зарарланганлик даражасини аниқлайди. Бундай тадқиқотлар асосида чигирткаларга қарши курашишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва замонга мос тарзда уларга қарши курашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиши мумкин бўлади.

3. Энтомология станцияси ходимлари қуйидаги тарзларда чигирткаларга қарши курашни ташкил этишда қатнашади: а). энтомологлар чигиртка мавсуми бўйича ўтказиладиган ўлка, вилоят ва уезд йиғилишларида ҳамда кўмиталарида овоз бериш ҳукуқи билан мажбурий қатнашадилар; б). энтомологлар ҳар йилги тайёргарлик ишлари ва чигирткага қарши тадбирларда зараркунандаларни йўқ қилиш бўйича режалар тузишда қатнашиб, янги усуллар ҳақида сўнги хулосаларни тақдим этишади ҳамда янги ускуналарни синаш, уларни таъмирлаш билан шуғулланади; в). ҳар йил учун мос равишда режалар тузиш, бунинг учун тухум қўйиш майдонлари қайси чигирткаларга тегишли эканлигини, улар паразитлар билан зарарланганлиги қай ҳолда эканлигини билиш зарур бўлади, шу боисдан станция ҳар йили тухум қўйиш сув ўтларини биологик таҳлил этиб, ходимлар 2 марта белгиланган худудларга

жўнатилади: яъни биринчи марта махсус кузатув ишлари олиб бориш учун, иккинчи марта баҳорги зараркунандаларни йўқ қилиш ишлари бошланишидан олдин юборилади; г). станция томонидан ҳар йили чигирткаларга қарши курашиш бўйича баёнот тайёрланиб, баёнот ўлка бошлиғига тақдим этилади; д). чигирткаларга кураш мавсумидан олдин энтомологлар чигирткаларга қарши кураш усуллари ҳақида кенг тарқалган маърузаларни ўқиб, махсус ускуна-жиҳозларни кўрсатиб бериш ва зараркунандаларни йўқ қилувчи заҳарли воситаларни тайёрлаш усулларини ўргатиш орқали назоратчилар ва ишчиларни тайёрлов жараёнларида иштирок этадилар; е). чигирткаларга қарши курашга тайинланган энтомологлар ишларни тўғри тартибда режа бўйича бажаралишини, зараркунандаларни йўқ қилувчи воситаларни тайёрлашни ва бошқа ишларни назорат қиладилар, улар иш суръатлари секинлашган тақдирда тегишли ходимларга кўрсатмалар бериши, кураш режасини қисман ўзгартириши мумкин бўлиб, бунда тегишли уезд бошлиқларига ўз ҳаракатлари тўғрисида маълумот ва хабар беришлари шарт; ж). зараркунандаларни кузатиш ва ўрганиш разведка ишларидан олдин энтомологлар разведка ишлари тўғри ташкиллаштирилганлигини аниқлайди, яъни, зараркунандалар тухум қўйган ҳудудларни, уларнинг турлари, ҳаётий фаоллиги ва паразитларга бойлигини ўрганадилар; з). баҳорда жўнатилган ҳашоратларнинг тухум қўйилган сув ўтлари намуналарига қараб, станция мутахассислари чигирткалар етилиши вақтини аниқлайди; и). энтомология станцияси чет элдаги зараркунандаларга қарши кураш ташкилотлари билан доимий алоқалар олиб боради ва янги кураш усуллари билан доимо хабардор бўлиб, уларни Туркистон ўлкасида амалда қўллайди. Умуман олганда, станция чигирткаларга қарши кураш ишларига маҳаллий шароитларга мос тарзда янгиликлар киритади; к). чигирткаларга қарши кураш мавсуми тугагач, қатнашчи энтомологлар ҳисобот тайёрлашади, унда натижалар ҳамда келажакда чигирткаларга қарши курашда амалий аҳамиятга эга бўлган кузатув натижалари билан таништириладилар.

4. Жадал ривожланаётган олмачилик саноатимизга катта зарар етказётган иккинчи зараркунанда тури бу олма қурти, қуяси бўлиб, шу сабабдан ушбу турни ўрганишга станция жиддий аҳамият қаратади. Айни пайтда олма қуясининг биологияси ўрганилиб, унинг насл қолдириши, унга қарши курашиш усуллари ва айниқса, унга қарши паразитлар орқали курашиш усули истиқболлари (усул чет элда кенг тарқалган) ўрганилмоқда.

5. Олма қуясидан ташқари бошқа турдаги боғдорчилик ва узумчиликга зарар етказувчи ҳашарот турларини ўрганиш, ушбу турларнинг биологияси ва тарқалганлиги тадқиқ қилинмоқда ва уларга қарши кураш усуллари синовдан ўтказилмоқда.

6. Станция томонидан полиз ва дала экинлари зараркунандалари ўрганилиб, айниқса, ўлканинг энг қадрли маданий ўсимликлари бўлган пахта ва лавлаги зараркунанда ҳашаротларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

7. Ўлкада ўсимликлардаги замбуруғ касалликлар билан шуғулланувчи мутахассислар йўқлиги туфайли станция ушбу соҳада ҳам кенг тадқиқотлар олиб бормоқда.

8. Станция Туркистон қишлоқ хўжалиги жамияти билан яқин алоқалар олиб бориб, шу билан бирга, жамиятнинг маориф фаолиятига ҳисса қўшиб ўз маълумотларини мақола ва маърузалар кўринишида “Туркистон қишлоқ хўжалиги” журналида чоп эттиради.

9. Аҳоли орасида махсус билимларни кенг тарқалиши учун станция томонидан зараркунандаларга қарши инспекторларни тайёрлайди.

10. Боғбонлар ва деҳқонларнинг кенг гуруҳларини зараркунанда турлари ва уларга қарши курашиш усуллари билан таништириш мақсадида энтомология станцияси маърузалар ўтказади, зараркунандаларни йўқ қилувчи воситалар, рангли суратлар кўргазмалари ташкил этади.

11. Станция томонидан доимий тарзда пайдо бўлиши мумкин бўлган зараркунандалар, уларни йўқ қилишга қарши қўлланилиши лозим бўлган усуллар ҳақида мақолалар маҳаллий босма нашрларда чоп этирилади.

12. Энтомология станцияси табиатшунослик музейига материаллар тўплаб, бунда у ҳудуднинг энтомология фаунасига алоқадор жониворлар турлари тўпламини шакллантиради.

13. Ёз мавсумида станция ушбу соҳада билим олаётган талабаларни зараркунанда ҳашаротларни йўқ қилиш бўйича тажрибалар ўтказиш ҳамда алоҳида турларнинг ҳаёт тарзи устидан тадқиқот олиб бориш учун амалиётга чақириши мумкин.

14. Йил тугаши билан станция йиллик ҳисоботини тақдим этади. Станция томонидан ўлка аҳолиси орасида амалий энтомология бўйича билимлар бериш мақсадида заруратга қараб, зараркунандаларга қарши курашиш тўғрисидаги рус ва маҳаллий тилларда варақалар ҳамда брашюралар чиқарилади. Станция маҳаллий энтомологик тақвим тузилишига тайёргарлик кўрмоқда ва ушбу тақвимга маҳаллий деҳқонлар ҳам жиддий эҳтиёж сезмоқда.

15. Энтомологлар замонавий даражадаги кўникмаларга эга бўлиши учун вақти-вақти билан уларни махсус съездларга, пуркагичлар конкурслари ва қишлоқ хўжалиги кўргазмаларига сафарга жўнатишади.

16. Станция ўз зиммасидаги истиқболли режаларни бажариш учун қатъий ҳаракат қилмоқда ва кейинчалик шаҳар атрофидан махсус тажрибалар учун биносига эга бўлишни мақсад қилмоқда[15].

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Туркистон ўлкасида энтомология соҳаси мутахассислари фақатгина ўсимликларга зарар келтирувчи ҳашоратларни эмас, балки инсон ва ҳайвонот дунёсига ҳам хавф соладиган ҳашоратлар ва паразитлар, уларнинг пайдо бўлиши ҳамда етказадиган зарарларининг оқибатларини ҳам олиб борган илмий тадқиқотлар ва кузатувлари[18] асосида ўрганганлар.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Туркистон ўлкасида энтомология станциялари ташкил этилмасдан олдин қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб борган деҳқонлар, боғбонлар ҳашоратлар ва турли зараркунандаларнинг ўсимликларга, экинларга етказган талофатларидан қаттиқ азият чекишган. Улар ҳашоратларга қарши курашда маҳаллий усуллардан фойдаланганлар.

Дарҳақиқат, ўлкада энтомологлар томонидан амалга оширилган ишлар ўзининг ижобий натижасини бериб, экинларнинг ҳосилдорлик кўлами ва сифатини ошишига олиб келган. Темир йўл орқали 1906 йили Тошкентдан Россияга 38651 пуд хўл мева жўнатилган бўлса, 1907 йилда бу кўрсаткич 43 % га ошганлигини яъни, 90096 пудни ташкил этганлигини кўриш мумкин[19]. Ушбу статистик кўрсаткичлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, Туркистон ўлкасида энтомология станциялари мутахассислари билан нафақат пахтачилик, балки боғдорчилик билан шуғулланувчи соҳа вакиллариининг ҳам ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. Ч.2. В Кокандском ханстве. – СПб., 1875. – 160с.; Ошанин В.Ф. Указатель литературы при определении фауны полужесткокрылых. – Ташкент, 1916.; Ўша муаллиф. Зоографический характер фауны полужесткокрылых Туркестана. – СПб., 1891. – С.116.; Студенов Н. Расширение энтомологической организации в Туркестане // Туркестанские ведомости. 1913. №12.

2. Мирзаев А. Туркистонда пахта етиштиришни ривожлантиришга бағишланган тадқиқотлар тарихидан //XIX – XX аср бошларида Марказий Осиёда интеллектуал мерос: анъаналар ва инновациялар. Илмий тўплам. / Масъул муҳаррир т.ф.д, проф. Д.Х.Зияева. – Тошкент. 2018. – Б.127.

3. Ўзбекистон худудида табиий фанлар йўналишидаги илмий тадқиқотлар ва экспедициялар (XIX аср – XX аср бошлари) [Матн] / лойиҳа раҳбари Д.Х.Зияева. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – Б.239-240.

4. Ўзбекистон худудида табиий фанлар йўналишидаги илмий тадқиқотлар ва экспедициялар (XIX аср – XX аср бошлари) [Матн] / лойиҳа раҳбари Д.Х.Зияева. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – Б.240.

5. Ўз МА, И.7-фонд, 1-рўйхат, 3523-иш, 333а-варақ.

6. Ўз МА, И.7-фонд, 1-рўйхат, 3523-иш, 333б-варақ.

7. Ўз МА, И.7-фонд, 1-рўйхат, 3523-иш, 334-варақ.

8. Отрождение саранчи // Туркестанские ведомости. 1912. № 61.

10. Ўз МА, И.7-фонд, 1-рўйхат, 3286-иш, 9-варақ.

11. Ўз МА, И.7-фонд, 1-рўйхат, 3286-иш, 9а-варақ.

12. Ўз МА, И.7-фонд, 1-рўйхат, 3286-иш, 10-варақ.

13. Ўз МА, И.7-фонд, 1-рўйхат, 3527-иш, 89-варақ.

14. Ўз МА, И.7-фонд, 1-рўйхат, 3527-иш, 90-варақ.

15. Ўз МА, И.7-фонд, 1-рўйхат, 3527-иш, 90а-варақ.

16. Ўзбекистон худудида табиий фанлар йўналишидаги илмий тадқиқотлар ва экспедициялар (XIX аср – XX аср бошлари) [Матн] / лойиҳа раҳбари Д.Х.Зияева. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – Б.240.

17. Ўзбекистон худудида табиий фанлар йўналишидаги илмий тадқиқотлар ва экспедициялар (XIX аср – XX аср бошлари) [Матн] / лойиҳа раҳбари Д.Ҳ.Зияева. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – Б.241.; Бесплатные советы // Туркестанские ведомости. 1912. №61.; Курсы // Туркестанские ведомости. 1912. №. 138.

18. Федченко А.П. Остроение и размножение ришты. – М.,1870.; Ўша муаллиф: Путешествие в Туркестан. Ч.2. В Кокандском ханстве. – СПб., 1875. – С.43.; Заметки о паразитах человека, водящихся в Туркестане. // Туркестанский сборник. Т.57. – Ташкент, 1872. – С.276-286.; К изучению о происхождении и развитии ришты. И.Свияжского // Туркестанские ведомости. 1882. №38-39.; М.Б. Полезная заметка. Борьба за укусамимошек. // Туркестанские ведомости. 1895. №42.; Командировки специалистов в Туркестан // Туркестанские ведомости. 1910. №74.; Опытные плантации риса для изучения малярийного комара. // Туркестанские ведомости. 1910. №135.

19. Верховский Н.П. Туркестан в районе Ташкентской железной дороги и грузы этой дороги. СПб.,1910. – С. 170-171.

УЎК 93/94

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ ВА ПУЛ МУОМАЛАСИ (Туркистон АССР мисолида)

Р. Тўхтаева, PhD, Қарши давлат университети, Қарши

Аннотация. Ушбу мақолада совет ҳокимиятининг вужудга келиши, унинг дастлабки йилларида иқтисодий ва молиявий сиёсати ҳамда пул муомиласи масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Иқтисодий инқироз, молия, пул тизими, миллий валюта, хориж валюталари, бюджет, Совнархоз кассалари, национализация, инқироз, пул эмиссияси, пул қадрсизланиши.

Аннотация. В статье анализируется формирование советского правительства, экономическая и финансовая политика в первые годы его существования, а также денежно-кредитные вопросы.

Ключевые слова: Экономический кризис, финансы, денежная система, национальная валюта, иностранная валюта, бюджет, кассы Совнархоза, национализация, кризис, денежная эмиссия, девальвация валюты.

Abstract. This article analyzes the formation of the Soviet government, economic and financial policy in its early years, as well as monetary issues.

Keywords: Economic crisis, finance, monetary system, national currency, foreign currencies, budget, Sovnarkhoz cash desks, nationalization, crisis, money issue, currency devaluation.

Туркистонда совет ҳукмронлигининг дастлабки йилларида сиёсий инқирозлар иқтисодий соҳани тўла издан чиқариб, молиявий ва пул сиёсатини инқирозига сабаб бўлди. Россиянинг биринчи жаҳон урушининг фаол иштирокчисига айланганлиги, ҳокимият тепасига янги сиёсий тузумдаги давлатнинг келиши, натижада фуқаролар урушининг келиб чиқиши оқибатида бутун мамлакатда жиддий иқтисодий танглик юзага келди. Мураккаб вазият ҳисобга олиниб, Туркистонда ҳам банкларни қўлга олишга ҳаракат қилинди. Янги сиёсий тузумнинг ҳокимият тепасига келиши билан пул ислоҳотини амалга ошириш зарурияти келиб чиқди. Пул ислоҳотини ўтказишнинг ҳар бир давлатда ўзига хос омиллари ва сабаблари мавжуд бўлади. Биринчидан, иқтисодий инқироз туфайли издан чиққан молия пул тизимининг ишдан чиқиши, миллий валютага ишончсизлик, муайян давлат пуллари билан бирга хориж валюталарининг қўлланиши кабилар; иккинчидан, сиёсий сабаблар, янги сиёсий тузумдаги давлатнинг ҳокимият тепасига келиши кабилар.

Пул ислоҳотини ўтказиш учун аниқ сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлар молия ва банк тизими мавжуд бўлиши талаб этилади.

Совет давлатида пул ислоҳотини ўтказиш ҳақида биринчи марта 1918 йил май ойида Россия молиячиларининг биринчи съезида фикр билдирилади. Аммо Россияда бошланган фуқаролар уруши туфайли пул ислоҳоти амалга ошмай қолди. Совет давлати муваққат ҳукумат томонидан чиқарилган Николай подшо пул белгилари, яъни “керенки”лар ўрнига янги совет пул белгиларини ишлаб чиқарди. Уруш туфайли уларни тўла алмаштириш имкони

бўлмасада, совет пули “совзнаклар”, “керенки”лар билан бирга бутун мамлакат ҳудудида тенг қўлланилди. Биринчи совет қоғоз пуллари РСФСР ХКСнинг 1919 йил 4 февраль декретига мувофиқ шу йилнинг мартада чиқарилиб, улар 1, 2 ва 3 рубллик эди. Улар “совзнаклар”, яъни совет пул бирлиги номини олди. Совзнакларда қилич ва болға, буғдой ҳамда қуёш нури фон сифатида берилган. Жорий йилнинг декабрида 15, 30 ва 60 рубллик пуллар чиқарилди [1]. Аммо аҳоли “совзнаклар”ни баъзи ҳудудларда эски пулларга нисбатан қадрини паст баҳолаб, улар билан савдо қилишни ҳоҳламади [2]. Ҳатто ишчи ва ходимлар маошларини эски пул бирлигида берилишини талаб этди.

Туркистон Совет Россияси давлати таркибидаги ҳудудлардан бири бўлганлиги боис, ўлкага ҳам совет пуллари тарқатилди. Туркистонда совет ҳоқимиятини ўрнатиш жараёнлари катта молиявий маблағни талаб этди. Масалан, 1918 йилнинг дастлабки уч ойида ушбу мақсадлар учун Туркистон бюджетидан 64 млн. рубль сарфлаш кўзда тутилди. Умуман жорий йилда бюджетдан 1085 млн. рубль сарфланди [3].

Туркистон Автоном Республикаси ҳукумати қўлида куйидаги маблағлар тўпланган эди: бу собиқ давлат банки ҳамда хусусий банклардан тортиб олинган 8.716.262 рубль, эркин нақд пуллардан Совнарком учун ажратилган 11.789.788 рубль, Туркистон ўлкаси ихтиёрида сарфланиши режалаштирилган 1.452.346 рубль, халқ университети ихтиёридаги 1.900.000 рубль, давлат банклари бўлимларидаги 2.500.000 рубль, Совнархоз кассаларидаги 7.000.000 рубль, озиқ-овқат бўлимларидаги 10.000.000 рубль, Бухородан контрбуция эвазига олинган 2.000.000 рубль, ёки жами 45.538.496 рубль маблағга эга эди [4].

1918 йили турли соҳалар бўйича Туркистон молия халқ комиссарлигининг маълумотларига кўра 21.338.621 рубль даромад олинди, бу бир ойга ўртача 1.778.218 рублдан тўғри келди [5].

Туркистон Автоном Республикаси ҳукумати пул маблағларини хусусий шахслар мулкани национализация қилиш эвазига кўпайтиришга ҳаракат қилди. Шу мақсадда Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг саноат корхоналари ва темир йўллари национализация қилиш тўғрисидаги бир қатор декрет ва қарорларни эълон қилинди. Туркистон ўлка ХКС 1918 йил 25 февралда “Владимир Алексеев” саноат ва савдо ширкати, шу йили 26 февралда Мурғобдаги подшо ерлари, 18 мартда нефть ва тошқўмир саноати корхоналари, 31 мартда ўлкадаги барча типография ва литографиялар, 31 мартда Фарғона темир йўли давлат ихтиёрига ўтказилди [6]. 1918 йилнинг биринчи ярмида пахта тозалаш, ёғ-мой заводлари, пахта заҳиралари, босмахоналар, темир йўллар, банклар, конларни давлат ихтиёрига ўтказиб, жами 330 дан ортиқ саноат корхонаси национализация қилинди [7].

Турли корхона ва ташкилотларнинг национализация қилиниши билан ўз ўрнида уларнинг пул маблағлари ҳам давлат мулкига ўтди. Саноат корхоналари, пахта заҳиралари билан бирга хусусий банклар ҳам давлат ихтиёрига ўтказилиб уларнинг маблағлари Туркистон Автоном Республикаси ХКС 1918 йил 8 майдаги декретига мувофиқ ташкил этилган, Туркистон республикаси Халқ банкига топширилди. Бу жараёнлар жиддий қаршиликлар билан кечди. Молия комитети қошидаги давлат банкининг Тошкент бўлими ходимларига жуда катта ҳуқуқлар берилган бўлсада, молиявий танқислик туфайли улар кенг тадбирларни олиб бора олмадилар [8]. Бўлим ихтиёрида фақат 20 минг рубль бўлиб, бу катта эҳтиёжларни қондириш учун етарли эмас эди [9]. Давлат банкининг Тошкент бўлими 1918 йил 30 январда Петроградга пул чиқаришга рухсат сўраб, телеграмма юборади [10].

Ўлкада қалтис сиёсий вазият, иқтисодий инқироз ишлаб чиқаришнинг қисқариши, солиқ даромадлари ва манбаларининг қисқариши натижасида пул муомаласи издан чиқди. Молиявий соҳадаги қалтис вазиятни бартараф этиш мақсадида совет ҳукумати хусусий банкларнинг пулларини мажбуран тортиб олиш йўлига ўтди. Масалан, Қўқон банкидан 8.222.223 рубль, Рус-Осиё банкидан 97,156 рубль, Сибир банкидан 26,994 рубль, Рус Ташки-савдо банкидан 20.096 рубль, Қўқон хазинасидан 52,046 рубль, Ўрта Осиё савдо ва саноат ширкатида 29.000 рубль олиб қўйилди [11].

Молиявий тақчилликнинг кучайишига солиқ тизимининг издан чиққанлиги ҳам кучли таъсир кўрсатди. Ўлкада хусусий мулк эгаларининг солиқдан қарзи жуда катта сўммани

ташкил этди. Масалан, Қўқондаги Потеляхова фирмасининг солиқдан бир миллион рубль қарзи бор эди [12]. Вазиятдан чиқиш учун совет ҳукумати хусусий мулк эгаларидан қарзларини мажбуран ундириш йўлига ўтди. Чунки марказ ўлкага ҳеч бир молиявий ёрдам кўрсатмади. Бунинг имкони ҳам йўқ эди. Марказдан юборилган кўрсатмаларда бой табақалардан иложи борича мавжуд маблағларни мажбуран бўлсада, тортиб олиш ҳақида гапирилди [13].

Туркистон банкларига 1917 йил давомида марказдан 632,0 млн рубль, 1918 йилга 320 млн рубль, 1919 йилнинг январь-март ойларида 100 млн. рубль келиб тушган бўлса, апрелдан сентябрга қадар бир рубль ҳам ажратилмайди [14].

Оғир сиёсий вазият, иқтисодий ҳаётнинг издан чиқиши, пул тизимининг издан чиқиши, марказдан пул жўнатишнинг тўхташи туфайли Туркистон ҳукумати пул эмиссиясини чиқаришга мажбур бўлди.

Туркистон бозорларида бир вақтда совзнаклар ва туркбонлардан бир хилда фойдаланилди. 1918 йилга Совет Россиясининг “совзнак” пуллариининг муомалада бўлишини Туркистонда 1919 йил 17 ноябрдаги Туркистон МИКнинг буйруғи билан қонунийлаштирилди [15].

Республикада пул маблағларини тақсимлаш бўйича иккита давлат органи, яъни молия комиссарлиги ҳамда молия-бюджет комиссияси фаолият олиб борди. Шунинг учун соҳа фаолиятини тизимлаштириш мақсадида 1919 йил 7 апрелда Туркистон республикаси ХКСнинг қарори билан молия комиссарлиги қошида корхоналараро кенгаш тузилиб, ушбу ташкилотга турли комиссарликларга эҳтиёжларидан келиб чиқиб пул маблағларини ажратиш вазифаси топширилди [16]. Корхоналараро кенгаш турли корхона ва ташкилотларнинг пул маблағлари сўраб қилган мурожаатларини ўрганиб чиқиб, энг эҳтиёжманд ташкилотларга пул ажратди.

Давлат хазинасига келиб тушадиган пул миқдорининг кўпайишида омонат кассалари муҳим ўринни эгаллайди. 1919 йил октябрда Совнархоз биринчи ўлка съездида омонат кассалар керакли маблағларни тўплай олмаётганлиги таъкидланади. Бу даврда республика омонат кассаларида жами 22 млн. рубль тўпланади. Ушбу йиғилишда Туркистон халқ банки фаолияти ҳам қониқарсиз баҳоланиб, 1919 йил октябр ойида банкнинг қарзи 4.232.383.594 рублни ташкил қилди [17].

Совет давлатининг бошқа ҳудудлари қатори Туркистонда ҳам бюджет танқислиги ортиб борди. Масалан, 1919 йил бюджет сарфи 10875 млн. рубль бўлиб, даромад 192 млн. рублни ташкил этди. Демак, бюджет танқислиги 10683 млн. рублни ташкил қилди. 1920 йили бюджет даромадлари 891 млн. рубль бўлса, сарфи 91.842054 млн. рубль бўлди. Бюджет танқислиги 91841163 млн. рубль бўлди. Такчил маблағларни ҳукумат қоғоз пулларни кўшимча ишлаб чиқиш эвазига қоплашга ҳаракат қилди.

Шароитдан келиб чиқиб, энг зарур деб, ҳисобланган харажатлар учун маблағлар ажратилди. Масалан, 1919 йил Туркистон республикаси турли соҳадаги халқ комиссарликларнинг маблағ бўйича эҳтиёжи фақат 60 фоизга қондирилди. Жумладан, меҳнат халқ комиссарлигининг бюртмаси 59320000 млн. рубль бўлиб, амалда 39.000000 рубль ажратилди [18].

Умуман Россияда 1914-1920 йилларда муомаладаги қоғоз пуллар 1.630 млн. рублдан 120.000 млн рублга кўпайиб, пул миқдори тахминан 70 мартага ортди. Туркистонда муомаладаги қоғоз пуллар 1918-1920 йилларда 360 млн. рублдан 6.439 млн рублга ортди. Шу тариқа пул ишлаб чиқаришнинг кўпайиб бориши муомаладаги пулларнинг кадрсизланишига ва иқтисодий ҳаётни тубдан издан чиқишига олиб келишини табиий ҳолга айлантириб борди. Туркистон иқтисодий ҳаётда кечаётган бу тартибсизликларни ҳатто республика молия комиссари Сергей Измайлов ўз чиқишларида тан олиб шундай дейди: “Туркистон Автоном Республикаси молиявий ва иқтисодий соҳаси фожиявий аҳволда ... Бизнинг молия фанимиз бундай молия тизимини кўрмаган” [19].

Совет пуллари қанчалик кўп ишлаб чиқарилмасин, уларнинг қиймати жуда паст баҳоланди. Россияда, жумладан Туркистонда истиқлолчилик ҳаракати вакиллари ҳамда совет

хокимиятига қарши кучлар совет пуллари муомаласига жиддий тўсқинлик қилди. Савдо-сотикда натура (маҳсулот айирбошлаш) етакчилик қилди. Иш ҳақлари ҳам натура шаклида тўланиб, ишчи ва хизматчиларга деярли пул билан маош тўланмади.

Туркистон республикаси давлат режасига киритилган кўплаб ижтимоий муаммолар пул маблағлари етишмаганлиги туфайли ўз ечимини топмади [20].

1920-1921 йилларда совет ҳукумати томонидан ишчи ва хизматчиларга бепул озиқ-овқат тарқатиш, корхоналарнинг ўзаро муомаласини пулсиз амалга ошириш, иш ҳақларини натура шаклида тўлаш бўйича бир қатор декретлари имзоланди [21]. Ўз ўрнида бу тадбирлар пул муомаласини сусайтиришга хизмат қилди.

Хуллас, Туркистон Республикаси Россия давлатининг асосий таркибий қисми бўлганлиги боис, ўлкада ҳам совет пуллари кенг қўлланилди. Мамлакатда давом этаётган фуқоролар уруши туфайли ўлкага марказдан пул маблағларининг келтирилиши секинлашиб, кейинчалик тўла тўхтади. Туркистон Республикаси ҳукумати бошлиқлари давлат харажатлари учун имкон қадар кўпроқ маблағ излаб топиш мақсадида хусусий корхоналар, темир йўллар ва банкларни национализация (давлат ихтиёрига ўтказиш) қилишга ҳаракат қилди. Қайси-ки давлатда ҳокимият органлари заиф бўлса, ўша ҳудудда тарқоқлик, бошбошдоқлик, сиёсий мустақилликка интилиш ва унинг рамзи сифатида ўз пулларини муомалага чиқариш тенденциялари кучаяди. Жумладан, Туркистонда совет ҳокимиятининг тажрибасизлиги, давлат органларининг мустаҳкам эмаслиги, пул кадрсизланишининг кучайиши, пулга муҳтожликнинг ортиши турли пул бирликларининг муомалага чиқарилишига, тартибсиз молия-пул тизимига кенг йўл очди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Щелоков А.А. Монеты СССР, М.: Финансы и статистика, 1989, С.10.
2. ЎзР МДА, 37-фонд, 1-рўйхат, 233-йиғма жилд, 55-56 варақ.
3. Народное хозяйство Туркестана за 1919 год. №21, стр,1-2.
4. Наша газета 27-28 января, 1918 г., № 85 и 86.
5. Народное хозяйство Туркестана за 1919 год. №21, стр,1-2.
6. Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Туркистане // Сборник документов. Тошкент, Уз Гиз, 1947, 169-185 бетлар.
7. ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 375-йиғма жилд, 33-варақ.
8. ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 22-йиғма жилд, 6- варақ.
9. Наша газета 18 января, 1918 г., № 14.
0. ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 20-йиғма жилд, 187- варақ.
11. Ўша жойда.
2. ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 20-йиғма жилд, 23-25-варақ.
3. ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 20-йиғма жилд, 208- варақ.
4. Наше денежное обращение. (Сборник материалов по истории денежного обращения в 1914-1925 гг) Москва, Финиздат, 1926, стр 210-213.
5. ЎзР МДА, 37-фонд, 1-рўйхат, 158-йиғма жилд, 8- варақ.
6. ЎзР МДА, 37-фонд, 1-рўйхат, 31-йиғма жилд, 15- варақ.
7. Народное хозяйство Туркестана за 1919 год. №23, стр,11-12.
8. Финансовое реформа в Туркестане. (Тезисы ЦК. КП б. Г.). 1921. стр 2-3.
9. ЎзР МДА, 37-фонд, 1-рўйхат, 175-йиғма жилд, 1-4 варақлар.
20. Андреевич П. Финансы Туркестана. // Народное хозяйство Туркестана. 1920, 1 август, с 23.
21. Кўрсатилган асар, 35 бет.

УЎК 93/94

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ТЕЛЕРАДИОНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

А.К. Утепбергенова, катта ўқитувчи, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали, Нукус

Аннотация. Мазкур мақолада орақалпоғистон телерадиосининг ривожланиш жараёнлари ва иш фаолиятининг тубдан ўзгариши, моддий-техник базаси ва ижодий имкониятларнинг кенгайиши, янги ток-шоу ҳамда телекўрсатувларнинг тарихи илимий таҳлилда ёритилган. Муаллиф, мустақиллик даврида Қорақалпоғистоннинг телевизион

радиоэшиттиришининг 2013 йил 1 июндан қорақалпоқ тилида дубляж студияси ўз фаолиятини бошлаши билан дастлаб мультфильмлар кино ва телефильмлар қорақалпоқ тилида куриши имкониятига эга бўлиши кўрсатилган.

Калит сўзлар: Телевидение, радио, тележурналистика, телевидение, муҳаррирлар, телевизион марказ, редакция, телевизор, МТРК Ўзбекистон.

Аннотация: В статье освещается развитие телевидения и радио Каракалпакстана и коренные изменения в его деятельности, расширение материально-технической базы и творческого потенциала, новый научный анализ истории новых ток-шоу и телевизионных программ. Автор отмечает, что в период независимости Каракалпакская телерадиостудия в Каракалпакстане начала свою работу 1 июня 2013 года и сможет смотреть мультфильмы, фильмы и телефильмы в Каракалпаке.

Ключевые слова: телевидение, радио, тележурналистика, телевидение, редакторы, телецентр, редакция, телевидение, НТРК Узбекистана.

Abstract. The article highlights the development of television and radio in Karakalpakstan and fundamental changes in its activities, the expansion of the material and technical base and creative potential, a new scientific analysis of the history of new talk shows and television programs. The author notes that during the period of independence, the Karakalpak TV and Radio Studio in Karakalpakstan began its work on June 1, 2013 and will be able to watch cartoons, films and TV movies in Karakalpak.

Key words: television, radio, TV journalism, television, editors, TV center, editorial office, television, NTRK of Uzbekistan.

XX асрнинг оммавий коммуникация ва ахборот манбаларидан бўлмиш радио ва телевидение жамият ҳаётига жадал кириб, ижтимоий ва маънавий онгнинг шаклланишига улкан таъсир кўрсатувчи омилга айланди. Телевидение ва радио кенг омма билан мулоқоти ҳақида фикр юритганимизда, у фақат битта маънога эга бўлган телевизор ва томоша ҳодисасинигина эмас, аксинча, ниҳоятда мураккаб, мунтазам, миллионлаб томошабинларнинг дунёқарашига таъсир кўрсатадиган жараёни назардатутамиз. Асосан телевидение ва радио жуда қисқа фурсот ичида бошқа санъат турларига қараганда техник имкониятлари, ижодий изланишлар кўлами жиҳатдан жуда кенг, оммавий, тезкор ва жонли санъат воситаси эканлигини намойиш этди. Телевидение ва радио ҳаёт муаммоларини ечимини топишда, инсон қалби ва таффақурининг камол топишида янгидан-янги услуб ифода васиталарини ўзида кашф этди [1].

Мустақиллик жамиятимизда янгиланиш даврини вужудга келтирди. Бу давр кишилар онгини турли мафкуравий андозалар таъсиридан озод қилиш, ўзликка қайтиш, иқтидорусалоҳиятини тўла намоён этиш имкониятини берди. Мустақиллик туфайли ўзликни англаш, халқ тафакқурини ўстириш, маънавиятини юксалтириш, ахборот билан таъминлашда адабиёт, санъат, оммавий ахборот воситалари, хусусан радио ва телевидениенинг роли беқиёсдир [2].

Қорақалпоғистонда истиқлол йилларида телерадиоэшиттириш фаолиятини ривожлантириш мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишига айланди. Давлат ва ҳукумат даражасида қаратилган эътибор, жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларидан замонавий техник жиҳозлар олиб келиниши натижасида мисли кўрилмаган ўзгаришлар, ижодий юксалишлар жараёни бошланди. Ихтисослашган, хусусий ва рақамли телеканаллар илк бора ўз фаолиятини бошлади. Соҳага доир инфратузилма яратилди. Бундай ўзгаришлар телевидениенинг ривожланиш жараёни ва аҳоли ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўрнини алоҳида мавзу доирасида тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Энг асосийси, бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш, аҳолининг кунглига кириб бора оладиган, мавжуд муаммоларни танқидий таҳлил қила оладиган телевидениени яратиш долзарб вазифа қилиб қуйилди. Шундан келиб чиқиб, телерадио фаолиятини ўрганиш асосида мазкур соҳани янада такомиллаштириш буйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга бўлди [3].

Республика аҳолисининг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлароқ кондириш, телерадио дастурлари мазмунини тубдан яхшилаш ва «Ўздавтелерадио» компаниясининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш мақсадида 1992 йил 7 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетини Ўзбекистон давлат телерадиоэшиттириш компаниясига айлантириш тўғрисида» ПФ-309-сон Фармони, 1994 йил 28-март «Ўзбекистон Давлат телевидение ва радиоэшиттириш компаниясининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари туғрисида»ги, 1997-йил 25-август «Ўзбекистон телерадиокомпанияси тизимини техника билан комплекс қайта жиҳозлаш тўғрисида»ги, 2005-йил 8-ноябрь «Мустақил телерадио узатиш каналларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисидаги», 2005-йил 27-декабрь «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида»ги, Қарорларнинг қабул қилиниши соҳада ижодий изланишлар учун кенг ҳаракат майдони яратилгани, янги имкониятларни очиш учун барча шарт-шароитлар яратилган кўрсатаб утиш мумкин [4].

1997 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон телерадиокомпанияси тизимини комплекс техник қайта жиҳозлаш тўғрисида» ги 412-сонли қарори қабул қилинди. Шундан келиб чиқиб, Қорақалпоғистонда Нукус, Мўйноқ, Кўнғирот, Шуманай, Тахтақўпир телестансияларида янги радиотелевизион ўзаткичларни реконструкция қилиш ва ўрнатиш режалаштирилган бўлиб, бу ўзатилаётган телевизион сигналларнинг сифатини ошириш ва қамров зонасини телевизион эшиттириш орқали кўпайтириш имконини берди. 2004 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 611-сонли «Ўзбекистон телерадиокомпанияси тизимига жалб этилган хорижий кредитларни тўлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди .

Ўзбекистон телерадиокомпанияси томонидан қабул қилинган ҳужжатларда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича тадбирлар режасига мувофиқ, Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси 2006-2007-йилларда 3882,2 минг АҚШ долларини қайта жиҳозлашга ёъналтириш режалаштирилган. 2005 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-245-сонли қарори қабул қилинди, унга мувофиқ Ўзбекистон миллий телерадиоканали ижодий-ишлаб чиқариш жамоалари, «Ўзбектелефилм» ДУК ва компания корхоналарининг ташкилий тузилмаси оптималлаштирилди [5].

2006 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳудудий бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 23-сонли қарори қабул қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси ташкилий тузилмаси ва ходимларининг сони 208 кишидан, шундан 8 таси бошқарув аппарати тасдиқланди. 2006 йилда Вазирлар Маҳкамаси инвестиция дастурига мувофиқ Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясини қайта жиҳозлаш учун янги маблағлар ажратилган. Ўзбекистон Республикаси телерадиокомпанияси собиқ раҳбари М. Садуллаев Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси раҳбариятининг бевосита кўмагида биринчи навбатда янги студия қуриб, янги замонавий ускуналар олиб келганини эслайди. 2004-2006 йилларда бу ерда Кўнғирот, Мўйноқ, Тахтақўпир, Монғит, Қорақалпоғистоннинг энг чекка ҳудудларида Шохамон, Қозоқдарё ва Шукурқакда телевизион сигналнинг янги ўзаткичлари ўрнатилди. 18x24 м да катта студия қурилиши ва студия аппарати мажмуаси қурилиши якунланди [6].

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ Нукус телерадиомарказида «Сиенс» фирмасининг 5 та телевизион камераси, 3 та линеер бўлмаган монтаж аппаратлари, 2 та линеер бўлмаган монтаж, 2 та монтаж аппаратлари, энг замонавий ёритиш мажмуалари, Марказий аппарат, коммутатор-тарқатувчи аппарат (кра), ИЖК-5 телевизион камералари ва «ахборот» ва давр «ГЖК» ускуналари билан жиҳозланган. 2007 йил 5 ноябр кунини ушбу янги телевизион ускуналардан фойдаланган ҳолда Қорақалпоқ телевидение дастурлари эфирга ўзатишга қўйилган. 2011-йилда Нукус телерадиомарказида Германияда ишлаб чиқарилган рақамли телевизион ўзаткич ўрнатилди, бу унга Нукус шаҳридан 50 км радиусда 4 та давлат, 3 та тижорат, 5 та хорижий телеканаллар, яъни Нукус шаҳри, Тахиатош, Хўжайли

ва Кегейли туманларининг қарийб 600 минг аҳолиси телевизион сигналларни тарқатиш имконини берди [7]. Айни пайтда, қорақалпоқ тилида «Хабар», «Ҳафталик» дастурлари, ўзбек тилида «Хабар» ҳамда рус тилида ҳам «Хабар» дастурлари бериб борилади. 2013 йили апрель ойида «UZDIGITAL TV» сонли форматдаги эфир сеткасига КК ТВ теледастурлари киргизилди. 2013 йилнинг 1 июнидан иш бошлаган дубляж студияси фаолияти туфайли кичик телетамошабинлар мультфилмларни қорақалпоқ тилида куриш имкониятига эга бўлди. 2014 йили иккинчи дубляж студияси ишга туширилиб, кино ва телефильмлар қорақалпоқ тилига дубляж қилина бошлади. 2015 йилдан Қорақалпоғистон телеканалли кўрсатувлари кунига 18 соат ҳажмда аналог ва рақамли форматда намойиш қилинмоқда. Қорақалпоғистон телерадиоканалининг қамров доираси Қорақалпоғистон Республикаси буйича 95-98 фоизни ташкил этади. [8] Бугинги кунда Қорақалпоғистон телевидениеси ва радиоси ўз фаолиятида мамлакатимиз коммуникация тизимида ўзига хос аҳамият касб этиб, ахборат инфраструктураси, ахборатларни йиғиш, шакиллантириш ва тарқатишда, оммавий онг ва жамоатчилик назоратини кўчайтиришдаги роли ўсиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 7 январдаги “Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиоэшитириш давлат Комитетини Ўзбекистон давлат телерадиоэшиттириш компаниясига айлантириш туғрисида”ги Фармони // <http://lex.uz/docs/234643>
2. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси: замон билан ҳамқадам. Т. 2016.
3. Т.Мадреимов. История возникновения и развития средств массовой информации Каракалпакстана в 1930-1990 гг. (радиовещание и телевидение). Автореф. дис. канд. ист. наук. Нукус, 1997. – С. 10.
4. Т.Ахмедов. Ўзбекистонда телевидениенинг ривожланиш жараёни ва унинг аҳоли ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўрни. Тарих фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) Автореферат дисс.. Т.2019.
5. Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси архив материаллари; 2008 й.
6. Мадреймов Т. Телевидение - жэриялылык куралы. Н. 1989.
7. Мадреймов Қ. Журналистика кэсибиниң жанкүйери. Н. 2015.
8. Джумашев А., Нуржанов С., Уразова Л., Таджиева Р. Қарақалпақстан тарийхи. Н., 2018.

УДК 902

СУЩНОСТЬ И ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ТОЛЕРАНТНОСТИ В ГОСУДАРСТВЕННОЙ СИСТЕМЕ МАЛАЙЗИИ

Г. У. Шарипова, базовый докторант, Международной Исламской академии Узбекистан, Ташкент

Аннотация. Ушбу мақолада Малайзия давлат тизимида багрикенгликнинг шаклланиши, шунингдек, миллатлараро маданият муҳитининг шаклланиши ва ўзаро муносабатлар натижаларининг назарий таҳлили берилган. Малайзия давлат тизимидаги толерантлик соҳасидаги замонавий олимлар ва тадқиқотчиларнинг тадқиқотларидаги айрим жиҳатлар очиб берилган.

Калит сўзлар: байналмилаллашув, кўп миллатли жамият, этник жамоалар, “Малай шажаралари”, конфессионаллик, Шарқий Малайзия, давлат, аҳоли, этнос, гуруҳлар.

Аннотация. В данной статье приводится теоретический анализ формирования толерантности в государственной системе Малайзии, а также формирование среды культуры межнациональных и религиозных отношений. Раскрыты некоторые аспекты в изысканиях современных учёных и исследователей в области основы толерантности в государственной системе Малайзии.

Ключевые слова: интернационализация, полиэтничное общество, этнические общины, «Малайские родословия», конфессиональность, Восточная Малайзия, государство, население, этнос, группы.

Abstract. This article provides a theoretical analysis of the formation of tolerance in the state system of Malaysia, as well as the formation of the culture environment of interethnic and religious relations. Some aspects are revealed in the research of modern scientists and researchers in the field of the basis of tolerance in the state system of Malaysia.

Key words: *internationalization, multi-ethnic society, ethnic communities, "Malay genealogies", confession, East Malaysia, state, population, ethnos, groups.*

Конец XX века ознаменовал себя интернационализацией демократических процессов и формированием новых независимых государств. Что способствовало развитию различных культур, систем ценностей, языка, обычаев, образа жизни и многоконфессиональности общества. Этнокультурные связи народов всегда играли важную роль в мировой истории. В частности, Юго-Восточная Азия – крупный историкокультурный и физико-географический регион мира [1]. Вот почему интересен опыт Юго-Восточной Азии на примере государства Малайзии. Некоторые аспекты данной темы были изучены в изысканиях современных учёных и исследователей, таких как В.А. Тюрина [2], Л.М. Ефимовой [3], В. С. Руднева [4], Н.Г. Низомиддинов и некоторых других. Но уместно заметить, что, каждый исследователь рассматривая вопрос используя разные типы подходы в своих изысканиях.

Малайзия (малайск. Malaysia) - государство в Юго-Восточной Азии, состоящее из двух частей, разделённых Южно-Китайским морем: Западная Малайзия (традиционное название - Малайя) занимает южную оконечность полуострова Малакка с прилегающими островами, граничит с Таиландом на севере, имеет также морские границы с Сингапуром и Индонезией. Восточная Малайзия (традиционное название - Сабах и Саравак) занимает северную часть острова Калимантан с прилегающими островами, граничит с Брунеем на севере и с Индонезией на юге, имеет также морскую границу с Филиппинами [5].

Малайзия не только обладает обширной территорией с географической точки зрения, но и является обладателем древней историей с богатой культурой. Особенность географического расположения Малайзии способствовало развитию морской торговли. Находясь в центре важнейших торговых путей, ее культурные связи со многими государствами оказали большое влияние на религиозную и культурную жизнь, создав своеобразный образ жизни общества.

Сегодня Малайзия полиэтническое государство, ее богатое прошлое тому доказательство [6]. А для того, чтобы понять особенность и сущность государственной системы религиозной толерантности в Малайзии, необходимо изучить историю поэтапного возникновения этноконфессиональных отношений. В частности, историю формирования трех основных общин (этнических групп), населяющих Малайзию. Древнемалайский этнос, сформировавшийся на Падангском нагорье на Центральной Суматре. Колонизация Малайи Англией, которая началась в последней четверти XVIII в., привела к кардинальному изменению численности населения и его этнонационального состава. А также начало Второй мировой войны (значительно позже, чем в других странах Азии) в Малайе сложился постоянный состав населения.

Современное малайское население Малайзии сформировалось в результате смешения представителей родственных им в этническом отношении народов, переселившихся на Малаккский полуостров из различных частей Индонезийского архипелага [7]. Данное исследование рассматривается историками востоковедами и религиоведами, что позволяет проанализировать и раскрыть более полную картину данной работы. Так в исторических источниках описывается, что в течение первого века в северной части полуострова Малакка, произошли существенные изменения, приведшие к поэтапному объединению жителей. То есть на территории индийских и китайских дорог на берегах рек вблизи торгового пути появилось несколько небольших городов государств, такие как: Тамбрадинга и Такола [8]. Что доказывает, что при становлении государственности Малайзии большую роль играли многие этнические группы как индийские и китайские.

В частности, в дельте Меконга в первом веке появилось «индокитайское государство - Фунан», так Фунан к II-III векам стал самым могущественным государством в Юго-Восточной Азии. Мирное сосуществование местных жителей с этническими группами положили основы к межэтнической и межконфессиональной толерантности. Действительно, на историю Малайзии и в целом на малайзийскую государственность оказали очень глубокое влияние индийская и китайская цивилизация. Необходимо заметить, что во многих штатах региона в

качестве государственной религии были приняты ассимилированные брахманизм, буддизм и индуизм, происходящие из Индии.

Во многих китайских и индийских хрониках дана информация о социальных, экономических и культурных связях Малаккского полуострова с соседними народами. Так брахманы играли важную роль в государственной системе индуизма, которая почти полностью сформировалась в VIII веке в Малаккском полуострове [9]. Отношения Малайзии с Китаем и Индией активны не только в сфере дипломатии или торговли, но и в культурно - духовной сфере. Потому что индийские религиозно-философские принципы, которые ранние малайцы усвоили в системе племен и последующих городов-государств, были впитаны не только в пределах дворцовой территории или влиятельных слоев, но и в структуре жизни их общества [9]. Таким образом, необходимо заметить, что государственная система Малайзии трансформируется с изменением общественного сознания. Что в свою очередь доказывает приверженности властей Малайзии к мирному сосуществованию в полиэтническом поликонфессиональном обществе, что не маловажно в современном мире.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Шарипова Г.У. Объективные основы международного сотрудничества Республики Узбекистан с государствами Юго-Восточной Азии//ЎзМу хабарлари журнали. –Т., 1/2 2021. 188 стр
2. Тюрин В.А. Завоевание Малайи Англией. М., 1962.
3. Ефимова Л.М. История Малайзии. М., 1982.
4. Руднев В.С. Очерки новейшей истории Малайи. М., 1959; <http://borneo4you.com/history/history-malaysia.html>
5. Г.У. Шарипова «Убайдулла Уватов – манбашунослик ва ҳадисшунослик дарғаси» Т.2021г 221 стр
6. Malaysia Official Year Book. 1966. P. 31.
7. Колосков В.Т. Малайзия вчера и сегодня. М. «Мысль» 1984. 18 стр.
8. Н.Г. Низомиддинов. Қадимги Малайзия тарихи, диний эътиқоди ва маданияти. Т 2016й. 50 б

УЎК 93/94

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ХЎЖАЛИК МАДАНИЯТИДА ҒАЛЛАЧИЛИК: АНЪАНАЛАР ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

(Сурхон воҳаси материаллари асосида)

С.Б. Эшқурбонов, таянч докторант, Термиз давлат университети, Термиз

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек халқи хўжалигида ғаллачилик маданияти анъаналари ва унинг трансформацияси Сурхон воҳаси мисолида очиқ берилган.

Калит сўзлар: Авесто, Жайтун, оқ бугдой, қизил бугдой, туятини бугдой, бобоки, хивит, қайроқи

Аннотация. В данной статье рассматривается традиции зернового хозяйства в хозяйстве узбекского народа и их трансформация на примере Сурханского оазиса.

Ключевые слова: Авеста, Джайтун, ок бугдай, кзыл бугдай, туятини бугдай, бобоки, хивит, кайраки.

Abstract. This article reveals the traditions of grain farming in the economy of the Uzbek people and their transformation on the example of the Surkhan oasis.

Key words: Avesta, Jaytun, ok bugday, kzyl bugday, tuyatish bugday, boboki, hivit, kairaki.

Ўрта Осиё аҳолиси қадим замонлардан бошлаб ғаллачилик билан шуғулланиб, кўплаб бугдой навларини етиштириб келинганлар. Ғаллачиликнинг қадимийлиги борасида “Авесто”да ҳам маълумотлар бор[3, 75; 4; 62; 9,10; 20, 107-110].

Милоддан аввалги 5-6 минг йилликларда Ўрта Осиёнинг жанубий-ғарбида Жайтун маданияти номи билан машҳур деҳқончилик маданияти пайдо бўлиб, у ерда бугдой ва арпа етиштирилган [16, 35].

Ўрта Осиёда топилган энг қадимги бугдойлар фанда Т. aestivum L. ва Т. compactum Host деб аталиб, неолит даврига хосдир [18, 207]. Олимларнинг фикрича ушбу бугдой турлари кўплиги билан Олд Осиё ва жанубий- ғарбий Осиёдан олдинда туради. Ўрта Осиёда табиий ҳолда бугдойни 9 турига мансуб 263 навлари учрайди: Т.aestivum, Т. compactum, Т.durum,

T.turgidum, T.polonicum, T.dicocum, T.spelta, T.jakubzineri табиатда мавжудлиги аниқланган [19, 134].

П.М.Жуковский [8, 26], М.М.Якубцинер [22, 48] маълумоти бўйича Ўрта осиеда буғдойнинг 28 тури борлигини шундан 6 таси ёввойи бўлиб, маданий турлардан юмшоқ буғдой (T.aestivum) ва қаттиқ буғдой (T.durum) навлари кенг қўлланилиб, экилиб келинади.

Сурхон воҳасида 1930 йилларгача донли экинлар етиштиришга бирламчи эътибор берилар ва у кишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланар эди. Масалан, 1920 йилларнинг ўрталаридаги маълумотга кўра, воҳада ўсимликлар экинни нисбатида 60% донли экинлар, 16,3% пахта, 8,5% ёғли ўсимликлар, 6,5% полиз ва сабзавот, 4,9% шоли, 3,6% беда ва бошқа экинлар эса 0,2 % ни ташкил этган [11, 9-12].

Кейинчалик, узоқ давом этган “пахта яккаҳоқимлиги даври” да донли экинлар, айниқса буғдой етиштириш иккинчи даражали вазифага айлантирилди [6; 13].

Сурхон воҳаси аҳолиси буғдой экишнинг икки мавсумда, яъни кузги (баъзи ҳудудларда киши [14, 35] деб ҳам аталган) ва баҳорги буғдой етиштиришган [15, 271]. Воҳа аҳолиси кузги ҳосиллар йиғиштириб олиними билан (ноябрнинг бошида) ўрнига кузги буғдой экишган. Буғдой эрта (майнинг бошида) пишиб этилади ва у йиғиштириб олинганч ўрнига яна бошқа экинлар экилган.

Воҳада буғдойнинг катта қисми лалмикор ерларда экилади, етиштирилади. Лалмикор деҳқончилик билан шуғулланадиган тоғ ёнбағри хўжаликлариди март ва апрель ойларида кўкламги ёгин-сочинлар тушиб бўлади.

1977 йилда бутун воҳа бўйича суғориладиган зонадан атиги 8,5 минг гектарига буғдой экилган бўлиб, 9,7 центнердан ҳосил олинган эди. Иқлими ўзгача бўлган ёгин-сочин ғоят кам тушадиган Сурхон воҳасининг лалмикор деҳқончилик қилинадиган адир ва қирларида ғалла экинлари ҳосилдорлиги шу кўрсаткич атрофида бўлган.

Мамлакат мустақиллиги қўлга киритилиши билан воҳанинг бирламчи ишлаб чиқарувчи кучи ҳисобланган суғориладиган ерлардан дон етиштириш учун йил сайин ўн минг гектарлаб ер ажратила бошланди [13, 63].

Ғалла мустақиллиги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий хатто стратегик аҳамиятга эга. Буни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бошлаб, ғаллачиликни ривожлантиришга катта эътибор бериб келинмоқда [5]. Ўзбекистонни суғориладиган ва лалмикор ерларда юмшоқ ва қаттиқ буғдой навлари экилади [10, 124].

Сурхон воҳасида 1990 йилда суғориладиган зонада 14,5 минг гектар ерга буғдой экилган бўлса, у 1991 йилда 23, 1992 йилда 34,1, 1993 йилда 31,1, 1994 йилда 59,4 минг гектарга етказилди. Шу йиллар ичида буғдой экиннинг майдони 44,9 минг гектарга кўпайди. Унинг гектаридан ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосили ҳам ортиб борди [17].

Мустақилликнинг дастлабки йилларида воҳа аҳолиси буғдой етиштирадиган майдонларни кенгайтириш, унинг ялпи ҳосилини кўпайтириш билан бирга, буғдой етиштиришнинг, унут бўлган усулларини қайта тиклаш, буғдой етиштиришнинг янги, замонавий фан-техника ютуқларига таянган агротехника қодаларини ўзлаштириш, оила хўжалигига тадбиқ қилиш қабиларга ҳам эътибор берилди [12].

Сурхон воҳаси аҳолиси “Оқ буғдой”, “Қизил буғдой”, “Туятиш буғдой”, тоғли ҳудудларда эса совуққа чидамли “Бобоки”, “Хивит”, “Қайроқи” каби буғдой навлари экишган бўлиб [7, 132-133], улар бир-биридан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турган.

Воҳада буғдойнинг кенг тарқалган навларидан бири “Оқ-буғдой” бўлиб, оқ пояси, оқ бошоғи ва йирик дони билан ажралиб туради. Буғдой баландлиги бошқа навларга нисбатан пастроқ бўлиб, 95 дан 100 см гача етади. Бу унинг ёмғирли кунларда пояси ётиб қолмаслигини таъминлайди. Гектаридан ўртача 3 тоннагача ҳосил олиш мумкин бўлган. Сомони жуда майин бўлиб, воҳаликлар кўпинча пахсали уйлар қурилишида ишлатишган. Шунингдек, чорвачиликда тўйимли озуқа сифатида фойдаланишган. Унидан тайёрланган ноннинг кўриниши ва таъми анча яхши бўлган.

Анъанавий маҳаллий буғдой навларидан яна бири Қизил буғдой бўлиб, воҳадаги кўплаб аҳоли ўз хўжаликлариди экишади. Бўйи анча баланд бўлиб, 120-140 см ни ташкил этади.

Бошқа маҳаллий навларга нисбатан анча серҳосил бўлиб, ўртача гектаридан 3,5 тоннагача ҳосил олиш мумкин [1, 15]. Қизил буғдой навини воҳа аҳолиси баҳорги экин сифатида март ойининг ўрталари экиб, август ойида йиғиб олишади. “Қизил буғдой” қолган навларга қараганда воҳанинг турли иқлим шароитларига чидамли ва мослашувчан бўлиб, кўпҳосиллиги билан ажралиб турган. Шунинг учун воҳадаги аксарият оби ерларга эга хўжаликларда ҳам ушбу буғдой кўп экилган. Унинг сомонидан чорва молларига тўйимли озиқа сифатида кўп фойдаланишган.

Тўпаланг дарёсининг юқори оқимидаги Чош ва Ховат кишлоқларида совуққа чидамли “Хивит” ва маҳаллий “Туя тиш” навлари экилган.

Хивит буғдой нави ҳам асосан тоғли худудлардаги лалми ерларга кузда экилган. Ҳосилдорлиги яхши бўлган. Ахборотчиларнинг маълумот беришича Хивит буғдой навини бир йил олдин ҳам экиш мумкин экан. Масалан, август ойида экилган буғдой кейинги йил шу ойда ўриб олинган. Бу ушбу навнинг маҳаллий шароитда чидамлилигини билдиради. Анча йиллардан бери буғдой экиш билан шуғулланган Самандар бобонинг айтишича ушбу нав нисбатан юқори ҳосилдорлиги, донларининг катталиги, маззали нон бўлиши, қишга чидамлилиги ва сомони чорва моллари учун тўйимлилиги билан бошқа навлардан ажралиб туради [Дала ёзувлари. Денов тумани, Фарғона қишлоғи. 2021 йил].

Сурхон воҳасида экиладиган буғдойнинг яна бир нави “Туятиш” ҳисобланади. “Туятиш” навли буғдой Турон буғдойи (фанда turanicum) навлари турига мансубдир [21, 778]. Ахборотчиларнинг сўзларига кўра, бу нав жуда серҳосил, донлари йирик, ундан тайёрланган нон маззали ва тўйимли бўлган. “Туятиш” навли буғдойлар воҳанинг тоғли минтақаларидаги суғорилмайдиган лалми ерларга экилган. Бугунги кунда ҳам ушбу нави воҳанинг тоғ ва тоғолди худудларида яшовчи аҳолиси унча катта бўлмаган майдонларга, асосан, ўзининг томорқаларида экишади [Дала ёзувлари. Шеробод тумани, Хомкон қишлоғи. 2020 йил]. Бу буғдой нави тўйимли ва маззали бўлиб, от билан янчиладиган хирмонда поясидан осон ажралган. Ушбу буғдой ундан тайёрланган нон ширин, тўйимли ва чиройли бўлган [10, 125].

Қайроқи буғдой қаттиқлиги ва хамирининг чўзилувчанлиги билан ажралиб турганлиги учун ундан кўпроқ хамирли овқатлар ва турли пишириклар тайёрлашда фойдаланилган. Қайроқи буғдой навининг донлари оқ, ялтироқ, ўртача катталикда бўлган [1, 16].

Буғдойнинг қора-қилтиқ нави донлари қаттиқ, узун қорамтир пояли, кичик баргли бўлиб, ахборотчиларнинг маълумотларига кўра бу нав воҳанинг лалми ерларида кенг тарқалган ва юқори ҳосилдорликка эга бўлган.

Кўриниши жиҳатидан Қизил буғдойга ўхшаш бўлган буғдойнинг Бобоки нави Сурхон воҳасининг тоғли худудларида кенг тарқалган. Унинг бўйи бошқа навларга қараганда анча баланд бўлиб, ўртача 150-160 см ни ташкил этади. Пояси мустаҳкам ва ёмғирли кунларга чидамли бўлганлиги учун тоғли худудларда истиқомат қилувчи аҳоли уни лалми ерларга кўплаб экишади.

Бойсун туманидаги Пулҳоким қишлоғида буғдойнинг Бобоки, Қизил-буғдой ва Қайроқи каби навлари бугунги кунда ҳам экиб келинмоқда. Туман маркази яқинида жойлашган ушбу кишлоқдаги катта майдонларда асосан Сурхак ва Тезпишар навлари етиштирилади. Қишлоқ аҳолиси ўз хўжалиги учун ҳар йили қарийб 100 гектар майдонга лалми буғдой экишади. Бу ерларда қайроқи ва қизил-буғдой навлари етиштирилади.

Бойсун туманидаги Дўғоба, Қўрғонча ва Гуматак каби кишлоқларда яшовчи аҳоли буғдойнинг Бобоки, Қизил буғдой, Қайроқи ва бошқа маҳаллий навлари етиштиришади.

Гуматак қишлоғи аҳолиси хўжалигини чорвачилик, ўрмончилик ва боғдорчиликка ташкил этади. Шунингдек, аҳоли ўз хўжаликлари учун унча катта бўлмаган лалми ерларда буғдой етиштиришади. Бу ерда яшовчи аҳоли ўз хўжалиги учун буғдойнинг замонавий навлари умуман етиштирилмайди. Асосан буғдойнинг кўпйиллик анъанавий навлари экишади.

Дўғоба ва Қўрғонча кишлоқлари тумани марказидан 35-40 км узоқликда ва денгиз сатҳидан 2100-2200 метр баландликда жойлашган. Мустақиллик йилларида бу ерларда ҳам фермер хўжаликлари ташкил этилиб, улар асосан катта майдонли лалми ерларда буғдойнинг

интенсив ва товарбоп навларини етиштиришади. Аҳоли эса ўз хўжаликлари учун тахминан 1 ёки 2 гектар ерларга асосан қизил буғдой ва бундан ташқари бобоки, қайроки, қора-қилтиқ каби навларини экишади. Буғдой март ойида экилиб, август охиригача йиғиб олинади. Ўртача 1 гектар ердан 2 тоннагача ҳосил олиш мумкин. Масалан Гуматак қишлоғида истиқомат қилувчи Мўмин бобонинг айтишича унинг ота боболари бир неча юз йилдан буён бу ерда қизил буғдой навини экиб келаётганлигини ва ҳеч қачон бошқа навларни етиштириб кўрмаганлигини айтади [Дала ёзувлари. Бойсун тумани, Дўғоба, Қўрғонча ва Гуматак қишлоқлари. 2021 йил].

Узун ва Сарисий туманларининг Тожикистон билан чегарадош тоғ ва тоғолди қишлоқларида яшовчи аҳоли асосан чорвачилик билан шуғулланадилар. Шунингдек, улар ўз хўжаликлари учун кўпи билан бир гектаргача буғдойнинг қизил ва хивит навларини етиштиришади.

Воҳа аҳолиси замонавий товарбоп буғдой навларини бозорда сотиш учун экишса, маҳаллий ва анъанавий буғдой навларини эса ўз хўжалик истеъмоли учун экишади.

Бир қанча Ахборотчиларнинг маълумотлари ва респондентлардан олинган сўровномалар натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, анъанавий буғдой навларидан тайёрланган таомлар ва ноннинг маззали таъми, сифатлилиги уларни ўз хўжаликларида етиштиришни давом эттиришига сабаб бўлмоқда.

Мустақиллик йилларида нафақат Сурхон воҳаси, балки бутун Ўзбекистонда суғориладиган ерларда замонавий интенсив буғдой етиштиришни кенгайтириш натижасида унинг ҳосилдорлиги икки ва ҳатто уч баравар, яъни гектарига 4-5 т га қадар ошишига олиб келди. Сурхон воҳасидаги катта майдондаги суғориладиган ерларга Краснодар-99, Таня, Гром, Грация, Яксарт, Нота, лалми ерларда Сурхак 5688, Красноводопадская-210 каби замонавий товарбоп буғдой навлари экилмоқда [13, 63].

XX асрнинг 40-йилларида маҳаллий навлар асосида яратилган Сурхак 5688 нави бугунги кунда лалами ерларда ташкил этилган фермер хўжаликлари томонидан етиштирилмоқда [1, 15]. Воҳанинг текислик лалми ерлари учун ҳам баҳорги буғдойнинг кенг тарқалган товарбоп навларидан бўлган Сурхак қурғоқчилик ва иссиқ иқлимга нисбатан чидамли ҳисобланади [2, 249-282]. Ҳосилдорлиги гектарига 3 тоннагача етади. У асосан йирик фермер хўжаликларида экилади [13, 60].

Сурхак буғдой нави ҳам нисбатан бошқа навларга қараганда ҳосилдор бўлиши мумкин, лекин сифат ва таъм бўйича маҳаллий навларга тенглаша олмайди. XX аср воҳанинг тоғли ва тоғолди ҳудудларида яшовчи аҳоли ўз хўжаликлари учун кўпинча қизил буғдой ва оқ-буғдой навларини экишган. Сурхон воҳасининг суғориладиган ерларида озик-овқат экинлари сифатида буғдой етиштиришга мўлжалланган майдонларнинг кўпайиши, шунингдек, воҳанинг чекка тоғли ҳудудлари билан боғланиш учун транспорт тизимининг ривожланиши ва яхшиланиши лалми буғдой экиладиган майдонларнинг қисқаришига олиб келди.

1993-1995 йилларида Добрый, Санзар-8, Шердор ва Ёнбош каби серҳосил буғдой навлари суғориладиган ерларга тадбиқ қилинди. Ушбу навлар Сурхон воҳасидаги кўплаб фермер ва деҳқон хўжаликларида экила бошланди [13, 63].

Маҳаллий ва анъанавий буғдой навларининг сақланиб қолиши ва ундан воз кечмасликка асосий сабаблар қуйидагиларидан иборат деган хулосага келдик.

Буғдой донларининг йириклиги, ундан тайёрланган таомларнинг маззали бўлиши, уй шароитида тайёрланган нон сифатли ва таъми маззали бўлиши;

Тоғли ҳудудларга ўта чидамлилиги, айниқса баҳорги экинларда барқарор узлуксиз ҳосил олиш имконини берувчи ўзига хос мослашувчанлиги;

Чорвачилик учун озуқа ва қурилиш материали сифатида ишлатиладиган сомоннинг маҳсулдорлиги ва сифати юқорилиги.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Baboev S., Morgounov A., Muminjanov H. Wheat landraces in farmers' fields in Uzbekistan: national survey, collection, and conservation. FAO, Ankara, 2015. P. 15.

2. Khalikulov Z. et al. The history of wheat breeding in Uzbekistan //The World Wheat Book: A History of Wheat Breeding. – 2016. – Т. 3. – С. 249-282.

3. Абдолниёзов Б., Исҳоқов М. Авесто ва қадимги чорвачилик. Тошкент, 2008 –Б. 75;
4. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. Т.: Шарқ, 2001. Б.-62;
5. Ғалла мустақиллиги йўлида// Сурхон тонги газетаси. – 1995 йил, 11 июль. - № 50 (15933).
6. Ёқубова Д.Т. Ўзбекистонда пахта яққа ҳокимлигининг ўрнатилиши ва унинг натижалари (1930-1990 йилларда Сурхон воҳаси мисолида): Тарих фан. фалсафа док.(PhD) ... дис. автореф. - Термиз, 2021. - 88 б.
7. Ершов Н. Н. Сельское хозяйство таджиков... – С. 132 – 133.
8. Жуковский А.М. Культурные растения и их сородичи. М., «Советская наука», 1971.
9. Исҳоқов М.М. Авесто Яшт китоби. Т, 2001. – Б-10;
10. Қурбонов Г. Қ., Умарова М. М. Ўзбекистонда ғаллачилик тарихи // Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдиэлари ва замонавий жараёнлар. – Тошкент, 2006. – Б. 124.
11. Материалы по районированию Узбекистана. Вып. I. - Самарканд: Издание ЦК РУз., 1926. - С. 9-12.
12. Пахта ўрнига ғалла // Сурхон тонги газетаси. – 1991 йил, 16 ноябрь. - №176 (15.150).
13. Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти.- Т.: Жайхун, 1996. – Б. 63.
14. Сазонова М. Традиционное хозяйство узбеков Южного Хорезма. - Л., 1978. - С. 35.
15. Современный кишлак Средней Азии: социально-экон. очерк. Вып. 3. Китабская волость (Кашка-Дарьинской области Узбекской ССР), 1926. - 271 с.
16. Спришевский В.И. Чустское поселение (к истории Ферганы в эпоху бронзы). Автореферат канд. дисс., Т., 1963.
17. Статистический сборник, Сурхандарьинская область в цифрах за 1990-1993 годы,- Термез- 1994.
18. Удачин Р.А. К истории культуры пшеницы в Средней Азии. Труды по прикладной ботанике, генетике и селекции. Том 36. вып. 1964.
19. Удачин Р.А., Шахмедов И.Ш. Пшеница в Средней Азии. Ташкент «ФАН», 1984. С.134.
20. Хўжамуродов И.Р. —Авестода она- заминнинг эъозланиши // Ўзбекистон Аграр фани хабарномаси, 2001, 1 (3) сони.-Б.- 107-110;
21. Цвелёв Н. Н. Род 22. Пшеница — Triticum L. // Злаки СССР / отв. ред. Ан. А. Фёдоров. — Л.: Наука, 1976. — С. 778.
22. Якубцинер М.М. Классификатор Triticum L. Л., ВИР., 1977.

RELATIONSHIP OF CULTURE AND LANGUAGE*D.T. Arzieva, senior teacher, Andijan State Medical Institute, Andijan*

Annotatsiya. *Bu maqolada tilning milliy va madaniy xususiyatlariga qisqacha tavsif berilgan. Til madaniyat ko'zgusi bo'lib insonning nafaqat haqiqiy dunyosi, uning hayotining haqiqiy sharoitlarini, balki odamlarning ongi, mentaliteti, milliy xarakteri, turmush tarzi, urf-odatlarini, odoxloqi, dunyoqarashi, qadriyatlar tizimini ham ko'satadi.*

Kalit so'zlar: *madaniy xususiyatlar, munosabat, urf-odatlar, dunyoqarashi, mentalitet.*

Аннотация. *В данной статье дается краткое описание национально-культурных особенностей языка. Язык как зеркало культуры, отражает не только реальный мир, окружающий человека, не только реальные условия его жизни, но и общественное сознание людей, их менталитет, национальный характер, образ жизни, традиции, систему ценностей, мировоззрение.*

Ключевые слова: *культурные особенности, отношения, традиции, мировоззрение, менталитет.*

Abstract. *This work provides a brief description of national and cultural features of language. Language as a mirror of culture reflects not only the real world surrounding a person, not only the real conditions of his life, but also social consciousness of people, their mentality, national character, way of life, traditions, morality, value system, vision of the world.*

Key words: *cultural features, relationship, traditions, vision of the world, mentality.*

Language is one of the most important categories of culture, since it is through language that a person's worldview is formed and expressed. However, language is not only means, it is also the environment in which a person is formed and lives, which determines the life experience of a person. You can even say that a person lives, as it were, inside the language, constantly experiencing its influence on him. Language does not just reflect the human world and culture. The most important function of language is that it preserves culture and transfers it from generation to generation. The issue of interaction between language and culture is included in the range of issues of scientific interest for specialists - linguists, philosophers. At the exhibition "Only in the word is the soul alive" we tried to present publications that answer the following questions: what is the influence of language on the formation of personality?; how do language and culture relate to each other?; what is national character and how is it formed by language?; what factors help communication and what hinders communication between representatives of different cultures? Language is a treasury, a storeroom, a piggy bank of culture. It preserves cultural values - in vocabulary, in grammar, in idioms, in proverbs, sayings, in folklore, in fiction and scientific literature, in the forms of written and oral speech. Mastering the native language, children learn with it the generalized cultural experience of previous generations. Language is a tool, an instrument of culture. It forms the personality of a man, a carrier language, through the vision of the world imposed on it. So, language does not exist outside of culture as "socially inherited a set of practical skills and ideas that characterize our way of life". As one of the types of human activity language turns out to be an integral part of culture, defined as the totality of the results of human activities in different spheres of human life: industrial, social, spiritual. However, as a form of existence of thinking and, most importantly, as a means communication, language is on a par with culture.

First place among the nationally specific components of culture takes the language. Language primarily contributes to the fact that culture can be both a means of communication and a means of separating people. Language is a sign belonging of its carriers to a certain society.

Thus, the relationship between language and culture is a complex issue and multidimensional. This article is devoted to the problems of relationships, interconnection, mutual influence and the interaction of language and culture in the process of communication between people. Before

proceeding directly to the consideration of these problems, it is necessary make a few reservations and clarifications. In recent years a branch of language science directly related to the study culture has become increasingly widespread among cultural linguistics. According to Professor V.V. Vorobyov (Russian Peoples Friendship University): “Today it can already be argued that cultural linguistics is a new philological discipline that studies certain selected and organized body of cultural values, explores living communicative processes of the generation and perception of speech, the experience of a linguistic personality and national mentality, gives a systematic description of the linguistic “picture of the world” and ensures the fulfillment of educational and intellectual tasks learning ...

The relevance of all issues related to culture has acquired in the present time of unprecedented severity. Increased interest in the study of cultures of different peoples, bringing to the forefront of cultural studies, stream of publications on the topic of dialogues and especially cultural conflicts; creation of societies, associations uniting researchers cultural problems; endless conferences, symposia, congresses on culture; inclusion of cultural studies and anthropology in the training curriculum specialists in all humanitarian areas and even in secondary programs schools; finally, the already mentioned well-known prediction of S. Huntington about the third world war as a war of cultures and civilizations - all this testifies to the present boom, an explosion of interest in cultural issues.

Unfortunately, behind this boom lies not only and not so much noble and creative motives of interest in other cultures, the desire to enrich their culture by the experience and originality of others, how many completely different reasons, sad and disturbing. In recent years, social, political and economic global shocks led to an unprecedented migration of peoples, their resettlement, collision, mixing, which of course leads to conflict of cultures.

The scientific and technological progress and the efforts of reasonable and peaceful parts of humanity open up all new possibilities, types and forms of communication, the main condition for the effectiveness of which is mutual understanding, dialogue of cultures, tolerance and respect for the culture of communication partners. All this taken together - both alarming and hopeful - led to a particularly close attention to the issues of intercultural communication. However, these questions eternal, they have worried humanity since time immemorial. As evidence remember one proverb. Proverbs are rightly considered clumps of folk wisdom, that is, by the very folk cultural experience that is stored in the language and is passed down from generation to generation.

There is an English proverb “When in Rome, do as Romans do”. So in this language folk wisdom tries to warn against what is now commonly called the term conflict of cultures. This phrase, unfortunately, is now “in vogue” according to the already mentioned sad reasons: in conditions of social, political and economic conflicts numerous refugees, immigrants, repatriates suffer from conflicts with “Someone else’s charter” even in a favorable economic situation.

What is a cultural conflict? Why it became possible to talk about war of cultures? Ancient Greeks and Romans called all people of other countries and cultures barbarians - from the Greek barbaros ‘foreigner’. The word is onomatopoeic and directly related with a non-native language: foreign languages were perceived by ear as indistinct bar-bar-bar. The most obvious examples of cultural clashes are given simply by real-life communication with foreigners both in their country and in their own country. This kind of conflict gives rise to many curiosities, anecdotes, funny stories, troubles, dramas and even tragedies.

Advertising of Marlboro cigarettes “does not work” in Latin America, because cowboy, a man on a horse is the poorest, who can smoke only the cheapest and therefore the worst cigarettes.

Spanish firm has agreed with Mexico to sell a large batch of corks for champagne, but had the imprudence to paint them in a burgundy color, which turned out to be the color of mourning in Mexican culture - and the deal fell through. One of the versions of the death of a Kazakh plane while landing in Delhi explains the accident as a conflict of cultures: Indian air traffic controllers gave the height not in meters, but in feet, as is customary in English culture and in the English language. In such a completely different area as medicine, the same law applies: in someone else’s the body with its own charter/treatment is better not to walk. Since it is not necessary to treat the disease, and the

patient, then during treatment it is necessary to take into account both individual characteristics of the patient, as well as national and cultural features of his behavior, psychology, perception of the world, habitual state, etc. Avicenna (Ibn Sina) taught a thousand years ago that “if you give an Indian the nature of Slovenian, then the Indian will fall ill or even die. The same will happen with the Slovenian if he will be given the nature of an Indian”. Obviously, by “nature” is meant the national culture.

So, reading foreign literature is inevitably accompanied by an acquaintance with alien and new countries culture, and conflict with it. In the process of this conflict a person begins to become deeper aware of his own culture, his world and his approach to life and to people. We see and most importantly we evaluate this alien world through the prism of our culture that accordingly it also turns out to be a conflict of cultures.

In such an explosive situation, science and education are acutely difficult and noble tasks: first, to explore the roots, manifestations, forms, species, the development of cultures of different peoples and their contacts and, secondly, to teach people tolerance, respect, understanding of other cultures. To accomplish this task conferences are held, associations of scientists and teachers are created, books are written, cultural disciplines are introduced in the curriculum of both secondary and higher educational institutions.

REFERENCES:

1. V. G. Kostomarov. Language taste of the era, M., 1994
2. Yu.A.Fedosyuk. Such a manual is necessary//Questions of literature, 1959M.
3. Ter-Minasova, S. G. Language and intercultural communication: textbook. manual for students on specials. "Linguistics and Intercultural Communication". - M.: Slovo, 2000.- P. 79 - 80.

UO’K 81-13

ULLIBIBI OTAYEVA SHE’RIYATIDA ONA OBRAZI

N.F. Atajanova, tayanch doktorant, Urganch davlat universiteti, Urganch

Annotatsiya. *Mazkur maqolada o‘zbek adabiyotida ona obrazining talqini xususida so‘z boradi va Ullibibi Otayevaning mazkur mavzuga yondashuvi uning shu mavzudagi bir qator she‘rlari orqali tahlil qilinadi.*

Kalit so‘zlar: *so‘z san‘ati, ifoda usuli, badiiy topilma, poetik mulohaza, tashbeh, muqoyasa, ta‘rif, timsol.*

Аннотация. *В данной статье повествуется об интерпретации образа матери и рассматривается подход Улибиви Отаевой к вышеупомянутой теме через серию стихотворений по этой теме.*

Ключевые слова: *искусство слова, способ выражения, художественная находка, поэтическое размышление, метафора, сравнение, описание, олицетворение.*

Abstract. *This article tells about the interpretation of the image of the mother and analyzes Ullibibi Otayeva's approach to this topic through the series of poems on this topic.*

Key words: *art of word, way of expression, artistic find, poetic reflection, metaphor, comparison, description, personification.*

Ijod ahli ona haqida yozganda, qiyosi yo‘q ta‘rifni, uning cheksiz mehr-muhabbatini ifoda etuvchi eng buyuk kalomni izlaydi. Betakror va umrboqiy asar yarata olish ilinjida so‘z san‘atkorlari borki, o‘z volidasi oldida qisman bo‘lsa-da, farzandlik burchini ado etishni diliga tuyadi va ana shu qutlug‘ va ezgu maqsad yo‘lida onalarning tabarruk nomlari ulug‘langan badiiy asarlar takror va takror yaratilaveradi. Shunisi ayonki, bu mavzuda har bir qalamkash borki, ona haqida hech bir ijodkor tilga olmagan, o‘ziga xos qirralarni qalamga olishni xohlaydi va ularning ana shu ezgu niyat yo‘li, qalam ahlining teran so‘zini, badiiy ifodasini va poetik mahoratini badiiy adabiyotda namoyon qilishiga turtki bo‘ladi. Shu o‘rinda aytishimiz lozimki, shoira Ullibibi Otayeva mazkur mavzu yuzasidan boshqa ijodkorlardan farqli, o‘ziga xos so‘zini ayta olgan ijodkorlardandir. Uning she‘riyatini kuzatar ekanmiz, shoira ona obrazining ruhiy qiyofasini chizishda oddiy so‘zga badiiy ifoda yuklab, unga joziba baxsh eta olgan va she‘ning badiiy ta‘sir kuchini oshirishga erishganligiga guvoh bo‘lamiz:

Yog' ichida yurib yayramagansiz.
 Tishlaringiz tillo emasdir garchi,
 Lekin har so'zingiz qadrlidi edi.
 Garchi har so'zimga bol-asal surtdim,
 Meni tinglashmaydi endi.
 O'lib-tirilmayin nechog'lik.
 Bugun meni eshitmas hech kim.
 Faqat... sizdan so'z ochar bo'lsam,
 Beixtiyor tinglashadi jim.[1]

Odatda ijodkorlar ona mavzusi haqida qalam tebratganda, odatiy tashbeh-u qiyoslardan foydalanishadi, deylik, oq yuvib, oq taragani, dilbandini voyaga yetkazish asnosida tunlarni bedor o'tkazganligi, jon fidoyiligi kabi... Biroq hech qanday ta'rif-u tashbehlersiz, sun'iy ko'tarinkilig-u ortiqcha balanparvozsiz ham ona obrazining badiiy qiyofasini ochib berish mumkinligini shoiraning yuqoridagi she'ridan anglab olsak, ajab emas. Zotan, she'rdagi ona timsolini gavdalantirishda mantiqiy izchillik, ichki misiqiylik, silliq ifoda usuli kitobxon bilan uyg'un ruh yarata olish imkoniyatiga egaligi yurakning qatlariga singib ketadi. "Faqat...sizdan so'z ochar bo'lsam, beixtiyor tinglashadi jim." Mana shu satrning o'ziyoq ona obrazining yorqin qiyofasini hech qanday muqoyasalarsiz, ichki va tashqi bezaklardan holi, samimiy va sodda ifoda yo'sini orqali kitobxonga taqdim qilgan. Darhaqiqat, ijodkorning she'rlari yurakdan chiqqani uchun ham, sodda va samimiy bo'lgani uchun ham yuraklarga oson yetib boradi. Zotan, Ullibibi Otayeva tuyg'ulari xalqona shoiradir. Uning poetik mulohazalari va badiiy topilmalari nihoyatda zalvori bo'lsada, ifoda usuli juda nozikdir.

Inson yoshi qirqdami, ellik yoki oltmishdami, ota-onasi hayot ekan, o'zini xuddi yosh boladek his qiladi ekan. Ularni yo'qotish o'zini xuddi-ki, ulardagi bor mas'uliyatini yelkasiga olishga sababchi bo'ladi. Ullibibi Otayevaning "Katta enadan ayrilgan kun onaning qiziga deganlari" she'rida inson umrining sarhisobi, farzandlik burchi, onalikning mas'uliyati xususida so'z boradi:

Oq, qizil ko'ylaklar tikkanda enang,
 Ignaga o'tkazib berardim ipni.
 To'ylarda niyatlab tikardi yalang,
 Gullarga burkardi har mato-sepni.
 Enangdan ayrilib qoldik jon qizim
 Ko'k ko'ylak tikmog'im kerakdir o'zim.
 Qo'limda majol yo'q, xiradir ko'zim,
 Ignaga o'tkazib ber ipni o'zing.
 Endi men bolamas, endi onaman.
 O'ttizda angladim keksayganimni
 Onasizlik og'ir, lek ko'rsatmasin.
 Onaning bolam deb mung'ayganini.[2]

She'rdagi "O'ttizda angladim keksayganimni" misrasi butun she'rning mazmun-mohiyatini ochib bera olgan va shu orqali ijodkor o'quvchining lirik qahramon ruhiy kechinmalarini o'z qalbida tuya olishiga erishgan. Inson umr daftarini sarhisob qiladigan bo'lsak, o'ttiz yosh – g'ayrat-shijoatga, mustahkam sog'liqqa to'la davrdir. Shuningdek, farzandlik burchini, mas'uliyatini his qiladigan hamda onalikdek sharaflil maqomga ega bo'ladigan davr ham. Biroq shunday davrda onayizordan ayrilgan farzand – butun erkalg-u, tantiligidan mosuvo bo'ladigan, quyoshning nurlaridan oladigan ziyosidan, dovul-u shamollarning shiddatidan panoh oladigan bag'irdan, qismatning unga yog'dirgan nainki sinovlaridan taskin oladigan tasalli va shirin so'zlardan ayrilgan bir g'amgusor bo'lib qoladi. Inson ruhiyatidagi qalamga olishga ojizlik qiluvchi ana shunday ichkin manzarani shoir yuksak badiiy mahorat bilan tasvirlagan.

Onaning hayoti, butun dunyosi – farzand. U oqilmi yoki notavon, qobilmi yoki noqobil baribir u ona uchun – yuragining bir parchasi. Onaning bu dunyosini obod qiladimi yoki vayron qiladimi, baribir onaning yuragi jigar go'shisi uchun uradi. Shoiraning quyidagi she'rida "Marhum ona"ning dil izhorlari bayon qilingan:

Tobutim tutmadi o'g'illar,
 Qizlar izimdan dod solmadi.
 Ketdim kelmaganday dunyoga
 Quloq tutdim, hech kim yodga olmadi.
 – Azobdan qutildi deyishib, faqat,
 Ikki qo'shnim ko'zin yoshlashdi.
 Bilishmaski, mening so'ngsiz azobim
 Endi boshlandi.[3]

Yuqoridagi she'rda farzandlaridan ro'shnolik ko'rmagan, hattoki, so'nggi manzilga kuzatish uchun tashrifini intiqlik bilan kutgan onaning dil izhorlari bayon qilingan. “Bu dunyoda farzandlaridan tortgan ozorlaridan qutildi”, deyishganida, yo'q, aksincha, u dunyoda farzandlarining taqdiridan endi xavotirda qoladi, degan poetik ifoda she'rning badiiy ta'sir kuchini yuksaltirgan. Darhaqiqat, onalikning hech qachon nuramas binosining g'ishtlari asli noziklikdan, mehrdan, sabr-toqat, iroda va kechiruvchanlikdan yasalgandir. Shu o'rinda yozuvchi O'tkir Hoshimovning quyidagi so'zlarini keltirish o'rinlidir: “Faqat bir narsani aytishim mumkin, mabodo Tangri dunyoga qayta jon ato qilsa-yu, onalar tirilib, hayot paytida mehr berganmi, bermagan – baribir farzandlarini maqtab gapirgan bo'lardi. Onalar hatto vafotidan keyin ham onaligicha qoladi”.

Shol tashlar, ustidan ko'rpacha,
 Qo'li yupqa – yozar yupqa non.
 Uyi kapa, lekin nonlari katta,
 Dasturxonga bazo'r sig'ar non.
 Suv separ yo'lakka, ko'chaga,
 So'ng suvlar to'ldirib, quyur tunchaga.
 O'g'lin kutaverib, lablari qaqrab,
 Ichib bo'shatadi uni tonggacha.[4]

Ullibibi Otayevaning mazkur “Kutish” she'rining hech bir joyida “ona” so'zi qo'llanmagan, biroq ona siymosining ichkin holati, qalb iztiroblari, metindek sabri hech qanday o'xshatish-u qiyoslarsiz, shunchaki dilbandini kutayotgan ona timsolining bir kunlik tafsiloti o'rnida bayon qilingan. Biroq shu tavsifning o'zida ijodkor ona obrazining ruhiy olami, ichki kechinmalari va yoniq qalbining taftini o'quvchi tushunishiga va o'sha tuyg'uni ko'nglida tuyishga erisha olganligining guvohi bo'lamiz. Zotan, onaning shol tashlab, ustidan ko'rpacha tashlashining zamirida – g'amxo'rliqi, uyi kappa, lekin nonlarining kattaligi zamirida – bag'rikengligi, yo'lakka, ko'chaga suv sepishining zamirida esa intizorligi ifodalangan bo'lsa, suv to'la tunchaning tonggacha ichib bo'shatishining zamirida ona zotining ta'riflashga o'zlik qiluvchi matonati-yu qat'iyati va irodasi tasvirlanadi. Va hayratlanarlisi shuki, dunyodagi eng yuksak fazilatlar onaning oddiygina farzandini kutayotgandagi ruhiy olamida namoyon bo'ladi.

Shoiraning yana bir she'rda bu dunyoda faqatgina onalarninggina qo'lidan keladigan betakror tuyg'ular qalamga olinadi. Onaning o'g'liga murojaati quyidagicha bayon qilingan: “O'g'lim, men sendan hayotning alamlarini hozircha yashirib yashayman, ko'proq ustimga g'amlarni olib, shodligini oshirib yashayman.” Ona farzandiga ertaklar aytib beradi, ba'zan o'sha to'qimalarga o'zi ham ishonib qoladi. Dilbandiga Alpomishning g'olib bo'lganini so'zlaydi-yu, biroq uning chekkan ohlarini aytmaydi. Begunoh kiyikning yo'lbars panjasidan omon qolganini so'ylaydi-yu, ammo ungacha ne g'amlar bilan tolganini aytmaydi. Quyosh chiqishidan gap boshlaydi-yu, kunning botishini unut qiladi. Muzlarning eritar taftini so'zlaydi-yu, qahri haqida sukut qiladi. Bu gaplar, tabiiyki, farzandga xush yoqadi va har bir gapdan so'ng zavqlanib kuladi. Ona biladiki, uning sodda, sof yurakchasi dunyodagi barcha ishlarning o'ngidan kelishini istaydi. Yuqoridagi poetik ifodalar bayon etilgan she'r quyidagicha yakun topadi:

Faqat kechir, bolam, boshingga hayot
 Aralash yuborsa g'am-u shodlikni,
 Kimgadir ishonching bo'lsa-yu barbod,
 Ko'tara olmasang qay bedodlikni.
 Derlar: hayot – ona emas, u boshing

Bir xilda erkalab silamas har dam.
Men ham ne qilayin, onaman, axir,
Hayotday beshafqat bo'la olmasam?![5]

Ullibibi Otayeva farzandiga bergan mehridan hikmat topadigan, ularning bergan ozorlaridan esa ko'lamli xulosalar chiqara oladigan shoiralardandir. Darhaqiqat, hayot beshafqat, u hech kimni ayamaydi. O'zining tig'li yo'llarida har qanday insonni jarohatlashga qodir. Ana shunday dunyoning og'riqli tomonlaridan ona farzandini nafaqat asrashga qodir, hattoki, hayotning bu shafqatsiz o'yinlarini o'z dilbandiga aytishni ham ravo ko'rmaydi. Ullibibi Otayeva she'rlarining ichki mohiyatiga nazar tashlasak, uning shaxsiyatiga xos yuksak insoniy fazilatlar – satrlarda aks etgan samimiy, sodda va shu bilan birga iztirobli kechinmalar talqini kitobxonni beixtiyor jo'shqin va nazokatga boy nafis fikrlar oqimiga chulg'aydi.

“Hayotda onalar shafqatsiz bo'la oladilarmi yoki ularga shafqatsiz bo'lishni talab qiladigan vaziyatlarda uning uddasidan chiqa oladimi?”, – degan savolga javob bera olgan shoira: “Men ham ne qilayin, onaman, axir, hayotday beshafqat bo'la olmayman,” — deya iqrar bo'ladi.

Yuqoridagi she'rda ona farzandini dunyoning ozorlaridan, shafqatsizliklaridan asrashi xususida bo'lsa, quyidagi she'rda esa mabodo farzandning boshiga g'am-tashvish tushsa, ona buning sababini o'zidan izlashi xususida boradi. Dunyodagi eng og'ir vaziyat – inson o'z-o'zini aybdor his qilishi. Taajjublanarlisi shuki, biror voqea-hodisaga o'zi aralashmagan yoinki unga aloqasi bo'lmasa-da, o'zini ayblash..... Bunday ichkin ruhiy holat hammaga ham nasib bo'lavermaydi. Yaratganning tanho onalargagina taqdim qilgan ruhim olami bu. Shoironing quyidagi she'rida mazkur holat o'ziga xos badiiy talqin qilingan:

Yo'llaringga kimdir gul sohib
Kutsa, balki, bu ham bir meros.
Qachonlardir kimning kaftini
Aylaganim tikandan xalos.
Sen safarga chiqsang, izingdan
Qarg'ab kimdir sohib qolsa kul,
Loqayd qarab turganim o'chi
Qachonlardir yonganda bir gul.[6]

Mazkur she'rda shoira onalik tuyg'usini qalamga olar ekan, misralarga hech qanday sharhning va tavsifning hojati yo'qligiga amin bo'lamiz. U har bir misraga hayot bag'ishlab, har bir detalni qalb harorati bilan to'ldira olgan. Zotan, real hayotdagi voqelikni ehtirosli ruh va ichki kayfiyat bilan hamohang tarzda ifodalash ijodkorlikning eng muhim omillaridan sanaladi. Shu ma'noda aytishimiz mumkinki, Ullibibi Otayeva o'z fikr-mulohazalarini yangicha badiiy shakllarda ifodalashga intilgan va shunga erishgan ijodkorlardandir.

Shu o'rinda O'zbekiston xalq shoiri Abdulla Oripovning ona timsoli haqida bildirgan fikr-mulohazalarini keltirish o'rinlidir: “Onalar obrazi o'zi bitta, lekin shakl-shamoyili, ismi har xil bo'lishi mumkin. Millati ham, boring-ki, dini ham har xil bo'lishi mumkin. Lekin hamma onalarning fazilati bir xil. Umuman, hamma dinda, millatda ona degan kasb bitta. Ona – bu mehr degani. Ona farzand uchun yashaydi, afsuski, farzandlar ona uchun yashamaydi, shunday katta farq bor. Ona bolasi uchun doimo tayyor turadi. Lekin farzand esa, albatta, ona uchun qurbon bo'ladigan tarzda fidoyi qilib tarbiyalash kerak”.[7]

Umuman, jahon adabiyotida ona obrazi yetakchi timsollardan sanaladi. Biroq Sharq adabiyotida, xususan, o'zbek adabiyotida mazkur timsol talqini o'ziga xosdir. Boisi o'zbek xalqida ona zotining olamdagi eng yuksak fazilatlariga egaligi bois ham so'z san'atkorlari shu mavzuda ijod qilsa, ularning qalbi jo'shqin, ilhomi qaynoq, so'zlari teran va qalami o'tkirligi namoyon bo'ladi. Zotan, Said Ahmadning “Ufq” romanida Jannat xola obrazi, Asqad Muxtorning “Chinor” romanida Sharofat xola obrazi, Chingiz Aytmatovning “Asrga tatigulik kun”dagi Nayman ona obrazi, shuningdek, shoirlar ijodidan Mirtemir, To'ra Sulaymon, Abdulla Oripov, Muhammad Yusuf va boshqalarning ona haqidagi she'rlarini misol tariqasida keltirishimiz mumkin. Biroq bir mitti va murg'ak vujudga jon baxshida etib, dunyoga keltirib, ne mashaqqat-u ganjlar ila kamolga yetkazib kelayotgan, ularning zahmati-yu jonnisorligini o'z vujudi-yu ruhiyatida o'tkazganligi bois ona

timsolining qalb taftini teran anglab va his qilgan ayol ijodkorlarning fidoyi ijodini alohida e'tirof etmaslikning iloji yo'qdir. Zero, ular mazkur obraz haqida qalam tebratsalar so'zida o'zining taqdiri va kechkishmishi, ichki olam qiyofasi aks etadi. O'zbek shoiralaridan Zulfiya, Saida Zunnunova, Halima Xudayberdiyeva, Oydin Hojiyeva kabi ijodkorlar qatorida Ullibibi Otayevaning ona haqidagi o'ziga xos she'rlari mavjud ekanligini alohida ta'kidlab o'tishni lozim deb topdik.

Ullibibi Otayeva ijodini kuzatar ekanmiz, uning she'rlari takakkur olamiga o'z-o'zidan vulqon kabi quyilib kelishiga guvoh bo'lamiz. So'zga chechan shoira go'yoki fikr-mulohazalarini erkin bayon qilayotganday jonli va hayotiy yozadi. Zero, ijod namunalari biror bir so'zni "siquvga olmaganligi", dabdaba va ortiqcha ko'tarinkilikdan holi ekanligi fikrimizning yorqin dalilidir. N.Aseev M.Lukoninga yozgan xatida aytadi: "Yaxshi she'r o'qisang, sening ham bir nima yozging kelib qoladi, yomon yoxud o'rtacha narsa o'qiganda esa, umuman, yozishdan hafsalang pir bo'ladi." U. Otayeva she'rlarini mutolaa qilar ekanmiz, biz ham ijod qilgimiz kelib qoladi, ona haqida, uning ruhiy olami, ma'naviy qiyofasi haqida o'zimizning o'ziga xos so'zimizni aytgimiz keladi va bu esa, o'z navbatida shoiraning so'z san'ati olamidagi yuksak mas'uliyatini anglab, o'z burchini ado qilganligidan, yuksak qadriyatlarimizdan hisoblanmish ruhiy birdamlik uchun zamin yaratganligidan dalolat beradi. Zotan, adabiyotning bosh vazifasi ham shu – inson ruhiyatini tarbiyalash.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

- 1.Otayeva U. Zamin darg'asi. Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 1991.73-b.
- 2.Otayeva U. Zamin darg'asi. Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 1991. 61-b.
- 3.Otayeva U. Zamin darg'asi. Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 1991. 68-b.
- 4.Otayeva U. Shukrona. Toshkent:Yozuvchi, 1998. 22-bet.
- 5.Otayeva U. Shukrona. Toshkent:Yozuvchi, 1998. 24-bet.
- 6.Otayeva U. Shukrona. Toshkent:Yozuvchi, 1998. 76-bet.
- 7.Oripov A. "Sharq yulduzi"jurnali o'quvchilari savollariga javoblar. – Tanlangan asarlar . 6-jild. Toshkent. Sharq. 2010.243-bet.

UDK 808.3

STRUCTURAL-SEMANTIC FEATURES OF THE TERMINOLOGY OF AGRICULTURE IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

A.S.Elmuratova, teacher, Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers, Tashkent

Аннотация. Мақоланинг мақсади ўзбек тилларидаги ўсимликишунослик соҳасида қўлланиладиган қишлоқ хўжалиги терминларининг лингвистик хусусиятлари (ўхшаш ва фарқли жиҳатлари)ни очиқ бериш ҳамда терминларнинг яшалиш (ҳосил бўлиши) йўллари ва инглиз тилига таржима қилиш усуллари аниқлашдан иборат.

Калим сўзлар: инглиз тили, ўзбек тили, қишлоқ хўжалиги, терминология, лексика, семантика, сўзлар.

Аннотация. Цел в данной статье объяснение языковых особенностей сельскохозяйственных терминов, используемых в области растениеводства на узбекском языке (идентичные и дифференцированные аспекты) и определение способов составления и перевода терминологии.

Ключевые слова: английский, узбекский, сельское хозяйство, терминология, лексика, семантика, слова.

Abstract. This article purpose is explaining the linguistic features of agricultural terms used in the field of plant growing in the Uzbek language (identical and differentiated aspects) and identifying ways of making and translating the terminology.

Keywords: English, Uzbek, agriculture, terminology, lexicon, semantics, words.

In ensuring the competitiveness and sustainable development of the economy of Uzbekistan, agriculture, which is considered the main sectors, is one of the most important factors in the effective use of land, water and material technical and labor resources, organization of innovative agrotechnological production in agriculture and increasing competitiveness. From this point of view,

the lexical - semantic features of the terminology of plant science, which is the basis of agriculture, considered one of the important directions, and the need to carry out translation studies are emerging. Studies on comparative linguistics in Europe began in the first quarter of the XIX century, in the East it began much earlier, especially in Uzbek linguistics, in the XI century. For example, in the work "Muhokamat ul lugatayn", we can clearly see this. A.Navoi further developed and perfected the science of comparative linguistics in this work[1].

The improvement of the processes of building a Democratic state and Legal Society accelerated the active penetration of the terms of the field of plant science of Agriculture, which is the economic base of any state, into the vocabulary of the Uzbek language. This case will certainly give an opportunity to develop the field of terminology. When using linguistics in translation, a number of linguistic, lexical-semantic features are emphasized in the application of English in our national language. The growing number of ecological problems in agriculture is due to the need for a more in-depth study of the field of Plant Science and the importance of exchange of experience with scientists of the world for this, the existence of a number of problems in the use of translations and terms necessitates the conduct of scientific research in this area. In particular, studying the theoretical and practical issues of separation of the lexical system of plant science into semantic micromaidons and studying the schemes in the form of terminology from the English - Uzbek lexicographic point of view, as well as translating the terms from a foreign language to our national language, researching the terminology units as a holistic system, studying them as The solution of this problem indicates the need to further improve the quality of the special bilingual (English - Uzbek) dictionary and the dictionary of agricultural terms. In terminology, there are terms that have not found their solution, that is, they are not called in translation by pure Uzbek terms, and today this issue is waiting for its solution.

The coverage of the topic "Lexical - semantic features of the terminology of Agriculture in English and Uzbek languages " (based on Plant Science Materials) is the first step towards the solution of pressing problems waiting for such a solution.

In the report of the Cabinet of Ministers on the main results of socio-economic development of our country in 2016 and the most important priorities of the economic program for 2017, the president of our country Shavkat Mirziyoyev made a report on the condition of carrying out a number of strategically important tasks in the development of agriculture in 2017[2]. In carrying out these urgent tasks, of course, foreign experience is also studied, which in itself means the emergence of new terms in the national agrarian sphere, and such reforms necessitate the development of network terminology in the spheres of the Uzbek language. Because, as a result of the development of tourist relations with foreign countries in the conditions of market economy, the improvement of the ecology of our national tourist cities and, at the same time, the changing of environmental conditions on earth, no doubt, requires further enrichment of the gene pool of plants of agriculture, therefore, expeditions to foreign countries are carried out according to the, first of all, it is necessary to study the terms of plant science and get acquainted with their content. Currently, about a hundred species of agricultural crops, about 30 thousand sample seeds are kept alive in the genbank of plants of the Research Institute of Plant Science. Given the fact that the seeds of the preserved samples have been harvested from different countries of the world for the last 90 years, and at the same time completely lost in their homeland, this gene pool is considered invaluable. The genophony of Plant Science and the number of terms that form the basis of them are increasing and increasing day by day on account of internal and external factors. But most of the terms used in the field of plant science, however, do not have their own equivalent in the Uzbek language. The meaning of the words embodied in the field of plant science is expressed through terms. In particular, in the field of Plant Science, along with its specific terms, there are terms that come into play from other sciences and fields.

Looking at the history of plantain terminology from ancient times to this day, it has reached us with a number of lexical - semantic and phonetic changes. For example, our great-grandfather Zahiriddin Muhammad Babur in his work "Boburnoma" mentioned the ancient names of some plants and the winds of form: "Яна норанж (апельсин) ва лимуга(лимонга)ўхшаш мевалар бор. Норанж Ламғонотда, Бажавр ва Саводда кўп ўсиб яхши етилади. Ламғонот норанжи кичик ва киндикли

бўлади, жуда латиф ва нозик ҳамда серсув бўлади Хуросон атрофидаги норанжга тенглаштириб бўлмайди... Мен доим “норанж” арабча сўз деб ўйлардим, шундай экан Бажавр ва Савод халқи норанжни “нораанж” дейдилар[3]” said. Another great compatriot, Abu Ali ibn Sina, who has grown on the soil of Central Asia and has made a huge contribution to World Science, in particular, the science of Medicine, mentioned in his “Kitab al Qanun Fi-t-tib” a number of plants. “Наржис”(Наргис гули), “Сабир”(алоё), “Кузбура”(кашнич), in the Old English language "cyrnel" refers to the ancient names of plants such as seed, kernel, touched on the nature and properties. This kind of information has produced many engagements in the translation process for linguists. Science and technology, the development of production is also reflected in the language. This is especially true of terminology.

Research in terms of two (English and Uzbek) languages within the framework of the terminological system of plant science is one of the new directions for Uzbek linguistics and the work to be done in this area is very significant[4]. The study of the terminological system of Plant Science in Uzbekistan in a holistic form is one of the issues that has not yet been studied in terms of translation aspect of cognitive linguistics, in particular, the lexical-semantic features of translation from any foreign language into our national language. This topic is being analyzed for the first time.

REFERENCES:

1. Навоий А. Муҳокамат ул-луғатайн / А. Навоий; муҳаррир М.Исмоилов. – Тошкент : Akadem nashr, 2017. – Б.128.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси 2017 йил 14 январь.
3. Захриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. -Т.: Ўз.ФА нашриёти, 1960. –Б.204.
4. Юсупов.Қ. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультура атамалари хусусида // Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: 2011. – Б. 49.

UO`T: 811.111-26

ADABIYOTSHUNOSLIKDA EPISTOLYAR JANR TUSHUNCHASI VA UNGA OID NAZARIY QARASHLAR SHARHI

M.N. Habibova, o'qituvchi, Buxoro Davlat Tibbiyot Instituti, Buxoro

Annotatsiya. *Maqolada adabiyotshunoslikda epistolyar janr tushunchasi, epistolyar asar tilini o'rganish, tahlil qilish, epistolyar texnikalarning badiiy xususiyatlari, epistolyar uslubning qo'llanishi talqin qilingan. Shu bilan birga, olimlarning epistolyar asar tiliga munosabati, uslubni ravon va ta'sirchan qiladigan vositalar haqida bayon etilgan fikrlari, nazariy qarashlari bayon etilgan.*

Калит сўзлар: *epistolyar roman, epistolyar adabiyot, epistolyar janr, xat, noma, maktub, kundaliklar, xotira, eslatmalar. nazariy qarashlar.*

Аннотация: *В статье раскрывается понятие эпистолярного жанра в литературе, исследование и анализ языка эпистолярного произведения, художественные особенности эпистолярных приемов, применение эпистолярного стиля. В то же время представлено отношение ученых к языку эпистолярного произведения, их взгляды на средства, позволяющие сделать стиль плавным и эффективным, а также их теоретические взгляды.*

Ключевые слова: *эпистолярный роман, эпистолярная литература, эпистолярный жанр, письмо, дневники, воспоминания, заметки. теоретические взгляды.*

Abstract. *The article explains the concept of epistolary genre in literature, the study and analysis of the language of the epistolary work, the artistic features of epistolary techniques, the application of the epistolary style. At the same time, the attitude of scholars to the language of the epistolary work, their views on the means to make the style fluent and effective, and their theoretical views are presented.*

Keywords: *epistolary novel, epistolary literature, epistolary genre, letter, letter, diary, diary, memoir, notes. theoretical views.*

Kirish. Epistolyar asar bu bir gator hujjatlar orqali yozilgan adabiyot bo'lib, ko'pincha bu hujjatlar xatlar, kundalik yozuvlar, gazeta parchalari hamda bugungi kunga kelib, bloglar va elektron pochta xabarlarini bo'lishi mumkin. Shuning bilan birga, epistolyar adabiyotga atoqli arboblarning madaniy - tarixiy ahamiyatga ega bo'lgan yozishmalari ham kiradi. Xat, noma, maktub shaklida yaratilgan turli xil asarlarni epistolyar janrga misol qila olamiz.

Xat o'qishni hammamiz yaxshi ko'ramiz, ba'zida boshqalarga tegishli maktub bo'lsa ham. Bu holat, ayniqsa, tadqiqotchilar tarixchilar, adabiyotshunoslar uchun zarurat. Chunki xatlar, ayniqsa, mashhur shaxslar o'rtasidagi yozishmalar tarix sahifalarini jonlantirishda, fikr yuritilayotgan shaxsga oid ma'lumotlarni oydinlashtirishda, tadqiqotchilar e'tiboridan chetda qolgan ayrim zarur chizgilarni to'ldirishda ilmiy qiymatga ega. Ular faqat ko'ngil yozish, insonning o'z fikrini qog'ozda ifodalash usuli bo'libgina qolmay, balki dunyoning turfa ranglarini ko'ra bilish, his etish imkonini ham beradi.

Adabiyotlar tahlili va metodologiya. Maktublarning turi ko'p: yozishmalar, xizmat yuzasidan yozilgan xatlar, sevishtganlar maktubi, do'stona maktublar va hokazo.

Epistolyar roman (yoki xat, noma shaklida yaratilgan asar) bir yoki bir nechta qahramonlarining qator xatlaridan iborat bo'lgan asar hisoblanadi. Xatlar qahramonlarning hissiy tajribalarini aks ettiradi, ularning ichki evolyutsiyasini tasvirlaydi. Antik davrda ham badiiy yozuv madaniyati mavjud edi. Ma'lumki, keyinchalik savodli va chiroyli yozuvlar tegishli o'quv muassasalarida maxsus o'qitilgan. Yozma nutq epistolyar janrning mahsuli sifatida qaraldi va haqiqiy hunarmandchilik edi. Ammo "epistolyariya" so'zi nimani anglatadi? Ushbu san'at qadimgi Yunonistonda paydo bo'lganligi sababli, bu atama tegishli kelib chiqishga ega: yunoncha "maktub" dan tarjima qilish "xat" degan ma'noni anglatadi.

XVIII asrda Evropada maktub shaklida yozilgan mashhur romanlar qatoriga "Samuel Richardsonning "Pamela; or Virtue Rewarded" (Pamela yoki mukofotlangan fazilat) 1740, "Clarissa or the History of a Young Lady" (Klarissa yoki yosh xonimning tarixi) 1747-1748 "The History of Sir Charles Grandison" (Charles Grandisonning tarixi) 1754, Jan Jak Russoning "Julia or the New Heloise" (Yuliya yoki Yangi Elioza) 1761, Tobias Smolletning "The Expedition of Humphry Clinker" (Xamfri Klinker sayohati), Johan Volfgang von Gyotening "Die Leiden des Jungen Werthers" (Yosh Verterning iztiroblari) 1774, Choderlos de Laklos "Les Liaisons Dangereuses" (Xavfli aloqalar) 1782," [1] va b. misol bo'la oladi.

Har bir epistolyar roman o'ziga xos badiiy xususiyatlarga ega –bu muallifning o'ziga xos xususiyati milliylik va davriy o'zgarishlar bilan bog'liq. Ammo bu janrning barcha asarlariga xos bo'lgan tuzilish xususiyatlari mavjud. Sokolyanskiy o'z qarashlarini quyidagicha tasvirlaydi: "Каждый эпистолярный роман обладает присущими только ему художественными особенностями — это обусловлено своеобразием творческой манеры автора, изменениями, принесенными эпохой, национальной спецификой. Но есть и структурные особенности, присущие всем произведениям этого жанра" [2].

Uning dalillari esa xat, noma orqali yaratilgan, ayniqsa XVIII asr klassik romanlari adabiyotining keying rivojlanishiga sezilarli ta'sir ko'rsatdi. Xususan S.Richardson, J.J.Russo, T.Smollett, I.B.Goete, Choderlos de Laclos, shu bilan birga, maktub shaklidagi epistolyar adabiyot Jorjina Hovelning "The Queen of the Desert" biografik asari muhim ahamiyatga ega.

"Эпистолярный роман –это выдумка, литературоведческий фантом. Тот факт, что "Памела", "Опасные связи" или "Бедные люди" написаны в форме писем, значит, в общем, чем шриффт, которым эти книги были набраны при первых изданиях. "Писем таких не бывает, письма — это диалог; а тут просто история, разбитая на удобно-короткие отрезки и почемуто иногда излагаемая разными персонажами" [3] deb ta'riflaydi Sonkin o'z nazariyasida. "Pamela", "Xavfli aloqalar" va "Kambag'al odamlar" kabi asarlarning maktub shaklida yozilgan birinchi nashrlardir, bu asarlarda xatlar orqali tarix tasvirlangan. Maktub shaklidagi badiiy xabarning xarakterli xususiyatlarini adresat majburiy ko'rsatilishi bilan dialog yoki monolog tarzidagi maxfiy taqdimot uslubiga bog'lash mumkin. Bunday nutqning muhim elementi og'zaki va adabiy tilning kombinatsiyasi bo'lib, matnga shaxsiy va romantik xususiyat beradi. O'sha paytda mashhur bo'lgan ushbu suhbat uslubi edi. Nutq gullab-yashnagan, murakkab edi, turli xil epiteziyalar va metaforalar bilan to'plangan, bu aslida Pushkin davridagi adabiy asarlarda aks etgan. Adabiyotshunoslikda

epistolyar janr va uning badiiy xususiyatlarini o'rganishga bo'lgan kuzatishlar, birinchi navbatda, adabiyotda epistolyar janr sifatida chuqur tahlil etilgan maxsus asarlarning yo'qligi bilan, ikkinchidan, uning dolzarbligi mohiyatini chuqur anglab yetmaganligi sababli XVIII asr xat shaklidagi Evropa romanlarining an'anasi va janrni o'zgartirishning asosiy yonalishlari bilan bog'liqdir.

Natija. Epistolyar roman janr sifatida uning barqaror tarkibiy xususiyatlari va evolyutsiyasi tahlil etilgan. Epistolyar texnika bu adabiy asar janrlarida qo'llaniladigan uslubiy vositadir. Maktub ko'rinishida yozilgan turli xil romanlarni ijtimoiy, kundalik, psixologik, sentimental, (**“novel of conduct and sentiment, novel of manners”** [4]) go'yat sarguzashtli, komik roman epikasiga kiritish mumkin.

Epistolyar romanning o'ziga xos xususiyati shundaki, uning badiiy shakli ekstremal badiiy voqelikka, o'z hayotiy mazmuniga ega. Bu xususiyat epistolyar romanni “inson hujjati:” (kundalik, xotiralar, eslatmalar) shaklida yaratilgan va badiiy matnlar bilan yaqinlashtirgan.

“...первичные речевые жанры, входящие в состав сложных, трансформируются в них и приобретают особый характер: утрачивают непосредственное отношение к реальной действительности и к реальным чужим высказываниям: например, реплики бытового диалога или письма в романе, сохраняя свою форму и бытовое значение только в плоскости содержания романа, входят в реальную действительность лишь через роман в его целом, то есть как событие литературно-художественной, а не бытовой жизни. Роман в его целом является высказыванием, как и реплики бытового диалога или частное письмо (он имеет с ним общую природу), но в отличие от них это высказывание вторичное (сложное)” [5]. Baxtin maktublarni (uning har xil shakllarida) o'rganib chiqib, unga maxsus nutq janri deb ta'riflagan hamda ularni boshlang'ich va ikkilamchi janrlarni farqlash nuqtai nazaridan tahlil qilgan: murakkab tarkibiy qism hisoblangan birlamchi nutq janrlari o'zgaraydi va alohida xarakterga ega bo'lgan, voqelikka va boshqalarning haqiqiy bayonotlariga to'g'ridan-to'g'ri aloqasini yoqotmagan. Masalan, kundalik suhbatlar yoki romandagi yozuvlar nusxalari, ularning shakli va kundalik ahamiyatini faqat roman mazmuni tekisligini saqlagan holda real voqelikni roman orqali ya'ni adabiy va kundalik hayotdagi voqea sifatida tasvirlagan. Yana boshqa bir ishida olim shuni ta'kidlab o'tadiki, epistolyar adabiyot bu: “композиционно-стилистических единств, на которые обычно распадается романное целое.” [6] deb aytib o'tgan. Adabiy yozma kundalik maktub shakllaridan biri sifatida kundalik bilan birga odatda romanning butun tarkibini tashkil etadigan kompozitsion stilistik birliklaridan iboratdir.

Muhokama. Epistolyar adabiyotning asosiy muammosi inson bilan dunyo munosabatlari emas, balki shaxsning o'z qarashlari, his-tuyg'ulari bilan bog'liqdir. Sokolyanskiy: “Основной конфликт в романах этого времени локализуется не в сфере отношений человека с —миром, а внутри самой личности” [7] deb hisoblagan. Epistolyar asar tilini o'rganishda yozuvchining so'zga munosabati, so'z tanlash, so'z qo'llashdagi mahorati muhim ekanligini, epistolyar texnikalardagi til vositalarini, so'zlarni ishlatishda uning o'ziga xos uslubi namoyon bo'lgan.

Maktublar mazmunidan xat egasining hayoti, faoliyati, fe'l atvoriga xos belgilarni topish mumkin. Shuningdek, akademik V.Vinogradov “Epistolyar asar tilini tahlil qilish asar goyasi bilan bog'liq hissiy mazmunni ifoda etuvchi badiiy vositalarni ko'rsatib berishdir” [8] – deyar ekan, u to'la haqlidir. Epistolyar texnikalarning badiiy xususiyatlarini tahlil qilar ekanmiz, matnning badiiy nutqida qo'llangan so'zlar faqat ma'no va grammatik jihatdangina emas, balki hissiy-estetik jihatdan ham munosabatga kirishish mumkinligini M.M.Yo'ldoshev to'g'ri ko'rsatib o'tadi. Tilshunos S.Karimov epistolyar asar tiliga e'tibor qaratib, “Maktub matnidagi tasviriy vositalar badiiy ijod namunalarini bir qadar go'zal, jarangdor, ta'sirli qilib bayon etish zaruriyatidan kelib chiqqan”, [9] - degan fikrni bejiz aytmagan.

Yuqoridagi fikrlarning o'zi ham ko'rsatib turibdiki, epistolyar asar tiliga munosabat, uni jiddiy o'rganish olimlarning doimiy e'tiborida bo'lgan. Chunki epistolyar asarni, uning til xususiyatlarini o'rganmay turib asar goyasi va mazmuniniy axlit holda chuqur idrok etish mumkin emas.

Jorjina Hovel iqtidorli ijodkor sifatida epistolyar janrga, undan foydalanishga alohida e'tibor bilan qaragan. Ilmiy adabiyotda **epistolyar uslub, epistolyar janr, epistolyar shakl, epistolyar an'ana, epistolyar manera, epistolyar texnika** va boshqa atamalar aralash holda qo'llanib

kelmoqda. Epistolyar janr masalasi bilan shug'ullangan olimlar T.P.Zorina V.D.Levinning ishlari bilan tanishar ekan, uning besh betda uch xil atama (epistolyar forma, epistolyar texnika, epistolyar stil) ishlatganligining guvohi bo'lgan va bu atamaning mohiyatini ifodalovchi aniq bir tushunchaning yo'qligi shunday xilma-xilliklarga olib kelyapti degan xulosa chiqargan. Adabiyotshunoslikda bu masalaga yondashishda uchta nuqtai nazar mavjud, xususan:

1) birinchi yonalish vakillari fikri bo'yicha, badiiy-balletristik, ofitsial-rasmiy, ijtimoiy-publitsistik va ilmiy uslublar qatorida epistolyar uslub ham mavjud. L.V.Sherbaning fikricha, "turli yozishma, kundalik va xatlar epistolyar uslubga mansub." [10] A.I.Yefrimovning fikricha, "epistolyar uslub mustaqil va uni boshqa uslublardan farqlovchi xususiyati og'zaki nutq elementlari va xatlar uchun tipik bo'lgan ayrim kitobiy strukturalar sintezidir." [11]

2) ikkinchi yo'nalish vakillari xatlarning har xil turlarida tilning turli uslubiy tizimlari aks etishini ta'kidlaydilar. Masalan, tashkilotlar o'rtasidagi yozishmalar rasmiy uslubga tegishli bulsa, og'zaki nutq tahlili uchun manba bo'lgan biror adib yoki maktub egasining xatlari xususiy yozishma og'zaki uslubning ifodalanishi ekanligini ko'rsatib turibdi [12].

3) uchinchi yonalish vakillari esa xat janrining yo'qligi va har biri alohida ko'rilishi zarur bo'lgan, xatlar guruhlari mavjudligini ta'kidlagan holda, "Стилем писем определяется их жанр. ...Ни конструкция, ни стиль письма не развиваются в пределах какого-то одного ряда. Письмо живет чужими рядами, поэтому в пределах эпистолярного жанра и стиля часто имеется существование различных жанров и стилей" [13] deb qayd etadilar. Ko'rinib turibdiki, keltirilgan parchada fikrlar qarama-qarshiligi mavjud. Qayd etilgan fikr tarafdori bo'lgan N.L.Stepanov o'zining boshqa bir asarida xatlar janri haqida fikr yuritgan va uning o'ziga xos tomonini ochib bergan. N.L.Stepanovning xatlar janrining yo'qligi haqidagi fikrini tasdiqlagan Y.Proxorov o'z maqolasida epistolyar janrga to'xtalib o'tgan va A.I.Turgenevning epistolyar janrdan ustalik bilan foydalanganligini ta'kidlagan [14]. Demak olimlar xatlarga nisbatan uch xil holatda turganliklari aniq:

epistolyar uslub,

epistolyar janr mahsuli,

"umumiy maxraj" ga ega bo'lmagan hosilalar. N.L.Stepanovning fikricha, xatlarni ma'lum bir guruhlarga ajratib, alohida tadqiq etish mumkin. Epistolyar uslub haqida O.N.Sedovanning qayd etishiga ko'ra, turlicha ataganlar: "почтовая проза", "человеческий документ", "литературный факт". Xat atamasining ko'p ma'noligi epistolyar uslubni epistolyar janr tushunchasiga singdirib yuborilishiga sabab bo'lgan. U eng universal eng ko'p umr ko'rgan janrlardan hisoblanib, xatdan to epistolyar janr ko'rinishlarga ega. Demak, xat– turmushdagi (xususiy) va ishdagi (rasmiy) munosabatlarni yozma ravishda bildirishdir. Bunda ham kommunikatsiyaning boshqa ko'rinishlaridagidek, hech bo'lmasa ikkita shaxsning mavjudligi shart. Bu yozma fikr almashishda mas'uliyat ko'proq yozuvchi shaxsga tushgan. Muallif og'zaki nutqda ishtirok etuvchi so'zlovchiga nisbatan katta mas'uliyat yuklanganini doimo sezishi zarur, chunki maktublarda ortiqcha, tasodifiy, noo'rin jumalarga o'rin bo'lmaydi. Yozma nuqtning bu xususiyati haqida o'z vaqtida Aristotel ham fikr bildirgan: "стиль речи письменной – наиболее точный".

Ozarbayjon adabiyotshunos olimi I.S.Solexovanning ko'rsatishicha, bir guruh olimlar (L.V.Sherba, G.O.Vinokur, A.I.Yefimov va boshqalar) epistolyar janrni tilning vazifaviy uslublari tizimidagi mustaqil uslub deb qaraganlar. Yana bir guruh olimlar (M.N.Kojina, E.G.Rizin, N.P.Zorina va boshqalar) esa mustaqil uslub bo'la olmaydi, deb hisoblaydilar. G.P.Zorina, R.Q.Qo'ng'urov, S.Karimov, T.Qurbonov kabi olimlar epistolyar janrni rasmiy ish qog'ozlari uslubiga kiritadilar. M.N.Kojina, Chijik-Poleyko kabi olimlar epistolyar janrni maishiy uslubga, S.M.Gurevich esa publitsistik uslubga kiradi, deb hisoblaydilar. Z.Sh. Hasanova epistolyar uslub badiiy xususiyatlarini tahlil qilgan.

Xulosa. Maktublar muallifining (xat yozuvchi kishining) qaysi davr, muhitda yashashi, shaxsiy hayoti, faoliyati, u bilan muloqotda bo'lgan kishilar, uning voqea-hodisalar, kishilar va ularga munosabati hamda adresat (xatni oluvchi kishi) shaxsiyati va hayoti haqida ma'lumot beruvchi muhim manba bo'lib xizmat qilgan. Epistolyar texnikalarining ishlatilganligi asarning ta'sirchan, tushunarli, jonli bo'lishini ta'minlagan va yozuvchining maqsadiga erishishiga ko'maklashgan.

Xatlar hamisha tarixiy faktlarni aks ettiruvchi manba sifatida xizmat etavermagan, balki xat egasining ko'prog maktub yozayotgan daqiqalardagi holatini ruhiyatini belgilagan. Maktublar kishiga hayotiy tajriba orttirishda, hayotda javob topolmagan savollarga javob topishda ko'maklashgan.

Epistolyar adabiyot kitobxonga nafaqat qahramonning harakati yoki fikrlari haqida ma'lumot berish, balki ularning kelib chiqishini, dunyo qarashlarini namoyish etgan. Adabiyotshunoslikda epistolyar janrning badiiy xususiyatlari shundan iboratki, asarda ishlatilgan epistolyar nutq yoki epistolyar merosda berilgan ma'lumotlar borliqni badiiy bilish orqali olam, odam va jamiyat haqidagi bilim va tasavvurlar boyitilgan. Epistolyar namunalari orqali "haqiqiy hayot" degan tushuncha faqat chiroyli ta'rifgina emas, uning zamirida katta haqiqat yotgan. Zero, epistolyar janrni yoritish jarayonida inson qalbining chuqur tublariga kirib borilgan, uning turfa fe'l-atvori bilan tanishilgan, insonlar orasidagi murakkab, o'ziga xos munosabatlar kuzatilgan. Badiiy asarda epistolyar namunalari o'qish jarayonida kitobxon asar voqeligida yashagan, asar qahramonlarining o'ylarini ongdan, hislarini qalbdan kechirgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. «Зарубежная эпистолярная художественная проза. Избранная библио-графия»
2. Соколянский М.Г. Эпистолярный роман // Литературоведческие термины-Коломна, 1999.-Вып.2.-С.119-120.
3. Сонькин В. Web-присутствие-<http://www.russ.ru/krug/razbor/20010622.html>
4. Black F.G. The Epistolary Novel in the late 18th century. –University of Oregon. Eugene, 1940. –P.52
5. Бахтин М.М. Собр. соч.: В 7 т. – Т. 5. Работы 1940-х – начала 1960-х годов. – М., 1997. – С. 252
6. Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. Исследования разных лет. – М., 1975. – С. 75.
7. Соколянский М.Г. Западно-европейский роман эпохи Просвещения (проблемы типологии). – Киев; Одесса, 1983. – С. 74
8. Виноградов В. Наука о языке художественной литературы и ее задачи. – М.: АН СССР. 1958. – С. 3-5.
9. Karimov S. O'zbek tilining badiiy uslubi: F.f.d. dis. – avtoref. – Samarqand: Zarafshon, 1993. – В. 21.
10. Щерба Л.В. Современный русский литературный язык // Русский язык в школе. – 1939. – С. 21-22.
11. Ефимов А.И. История русского литературного языка. – М., 1967. – С. 15.
12. Кузнец М.Д. Скребнев Ю.М. Стилистика английского языка. – М., 1960. – С. 128-130.
13. Степанов Н.Л. Дружеское письмо начала 19 века. В сб: «Русская проза. Вопросы поэтики». – Л., 1926.
14. Прохоров Е.И. Издание эпистолярного наследия. В. Сб: «Принципы издания эпистолярных текстов». Выпуск 3. – М., 1964. – С. 102.

UO'K 81-13

ALISHER NAVOIYNING HAMD VA NA'T G'AZALLARI XUSUSIYATLARI

Z. Jo'raqulova, o'qituvchi, Termiz davlat universiteti, Termiz

Annotatsiya. *Hazrat Alisher Navoiyning buyuk nazmiy va nasriy asarlari so'z boyligi bilan ham, uslubi bilan ham ulkan bir xazina hisoblanib, ularning lisoniy-uslubiy xususiyatlarini o'rganish hamon dolzarb vazifalardan bo'lib qolmoqda.*

Kalit so'zlar: *adabiy meros, "Hamd", payg'ambarlar obrazi, g'azal, Vasef*

Аннотация. *Великие поэтические и прозаические произведения Алишера Навои являются огромным сокровищем с точки зрения словарного запаса и стиля, и изучение их языковых и стилистических особенностей остается актуальной задачей.*

Ключевые слова: *литературное наследие, «хамд», образ пророков, газель, Васеф*

Abstract. *The great poetic and prose works of Alisher Navoi are a great treasure in terms of vocabulary and style and the study of their linguistic and stylistic features remains an urgent task.*

Key words: *literary heritage, "hamd", the image of prophets, ghazal, Wasf*

Alisher Navoiy jahon adabiyotining eng yirik namoyandalaridan biridir. U yuqori kamolot bosqichidagi buyuk aql egasi – chin ma'nosi bilan buyuk shoir, mutafakkir va ulug' inson edi. Navoiydan qolgan buyuk adabiy meros bir necha asrlar davomida O'rta va Yaqin Sharq xalqlarining adabiyoti va fikriy taraqqiyotiga zo'r ta'sir ko'rsatib keldi.

O'zining bebaho badiiy va ilmiy asarlari bilan Sharq xalqlari taraqqiyotiga kuchli ta'sir ko'rsatgan ulug' mutaffakkir Alisher Navoiyning bebaho asarlarida insoniy tuyg'ularning oliy

darajadagi talqinini ko'ramiz. O'zbek adabiy tili va adabiyoti so'nggi besh asr ichida Navoiy merosi asosida taraqqiy etdi, uning ilg'or an'alarini davom ettirdi.

Hazrat Alisher Navoiyning o'lmas merosini ba'zida tubsiz ummonga, ba'zida bahosini hech bir mezon bilan o'lchab bo'lmaydigan dur-u javohirlar xazinasiga qiyoslaymiz. Asrlar davomida jahonning ko'zga ko'ringan tilshunoslari-yu, adabiyotshunoslari uning bebaho ijodiyotining badiiyligi va til xususiyatlarini yoritib berishga harakat qilmoqdalar. Natijada, Alisher Navoiy ijodining yangi-yangi qirralarini zabt etishga muyassar bo'lmoqdalar. Ammo bular Navoiy ijod ummonidan bir qatra, bebaho xazinasidan bir misqol, xolos. Negaki, ulug' shoirning hamd g'azallarini ko'zdan kechirganimizda, nomlari qayd etilgan payg'ambarlar timsollariga tez-tez murojaat etilganligi ko'zga tashlanadi. Alisher Navoiyning olamshumul ijodi asrlar davomida zamonlar elagidan tushmay, bizning istiqlol nash'idasi qalblarga surur bag'ish etib, yangi ulug'vor g'oyalar, yangicha tafakkur va ijod shakillarining kurtak yozishiga zamin hozirlayotgan ayni zamonamizda o'zining badiiy qimmatini, ilmiy ahamiyatini saqlab qolishida sabrning o'rni g'oyatda beqiyosdir.

U o'z qalbida jo bo'lgan go'zal xislatlar qatorida ishq va oshiqlikni ham o'lmas asarlar g'oyasiga singdirishga intilgan. Bu orqali insonlarni har bir narsaga muhabbat bilan qarashga undaydi. Bu undash mohiyatan insonni kamolotga chorlaydi. "Kamolotga riyozat yo'li orqali boriladi. Ruhniy-ma'naviy kamolot bosqichidan o'tish jarayonida jismning imkoniyatlari qisqarib, ruhning yukasalishi uchun to'siq o'zlik (jism, nafs), "menlikdan nishon" mahv bo'ladi. Natijada inson Iloh va Hayotning, ya'ni o'zining asl mohiyatini anglaydi. Bu esa komillik mezonidir. Xuddi shunday xolis dunyoqarash jamiyat va odamlarda ustuvor bo'lsa, xudparastlik, zuhdfurushlik, nohaq qon to'kish, turli qarama-qarshi guruhlar, mazhablar o'rtasidagi kelishmovchilik o'z-o'zidan yo'qoladi".

Alisher Navoiy ijodida Alloh madhi, payg'ambar maqtoviga bag'ishlangan g'azallar bilan bir qatorda yana oshiqona, orifona g'azallar ham borki, ularda ma'shuqa ta'rif-u tavsif etiladi. Vaf - ta'riflash, maqtash deganidir. Bunday g'azallarda shoir lirik qahramoni e'tibor markaziga yorni, ya'ni suyakli ayolni yana ko'p hollarda ilohiy ishqni tarannum etib, Allohida ma'shuqa obrazi o'rnida ulug'laydi. Bunda oshiq butun mohiyati bilan ko'zga tashlanadi.

Hazrat Alisher Navoiy ijodida Sharq mumtoz adabiyoti an'analari takomillashtirilgani, hamd, na't, ma'viza yo'nalishidagi she'rlarga keng o'rin berilganini kuzatish mumkin. "Hamd" so'zi shoir asarlari lug'atida maqtov, madh, deb berilgan. Alloh ta'rif va tavsif etilgan g'azallar hamd g'azallardir. "Alisher Navoiy Xalqoq qudrat-u salohiyati, sifat-u siyratini Qur'oni karim oyatlari asosida ifodalagan bo'lsa, olam go'zalligini Sharq falsafasida keng o'rin tutgan tasavvuf aqidalari, g'oyalari zaminida talqin etadi. Shuning uchun hamd g'azallarda Ollohni vaf qilish bilan bir qatorda, uning yaratuvchilik xususiyati ulug'lanadi. Mutafakkir shoirning yaratish va yaralish to'g'risidagi falsafiy qarashlari mazkur g'azallarda yuksak badiiy talqinini topgan. Bu mavzuga daxldor g'azallarda Olloh mo'jizaviy siymosi markaziy o'rinda turadi".

Adabiyotshunos olim Ziyoda G'afforova hamd g'azallar haqida fikr yuritarkan, shunday yozadi: "Bu g'azallardagi murojaat etiladigan va ta'riflanadigan asosiy qahramon-bevosita Xudoning o'zi. Lirik qahramon bir banda sifatida Yaratuvchisiga o'z qalb tuyg'ularini oshkor qiladi".

Na't g'azallarda payg'ambar madh etiladi, yaxshi sifatleri aytib maqtaladi. Devon tuzish shartlari bo'yicha na't g'azallari hamd g'azallaridan keyin joylashtiriladi. Alisher Navoiy bu g'azallarda Muhammad payg'ambarning yaxshi sifatlerini madh etish asnosida uning hayoti bilan bog'liq turli voqealar islomiy g'oyalarni ifoda etadi. Na't g'azallarda payg'ambarlar timsoliga murojaat etilganda, Muhammad alayhis-salom bilan bog'liq quyidagi jihatlarni yoritishga harakat qilinadi:

- Muhammad alayhis-salomning so'ngi payg'ambar ekanligi, dunyo Nuri Muhammaddiyadan yaratilgani, payg'ambarlar orasida mukammallik Muhammad alayhis-salom ekanliklari;

- Muhammad alayhis-salomning notiqliklari, hadislarning ahamiyati;

- Me'roj tuni tavsifi;

Yuqorida qalamga olingan jihatlarni yuzasidan baytlarning tahlillarini quyida ko'rib chiqamiz.

Ey, nubuvvat xaylig'a xotam baniy **Odam** aro

Gar alar xotam, sen ul otkim, erur xotam aro.

Ushbu bayt matla' bo'lib, unda Odam atodan boshlangan payg'ambarlar silsilasining so'ngisi Muhammad payg'ambar ekanligini ifodalaydi. "Ba'zi islom olimlari: «Qur'ondagi «Odam» umuman «Inson»ni tamsil etadi. Qur'oni karim bir necha oyatlar bilan insonning tuproqdan yaratilganligini xabar beradi. Odam bizning otamizdir. «Odam hikoyasi» faqatgina insonlarning otasi bo'lmish birinchi payg'ambar Hazrati Odamninggina emas, har bir insonning hikoyasidir.

Qur'onning bildirishicha, Odamning Yer yuziga bir xalifa qilib yuborilishi insonning butun tabi'at quvvatlariga hokim bo'lishiga ishoradir», - deydilar" [1,5]. Bundan anglashiladiki, Alloh tomonidan payg'ambarlikka tanlanganlar va boshqa insonlar ham, avvalo, odam. Barcha odamlar ichida so'ngi payg'ambar esa Muhammad (s.a.v.)dir. "Payg'ambarimiz (s.a.v.) barcha odamlarga umumiy payg'ambar bo'lishlari bilan birga, eng oxirgi payg'ambar ham hisoblanadilar:

«Muhammad sizlarning erkaklaringizdan birortasining otasi emasdir, balki u Allohning elchisi va payg'ambarlarning so'ngisidir». (Ahzob, 40.) (By yerda Alloh Taolo sollallohu alayhi va sallamni «Payg'ambarlarning muhri deb atagan. Zero, har bir muhim yozma ish so'ngida muhr bosilgani kabi Payg'ambarimiz ham oxirgi payg'ambar bo'lganlari va endilikda to Qiyomatgacha boshqa payg'ambar kelmasligi aniq bo'lgani uchun payg'ambarlar kitobiga muhr bosilgandek bo'ldi.)" [1,7]. Mana shu mazmunda davom etgan fikrlardan ushbu baytning umumiy mazmuni xususida shunday xulosa chiqadiki, shoir butun insoniyat va payg'ambarlar guruhi orasida Muhammad (s.a.v) so'ngi rasul ekanligini ta'kidlash bilan uning tilga olinganlardan ko'ra alohidaligini ta'minlaydi.

Alisher Navoiy ijodida Muhammad payg'ambarning usta notiq ekanliklariga ishora qilingan baytlar ko'pchilikni tashkil etadi. Ularning ba'zilar boshqa payg'ambarlardan ustunliklarini ta'kidlab kelsa, ba'zilar to'g'ridan- to'g'ri hadislariga ishora qiladi.

Gar habibim qilsa izhori kalom, ey piri dayr,

Isoyi Maryamni ul dam gungi modarzod bil. [3,292]

Alisher Navoiy g'azallarida Muhammad payg'ambarga nisbatan rasul, nabiy atamalari bilan bir qatorda habib, ya'ni do'st so'zini ham qo'llaydi. "Ey ko'ngul, yer-ko'k asosin asru bebunyod bil..." deb boshlanuvchi g'azaldan olingan ushbu bayt tasavvufiy mazmunga ega bo'lib, unda shoir piri dayrga, mayxona boshlig'iga murojaat qilib agar habibim so'zlasa Maryamning o'g'li Iso gungi modarzod, ya'ni tug'ma soqov bo'lib qoladi deya uni ko'kka ko'taradi. Mayxona boshlig'i (dayr piri) bu o'rinda (may) ilohiy ishq ulashuvchi shaxs. Tasavvuf ahli bo'lmish so'fiylarga pir ilohiy ishqni anglashga ko'maklashadi. Bu baytda dayr piriga murojaat qilish uning ta'sir ko'lamini kengaytirish bilan bir qatorda, Alloh ishqining davomi sifatida uning elchisiga muhabbatni-da ifoda etadi. Iso Masihtiriltiruvchi nafas egasi ekanligi yuqorida ta'kidlangan edi. U kasallarni davolagani, o'liklarni tiriltirgani haqidagi rivoyatlar ko'plab keltiriladi. Diniy manbalarda shunday keltiriladiki, Iso Masih Muhammad payg'ambaridan oldingi rasuldir. Ularning vaqt oralig'i o'ti yuz yil bo'lib, bu muddatda boshqa hech qanday payg'ambar bo'lmagan. "Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: "Men Rasululloh sallollohu alayhi vasallamning bunday deganlarini eshitdim: "Men Maryam o'g'liga (ya'ni, Iso alayhissalomga) eng munosib odamman. Payg'ambarlar (alayhimisallotu vas-salomu) (bir otaning turli) xotinlaridan tug'ilgan bolalaridur (ya'ni, payg'ambarlarning dinlari asosi bir bo'lib, shariat borasidagina farq qiladi). Men birlan ul kishi (ya'ni, Iso alayhissalom) o'rtamizda payg'ambar yo'qdur (ya'ni, Iso alayhissalomdan keyin mening payg'ambarlik davrimga qadar birorta ham payg'ambar mustaqil shariat bilan yuborilmagan, ular Iso alayhissalomning shariatlari hukmiga tayanib ish ko'rganlar)" [2,325]. Qur'onda, shuningdek, "al-Masih" ("xudo yarlaqagan"), Ibn Maryam ("Maryamning o'g'li"), Abdulloh ("Allohning quli"), Rasululloh ("Allohning elchisi"), Allohning muqarrabi (yaqini), "Haqni so'zlovchi", deb ta'riflanadi. "Bani Isroil" qavmini o'z da'vatlari bilan to'g'ri yo'lga boshlaganligi "al-Masih" va "Haqni so'zlovchi"lik ta'rifi mos va xosdir. Allohning do'sti so'zlaganda, Iso a.s.dek shuncha ilohiy xususiyatlar-u, ezgu harakatlarga ega rasulning tug'ma soqov bo'lishi, Muhammad a.s.ning yakka-yu yagona Tangridan keyin ishq ahli sevuvchi shaxs ekanligiga ishoradir. Bu o'rinda ikkala payg'ambar qiyoslanishi orqali islom dinining

asosi tasavvufona yo'sinda o'quvchiga yetkazib beriladi. Ya'ni Bir-u bor yagona Alloh va uning rasuli Muhammad.

Na't g'azallarida boshqa payg'ambarlar timsoli qo'llangan shunday baytlar borki, ularda Muhammad (s.a.s) va keltirilgan boshqa payg'ambarlarning meroj kechasi voqealari chog'ishtiriladi. Bunday baytlarda faqat Muhammad payg'ambar ulug'lanadi deyish xato. Chunki shoir qiyoslanayotgan payg'ambar ham bor bo'y basti bilan uning ilohiy mo'jizalari-yu, salohiyatlarini g'azalxonga yetkazib keyin u bilan payg'ambar Muhammadni solishtiradi. Yana bunday baytlarda ko'k, anjum, anjum shohi, oy, quyosh singari turli go'zal timsollar keltiriladi.

Rafiqing toyir andoqkim **Sulaymon** oldida hudhud,

Buroqing soyir anjum shohi ustida sipehroso. (3,30)

“Zihe javlongahing aflok uza maydoni av adno”...” deb boshlanuvchi g'azaldan olingan ushbu baytdagi tushunarsiz so'zlar adib asarlari lug'atida : rafiq-do'st; toyir-davlat qushi, soyir –sayr qiluvchi; anjum shohi-yulduzlar shohi deb izohlanadi. Sulaymon — islomda payg'ambar va shon — shavkatli podshoh hamdir. Rivoyatlarga ko'ra, unga yer-u osmon, shamol, dev-u pari, barcha hayvonot olami bo'ysungan. Uning taxtini devlar ko'tarib shamol uchirib, qushlar esa boshiga soyabon bo'lishar ekan. Bir kun Hudhud Sulaymonga Sabo shahri va uning malikasi Bilqis haqida xabar keltiradi. Birinchi misrada shunga ishora qilib talmeh orqali Jabroilning Muhammad payg'ambarga xabar yetkazib turishini Hudhudning Sulaymonga xabar yetkazishiga qiyos etilmoqda. Buroq Muhammad payg'ambarning me'roj kechasida ko'kka minib chiqqan tulpori. Ikkinchi misrada payg'ambarning o'zini maqtash asnosida uning yaqinlari va ko'makchilarining sifatlarini ham badiiy tasvirlaydi. Ko'rib turibmizki, bu baytda Sulaymon payg'ambar va uning yordamchisi Hudhud munosabatlariga Muhammad payg'ambar va Jabroil munosabatlari o'xshatilib, ularning qay darajada yaqinliklari badiiy tasvirlanmoqda. E'tibor bergan bo'lsangiz, yuqorida Hudhud Sulaymon payg'ambarga malika Bilqis haqida xabar keltirganini qayd etgan edik. Bu o'rinda mana shu voqea orqali Jabroilning sevikli Allohdan uning yagona payg'ambariga Undan darak berganligi juda go'zal dalillangan.

Na't g'azallaridan olingan yuqoridagi baytlar tahlilini bir umumiy xulosa ipiga tizganda, ulardagi qo'llangan payg'ambarlar obrazi mohiyatni qiyosiy o'rganish uchun xizmat qilganligini ko'rishimiz mumkin. Har bir xususiyat tilga olinganda, u bilan birga nabiyning alohidaligi dalillangan. Hamda shoir bir baytga butun bir tugal tasavvur hosil qilishga yetarli voqealar tizimini joylashtirganligi hayratlanarlidir. Islomiy g'oyalar bilan sug'orilgan na't g'azallari o'zida butun bir diniy tarixni aks ettiradi. Odam, Iso, Sulaymon, Muso payg'ambarlar obrazlari qo'llangan baytlar tahlili misolida olib borgan kichik izlanishimizda, Alisher Navoiy devon tuzish qoidalariga qat'iy amal qilganligi, na't g'azallarida ham insonlarni tasavvufiy, diniy g'oyalar asosida iymon- e'tiqodga chaqirganligini va eng muhimi, talmeh san'atidan ustalik bilan foydalanib tugal tarixlarni baytlarda aks ettirganini aniqladik. Shu bilan birga, payg'ambar maqtoviga bag'ishlangan bu xildagi g'azallarda mubolag'asiz oddiy haqiqatlar tasvirlanganligi g'azalxonni zeriktirmaydi. Aksincha, uni tubsiz ilm dengizida suzib zavqlanayotgan g'avvosga aylantiradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. G'afforova. Z. Navoiyning Hamd va Na't g'azallari. –Toshkent: “Ma'naviyat”, 2001.
2. Imom Ismoil al-Buxoriy, Al-jome' as-sahih, Qomuslar bosh tahririyati, Toshkent -1997.
3. Алишер Навоий. Фаройиб ус-сиғар. Мукамал асарлар тўплами. XX томлик, 3-том. Тошкент: «Фан», 1988.

UO'K 81-13

OGAHIYNING TARIXIY ASARLARIDA SAJ' QO'LLASH MAHORATI

Ismailov I.O., dotsent, Urganch Davlat Universiteti, Urganch

Annotatsiya. Ushbu maqolada Ogahiyning tarixiy asarlarida saj' qo'llash mahorati haqida fikr yuritiladi.

Калит сўзлар: saj', saj'i mutavozin, saj'i mutavoziy, saj'i mutarraf, tarixiy asar.

Аннотация. В этой статье обсуждается искусство применения саджа в исторических произведениях Агахи.

Ключевые слова: *садж, саджи мутавазин, саджи мутавази, саджи мутарраф.*

Abstract. *This article discusses the art of using sajah the historical writings of Agahi.*

Key words: *saj', saj'i mutavozin, saj'i mutavoziy, saj'i mutarraf, historical writing.*

Ogahiyning badiiy asarlaridagi ijodkorlik salohiyati muarrixlik faoliyatida bevosita o'z aksini topgan. Yaratilayotgan asar xoh tarixiy, xoh badiiy bo'lsin, uning o'qimishlilikini, ta'sirchanligini, go'zalligini, ohangdorligini ta'minlovchi qadimiy vosita va usullardan biri saj' san'ati hisoblanadi.

Saj' qo'llash turkiy xalqlar adabiyotida azaldan xos usullardan sanalgan. Uning ilk namunalarini Mahmud Qoshg'ariyning "Devonu lug'atit turk" asarida uchratishimiz mumkin. Bu haqda muallif shunday yozadi: "*Men bu kitobni maxsus alifbe tartibida, hikmatli so'zlar, saj'lar, maqollar, qo'shiqlar, rajaz va nasr deb atalgan adabiy parchalar bilan bezadim*". [1.44]

O'zbek adabiyotshunosligida saj' san'ati haqida maxsus tadqiqot olib borgan f.f.d., professor B.Sarimsoqovning fikricha: "*Yaqin va O'rta Sharq xalqlari og'zaki ijodi hamda adabiyotiga xos saj' san'ati fikrni ravon, ohangdor ifodalashda, o'quvchi va tinglovchiga emotsional zavq berishda, tasvir va ayrim holatlarning yodda qolishini osonlashtirishda juda qo'l keladi... Saj' shunday xususiyatga egaki, u jumla yoki gap bo'laklariga ohangdorlik, ravonlik berib, tasvirning emotsional kuchini oshiradi, uning o'quvchi yoki tinglovchi tomonidan esda qolishini osonlashtiradi*". [2.78]

Saj' – (سجع) arabcha so'z bo'lib, lug'atda qumri, bulbul, to'ti kabi xushovoz qushlarning bir-biriga jo'r bo'lib sayrashini bildiradi. Ilmiy atama sifatida esa bayt tarkibidagi ayrim so'zlarning vazn, qofiya va ohang jihatdan mos kelish hodisasidir. Saj'ni ko'pincha nasriy qofiya va ohangdoshlik usuli sifatida tilga oladilar. Lekin, uning tabiati nazmni ham juda yaxshi taqozo etadi. [3. 67]

Professor B.Sarimsoqov o'zbek mumtoz nasrida saj' uch uslubda qo'llanilishini alohida ta'kidlab, ularni shunday guruhlagandi:

a) Xalq prozasidagi saj'lanishlarga xos sodda uslub. Bu uslub VI-VIII asrlar, XI-XIV asrlar hamda XVIII-XIX prozasida yetakchilik qiladi;

b) sof klassik uslub esa XV asr o'zbek nasri, xususan Alisher Navoiy va qisman Munis, Ogahiy, Furqat nasrida ko'zga tashlanadi;

v) subyektiv-emotsional uslub. Bu uslub XVI-XVII asrlar, xususan Bobur va Abulg'oziy Bahodirxon nasrida namoyon bo'ldi.

Saj' san'ati haqida juda ko'p tadqiqotlar olib borilgan. Forsiy adabiyotshunoslikda bu haqda, birinchilardan bo'lib, XI asrda yashab ijod etgan Muhammad bin Umar ar-Roduyoniyning "Tarjimon ul-balog'a" asarida so'z yuritilgan bo'lsa, turkiy xalqlar adabiyotida bu atama dastlab Mahmud Qoshg'ariyning "Devoni lug'otit turk" asarida qo'llanilgan. [1.44]

Ko'pchilik tadqiqotchilarning fikriga ko'ra, o'zbek xalq og'zaki badiiy ijod va yozma adabiyotida saj' san'atining quyidagi uch turi mashhurdir:

1. **Saj'i mutavoziy (to'liq saj')**. Bir yoki bir necha gaplar tarkibidagi ayrim bo'laklar ham vazn, ham harfi raviyda mos bo'ladi (mutamattin va mutamakkin);

2. **Saj'i mutarraf (qofiyali, vaznsiz saj')**. Bir yoki bir necha gapdagi ayrim bo'laklar vaznda emas, faqat raviydagina mos bo'ladi (rif'at va hasanot, t-harfi raviy);

3. **Saj'i mutavozin (vazndosh, qofiyasiz saj')**. Bir yoki bir necha gapdagi ayrim bo'laklar vaznda teng bo'lib (hamvazn), raviyda mos bo'lmaydi (a'oliy va asofil-fe'lning afo'il shakliga to'g'ri keladi).

XVIII-XIX asrlar o'zbek adabiyotida nazm bilan birga nasr ham bir qadar yuksalgan. Bu davrda yozilgan nasriy asarlarda saj' muhim ahamiyat kasb etgan. Ogahiy tarixiy asarlarida saj'ning har uch turidan mohirona foydalangan.

Saj' nafaqat nasrda, balki nazmda ham keng qo'llangan. Saj' san'ati ishlatilgan nasr – *nasri musajja'*, nazm esa *nazmi musajja'* deb yuritilgan. [4.287]

Ogahiy tarixiy asarlarida saj'ning bu ikkala ko'rinishidan samarali foydalangan. Dastlab, asardagi nazmi musajja'ga e'tibor qaratsak (Bu holat ko'proq masnaviylarda kuzatiladi).

Fazosi *sahni jannatdek diloro,*

Binosi *rif'at ichra charxfarso.* [5.335b]

Xivadagi Karvonsaroy ta'miri haqida hikoya qiluvchi masnaviydan olingan mazkur baytda "fazosi" va "binosi" so'zlari saj'i mutavoziyni yuzaga chiqargan. Baytda imorat tavsifida mubolag'a usuli qo'llanilgan. Bu berilayotgan tasvirni ta'sir kuchini orttirishga xizmat qiladi.

Ogahiy ba'zi o'rinlarda misralar qofiyalanishida tarse' san'atidan ham ustalik bilan foydalanib, nazmi musajja', ya'ni ichki qofiyalanishga murojaat qiladigan:

*Alar barcha yaxshidurur, san yomon,
Alar barcha bug'doydurur, san somon.* [6.356]

Baytdagi *alar, barcha, san* so'zlari misra ichida qofiyadan oldin aynan takrorlanib kelgan bo'lib, *hojib* deb yuritiladi. *Yaxshidurur* va *bug'doydurur* so'zlari esa saj'i mutavozin, ya'ni vazndosh saj' deb yuritiladi. Ogahiy qalamiga mansub ushbu bayt mashhur turk mutasavvuf shoiri Yunus Emroning quyidagi misralarini esga soladi:

*Barcha yaxshi, biz yomon,
Barcha bug'doy, biz somon.*

Baytda haq bandasiga o'zini xokisor tutish, har qanday kibrdan voz kechishga da'vat ohangi mujassam.

*Xudoyeki, yo'q mislu monandasi,
Xudovandlardur kamin bandasi.
Karamdin birovg'a berur shohlik,
Jahon ahli ichra falak johlik.
Birovdin olur saltanat davlatin,
Boshiga solur maskanat zillatin.* [8.2]

Ogahiy bu masnaviyda saj'ning ikkala turidan ham foydalangan. *Monanda, banda* so'zlari qofiyali saj' (saj'i mutarraf) bo'lsa, *shohlik, johlik, olur saltanat davlatin, solur maskanat zillatin* so'zlari to'liq saj'langan (saj'i mutavoziy) hisoblanadi.

Ogahiy tarixiy voqealar bayonida, ayniqsa, jang tasvirida masnaviyga ko'p murojaat qilgan. Bu tariqa she'rlar quruq voqealar bayoni bo'lib qolmay, o'ziga xos poetik jihatlari bilan ham ajralib turadi.

*Kishi qolmayin necha bosh olmayin,
Kishi necha bosh olmayin qolmayin.* [6.324]

Baytda misra ichidagi *qolmayin – olmayin* so'zlari musajja' hisoblansa, misra oxiridagi *olmayin – qolmayin* so'zlari qofiyadir. Shuningdek, baytda takrir (*kishi – kishi*), tardi aks (*qolmayin necha bosh olmayin – necha bosh olmayin qolmayin*) san'atlaridan ham unumli foydalanilgan. Bunga o'xshash baytlarni Ogahiy boshqa o'rinlarda ham qo'llagan:

*Kishi qolmayin siym – u zar olmayin,
Kishi siym – u zar olmayin qolmayin.* [6.194]

Yoki

*Birov qolmayin komini olmayin,
Birov komini olmayin qolmayin.* [9.13]

Ko'rinadiki, Ogahiyning ijodkor sifatidagi estetik pozitsiyasini, ijodiy printsiplarini belgilashda tarixiy asarlarning ham alohida o'rni bor. Chunki har bir voqea tasviri ortida ijodkor o'y-fikrlari, munosabati sezilib turadi.

Yuqorida ta'kidlaganimizdek, Ogahiy qalamiga mansub tarixiy asarlarda saj'ning uch turidan ham mohirona foydalanilgan. Quyida biz asardagi saj'lanishlarga to'xtalamiz:

A) **Saj'i mutavoziy** qoidasiga ko'ra gap yoki gaplar tarkibidagi ba'zi bo'laklar ham qofiyada, ham vaznda mos kelishi kerak.

"*Ammo tojik cherigidin ko'p kishi bahodirlarning sinoni jonsiton va shamshiri xunfishoni bila qatlg'a yetdi*".

"*O'zga olomon mashaqqati bekoron va suubati farovon bila aksari kemalarga minib, ba'zisi shino dastyorlig'i bila daryodin ubur qildilar*". [6.340]

Keltirilgan misollarda "*sinoni jonsiton*" – "*shamshiri xunfishoni*", "*mashaqqati bekoron*" – "*suubati farovon*" kabi so'z va so'z birikmalari o'zaro ham vaznda, ham qofiyada mos kelgan.

Matnni kuzatish jarayonida shunga guvoh bo'ldikki, asardagi saj'lanishlarning 50%i saj'i mutavoziy (to'liq saj')ga to'g'ri keladi.

B) **Saj'i mutarraf**, ya'ni vaznda emas, qofiyadagina (raviyda) mos kelinishi shart bo'lgan saj'ning bu turiga asar matnidan ko'plab misollar keltirishi mumkin.

“...*xilo'i xurshidshio'* va *albisai garonbaho in'omi bila o'z aksho va ashbohlari orasida quyosh yanglig' mumtoz va sarafroz qildilar*”. [9.8]

Hukmdorning o'z sarbozlarini g'alaba bilan muborakbod etib, ularni “navozishi podshohona”ga “mavsul etilish”i tasvirlangan ushbu parchada “*xurshid shio*” va “*albisai garonbaho*” birikmalari (o harfi raviy), “*mumtoz*” va “*sarafroz*” so'zlari (z harfi raviy) o'zaro qofiyadosh bo'lsa-da, ular vaznda mos kelmagan. Bunday holatni boshqa misollarda ham kuzatish mumkin:

“...*xufton chog'ikim, oy charog'i sipehr shabistonin munavvar va nujum javohiri ul shabistonni ziyatgustar qilmish erdi*”.

“*Va ul hazrat (Muhammad Aminxon) ul mavze'din tonglasi jum'a kuni dabdabai tamom bila samandi sarsar xirong'a rukub qilib, ... nuzumi maymanat shumuli fayzidin rashki shahristoni Chin va g'ayrati bo'stoni behishti barin qildilar*”. [9.18]

Bu misollarda “munavvar”–“ziyatgustar” (r harfi raviy), “Chin”–“barin” (n harfi raviy) kabi so'zlar o'zaro qofiyada raviy harfi orqali mos kelsalar-da, vaznda bir-birlari bilan mos kelmagan.

V) Ogahiy saj'ning uchinchi turi hisoblanmish *saj'i mutavozinni* qo'llashda, ko'pchilik holatlarda, arabcha so'zlarga tayangani holda, arab tili grammatikasiga xos sarf qoidasiga amal qilgan. Bunga ko'ra so'zlar “fe'l” (فعل)ning ma'lum bir shakliga to'g'ri keladi. (maf'ul – maqtul va ma'sur).

“*Urush yarog'i bila boshdin oyoq musallah va mukammal bo'lib ... jilavrezlik bila ot soldilar*”.

“*Taxt mavzega yetdilar va ondin marokib va mavoyishlarin sug'orib, Marv viloyatining yuqorisig'a yig'nog'on chorvag'a chapovul urmoq niyati bila yana ilg'or qilib, bir necha manozil qat'idan so'ng Yorihoji otlig' quduqqa yetib nuzul etdilar*”.

“*Chun hamul kun sipohi nusratpanoh ... asr hangomidin to namozshomg'acha maqtul va mas'ur qilib, ... ahli fasodning jasadi purhasadlaridin ikki yuz chog'liq bosh kesib oldilar*”.

“*Dushanba va seshanba kuni mazkur bo'lg'on bog'ning atrofidagi yerlardin vazirini mazkurin sipohi mazburg'a amri oliy mujibi bila ... taqsim qilib berib, borcha aoliy va asofil ko'ngullarin g'oyatsiz masruru xurram qildilar*”.

“*Ostoni falakoshiyon mulozamati sharafig'a istis'od toptilar va ul hazrat olarni navozishi podshohona va avotifi xisravonasig'a mashmul ... etib, ...sarafroz qildilar*”. [9.7-16]

Misollardan anglashiladiki, *musallah* (o'zagi salh) va *mukammal* (o'zagi kamal) so'zlari (sarf qoidasiga ko'ra) o'zaro vazndosh bo'lsalar-da, raviyda mos emas. *Marokib* (markabning ko'plik shakli) va *mavoshiy* (moshiyaning ko'plik shakli) so'zlari ham shunday. Bu misolda “*etdilar*” va “*etdilar*” fe'llari saj'i mutavoziydir. Xuddi shunday “*maqtul*” va “*ma'sur*” (maf'ul shakliga to'g'ri keladi), “*a'oliy*” – “*asofil*” (afo'il shakliga to'g'ri keladi), “*navozishi podshohona*”–“*avotifi xisravona*” (-ona so'z yasovchi qo'shimcha bo'lgani bois o'zak tarkibiga kirmaydi) kabi so'z va so'z birikmalari ham bir-birlari bilan vaznda mos kelsalar ham, o'zaro raviyda mos emas.

Ogahiy saj'lanayotgan so'z va birikmalarni o'zaro bog'lashda, asosan, *va* teng bog'lovchisidan, ba'zida esa bog'lovchi vazifasidagi yuklamalardan foydalangan.

“... *masofatnavardlik va marohilgardlik marosimi bila Rafatak yo'lig'a yetushub*” jumlasida *va* bog'lovchisidan foydalanilgan bo'lsa (asosan shunday), “... *talosh-u savosh rusumidin qo'l chekmaydir*” “... *borcha fuqaro-u g'urabo va ajaz-u ajuzaning arzi ahvolin ... istifosor qilib, ... g'amgin xotirlarin shod-u xandon qildilar*” [9.8-10] kabi misollarda bog'lovchi vazifasidagi yuklamalarga murojaat qilingan.

Ma'lumki, milliy mumtoz tarixnavisligimizda, xususan, Xorazm tarixnavisligida ham tarixiy asarlar nasr bilan nazmning omuxtaligida yaratilgan. Tarixiy asarlarni o'qir ekanmiz, undagi nasr bilan nazmning mazmunan o'zaro uyg'unligi, muvofiqligi, usluban mutanosibli e'tiborimizni tortmasdan iloji yo'q. Bundan bir necha maqsad ko'zlangan. Birinchidan, asarning o'qimishligini ta'minlash, o'quvchi kitobxonni quruqdan quruq voqealar bayoni bilan zeriktirib qo'ymaslik bo'lsa,

ikkinchidan, asar tilining ravonligini oshirish. “Gulshani davlat” asari ustida tadqiqot olib borgan filologiya fanlari nomzodi Q.Sultonova: “*Asarda tarixiy voqealar adabiy-badiiy usulda hikoya qilinadi: voqea-hodisalar tasvirida manzaralilik, timsol shu darajada ustunki, asarni badiiy qissa yoki hikoya o'qigandek qabul qilish mumkin*”, – deb yozadi. [10.24]

Arab va fors-tojik tillarini mukammal egallagan, Qur'on oyatlarini teran anglay bilgan Ogahiyning bu xislatlari o'zining muarrixlik faoliyatiga ham ta'sirini ko'rsatmasdan qolmagan, albatta. Izofiy birikmalarda arabcha-forscha so'zlarning ko'p qo'llanishi asar tilini bir qadar mukammallashtirgan, tushunilishini qiyinlashtirgan. Ko'p hollarda maxsus lug'atlar ko'magiga tayaniladi. Ogahiyshunos olim Q.Munirov tarixchi Bayoniyning bu boradagi quyidagi fikrlarini keltirib o'tadi: “*Ogahiy ham Munis mirobning birodarzodasi va dastparvardasi erdi, uning uslubida majoz va istiora bilan so'z bayon etar erdikim, kalomining diqqati sababidin omma xalqi maolin fahm eta olmas erdilar*”. [11.57] Lekin shuni ham ta'kidlash joizki, Ogahiydek so'z dahosi uchun o'z fikrlarini bu tillarda ifodalashi oddiy hol sanaladi.

Muarrixning o'ziga xos usullardan biri saj' qo'llash hisoblanadi. Voqealar quruqdan-quruq bayon qilib qolinmasdan, unga sayqal berilib, badiiy ifodalilik oshirilgan. Bundan maqsad, bir tomoni o'quvchi kitobxonni zeriktirib qo'ymaslik, matnning ravon o'qilishini ta'minlash bo'lsa, yana bir muhim tomoni voqealarni uzoq vaqt xotirada mustahkam saqlab qolishdir. Bu borada Ogahiy o'z maqsadiga to'laqonli erishgan desak, yanglishmaymiz, chunki muarrix qalamiga mansub qaysi tarixiy asarni varaqlab, mutolaa qilmaylik, uni xuddi badiiy asar o'qigandek bo'lamiz.

“*Chun yamutiya mufsidlari Xivaq shahri muzofotining chapovulig'a kelib, go'shmoli balig' ko'rib, shikasti fohish topib, maqtul va ma'sur va majruh bo'lub qayttilar*”. [12.120] Hijriy 1284 yil muharram oyida (milodiy 1867 yil may-iyun oylariga to'g'ri keladi) yovmut urug'idan bo'lgan talonchilarning Xivaga bosqinchilik harakatlari ifodalangan ushbu parchada “*maqtul*”, “*ma'sur*” va “*majruh*” so'zlari saj'i mutavozinga mansub bo'lib, maf'ul shaklida o'zaro mos kelsa-da, raviyda muvofiqlik yo'q. Bu so'zlarni ketma-ket orqali keltirish orqali esa muarrix tasvir bayonini kuchaytirgan. Matndagi bu so'zlarni izchil keltirilishidan bosqinchilik harakatining oqibatlarini yaxshilikka olib kelmasligi, har bir qasddan qilingan harakatning javobi bo'ladi, degan ma'no ham anglashiladi. Har bir ishda adolat tarafdori bo'lgan Ogahiy bunday holatlarning yechimini mamlakatda tinchlik bo'lishi kerakligi bilan baholaydi:

Qolmagay amniyat asori topsa rivoj,

Shahr aro avboshlar, beboklar, berohlar. [13.78]

Ogahiy tarixiy asarlarida voqealar bayoni va shaxslar xarakterini ochib berishda, harakat-holatni ifodalashda, ov jarayonida, o'rin-joylar ta'rifida qofiyali nasr, ya'ni saj'dan unumli foydalangan. Ta'rif va tavsif jarayonida o'xshatish, mubolag'a, epitet, alliteratsiya, tanosub, ishtiyoq, tazod kabi badiiy tasviriy vositalaridan unumli qo'llangan.

Tahlillardan ko'rinadiki, Ogahiy tarixiy voqealar bayonida hikoyat usulini quruqdan quruq tasviridan chekinib, o'ziga xos mumtoz saj'lanishlardan foydalangan. Nazmiy ilovalarda esa o'zining shoirlik mahoratining poetik qirralarini yana bir namoyon qilgan.

Muarrix ijodini kuzatsak, uning xalq nasri yo'nalishidan yiroqlashib, asosan, sof mumtoz saj' usulidini foydalanganini ko'ramiz. Bu holni voqealar silsilasida kitobxonni bir maromda ushlab turish uchun shoirlik salohiyatini namoyon qilganlikda deb bilishimiz mumkin. Ogahiy ov manzarasi fonida o'lkaning rang-barang qushlar va hayvonot dunyosini ham tasvirlashga, diyorimiz tabiatining go'zal manzaralari, qush ovining dilkash sarguzashtlarini maroqli tasvirlashga harakat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Qoshg'ariy M. Devonu lug'atit turk. 1-jild. – Toshkent, 1960.
2. Sarimsoqov B. O'zbek adabiyotida saj'. – T.: Fan, 1978.
3. Hamidov Z. “Lison ut-tayr”dagi saj' san'ati // O'zbek tili va adabiyoti, 1991. – № 1. – B. 67–71.
4. Hotamov N., Sarimsoqov B. Adabiyotshunoslik terminlarining ruscha-o'zbekcha lug'ati. – T.: O'qituvchi, 1983.
5. Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy. Riyozu-d-davla (رياض الدولة), O'zR FA Sharqshunoslik instituti. 5365/II.
6. Firdavs ul-iqbol. Nashrga tayyorlovchilar: N.Jumaxo'ja, S.Ro'zimboyev, A.Ahmedov. – Toshkent: O'qituvchi, 2010. – 384 b.
7. Salayev F., Qurboniyozov G. Adabiyotshunoslik atamalarining izohli so'zligi. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2010.

8. Ogahiy. Gulshani davlat. O'zFA SHI fondi, inv. № 7572. – S. 2^B.
9. Ogahiy. Asarlar. 6 jildlik. 6 jild. – T.: Adabiyot va san'at, 1980.
10. Sultonova Q.A. Ogahiyning "Gulshani davlat" asari adabiy manba sifatida: filol. fan. nomz... diss-ya avtoref. – Toshkent, 2000.
11. Munirov Q. Xorazmda tarixnavislik. – T.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 2002.
12. Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy. Shohidu - 1 - iqbol. Nashrga tayyorlovchi, so'zboshi va izohlar muallifi N.Shodmonov. – Toshkent: Muharrir, 2009. – 335 b.
13. Ogahiy abadiyati. Al-Xorazmiy nomidagi Urganch davlat universiteti, Xorazm Ma'mun akademiyasi. – Toshkent: O'zbekiston, 1999. – 152 b.

UDC 81-13

NATIONAL CULTURAL FEATURES OF THE CONCEPT OF PATIENCE (SABR) (ON THE EXAMPLE OF UZBEK AND ENGLISH)

N.Sh. Lapasov, teacher, Uzbekistan state world languages university, Tashkent

Аннотация. Ушбу мақолада “сабр” тушунчасининг халқнинг руҳий мулки сифатида миллий-маданий ўзига хослик хусусиятлари кўриб чиқилади. Ўзбек ва инглиз тилларидаги “сабр” концептининг инглиз тилидаги “базрикенглик”, “камтарлик” тушунчаларининг мазмунидаги умумий ва хусусий жиҳатлари таҳлил қилинади. Шунингдек, замонавий жамиятдаги сабр-тоқатга мойилликни очиб бериши учун ўзбек ва инглиз халқларига хос психологик хусусият сифатида сабр тушунчасининг ривожланиши ва ифода хусусиятлари очиб берилди.

Калит сўзлар: "сабр" тушунчаси, миллий-маданий ўзига хослик, сабр-тоқатга мойиллик, руҳий ёки ҳиссий стресс, трансформация, мақсаднинг мавжудлиги.

Аннотация. В данной статье рассматривается исследования понятие «терпение» как ментальное свойство народа, проанализировано общее и особенное в содержании понятия «терпение», «терпимость», «толерантность», «смирение» в узбекском и английском языках. А также выявлено причины развития терпения как ментальной характеристики узбекского и английского народа выявить тенденцию проявления терпения в современном обществе.

Ключевые слова: понятие «терпение», «сабр», национально-культурная особенность, склонность к терпению, умственное или эмоциональное напряжение, трансформация, наличие цели.

Abstract. This article considers the study of the concept of “patience” “sabr” as a mental property of the people, and analyzes the general and specific in the content of the concept of “patience”, “tolerance”, “humility” in the Uzbek and English languages. And also there are revealed the reasons for the development of patience as a mental characteristic of the Uzbek and English people to reveal the tendency of patience in modern society.

Keywords: concept of “patience” “sabr”, national cultural feature, tendency of patience, mental or emotional stress, transformation, presence of a goal.

Patience is a virtue, calm endure of pain, misfortune, sorrow, misfortune in one's own life. Restrained expectation of favorable results from something [1].

Islamic term **SABR** (arabic. ريبص — patience, endurance) is used to denote patience in the performance of religious duties, abstinence from the forbidden, perseverance in the "Holy War", gratitude, etc. The Qur'an instructs Muslims to be patient and steadfastly endure all the hardships of life. Only the patient can achieve success in both worlds and earn the mercy of Allah. Patience is only human. Prophet Muhammad called **SABR** half of the religion. Patience must be exercised even when it is difficult for a person to endure the hardships of life. A Muslim should not complain of misfortune or lament (sabr al-jamil) [2].

Patience is a character trait that helps to endure physical, mental or emotional stress, the ability to strive for a goal for a long time, even without getting a result at first, or getting an insignificant result. This is a manifestation of will in the face of ongoing stress, refusing to act impulsively, maintaining a reasonable inaction, or repeating actions over and over again that do not lead to immediate results. Patience is one of the most important qualities that parents should have.

In English there are some words are used in the meaning of *sabr* in Uzbek as *patience, patient, temper, forbearance, endurance*. There are two facets to patience.

Positive: the ability to expect without losing hope, persistently going towards the goal, or to wait, not to twitch, not to commit premature impulsive actions. This is a sign of strength.

Negative: inability to resist, enduring all insults, offenses, slavishly submitting to circumstances. This is a sign of weakness. It is stupid to endure wantonness, lack of money, humiliation aimlessly. An indispensable sign of healthy patience is the presence of a goal, for the sake of achieving which it is reasonable to endure. Otherwise, this is impatience altogether, but stupid obedience [3].

The transformation that has taken place in our country over the past two decades, which has affected almost all spheres of life, has led to the collapse of the former social and class structure. Currently, the mechanisms of identification and self-identification, the traditional value-normative system of the Uzbek people are under powerful pressure from multidirectional factors caused by globalization processes. Under these conditions, turning to the concept of "patience" is a natural consequence of the decrease in the explanatory ability of the traditional class paradigm and the desire to form a broader cognitive position, in the framework of which patience acquires an adequate theoretical interpretation.

Numerous socio-economic reforms in recent years show that an attempt to forcibly carry out transformations, as well as to impose certain goals and values on the people instead of traditional ones, can result in the suppression of personal principles, their ignorance in social and political life. Certain political groups are able to control the devalued majority by means of schemes that not only deform the consciousness and will of the people, but also include the mechanism of its degradation and speculation with some mental properties. Patience, being a mental trait of the Uzbek people, is in this case a passive way of compromising with the policy of the state, which characterizes the peculiarities of the Uzbek mentality. Having identified the specifics of the use of this property in the paradigm of modern institutions of power, one can reasonably assess the degree of manipulation of the consciousness of the masses in a given historical period.

The appeal to the concept of "patience" is actualized by the theoretical debate of the latter. The ambiguity in the interpretation of this concept, as well as the substitution of concepts that are similar in content, indicate that the process of its conceptualization has not yet been completed. According to some views, patience can be equated with tolerance or tolerance, which seems to be the wrong approach. Often, patience is perceived as an extremely negative phenomenon, describing the plight of the subject, or overcoming the unpleasant, which characterizes this concept in a one-sided and schematic manner.

Theoretical studies of patience help to identify some of the causes of the crisis in the value system of society. In the current situation, there is a need for a philosophical understanding of the problem of the existence of patience as a mental property of the Uzbek people. The study of the ontological and axiological aspects of the development of patience will allow us to objectively consider individual processes that affect the evolution of the mental properties of the Uzbek people:

1. Patience is the property of an individual subject to overcome the negativism of the external world and internal experiences, to adequately respond to these influences while maintaining the original characteristics. Patience determines the self-determination of a person and contributes to the manifestation of his essential forces.

2. Natural-climatic, socio-economic, socio-political, cultural-historical and religious factors played a decisive role in the development of patience as a mental property of the Uzbek and English people.

3. The modern tendency to display patience is characterized by stability and its conscious acceptance as a national trait of the Uzbek and English person.

4. Purposeful use of patience by political elite groups through information-psychological influence technology deforms the mass consciousness of the Uzbek and English people. This process leads to a decrease in the active life position of the Uzbek and English people.

5. Patience can be used not only as a means of influencing the mass consciousness, but also used to mobilize the inner creative potential of the Uzbek and English person.

While analyzing the concept "Sabr" in Uzbek we found out that this concept has a link with the concepts as "patience", "tolerance", "humility", "obedience" in English, on the subject of general and special in their content. Having identified the content of the concepts of "patience", "tolerance", "humility", we emphasize the following differences in their understanding: *sabr* or *patience* mean and used as a broader concept, it is the property of an individual subject to overcome the negativism of the external world and internal experiences, adequately respond to these influences while maintaining the original characteristics. This property is not identically integrated in it, the community of individual concepts-elements (tolerance, humility). The concept of tolerance can probably be regarded as identical, since it includes hierarchical elements of a smaller plan and show, in contrast to "patience", more interpersonal orientation. They express the idea of overcoming conflict, reaching consensus and reflect the social side of active relations formed on the basis of the recognition of universal rights and fundamental freedoms of man. *Humility* finds its manifestation in active and passive forms and is correlated with *patience* in some cases as an identical concept. Concept as *tolerance*, which is close in meaning and partly in meaning to patience, but ideologically is not found to be fundamental for the mentality of the English people.

Political elite groups purposefully use conclusion, patience, expressing the national and cultural identity of the people, in the conditions of modern reality through the mechanisms of information and psychological impact, which deforms the mass consciousness.

REFERENCES:

1. Barilovskaya A.A. Lexical expression of the concept "patience" in the history and current state of the Russian language. Diss. Candidate of Philology. 2008.
2. Dolgova I.A. The conceptual field "patience" in English and Russian linguocultures. Diss. Candidate of Philology. 2006.
3. Polezhaev D.V. Russian mentality: the experience of socio-philosophical analysis. Diss. Doctor of Philosophy. 2011.
4. Trofimov V.K. The origins and essence of the Russian national mentality: Socio-philosophical aspect. Diss. Doctor of Philosophy. 2000.

UDC 808.3

TRANSLATION AND TRANSLATION STUDIES IN UZBEKISTAN

G.D. Makhmudova, teacher, Andijan State Medical Institute, Andijan

Annotasiya. *Yigirmanchi asrning ikkinchi yarmiga kelib, badiiy tarjima kontseptsiyasi asosida ilmiy tarjima, mashina tarjimasi va sinxron tarjima kabi yangi yo'nalishlar paydo bo'ldi. Tarjima nazariyasi fani paydo bo'lganligi sababli tarjima qilingan asarlarning sifatini baholash juda muhimdir. O'tgan asrning yetmishinchi yillariga kelib respublikamizdagi oliy o'quv yurtlarida tarjima nazariyasi va amaliyoti kursi filologiya va jurnalistika fakultetlarida o'qitildi.*

Kalit so'zlar: *tarjima nazariyasining asoslari, tarjima bo'limi, forscha harflar, she'riy tarjima san'ati*

Аннотация. *Ко второй половине XX века в основе концепции художественного перевода возникли новые направления, такие как научный перевод, машинный перевод и синхронный перевод. Важно оценить качество переведенных работ, поскольку возникла наука о теории перевода. К семидесятым годам прошлого века в высших учебных заведениях республики курс теории и практики перевода преподавался на филологическом и журналистском факультетах.*

Ключевые слова: *основы теории перевода, отдел перевода, персидские буквы, искусство поэтического перевода*

Annotation: *By the second half of the twentieth century, new directions such as scientific translation, machine translation, and simultaneous translation emerged behind the concept of literary translation. It is important to evaluate the quality of translated works the science of translation theory has emerged. By the seventies of the last century, the higher education of the*

republic the course of translation theory and practice was taught at the faculties of philology and journalism.

Key words: *Fundamentals of Translation Theory, Department of Translation, Persian Letters, The Art of Poetic Translation*

The language of every nation is the most unique and perfect treasure in its historical development. Language reflects the destiny of the people, their way of life, their spiritual wealth. Language is a unique and never-fading mirror of the nation's spirit. In every language, the level and psyche of the nation that speaks this language is vividly expressed. For this reason, every nation is constantly concerned about the purity, perfection and development of the native language. In this regard, the President said: "All the virtues permeate the human heart, first of all with the mother goddess, the unique charm of the mother tongue... The mother tongue is the soul of this nation. Any nation that loses its language will inevitably lose its identity." [2]

In the Uzbek literature of the independence period, as in all genres, there is a clear change in the practice of literary translation. It is especially gratifying that the translation from the original language is being followed. It is very encouraging that young people are testing their talents and boldly translating samples of Eastern and Western literature directly into our native language. In the history of world civilization, the twentieth century is called the "century of translation" (P.-F. Kaye). Nafsilambr, the Uzbek translation with a thousand-year history, is also unprecedented in the last century achieved results, acquainted our people with the royal works of world literature. For centuries, from Cholpon's Shakespeare (Hamlet), Osman Nasir's Lermontov (Demon), Oybek's translations from Pushkin (Eugene Onegin), Erkin Vahidov's Goethe (Faust), Abdulla Aripov's Dante (Hell), Kadyr Mirmuhamedov's Homer (Iliad) were important events in the history of our literature. became stable translations of works into our language.

Independence, like all aspects of artistic creation, has opened a wide way for translation, creating opportunities for our translators and translators to go out into the world. It is no exaggeration to say that in the last twenty-five years we have entered the world arena in the field of fine arts, music and song. But we have not yet found our place in the world literary process in the creation of highly artistic and translated works. Ultimately, our translation, with its rich experience and capabilities, experienced a period of stagnation in the early years of independence. I want to say that during these years, our translators studied in Moscow (1993), London (1995), He did not attend the congresses of Gettengen (1996), Melbourne (1998), Vancouver (2002), and Tampere (2005) studies (except for K. Musaev's "Fundamentals of Translation Theory" (2005) and B. Ilyasov's monograph "The Art of Poetic Translation" (2007). The annual reports of the translation section under the Writers 'Union have also lost their previous creative impetus.

However, in the first years of independence, the embassies of France, Germany, England, the United States and India, which began their work in our country, translated into Uzbek the works of famous writers' translation, creation of textbooks and dictionaries in English, German, French, Hindi for Uzbek schools. In particular, the initiative of the Goethe Institute under the German Embassy, the Institute for Central Asian Studies under the French Embassy and the Victor Hugo Center in this area should be noted. For example, with the support of the French Embassy in Tashkent, in recent years, the French

Voltaire's "Zadig", F. Moriak's "In the Claws of Snakes", Montesquieu's "Persian Letters", Le Clezio's "Mondo and Other Stories", Charles Perrault's "Fairy Tales" were translated into Uzbek and published in 1997. The establishment of the literary magazine was a great event. For the past eighteen years, the magazine has been effective in introducing Uzbek readers to examples of world literature. It is worth mentioning the initiative of the well-known literary critic and translator, teacher Ozod Sharofiddinov. During his lifetime, the teacher paid special attention to the content of the magazine, increased the demands on the quality of translations and articles published in it, and took great responsibility. Therefore, in recent years, the journal has undergone significant changes in the world literary process, avant-garde currents and schools. He has also published in-depth articles on the practice and theory of translation, and has regularly translated translations of works by world-

renowned writers, beggars in today's literary process, and winners of international Nobel Prizes in literature. Indeed, today's reader is from English literature by John Galsworthy, Sommerset Moem, Thomas Sternz Eliot, Richard Oldington, Oldos Huxley, Evelyn Vo, Iris Mèrdok; from American literature William Faulkner, Ernest Hemingway, John Steinbeck, Richard Wright, John Updike, David Selinger, William Stayron; French literature Guillaume Apollinaire, Marcel Proust, Andre Jid, Antoine de Saint Exupery, Albert Camus, François Moriak, Natalie Sarrot, Claude Simon, Jean-Marie Gustave Le Clezio, Patrick Modiano, German literature Thomas Mann, Lion Feichtwanger, Arion Brext, German Gesse, Heinrich Bèll, Krista Wolf, Günter Grass; as well as read translations of works by Jorge Luis Borges, Gabriel Garcia Marquez, Umberto Eco, Julio Cortasar, Alexo Carpenter, Kazuo Isiguro, Mo Yan, Lao She, Haruki Murakami. Gegel, Kerkegor, Nietzsche, M.Baxtin, R.Bart, Jose Ortega-iGasset, M.Haydegger, A.F. Losev has been getting acquainted with the views of others on literature and the literary process through the magazine.

The magazine publishes translations of works of foreign writers from Russian editions into our language. From now on, "World Literature" should become a publication that promotes direct translations from the original. For example, in previous years the magazine featured examples from the work of medieval French poet François Villon, English and American Romantic poetry beggars George Byron, and Edgar Allan Poe. A reader unfamiliar with the original and Russian translation texts, reading the above translations, came to the conclusion that Vienna, Byron, Edgar Allan Poe were in fact so crushed. However, when we replace these translations with the original and Russian translation texts, we observe how freely our poetic translators moved, and as a result, how far they moved from the original. True, there is a saying in the translation of poetry that the translator becomes the opponent of the author. This means that the translator can write a poem in sync with the text of the original in the native language, but does not give the concept of tribe.

For example, Edgar Allan Poe's poem "The Great Timur" (Tamerlan, 1827) is translated by the Russian poet Valery Bryusov as follows:

*Заката сладкая услада!
Отец! я не могу признать,
Чтоб власть земная - разрешать
Могла от первой казни ада.
Куда пойду за гордость я
Что спорить нам: слова пустые!*

Miraziz Azam translates this passage as follows:

*Таскин, жонтаслимин енгиллатолмас.
Отахон, шу тонда юпатиш нега?
Сизнинг бу, Ердаги сўзлар келмас бас
Жаҳаннамнинг одил жазоларига.
Биламан, дўзахбон такаббурлигим,
Кўйинг, ўғит берманг, мени кўп қийнаб.*

It was translated into English like this:

*The comfort is unbearable.
Dad, why comfort in this ball?
Yours, the words on Earth will not come
To the just punishments of Hell.
I know, my hellish arrogance,
Stop, don't fertilize, torture me a lot.*

This is how the poem of the English poet George Byron "On my Day I complete my Thirty-sixth year, 1824" in the translation of Z. Morozkina sounds like this.

*Других не властный волновать,
Я сам бесстрастен должен быть.
Но и без отклика, опять
Хочу любить.*

The translator Abdul Hamid translated the above verse as follows:

*Кундан-кунга яқин интиҳо,
Эсар фасли хазон еллари
Қаро қабр кутар оч, юҳо,
Бағримда тек армон унлари*

On the purely linguistic problems of translation theory Hundreds of well-known scientists, independent researchers and masters presented their papers at scientific conferences held last year at the National University of Uzbekistan and Andijan State University participated. In them we see that the topical issues of modern translation studies are studied in a purely theoretical plan. Also in December 2015 at Andijan State University was held a seminar on "Linguocognitive, communicative and pragmatic translation." And 135 reports were presented at the Republican scientific-practical conference on "Linguocultural aspects". Admittedly, most of the speeches at the conference were based on theories and theses based on the theory of Western and Russian linguistics and translation studies takes over. In them we find that ideas about the practice and critique of literary translation are seldom discussed. Unfortunately, no one from the Writers' Union's Literary Relations and Literary Translation Department or the World Literature Magazine took part in the conference. Indeed, the fact that well-known translators such as I. Gafurov, N. Kamilov, A. Fayzulla, A. Sher, M. Mirzo, M. Akbarov, Ya. Egamova were not invited also creates a gap between theory and practice indicates that The gap between practice and theory also has a negative effect on translation criticism.

In short, the best works of world literature are being translated into our language and finding their readers. Our intention is that these translations should also find their place in the science of translation criticism and theory, and that practice, theory and criticism would be an excellent light upon light if they serve the same purpose.

REFERENCES:

1. Abdurahmonov G., Shukurov Sh. Historical grammar of the Uzbek language. Morphology and syntax. T. : Teacher, 1973. 320 p.
2. Abdurahmonov G., Rustamov A. Ancient Turkic language. T. : Teacher, 1982.
3. Abdurahmonov N. Ancient Turkic language. T. : Teacher, 1989. 160 p.
4. Abuzalova M.Q. Modern Uzbek language. Morphology. Educational-methodical manual for bachelor's degree in Uzbek philology. Bukhara, 2005. 140 p.
5. Azizov O. Introduction to Linguistics. T. : Teacher, 1996. 76 p.
6. Asadov T. In the system of word categories. Monograph. T. : Muharrir, 2010,
7. Askarova M, Yunusov R and others. Uzbek language practicum. Jizzax - 2007
8. Ashirboev S., Azimov I. Historical grammar of the Uzbek language. (training manual). T. : Fan, 2002. 137 p.
9. Eltazarov J.D. Interactions and migrations in the paradigm of word groups in the Uzbek language. T. : National Encyclopedia of Uzbekistan, 135 p.
10. Hojiev A. Uzbek word formation. T. : Teacher, 1989. 112 p.
11. Modern Uzbek literary language. Edited by F. Kemal. T. : Fan, 1957. 470 p.

UDC 81-13

FACTORS THAT INFLUENCED THE WRITING OF THE NOVEL “GONE WITH THE WIND” BY MARGARET MITCHELL

A.A. Marupova, lecturer, Samarkand State Institute, Samarkand

Аннотация. *Ushbu maqolada “Gone with the wind” romanning yozilishiga ta'sir ko'rsatgan shartlarni o'rganish, personajlar va qahramonlarini tahlil qilish va tarixiy roman sifatidagi o'ziga xos hususiyatlarini o'rganilgan.*

Калит so'zlar: *“Gone with the wind”, Margaret Mitchell, Fuqarolar urushi, Yanki askarlari va Konfederatsiya askarlari.*

Аннотация. *Задача данной статьи - изучить предпосылки, повлиявшие на написание романа, проанализировать систему персонажей и персонажей романа и изучить специфику романа «Унесенные ветром» как исторического романа.*

Ключевые слова: *«Унесенные ветром», Маргарет Митчелл, Гражданская война, солдаты янки и солдаты Конфедерации.*

Abstract. *The task of this article is to study the prerequisites that influenced the writing of the novel, analyze the system of characters and the characters of the novel and examine the specifics of the novel "Gone with the Wind" as a historical novel.*

Key words: *"Gone with the wind", Margaret Mitchell, Civil War, Yankee soldiers and Confederate soldiers.*

Gone with the Wind is a novel by the American writer Margaret Mitchell, a fascinating, highly social work, the main problem of which is the fate of human values in the world of purchase and sale. The book takes place during one of the most difficult periods in the history of the United States and covers the years of the Civil War (1861-1865) and the subsequent Reconstruction.

The novel was published on June 30, 1936 and became one of the most famous bestsellers of American literature. Even before the end of 1936, more than one million copies were sold. In the same year, Mitchell transferred the film rights to producer David Selznick for \$ 50,000. In 1939, the film of the same name was shot. In 1937, Mitchell won the Pulitzer Prize for this novel.

Margaret Mitchell herself has also become a mystery to many. "An unknown housewife wrote a book about which experts argued whether it was possible to write it, and agreed that it was impossible," in any case, the author's undoubted literary talent, excellent penmanship, sharpness and accuracy in describing historical events and vivid, vivid images of the novel's heroes are obvious. All this puts Margaret Mitchell on a par with the outstanding writers of world literature.

The book "Gone with the Wind" is considered one of the most significant works in the history of American literature, and not only American. By its significance for world literature, the novel "Gone with the Wind" is equated with "War and Peace" by L. Tolstoy. The novel follows in the footsteps of the war, which mutilated the fate of many people. After reading the novel "Gone with the Wind", we see that Margaret Mitchell describes the hardships of this war.

"She had enough reasons to protest against the identification of America with the Yankees and turn her novel to the image of what Pushkin, unknown to her, said, peering into the New World: "Everything noble, unselfish, everything elevating the human soul - suppressed by inexorable egoism and a passion for contentment". [1, 273] The name of the main character of the novel was found at the last moment - right in the publishing house. It is believed that the main characters of the novel had prototypes: for example, the image of Scarlett reflects many of the character traits and appearance of Margaret Mitchell herself, the image of Rhett Butler may have been created with Red Upshaw, Margaret's first husband.

According to one version, for the title of the book, the words were taken from a poem by Horace arranged by Ernst Dawson: "I forgot a lot, Cinara; gone with the wind, the fragrance of these roses was lost in the crowd..."; the estate of the O'Hara family was called the same as the ancient capital of the Irish kings - Tara. Margaret herself defined the theme of the novel as "survival". [63,272]

If we recall Mitchell's two marriages and scroll through her photos, where a bright and energetic young woman gradually turns into a tough and dry lady, it is easy to build a line of revenge for a childless, prematurely aged chaperone of her own careless youth. Margaret was completely taken aback when she saw how readers accepted her Scarlett. When asked by reporters if she had written off the main character from herself, Margaret answered sharply: "Scarlett is a girl of easy virtue, I'm not"! And explained: "I tried to describe a far from delightful woman, about whom there is little good to say... I find it ridiculous and ridiculous that Miss O'Hara has become something of a national heroine, I think it's very bad for the moral and mental state of the nation - if the nation is able to applaud and be carried away by a woman who behaved in this way".

With all the success of the novel and its adaptation, however, there were skeptics who claimed that Margaret Mitchell was not the author of the novel, that the novel was written for her by her husband, older brother, literary editors of the publishing house and others. For more than a decade, Margaret Mitchell has denied rumors and dismissed accusations. All this offended her greatly, because Margaret had been afraid of plagiarism accusations more than anything else since childhood.

When Margaret was nine years old, her father told her: "Remember, Peggy, plagiarism is the same as theft". That is why in her will, Margaret ordered that after her death only those materials remain that prove that "Gone with the Wind" was written only by her and no one else.

Yuqorida keltirib o'tganimizdek, so'z birikmalari a'zolari o'rtasidagi bog'lanish 3 xil bo'ladi. Bitishuv, boshqaruv, moslashuv. Ravish fe'lga ko'pincha bitishuv yo'li orqali bog'lanadi: *o'z-o'zidan gapirmoq, jim eshitmoq, tez yugurmoq, yaxshi o'qimoq, to'sattan kelmoq, atay kech qolmoq* kabi [6]. Iogann Volfgang Gyotening "Yosh Verterning iztiroblari" asaridagi "ravish+fe'l" qolipli so'z birikmalardan namunalar keltiramiz.

Men esa, azizim, bu quruq safsatabozlikdan shu narsaga to'la qanoat hosil qildimki, mubfahmlik va kaltafahmlik dunyoga makr adovatdan ko'ra ko'proq nizo urug'ini sochadi, har holda keyingilari *ko'proq uchraydi*. Ushbu gapda ko'p ravishi uchramoq fe'li bilan birikib, fe'lli birikma hosil qilgan. Bu yerda ko'p ravishi ortirma darajada qo'llanilgan. Bu bog' juda *oddiy ko'rinadi*, unga kirishning hamono bu sohibkor mehnatining mahsuli emas, balki tuyg'ularga boy, o'ziga orom istagan bir inson orzusining ro'yobi ekanligiga ishonch hosil qilasan. Ushbu o'rinda oddiy so'zi fe'l bilan bog'lanib, "ravish+fe'l" qolipli birikma hosil qilgan. Yordamlashib yuboraymi, yaxshi qiz? - so'radim yoniga tushib, u bo'lsa xijolatdan *qip-qizarib* so'zlardi.

Mazkur gapda qizil so'zining ortirma darajasi qo'llanilgan. Gapning ma'nosini kuchaytirish, va qahramonning ichki kechinmalarini yorqinroq va aniqroq ko'rsatish uchun shu so'z qo'llanilgan. U boshidagi chamberini to'g'riladi va men unga ko'maklashib yubordim. Qiz tashakkur bildirdi-da, zinapoyadan *yuqoriga chiqib ketdi*. Bu gapda esa o'rin ravishi ko'makchi fe'lli so'z qo'shilmasi bilan birikib kelgan. Va gapda hol vazifasida kelgan. Endi-chi! Afsuski, u mendan bir necha yosh katta edi va ancha oldinroq olamdan o'tdi.

Mazkur gapda o'rin ravishi qo'shma fe'l bilan birikib, fe'lli so'z birikmasi hosil qilgan. Bu xususda sening fikringni bilaman va men ham shunga qo'shilaman: bolalarga o'xshab betashvish kun kechiradigan, qo'g'irchoqlarini kiyintirib-yechintiirb, ularga g'amxo'rlik qiladigan, onasi shirinlik yashirib qo'yadigan javon atrofida xushomadgo'ylarcha aylanib yurib, kerakli narsani qo'lga kiritgach, uni *shosha-pisha yedi*: "Yana" deb talab qiladiganlar eng baxtli kishilardir. Bu gapda holat ravishi qo'llanilgan. Va "ravish+fe'l" qolipli so'z birikmasi hosil bo'lgan. Bunday ovloq joy *kam topiladi*.

Yuqoridagi gapda kam miqdor-daraja ravishi soda fe'l bilan birikib, fe'lli so'z birikmasi hosil bo'lgan. O'shandan buyon maydonchaga *tez-tez borib turaman*. Bu namunada tez-tez holat ravishi ko'makchi fe'lli so'z qo'shilmasi bilan birikib, gapda hol vazifasida qo'llangan. Agar bunday muqaddimadan keyin qandaydir ko'tarinki ruhdagi biror narsa kutayotgan bo'lsang, yana *ko'proq aldanasan*. Aldanmoq sodda fe'li miqdor-daraja ravishining ortirma nisbati bilan birga qo'llanib, gapda hol vazifasida kelgan.

Ular didimga unchalik mos kelmaganliklaridan u-bu vaj karson ko'rsatib, ulardan o'zimni *chekkaga tortdim*. Bu gapda esa o'rin ravishi qo'llangan va sodda fe'l bilan birikib, so'z birikmasi hosil qilgan. Hikoya tugay deb qolganda bog'dan janob Shmidt bilan ruhoniyning qizi chiqib kelishdi. U Lottaga qarab *ildam yurib kelardi*.

Yuqoridagi namunada esa ildam holat ravishi qo'shma fe'l bilan birikib, fe'lli so'z birikmasi hosil bo'lgan. Lottaning biror bemorga qanchalik ruh bag'ishlay olishini o'z sho'rlik qalbim misolida his qilaman. O'lim to'shagida ado bo'layotgan har qanday xasta kishidan ko'ra mening qalbim *ko'proq azob chekadi*. Keltirilgan ushbu namunada miqdor-daraja ravishining ortirma daraja shaklidagi so'z qo'shma fe'l bilan birikib kelgan. Uning so'zlaridagi samimiy mehribonchilikdan shu darajada mehrim jo'shib ketdiki, uni dast ko'tarib *qattiq yig'lardim...*

Bu gapda yig'lamoq sodda fe'li qattiq so'zi bilan birikib, gapda hol vazifasida kelgan. U meni tushunadi, deb o'ylagandim, negaki u ancha bema'ni odam-da. Uning fikricha Lotta hammasini *atay gapirgan*. Mazkur keltirilgan namunada ham sodda fe'l maqsad ravishi bilan birikib, "ravish+fe'l" qolipli so'z birikmasi hosil bo'lgan. Demak, ahvol o'zgarimas ekan...Meni bunday befahmlardan xalos etinglar! O'rmonda *uyoqdan-buyoqqa* yuguraman. Ravishlar gapda juft holatda ham so'z birikmasi hosil qiladi. Ushbu gapda o'rin ravishi sodda fe'l bilan birikib, gapda esa hol vazifasida kelgan.

Nemis tilida ravishlar sifatlardan farqli o'laroq turlanish xususiyatiga ega emas. Ular gapda doimo fe'lga bog'lanib, sintaktik jihatdan tahlil qilinganda gapda hol vazifasini o'taydi. Gapda o'zining xususiy o'rniga ega [7].

Das Wetter war gut. – Ob-havo yaxshidir.

Das Wetter ungewöhnlich gut.

Ob-havo noodatiy darajada yaxshi.

Ushbu har ikkala gapda ham ravish fe'lga bog'langan bo'lib uning qay holatda ekanligini ko'rsatyapti. Har ikkala gap ham ot-kesim bilan ifodalangan. Gapdagi ravishlar sintaktik vazifasiga ko'ra ravish holi vazifasini bajargan.

Es war ungewöhnlich gutes Wetter. – Noodatiy yaxshi ob- havo bo'ldi.

Ushbu misolda esa gut so'zi otga bog'lanib sifat bo'lib kelmoqda. Gapda esa sifatlovchi aniqlovchi vazifasini bajargan. Nemis tilida fe'lga bog'lanib kelgan ravishlar wann? (qachon), wie? (qanday) wo? (qayerda) so'roqlariga javob bo'ladi. Ravish + fe'lli birikmalar ravishlar bilan ham aloqaga kirisha oladi. Nemis tilida ravish fe'lli so'z birikmalarining quyidagi turlari mavjud:

Payt ravish fe'lli so'z birikmalari (Temporaladverbien) Holat ravish fe'lli so'z birikmalari (Modaladverbien)

O'rin ravish fe'lli so'z birikmalari (Lokaladverbien)

Payt ravish + fe'lli so'z birikmalari (Temporaladverbien). Ushbu so'z birikmalari fe'l tomonidan bajariladigan ish-harakatning qachon, qachongacha, qancha vaqt davomida, qachondan beri bajarilganini ko'rsatuvchi birikmalar hisoblanadi. Ravish+fe'l so'z birikmasi nemis tilida o'z qo'llanishiga ko'ra 3 ta zamonda qo'llaniladi. Bular: Gegenwart (hozirgi zamon), Vergangenheit (o'tgan zamon, Vor- oder Nachzeitig (vaqtdan oldin yoki keyin qo'llanilishi).

Nemis tilida ravish +fe'l so'z birikmalarining o'zbek tilidagi birikmalardan yana bir farqli xususiyati shundaki, ular ba'zida qo'shib, ba'zida esa ajratilib yoziladi. Ravishlar asosan urg'u oladigan holatlarda qo'shib yoziladi.

abhandenkommen	-	yo'qolib qolmoq
abwärtsfahren	-	pastga tushmoq
anheimfallen	-	qurbon bo'lmoq
querlesen	-	ko'z yugurtirmoq
vorwärtsgehen	-	olg'a yurmoq
seitwärtsfahren	-	chetdan haydamoq

Ba'zi "ravish + fe'l" birikmalari esa qo'shib yoziladi. Chunki ular hech qanday urg'u olmaydi. Masalan: **rückwärts** einparken.

aufeinander achten	-	bir-biriga e'tibor bermoq
quer (im Bett) liegen	-	yotib qolmoq
miteinander lachen	-	birgalikda kulmoq
untereinander liegen	-	ustma-ust qo'ymoq

1996-yildan oldin ko'pgina bunday so'z birikmalari qo'shib yozilgan. 2006- yil martda yangilangan imlo qoidalarida ham aynan shu holatni ko'rishimiz mumkin.

aneinanderfügen	-	birlashmoq
sich dahinterknien	-	tiz cho'ktirmoq
darüberfahren	-	haydab chiqarmoq
durcheinandergeraten	-	chalkashib ketmoq
zueinanderfinden	-	bir-birini topmoq
aufeinandertreffen	-	uchrashmoq

Xulosa. O'zbek va nemis tillarining har ikkalasida ham hokim so'z fe'l bo'lgan birikmalarda ravish asosan fe'l bilan birikib keladi. Ravish bilan fe'ldan iborat birikmalar ikkala tilda ham deyarli farq qilmaydi. Faqat o'zbek tilida tobe so'z (ravish) hokim so'zdan albatta oldin keladi, nemis tilida esa u hokim so'zdan oldin ham, keyin ham qo'llanishi mumkin. Masalan: yaxshi o'qiysan – gut liest yoki liest gut kabi.

Ravish turkumiga oid so'zlar ham hokim holatda kelib boshqa turkumdagi so'zlarni (asosan fe'llarni) boshqarish xususiyatiga ega. Tez keldi, oldindan biladi, avval javob bering, birday gapirdi, oz terdilar, tez-tez gapirishardi, yaxshi o'qiysan, chiroyli yozding, ertalab yetib kel, tezda jo'nab ketdi, kechqurun sayrga chiqdi, biroz so'zlashdi, oldinda borardi, mardlarcha halok bo'ldi, tezda xayrlashdi, oldinda borardi, orqaga ketdi, beparvo o'tirardi, baravar turishdi, qoyilmaqom qilib bajarishdi kabi.

Xilma-xil ruhiy holat, kayfiyatni ifodalovchi so'zlar rozi, norozi, xursand, xafa kabi holat ravishlari fe'llar bilan birikadi. - Ularga ona bo'! - Men unga qo'limni uzatdim, - Qizim! - dedi u, - sen ularga onalik vujuding va onalik e'tiboringni baxshida qil. Buning nima ekanini his etishingni, sening qaynoq ko'z yoshlaringdanoq bir necha marta sezgandim. Ukalarining uchun ona, otang uchun esa sadoqatli va mehrbon ayol o'rnini bos! Unga tasalli ber! U hamma -hammasiga go'yoki rozidek tinglardi...

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Abdurahmonov G', Shoabdurahmonov Sh.Sh., Hojiyev A.P. O'zbek tili grammatikasi. -Toshkent: Fan, 1976. - B.53.
2. Gyote I.V. Yosh Verterning iztiroblari: roman. Yanglish Egamova tarjimasida. - Toshkent: Yoshlar nashriyot uyi, 2018. – B.19.
3. Abdurahmonov G', Shoabdurahmonov Sh.Sh., Hojiyev A.P. O'zbek tili grammatikasi. – Toshkent: Fan, 1976. – B.53.
4. Maxmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Nabiyeva D. 6-sinf ona tili darsligi. - Toshkent: Tasvir, 2017 y. – B.56.
5. Gyote I.V. Yosh Verterning iztiroblari: roman. Yanglish Egamova tarjimasida. - Toshkent: Yoshlar nashriyot uyi, 2018. – B.21.
6. Qurbonova M., Sayfullayeva R., Boqiyeva G., Mengliyev B. O'zbek tilining struktural sintaksisi. - Toshkent: O'zMU, 2004. –B.14.
7. Mirsagatov T.S. Deutsche Grammatik. Morphologie. – Taschkent: Fan, 1974. -S.18.
7. Norkuziyeva D. O'zbek va nemis tillarida ravishning tuzilishidagi tafovut va o'xshashliklar. // Science and Education. 2021. №2. 2021. –B.604-609.
8. Norkuziyeva D. Nemis va o'zbek tillarida fe'l qolipli so'z birikmalari// Science and Education. 2021. №4.2021. – B.444-449.
9. Norkuziyeva D. O'zbek va nemis tillarida ravishning tuzilishidagi tafovutlar va o'xshashliklar. “Таълимда филологияни ривожлантиришнинг глобал масалалари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани материаллари. Жиззах, 2021. –B.332-336.
10. Jamolxonov H. Hozirgi o'zbek adabiy tili. - Toshkent: Talqin, 2005. – b.17.
11. Fleischer W. Phraseologie der deutschen Gegenwartssprache. – Leipzig, 1982.
12. Hammer F. Feste Wortpaare im französisch und deutschen Sprachvergleich. Tübingen, 1993.
13. Nurmonov A., Mahmudov N., Ahmedov A., Solixo'jayeva S. O'zbek tilining mazmuniy sintaksisi. – Toshkent: Fan, 1992.
14. Qurbonova M., Sayfullayeva R., Boqiyeva G., Mengliyev B. O'zbek tilining struktural sintaksisi. - Toshkent: O'zMU, 2004.

UO'K 808.3

DISFEMIZMNING PRAGMATIK XUSUSIYATLARI HAQIDA

B.I. Odinayev, PhD, Samarqand davlat universiteti, Samarqand

Annotatsiya. Maqolada tilshunoslar tomonidan disfemizmga berilgan ta'riflar, uning nutqda qo'llanish zaruratini yuzaga keltiruvchi omillar, ifoda shakllari, pragmatik xususiyatlari hamda

evfemistik disfemizm va disfemistik evfemizm atamalarining paydo bo'lishi, ularning istehzo va hazilni yetkazish vositasi sifatida qaralishi xususida so'z yuritiladi.

Muloqot ishtirokchilarining o'z kommunikativ maqsadlaridan kelib chiqqan holda disfemizm, evfemistik disfemizm va disfemistik evfemizmlardan foydalanishi Erkin A'zam asarlaridan olingan misollar vositasida yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: *disfemizm, kakofemizm, ortofemizm, lokutsiya, illokutsiya, disfemistik evfemizm, evfemistik disfemizm.*

Аннотация. *В статье рассматриваются определения дисфемизма лингвистами, факторы, вызывающие необходимость его использования в речи, формы выражения, прагматические особенности и появление терминов эвфемистический дисфемизм и дисфемистический эвфемизм, их использование как средство передачи иронии и юмор.*

Участники коммуникативной беседы осветите на примерах произведений Эркина Аъзама использование дисфемизма, эвфемистического дисфемизма и дисфемистического эвфемизма.

Ключевые слова: *дисфемизм, какофемизм, ортофемизм, локуция, иллокуция, дисфемистический эвфемизм, эвфемистический дисфемизм.*

Abstract. *The article discusses the definitions of dysphemism by linguists, the factors that make it necessary to use it in speech, forms of expression, pragmatic features, and the emergence of the terms euphemistic dysphemism and dysphemistic euphemism, their use as a means of conveying irony and humor referred to. The use of dysphemism, euphemistic dysphemism, and dysphemistic euphemisms by the participants in their communication for their own communicative purposes is illustrated by examples from the works of Erkin A'zam.*

Keywords: *dysphemism, cocofemism, orthophemism, locution, illocution, dysphemistic euphemism, euphemistic dysphemism.*

Muloqot jarayonida har bir shaxs til birliklaridan o'zining kommunikativ maqsadiga ko'ra foydalanadi. Bunda so'zlovchi ayrim o'rinda ijobiy, boshqa o'rinda esa salbiy ma'no ottenkasiga ega bo'lgan til birliklarini qo'llashi mumkin. Shuningdek, so'zlovchi muayyan referektiv voqelikka munosabat bildirar ekan, neytral baho semasiga ega birlik(ortofemizm)lardan unumli foydalanadi va shu bilan bir qatorda, faqat ma'lum kommunikativ-pragmatik mo'ljallar ifodalanayotgandagina qo'llaniladigan lug'aviy birliklarga ham murojaat qiladi. Shundan kelib chiqqan holda, biz ushbu maqolada disfemizm va uning pragmatik xususiyati haqida so'z yuritimiz.

Disfemizmga olimlar tomonidan turli xil ta'riflar berilgan: "Kakofemizm(yoki disfemizm)lar so'zlovchining tinglovchiga yoki biror predmetga nisbatan masxara, istehzoli, iltifotsiz qarashini, munosabatini ifodalaydi" [Шомаксудов ва бошқ., 1983: 68]; "Disfemizmlar yoki kakofemizmlar konsepsiyani berilgan tushunchaga, berilgan so'zga nisbatan qattiqroq va qo'polroq – odatda adabiy bo'lmagan shaklda ifodalaydi" [Гальперин, 1958: 164]; "Disfemizm (defemizm, kakofemizm) muayyan matnda belgining nomini biroz dag'al, qo'pol nom bilan ifoda etuvchi tropdir" [Ахманова, 1966: 137]. Yuqoridagi ta'riflardan ko'rinadiki, disfemizm va kakofemizm atamaları sinonim tarzida qo'llaniladi. M.Mirtojiyev disfemizm termini kokofemizm termini bilan dublet hisoblanishini qayd etib o'tadi [Миртожиев, 2010: 132]. Skovorodnikov ham "disfemizm, yoki kakofemizm" tarzida qo'llaydi [Сковородников, 2011: 119].

Tilshunoslikda faqat disfemizm tadqiqiga bag'ishlangan monografik yo'nalishdagi ishlar deyarli kuzatilmaydi, asosan, evfemizm bilan birgalikda tadqiq etilgan. Negaki, ular bir-biriga qarama-qarshi hodisa hisoblanadi va yonma-yon tadqiq etilganda ular o'rtasidagi tafovut va o'ziga xosliklar yanada yorqinroq namoyon bo'ladi. Ularni ajratishda kontekst hal qiluvchi rol o'ynaydi, chunki bir xil leksik birlik har xil muloqot sharoitida ham ijobiy, ham salbiy baholarga ega bo'lishi mumkin. Disfemizmlar so'kish va qarg'ish aktlarida ko'proq qo'llaniladi. Disfemizmning pragmatik xususiyatlarini tadqiq etish jarayonida, nafaqat disfemistik ifodalarni, balki disfemizmga ehtiyoj tug'iladigan ijtimoiy-madaniy va diskursiv-lingvistik fonni ham hisobga olishi kerak bo'ladi:

– *Ko'ka-al!* – *deb qichqiradi onasi. – Ko'kingni kiyay, Ko'kal! Bo'ying go'rd a chirigur Ko'ka-al! Zotingga tortmay noming o'chgur Ko'ka-al!..*

Onasi o'riklilik tog'chilar urug'idan edi. Bu mardum xiyla badfe'l, jangari keladi, g'alvani pulga sotib olay deydi. Turib-turib, zerikkanidan sho'rlik Ko'kalni qarg'ab qolardi. Shom-u sahar hovlida g'imirlab, ro'zg'orning o'tidan kirib, suvidan chiqadigan Ko'kal burilib bir og'iz: "Nima deyapsiz o'zi" deb so'ramasdi (E.A'zam, "Bog'bololik Ko'kaldosh").

Mazkur matnda onasi tomonidan Ko'kalga qarata aytilgan **"ko'kingni kiyay"**, **"go'rda chirigur"**, **"noming o'chgur"** kabi qarg'ish birliklarining barchasi unga o'lim tilashdan iborat. "Ro'zg'orning o'tidan kirib, suvidan chiqadigan" Ko'kalni onasi "zerikkanidan" qarg'ashi, u esa onasiga bir og'iz: "nima deyapsiz o'zi" demasligida pragmatik omil va mazmun yashiringan.

Hikoyada asosiy voqelik aynan mana shu qarg'ish akti bilan boshlanadi. Qolgan voqealar ushbu qarg'ish akti qo'llanilishi uchun sabab bo'lgan pragmatik omil va voqelikning yuzaga kelishini ochib berishga xizmat qiladi. Voqealar rivojiga e'tibor beradigan bo'lsak, Ko'kalning onasi ya'ni Mayram tog'chini Doniyorov bir paytlar tog'dan olib kelgan va o'z uyidan joy bergan. Keyinchalik, Mayram turmush qurgan. Doniyorovning yon qo'shnisi. Ko'kalni otasi ham, ukalari ham yomon ko'rmaydi, birgina onasi "go'rdan olib, go'rga soladi". Ko'kal onasi buyurgan ishlarning barchasini bajonidil bajaradi, faqat Doniyorovning hovuzidan bir kunda ikki mahal suv olib kelish unga azob. Buning birinchi sababi, Doniyorovning badqovoq xotini har safar Ko'kal suvga borganida unga "suvni loyqalatma", "hovuzga tushib ketma", "ko'zingga qara" deb o'qtiraveradi. kkinchidan, Ko'kal bu holatlarni indamay kuzatib o'tiradigan Doniyorovning bir kun indab qolishidan qo'rqadi. Ko'kal Doniyorovning hovlisidan chiqar-chiqmas onasi yana uni qarg'ashni boshlaydi. Doniyorov devor osha Mayramga bas qilishni aytganda u tomog'iga tosh tiqilgandek birdan jim bo'lib qoladi. Onasining Ko'kalni tinimsiz, sababsiz hamda ataylab Doniyorovga eshittirib qarg'ayverishi("zotingga tortmay noming o'chgur Ko'ka-al!.." deyilganda ham Doniyorovga ishora qilinadi)ning sababi hikoya so'ngida ma'lum bo'ladi. Ko'kal bir umr hadik bilan kutgan kun keladi, Doniyorov "indaydi" ya'ni o'limi oldidan Ko'kalga uning otasi ekanligini aytadi. Shu tariqa Mayramning Ko'kalni huda-behudaga qarg'ayverishi bilan bog'liq bo'lgan pragmatik omil yuzaga chiqadi.

Mayram tilidan qo'llanilgan qarg'ish anglatuvchi disfemizmlar asarda tugun vazifasini bajargan. Barcha voqealar shu tugunni yechish uchun xizmat qilgan. Mayram o'zining achchiq qismati alamini o'g'li Ko'kaldan oladi, uni sababchi deb biladi. Guyoki u aslida Ko'kalni emas, o'z qismatini qarg'aydi.

Disfemizmlar pragmatik yo'nalishda tadqiq etila boshlangach, unga berilgan ta'riflar ham shunga munosib tarzda o'zgarib bormoqda. X.Qodirova disfemizmni "denotat bahosiga munosabatning minus tomonga ketishi bilan bog'liq pragmatik hodisa" deb izohlaydi [Қодирова, 2012: 18]. A.Rezanova disfemiya pragmatik harakat ekanligini ta'kidlab, "disfemiyaning pragmatik mexanizmi murakkab va ko'p funksiyali hodisa bo'lib, u har xil turdagi nutq harakatlarida amalga oshiriladi, lekin ko'pincha ma'lum bir ssenariyga amal qiladi. Ko'pgina hollarda, bitta disfemistik bayonotda bitta funksiyani ajratib ko'rsatish imkonsiz ko'rinadi" degan xulosaga keladi [Резанова, 2008: 5].

Evfemizm va disfemizmlarning pragmatik aspektdagi tadqiqi doirasida salmoqli ishlar amalga oshirilgan. T.S.Bushuyeva [Бушуйева, 2005: 24] hamda T.N.Abakova [Абакова, 2007: 24] tadqiqotlari ana shunday ishlar sirasiga kiradi.

Biz maqola avvalida aksariyat tadqiqotchilar tomonidan evfemizm va disfemizmlar birgalikda tadqiq etilishi, ular mazmun jihatidan bir-biriga qarama-qarshi hodisa bo'lsa-da, bir leksik birlik qo'llanish o'rniga va nutq vaziyatiga ko'ra ham ijobiy, ham salbiy ma'no ifodalashi mumkinligi, shu boisdan ularni o'zaro farqlashda kontekst hal qiluvchi rol o'ynashini ta'kidlab o'tgan edik. Evfemik birliklar orqali disfemik ta'sir ko'rsatish yoki aksincha bo'lishi mumkin. Bu holat tilshunoslikda evfemistik disfemizm va disfemistik evfemizm atamalarining yuzaga kelishiga turtki bo'ldi. K.Allan va K.Burrijlar o'zlarining "Taqiqlangan so'zlar. Tabu va til senzurasini" kitobida evfemistik disfemizm va disfemistik evfemizm terminlarini quyidagicha izohlaydi: Evfemistik disfemizm va disfemistik evfemizmlar, ularning orqasida yashiringan niyatlarga zid bo'lgan ifodalardir. **Evfemistik disfemizm** – "so'zlovchining tabiatan haqoratli bo'lmagan iborani qo'llash orqali disfemistik niyatiga evfemik

tarzda erishishi”. **Disfemistik evfemizm** – “lokutsiya disfemistik tasvirda bo‘lsa-da, illokutsion samara evfemistikdir” [Allan, Burridge, 2006: 39].

A.Terri “Evfemistik disfemizmlar va disfemistik evfemizmlar istehzo va hazilni yetkazish vositasi sifatida” nomli maqolasida evfemistik disfemizm istehzoni, disfemistik evfemizm hazilni ifodalashi to‘g‘risida o‘z qarashlarini bayon etadi. Unga ko‘ra, “istehzo juda muloyim ko‘rinadi, lekin aslida haqoratimiz, hazil esa haqoratli ko‘rinadi, lekin do‘stona” [Terry, 2020: 61] yoki “kinoya soxta xushmuomalalik, hazil esa soxta beadablik(qo‘pollik)dir” [Terry, 2020: 65]. A.Terri evfemistik disfemizm sifatida keltirib o‘tgan misollarda muloqot ishtirokchilari tomonidan disfemik ma’noli deb qaralgan so‘z o‘rniga evfemik xarakterdagi so‘z qo‘llanilgan, lekin bu istehzoni ifodalagani ko‘zga tashlanmaydi. Uning fikr va misollariga tayangan holda quyidagi matnni olamiz:

Qirg‘oqda qo‘qqayib u bir nafas ko‘lga tikiladi, so‘ngra shoshilmay ishtonbog‘ini yechadi-da, suvga qarab choptirib yuboradi (E.A‘zam, “Guli-guli”). Bu yerda peshob qilmoq ma‘nosidagi disfemiya o‘rniga “choptirib yubormoq” evfemik birikmasi qo‘llanilmoqda, ammo baribir peshob qilmoq ma‘nosidagi disfemik mazmun saqlanib turibdi. Evfemistik disfemizmlar haqida yakuniy xulosaga kelishdan oldin yana bir matnga e‘tibor qaratsak:

– *Gul-pulingga qarab turishim mumkin, lekin uying o‘zingga buyursin, jonim!*

– *Mana shunday tantiliklaringga borman-da, Zabar! Sa-al menga o‘xshaganingda-ku, o‘zim bilardim nima qilishni. Sendaqasini ko‘rsa, o‘lib qoladi ular! Olti oyda og‘iz burninggacha to‘lib ketasan! Bo‘ldi, bo‘ldi, tumshaymang. Bildik – siz farishta, Vazira kennoyim ham o‘pmagan hur-u g‘ilmonsiz! Ja-a bo‘lmasa, dengizlarda cho‘milib kelarding!*

– *Suvni yomon ko‘raman.*

– *Yomon ko‘rarmish, qo‘rqsang kerak-da? Cho‘milsang – shundoq mazaki, iliqqina! Tanangdagi bor gard-u g‘uborni yuvib ketadi.*

– *Seni-ku o‘nta dengizda cho‘miltirib olsa ham befoydadir!*

– *Dengiz emish, okeanda degin! – Dilya tantilik bilan qiqirlaydi. – O‘zing kimga asrab yuribsan bu mulkni, hayronman? Ko‘tarasiga bervormaysanmi?!*

– *Egasi chiqib qolar, – deydi Zabarjad sirli jilmayib. – Ko‘tarasavdoni sen qilasan, o‘rtoq (E.A‘zam, “Zabarjad”).*

Mazkur matnda ikki dugonaning o‘zaro suhbatida disfemik birliklar qo‘llanilmagan, ammo ular o‘rtasidagi muloqot disfemik mazmunda ekanligi yaqqol ko‘rinadi. Zabarjad dugonasiga “seni-ku o‘nta dengizda cho‘miltirib olsa ham befoydadir” deyish orqali Dilyaning chet elga borib zino ishlar bilan shug‘ullanishi, zino esa kechirilmas gunoh ekanligini istehzo qilmoqda. Dugonasining nimaga shama qilayotganini anglagan Dilya “dengiz emish, okeanda degin” deya javob qiladi. Disfemistik evfemizmlarda disfemik birliklardan foydalanilgan holda evfemik kayfiyat aks ettiriladi:

Oldingi partada o‘tirgan Risolatning hamisha tayyor qo‘lini ko‘raman.

– *Qoniy, o‘rtoq Fayziyeva, Viyet teoremasini bir sayrab yubaring, o‘rtoq Salimova bir eshitsunlar!*

– *Risolat sharillatib aytib tashlaydi (E.A‘zam, “Ertak bilan xayrlashuv”).*

Bu yerda o‘qituvchi “aytib yuboring” deyish o‘rniga “sayrab yubaring” disfemik birlikdan foydalanadi. Insonlarga nisbatan “sayrash” so‘zining qo‘llanilishi disfemik niyatni namoyon etadi. Biroq bu yerda hazilni ifodalab kelmoqda. Shuning uchun Risolat bundan xafa bo‘lmaydi. Hazil odatda begona kishilar o‘rtasida yoki dabdurustdan qo‘llanilmaydi. Hazil-mutoyibadan foydalanish hamjihatlik va do‘stona munosabat belgisi. Demak, disfemistik evfemizmni do‘stona munosabatni qo‘pol usulda ifodalash deb qabul qilish mumkin. Kuzatishlarimizdan ayon bo‘ladiki, evfemistik disfemizm va disfemistik evfemizm atamalarini qo‘llash lozimmi, agar lozim bo‘lsa qanday birliklarga nisbatan qo‘llash kerak. Evfemistik disfemizmlar istehzoni, disfemistik evfemizmlar hazilni ifodalay oladimi. Ularni asil holicha evfemizm, disfemizm, istehzo, kinoya, hazil sifatida o‘rganishni davom ettirish maqsadga muvoq emasmi degan savollarga javob topish, yanada kengroq mushohada yuritish hamda muayyan ilmiy xulosaga kelish uchun tadqiqotlar hali davom ettirilishi kerak.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Абакова Т.Н. Парадигматические отношения и семантико-прагматические особенности эвфемизмов и дисфемизмов современного английского языка (на материале текстов британской прессы): Автореф.дис. ... кан. филол. наук. – Саратов, 2007. – 24 с.

2. Allan K., Burrige K. Forbidden Words. Taboo and the censoring of language. – Cambridge: Cambridge University Press, 2006. – 304 p.
3. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – Москва, 1966. – 608 с.
4. Бушуева Т.С. Парагматический аспект эвфемизмов и дисфемизмов в современном английском языке: Автореф. дис. ... кан. филол. наук.– Москва, 2005. – 24 с.
5. Гальперин И.Р. Очерки по стилистике английского языка. – Москва, 2011. – 460 с.
6. Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: «Mumtoz so'z», 2010. – 288 б.
7. Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмдан фойдаланиш маҳорати: Филол.фан.ном... дис.автореф. –Тошкент, 2012. –27 б.
8. Резанова А.Н. Дисфемия в английском языке: семантические механизмы и прагматические функции: Автореф. дис. ... кан. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2008. – 20 с.
9. Сковородникова А.П. Энциклопедический словарь-справочник. Выразительные средства русского языка и речевые ошибки и недочеты / под ред.А.П.Сковородникова.-3-е изд., стереотип.-М.: «ФЛИНТА», 2011.- С.480.
10. Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1983. – 248 б.
11. Terry A. Euphemistic dysphemisms and dysphemistic euphemisms as means to convey irony and banter // Language and Literature. 2020. Val 29(1).–P. 57-75. DOI: 10.1177/0963947020910624. journals.sagepub.com/home/lal

UO'K 81-13

TAGMA'NONING QAHRAMON XARAKTERIDA TUTGAN O'RNI (“Lolazor” romani misolida)

B.A. Qarshiyev, o'qituvchi, Toshkent davlat agrar universiteti, Toshkent

Annotatsiya. Ushbu maqolada milliy adabiyotimizda o'z ovozigga ega bo'lgan, zamonaviy o'zbek nasriga yangicha ruh, yangicha uslub olib kirgan yozuvchi Murod Muhammad Do'stning so'z qo'llash mahorati, tagma'nolardan unumli foydalangan holda, ularni qahramon xarakterini yoritib berishdagi o'rni haqida so'z borib, yozuvchining badiiy mahorati haqida fikr-mulohazalar bayon qilingan.

Kalit so'zlar: ichki nutq, tagma'no, roman, xarakter, uslub, ong oqimi

Аннотация. В данной статье рассказывается о художественном мастерстве писателя Мурада Мухаммада Дуста, который привнес в современную узбекскую прозу новый дух, новый стиль, эффективно используя подтексты, с их помощью освещая характеры своих героев.

Ключевые слова: внутренняя речь, подтекст, роман, характер, метод, поток сознания

Abstract. In this article, the words of Murod Muhammad Dost, a writer who has a voice in our national literature and brings a new spirit and a new style to modern Uzbek prose, make them heroes. talking about his role in illuminating his character, and commenting on the writer's artistic skill.

Key words: inner speech, meaning, novel, character, style, flow of consciousness

Murod Muhammad Do'stning «Lolazor» romani o'zbek nasrining badiiy salmoqli asarlaridan biridir. Mazkur roman haqida izlanishlar, tahlillar ko'pchilikni tashkil etadi. “Inson ichki dunyosining tahlili, uning ruhiy holatini tasvirlashda bevosita kuatish va birga qayg'urish, uning kechinmalari bilan birga yashash, inson ongining anglangan va anglanmagan harakati yoki oqimi yangi badiiy uslubning o'ziga xos xususiyatlari, aks ettirish, tasvirlash, ifodalash prinsiplariga aylandi”[4,369]. Ushbu asarni faqatgina davrning ma'lumotnomasiga aylantirishga qo'shilib bo'lmaydi. To'g'ri, har qanday asar hech qachon o'zi yashayotgan muhit muammolaridan uzilmaydi. U qaysidir ma'noda zamonasining ramzidir. Ammo har qanday asar ayni zamonda abadiylikning ramzlarini topolsagina u yashab qolishga haqli. Qahramonlar faoliyatini tahlil qilishga, baholashga, ulardan xulosa chiqarishga dunyodagi qarma-qarshi ikki qutb haqidagi mavjud tushunchalarimiz kamlik qiladi. Balki, borayotgan so'z yaxshilik yoki yomonlik, ijtimoiy davr fojiasi haqida ham emasdir. Gap inson fojiasi, bilib turib ko'rib turib, o'zini qurbon qilgan inson, o'zini qurbon qilishga mahkum bo'lgan inson haqidadir. Nazar Yaxshiboyev ham, Xorun ham o'zlarining kimligini, nimaga xizmat qilishayotganini yaxshi bilishgan. Asar boshlanishida Yaxshiboyevni xush ko'rmaydigan,

unga zamonaning maddohiga qaraganday munosabatda bo'lgan Sayidqulning o'zi ham asar adog'iga borib Yaxshiboyevning soyasiga aylanib ketadi.

“Lolazor”dagi xira, noaniq bo'y ko'rsatib turgan voqea-hodisalar ichki monolog ostida yotgan tagma'noni tashkil etadi. Tagma'no chuqur tarixiylik kasb etib, asarni zamin, ya'ni makon va zamon nuqtai nazaridan suyab turadi. Har qanday asar badiiy to'qima bo'lishi mumkin, biroq u asossiz bo'lmaydi, uning zamini va adekvat zamoni bo'ladi.

Badiiy asar tarkibidagi xarakterlar umunlashmalik xususiyatiga ega o'lib, yozuvchi ularning fojiasini muhit orqali yoritadi. “Xarakter (yunoncha character – xususiyat, belgi) – ma'lum ijtimoiy faoliyat tipi. Xarakter L.I. Timofeyev aytganidek, obrazning yadrosi. Xarakter, birinchi navbatda, konkret hayotiy sharoitda o'z individual xatti-harakatlari va ruhiy kechinmalari bilan namoyon bo'ladigan insonning aniq tasviri.”[1,52] Xarakter yaratishda esa tagma'nolardan samarali foydalanish M.M. Do'st uslubining oziga xos jihatlaridan biridir.

Tagma'noning xususiyatlaridan biri ma'noning yashirinligi bo'lib, u qahramon ong oqimi taassurot va kechinmalaridan, atrof-muhit ta'siridan, ta'kidlab o'tish joizki, ta'siridangina iborat bo'ladi, u tasavvur holida bo'ladi, xolos. Bas, shunday ekan, ma'lum bir davr va kayfiyatda katta tarixiy manzara, jarayon, ijtimoiy voqealar chetda qoladi, qahramon ichki monologi ularning eng xarakterli nuqtalari tasavvurni taassurot va kechinma tarzida aks ettiradi, xolos. Shuning uchun ham asar muarakkab tus oladi, uni tushunish, anglab yetish qiyinchiligi tug'iladi. Demak, tagma'no asar tushunilish murakkablashuvini yuzaga keltirishga xizmat qiladi. “Lolazor”ga shu jihatdan qaralsa, u hozircha, unda aks etgan davr va tarixiy shaxslar bizga zamon va makon nuqtayi nazaridan yaqin bo'lganimiz tufayligina tez tushiniladi, vaqt o'tgach u izohlarsiz tushunarsiz bo'lib qoladi. Asar tilga tushib, matbuotda e'lon qilingan maqolalar asarning shu tomoninigina hisobga oladi, xolos.

“Lolazor”dagi tagma'no quyidagilardan iborat: Nazar Yaxshiboyev uni o'rab turgan kishilar, ijtimoiy munosabatlar, voqea-hodisalar, qahramonlarning dunyoqarashi, falsafa-mushohadalari, xatti-harakat, tutumlari – barchasi ma'lum ijtimoiy-tarixiy davr mahsulidir. U o'zbek jamiyatining 80-yillariga – tarixan O'zbekiston ham tarkibiga kirgan katta mamlakatning “turg'unlik” deb atalgan pallasiga to'g'ri keladi. «Lolazor» qissanavis (Saidqul Mardon)ning nigohi bilan davrning qarashlarini ifoda etgan Yaxshiboyev nigohini asar tizimiga birlashtirib turadi. Asarni o'qisangiz, qissanavis bilan Yaxshiboyevning ayni paytda bitta roviy ekaniga guvoh bo'lasiz – bu ikki nigoh asar so'ngida bitta nigohga aylanadi. Sayidqul Olloyorga otasi barpo etgan bog'ni ko'rsatadi. Turg'unlik davridagi asar nuqtai nazaridan yondashsak, rivojlangan jamiyat qurish ulug' rejasi amalga oshmay, jamiyat boshi berk ko'chaga kirib qolgan va u “indama, hammayoq yaxshi” qabilida ish tutadigan olg'ir, ko'zbo'yamachi, poraxo'r, ikkiyuzlamachi, ta'magir, tazimkor kimsalarni bodratib yuborgan va ular jamiyatning eng muhim, mas'ul amallarini egallab olgach, turg'unlik psixologiyasi tarkib topgan, kishilarda loqaydlik kasali avj olgan, butun bir jamiyat ko'zi bog'langan olomonga aylanib qolgan, Oshnolar, Yaxshiboyevlar, Zohidlar, To'porilar, Qurbonoylar, Shoymordonovlar zamoniga to'g'ri keladi. Ular atrofida Chorshanbiyevlar urchgandan urchiydi. Oqibatda bunday jamiyatning oxiri yaxshi yakun topmaydi, tizim tanazzulga yuz tutadi, so'nggi kunlarida o'z hayot yo'lini anglab yetgan va tanazzul illatlari bilan yuzma-yuz kelgan qahramon fikr oqimidan beixtiyor quyidagi satrlar o'tadi: “Taqdiri birgina injiq xotinchaga bog'liq xalqqayam suf-e!

Onasi otasidan yashiriqcha sovg'a oladigan xalqqa nimalar deysan yana?

Onasi unutgan xalqqa-chi?” [3,289]

Bu Nazar Yaxshiboyevning Oshnoning xotini Muyassarxonim bilan konflikti, butun boshli xalqning “Onasi” bilan, uning timsolida yagona erlari tufayli jamiyatni minib olgan, jamiyatdagi barcha imkoniyatlardan to'la va ochiqchasiga foydalana bilagan, xufiya ishlar bilan shug'ullangan, nasl-nasab talashgan, mehnatsiz hayot kechirgan zodagon asllar olami bilan umrining so'nggi kunlarida insoniy fazilatlarini anglash, inson va hayot tub mohiyatini – dunyoda barcha narsaning bebaqo, faqat ezgulik abadiy ekanligi anglab yetish barobarida tug'ilgan yagona va so'nggi ziddiyati edi. Zero, badiiy adabiyotning bosh maqsadi tipik sharoitda tipik xarakter yaratish va shu jarayonda qahramon qalbi, ichki dunyosi tadrijiy rivojini tahlil etishdir. Murod Muhammad Do'st esa mana shunday maqsadda tagma'nolarni asar kompozitsiyasiga olib kira olgan va qahramonlar xarakteri va ruhiy olamini ochib berishda ulardan unumli foydalana olgan. Bu esa yozuvchining yirik janrlarda

ham baralla ovozga ega ekanligini ko'rsatib turuvchi unsurlardan biridir. Keyingi davrda o'zbek prozasida qahramonning ichki olamini o'rganish, insonning beqaror ruhi qonuniyatlarini kashf etish, insonning dil to'ri qatlariga sayohat qilish, inson tutumi, xatti-harakatini boshqarib turuvchi uning turli ruhiy qirralarini ochish orqali tipik badiiy xarakter yaratish asosiy tamoyillardan biriga aylanib bormoqda.

Asar qahramonlari nutqini alohida olib tahlil etadigan bo'lsak, Nazar Yaxshiboyevning deyarli har bir gapi tagma'nodan xoli bo'lmaganini ko'ramiz. Xoh u shogirdiga bo'lsin, xoh "sun'iy yo'ldoshi"lari bo'lgan palatadagi be'morlar bo'lsin, har biriga nisbatan qo'llagan nutqlarida bu kabi vositlardan unumli foydalangan va bular Nazar Yaxshiboyevning badiiy portretini o'quvchi ko'z o'ngida gavdalantirishda, qahramon xarakterini yaratishda muhim rol o'ynagan.

Ta'kidlash lozimki, "Yaxshiboyev ham, Oshno ham o'z davriga oshkora qarshi kurashgan bo'lganlarida ham, ayni vaziyatdagidek ezgulikka xizmat qilisholmasdi. «Faust» asarida shunday satrlar bor: «Qiyofam yovuzlik, faoliyatim ezgulik». Shunisi aniqki, «Lolazor» romani ayrim kishilar va ularning hayot yo'llari haqidagi emas, XX asrning ijtimoiy harakati, ijtimoiy faoliyati haqidagi asar desak adashmagan bo'lamiz. Nima bo'lganda ham, roman o'tgan asrning yirik romani – yirik tadqiqotlarga, bahs-munozaralarga asos bo'ladigan asar"[5,11].

Jamiyat hamisha kurashib keladigan barcha insoniy illatlar inson ruhiy dunyosining o'ta murakkab va serqirraligini ko'rsatadi. Insonning faoliyati, qilmishlari – barchasi oxir-oqibatda uning ruhiy dunyosiga, hayotiy pozitsiyasiga bog'liqdir.

Jamiyat hamisha kurashib keladigan barcha insoniy illatlar inson ruhiy dunyosining o'ta murakkab va serqirraligini ko'rsatadi. Insonning tutumi, qilmishlari – barchasi oxir-oqibatda uning ruhiy dunyosiga, hayotiy pozitsiyasiga bog'liqdir. Demak, o'z xatti harakatini har kim o'z qarichi bilan o'Ichaydi, birovga yaxshilik tuyulgan narsa birovga yomonlik, birovga to'g'ri narsa o'zgaga noto'g'ri tuyulishi, birov yoqtirganini boshqa birov yoqtirmasligi tabiiy.

Yozuvchi asarlarida betakror badiiy xarakterlar talqini o'z ifodasini topgan. Bu esa Murod Muhammad Do'st asarlaridagi shaxs kechinmalari talqini bejizga yuzaga chiqmaganligidan dalolat beradi. "Badiiy asarda ozmi-ko'pmi tafsilot bilan tasvir etilgan personaj obraz yoki xarakter deb ataladi. Xarakter (obraz) – insonning tipiklashtirilgan va individuallashtirilgan tasviri. Xarakter kishilarning ma'lum toifasiga xos xususiyatlarni ma'lum davrga, muhitga, kasbga, yoshga, jinsga mansub kishilarning sifatlarini yorqinlik bilan ifoda etadi. Xarakterda yozuvchining kishilarga va hayotga munosabati, hayotiy hodisalarga bergan estetik bahosi yaqqol ko'rinadi. Xarakter muallif estetik idealini tashuvchidir. Xarakterlar muayyan psixologik sharoitda harakat etish natijasida namoyon bo'ladi va shakllanadilar"[6,103-104].

Xullas, «Lolazor» romanining o'ziyoq yoki asarda yozuvchining so'z qo'llash mahorati, so'zlarning yashirin ma'nosidan badiiy topilmalar yarata olishi Murod Muhammad Do'stni o'zbek romanchiligida o'ziga xos yo'nalishga ega ekanligini, ong oqimi uslubiga mansub yangicha asar yaratgan, milliy prozimizga yangi uslub, ohang, ruh olib kirgan adib sifatida e'tirof etishga to'liq asos bo'ladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Тошкент, 2004
2. Жўраев Т. Онг оқими Модерн. Фарғона, 2009
3. Мурод Муҳаммад Дўст "Лолазор", Тошкент, 1998
4. Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. Тошкент, 2014
5. Nazar Eshonqul. Otdan tushmagan yozuvchi. <https://n.ziyouz.com>
6. Назар Эшонкул. Ижод фалсафаси (Мендан менгача-2) – Тошкент: Академнашр, 2005
7. Шарафитдинов О. Гўзаллик излаб. Тошкент, 1985
8. Sulton I. Adabiyot nazariyasi. – Toshkent: O'qituvchi, 2005

UO'K 808.5

XURSHID DO'STMUHAMMAD HIKOYALARIDA USLUB JILOLARI

F.I. Qurbonova, magistrant, Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti Qarshi filiali, Qarshi

Annotatsiya. Xurshid Do'stmuhammad bugungi o'zbek badiiy prozasini yangi shakliy-uslubiy va tasviriy izlanishlari bilan boyitayotgan yozuvchilarimizdan. U Dostoyevskiy, L.Tolstoy, Kafka, Edgar Po ijodlarini chuqur o'rgandi.

Kalit so'zlar: Rostgo'ylik adolatparvarlik dangallik kabi xususiyatlar.

Аннотация. *Хуршид Достмухаммад - один из наших писателей, который обогащает современную узбекскую прозу новыми формально-методологическими и живописными исследованиями. Он изучал произведения Достоевского, Л. Толстого, Кафки, Эдгара По.*

Ключевые слова: *честность, справедливость, лень.*

Abstract. *Khurshid Dostmuhammad is one of our writers who enriches modern Uzbek prose with new formal-methodological and pictorial researches. He studied the works of Dostoevsky, L. Tolstoy, Kafka, Edgar Poe.*

Key words: *Honesty, fairness, laziness.*

O'zbek badiiy nasri keyingi yillarda hayotiy mavzular, ijodiy uslub rang-barangligi, ruhiy va falsafiy tahlil. Xarakterlar talqini borasida jiddiy yangilanishlar, o'zgarishlarni kechirdi. Adabiy tanqidchilikdagi nazariy mulohazalarda an'anaviy proza va modern adabiyot degan tushunchalar tez-tez tilga olinmoqda. Xususan, G'arb adabiyotidagi simvolizm va syurrealizm kabi adabiy oqimlarga, Frans Kafka, Alber Kamyu, Jan-Pol Sartr, Luis Borxes, Jeyms Joyslarga ergashgan o'zbek adiblarining asarlari modern prozaga aloqador deb baholanmoqda. Xurshid Do'stmuhammad bugungi o'zbek badiiy prozasini yangi shakliy–uslubiy va tasviriy izlanishlari bilan boyitayotgan yozuvchilarimizdan. U Dostoyevskiy, L.Tolstoy, Kafka, Edgar Po ijodlarini chuqur o'rgandi.

Buyuk so'z ustalari ijodini o'rganish ularning asarlarini ona tiliga tarjima qilish har bir yozuvchi uchun haqiqiy ijod maktabidir.

Erkin Vohidov Olmon dahosi V.Gyotening “Faust”ini, Abdulla Oripov Italyan dahosi Dantening “Ilohiy komediya”sini, O'tkir Hoshimov Avstraliyalik adib jahon novellachiligining ustalaridan biri Stefan Sveyg hikoyalarini o'zbek tiliga tarjima qilish jarayonida ham adabiy ma'naviy ruhiy olamini boyitdilar ham bu ajoyib asarlarni o'zbek xalqining ma'naviy mulkiga aylantirdilar.

Xurshid Do'stmuhammad o'z hikoyalarining saylanma nashrida ularni yozilgan davri va badiiy uslubiy yo'nalishi bo'yicha sakkiz qismga bo'lgan. Bu esa kitobxon uchun mutolaa va yozuvchi ijodiy uslubini tushunishga ancha qo'l kelgan. Xususan, “Bizni o'ylantirgan bolalik” nomli birinchi qismidagi, “Onam, jiyanim, men”, “Ko'chish”, “Hasharchilar”, “Alam” hikoyalarida bolalikning beg'ubor murg'ak qalbidagi taassurotlari orqali kitobxon ko'z o'ngida Toshkent zilzilasi yillaridagi o'zbek oilalarining turmush tarzi, tabiatdagi fojia sababli ota-bobolari yashagan qadrdon hovli joylari buzilib, ko'p qavatli uylarga ko'chish jarayoni gavdalanadi. Kitob boshlanishidagi muallif va muharrir suhbatlari Xurshid Do'stmuhammad o'z hikoyalarining syujet tuzilishi ifoda tarzi tasvir xillari haqida to'xtalar ekan, yozuvchining yangi ijodiy izlanishlari haqida quyidagilarni bayon qiladi. “Millatning mentalitetidagi sifatiy o'zgarishlar sezilishi juda qiyin bo'lganidek yozuvchining uslubiy yangilanishi ham og'ir kechadi. Bir umr o'zining har xil usdubidan voz kecholmagan uning iskanjasidan qutila olmagan va shuni to'g'ri va maqul deb hisoblagan yozuvchi-shoirlar bor. Shaxsan mening qarashlarim sal o'zgacharoq ya'ni uslub o'zgarmasa dunyoqarash hayot murakkabliklarini badiiy idrok va ifoda etish yo'sinlari o'zgarmasa shu yo'lda turfa tajribalarga qo'l urmasa bunday yozuvchi nafaqat milliy adabiyotda loaqal o'z ijodida ham biror yangilik yaratish amrimahol”.

Bu juda haqqoniy fikr Abdurauf Fitrat “Adabiyot qoidari” asarida uslubsiz shoirlar iste'dodsiz bo'ladi deb, bu masalani oson va ravshan tushuntirgan edi. Chunki chinakam iste'dod egasi o'zining har bir asarida qalbi koinotdek bepoyon bo'lgan inson va uning hayotini tasvirlashda xilma-xil shakl hamda bayon usullarini izlaydi. Aynan ana shunday ijod namunasini yozuvchi hikoyalari ko'rsatib turibdi, bolalik chog'lar haqidagi hikoyalardan tortib. “Mahzuna”, “Jimjitxonaga yo'l”, “Jajman” kabi mustaqillik davri o'zbek hikoyachiligini taraqqiyot tamoyillarini o'zida mujassam etgan asarlar muallifining tinimsiz ijodiy izlanishda ekanini ko'rsatadi. Yozuvchining o'zi iqror etishicha har bir hikoya uning uchun yangi ijodiy kayfiyat, voqealikka o'zgacha ijro etishga harakat qilgan.

Uning hikoyalariga xos asosiy fazilat ham unda muallif ijodiy uslubining rang-barangligidadir. Yozuvchining “Oq libos”, “Qazo bo'lgan namoz”, “To'xtaboyning boyliklari” hikoyalari bir xil ya'ni an'anaviy realistik uslubda yozilgan. Bu hikoyalarning badiiy quvvati xalqimiz boshigi og'ir kunlar tushgan yillarda eng oldi odamlarimiz Mirkomilboy, To'xtaboyni xor-zorlikda o'lishga mahkum etilganini tasvirlash orqali bu fojining sabablari unitmaslik istiqloq bergan erkinlik to'fayli yangi o'zbek boylari xorlikdan qutilganini anglatishi bilan xarakterlar va holatlarning realistik tasviri bilan

qimmatlidir. “Oq libos” da Toshkent hokimi Yunusxo‘janing aqligi, o‘g‘lining nodonligi yuz bergan fojeada begonalar emas, mahalliy beklarning o‘zi aybdorligi haqqoniy ko‘rsatilgan.

Andijonlik Mirkomilboy taqdir haqidagi “Qazo bo‘lgan namoz” hikoyasida mazmun va g‘oya salmog‘i jihatidan bir romanlik yuk mavjud. Aslida bu tarixiy shaxs bir hikoya doirasiga sig‘maydi. Hikoyada chorizm mustamlakachilari xukumatning mahalliy mulkdorlar sinfini ravnaq toptirmaslik uning boyliklaridan foydalanish kerak, lekin ularning o‘z xalqiga yaxshilik qilishiga milliy ishchilar mutaxassislar yetishib chiqishiga tusqinlik qilish siyosati qahramonning chorizm mustamlakachilari jur‘at qilmagan, yoki munosib ko‘rmagan qotillik Mirkomilboy kabi yetakchi yetakchi boylarning mol mulklarini tortib olib musodara qilib o‘zlarini qatl etishni, sho‘rolar xukumati amalga oshirdi. Hikoyada Mirkomilboy fojiasida dushmanlar bilan bir qatorda xalqimiz ichidagi sotqinlar xoinlarning ham qo‘li borligi haqqoniy ko‘rsatilgan.

Xurshid Do‘stmuhammadning “Qazo bo‘lgan namoz” hikoyasida sof realistik uslub ustivor. Hikoyada real tarixiy obrazlar, tarixiy voqealar, real tarixiy milliy xarakterlarga yaratilgan. Yozuvchining ushbu hikoyasi mustamlakachilik voqealarining tasvirlash jihatidan N.Eshonqulning “Istilo” hikoyasiga yaqin, biroq istiloda muallif tarixiy voqealar timsoli obrazlarda ifodalaydi. Qahramon xarakterdagi o‘zgarishlarni badiiy psixologik tahlil qilish orqali ochadi.

X.Do‘stmuhammad asarida millat va mustamlakachilarga mansub bir necha obrazlar ishtirok etadi. Shu yo‘l bilan milliy xarakterning ko‘plab qirralari ochiladi.

“Istilo” qahramoni Mirzakomilboy kabi ham doimiy ta‘qib ostida. Biroq bu ta‘qib “Istilo”dagi singari ochiq emas. Shu bilan birga ikkiyoqlama. Bir tomondan, uni chor mustamlakachi amaldorlar turli yo‘llar bilan ta‘qib etadilar. Yozuvchi talqinida umummilliy xarakterga xos salbiy jihatlar Mirkomilboy shaxsini shu bilan birga millatning o‘zligini yemiradigan katta xavf.

Mirkomilboy tabiatan o‘ta rostgo‘y odam. Shu bois ham “u jini suygan ham, suymagan ham dilidagini ayamay aytadi”. Uning xarakteridagi rostgo‘ylik bilan birga soddalik ham bor. Muallif Mirkomilboydagi bu xususiyatni shunday tasvirlaydi: “Surishtirib kelganda Mirkomilboy kimdan nimani sir tutgan o‘zi!.. quv yoki makkor bo‘lganida rahmatli otasining Makkai va Madinada takya qurdirish niyatida o‘ttiz ming tillo vasiyat qildirib qoldirganini, uezd hokimiga aytarmidi?! Soyasidan cho‘chisa hatto o‘zi pushti kamaridan bo‘lgan o‘g‘il-qizlaridan hadik-xavotirda yashasa yetti yot begona uning ustiga g‘ayridin Iskandarning (1901-1911 Orskdan kelib Mirkomilboyga gumashtalik Aleksandr Timofeyev muallif izohi) o‘ziga gumashta qilib olarmidi?!” Mirkomilboy xarakteridagi yana bir o‘ziga xoslik uning adolatparvarligida ko‘rinadi. U to‘g‘rilik adolat yo‘lida o‘zining miskin millatdoshini ham ayamaydi. Ko‘sak o‘g‘irlab kelayotgan ishchini ayamay tarsakilab yuboradi. Yaqin maslahatgo‘yi Yoqubxo‘janing e‘tiroziga javoban “Jo‘jabirday jon bo‘lsa oilasini o‘g‘irlik orqasidan boqqani ma‘qulmi?!” deydi. Mirkomilboyning tavsiyasi bilan qozilik lavozimiga ega bo‘lgan Temirhoji unga hadya sifatida zarbop to‘n keltirganida, “Hushomadni bandaga emas. Xudoga qilinglar!” deya keskin gapiradi. Yoqubxo‘ja aytmoqchi: “To‘g‘ri gapni gapiraman deb dushman orttiradi”. Haqiqatda bunday fe‘l-atvordan Mirkomilboyning o‘zi ham ba‘zan ruhiy ba‘zan zohiriy iztirob chekadi. Lekin uning xulosasi shunday “Tabiatdagi kajbaxslikdan qutilish fursati jon chiqar vaqtiga qoldi. Rostgo‘ylik adolatparvarlik dangallik kabi xususiyatlar har qanday zamonda har qanday jamiyatda har odamlar tomonidan ijobiy qabul qilinavermagan. Aksincha, oqsuyaklar, mansabdorlar sarmoyadorlar davrasida maanfat har qanday haq so‘zdan ustun turgan. Yoqubxo‘janing “Dushman orttirish” haqidagi bashorati Mirkomilboy yashayotgan jamiyatda qisqa ham lo‘nda tavsifnoma. Mirkomilboy hayotining fojeali tugashiga nozik ishora. Muallif Mirkomilboy xarakteriga xos ushbu jihatlarni tasvirlab kelib keyin uning qanday buyuk maqsad sari intilayotgani haqida so‘z yuritadi.

Mirkomilboy yurtdoshlari orasida eng katta sarmoyador. Shu bilan birga qo‘li ochiq. O‘ris mustamlakachilarining nima maqsadda kelishganini, ahvol shunday bo‘laversa o‘zbekni kelajakda qanday fojealar kutayotganini juda yaxshi biladi. Imkon qadar yangi zamon shiddatidan ortda qolmaslikka millatdoshlarini ham shunday ogohlantirishga imkon qadar ularga yordam berishga intiladi. Asar boshida tabiatan sodda deb tariflangan Mirkomilboy istilochilar bilan munosabatda o‘z tabiatiga zid bo‘lgan . O‘ris amaldorlariga quvlik qiladi.

Mirkomilboyning yurtdoshlari ichida birinchi bo'lib, zavod qurishga bel bog'laydi. Kasalxona, masjid, hammom ochmoqchi bo'ladi. Bu harakati ostida ham millat manfaati turadi. Ya'ni "hamyurtlari joniga oro kirish o'ris iztibdodidan himoyalash" boyning asl maqsadi. Ayniqsa, mardikor voqeasiga munosabatda Mirkomilboyning millatparvarlik qiyofasi yorqin nomoyon bo'ladi.

Yuqorida keltirilgan voqealarning barchasi hikoyada boyning xotirasi tarzida beriladi. Shu yo'l bilan yana bir xarakterli xususiyat aniqrog'i millat fojiasini sababi ochiladi. Mirkomilboyning butun faoliyati millatdoshlarining manfaatiga qaratilgan u o'z millatining boylariga qarz beradi. Kambag'allari uchun zavod, hammom, kasalxona quradi. Chor xukumati tomonidan mardikorga olinadigan o'zbek yigitlarini olib qolish uchun bor dunyosini tukib soladi. Biroq shuncha xizmatlari evaziga millatdoshlaridan faqat tanai dashnomlar g'iybatu yo'qotishlar oladi xolos. Ubaydulla junfurushning uyida berilgan ziyofat tasvirida g'iybatning psixologik qiyofasi chiziladi. Zohiran qaralganda ziyofatga yig'ilgan G'ofirjon, Hoshimboy, Nig'matbeklar Mirkomilboyning hurmat qilishlari kirib kelganda katta hurmat-e'tibor ko'rsatishadi. Ammo hikoya muallifi ularning fasodlariga to'la ichki dunyosini yuksak mahorat bilan ko'rsatadiki natijada Mirkomilboy shaxsiyatiga fojeali ulug'vorlik yaqqol nomoyon bo'ladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Normatov U. Umidbaxsh tamoyillari- T: Ma'naviyat, 2000. 112 bet
2. Normatov U. Nafosat guruhlar. T: muharrir, 2010- 390 bet
3. Pardayeva Z. Badiiy estetik tafakkur rivoji va o'zbek romanchiligi. -T: Yangi asr avlodi, 2012 – 100bet
4. Sattorova G Milliy xarakter va badiiy talqini T. Fan 2007
5. Sodiq S. Roman va tanqid- T: Fan, 2008 – 120 bet
6. Solichkonov Y. Haqiqatning sinchkov ko'zlari. -T: 2009 – 226 bet
7. To'rayev D. Davr va ijod ma'sul matn –T: Yangi asr avlodi, 2014 – 229 b
8. To'rayev D. Yangi o'zbek adabiyoti. - T: Fan, 2008- 192 bet
9. To'rayev D. Poetik g'oya va ruhiy tahlil. "O'zAS", 2012, 25 may

UDK 81-13

COGNITIVE LINGUISTICS IN THE SYSTEM OF SCIENCES

N.K. Sabirova, teacher, Tashkent architecture-construction Institute, Tashkent

Annotatsiya. Maqolada zamonaviy tilshunoslikning eng muhim yutuqlari yangi paradigmadagi o'rganilgan, chet tili darslarining bilim faoliyati pedagogika oliy o'quv yurtlaridagi talabalarning ishtiroki nuqtai nazardan kelib chiqadi.

Kalit so'zlar: tilshunoslik, til, filolog, bilim fani, fan, chet tillari, kontseptsiyasi, talaba.

Аннотация. Этом статье рассматривается важнейшее достижение современной лингвистики и он предстает в новой парадигме с позиции его участия в познавательной деятельности уроках иностранных языков, студентов в педагогическом вузах.

Ключевые слова: лингвистика, язык, филолог, когнитология, наука, иностранные языки, концепт, студент.

Abstract. This article considers the most important achievement of modern linguistics and appears in the new paradigm from the standpoint of his participation in the cognitive activity of foreign language lessons, students in pedagogical universities.

Keywords: linguistics, language, philologist, cognitive science, science, foreign languages, concept, student.

Cognitive - is a trend in science, the object of study of which is the human mind, thinking, and those mental processes and states that are associated with them. This is the science of knowledge and knowledge, of the perception of the world in the process of human activity. The processes associated with knowledge and information is called cognitive or cognitive. Their synonyms are also the words "intellectual", "mental" and "rational"[1].

The symbolic meaning of the word “head” in many phraseological units is associated with the meaning of the words “mind”, “brain, wit”: *have a head like a sieve, have a good/bad head for something, dough-head, losing your head, keep a cool head, an old/wise head on young shoulders, have windmills in (one's) head, to have wheels in one's head, To keep one's head*, etc. (over 40% of all phraseological units).

This is also proved by the fact that many of these phraseological units are based on the word head as a variant.

Interesting in this regard is the new meaning of the phraseological unit *a fresh head*, however, has a professional character. This phraseological unit has existed for a long time with the meaning of “a person after a rest, not yet tired.” Among journalists, an expression was born that calls a person using the word “head” with a slightly different meaning, i.e. having a new look at the existing state of affairs, characterized by originality of thoughts and judgments:

“I'm too tired now, I can't even understand a thing I'm reading. Better take a look at it tomorrow, on/with a fresh/clear head.” [5].

The spatial position of the head is played out in phraseology: *you cannot jump above your head, put from head to feet, walk on your head, hang over your head, from head to toe*, etc.

The word “head” is also associated with phraseological units, denoting **a threat to a person** (*give (one's) head for the washing, stroke the heads of those*), **his mental state** (*bury your head in the sand, keep your head down, banging/hitting your head against a brick wall*), **absorbing in thoughts** (*have your head in the clouds*), etc.

The second group of phraseological units, representing the mental abilities of a person, is associated with the core words **fool** (*a blooming fool, a fool in grain*), **mind, brain, memory** (*bear in mind, (have a) brain/memory like a sieve, have (something) on the brain, it slipped my mind*).

To the third group, we attributed phraseological units in which the core words characterizing the intellectual abilities of a person are the names of:

- a) animals (fox, donkey, snake, hare, dog, sheep, elephant, lizard) , insects (beetle, bug) and birds (owl, coot, hawk, cuckoo);
- b) plants (a bean, a banana, nut);
- c) products and their waste (fruitcake, eggs, grain, needle, wheel, button, marble);
- d) artifacts (marble, loaf, board, penny, Aleck, bone, rope, ABC, beer, crumpet);
- e) natural phenomena (fog, cloud, rain, water, light, bright);
- f) mathematical and geographical notions (two, second, ten, Nebraska, Dutch);

- g) historical names (Sherlock, Charlie, Daniel, Tom, Dick);
- h) Bible names (Adam).

Among the listed phraseological units, synonymous phraseological units prevail (*a wooden head, a banana head, a hard head*); but there were also phraseological units-antonyms (*have a head - have a bad/no head for something, have a quick wit – have a slow/short wit*).

According to semantic fusion in this group of phraseological units, phraseological unity and phraseological combinations prevail, there are phraseological fusions and phraseological expressions.

In terms of composition, two-component ones predominate, three-component and even more so four-component phraseological units are less common. Phraseological units with the word "head" are mainly two-component (although there are also three- and even multicomponent), verbal (nominal ones occupy a third of all phraseological units); marked (isolated cases) phraseological units used in a frozen form, so almost all are phrases or unities; fusions and expressions are rarely used here.

Basically, the phraseological units characterizing the mental abilities of a person are stylistically neutral, although there are many colloquial and colloquial -vernacular expressions (about 70), including with additional marks as *irony, Joking, Neglecting, Disapproving* and etc.

Book (including from mythology) phraseological units are rare: *not know someone from Adam, a proper Charley, thick as shit Tom-fool, wisdom is the wealth of the wise, addle one's brain with sth, a depository of learning*.

The mental abilities and business qualities of a person are also judged by his behavior (more often verbal). This is reflected in the following phraseological units: *get under somebody's skin, read between the lines, read somebody's mind, see with half an eye, jack-of-all-trades, a beggar knows his dish, teach an old dog new trick, know the ropes, a keen/quick eye, a walking dictionary, a clear head, be a man/woman of the world*, etc.

Basically, the named phraseological units are verbal two-component phrases, although there are also three- and multicomponent expressions. They have a predominantly conversational tone, with a joking, ironic or disapproving connotation.

In conclusion, phraseologisms characterizing a person's mental abilities, mostly figurative, are used in a figurative sense, based on a hidden (or explicit) comparison. First of all, the mental abilities of a person are characterized, associated with his head, mind, brain, the ability to see, in general with himself and even his appearance, as well as with the position (or occupation) occupied by him. A person is often compared to a bird or animal, *solemn as an owl, (as) stupid as a donkey, (as) silly as a goose/as a sheep, have a memory like an elephant*). Of the body parts in phraseological units, first of all, the head, finger, brains are characterized; from parts of the human face eyes, nose, teeth and mouth. Among the analyzed phraseological units, the most two-component, verbal and nominal ones were noted. In terms of stylistic coloring, common and colloquial phraseological units prevail (less vernacular, bookish ones are recorded in isolated cases). At the same time, phraseological units with labels colloquial, simple, ironic, joking, disapproving most of all it was found in the group characterizing a person with a low intellectual level (book phraseological units are also recorded here), and least of all in the group that indirectly characterizes the mental abilities of a person.

REFERENCES:

1. A.L.Yusupov. Inglizcha- O'zbekcha Idiomalar Lug'ati. – Toshkent. - Yangi asr avlodi» 2014
2. Jessica Berggren. (2018) Embodiment in Proverbs: Representation of the eye(s) in English, Swedish, and Japanese. Retrived from <https://www.diva-portal.org/smash/get/diva2:1482783/FULLTEXT01.pdf>
3. Koonin A.V. English-Russian phraseological dictionary. M.: Ruskiy yazik, 1984. 944 p
4. Yu, N. (2014). Embodiment, Culture, and Language. In F. Sharifian (Ed), The Routledge Handbook of Language and Culture. Abingdon, Great Britain: Routledge.
5. <https://forum.wordreference.com/threads/on-with-a-fresh-clear-head.3189589>
6. <https://www.merriam-webster.com/dictionary/head>

LEKSIK-DERIVATSION DIALEKTAL SO'ZLARNING "ALPOMISH" DOSTONIDA QO'LLANILISHI

X.Xaitov, mustaqil tadqiqotchi, Halima Xudoyberdiyeva ijod maktabi o'qituvchisi

Annotatsiya. Mazkur maqolada "Alpomish" dostoni leksikasidagi leksik-derivatsion dialektal so'zlarning qo'llanilishiga oid fikr-mulohazalar bayoni keltirilgan. Doston matnida uchragan leksik-derivatsion dialektal so'zlar ajratib olinib, har biriga batafsil tavsif berilgan. Shuningdek, doston matnidagi leksik-derivatsion dialektal so'zlar dialektizmning bir turi sifatida ilmiy-nazariy yondashuv asosida tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: "Alpomish" dostoni leksikasi, dialektologiya sohasi, leksik-derivatsion dialektal so'z, derivatsiya, affiksial so'z yasalishi, kompozitsion usul, old qo'shimcha, "Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati" B.To'uchiboyev, A.Hojiyev, X.Doniyorov.

Аннотация. В этой статье дается отзыв об использовании лексико-производных диалектных слов в лексике эпоса «Алпомыш». Лексико-словообразовательные диалектные слова, встречающиеся в тексте эпоса, выделены и каждое из них подробно описано. Лексико-словообразовательные диалектные слова в тексте эпоса также анализируются на основе научно-теоретического подхода как разновидность диалектики.

Ключевые слова: Словарь эпоса «Алпомыш», область диалектологии, лексико-словообразовательное диалектное слово, словообразование, аффиксальное словообразование, композиционный метод, приставка, «Толковый словарь лингвистических терминов» Б.Туйчибаев, А.Ходжиев, Х.Дониёров.

Abstract. This article provides a review of the use of lexico-derived dialect words in the vocabulary of the epic "Alpomish". Lexico-derivational dialect words found in the text of the epic are highlighted and each of them is described in detail. Lexico-derivational dialectal words in the text of the epic are also analyzed on the basis of a scientific-theoretical approach as a kind of dialectics.

Key words: Dictionary of the epic "Alpomish", the area of dialectology, lexico-derivational dialect word, word formation, affix word formation, compositional method, prefix, "Explanatory dictionary of linguistic terms" B. Tuychibaev, A. Khodzhiyev, H. Doniyorov.

Kirish. O'zbek shevashunosligi sohasi keng qamrovga ega. Ushbu sohani har jihatdan o'rganilishi shevalar, dialektlarning tadqiq qilinishi ularning tarkibida dialektizmlarning bir necha turi borligini ko'rsatdi. "Dialektizmlar. Biror dialektga xos bo'lgan til birliklari. Dialektizmlar so'z, ibora yoki boshqa birliklar bo'lishi mumkin. Mas., jaman (yomon), choch (soch) — fonetik dialektizm; patinjon (pomidor), bolish (yosti) — leksik dialektizmlar; ko'chaga ko'rdim (ko'chada ko'rdim) — grammatik dialektizm va h". [1, 36] Mazkur dialektizmlar qatorida leksik-derivatsion dialektal so'zlarni ham ko'rish mumkin. Chunki dialektlarda yasalish hodisasi mavjud bo'lib, leksik-derivatsion dialektal so'zlar eng ko'p uchraydigan dialektizmlardan biridir.

Mavzuning dolzarbligi bva hozirgi holati. "Derivatsiya (lot. Derivation, — yasalish) — ayn. Affiksial so'z yasalishi" [1, 34] tushunchasi faqat adabiy tilga xos emas. Xususan, dialektologik matn hisoblangan folklor asarlaridagi bunday dialektizmlarga e'tibor qaratish talab etiladi.

Leksik-derivatsion dialektal so'zlar – adabiy tilda yoki shevalarda mavjud bo'lgan xilma-xil so'z yasovchi affikslar shevalardagi so'zlarga yoki adabiy til va shevalar uchun mushtarak so'zlarga qo'shilishi natijasida yuzaga keladi. "Alpomish" dostoni matnida dialektizmlarning boshqa turlari qatori leksik-derivatsion dialektal so'zlar ham ko'p uchraydi.

Bul so'zlarni aytdi unga boybicha,

Quloq sop eshitib Barchin oyimcha,

O'rlashma, deb ora tushdi bir necha. [2, 44]

Mazkur misralar tarkibida qo'llanilgan **o'rlashma** dialektizmining asosi **o'r** so'f dialektal so'ziga **-lash** dialektal so'z yasovchi qo'shimcha qo'shilishi leksik-derivatsion dialektal so'zni hosil qilgan. **O'rlashma** leksik-derivatsion dialektizmi o'rnida adabiy tilda **tortishma** so'zi ishlatiladi.

Bu so'zni eshitib, o'n olti urug' Qo'ng'iro't elida payga betdan turib bir chapanitob boybachchasi aytdi. [2, 12] Gapda kelayotgan *chapanitob* so'zi leksik-derivatsion dialektizmdir. Chapani-tob kompozitsion usuli orqali yasalgan. Shevada chapani alohida hamda tob alohida ishlatilishi mumkin.

Ko'hnargan dardlarim yangirar

Otam deb gapirma, sag'ir Yodgor. [2, 340]

Berilgan satrda ko'hnargan "O'zbek tilining izohli lug'ati"dagi izohga qaraymiz: "Ko'hna [f-t] 1. Uzoq o'tmishdan davom etib kelayotgan; qadimiy. Ko'hna qardoshlik munosbatlari. Ko'hna odat. 2. Eskirib puturdan ketgan; eski. Arava ham ko'hna, yamoq-yasoq g'ildirak ""Ko'hna eski. Yorug' chiqib turgan yerga bordi. Borsa. bir ko'hna mozorot ekan".[3]

Ultontozning qiynovida o'layin,

Har na bo'lsam, jonim bobo bo'layin,

O'lganimcha to'yni buzib ko'rayin,

Gar qo'limdan kelsa, o'rlab turayin. [2, 342]

Bu misralarda **qiynov**, **o'rlab** dialektal birliklari qo'llanilgan. Qiynov adabiy holatda qiynoqdir. O'r – asos, -la – fe'l yasovchi qo'shimcha, -b – payt ravishdoshi. "Alpomish" dostonining izohli lug'ati"dagi izoh: "O'rlashmoq – o'jarlik qilmoq, gap talashmoq, bahslashmoq, gap bilan o'rishishmoq, qiyqirishmoq"dir. [4, 127]

Tur yo'qol, singilg'ar, endi uyga bor,

Ulton shohim bilsa, seni o'ldirar. [2, 352]

Matndagi **singilg'ar** so'zi dialektal xususiyatga ega. Dostonda juda ko'p ishlatilgan. Adabiy tilda singil ko'rinishda qo'llaniladi, biroq **singilg'ar** tarzida emas. "O'zbek tilining izohli lug'ati"da esa quyidagi izohni o'qiyamiz; "G'ar [f-t] suyuqoyoq xotin, buzuq xotin, fohisha. G'ar bo'l, o'g'ri bo'l – insofli bo'l. Maqol. Hoji xola xuddi shu do'konda ishlanib, tayyorlanib chiqqan g'ar edi. (M.Ismoilij. "Farg'ona tong otguncha". [3, 652]

"Qultoy": – Men sizlarga burungi kuchimni aytay, Alpomishning Alpinbiy bobosidan qolgan, o'n to'rt botmon birichdan bo'lgan (yoyi bor edi). [2, 358]

Gapdagi burungi dialektizmining asosi burun. Bu oldin, ilgari avval ma'nosini ifodalaydi. Adabiy tildagi tana a'zosi bo'lgan burun so'zi emas. –gi sifat yasovchi qo'shimcha bo'lib, burun – ravishdan makon-zamonga xos dialektal sifat yasalgan. Bu birlikka nisbatan leksik-derivatsion dialektizm deyishimiz mumkin bo'ladi. N.Nazarovning "Laqaylar: ba'zi so'zlar va iboralarning dialektologik mazmuni" kitobidagi izohga qaraymiz. "Buring'i – ilgarigi, oldingi. Burung'ilarning ustaxoni polat boladi ekan atam toxsonga kirip jangaxti tishimen chaqqichedi, men ellik barmay tishim togildi". [5, 29]

"Sening otangidi Qo'ng'iro't to'rasi,

G'arib bo'lgan qadrdonim bolasi,

Shu yerlar otangning maylisxonasi". [2, 363]

Misra tarkibida kelayotgan **maylisxona** birligiga dialektizm deb qarash o'ringli. Bu so'z tarkibidagi y tovushi o'rnida [j] tovushi bo'lishi odatdagi adabiy me'yor. Biroq dialektal xususiyatni ayni [y] tovushi yuzaga keltirgan. Dialektizmning tarkibida maylis – asos, –xona so'z yasovchi qo'shimcha sifatida leksik-derivatsion birlikni hoisil qilgan.

Ilgari Alpomishning bor vaqtida qovun qo'rib, qo'chqor boqib, har yerda uxlab qolib, tilini alahaqqa cho'qib, soqovtob bo'lib qolgan edi. [2, 367]

Soqovtob – gapirolmaydigan ma'nosida ishlatilgan. "Alpomish" dostonining izohli lug'ati"da bu so'zning izohini uchratmadik. "O'zbek tilining izohli lug'ati"da izohi berilgan. "Soqov 1 Tilsiz, gung, gungalak. Tug'ma soqov. Kar va soqov".[3, 73] Matnda soqov so'ziga tob so'zi qo'shib qo'llanilganligi dialektal xususiyat kasb etgan, bizningcha. Bu so'zga esa [f t] 1 kishi organizmining norma holati. –Ota, tobingiz joyidami? – deb so'radi yigit tashvishlanib. M.Ismoilij. "Farg'ona tong otguncha". [1, 193]

Jiyin bo'lay qilgan to'yi

Xabaychiydi duvogo'yi,

Biznikiga qolmay to'yi. [2, 368]

Misra tarkibidan o‘rin egallagan jiyin so‘zi ham dialektal birlikdir. Adabiy til varianti sifatida yig‘in deb aytish mumkin. Bunda asos yig‘moq fe‘li, jiyimoq ko‘rinishda ham ishlatiladi. Jiy-in – leksik-derivatsion dialektizm.

Bulay-ulay *koyish qilayin desa, Barchinning zehni koyib turibdi, kelin bo‘lar degan umid bilan bo‘lakdan chiroq yoqib, sozigarchilik qo‘ldan ketmasin, deb:* [2, 371]

Bulay-ulay juft olmoshlari **nomiga** ma‘nosini ifodalab kelgan. Bizningcha, bul-ul asosga –ay so‘z yasovchi qo‘shimchalari qo‘shilgan. Bu esa leksik-derivatsion dialektizmning namunasi. Ba‘zan **ulay-bulay** tarzida ham faol ishlatiladi. Qolaversa, “Zomin til qomusi”da bilay-bilay tarzida uchraydi: “Bilay-bilay – biloy-biloy. Qo‘l uchida. Ishti bilay-bilay qip qoyag‘ayipti”. [6, 349]

Boybo‘riman bul Boysari o‘rlashib,

Adadsiz molini haydab boradi,

Fuqaroning ekinini talashib. [2, 27]

Birinchi qatorda kelayotgan o‘rlashib birligi leksik-derivatsion dialektal so‘z. o‘r – lash ko‘rinishida yasalgan. Asos qism o‘r – o‘jar, qaysar ma‘nosini bildiradi. O‘rlashmoq – tortishmoq, o‘jarlik qilish ma‘nosida kelgan.

Bobo, bejoy bildim qilgan ishingni,

Sen eshitgin yig‘lagan nolishimni. [2, 339]

Misrada kelgan bejoy so‘zi “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”da “[f-t]” 1 joyi yo‘q, makonsiz. 2 dial. ayn. bejo. Podshoning otiga bejoy minibsiz, jondan ajab ishni qilibsiz. “Rustamxon”. [3, 95] “Alpomish”dagi lug‘atda esa “yomon, joiz emas, noo‘rin”. “Alpomish dostonining izohli lug‘ati”da ham aynan shu ma‘noda ekanligi ta‘kidlab o‘tilgan.

Tajriba qismi. Asar tarkibda juda ko‘plab leksik-derivatsion dialektal so‘zlarni uchratish mumkin.

*Hammasi Boysin-Qo‘ng‘irot elini tashlab, o‘zlari Boybo‘riga berib ketmoqchi bo‘lib, hammalari maslahat qilib, Kashal eliga qarab, Qalmoq yurtiga jo‘nab ketmoqchi bo‘lib, **dobirlashib**, ko‘chib ketmoqchi bo‘lib, hammasi birdan — katta-kichik, yosh-qari — bari bir-biriga xabar qilib, ko‘cha ber, deb vag‘ir-shag‘ir qilib, uylami buzib, tuyalarga ortib, ayollari ham o‘z yuki-yobini bo‘g‘ib, bo‘g‘cha-bo‘ylarini chog‘lab, tuyalarga ortib, to‘polon bo‘lib, shovqin-g‘alag‘ul bo‘lib qoldi.* [2, 23]

Dobirlashmoq – leksik-derivatsion dialektal so‘zi taqlid so‘zdan yasalgan. “Laqaylar: ba‘zi so‘zlar va iboralarning dialektologik mazmuni” monografiyasiga “dabir – oyoq tovshi, sas”dir. [5, 36] Bu dialektal so‘z shovqin solmoq ma‘nosida qo‘llanilgan.

*Qorajonni menga **ulgu** qilasan,*

O‘zing ayyor, bir imonsiz, o‘lasan,

***Nosoqi** so‘z bunda aytib turasan,*

Bu mazgilda, kashmir, nima qilasan?! [2, 44]

Nosoqi leksik-derivatsion dialektal so‘z ko‘chma ma‘noda ishlatilgan. Nosoq – no- old qo‘shimchasiga sog‘ asosi qo‘shilishidan hosil bo‘lgan. Shunga o‘xshash tushuncha “Zomin til qomusi”da ham uchraydi: “Nasaq. Isnod, uyatga qolish. *Sening qizinding nasag‘i mag‘anam tiyadi*”. [6, 367] “Alpomish dostonining izohli lug‘ati”da “Nosoq – nosog‘, gunohkor, aqli kam, aqli noqisga ma‘nosida. *Mehmon bo‘ldim sendayg‘achchoq nosoqqa*”. [4, 66] Ko‘rinib turibdiki, dostonidan olingan keyingi gapda nosoq otlashib ketgan holatda kelgan.

Jaramli – yaroqli. Bu dialektal birlik bir necha tovush bilan farqlanadi. Yaramoq – jaramoq, yaramaydigan – jaramaydigan. Ana shu holda **jaram** asosiga –**li** shakli qo‘shilishidan yasalgan.

Bul o‘yni sen o‘ngg‘ay topding, ayollik qilib, men shuni deyman, deb Alpomishning etagidan ushlab o‘tirganda, hodisa ishlar paydo bo‘lar edi. [2, 116]

O‘ngg‘ay dialektal so‘zining asosi – **o‘ng**, unga –**g‘ay** dialektal shakl qo‘shilgan hamda dialektal so‘z yasalgan. Qulay, bop, yaxshi ma‘nolarida qo‘llaniladi.

Men tegishsam, qobog‘ini uyadi,

O‘zi ko‘rib qo‘ygan bitta rabotni,

*Qorong‘ida shuni **cho‘tlab** boradi.* [2, 259]

Cho'tlab – rus tilidan o'zlashgan dialektal so'z. Hisob (счѣт) cho't holatiga o'tgan. Cho't birligiga –la fe'l yasovchi qo'shimchasi qo'shilgan. Natijada xayolda hisoblab borilgan holat – chamalab, taxminlab kabi dialektal ma'no kasb etgan. Hisob-kiotob qilish uchun ishlatiladigan yog'ochdan qilingan asbob ham borki, u ham yuqoridagi so'zning dialektlashgan holati deb aytilish mumkin.

Qorajon ham chin ko'ngli bilan musurmon bo'lib, jovchilikka jo'nab ketdi. [2, 108]

Jovchi asosiga –**lik** qo'shimchasi qo'shilgan, **sovchilik** ma'nosida, faoliyat-jarayon oti sifatida kelgan hamda leksik-derivatsion dialektal so'z hosil bo'lgan.

Xudo deyik, yaratganga jilayik,

Ulsizligim akam bunda bildirib,

Akam ta'na qildi mening qizimni. [2, 20]

Misrada kelayotgan **ulsizligim** dialektal birligi **ulsiz** asosiga –**lik** qo'shimchasi qo'shilgan, natijada **ulsizlik** – faoliyat-jarayon oti – leksik-derivatsion dialektal so'zga aylangan.

Ko'p hisobdan, mahmadana bachchag'ar,

Qo'ylarning hisobin bizlardan olar. [2, 327]

Bachchag'ar – leksik-derivatsion dialektal so'z. Bachcha – asos, g'ar – asos. Kompozitsion usulda yasalgan. “Bachcha – dial. Bola”. [3, 86] G'ar – suyuqoyoq xotin, buzuq xotin, fohisha”. [3, 652] Umuman, ko'p o'rinlarda (*ukag'ar, enag'ar, singilga'r*) g'ar salbiy ma'noda qo'llaniladi. Ba'zi izohlarda nikohsiz tug'ilgan bolaga nisbatan qo'llanilishi qayd etilgan. Bu tushunchalardan yasalgan dialektal so'zdan lug'atdagi: “**bachchag'ar** – so'kinish” ma'nosi chiqadi deyish mumkin. [4, 14] “Bachchag'ar – nafrat, g'azab bilan qattiq koyishni ifodalaydi”. [3, 86]

Kuyov no'kar bo'lib bunda turadi,

O'zbekning rasimi shunday bo'ladi. [2, 160]

Kuyovno'kar – dialektal so'z bo'lib, “**kuyov no'kar** deb odatda kuyov bilan nikoh to'yida salom berishga birga boradigan yigitlar ataladi”. [7, 90] Kuyov va navkar birliklaridan kompozitsion usulda dialektal birlik yasalgan.

Qurra-yo qur, hayt-a, to'ramning oti,

Oq to'shim – yayloving, sochim – shipirtki. [2, 147]

Shipirtki – leksik-derivatsion dialektal so'z, izohli lug'atda: “shipirmoq. dial. supurmoq” shipirgi esa “supurgi”dir. [3, 414] Demak, asosi shipir – buyruq fe'lga –ki qo'shimchasi qo'shilgan.

Arzani o'n boybachaga topshirdi, otlarni egarlab, choqlab, yaxshi bor, – deb duo qilib, bir so'z aytub turgan ekan: [2, 64]

Gap tarkibida kelayotgan choqlab dialektal birligi tayyorlab ma'nosini ifodalaydi. Choq asosiga –la fe'l yasovchi shakl qo'shilgan, natijada leksik-derivatsion dialektal so'z hosil qilgan.

Bu mollar aslini bilsang besoyib,

So'rab kelsang mol egasi o'lgandir,

Bu mollar beega bo'lib qolgandir. [2, 314]

Shevalarda ham o'zlashgan so'zlar mavjud. Bu birliklardan yangi dialektal so'zlar ham yasalishi kuzatiladi. Dastlabki qatordagi **besoyib** dialektal so'z **egasiz, egasi yo'q** degan ma'noni ifodalaydi. Old qo'shimchadan yasalganligi uchun leksik-derivatsion dialektal so'z deyish mumkin.

Natijalar va xulosa. Yuqoridagi leksik-derivatsion dialektal so'zlarni tadqiq qilar ekanmiz, albatta, shevalardagi dialekt yasali holati ham sermahsul. Bunda xuddi adabiy tildagi kabi affiksatsiya yoki kompozitsiya usuli yetakchi ekanligini ko'rish mumkin. Shuningdek, old qo'shimchalar orqali leksik-derivatsion dialektal so'zlar ham mavjudligini ta'kidlash joiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Hojiyev A. Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. – Toshkent:, O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi. 2002, 158 b.
2. Fozil Yo'ldosh o'g'li. “Alpomish” dostoni. “SHARQ” nashriyot matbaa aksiyadorlik jamiyati bosh tahririyati. – T:, 2010. 400 b.
3. Z. Ma'rufov. O'zbek tilining izohli lug'ati. – Moskva: 1981. I jild.632 b.
4. T.Mirzayev, J.Eshonqul, S.Fidokor. “Alpomish” dostonining izohli lug'ati. – T:, 2007. 164 b.
5. N.Nazarov. Laqaylar: ba'zi so'zlar va iboralarning dialektologik mazmuni. – T:, 2005.202 b.
6. B.To'yichiboyev. “Alpomish” va xalq tili. G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti. – T:, 2001.160 b.

7. X.Doniyorov. Qipchoq dialektlarining leksikasi. Fan nashriyoti. – T., 1979.160 b.

UO'K 81-13

ERKIN VOHIDOV SHE'RIYATIDA XALQ MAQOLLARINING QO'LLANILISHI XUSUSIDA BA'ZI MULOHAZALAR

D.A. Xajiyeva, o'qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch

Annotatsiya. Ushbu maqolada shoir E.Vohidov asarlarida maqollarning qo'llanishi to'g'risida fikr yuritilgan. Maqollar qo'llangan shoirning she'rlaridan namunalar keltirilib, tahlil qilinadi. She'rlarda maqollarning asl mazmuni saqlangan holda ishlatilganiga e'tibor qaratiladi.

Kalit so'zlar. Adabiyot, lirika, ijod, maqol, do'stlik, adolat, she'r, muhabbat, sodda, loqaydlik

Аннотация. В данной статье говорится об употреблении пословиц в произведениях поэта Э.Вахидова. Проанализированы стихи поэта, в которых употреблены пословицы. Уделяется внимание сохранению сути пословиц в стихах

Ключевые слова. Литература, лирика, творчество, пословица, дружба, справедливость, стихотворение, любовь, простой, равнодушие

Abstract. This article is focused on the use of proverbs in the works of the poet E. Vakhidov. Proverbs used in the poet's verses are analyzed. The attention is paid to preserving the essence of proverbs in verse.

Keywords. Literature, lyrics, creativity, proverb, friendship, justice, poem, love, simple, indifference

Erkin Vohidov zamonaviy o'zbek adabiyotining, she'riyatining eng yorqin yulduzlaridan biri sanaladi. Shoir lirikasi xalq og'zaki ijodi, mumtoz adabiyot va jahon she'riyati chashmalaridan suv ichgan ulkan xazinadir. Erkin Vohidov lirikasida oliy hilqat – Insonning ma'naviy qiyofasi, ichki dunyosi, ruhiy olami o'ziga xos sodda va xalqchil til bilan ifoda etiladi. Shoir she'riyatida xalq og'zaki ijodining o'rni juda katta bo'lib, bu ayniqsa, xalq maqollari va matallarini, ibratli so'zlarni qo'llashida yaqqol namoyon bo'ladi. Dono xalqimiz “So'z ko'rki - maqol” deb bejiz aytmagan, chunki maqollardagi sodda, ammo purma'no fikrlar inson aql-zakosining naqadar yuksak ekanligidan dalolatdir. Badiiy asar tilining shirador va ta'sirchan bo'lishida, she'riyatda emotsionallikni oshirishda ham maqollarning o'rni katta bo'lib, ular ijodga husn beradi, fikrni tushunib olishni yanada osonlashtiradi.

Erkin Vohidov o'z she'rlarida sevgi va sadoqat, vatanparvarlik, insoniylik, adolat, do'stlik, halollik, diyonat kabi insoniy tuyg'ularni ifodalash uchun xalq maqollaridan unumli foydalanadi. Ayniqsa, shoir she'rlarining sarlavhalarida maqollardan o'rinli foydalanishi uning o'ziga xos xususiyatlaridan biridir. Jumladan, “Oyning o'n beshi qorong'u”, “Yo'q emish orzuda ayb”, “Eski hammom, eski tos”, “Sen menga tegma” kabi qator she'rlariga maqollarni sarlavha sifatida o'rinli qo'llaydi.

“Oyning o'n beshi qorong'u” deb nomlangan she'riga “Oyning o'n beshi qorong'i, o'n beshi yorug'” maqolining qisqargan shaklini sarlavha qilib oladi. Sevgi-muhabbat mavzusidagi mazkur she'r quyidagi misralar bilan boshlanadi:

“Umrini oshiq hamisha
O'tkazur orzu bilan”.
Oyning o'n beshi qorong'u,
O'n beshi yog'du bilan [1].

Ma'shuqaning muhabbatidan umidvor oshiq holati ifoda etilgan lirik she'rda shoir yana bir maqolni mahorat bilan qo'llaydi. Bu esa muallifning badiiy niyatini, fikrini kitobxonga yorqinroq yetkazishga, oshiq qalbi kechinmalarini samimiy tasvirlashga xizmat qiladi:

Zahmati ishq dard erursa,
Zahmati she'rdur davo,
Chunki og'uning shifosi,
Deydilar, og'u bilan.

Xalqimizda “Achchiqni achchiq kesar”, “Zaharni zahar qaytarar” degan maqollar ko‘p qo‘llaniladi. Yuqoridagi misralarda shoir poetik nutq texnikasi ehtiyojiga ko‘ra maqolni “og‘uning shifosi, deydilar, og‘u bilan” tarzida bir oz shaklan o‘zgartirgan holda satrlar mazmuniga singdirib yuboradi.

Erkin Vohidovning “Yo‘q emish orzuda ayb” sarlavhali she‘rida “Orzuga ayb yo‘q” maqoli biroz o‘zgarish bilan keltiriladi. She‘rda inson qalbining eng inja tuyg‘usi – muhabbat tarannum etiladi. Insoniyatga “ko‘hna meros” bu tuyg‘u vasf etilgan she‘r qatlariga maqollar shunday mahorat bilan singdiriladiki, Erkin Vohidovning so‘z qo‘llash iqtidori yanada yorqinroq namoyon bo‘ladi:

Sevgi dardidan mening ham
Bo‘ldi rangim qahrabo,
Yo‘q iloj, ne naf o‘kinmak
Bo‘lmasa ko‘zguda ayb? [2]

Shoir she‘r badiiyligi va qofiyasini ta‘minlash maqsadida, she‘rda soddalik va ixchamlikka intilib, “Yuzing qiyshiq bo‘lsa, oynadan o‘pkalama” maqolining mazmunini saqlagan holda shaklini go‘zal tarzda o‘zgartiradi. She‘rning oxirgi bandida misralarning poetik jozibasini yanada tiniqlashadi va shoir badiiy niyati chiroyli shaklda yakunlanadi:

Sen-ku Zuhrosan falakda,
Intizoringman faqat,
Ne ajab, talpinsa ko‘nglim,
Yo‘q emish orzuda ayb.

Erkin Vohidovning “Eski hammom, eski tos” sarlavhali she‘rida jamiyatdagi va insonlardagi ayrim illatlar hajv ostiga olinadi. Yangilikka intilmaydigan, befarq, loqayd kimsalar davrlar o‘tsa-da “Eski hammom, eski tos” qabilida ish ko‘rishlari qoralanadi. She‘r 13 banddan iborat bo‘lib, har bir band “Eski hammom, eski tos” maqolining takrori bilan yakunlanadi va bu takror fikrni kuchaytirishga xizmat qiladi. She‘rda sobiq ittifoq davridagi o‘zi “qayta qurish” nomini olsa-da, barchasi eski holicha qolgan, qo‘zbo‘yamachilik, majlisbozlik, xaybarakallachilik avj olgan tuzum tasvirlanadi:

Qayta qurish xususida
Olam uzra jarangos,
Davralarda bahslar qizg‘in,
Bahslarda zo‘r ehtiros.
Ko‘p orzular topdi hayot
Ko‘zgusida in‘ikos,
Ammo bizning tomonlarda
Hali faqat gap, xolos,
Hayot esa o‘sha-o‘sha:
Eski hammom, eski tos [3].

Erkin Vohidov “hayda-hayda”, “bos-ha, bos!” avjiga chiqqan bu davrning manzarasini real badiiy detallar orqali o‘sha tuzumga bo‘lgan kuchli nafrat bilan chizadi. Loqaydlik, va‘dabozlik, yaltoqilik, soxta oshkoralik avjiga chiqqan bu tuzumga shoirning nafrati har bir misrada sodda va teran ifodalanadi:

Bozorimiz o‘sha bozor,
Oloy, Eski Jo‘vamiz,
Maqol o‘sha, pul bo‘lsa gar
Changaldadir sho‘rvamiz.

Shoir shu o‘rinda “Pul bo‘lsa, changalda sho‘rva” maqolini chiroyli tarzda qo‘llaydi. Erkin Vohidov har bir bandda ijtimoiy hayotning og‘riqli nuqtalarini, zamon muammolarini oshkora yoritadi. Rahbarlar so‘zi muhokama qilinmay, so‘zsiz bajarilishi, hur fikrga yo‘l berilmasligi, erkin parvoz qilguvchining oyog‘idan tortish, farzandlar tarbiyasidagi sustkashlik, Orol muammosi, “avlodlarga zaharlangan yer meros” qolajagi kabi qator dardlar shoir qalbini larzaga soladi. Bandlar oxiridagi “Eski hammom, eski tos” maqoli esa shoir badiiy niyatini ixcham, lo‘nda va xalqona

ohangda ifoda etishi uchun juda mos keladi va ular orasidagi uzviy mantiqiylikni ta'minlashga xizmat qiladi:

Bizga ishdan hech gapirmang,
Gap sotishga ustamiz,
Yuk tortishmas, birovlariga
Yuk ortishga ustamiz.
O'lganlarning orqasidan
Tosh otishga ustamiz,
Tirigida deymiz faqat
Payg'ambarlik sizga xos.
Yaltoqilik o'sha-o'sha:
Eski hammom, eski tos.

Erkin Vohidovning “Sen menga tegma” sarlavhali she'ri “Men senga tegmay, sen menga tegma” maqolining qisqartirilgan shakli sifatida keladi. Mazkur she'rda ham shoir insonlardagi loqaydlik, befarqlik, dangasalik illatlarini o'tkir hajv ostiga oladi. Jamiyatdagi yon atrofda bo'lib turgan voqea-hodisalarni ko'rib ko'rmaslikka, eshitib eshitmaslikka oladigan o'ta loqayd kimsalarga qarata shoir qalbidagi nafrat tuyg'usi maqol zamiridagi purma'no so'zlarda o'z in'ikosini topadi. She'r folklorida ko'p qo'llaniladigan tush motivi asosiga qurilgan bo'lib, muallif tush vositasida o'zining badiiy niyatini go'zal tarzda o'quvchiga etkazadi:

Eng sozi – men kar,
Ko'rmaydi ko'zim.
Dedim: har qalay
Ters to'nni kiyma.
“Men senga tegmay,
Sen menga tegma” [4].

Erkin Vohidovning deyarli barcha she'rlarida obrazli ifodalar, hikmatli so'zlar, ohorli tashbehlar zanjirday tizilib keladi. Shu bois ham shoir she'rlari juda yengil o'qiladi va tez yodda qoladi. Yana bir jihati shundaki, shoir she'rlarini o'qigan har qanday o'quvchi o'zi uchun ulardan malham, qalb oromini topa oladi. Insoniylik tuyg'ulari esa Erkin Vohidov she'riyatining o'q tomirlaridan biridir. Shoir “Nido” dostonida shunday yozadi:

Bobolarning hikmati
Hayotga yorug' yo'ldir.
Otang bolasi bo'lma,
Odam bolasi bo'l, der.
Mening mardlik maktabim
Jonfido otam edi.
Men otam farzandiman,
U esa odam edi.

Shoir “Ota bolasi bo'lma, odam bolasi bo'l” maqolini o'rinli qo'llaydi va bu orqali “odam” so'ziga katta ijtimoiy-estetik vazifa yuklaydi. Ma'lumki, shoirning “Nido” dostonida otaga bo'lgan cheksiz hurmatning badiiy ifodasi mujassam. Yuqoridagi misralarda ham otaga xos mardlik, jonfidolik, eng muhimi, odamiylik xususiyati sodda va teran ifoda bilan xalqona ohangda beriladi va maqol satrlar mazmuniga tabiiy ravishda singib ketadi.

Xullas, Erkin Vohidov she'riyatining xalqona ohang va teran mazmunga ega bo'lishida maqol va matallarning o'rni beqiyosdir. Ular fikrni lo'nda va aniq ifodalashda, she'rning o'qimishlilikini oshirishda, ta'sir qudratini kuchaytirishda alohida ahamiyat kasb etadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Эркин Воҳидов. Севги шундай навбахорки. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. –Тошкент. 2018. Б.31.
2. Эркин Воҳидов. Севги шундай навбахорки. –Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2018. Б.19.
3. Эркин Воҳидов. Танланган асарлар. –Тошкент. “Шарқ”. 2018. Б.435.
4. Эркин Воҳидов. Танланган асарлар. –Тошкент. “Шарқ”. 2018. Б.479.

JORJ ORUELLNING BADIYATI VA ASARLARINING O'RGANILGANLIGI HAMDA FOYDALANILISH DARAJASI HAQIDA

G'.R.Xudayberganov, o'qituvchi, Toshkent Irrigatsiya va Qishloq Xo'jaligini Mexanizasiyalash Muxandislari Instituti, Toshkent

Annotatsiya. Jorj Oruellning hayot yo'li, badiiy adabiyotga qo'shgan hissasi va uning nodir asarlari haqida ma'lumotlar berilgan.

Kalit so'zlar: *Jorj Oruell, badiiy adabiyot, roman, tarjimon.*

Аннотация. В этой статье представлена информация о жизни Джорджа Оруэлла, его вкладе в художественную литературу и его редких произведениях.

Ключевые слова: *Джордж Оруэлл, художественная литература, Роман, переводчик.*

Abstract. *This article provides information about the life of George Orwell, his contribution to fiction and his rare works.*

Keywords: *George Oruell, fiction, novel, translator.*

Taniqli britaniyalik yozuvchi, esseist va publitsist Jorj Oruell o'zining juda ham qisqa umri davomida jahon adabiyotiga ajoyib asarlarni yozib qoldirgan. Uning nodir asarlari hozirda dunyoning ko'plab tillariga tarjima qilinib kitob va adabiyot muxlislari tomonidan o'qib o'rganilmoqda shu jumladan O'zbek tiliga ham uning asarlari tarjima qilingan. Oruellning birinchi yirik asari (va bu taxallus bilan imzolangan birinchi asari) [2] 1933 yilda nashr etilgan "Parij va Londondagi qo'pol funtlar" avtobiografik romani hisoblanadi. Yozuvchi hayotidagi real voqealar asosida yozilgan bu hikoya [3] ikki qismdan iborat. Birinchi qism Parijdagi kambag'al odamning hayotini tasvirlaydi, u erda u g'alati ishlarda, asosan restoranlarda idish yuvuvchi bo'lib ishlagan. Ikkinchi qism London va uning atrofidagi uysiz hayotni tasvirlaydi.

Ikkinchi asar - "Birmadagi kunlar" nomli qissasi (1934 yilda nashr etilgan) ham avtobiografik materialga asoslangan bo'lib : 1922 yildan 1927 yilgacha Oruell Birmadagi mustamlaka politsiyasi idorasida xizmat qilgan. "Filni qanday otganim" va "Osilib qatl" qissalari xuddi shu mustamlakachilik materiallariga asoslanib yozilgan. Ispaniyadagi fuqarolar urushi davrida Oruell 1937-yil iyun oyida "fashistlarga yordam bergani" uchun qonundan tashqari deb topilgan POUM partiyasi safida respublikachilar tomonida jang qilgan [4]. Bu voqealar haqida u "Kataloniya xotirasida" (inglizcha) hujjatli hikoyasini (1936) [5] va "Ispaniyadagi urushni eslab" (1943, to'liq 1953 yilda nashr etilgan) essisini yozdi.

"Hayvonlar fermasi" nomli (1945) qissasida yozuvchi inqilobiy tamoyillar va dasturlarning tanazzulga yuz tutishini ko'rsatib bergan. "Hayvonlar fermasi" - bu Rossiyadagi 1917 yilgi inqilob va undan keyingi voqealar uchun masal, allegoriya [29]. Distopik roman 1984 (1949) Hayvonlar fermasining mafkuraviy davomi bo'ldi, unda Oruell kelajakdagi dunyo jamiyatini murakkab jismoniy va ma'naviy qullikka asoslangan, umumbashariy qo'rquv, nafrat va qoralashlar bilan o'ralgan totalitar ierarxik tizim sifatida tasvirlagan. Ushbu kitobda birinchi marta taniqli "Katta uka sizni kuzatmoqda" (yoki Viktor Gollishev tarjimasida "Katta aka sizga qarayapti") iborasi eshitildi. "Ikki fikrlash", "fikir jinoyati", "yangilik" kabi mashhur atamalar "sodiqlik", "recheckryak" kiritildi. Shuningdek, u ijtimoiy-tanqidiy va madaniy-ma'rifiy xarakterdagi ko'plab ocherk va maqolalar yozgan.

Oruell 1946 yildagi "Nega yozyapman" inshosida shunday deb ta'kidlagan edi: "1936 yildan beri yozgan har bir jiddiy asarim to'g'ridan-to'g'ri yoki bilvosita totalitarizmga qarshi va men tushunganimdek, demokratik sotsializmga qaratilgan". Oruellning tengdoshi, britaniyalik siyosiy sharhlovchi, New Statesman [en] jurnalining bosh muharriri Kingsley Martin [en] so'zlariga ko'ra, Oruell SSSRga, inqilobning tashabbusi bilan hafsalasi pir bo'lgan inqilobchining ko'zi bilan achchiq bilan qaragan. va inqilobga xiyonat qilinganiga ishongan va asosiy xoin Oruell Stalinni yovuzlik timsoli deb hisoblagan. Shu bilan birga, Oruellning o'zi, Martinning nazarida, boshqa G'arb sotsialistlari sig'inadigan sovet totemlarini yiqitgan haqiqat uchun kurashuvchi bir adolatparvar inson edi [8].

"Xayol olami" jurnalining muallifi Vasiliy Vladimirskiy, RIA Novosti uchun maxsus intervyusida quyidagi muhim ma'lumotlarni sanab aytib bergan.

2013-yil 25-iyun kuni o'quvchilarga Jorj Oruell taxallusi bilan yaxshi tanish bo'lgan britaniyalik yozuvchi va publitsist Erik Bler tavalludining 110 yilligi nishonlandi. O'zining yozuvchi faoliyati davomida Oruell juda ko'p turli xil matnlar yozgan, jumladan, Britaniya Tashqi ishlar vazirligining Axborot tadqiqotlari departamentiga tuhmat (oddiy qilib aytganda, qoralash), u erda u bir qator hamkasblarini, Britaniyaning nufuzli madaniyat namoyandalarini hamdardlikda ayblagan. Kommunistlar. Ammo u ikkita asosiy asar: "Hayvonlar fermasi: ertak hikoyasi" satirik masali (1945) va "1984" distopiyasi (1949) tufayli birinchi darajali adabiy yulduzga aylandi. Aynan mana shu nomdagi romanida Oruell kundalik hayotga "ikki fikrlash" va "yangilik" kabi tushunchalarni kiritib va bu orqali to'g'ri qo'llarda tarixni soxtalashtirish qanchalik samarali targ'ibot vositasi bo'lishi mumkinligini ko'rsatib o'tgandi. Adolat uchun shuni ta'kidlaymanki, har qanday milliy afsona qadimdan shunday soxtalashtirish asosida qurilgan: rus, nemis, frantsuz, ingliz... Biroq, Oruell birinchi bo'lib butun dunyo bo'ylab keng tarqalgan yolg'onga asoslangan siyosiy tizimni ta'riflagan, ikkiyuzlamachilik va tizimli miya yuvish. O'tgan asrning bir nechta distopiyalarini o'quvchilarga va butun Evropa jamiyatiga ta'siri nuqtai nazaridan "1984" romaning yonida joylashtirish mumkin deb topilgan. Keling, Oruell kitoblari bilan bir javonga qo'yishdan uyalmaydigan ba'zi asarlarni eslashga harakat qilaylik.

1) Evgeniy Zamyatin va uning "Biz" romani (1924) yilda yozilgan.

Ehtimol, distopiya janrida ishlaydigan yozuvchilarning hech biri o'zining yagona "Biz" romanidagi Evgeniy Zamyatin kabi to'liq depersonalizatsiyaga qarshi keskin va murosasiz gapirmagan. Ushbu kitob qahramonlari barcha individual xususiyatlardan mahrum qilingan, jumladan ismlar "raqamlar" bilan almashtirilgan: odamlar-raqamlar davlat mashinasining ideal uzatmalari, ammo ularda ba'zi volan va kranklardan ko'ra ko'proq shaxsiy erkinlik yo'q. Zamyatin hayotning barcha sohalari yagona g'oya, maqsad, vazifaga bo'ysunadigan mamlakatda nima sodir bo'layotganini ko'rsatadi. Bunday jamiyat nafaqat g'ayriinsoniy, balki o'ta zaifdir: bir qum donasi yaxshi yog'langan mexanizmga kirishi kifoya qiladi, majburan singdirilgan qadriyatlar bizning ko'z o'ngimizda qadrsizlana boshlaydi - va kechiring, xayr, buyuk maqsadlar.

2) Aldous Huxley, Jasur yangi dunyo (1932)

Yigirmanchi asr Yevropa sivilizatsiyasiga juda ko'p og'riqli saboqlar berdi. Bizga tabiiy va o'z-o'zidan ravshan bo'lib tuyulgan narsalarning aksariyati Birinchi jahon urushidan oldin yashagan odamga haqiqiy jinnilikdek tuyuladi. So'nggi yuz yil ichida bizning dunyoqarashimizga kimning inqilobiy g'oyalari kuchliroq ta'sir qilgan, iqtisodchi Karl Marks yoki psixolog Zigmund Freyd - katta savol. Aldous Huxley Freydga pul tikdi. Jasoratli Yangi Dunyoning kelajagi - bu oila instituti vayron qilingan kelajak va "ota" va "ona" so'zlari haqoratli deb hisoblanadi - ammo psixoz, nevrozlar, Edip kompleksi va Elektr kompleksi paydo bo'lmaydi. Viloyat kooperatividagi partiya yig'ilishlari kabi, jadval bo'yicha zerikarli va oddiy bo'lgan orgiyalarning kelajagi. Bolalar ota-onalarini, ota-onalar esa o'z farzandlarini tanimaydigan joyda. Bu inson tanlash huquqidan mahrum bo'lgan dunyo - lekin uning o'zi, qoida tariqasida, tushunmaydi. Aytishimiz mumkinki, Xakslining ma'yus bashoratlari qisman amalga oshdi (ayniqsa, oilaning vayron bo'lishi bilan bog'liq), lekin u tasavvur qilgan shakllarda emas.

3) Rey Bredberi, Farengeyt 451 (Farengeyt 451, 1953)

Bredberining fikricha, tsivilizatsiyaning qulashi madaniyatning o'limi bilan bevosita bog'liq. Birinchi navbatda - Evropa uchun an'anaviy bo'lgan kitob madaniyati. Agar eskirgan muqovali shinam jildlar bir necha kun davomida so'nmaydigan televizor devorlari bilan almashtirilsa (yoki cheksiz "sovun operalari" prototipi yoki, o'ylash qo'rqinchli, ijtimoiy tarmoqlar), demak, dunyoning oxiri yaqinda. qo'l. Bredberining distopiyasida kitoblar qo'lga olinishi va qo'llanishi ma'lum - lekin bu eng ekstremal, ekstremal variant. Boshqa narsalar qatori o'quvchiga ham umid qoldirmoqchi bo'lsak: bosma so'zni yo'q qiladigan "o't o'chiruvchilar" bor ekan, man etilgan adabiyotni mardlik bilan yashiradigan, adabiy durdonalarni yoddan yod oladiganlar ham topiladi. Kitob nola va nolalarsiz o'z-o'zidan o'z-o'zidan bo'g'ilib qolsa, bundan ham dahshatliroq - va unga qanday munosabatda bo'lish mutlaqo tushunarsiz... Rostini aytsam, maydonlarda o't yoqsa yaxshi bo'lardi.

4) Entoni Burgess, Apelsin soati (1962)

Darhaqiqat, Burgessning romani so'zning an'anaviy ma'nosidagi distopiya emas, balki distopiya, g'ayriinsoniy dunyoda inson fojiasi. Qaysidir ma'noda, Clockwork Orange koinoti Oruellning Okeaniyasidan ko'ra qo'rqinchli. 1984 yilda shaxsning irodasi davlat tomonidan maqsadli ravishda bostiriladi. Burgess kitobida butun dunyo zo'ravonlik ustiga qurilgan, bu inson tabiatiga xos xususiyatdir. Roman qahramoni sun'iy ravishda bu qobiliyatdan mahrum, ammo yirtqich bo'lishni to'xtatib, darhol qurbonga aylanadi. Zo'ravonlikning o'zi hech qaerga ketmaydi, faqat vektor, yo'nalish o'zgarimoqda. Va bu erda hech qanday inqilob yordam bermaydi - agar homo sapiensni tubdan boshqa biologik turga aylantiradigan antropologik, yakuniy inqilob bo'lmasa.

5) Arkadiy va Boris Strugatskiy, "Asrning yirtqich narsalari" (1965).

Janr tarixida kam uchraydigan holat: tovarning to'liq ko'pligi fonida distopiya. Aka-uka Strugatskiylarning hikoyasi sodir bo'lgan Ahmoqlar mamlakati aholisida hamma narsa bor - motivatsiya, rag'batlantirish, hayotning maqsadi va ma'nosidan tashqari. Aslida, ABS iste'molchiga qarshi kitobni "iste'molchilik" atamasi paydo bo'lishidan ancha oldin yozgan. Boris Natanovich o'z intervyularida bugungi kunda kelajakning ushbu versiyasini bizning tsivilizatsiyamiz uchun eng ehtimoliy deb hisoblashga moyil ekanligini tan oldi - va boshqa futurologik stsenariylarga qaraganda, eng dahshatli emas.

1984 yil ", - deb ta'kidlaydi adabiyotshunos, Britaniya Qirollik adabiyot jamiyati a'zosi Jeffri Meyers [8]. Kitob bestsellerga aylandi, deyish, sharsharaga bir piyola suv tashlash bilan barobar. Yo'q, u "kanonik antikommunistik ish" deb atala boshlandi, chunki uni Bath Spa universitetining tarix professori Jon Nyusinger] [49] deb atagan edi. dunyoning oltmishdan ortiq tillariga tarjima qilingan. 1984-yilda kitob faqat Qo'shma Shtatlarda kuniga 50 000 nusxada sotildi! Bu erda biz bir oz orqaga qaytib, aytishimiz kerakki, har beshinchi aholisi hozirda g'urur bilan "1984" romanini kamida bir marta o'qigan deb da'vo qiladigan o'sha shtatlarda 1936 yildan 1946 yilgacha Oruellning birona ham kitobi nashr etilmagan. yigirmadan ortiq nashriyotlarga murojaat qildi - ularning barchasi uni xushmuomalalik bilan rad etishdi, chunki o'sha paytda sovet tuzumini tanqid qilish rag'batlantirilmagan.

Hozirda esa Buyuk Britaniyada Jorj Oruellning to'liq asarlari nashr etilgan [30]. Oruellning asarlari 60 tilga tarjima qilingan [12] va butun duyo'dagi kitobxonlar tomonidan sevib o'qilmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Вячеслав Недошивин, Джордж Оруэлл обошёл Нострадамуса по числу сбывшихся предсказаний // «Российская газета» — Федеральный выпуск № 6111
2. Виктория Шохина. Путём Будды Back cover description, Down and Out in Paris and London, Penguin Classics, 2001 ISBN 978-0-14-118438-8
4. Хью Томас. Гражданская война в Испании. 1931-1939 гг. — М.: Центрполиграф, 2003. — P. 416. — 573 p. — ISBN 5-9524-0341-7.
5. Оруэлл Дж. Памяти Каталонии
6. Бартов А. А. «Новояз» в литературе и в жизни // Нева : журнал. 2009. — The Complete Works of George Orwell. Edited by Peter Davison, published by Secker & Warburg, 1998
7. Why I Write, The Collected Essays, Journalism and Letters of George Orwell, vol. 1 – An Age Like This 1945–1950, Penguin

UO'K 808.5

MASHHUR BRITANIYALIK YOZUVCHI JOAN KETLIN ROULINGNING IJODI VA BIOGRAFIYASI HAQIDA

M.A.Xudayberganova, o'qituvchi, Toshkent Irrigasiya va Qishloq Xo'jaligini Mexanizatsiyalash Muhandislari Instituti, Toshkent

Annotatsiya. Ushbu maqola o'zida yozuvchining hayot va ijod yo'lini aks ettirilgan bo'lib, maqola mutolasida ko'pgina qiziqarli ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: J.K.Rouling, badiiy adabiyot, ijodiyot, asar.

Аннотация. Эта статья является отражением жизни и карьеры автора и содержит много интересной информации.

Ключевые слова: J.K.Роулинг, художественная литература, творчество, произведения.

Abstract. *This article reflects the life and career of the author and contains a lot of interesting information.*

Keywords: *J.K.Rouling, fiction, creativity, masterpiece.*

Mashhur britaniyalik yozuvchi, Garri Potter romanlari ijodkori J. K. Roulingni ko'pchilik Robert Galbreyt nomi bilan ham biladi. Muallif o'zining teng darajada mashhur detektiv hikoyalarini yozish uchun shunday taxallusdan foydalanadi.

J.K.Rouling 1965-yil 31-iyulda Yeyt shahrida (Buyuk Britaniya) yashovchi oddiy ishchilar oilasida tug'ilgan. Qizning otasi Piter Jeyms Rouling Rolls-Royce kompaniyasida ishlagan, Roulingning onasi Ann esa uy bekasi bo'lgan. Bo'lajak yozuvchi qiz 2 yoshga to'lganda, uning singlisi Diana duyoga kelgan. 1969 yilda oila Uinterburn qishlog'iga ko'chib o'tdi. Uning bolalik davri haqiqatan ham tashvishsiz kechgan. Kichkina Joanning Internetda joylashtirilgan ko'plab fotosuratlarini bu haqiqatni tasdiqlaydi. Roulingning o'zi ham bolalikni doimo tabassum bilan eslaydi, chunki u singlisi bilan qiziqarli o'yinlar, oilaviy farovonlik va iliqlik, ota-onalarning g'amxo'rliqi bilan to'lgan edi. Aynan ular qizga adabiyotga muhabbat uyg'otgan. Ko'pgina tadqiqotchilar e'tibordan chetda qoldiradigan kam ma'lum bo'lgan fakt zamonaviy yulduzning ishining boshlanishi bilan bog'liq: Joan o'zining birinchi hikoyasini 6 yoshida yozgan va shu vaqtdan beri u ijod qilishni to'xtatmagan.

1974 yilda Rouling oilasi Tatshill qishlog'iga ko'chib o'tdi. Yashash joyining o'zgarishi 9 yoshli bola uchun haqiqiy zarba bo'ldi, chunki Joan maktabdagi do'stlarini juda yaxshi ko'rardi va qadrlaydi. Oradan 6 yil o'tgandan so'ng, yosh xonimning hayotida qiyin voqea yuz berdi: onasi kasallikka chalinib qoldi. Kasallikning jadal rivojlanishi ayolning tez orada ko'p sklerozdan vafot etganiga olib keldi. O'zining eng aziz odamini dafn etib, 1990 yilda Joan Tatshillni tark etishga qaror qildi va Londonga ko'chib o'tdi. Fransuz tilshunoschiligi bo'yicha diplomini himoya qilib, yosh qiz Xalqaro Amnistiya kotibi lavozimini egalladi. Xuddi shu davrda Rouling birinchi marta oshiq bo'ldi, shuning uchun bir yildan so'ng u sevgilisi bilan Manchesterga ko'chib o'tdi. Bir kuni Manchesterdan Londonga ketayotgan poyezdda yozuvchi o'sha dumaloq ko'zoynakli sehrigar bola – barcha muxlislarga tanish bo'lgan Garri Potter obrazini oldi.

Rouling karerasining boshlanishi romanning birinchi qismi - "Garri Potter va sehrigarning toshi" (1997) nashr etilgan yil hisoblanadi. Tiraj 1000 nusxada edi. Ushbu kitob noyabr oyida Nesyle Smarties kitob mukofotiga sazovor bo'ldi. Joan 1998 yilda xalqaro Britaniya kitob mukofotini qo'lga kiritdi. Bunday muvaffaqiyat va yozuvchining ijodi e'tirof etilganidan so'ng, AQShda kim oshdi savdosi bo'lib o'tdi va unda lotereyada "Falsafa toshi" asarini nashr etish huquqiga ega chiqish uchun kurash kechdi. Auktsionda 105 ming dollar to'lagan Amerikaning Scholastic Incorporation nashriyoti g'olib chiqdi. 1998-yilning yozida romanning davomi "Sirlar palatasi" nashr etildi; Dunyo 2000 yilda kitobning uchinchi qismini ko'rdi - "Garri Potter va Azkaban asiri". "Olov qadahi" deb nomlangan to'rtinchi kitob savdo bo'yicha barcha rekordlarni yangiladi: 24 soat ichida 373 ming kitob sotilgan.

Mashhur dostonning beshinchi qismi "Garri Potter va Feniks ordeni" 2003 yilda nashr etilgan. Yana 2 yildan so'ng, oltinchi kitob "Garri Potter va yarim qonli shahzoda" nomli kitob nashr yuzini ko'rdi va barcha oldingi savdo rekordlarini yangiladi: sotilish hajmi 24 soat ichida 9 millionni tashkil etdi. 2007 yilda sehrigar bola haqidagi romanning ettinchi qismi "O'lim to'ylari" tugallandi.

Bugungi kunga qadar fantastik dostonning barcha 7 qismi 70 tilga tarjima qilingan. Bundan tashqari, Roulingning romanlari Kris Kolumb, Alfonso Kuaron va Devid Yeyts tomonidan rejissyorlik qilgan ajoyib filmlarni yaratishda foydalanilgan. 2016 yilning yozida Londonda "Garri Potter va la'nati bola" spektaklining premyerasi bo'lib o'tdi. Muxlislarning ko'plab mish-mishlari va taxminlaridan farqli o'laroq, bu asar romanning to'liq sakkizdan bir qismi emas, balki faqat teatrlashtirilgan spektakl uchun ssenariydir. "La'natlangan bola"ning haqiqiy mualliflari - Jek Torn va Jon Tiffani. Asar yangi hikoya. Unda "O'lim ziyofatida" tasvirlangan voqealardan 19 yil o'tib sodir bo'lgan harakat ko'rsatilgan.

Rowlingning Wizingworld.com portalida Garri Potter seriyasining asosiy yetti qismiga kompilyatsiya-qo'shimchalar bo'lgan yangi ilovalar ishga tushirildi. Ushbu hikoyalarning syujetlari

bir nechta kichik qahramonlar, Azkaban qamoqxonasining paydo bo'lish tarixi, Xogvarts sehr maktabi haqida hikoya qiladi.

"J.K.Roulingning sehrskarlar olami" ensiklopediyasi allaqachon yozuvchi tomonidan yaratilgan olamlar va uning romanlarining ekranga moslashuvlari asosida yozilgan. Xogvartslik kichkina sehrskar haqidagi romanlardan tashqari, yozuvchi boshqa asarlari tufayli ham mashhur bo'ldi.

"Fantastik hayvonlar va ularni qaerdan topish mumkin" - Nyut Skamander taxallusi ostida chiqarilgan yagona kitob. Bu sehrli zoologiya bo'yicha darslik.

Kitobni sotishdan tushgan pulning katta qismi (taxminan 13 million funt sterling) Joan bolalar xayriya ishlari bilan shug'ullanadigan eng yirik tashkilotlar hisobiga o'tkazdi. Rouling romanning filmga moslashuvi ssenariy muallifi bo'ldi – trilogiyaning ikki qismi "Fantastik hayvonlar va ularni qayerdan topish kerak" va "Grindelvald jinoyatlari" nomlari ostida chiqdi. Lenta syujeti bola Garri paydo bo'lishidan 65 yil oldin sodir bo'lgan voqealarni tasvirlaydi.

А) Таркибида ўсувчи микдорни англатувчи градуонимик қатор аъзолари мавжуд мақоллар:

- | | |
|---|--|
| ➤ <i>A dwarf on a giant's shoulders sees the farther of the <u>two</u>. (zero/no → one/a/an → two → three → ... → ∞)</i> | ➤ <i><u>Бир</u> калла – калла,
<u>Икки</u> калла – тилла.
(нол → бир → икки → ... → ∞)</i> |
| ➤ <i>The <u>first</u> day a guest, the <u>second</u> day a guest, the <u>third</u> day a calamity. (first → second → third → ... → then → last)</i> | ➤ <i><u>Биринчи</u> савдо – савдо,
<u>Иккинчи</u> савдо – гавго. (биринчи → иккинчи → ... → ∞)</i> |
| ➤ <i><u>Once</u> bitten, <u>twice</u> shy. (once → twice → ... → always/ever)</i> | ➤ <i><u>Қирқига</u> чидаган
<u>Қирқ бирига</u> ҳам чидайди. (... → қирқ → қирқ бир → ... → ∞)</i> |

В) Таркибида камаювчи миқдорни англатувчи градуонимик қатор аъзолари мавжуд мақоллар:

- *Between two stools one falls to the ground.* ($\infty \rightarrow \dots \rightarrow two \rightarrow one/a/an \rightarrow zero/no$) ➤ *Минг қўйлининг қўйи қолди,*
Бир қўйлининг қўйи кетди.
 ($\infty \rightarrow \dots \rightarrow минг \rightarrow \dots \rightarrow бир \rightarrow нол$)
- *Measure thrice and cut once.* (*always/ever* → ... → *twice* → *once*) ➤ *Мингта ҳап-ҳандан,*
Битта чоп-чоп яхши. ($\infty \rightarrow \dots \rightarrow мингта \rightarrow \dots \rightarrow битта \rightarrow нол$)
- *Nine tailors make a man.* ($\infty \rightarrow \dots \rightarrow nine \rightarrow \dots \rightarrow one/a/an \rightarrow zero/no$) ➤ *Етти божани бир бўри ер.* ($\infty \rightarrow \dots \rightarrow етти \rightarrow \dots \rightarrow бир \rightarrow нол$)

С) Таркибида аралаш миқдорни англатувчи градуонимик қатор аъзолари мавжуд мақоллар:

- *Three may keep a secret, if two of them are dead.* ($zero/no \rightarrow one/a/an \rightarrow two \rightarrow three \rightarrow \dots \rightarrow \infty$) ➤ *Қирқ, юзнинг боласи*
Ўн тўртида бош бўлар.
Чийирлининг боласи
Ўн саккизда ёш бўлар. ($\infty \rightarrow \dots \rightarrow ўн тўрт \rightarrow \dots \rightarrow ўн саккиз \rightarrow \dots \rightarrow қирқ \rightarrow \dots \rightarrow юз \rightarrow \dots \rightarrow \infty$)
- *Keep a thing seven years and you'll find a use for it.* ($zero/no \rightarrow one/a/an \rightarrow \dots \rightarrow seven \rightarrow \dots \rightarrow \infty$) ➤ *Икки ўн беш – бир ўттиз.* ($нол \rightarrow бир \rightarrow икки \rightarrow \dots \rightarrow ўн беш \rightarrow \dots \rightarrow ўттиз \rightarrow \dots \rightarrow \infty$)
- *Six hours' sleep for a man, seven for a woman, and eight for a fool.* ($zero/no \rightarrow one/a/an \rightarrow \dots \rightarrow six \rightarrow seven \rightarrow eight \rightarrow \dots \rightarrow \infty$) ➤ *Оғиз – бир, қулоқ – икки,*
Бир сўзлаб, тингла қирқ икки. ($нол \rightarrow бир \rightarrow икки \rightarrow \dots \rightarrow қирқ икки \rightarrow \dots \rightarrow \infty$)

Таркибида аралаш миқдорни англатувчи градуонимик қатор аъзолари мавжуд мақоллар мантиқан икки ёки ундан ортиқ градуонимик қаторлар аъзоларини ўзида бирлаштира олмайди, чунки барча сонлар биргаликда чексиз давом этувчи битта градуонимик қаторни ташкил этади.

Миқдорни англатувчи градуонимик муносабатларга эга мақоллар инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам учрайди ҳамда мазкур мақолларнинг барчаси инглиз ва ўзбек тилларидаги градуоним таркибли мақолларнинг икки тилли луғати [3] га киритилди. Мазкур икки тилдаги халқ мақоллари таркибидаги градуонимлар уларнинг таркибий компоненти сифатида таҳлил қилинганида шундай хулоса қўлга киритилдики, одатда бир тилдаги мақолнинг таркибида учрайдиган градуонимларнинг эквиваленти иккинчи тилдаги мақолларнинг таркибида камдан-кам ҳолатларда учрайди, яъни ҳар икки тилдаги паремиологик структураларда ҳам қўзга ташланадиган *fool – wise* ва *нодон – доно, father – son* ва *ота – ўғил, one – a thousand* ва *бир – минг* каби ўзаро муқобил бўладиган градуонимларнинг миқдори кўп эмас. Бу ҳолат мазкур икки халқ тилида бор бўлган мақоллар таркибидаги градуонимик муносабатларнинг ички турлари орасидаги миқдорий фарқда ҳам кўринади: инглиз тилида жами 93 та (шундан 56 та ўсувчи, 33 та камаювчи, 4 та аралаш) миқдорни англатувчи градуонимик муносабатларга эга мақоллар аниқланган бўлса, ўзбек тилида жами 280 та (шундан 177 та ўсувчи, 90 та камаювчи, 13 та аралаш) миқдорни англатувчи градуонимик муносабатларга эга мақоллар ўрганилди ва икки тилли луғат [3] га киритилди. Ўрганилган икки тилдаги миқдорни англатувчи градуонимик муносабатларга эга мақоллар миқдоридаги бундай кескин фарқ ўзбек тили мазкур турдаги градуонимияга эга мақолларга бой эканлиги ва ушбу тилда бундай таркибли мақолларнинг фаол қўлланилишини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Монография. – Т.: Фан, 1995. – 132 б.
2. Джумабаева Ж.Ш. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия. Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Т., 2016. – 54 б.
3. Abdullayeva N.E. Dictionary of English and Uzbek National Proverbs Containing Graduonyms/Graduonim komponentli ingliz va o'zbek xalq maqollari lug'ati. – Т.: Nurafshon Business, 2019. – 448 б.

УЎК 808.5

ЎЗБЕК ТИЛИДА ДУНЁНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАСВИРИДА “ДЎСТЛИК”

ТУШУНЧАСИНИНГ ВЕРБАЛИЗАЦИЯСИ

Н.Ё. Абдуназарова, эркин тадқиқотчи, Қўқон Давлат Педагогика Институтини, Қўқон

Аннотация. Мақолада “дўстлик” тушунчасини жамият маданиятида тутган ўрни, ўзбек тилидаги “дўстлик” тушунчасининг келиб чиқиши ва унинг ривожланиши тарихи,

ижтимоий тармоқлар, жамоалар ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишига бўлган таъсири каби омиллар атрофлича ёритиб берилган.

Калим сўзлар: концепт, дўстлик, парадигма, дунёнинг концептуал тасвири, дунё тасвири, дунё модели, лингвистик тасвир, ядро, периферия.

Аннотация. В статье рассматривается роль концепта «дружба» в культуре общества, происхождение концепта «дружба» в узбекском языке и его история развития, социальные сети, его влияние на развитие отношений между сообществами.

Ключевые слова: концепт, дружба, парадигма, концептуальный образ мира, образ мира, модель мира, языковой образ, ядро, периферия.

Abstract. The article describes in detail the role of the concept of “friendship” in the culture of society, the origin of the concept of “friendship” in Uzbek and its history of development, social networks, its impact on the development of relations between communities.

Key words: concept, friendship, paradigm, conceptual image of the world, world image, world model, linguistic image, core, periphery

Замонавий тилшунослик ва когнитив тилшуносликнинг марказий тушунчаси дунёнинг лингвистик тасвири, яъни дунёнинг тилда ва тил орқали акс этишидир. Турли тилларда сўзлашувчилар дунёни бошқача тил кийёфасидан кўришади [2; 31-б]. Кўп сўзлар сингари, ўзбек тилидаги “дўстлик” лексемаси ҳам бир неча маънога эга. Бу лексема форс тилидан кириб келган бўлиб, ўртоқ, дўст, ёр, ошно, маҳбуб, севимли шахс маъносини эга бўлган тушунчадир [1; 336-б].

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” луғатида “дўстлик” сўзининг тўртта маъноси берилган бўлиб, уларнинг иккитасида тўғридан-тўғри маънода, ўртоқ сифатида ишлатилади; қарашлари, руҳи ва иши, яқин танишлиги, дўсти билан боғлиқ бўлган икки ёки ундан ортиқ одам, ошно) [1; 336-б].

Масалан: “Дўст сафарда билинар, ога-уни кулфатда”; «Бемехр қариндошдан, меҳрибон дўст яхши».

Бошқа иккита маънода “дўстлик” манзил шакли сифатида берилган:

“- Хўш, тақсир нега хомушсиз? - э, азиз дўстим, сал қийналиброқ қолдим «(Н.Сафаров, «Хаёт мактаби») ёки Аллоҳга мурожаат: “Ҳар замон яқин -йироқдан гадоё товушлари эшитиларди: “-Ҳей дўст, шайдулло, баноми олло, садақа радди балло, бақавли расули худо”. (А. Қаххор, «Бемор»)

“Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғатида” “дўстлик” лексемаси фақат учинчи маъноси юқорида кўриб ўтилган луғатдаги маъно билан бирга тўғри келади, ва қуйидагича берилади. Биринчи маънода “дўстлик” бир-бирини ҳурмат қилиш, қалби яқин, дўстона» деб изоҳланади [1; 336-б]. Иккинчи маънода, у тарафдор, ҳомий сифатида берилган (тарафдор, ҳомий): «Дўст ҳамшиша қалқон бўлади».

Шундай қилиб, ўзбек тилининг иккита изоҳли луғати мисолида, “дўстлик” тушунчаси ўзбек тилининг кўп қиррали ва ёрқинлигини тасдиқлайдиган бир нечта маъно ва уюшмаларга эга эканлиги маълум бўлди. Кўриб чиқилган луғатларда ва одамлар орасида “дўстлик” тушунчаси асосан ижобий томондан, дўстлик, муҳаббат, яқинлик ва ҳоказолар маъносида ишлатилади. Машҳур ўзбек шоири Эркин Воҳидовнинг «Дўст билан обод уйинг» шеъри ўзбек халқининг дўстига муносабатини очиқ беради. Биринчи тўртликда шоир ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, қалбининг очиқлиги, муаллиф бу парчада уйнинг фаровонлиги, оила ўчоғи сизнинг дўстингиз бор ёки йўқлигига боғлиқлигини кўрсатади:

Дўст билан обод уйинг Гар бўлса у вайрона ҳам, Дўст қадам қоймас эса, вайронадир кошоно ҳам.

Эркин Воҳидов кейинги сатрларда инсоннинг қувончи ва шодлиги яхши дўстига боғлиқлигини ёзади, муаллиф услубий услуб - метафорадан фойдаланади, у орқали “дўстлик” тушунчасини аниқлаб беради ва яхши дўстликни қадрли билан таққослайди. тошлар (марварид):

Яхши дўстлар даврасида очиларсан ҳар замон Кўркни шода ичра топгай Марварид дурдона ҳам.

Бу шеърда муаллифдан дўст ёки севган одам учун нима қимматроқ деган савол туғилади, муаллиф синонимлардан фойдаланиб, дўстини севганига тенглаштиради, яъни муаллиф ўзбек халқининг менталитетини аниқ ифодалайди, унинг қалбининг кенглигини ифодалайди:

*Шундай қилиб, урма мендан, ким дилоро,
Дўстим ё жонона деб, Дўстим менинг кўнглимдадир,
Жонимдадир жонона ҳам.*

Муаллиф ўқувчиларга дўст излашга маслаҳат беради, улар ҳеч қачон етарли эмас, чунки битта душман, ҳатто юз минг дўсти бўлса ҳам, ҳаётни қорайтириб юборади:

*Дўст қидирувчи, дўст топ дунёда,
Дўстуз минг бўлса оз,
Кўп эрур бисёр душман бўлса у бир дона ҳам.*

Муаллиф, шунингдек, ҳамма нарсага шубҳа билан қарашнинг ҳожати йўқлигини таъкидлайди, чунки одамлар ҳаддан ташқари дўстона муносабатда бўлишлари мумкин, лекин аслида душманлик фикрлари бор: *Ким сенга ҳамроз эмасдир, боғараз деб ўйлама,*

Гоҳи душманлик қилурлар қўл сиқиб дўстона ҳам.

Бу сатрлар билан муаллиф дўст танлашда эҳтиёт бўлишни, лекин айни пайтда ҳаммадан кўркмасликни, ҳушёр бўлишни огоҳлантиради.

Бу ажойиб, ибратли шеърнинг охириги тўртинчи қисмида муаллиф ўзбек ғазаллари урф-одати бўйича учинчи шахсда ўз исмини ишлатиб, ҳақиқий дўст йўқлигидан афсусланмаслик, хушмуомала бўлиш кераклигини маслаҳат беради. ва ҳатто нотаниш одам ҳам яқин дўстга айланиши мумкин:

*Дўсти содиқ ёқ экан деб, Ўртаниб куйинма ва лек,
Меҳр уйинг кенг очсанг, эркин дўст бўлур бегона ҳам.*

«Дўст билан обод уйинг» шеърда муаллиф жуда ранг -баранг ва ранг -баранг таққослаш, метафора ва мурожаатлардан фойдаланади, бу эса бу асарни ўқувчи учун осон ва тушунарли қилади. Бу шеър ҳам ибратли нуқтаи назардан қимматлидир. Муаллиф ўз маҳоратини нафақат лингвистик фазилатлар орқали, балки унинг маданияти, турмуш тарзи, ўз халқининг ахлоқини кўрсатиш қобилияти орқали ҳам намоеён этади. Бу шеър билан биз «дўстлик» тушунчасини ҳис -туйғуларни ифодалаш учун муҳим тушунчалардан бири сифатида тавсифлай оламиз. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, «дўстлик» тушунчаси фаровонлик, самимийлик, садоқат, ғамхўрлик каби маъноларга эга.

Ўзбек паремияларида одамларнинг *дўст* (*дўстлик*) ҳақидаги ғоялари қандай акс этиши ва семантик доминантлар ва уларни «дўст» тушунчаси билан паремияларда ифодалаш усуллари қандай акс эттириши кўриб чиқайлик. Агар биз ўзбек халқи ҳақида гапирадиган бўлсак, демак, биз кўп яшаган ва дунёни кўрган бир донишмандни ёки кекса одамни ифодалаймиз. Ўзбек халқи куйидаги халқ донолиги билан машҳур: «*Оталар сўзи ақлнинг кўзи*»

Биринчидан, мақолнинг моҳияти шундаки, ким катта бўлса, у катта тажрибага эга ва у доно ҳисобланади. Иккинчидан, бу нафақат ота -оналарга, балки қарияларга ҳам тегишли, улар ўзбек халқининг ижобий ва ўзига хос хусусиятлари сифатида уларга ҳурмат билан муносабатда бўлишади. Мақол ва мақолларнинг менталитетни очишнинг муҳим шартларидан бири сифатида қаралиши бу мисолда аниқ ифодаланган.

Ўзбек халқининг шахсий қадриятлари тизимида севги каби дўстлик асосий ўринни эгаллайди. «Дўст ҳар қандай моддий бойликдан кўра қадрлироқ» семантик доминанти кўплаб мақол ва мақолларда амалга оширилади:

*Дўстлик ҳамма бойликдан афзал;
Юз сўминг бўлмасин, юзта дўстинг бўлсин;
Дўст бошга боқар, душман оёққа;
Дўст ҳисоби дилда;
Дўстнинг дили бебаҳо тортиқ.*

Дўст билан мулоқот одамга ишонч бағишлайди, мамнуният келтиради, унинг дунё ҳақидаги тасаввурини, дунёқарашини ўзгартиради, буни «овқат ейиш пайтида таъмни» акс эттирувчи мақоллар тасдиқлайди:

Дўстсиз бошим-тузсиз ошим.

Дўстлик тушунчасининг семантик гуруҳларини юқори миқдорда тўлдириш ва илмий онг парадигмасига кирмайдиган паремиологик хусусиятларнинг актуализацияси мавжуд бўлиб, уларнинг наздида дўстлик халқ донолиги, миллатнинг жамоавий тажрибаси билан белгиланади. Дўстлик концепциясида ўзбек халқи онгида ишончли идеалга интилишни ўзида мужассам этган руҳият мавжуд бўлиб, дунёнинг лингвистик манзарасида «севги», «яхшилиқ», тушунчалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Hozirgi o'zbek tili faol so'zlarining izohli lug'ati. - A. Hojiev, A. Nurmonov, S. Zaynobiddinov va boshqalar. T.: «Sharq», 2001. - 336 b.
2. Фрумкина Р. М. Концептуальный анализ с точки зрения лингвиста и психолога // НТИ, 1992. - Сер. 2, № 3, С.31

УЎК 808.5

ТИЛШУНОСЛИҚДА ЎЗЛАШМА СЎЗЛАР ҚАТЛАМИ ВА МУҚОБИЛСИЗ ЛЕКСИКА

М. Абдурахманов, катта ўқитувчи, Наманган Давлат Университети, Наманган

Аннотация. Мазкур мақолада ўзлашма сўзлар қатлами ва муқобилсиз лексика ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: ўзлашма сўз, неологизм, тил, маданият, реалия, адабиёт

Аннотация. В статье рассматриваются заимствованные слова и неэквивалентная лексика.

Ключевые слова: заимствования, неологизм, язык, культура, реалии, литература.

Abstract. This article deals with borrowed words and non-equivalent lexics.

Keywords: borrowed words, neologism, language, culture, realia, literature

Лексика тилнинг энг тез ўзгарувчан сатҳи сифатида доимий ривожланишда. Ана шу ривожланиш, албатта, халқ ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий, маданий – маърифий тараққиёт, мамлакатлараро иқтисодий алоқалар, фан ва техниканинг тадрижи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, кўп ҳолларда янги лексемаларнинг пайдо бўлишида ўз ифодасини топади. Неологизмларнинг катта қисми тилда ўзлашмалар ҳисобига тўғри келади. Ўзлашма сўзлар қатламида бир тил луғатини чет эл реалиялари ҳисобига тўлдириш икки халқ ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ва халқлар ҳаётидаги сиёсий ва тарихий воқеаларга боғлиқ. Баъзан бу ҳаётдаги ижтимоий ўзгаришлар ёки жамият манфаатлари билан боғлиқ бўлган адабиёт ва маданиятнинг янги тенденциялари билан боғлиқ. Шуни таъкидлаш керакки, бир тилнинг бошқа тилга муқобилсиз лексикани қабул қилиш билан бир қаторда, умуман олганда, ўзлаштиришлар катта қисмини олади. Масалан, қуйидаги тарихий даврлар ўзбек тили ва маданиятида сезиларли из қолдирди:

1. VII аср охирида VIII аср бошида Ўрта Осиёнинг араблар томонидан босиб олинishi. Ислон ва ибодат билан боғлиқ қадимий араб, араб реалияларларининг кириб келиши.

2. Мўғул истибдоди: мўғулларнинг ижтимоий-сиёсий ва кундалик реалиялари.

3. Марказий Осиёни Россия томонидан босиб олинishi, рус реалияларининг кириб келиши;

4. Ўзбек тилига рус тили орқали ўзлашган Ғарбий Европа реалиялари

5. Мустақилликдан сўнг ўзбек тилига тўғридан тўғри ўзлашган муқобилсиз лексика.

Илмий адабиётларни таҳлил қилиш бир тилнинг муқобилсиз лексикасини бошқа тилга кириб боришининг бир неча усулларини аниқлашга имкон берди:

1) адабий асарларни бир тилдан бошқасига таржима қилиш;

2) оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение, интернет, матбуот);

3) чет эл ёзувчи - таржимонлар томонидан она тилида мавжуд бўлмаган муқобилсиз лексикасининг ишлатилиши.

Рус реалияларлари ўзбек тилига бегона, шунинг учун уларнинг С. Влахов ва С. Флоринлар томонидан амалга оширилган таснифини эсга олиш лозим:

1) таниш бўлган - бу қабул қилган тилнинг сўз бойлигига аллақачон кириб келган реалиялар;

2) бошқа тилдан ушбу тилнинг сўз бойлигига ҳали кирмаган нотаниш реалиялар;

3) турли даврларда маълум бир тилга сакраш тарзида тушадиган модалари (расм бўлган) реалиялар. Ўзга реалияларнинг ушбу гуруҳига мода (расм) сифатида бир тилдан иккинчи тилга сакраб ўтадиган, узоқ вақт мавжуд бўлмаган ва замондошларнинг ёдидан ўчадиган сўзларни киритишади (масалан, шпилкалар, танкеткалар, платформа ва бошқалар) [1; 340-б].

Шуни таъкидлаш керакки, луғатларда берилган кўплаб муқобилсиз лексика ўзбекларнинг фаол лексиконига киритилмаган. Боршч, бочка, сарафан, котлет ва бошқа шу каби кундалик ҳаёт, маданият билан боғлиқ сўзлар ўзбек тилининг сўзлашув услубига фаол кириб келган.

Ўзбек ёзувчилари ва таржимонлари таржима қилган насрлари ва шеърый асарларида муқобилсиз лексикани ишлатиб, адабий тилга янги тушунчалар ва лексемаларни киритади.

Кўп ҳолларда, инглиз ва рус ёзувчилари асарларининг таржимонлари ҳам муқобилсиз лексикани ҳеч қандай изоҳлашсиз ишлатадилар.

Аммо таржимон ёки муаллиф томонидан асл тилидаги асарга биринчи марта киритилган сўзлар ҳам мавжуд. Масалан, Абдулла Қодирий ўз асарларида кўпгина реалияларидан фойдаланади ва ушбу асарларни ўқиб бўлгач муқобилсиз лексикани англашимиз мумкин.

Агар бадий адабиёт орқали ўзбек тилига барқарор кириб келган ўша инглиз ёки рус реалиялари ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало муқобилсиз лексиканинг кириб келишининг асосий усуллари ва йўллари таъкидлаш керак.

Таржималарда мавжуд бўлган муқобилсиз лексиканинг кириб келиш имкониятлари, бизнинг фикримизча, учта ҳолатда намоён бўлади: 1) транслитерация (тўлиқ ёки қисман), реалияларни англатувчи маълум бир сўзнинг тўғридан-тўғри ишлатилиши ёки унинг илдизи ўз тилини ҳарфлари билан ёзишда ёки ўз тилини қўшимчалари билан биргаликда. 2) тилда аллақачон мавжуд бўлган элементлар ва морфологик муносабатлар асосида мос келадиган объектни белгилаш учун янги сўз ёки мураккаб сўз ёки иборани яратиш; 3) чет тили реалиясига яқин (бир хил бўлмаса ҳам) функцияни англатадиган сўзни ишлатиш - контекстда аниқланган ва баъзан тавсиф билан чегараланган тахминий таржималардир.

Шундай қилиб, амалий маънода, таржима ва транскрипцияни антипод деб ҳисоблаш керак.

Транскрипция ҳақида С. Влахов ва С. Флорин қайд этишича, "Реалиялар транскрипцияси реалияларнинг механик равишда манба тилидан таржима тилига ўтишини назарда тутди [1; 88-б]. Масалан, немис тилидаги "морген" ер ўлчови русча "морген"га тўғри келади. Бундан ташқари, таржимада бир нечта усуллар мавжуд:

Неологизмни жорий этиш: а) калька (бошқа тилдаги тақлидан ясалган сўз ёки ибора), "сўз ёки сўз бирикмасини сўзма-сўз таржима қилиш орқали ўзлаштириш"; б) ярим калькалар - қисман ўзлаштиришнинг бир тури, шунингдек, янги сўзлар ёки барқарор (турғун) сўз бирикмалар, шунингдек, "қисман ўз материалларидан ва қисман чет тилидаги сўзлардан иборат" [2;110-б] с) ўзлаштириш, соддалаштириш, - чет тили реалияларини мослаштириш, яъни чет тили материали асосида она тилидаги кўринишини бериш; шундай қилиб, д) "семантик неологизм" деб биз шартли равишда янги сўз ёки иборани таржимон томонидан "тузилган" деб атаймиз ва у реалияларнинг семантик мазмунини етказишга имкон беради.

Тахминий таржима: а) хили ва тури бўйича алмаштириш тамойиллари; б) функционал муқобили; с) тавсиф, тушунтириш, изоҳлаш.

"Контекстли таржима" одатда "луғат таржимаси" билан қарама-қарши бўлиб, луғатда келтирилган сўзлардан фарқли ўлароқ, сўзнинг контекстда мос келмаслигини кўрсатади [1;92-

б].

Ушбу бўлимда биз инглиз, рус адабиёти асарларини талқин қилишда таржимонлар томонидан муқобилсиз лексикани ўзбек тилига қандай бериш усулларидадан фойдаланилганлигини аниқлашга ҳаракат қиламиз. А. В. Фёдоровнинг муқобилсиз лексикани етказиш назариясига риоя қилган [1;130-б] ҳолда шунини айтишимиз мумкинки, трансляция ва чет тилидаги реалияларга яқин функцияни англатадиган сўзни ишлатиш билан кўплаб реалиялар таржима қилинган.

Шунини таъкидлаш керакки, бадиий адабиётни таржима қилишда транслитерация муқобилсиз лексикани беришнинг барча усулларидадан устун туради. Муқобилсиз лексикани таҳлил қилишда биз инглиз, рус ёзувчилари асарларининг ўзбек тилидаги таржималарига асосландик.

Масалан, ўзбек тилига дунёнинг бошқа тилларидан кириб келган матбуотда қуйидаги сўзлар қайд этилган; интернет, сенат, экология, Ўзгидромет, сектор, фильм, спектакль, гидрометеорология, вегетация, вирус, миллион, интеграциялашган, завод, конструкция, конструктор, бюро, дизайнер, технолог, металлург, фракция, партия, туризм, платформа, шахмат, турнир, онлайн, тренер, губернатор, июль, делегация, гектар, тонна, тоmat, цех, минерал, Бундестаг, парламент, брифинг, банк, лицензия, мониторинг, предмет, орган, телевидение, радио, плакат, буклет, магистр, лицей, коллеж ва шу кабилар.

Шундай қилиб, муқобилсиз лексика инглиз ва бошқа тиллардан ўзбек тилига фан-техника тараққиёти, маданий алоқалар сабабли XIX аср охиридан бошлаб кириб келишни бошлади. Бу ҳолатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун вақтли матбуот ҳам катта таъсир ўтказди. Мана шу материаллар бўйича замонавий лингвистик таълимот асосида ўрганиш "муқобилсиз лексика" тушунчасини, унинг таркиби ва сонини аниқлаштиришга имкон берди.

Бизнингча муқобилсиз лексика ноёб тарихий шахслар, ҳодисалар, уй-рўзғор буюмлари ва бир хил лингвистик ва ижтимоий-маданий жамоага тегишли бўлган айрим кишиларнинг маданиятларини ифодаловчи ва бошқа тилда (таққосланган тилларнинг бирида) тўлиқ ёки қисман муқобилларга эга бўлмаган муайян бир тилнинг лексик бирликларидир.

Муқобилсиз лексиканинг семантик структурасини бошқа тилнинг бирор лексик тушунчалари билан таққослаш мумкин эмас. Муқобилсиз лексиканинг ўзига хос хусусияти унинг бошқа тилларга аниқ мувофиқ таржима қилинмаслигида намоён бўлади.

Муқобилсиз лексика асосини бир неча тилларнинг қиёсий режасида битта тил ва маданиятга хос бўлган лингвистик ва экстралингвистик далиллар, яъни реалиялар ташкил этади. Таржима қилинадиган тил ҳаёти, маданияти, мамлакат тарихи, унинг қаҳрамонлари, урф-одатлари ва удумларига оид ҳақиқий далиллар реалиялар сифатида қаралади.

Бир тилнинг бошқаси ҳисобига тўлдирилиши халқлар ҳаётидаги сиёсий ва тарихий воқеаларга қараб юз беради, бу эса ўзбек тилига чет тилларидан муқобилсиз лексиканинг кириб келишининг асосий сабабларидан бири саналади.

Матбуот, бадиий адабиёт материалларини ўрганиб чиқиб, бир тилнинг муқобилсиз бўлмаган лексиканинг бир-бирига кириб келишининг бир неча йўллари ажратиш мумкин деган хулосага келдик: а) адабий асарларнинг бадиий таржимаси орқали; б) оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение, матбуот) орқали; в) чет тилидаги ёзувчи-таржимонлар томонидан она тилида бўлмаган муқобилсиз лексикадан фойдаланиши.

Ўзбек тилига ўзлашган муқобилсиз лексиканинг ўзбек тилининг янги изоҳли луғатида берилишини ўргандик.

Турли тадқиқотчилар муқобилсиз лексикани бошқа тилда беришнинг бир неча усуллари таклиф қилишган. Муқобилсиз лексикани бошқа тилга беришнинг қуйидаги усуллари таклиф қиладиган олимларнинг фикрига қўшиламиз: а) транслитерация, б) яқин нарсани билдирадиган сўздан фойдаланиш (бир хил бўлмасада) в) янги сўз ёки мураккаб сўз яратиш ёки белгилаш учун ибора тилда аллақачон мавжуд бўлган элементлар ва морфологик муносабатлар асосидаги тегишли нарса (тушунча).

Замонавий фан – техника, интернет ривожланган шароитда чет тилларидан муқобилсиз лексиканинг аксарияти ўзбек тилига бевосита ҳамда билвосита бадиий адабиёт ва оммавий

ахборот воситалари орқали кириб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Влахов С., Флорин С, Непереводимое в переводе. М.: Международные отношения, . 1980,
2. Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. М.: Просвещение, 1985
3. Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981.

УЎК 37.02

ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИДА ИНСОН ХУЛҚ-АТВОРИНИНГ ИФОДА ЭТИЛИШИ

Х.Р. Алимухаммедова, ўқитувчи, Тошкент Ахборот Технологиялар Университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақола оламнинг лисоний манзарасида инсон хулқ-атворининг ифода этилишига бағишланган. Шунингдек, таҳлил қилиш давомида лексик бирликларнинг мажозий маъноси ҳам кўриб чиқилди.

Калит сўзлар: дунёнинг лингвистик тасвири, маданий тушунчалар, инсон “хулқ – атвори” концепти.

Аннотация. Данная статья посвящена рассмотрению культурного концепта "Поведение человека" в английской языковой куртине мира. Для анализа нами выбраны лексические единицы в их образно-ассоциативном, метафорическом значении.

Ключевые слова: языковая картина мира, культурные концепты, "Поведение человека".

Abstract. This article is devoted to the consideration of the cultural concept "Human Behavior" in the English language curtain of the world. For the analysis, we have selected lexical units in their figurative-associative, metaphorical meaning.

Key words: linguistic picture of the world, cultural concepts, "Human Behavior".

Инсон нафақат шахс, балки биологик организмдир. Ва ҳар қандай биологик организм сингари, у хатти -ҳаракатларнинг биологик стимулига эга. [1].

Хулқ-атвор фанларининг илдизлари қадим замонларга бориб тақалади. Фалсафий тафаккур тарихининг дастлабки босқичларида, ахлоқнинг моҳияти ва унинг илдизлари муаммоси, биринчи навбатда, одамларнинг хулқ -атворини нима белгилайди, деган саволни ҳал қилишга уринишган.

Ахлоқий ҳақиқатни излаш Сукротни инсон ҳаёти учун муҳим бўлган бир қатор хулосаларга олиб келди. Биринчидан, ахлоқ (ахлоқий хулқ -атвор) ҳар қандай ишнинг инсонийлигининг ўлчовидир, чунки инсон қилган ишидан кўра яхшироқ ва муҳимроқ эканлиги тан олинган. Яхши хулқ-атвор қонунлари инсон қалбига хосдир. Уларнинг билимлари яхшиликка эришишнинг табиий шартидир. Ўзининг ёмон ва яхши хулқ-атвор механизмларини ўрганиб, ўз қалбининг пойдеворида яхшиликни кашф этганда, одам хатолардан (жоҳилликдан) қутулади ва ҳақиқатан ҳам фазилатли бўлади [5].

Инсон фаолияти ва хулқ-атвори мураккаб тизимдир. Хулқ -атвор "ташқи ҳаракатлар" билан чегараланиб қолмайди, балки одамнинг позициясини очиб беради. Онгли хулқ-атвор - бу доимий ўзгариб турадиган идрок соҳасига бир қатор мослашувлар натижасида ривожланадиган нарсадир. Инсон хулқ -атворининг ижтимоий ўзига хослиги шундаки, у одамнинг ички ҳолатини унинг атрофидаги дунёга нисбатан ҳаракатларга айланиши билан намоён бўлади [6].

Замонавий илм-фан турли фанлардан, айниқса, тегишли фанлардан олинган билимларни бирлаштириш истаги билан тавсифланади. Бундай маълумотлар ва кузатувлардан тилшунослар фойдаланадилар. Ўз навбатида, хулқ-атвор каби муҳим тоифадаги фикрни тўлдириш учун кузатувлар ва лингвистик маълумотлар зарур. Ўтган асрда когнитив фан пайдо бўлганидан бери, хатти-ҳаракатлар табиий фанлар, биология фанлари нуктаи назаридан ҳам, гуманитар фанлар нуктаи назаридан ҳам алоҳида қизиқиш мавзусига айланди.

Ҳозирги даврда тилшунослик антропоцентрик сифатида тавсифланади. Тадқиқотнинг асосий объектларидан бири – лингвистик шахсиятдир. Лингвистик шахс – лингвистик

тадқиқотлар объекти сифатида маданий-лингвистик ва коммуникатив-фаоллик хусусиятларининг, хулқ-атвор реакцияларининг умумий тасвири, шунингдек билим, муносабат, кадриятларнинг маълум диапазони ҳисобланади.

Лингвистик шахс тузилишида кадриятлар алоҳида ўрин тутди. Кадриятлар маданиятнинг энг асосий хусусиятлари, одамларнинг хулқ-атворининг асосий кўрсатмалари бўлиб кўринади. Бундан ташқари, маънолар (тушунчалар) бўлаги бўлган ва маълум бир жамият ҳаётининг барча соҳаларига сингиб кетган жамият кадриятлари маданиятда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Кадриятга йўналтириш - бу унинг асосида у ёки бу этник маданият шаклланадиган материал.

Ҳар хил турдаги кадриятлар мавжуд (индивидуал, микрогруппа, макрогрупп, этник, умуминсоний ва бошқалар). Кадриятлар лингвистик нуқтаи назардан, тилда, яъни лексик ва фразеологик бирликларнинг маъноларида, паремиологик фондда, олдинги матнларда, одоб-ахлоқ формулаларида ва бошқаларда қайд этилган ҳодисалар энг қизиқарлиси сифатида эътироф этилади [2]. Тилдаги кадриятларни ҳар томонлама тушуниш учун дунёнинг лингвистик тасвири билан бирга объектив равишда мавжуд бўлган дунёнинг қиймат расмининг моделини таклиф қилиш мумкин (унинг бир жиҳати сифатида).

Кадриятлар бир қанча маъно ёки тушунчалар эканлигига асосланиб, тилда кадриятларни ўрганиш усули "концепт" тушунчасига асосланган. Концепцияларни турлича тушуниш мумкин:

- концепт – аклий шаклланишнинг бир тури сифатида [3];
- концепт – миллий анъана ва фолклор, дин ва мафкура каби омилларнинг ўзаро таъсирдан келиб чиқадиган амалий фалсафа тушунчаси сифатида [1];
- концепт – у ёки бу лингвистик шаклда объективлаштирилган коллектив онгда кўп ўлчовли маданий аҳамиятга эга социопсихик таълим сифатида.

Ушбу мақола "Инсон хулқ-атвори" маданий концепциясини кўриб чиқишга бағишланган. Маълумки, лексик номинация тадқиқотчига тушунча мазмунини очиш нуқтаи назардан катта имкониятлар беради. Шундан келиб чиқиб, биз уларнинг мажозий-ассоциатив, мажозий маъносида тадқиқот объекти сифатида лексик бирликларни (кейинги ўринларда ЛБ) танладик. Биз танлаган таҳлил учун материал замонавий инглиз тилидаги сўзларнинг бундай маъносини талқин қилишдир.

"Инсоннинг хулқ-атвори" концепциясининг минимал мазмуни" инсоннинг муайян вазиятга ёки одамларга нисбатан ҳаёт тарзи" сифатида ифодаланади.

Бу концепциянинг минимал мазмунини конкретлаштириш қуйидагича кўринади:

- 1) шахс характерининг хусусиятлари;
- 2) инсон ҳаракатлари, ишларининг хусусиятлари;
- 3) вазиятга муносабат;
- 4) бошқа одамларга бўлган муносабат.

"Инсоннинг хулқ -атвори" концепцияси модели рамка асосида қурилган бўлиб, унинг марказида шахсият хусусиятлари, ташқи кўриниши, индивидуал тарбия ва таълим даражасига эга бўлган шахс тасвири жойлашган. Инсон, муайян вазиятга тушиб қолганида, ўзига хос тарзда ўзига хос хулқ-атвори (характер хусусиятларига) ва ташқи шароитларига мувофиқ ҳаракат қилади. Шу билан бирга, одамнинг ҳаракатлари жамиятда ўрнатилган меъёрлар, қоидалар нуқтаи назардан "тўғри" бўлиши мумкин ва аксинча "нотўғри" бўлиши мумкин. Табиийки, одамнинг ҳар қандай хатти -ҳаракатлари бошқаларга маълум бир муносабатни, баҳолашни келтириб чиқаради, бу ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин. [4]

Инглиз тилида хулқ -атвор the way a person acts in general, esp. in relation to the situation they are in or the people they are with (Collins Cobuild Dictionary); manner of conducting oneself (Roget's Thesaurus).

Рожер инсон ўзини тутишнинг қуйидаги синонимларини ифодалайди:

Act action	convention course decency deed demeanour	ethics form guise	Mien	practice presence propriety ritual	seemliness style tact
---------------	--	-------------------------	------	---	-----------------------------

attitude conduct	code		habits management	mode morals nature performance	role	taste way
---------------------	------	--	----------------------	--------------------------------------	------	--------------

Компонентларни таҳлил қилиш усулини қўллаган ҳолда, биз бу сўзларнинг қуйидаги асосий семантик хусусиятларини ажратамиз:

- 1) ҳаракат (*act, action, deed*),
 - а) одатий ҳолга айланган одатларни ифода этувчи (*habits, nature, practice, style*),
 - б) муайян, махсус вазиятда содир бўлидиган (*conduct, course, mode, ritual, role, seemliness*),
- 2) шахс характерининг хусусиятларини ифода этувчи (*form, nature, style*),
- 3) ижтимоий ва ахлоқий жиҳатдан тўғри ҳаракатни ифода этувчи (*code, conduct, convention, decency, ethics, propriety, morals, tact*),
- 4) таассурот қолдириш учун (*attitude, demeanor, nature, performance*), ёки бошқа одамларни назорат қилиш учун бошқаларга муносабатни ифода этувчи (*management*),
- 5) алдамчи ҳаракатларни ифода этувчи (*guise*).

Маданий ахборот тилнинг номинатив бирликларида 4 хил тарзда тақдим этилиши мумкин:

- маданий семлар,
- маданий маълумот,
- маданий коннотация,
- маданий тушунчалар орқали.

Хулоса қилиб, олинган маълумотларни таҳлил қилиб, инглиз тилида сўзлашувчи маданиятнинг устувор қадриятлари қуйидагича деган хулосага келишимиз мумкин.

• инсон қўпол, одобсиз, жаҳлдор ёки аксинча, умуртқасиз, ифлос, очкўз бўлмаслиги керак.

• аксинча, агар инсон жонли, чаққон, иложи борича романтик, ақлли, осон юрадиган бўлса, хуш келибсиз.

• инсон дангаса бўлмаслиги, зерикмаслиги, ғазабланмаслиги, бошқаларни безовта қилмаслиги, ўйин -кулгини бузмаслиги, уларни ҳеч қандай алдамаслиги керак.

• инсон жамиятда қабул қилиниши учун у ичкиликбоз бўлмаслиги, жамоат тартибини бузмаслиги, ахлат ташламаслиги, аксинча, қонунга бўйсунуши ва муваффақиятли бўлиши керак.

Шундай қилиб, оламнинг лисоний манзарасида инсон хулқ-атворининг ифода этилиши нафақат ҳар бир алоҳида лингвистик шахсият учун, балки бутун лингвомаданий жамият учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Арутюнова, Н.Д. Кириш // Тилнинг мантикий таҳлили. Ақлий ҳаракатлар / Н.Д. Арутюнов. - М, 1993 йил.
2. Карасик, В.И. Тилдаги маданий доминантлар / В.И. Карасик // Тил шахсияти: маданий тушунчалар. - Волгоград, 1996 йил.
3. Лихачев, Д.С. Рус тили тушунчаси / Д.С. Лихачёв // Изв. РАС. Сер ёнди. ва тил. Т. 52. - 1993. - Но 1.
4. Ляпин, С.Х. Борлик маконидаги факт / С.Х. Ляпин - Архангелск, 1996 йил.
5. Огарев, Г. 50 золотых идей в философии [Электронный ресурс] / Г. Огарев // Синтон тренинг-центр. - Режим доступа: <https://syntone.ru/book/50-zolotyh-idej-v-filosofii>. – 12. 02.2013.
6. Унарова, Л. Д. Поведение человека: социально-философское осмысление / Л. Д. Унарова. – Москва: ИД "Академия естествознания", 2012. – 199 с
7. Тарханова, Т.В., Филиппенко, Э.А. Маънонинг ижтимоий-маданий компоненти билан инглизча-русча луғат луғати / Т.В. Тарханова, Э.А. Филиппенко - Челябинск, 2003 йил.

ФОЛЬКЛОР ТИЛИ ВА ФОЛЬКЛОР ФРАЗЕОЛОГИЯСИНИНГ МАНБАЛАРИ ВА ШАКЛЛАНИШИ

Х.Я.Ахмедов, ўқитувчи, Термиз давлат университети, Термиз

Аннотация. Ушбу мақолада фольклор тили ва фольклор фразеологиясининг шаклланиши, ўзбек тилишунослигида фольклор асарлар тилининг ўрганлиниши, шунингдек дoston тилида фразеологик бирликлари ва уларнинг ўзаро муносабати тасниф этилган.

Калит сўзлар: фольклор тили, фольклор фразеологиясининг шаклланиши ва ўрганилиниши, «Алпомиш» дostonи тили ўрганилиниши, дoston тилида фразеологик бирликларнинг грамматик таҳлили

Аннотация. Эта статья в этой статье является формирование фольклорного языка и фольклорной фразеологии. Изучение языка ритмических переговоров в нашей английской лингвистике. Фразеологические единицы и их взаимодействие также были классифицированы в эпосе.

Ключевые слова: Формирование и изучение фольклорного языка, фольклорной фразеологии, изучение языка дастан "Алпомиш", грамматический анализ фразеологических единиц в эпическом языке

Abstract. This article in this article is the formation of folklore language and folklore phraseology. Learning the language of rhythmic negotiations in our English linguistics. Phraseological units and their interaction have also been classified in epirus.

Key words: Formation and study of folklore language, folklore phraseology, learning the language of dastan "Alpamysh", grammatical analysis of phraseological units in the epic language

Инсониятнинг ибтидо бешиги бўлган, ҳар бир миллат, элат ва этник гуруҳнинг ўзига хос удумлари, анаъна ва маросимлари бор. Ана шу бой маданий мерос замонлар оша авлоддан авлодга ўтадиган, ўзининг мазмундорлиги, тарбиявийлиги, умрбоқийлиги билан кишиларда мақсадга интилиш, эътиқод, жамиятнинг эзгу ниятларини, қадимий анаъналарини ўзига мужассамлаштирганлиги учун ҳам халқнинг ижтимоий ҳаётига сингиб кетади. Инсон қадимдан атроф муҳитда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдирган. Бу муносабат, аввало, турли хатти-ҳаракатлар, овозлар, эҳтирослар воситасида амалга ошган. Кейинчалик ҳис-туйғуларни сўзлар, сўз йиғиндиси, рақслар ифодалаган. Яна кейинроқ одамлар ўзларича дунёнинг, табиатнинг, ҳайвонлар, ўсимликлар, тоғлар, сувларнинг пайдо бўлишини изоҳловчи тўқима ҳикоялар ўйлаб топадилар. Йигитлар, қизлар муҳаббат кўшиқларини тўқийдилар. Қабилла-уруғнинг мард ва жасур йигитлари ҳақида, уларнинг ғаройиб қаҳрамонликлари ҳақида афсона ва ривоятлар пайдо бўлади. Буларнинг ҳаммаси ҳали ёзув маданияти вужудга келмасдан олдин жамоа-жамоа бўлиб яшаётган аҳоли ўртасида шухрат топади. Бугунги кунда биз уларни “халқ оғзаки ижоди” яъний “Фольклор” деб аташга одатланганмиз Инсоният томонидан яратилган бебаҳо маданият дурдоналари энг аввало ҳар қайси миллатнинг фольклор санъатида мужассам бўлади[1]. Жаҳон маданий меросининг бу ўлмас асарлари бизга инсониятнинг наслу насаби, тарихий илдизлари, олижаноб идеаллари бир эканини, бинобарин, турли миллат ва элат вакилларининг келажак сари интилишлари ҳам муштарак эканини англатади. Айни вақтда ҳозирги глобаллашув даврида, тижорат воситасига айланган “оммавий маданият”, шоу-бизнеснинг салбий таъсири тобора кучайиб бораётган мураккаб замонда ҳар қандай миллий маданиятнинг булоғи бўлган фольклор санъатига эътибор ва қизиқиш, афсуски, сусайиб бораётгани ҳам сир эмас. Ҳолбуки, фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, бу – инсониятнинг болалик кўшиғидир[2]. Халқ оғзаки ижоди илмий атама сифатида фольклор деб юритилади. Бу атамани 1846 йилда инглиз олими Уильям Томс фанга олиб кирган бўлиб, унинг маъноси “Халқ донолиги ” деган тушунчадан иборат[3].

ФОЛЬКЛОР (инг. фолк — халқ, лоре — билим, донолик) — халқ ижодини ифодаловчи термин. 1880—90 йилларда «Фольклор» термини кўплаб мамлакатларда, жумладан, Россияда ҳам қўллана бошлаган. Ўзбекистонда дастлаб, «оғзаки адабиёт»,

«оғиз адабиёти» атамалари қўлланган. «Фольклор» термини 30-й. ларнинг ўрталаридан ишлатила бошлаган. 1939 й. да Ҳоди Зарифнинг «Ўзбек фольклори» хрестоматияси нашр этилгач, бу термин ўзбек фольклоршунослигида мустақкам ўрин олди[4]. Истеъдотли фольклоршунос олим профессор Жаббор Эшонкул таъкидлаганидек “Халқ оғзаки ижод халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажagini ўзида ифода этувчи, унинг тақдири билан чамбарчас боғлиқ ижодий жараёндир. Шунинг учун ҳам алломаларимиз уни эл адабиёти деб атаган. Бирор бир халқнинг қандай халқ эканлигини билиш учун даставвал унинг фольклорига назар солиш лозим бўлади[5]”.

Фолклор асарлар халқ ўтмиши, тафаккури, ҳаёт тарзи, маданияти ва бошқа ижтимоий жараёнларни ўзида акс эттирувчи ишончли манбадир. Таъбиийки, мана шу халқ оғзаки ижоди махсули саналган дostonлар (оғзаки ва ёзма)да этноснинг узок тарихий тараққиёт жараёнида ўзгаришларга юз тутган тил бирликлари асл ҳолича акс этади. Бу нутқдаги эркин бирикмалар қаторида тил эгасининг тасавури ва тафаккури махсули бўлган турғун бирикма (фразеологизм, афоризм, мақол ва матал)ларни семантик, лингвокултурологик, грамматик таҳлил қилиш имконини беради.

Шундай экан ҳар бир адабий тилнинг ҳозирги ҳолатини тўғри белгилаш, унинг тараққиёт йўлини аниқлашда фольклор тилини пухта ўрганиш, адабий тилда фольклор тилининг ўрнини аниқроқ белгилаш ва унинг алоҳида лингвистик хусусиятларига эгаллигини кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек фольклор асарларининг тил хусусиятларини ўрганиш, ҳозирги тил бирликлари билан чоғиштириб текшириш ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларидан биридир. Ҳозирда ўзбек тилшунослигида фольклор тили масалалари билан шуғулланувчи етук олимлар мавжуд[6].

Ўзбек тилшунослигида халқ дostonлари лексикасининг функционал-услубий, қиёсий-тарихий, лексик-семантик, лингвопоэтик, лингвостилистик, лингвостатистик, ономастик белгилари[7], хусусан, «Алпомиш» дostonининг лексик-стилистик ва концептуал хусусиятлари маълум даражада тадқиқ этилган[8].

Рус ва русийзабон халқлар тилшунослигида фолклор асарлар тилини ўрганиш ХХ асрнинг ўрталаридан бошланди. Хусусан, П.Г.Богатирёв, И.А.Осоветский, А.П.Евгенъева, Ж.Байзаков, И.С.Брагинский, М.Н.Богданова, Л.И.Климович, Н.В.Кидайш-Покровская, Д.Мамедкулиев, С.Г.Мехтиева, Р.А.Бейбутова, А.К.Боровков, Л.М.Пешковский, Б.М.Жирмунский, ўзбек тилшуносларидан Ш.Шоабдурахмонов, Р.Эгамбердиев, Ҳ.Маҳмудов, Д.Абдурахмонов А.Раҳимов, Ш.Маҳмадиев, З.Холмонова, Р.Расулов, С.Турсунов ва бошқа бир қатор олимларнинг илмий тадқиқотларини алоҳида эътироф этиш лозим.

Фольклор тилини бадиий услубий жиҳатдан таҳлил қилиш, фольклор тилининг ўзига хос томонларини ёритиш, фольклор лексикаси кўламини аниқлаш, асосан, 50-йиллардан бошланди. Бу ўринда 1925-1945 йилларда нашр этилган халқ дostonларини лингвистик таҳлил қилишга йўналтирилган хизматларни алоҳида таъкидлаш зарур. 70 йилларга келиб халқ дostonлари тилининг лексик семантик, грамматик жиҳатлари талқин этила бошланди. Шу соҳадаги изланишлар Х.Абдурахмонов, А.Ишаев, Х.Дониёров тадқиқотларида акс этган[9]. Таъкидлаш керакки, мана шу илмий тадқиқотлар, жумладан, Ҳ.Зарифов ва бошқа бир қатор фолклоршунос олимлар халқ оғзаки ижодига тегишли дostonлар лексикаси, уларнинг лексик-семантик таркиби ва тил хусусиятларини ўрганди.

Ўзбек халқ оғзаки ижодига оид дostonларнинг тил хусусиятларини монографик планда илк бор Ш. Шоабдурахмонов ўрганган[10]. Тадқиқотчининг “Равшан” дostonининг бадиий тили ҳақида” (1949) мавзусидаги номзодлик диссертация ва қатор илмий ишларида дoston тилини соф лингвистик ва бадиий услубият нуқтаи назаридан ўрганилди. Шунингдек, тадқиқотда дoston тилига хос фонетик, луғавий, синтактик хусусиятларни очиб бериш билан бирга дostonдаги услубий қимматга эга бўлган воситаларни таҳлил қилади. Бу айниқса, дoston тилидаги баъзи товушларнинг, тасвирий воситаларнинг, шунингдек, эмоционал-экспрессив лексиканинг услубий бўёқдорлигини кўрсатиб беришга бағишланган ўринларда равшан намоён бўлади[11].

Достоннинг бадий-лисоний воситалари унинг бир неча мақолаларида ҳам қаламга олинган. Тадқиқот ишини учта қисмга ажратади. Биринчи қисмида халқ оғзаки ижоди тилини ўрганилишининг аҳамияти тўғрисида фикр юритади. Иккинчи, асосий қисмини эса достонда образли иборалар, тасвирий ва эмоциональ воситалар, бадий синтаксис, бадий фонетика деб аталувчи қисмларга ажратади. Учинчи қисмини достоннинг сўз бойлигини таҳлил қилишга бағишлайди.

Достон тили ва унинг лексик-семантик жиҳатлари А.Ишаев[12], Х.Дониёров тадқиқотларида янада ёрқинроқ акс этган.

Халқ достонлари тилини ўрганишда Б.Тўйчибоевнинг илмий тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга. Олим Фозил шоир куйлаган “Алпомиш” достони тили мисолида достон тилигагина хос ўхшатиш, эпитет, муболаға каби поетик кўчимларнинг ўзига хос жиҳатларини очиб беради.

XX асрнинг 60-йилларига келиб ўзбек тилшунослигида “фразеология” ёки “идиоматика” дея номланган алоҳида тилшунослик йўналиши шакллана бошлади. Ушбу соҳанинг шаклланишида машҳур тилшунос олим Э.Д.Поливановнинг назарий қарашлари пойдевор бўлди. Ўзбек тили фразеологик бирликларни биринчи бўлиб Ш.Раҳматуллаев бошлаб берди. Тилшуноснинг “Ҳозирги замон ўзбек тилидаги образли феъл фразеологик бирликларнинг асосий грамматик хусусиятлари” мавзуида ёзилган номзодлик диссертацияси ўзбек лингвистикасида фразеологик бирликларнинг назарий асосларини белгилаб олишда асосий манба бўла олди[13].

Ушбу тадқиқот таъсирида бир қатор номзодлик ишлари юзага келди. Я.Д.Пинхасовнинг “Ҳамид Олимжон асарларида фразеологик бирикмалар” (1953), А.Шомақсудовнинг “Муқимий сатирасининг тили” (лексика ва фразеология, 1956), М.Хусаиновнинг “Ёзувчи Ойдин прозасининг фразеологияси” (1959) мавзусидаги илмий тадқиқотлари маълум ижодкор асарлари тилида кўлланган турғун (фразеологик) бирикмаларнинг семантик-структур, этимологик хусусиятлари ўрганилган. Тилшунослигимизда яратилган фразеология соҳасига оид илк илмий ишларда рус тилшунослиги назариясига таянилган.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари, уларнинг поетикасида этноснинг тили ва унга хос миллий маданий анъаналари акси мужассам. Хусусан, тил эгаси тафаккурининг маҳсули саналган фразеологизмларнинг достонлардаги ифодасини ўрганиш унинг тил хусусиятини ўрганиш билан бир қаторда халқнинг этномаданий ҳаёти, тафаккури, ижтимоий муносабатлари, атроф-борлиқ ҳақидаги қарашларини тадқиқ қилишда муҳим аҳамиятга эга. Туркий халқлар, хусусан, ўзбек халқи тарихий этномаданий ҳаётини акс эттиришда “Алпомиш” достони муҳим рол ўйнайди. Туркологияда бир қанча туркий халқлар достоннинг тил хусусиятларини ўрганган. Ўзбек тилшунослигида “Алпомиш” достонининг тил хусусиятлари Р.Расулов ва С.Турсуновларнинг номзодлик диссертацияларида тадқиқ этилган бўлса, қозоқ тилшунослигида Ж.Байзақов бу муаммони ёритиб берган[14]. Академик Т.Мирзаев раҳбарлигида достоннинг изоҳли луғати ҳам яратилган. А.Абдиев қорақалпоқ тилидаги “Алпомиш” достони тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари (Хўкиз жирова варианты асосида)ни ўрганиб, номзодлик диссертациясини ёқлаган[15].

Д.А.Ашуровнинг “Алпомиш” достонининг лингвокултрологик хусусиятлари” номли диссертациясида асарда учрайдиган фразеологик ва паремиологик бирликларнинг лингвокултрологик таҳлили ҳақида фикр юритилади. Тадқиқотчи достондаги соматик фразеологизмлар, шунингдек, кўнгил, бағир узвли фраземаларга эътибор қаратади.

“Айнан соматик фразеологияда ҳар бир халқнинг кўп асрлик тажрибаси, турмуш тарзи, маданияти, маънавияти, урф-одатлари ва анъаналари ўз аксини топган бўлади” - дейди Ш.Усмонова. Шундан келиб чиқиб, “Алпомиш” достони вариантларида учрайдиган бош, пешана, кўз, бўйин, қулоқ, оғиз, бурун, тил узвли фраземалар мисолида инсонни борлиқ, оламни билиши, мавҳум нарсаларни моддийлаштиришда тана аъзолари қиёси муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланади. Соматик фразеологизмларнинг семантик қўлами, ибораларнинг ҳозирги кунда тилимизда қўлланадиган синонимияси таҳлил қилинган[16].

Тадқиқотчи “Алпомиш” достонида юзлаб фразеологик бирликларнинг қўлланганлиги миллат тилида ҳиссий-таъсирий бўёққа эга лексик бирликларга бўлган эҳтиёжнинг ниҳоятда юқорилигини, уларни лингвокултурологик жиҳатдан таҳлил қилиш, халқ тили билан қиёсан ўрганиш орқали тил эгаларининг миллий менталитети, маданияти, миллий қарашлари, тасаввурлари, ҳаётга муносабати каби масалаларни тадқиқ қилиш мумкинлигини таъкидлайди[17].

Ўзбек тилшунослигида халқ достонлари лексикаси услубий, лингвостатистик, лингвокултурологик жиҳатдан ўрганилган бўлса-да, достонларда учрайдиган фразеологик бирликлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари тўлиқ ўрганилмаган. Жумладан, тилшунослигимизда “Алпомиш” достонининг тил хусусиятларини ўрганишга қаратилган айрим тадқиқотлар мавжуд бўлса-да, достонда қўлланган фразеологик бирликларни тизимли тадқиқ этиш бугуннинг долзарб муаммолардан биридир[18].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдиев А.Т. Қорақалпоқ тилидаги “Алпомиш” достони тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари (Хўкиз жиров варианты асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Нукус, 2011. – 22 б.
2. Байзаков Ж. Лексические особенности казахского героического эпоса “Алпамыс”: Автореф.дисс. ... канд. филол.наук. – Алма-Ата, 1967. –19 с.
3. Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси.-Тошкент., фан, 1979
4. Д.Ўринбоева. Ўзбек халқ оғзаки достонлари тилининг лингвостатистик таҳлили(монаграфия) Самарқанд 2009.3 Б.
5. Usmonova Sh.R. O`zbek va turk tillarida somatik frazeologizmlar: Fil.fanlari nomz.diss. -Toshkent, 1998, 11-b.
6. Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлили): Филол. фан. док... дисс. – Тошкент, 2017, 17-б.
7. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. -М. 1947
8. Жирмунский В.М. “Сказание об Алпамыше” и богатырская сказка. – М.: Восточная литература, 1960.
9. Мирзаев Т., Эшонкул Ж., Фидокор С. “Алпомиш” достонининг изоҳли луғати. – Тошкент: Елмус-Пресс-медиа, 2007.
10. Ишаев А. Халқ досдонлари лексикасига оид кузатишлар//”Ўзбек тили ва адабиёти”, 1970, 5-сон.-Б.56-63
11. Расулов Р. Синтаксические связи между словами в дастане “Алпомиш”: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1975; Турсунов С. Лексические особенности дастана “Алпамыш”: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990.
12. Холмуродова Ж. Шимолий Хоразм достонлари лексикасининг функционал-услубий хусусиятлари: Филол.фанлари номзоди... дисс.-Тошкент, 2000.
13. Шоабдурахмонов Ш. “Равшан” достонининг бадий тили ҳақида: Филол. фанлари номзоди...дис. автореф.– Тошкент, 1949
- 14.http://turizm.kasaba.uz/uz/uzbek_legends_and_mythes/information_about_uzbek_national_heroic_epic_tale
15. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-f/folklor-uz/>
16. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-f/folklor-uz/>.
17. <https://ziyouz.uz/suhbatlar/jabbor-eshonqul-folklor-millatning-boqi-tarixi/>
- 18.http://turizm.kasaba.uz/uz/uzbek_legends_and_mythes/information_about_uzbek_national_heroic_epic_tale

УЎК 808.3

ЎЗБЕК АДАБИЁТИГА БИР НАЗАР

М.Х. Будикова, ўқитувчи, Андижон Давлат Тиббиёт Институтини, Андижон

Аннотация. Ушбу мақоламизда биз олмон олимаси Ингеборг Балдауфнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида фикр юритамиз. Ингеборг Балдауф хорижий шарқшуносларнинг энг кўзга кўринган вакиласи. У туркий халқлар тили, адабиёти ва маданияти масалалари билан ёлғиз ўзи шугилланибгина қолмай, балки университетда илмий мактаб яратган олима. Жаҳон халқларининг ўн бир тилини яхши билган олиманинг илмий фаолиятида ХХ аср ўзбек адабиётининг маърифатпарварлик даври ва анашу давр адабиёти намоёндаларининг ижодини қиёсий тадқиқ этиш устивор аҳамиятга эгадир.

Калит сўзлар: туркий тиллар, илмий мактаб, шарқшунослик, маданият, тарих, асар, урф-одат, миллийлик, таржима.

Аннотация. В этой статье описывается жизнь и творчество немецкой учёной

Ингеборг Балдауф, специалиста в области тюркских языков, которая не только изучала языки, литературу и культуру этих народов, но и создала научную школу в университете; приводятся положительные мнения специалистов о деятельности этой учёной.

Ключевые слова: *тюркские языки, научная школа, востоковедение, культура, история, творчество, традиции, национальность, перевод.*

Abstract. *Life and work of German scientist Ingeborg Baldauf, specialist in Turkish languages have been demonstrated in this article. She not only studied language, literature and culture of these peoples, but established scientific school at the university as well. Positive opinion of specialists on her activity has been given in this article.*

Key words: *Turkic languages, scientific school, oriental studies, culture, history, traditions, nationality, translation.*

Ўткан XX аср жаҳон таржимачилиги ва таржимашунослиги равнақида муҳим аҳамият касб этади. Халқаро таржимонлар федерацияси собиқ президенти Пйер-Франсуа Кайе таъкидлаганидек, "XX аср-таржима асри "бўлиб тарихга кирди. Аср бошидан жаҳон илму-фаннинг жадал тараққий этиши, адабиёт ва санъатда янги жанр ва методларнинг юзага келиши таржима амалиётига бўлган талаб ҳамда эҳтиёжни ошириб юборди. Даврнинг тезкор тараққиёти ва илм-фан равнақи ўларок, филология соҳасида таржимашунослик, деб ном олган янги фаннинг шаклланишига замин ҳозирлади. Бугунги кунга келиб, таржима дунё халқлари ўртасида уларни барча соҳаларда боғловчи алоқа воситаси ёхуд "дўстлик кўприги" га айланди.

Мустақиллик даври, яъни ўткан ўттиз бир йил ичида мамлакатимизнинг халқаро алоқалари жуғрофияси янада кенгайди, адабиётимиз ҳам истиқлол ва истиқбол йўлига кирди. Таржимон ва таржимашуносларимизнинг имконият доиралари кенгайди.

Жаҳон халқлари маданиятининг юксалишини адабий алоқаларсиз ҳамда мазкур жараённинг доимий ривожланишисиз тасаввур этиб бўлмайди. Демак, адабий алоқалар "Муайян бир адабиётнинг бошқа адабий оламга кириб бориши" экан, унинг худди ана шу ўзга адабий оламга кириб бориши таржима орқали амалга ошади. Зеро, бадиий таржима кеча ёки бугун бошланаётган вақтинчалик ходиса эмас, балки узоқ тарихга эга бўлган, даврлар ўтиши билан кенгайиб мустақамланган, чуқур илдиз отиб бораётган оламшумул адабий жараёндир. У жаҳон халқларининг маданият соҳасидаги ютуқларини бойитишга, тараққиётнинг юқори поғонасига кўтарилишига, турли халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини боғлашдек ишга хизмат қилади.

Бугунги кунда ўзбек адабиёти ҳам жаҳон адабиёти сарчашмаларидан бахраманд бўлмоқда ва ўз навбатида етук асрлари билан дунё халқлари маданияти хазинасига тобора кўпроқ кириб бормоқда. Мустақиллик йилларида ўзбек олмон маданий ҳамкорлиги юқори поғонага кўтарилди. Ўзбек китобхони бугун машҳур олмон адиблари асарларини ўз она тилида ўқимокдалар. Шу билан бирга олмон халқи ҳам ўзбек адибларининг энг сара асарларидан бахраманд бўлмоқда. Ўзбек ва олмон халқлари орасидаги ўзаро адабий алоқалар ва адабий таъсир доирасининг йил сайин кенгаяётганини алоҳида таъкидлаш билан бирга, уларга тегишли бадиёт намуналарининг умуминсоният маданияти ривожига тутган ўрнини алоҳида эътироф этиш керак. Ўзбек - олмон адабиёти алоқалари тарихи узоқ даврларга бориб тақалсада, бу йўналишдаги кескин миқдор ва сифат ўзгаришлари XX асрдан бошланди. Айниқса, кейинги йилларда бевосита таржима қилишга интилиш тамойили кучайганлиги диққатга сазовордир. Дунё халқлари ўртасидаги ўзаро адабий алоқалар асосан бадиий таржима орқали доимий тараққиёт характерига эга.

Ўтмишда жаҳон тиллари қаторидан муносиб ўрин тутиб келган туркий тиллар, жумладан ўзбек тили бой адабий хазинаси билан ҳар доим тадқиқотчилар эътиборини тортган. Олмон шарқшунослик мактаби, хусусан Бамберг университети профессорлари эроншунос Фрагне, турколог С.Тезжон, Берлин Фрае университети Туркология институти бошлиги профессор Барбара, эроншунос докторлар Лутс Жехак, Моника, Биате каби кўплаб олимлар тадқиқотлари ва айниқса Михаил Фридерихнинг шоир Тавалло ҳақидаги қизғин фикр мулоҳазалари, ўзбекшунос доктор Зигрид Клайнмихелнинг Абдулла Авлоний ва ўзбек

профессионал театрининг пайдо бўлиши ҳақидаги бахс мунозаралари, Дитеритс 1990-1991 йилларда Фаробийнинг "Ал мадинатул фазилати" китобини шарҳлаганлиги, шоир Фридрих Рокерт "Шарқ ривоятлари ва тарихи" асарида Фаробийнинг "Қонун" асбобини яратганлигини шеър билан ифода қилади. Берунийнинг "Осор ул бокия", "Хиндистон" асарлари Едаурд Захау томонидан, "Сайдана" асари эса Макс Мейерхоф томонидан олмон тилига таржима қилинганлиги, Махмуд Кошгарийнинг "Девони лугати турк" асари К.Броккелманнинг саъй-ҳаракатлари билан 1927-йилда нашр қилинганлиги адабиётимизнинг хориждаги мавқе мартабаси ғоят баланд, унга қизиқиш эса ниҳоятда кучли эканлигидан далолатдир. Ана шундай тадқиқодчилардан яна бири таниқли туркшунос олима Ингеборг Балдауфдир. Олима И.Балдауф хорижий шарқшуносларнинг энг кўзга кўринган вакиласи. Берлиндаги Хумболдт университети профессори. У туркий халқлар тили, адабиёти ва маданияти масалалари билан ёлғиз ўзи шуғилланибгина қолмай, балки университетда илмий мактаб яратган олима. Жаҳон халқларининг ўн бир тилини яхши билган олиманинг илмий фаолиятида XX аср ўзбек адабиётининг маърифатпарварлик даври ва анашу давр адабиёти намоёндалари ижодини қиёсий тадқиқ этиш устивор аҳамиятга эгадир.

Профессор Ингеборг Балдауф асли австриялик. Европа шарқшунослик илмий марказларидан Вена университетидан ўқиган. Эски жанубий Туркистон, ҳозирда шимолий Афғонистон худудидаги қадим Балх, Мозори шарифда амалиёт ўтаган. Шу ерда ўзбек тили ва адабиётига меҳр қўйган Балдауф юзлаб халқ кўшиқларини тўплайди. Хоразмда сафарда бўлиб халфалар ижодини ўрганади. Кейинроқ туркий халқлар ёзуви, хусусан 1850-1937 йиллардаги рус ва совет даври ёзув ислохатларини ўрганиш билан шуғулланади. Мамлакатимизга тез - тез ташриф буюриб, Ўзбекистан Миллий университети Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти кафедраси профессори сифатида талабаларга XIX-XX асрда ислом оламидаги янгилаш жараянларидан маърузалар ўқийди. Олиманинг ўзбек шеърятига бўлган қизиқиши ҳам ўзгача. У Олмонияда " Ўзбек шеърятини кунлари " ни ташкил қилиб, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов шеърларини олмончага ўғирди, уларни ўзбек шеърятини муҳлислари билан учрашувларини уюштирди. Олима 1996- йилда илмий ҳамкорлик имкониятларини излаб ЎзРФА Тарих, Тил-адабиёт, Шарқшунослик, кўлёмалар институтлари билан танишиб чиқди.

Ингеборг Балдауфдан аввал ҳам ўзбек адабиётини ўрганган хорижлик олимлар кўп бўлган, лекин уларнинг орасида ўзбек шоирлари ва адиблари, алломалари ва мутафаккирлари ҳақида билганларини ўзбек халқига, ўзбек диёрига бўлган муҳаббат туйғусига ўраб бера олганлари кўп эмасди. "Мутлақо бошқа бир минтақада туғилиб ўсган мутлақо бошқа бир маданий сарчашмадан сув ичган одамнинг ўзбек тили ва адабиётини ўрганиши ва шунинг оқибатида ўзбек халқига, унинг расм русумларига, маданиятига нисбатан қалбида теран бир муқаббат туйғусининг борлиги таҳсинга лойиқдир" деб ёзган эди Озод Шарофиддинов ўз мақолаларининг бирида.

Ингеборг Балдауфнинг ўзбек тилидан немис тилига таржима қилган "Чаён йили" ва "Қафасиз кўмилганлар" асарларини ўқир экансиз ўзбек халқининг уруш ва қатоғонлик йилларида кўрсатган матонати, ўзбекона миллийликни, урф - одатлари ва жуда қадимий маданиятини аслиятга мос тарзда хис қилишингиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бадиий таржиманинг актуал масалалари. Тошкент Фан. 1977й. 230 б.
2. Домлалар китобига киритилган мақоладан "Қалбимизга яқин олима". Озод Шарофиддинов. 2009 й. Тошкент. "Маънавият" 231б.
3. Таржима назариясига кириш. Саломов Ғ. Тошкент Фан 1978й. 219 б.
4. Адабий анъана ва бадиий таржима. Тошкент Фан 1980й. 158 б.

УДК 808.3

РОЛЬ ПРИТЧ ЭЗОПА В ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННОМ ВОСПИТАНИИ МОЛОДЁЖИ

С.М. Исроилова, преподаватель, Ферганский Политехнический Институт, Фергана

Аннотация. Дунёда Эзопнинг масалларини эшитмаган ёки ўқимаган ҳеч ким йўқлиги барчамизга аён. Унинг масаллари нафақат саргузаштлари, балки Шарқий ва Ғарбий оламлар

бўйлаб ўзларининг билим қадриятлари билан ҳам машҳур. Ушбу мақолада Эзоп масалларининг таъсири ва ўрни ҳақида фикр билдирилган.

Калим сўзлар: таъсир, маънавий-маърифий ҳаёт, фабулист, Aesop масаллари, қул, афсонавий жанр, масаллар.

Аннотация. *Всем нам ясно, что в мире нет никого, кто бы не слышал или не читал о притчах Эзопа. Его притчи известны не только своими приключениями, но и своей познавательной ценностью во всем Восточном и Западном мирах. В этой статье вы узнаете о влиянии и месте притч Эзопа.*

Ключевые слова: влияние, духовная и просветительская жизнь, баснописец, притчи Эзопа, раб, легендарный жанр, басни.

Abstract. *It is clear to all of us that there is no one in the world who has not heard or read about Aesop's parables. His parables are known not only for their adventures, but also for their educational value throughout the Eastern and Western worlds. In this article, you will learn about the influence and place of Aesop's parables.*

Key words: influence, spiritual and educational life, fabulist, Aesop's parables, slave, legendary genre, fables.

Легендарный Эзоп на самом деле баснописец, живший в VI веке до нашей эры. Пока неизвестно, существовал ли он на самом деле или был ли образ собирательным. Самая надежная версия гласит, что Эзоп был рабом, освобожденным и убитым дельфийцами (жителями древнегреческого города).

Эзоп создавал легенды, потому что был рабом, и ему было опасно прямо выражать свое мнение. Это был его аллегорический «эзопов язык». И люди рассказывали много забавных историй о том, как он стал рабом, от кого и что из него вышло.

В первом веке нашей эры император Август уникальным образом рассказывал сказки об Эзопе стихами. Он добавил несколько своих мыслей и удачных комбинаций. Однако важной особенностью перевода был латинский язык, позволивший многим авторам использовать произведения Федруса в более поздние века.

Во II веке нашей эры древнегреческий писатель Бабрий начал читать и переводить басни Эзопа. Именно его переводы легли в основу легендарного творчества (настоящим автором сборника некоторые историки называют Бобрия).

Эзоп был писателем притч. Истории всех басен, которые рассказывались разными историями на протяжении многих веков, впервые были придуманы Эзопом: о волке и ягненке, о лисе и виноградной лозе, а также о лягушках, которые спрашивали царя. Его имя так переплетается со словом «легенда», что, когда любой писатель усваивает сочинение сказок, он пишет в своей книге: «Эзоповы легенды такого-то писателя». Мы знаем, что духовность - это концепция, которая представляет духовный мир человека. Он включает в себя философские, правовые, научные, художественные, моральные и религиозные идеи людей. В основе термина «духовность» лежит слово «смысл». Известно, что у человека есть внутренний и внешний мир. Внешний мир включает ее рост, внешность, одежду и манеру поведения. Его внутренний мир включает его цель в жизни, его мысли, желания, стремления и эмоции. Этот внутренний мир человека - духовность. Обогащение его художественными ресурсами и жизненным опытом полезно во всех отношениях. Здесь я хочу рассказать правду о роли басен Эзопа в сохранении человеческой духовности и стойкости. В притчах Эзопа мы можем увидеть борьбу между добром и злом и тот факт, что добрые дела всегда ведут человека в правильном направлении, через художественные образы, основанные на животных. Это, конечно, увеличивает положительное влияние на нравственные взгляды людей. Духовность и мораль переплетаются и дополняют друг друга.

Ведь для развития общества необходимо не только экономическое развитие, но и духовный рост. Как и другие формы социального воспитания, основой духовно-нравственного воспитания является художественная литература, имеющая образовательное значение, в том числе притчи Эзопа, которые вместе составляют единую идею. Духовность - это внутренний

позитивный духовный фактор, определяющий силу, развитие, возможности и перспективы личности, людей, государства и общества.

Басни Эзопа, которые недолговечны, оказывают активное воздействие как на разум, так и на сердце: то есть передаваемое ими содержание не только вызывает различные предположения, но также наполняет разум и заставляет сердце эмоционально. Мы все хотим, чтобы наши дети росли смелыми и целеустремленными, религиозными, верными и умными. Ученые-востоковеды открыли множество образовательных аспектов через басни Эзопа. Таким образом, они прибегнут к этому только в крайнем случае.

Такие эмоции, как дружба, верность, верность и предательство, как выражаются в баснях Эзопа, в первую очередь находились под влиянием повышенного интереса. Невозможно прочитать притчу, не заинтересовавшись чем-то. Прежде всего, хорошо читать притчу в соответствии со своими интересами.

У чтения водопада меньше преимуществ. Человек, понимающий значение притч Эзопа, не одобряет зла и мыслит объективно. Нет более важного инструмента в формировании мировоззрения детей, чем басни Эзопа, которые являются сказками и забавой. Поэтому первая задача родителей, учителей и библиотекарей - привить подрастающему поколению интерес и любовь к чтению.

Мотивация - один из самых мощных инструментов в формировании личности. Чтобы привить нашим детям любовь и страсть к книгам и притчам, мы должны прежде всего правильно относиться к ним. В любящей литературе есть мудрость. Во-первых, это очень сложный процесс, чтобы развить у подростков желание читать. Этот вопрос определяет их отношение к чтению.

Само любопытство - хороший повод прочесть притчу. Дети попадают в мир книг через притчи, которые читают их родители, и рассказы, которые они читают в начальной школе. Поэтому этот период требует особого внимания. Это потому, что именно тогда интерес к чтению начинает формироваться, с какими проблемами он сталкивается при чтении этой книги, и то, как вместе решать эту проблему, увеличит интерес ребенка. Живая беседа с ребенком о том, что вы читаете и слушаете, также повысит ваш интерес.

Как мы уже говорили, влияние басен Эзопа на нравственность значительно, мораль - одна из форм общественного сознания, набор определенных действий и правил, которым должны следовать люди, живущие в определенном обществе. Мораль отражается в системе правил поведения, которая регулирует отношение людей друг к другу, к обществу, к государству, к собственности народа, к семье, к средствам производства, к продуктам труда.

Этикет - как люди ведут себя в обществе, как они взаимодействуют с другими, как организовать свою жизнь, досуг, короче говоря, каково повседневное поведение человека, манеры поведения, поведение? утверждает, что так и должно быть. Точнее, если мораль существует как внутренний мир, убеждения и добродетели человека, то мораль проявляется в форме видимых взглядов, поведения и установок человека. В свое время Эзоп был известен своими моральными притчами, но как раб он не имел свободы. В притчах мы видим, что задача духовного и нравственного воспитания человека - сформировать у людей чувство выполненного долга.

В баснях Эзопа он обсуждает сложные проблемы между добром и злом, освещая путь к человеческому совершенству. Подобно тому, как каждый является миром, его мораль очень сложна. Потому что очень сложно изучать, знать, анализировать внешний и внутренний мир человека, особенно мир души. Это состояние души. Лучшие качества совершенного человека: любовь, сострадание, справедливость, благочестие, скромность, целомудрие, верность, верность, великодушие, щедрость, вера и так далее. В то же время эти качества отражаются в поступках аморальных людей.

Заключение. Подводя итоги я думаю что, басни Эзопа требуют, чтобы люди тщательно обдумывали, как себя вести в разных ситуациях и действовать в соответствии с целью, чтобы их правила стали привычными, то есть показать эту привычку в любой ситуации требует. Обычно судят о каждом человеке на основании того, соответствуют ли его действия и

действия этическим требованиям, правилам жизни, включая законы штата, или нарушают их. Короче говоря, Эзоп воспевал в своих притчах только искренние чувства, такие как добро и праведность. Это чудесное сокровище до сих пор имеет глубокие корни не только в восточной, но и в западной литературе.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Влияние сказок <https://ertak.uz/masal/ezop>
2. Лучшие басни Эзопа <https://baxtiyor.uz/eng-sara-ezop-masallari>
3. Притчи Эзопа <https://ziyouz.uz/jahon-nasri/ezop/ezop-masallari/?lng=lat>
4. Настоящее значение притч Эзопа

УЎК: 39(=512.133):811.111'25

А.ҚОДИРИЙНИНГ “МЕХРОБДАН ЧАЁН” АСАРИ ИНГЛИЗ ТИЛИ ТАРЖИМАСИДА БАДИИЙ ПСИХОЛОГИЗМ

Р.Р. Касимова, (PhD), доцент, БухДУ докторанти (DSc), Бухоро

Аннотация. Мазкур мақола ўзбек романнависи Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асари инглиз тили таржимасида бадиий психологизмни ёритиб беришга қаратилган. Асарнинг аслияти ва инглиз тили ўғирмасини қиёсий ўрганилиши натижасида бадиий психологизм аспектлари, шакллари, принципларининг қўлланилиши, муаллиф, қаҳрамон, аслият реципиенти, мутаржим ҳамда таржима тили реципиенти психологияси, қаҳрамонлар руҳиятини ифодалаш воситалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: психология, бадиий психологизм, бадиий психологизм аспектлари, шакллари, принциплари, муаллиф психологияси, қаҳрамон психологияси, китобхон психологияси, мутаржим психологияси, таржима тили психологияси.

Аннотация. В статье рассматривается художественный психологизм в английском переводе произведения узбекского писателя Абдуллы Кадири «Скорпион из алтаря». В результате сравнительного изучения оригинала и английского перевода произведения анализируются аспекты, формы, принципы художественного психологизма, психология автора, главного героя, реципиента оригинала, переводчика и реципиента переводящего языка, а также, средства выражения психики главных героев.

Ключевые слова: психология, художественный психологизм, аспекты, формы, принципы художественной психологии, психология автора, психология героя, психология реципиента, психология переводчика, психология реципиента переводящего языка.

Abstract. The paper deals with the issues of literary psychology in English translation of the novel “Mehrobdan Chayon” written by the prominent Uzbek writer Abdulla Kodiriy. It analyzes the use of aspects, forms, and principles of literary psychology, psychology of the author, hero, recipient, translator and target text recipients, expressive means of character description through comparison of the original and translation of the novel.

Keywords: psychology, literary psychology, aspects, forms, and principles of literary psychology, the author’s psychology, hero’s psychology, recipient’s psychology, translator’s psychology, target text recipient’s psychology.

Кириш. Психология ва адабиётшунослик фанларининг ўзаро муносабати, уларнинг бир-бирига таъсири, бадиий адабиётда психологизм масалалари бугунги кунда ҳам долзарблик касб этиб келмоқда. Шундан келиб чиқиб, мақолада жаҳон психологлари ва адабиётшунослари томонидан психологизм хусусида билдирилган фикрлари асосида Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асари аслияти ва инглиз тили ўғирмасида муаллиф ва мутаржим психологиясини ёритиб бериш мақсад қилинди.

Материал ва методлар. “Бадиий психологизм” тушунчаси А.А.Потебня, Д.Н.Овсянико-Куликовскийлар томонидан илмий соҳага киритилган бўлиб, адабиётшунос, психолог олимлар ва психоаналитиклар З.Фрейд [22;141-154], К.Юнг [23; 217-233], Муррей Шварц ва Давид Уилберн [25; 205-224], Ф.Магадам [21;505-525], Н.Холланд [23;29], П.Брукс [20;20-45], М.Абрамс [19;248-253], М.Бахтин [4;424], Л.Я.Гинзбург [7;704], А.Б.Есин [8;176],

О.Б.Золотухина [9;181], Д.С.Лихачев [11;74-87], Л.С.Выготский [6;345], И.В.Страхов [12;84], О.В.Барабаш [3;208], А.Андреев [2;143], В.Компанеец [10;52]лар томонидан тадқиқ этилган.

Я. Гинзбургнинг фикрига кўра, “психологизм инсон ички кечинмалари ва қарама-қаршиликларни тадқиқ этади”[7;303]. А.Есин эса “психологизм” тушунчаси кенг ва тор маънода тушунилиши мумкинлигини таъкидлайди. “Кенг маънода “психологизм” санъатнинг инсон ҳаётини қайта яратувчи, характерини тасвирловчи умумийбашарий хоссасидир. Тор маънода “психологизм” инсон ички кечинмалари жараёнларини бевосита яратиш[8;18], деган таърифни келтиради. В.Компанеец “психологизм” усул эмас, балки бадий адабиётнинг хусусияти бўлиб, психологизмни ўз ичига олади [10;52], деб фикр билдирса, О.В.Барабаш “адабиётда психологизм – инсоннинг такрорланмас индивидуал хусусияти, яъни характери орқали ижтимоийликни қайта яратишдир”[3;61], деб таъкидлайди. А.Андреев “Инсон ички кечинмалари, бошқача айтганда, адабиётда психологизм ҳар доим мавжуд бўлиб келган ва бу табиий ҳолдир, чунки психология шахсият даражаларининг бири, шахсиятни ўрганиб туриб, уни четлаб ўтишнинг ҳеч имкони йўқ. Шахсиятнинг намоён бўлиши, рёбга чиқариш йўллари билан бўлган ҳамма нарса доимо психологик жиҳатга эга. Адабиётда психологизм тадқиқот объектига кўра камида 3 та аспекти ўз ичига олади: муаллиф психологияси, қахрамон психологияси ва китобхон психологияси”[2;80], деб таснифлайди. Бироқ сўнгги йилларда “жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш”[1] натижасида китобхонлар кўплаб бадий асарларни таржима тилида ўқишга муваффақ бўлишмоқда. Аслият таржима тили реципиентига мутаржим амалга оширган таржима орқали етказилмоқда. Ж.Холмс “Psychologists have developed and are developing highly sophisticated methods for analysing and describing other complex mental processes, and it is to be hoped that in future this problem, too, will be given closer attention, leading to an area of study that might be called translation psychology or psycho-translation studies”[27;66-80](психологлар мураккаб ақлий жараёнларни тасвирлаш ва таҳлил қилиш учун мукамал методларни ривожлантиришган ва такомиллаштиришмоқда, келажакда таржима психологияси ёки психо-таржимашунослик деб аталиши мумкин бўлган соҳага йўналтирадиган бу муаммога (Process-oriented Descriptive Translation Studies – жараёнга йўналтирилган тасвирий таржимашунослик назарда тутилмоқда) ҳам яқиндан эътибор қаратилишига умид қилиш мумкин. – Таржима муаллифни), деб билдирган мулоҳазаларига таяниб, А.Андреев таснифига, бизнинг фикримизча, яна иккита мутаржим ва таржима тили реципиенти психологиясини ҳам қўшиш мақсадга мувофиқ. Умуман, бадий психологизм аспектларини муаллиф – қахрамон – китобхон – таржимон – таржима тили реципиенти психологияси тарзида таснифлашни маъқул кўрдик.

Бадий адабиётнинг асосий объекти сифатида инсон характерининг танланиши унинг антропоцентрик хусусиятини намоён этади. Ёзувчи инсон характерини асарларида ифода этиш жараёнида ижтимоий муҳит тасвирини ҳам ёритади.

Тадқиқотимиз филология ва психология фанлари кесишувида амалга оширилгани учун “характер” тушунчасини ҳам филология ҳам психология соҳалари доирасида аниқлаб олишимизга тўғри келади. Психологик манбаларда “характер – шахснинг фаолият ва муомалада таркиб топадиган ва намоён бўладиган барқарор индивидуал хусусиятлари бўлиб, индивид учун типик хулқ-атвор усулларини юзага келтиради”[13;457] деб изоҳланса, ЎТИЛда характер – [юн. *charakter* — фарқланувчи хусусият, белги] дея таърифланиб, қуйидаги маънолари келтирилади:

1. Одам, нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос кўриниши, хусусияти; бошқалардан ажралиб, фарқ қилиб турадиган томони.

2. психл. Одамнинг ҳатти-ҳаракати ва атроф-муҳитга муносабатида намоён бўладиган ўзига хос хусусияти, ички маънавий барқарорлиги.

3. Адабиёт ва санъатда: хусусий белгилари мукамал тасвирланган ва ўзида феъл-атворнинг тарихан аниқ типини мужассамлантирган, шунингдек, муаллифнинг маънавий эстетик концепциясини ифодалаган инсон образи. Исм, характерни белгиловчи омил

сифатида, катта ғоявий вазифа бажаради [16;384]. А.Н.Николюкина таҳрири остида яратилган энциклопедияда тип индивиддаги умумийликнинг кўриниши бўлса, характер биринчи навбатда индивидуалдир [14;1600], деб изоҳланса, Д.Курунов адабиётшунослиқда тип характернинг юқори даражаси деб қараш ҳам, тип ва характер атамаларини синоним сифатида қўллаш ҳоллари ҳам мавжуд [29;77], дея таъкидлаган. Демак, характер инсонни бошқалардан ажратиб турувчи индивидуал хусусияти, адабиёт ва санъатда ёзувчи томонидан яратилган ижтимоий, миллий, психологик образ, психологияда эса, инсоннинг хулқ-атворини атроф-муҳитга намоён этадиган муносабатидир.

Бадий психологизм *бевосита* муаллиф мулоҳазалари ёки қаҳрамонлар интроспекцияси шаклида ҳамда *билвосита* муаллиф томонидан китобхонни аналитик талқин қилишга йўналтирадиган қаҳрамон имо-ишоралари ва хатти-ҳаракати шаклида юзага келади. Бадий психологизмнинг бевосита ва билвосита шакллари персонаж руҳияти, фикрлари, ҳис-туйғуси, хатти-ҳаракатларини асослаш имконини яратади.

Н.Шодиев психологик таҳлилнинг академик М.Храпченко томонидан аниқланган уч принципи динамик, типологик ва аналитик принциплари мавжудлигини таъкидлайди [15;3].

Олинган натижалар. А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асари аслият ва таржима вариантлари ўзаро солиштириш натижасида ушбу тамойиллардан характер яратишда фойдаланилган, персонаж портрети замон ва макон тасвирлари билан уйғунликда ифодаланган, деб айтиш мумкин.

Аслиятда: *Шомдан бир оз эртароқ эди. Енгилча бир шамол суфа атрофидаги гулларни эринибгина қимирлатар ва бу қимирлатишдан райҳонларнинг ўткур иси ўқтин-ўқтин димоғқа келиб уринарди. Ўн икки-ўн уч кунлик ой кўкнинг шарқи-жануби қисмидан туссизгина бўлиб кўтарилиб келмакда, қуёш ботган сайин унинг чехраси ҳар замон очилиб бормоқда эди* [17;54].

Таржимада: *The time of the evening pray has not come yet. The easy breeze silently moved flowers around the supra, and the sharp smell of basil suddenly struck his nose. The right dim moon lazily ascended in the sky, and its face cleared up gradually as the sun grew dim on its decline* [18;99].

Ёзувчи макон ва замон тасвирида жонлантириш воситасини қўллаб, улар орқали бадий психологизмнинг динамик шакли, яъни қаҳрамонлар ташқи ҳолатини хотиржамлик ва босиқлик билан баён этади. Буни Раънонинг нафосатини *райҳонларнинг ўткур иси – the sharp smell of basil*, гўзаллигини *ўн икки-ўн уч кунлик ой – the right dim moon*га қиёсланиши мисолида кўриш мумкин. Ёзувчи кундан кунга чехраси очилиб бораётган Раънони ойга ўхшатади.

Асардаги ҳар бир воқеа тафсилотини келтиришдан олдин А.Қодирий воқеа иштирокчилари билан китобхон – ўқувчини таништиришни мақсад қилади ва “Амир Умархоннинг канизи”, “Махдумнинг уйланиши ва мактабдорлиги”, “Оила ва кишилар билан муомала”, “Нигорхоним”, “Раъно”, “Бахмалбофда бир фақир оила”, “Ифлос бир мозий”, “Ҳушёрлик”, “Чин ўртоқ” каби бобларда ўз мақсадини амалга оширади.

Аслиятда: *Келимнинг бу йўсин яхши бўлишига қарамасдан унинг табиатида ҳарчанд тиришилса ҳам мақтаб бўлмайдирган хусусиятлар бор: хасисликка ўхшаш ҳолат, таъмагирлик каби одат, ичи қоралик сингари ҳаракат ва амсоли...* [17;6]

Таржимада: *Although he had a very good income, but still he had some bad behavior such as stinginess, greediness, abhorrence and others...* [18;14]

Кўриниб турибдики, аслиятда Махдум шахсиятига хос салбий хусусиятлар санаб ўтилган. Инглиз тили хусусиятларидан келиб чиқиб, аслиятдаги бадий ифода воситалари ёрдамида тузилган “ҳарчанд тиришилса ҳам мақтаб бўлмайдирган хусусиятлар”, “хасисликка ўхшаш ҳолат”, “таъмагирлик каби одат”, “ичи қоралик сингари ҳаракат” сифатловчи бирикмалари *stinginess – хасислик, greediness – таъмагирлик, abhorrence – ичи қоралик* тарзида ифодаланган бўлиб, мутаржим профессионал фаолиятини ишга солиб, аслият инвариантини яратган. Муаллиф ҳам мутаржим ҳам бадий психологизмнинг типологик тамойилини қўллаб, персонаж психологиясини улар яшаган жамият ва муҳит билан боғлиқ ҳолда тасвирлашган. Махдум яшаган давр унинг характерида ёмон хислатлар шаклланишига сабаб бўлган.

“Меҳробдан чаён” романининг “Раъно” деб номланган бобида ёзувчи бош қаҳрамон Раънонинг ҳуснига қуйидагича таъриф келтиради.

Аслиятда: *Мен рассом эмасман. Агар менда шу санъат бўлганда эди, сўз билан билжираб ўтирмас, шу ўринда сизга Раънонинг расмини тортиб кўрсатар қўяр, фақат менга Раъно гулининг сувигина кўпроқ керак бўлар эди*[17;9].

Таржимада: *If I were a painter I would not have spoken like a chatter box, I could have drawn her picture, but in that case I would need more water of the flower rano*[18;21].

Раънонинг портретини сўз билан тасвирлаган ёзувчи, ўзини рассом эмаслигидан ўксинади. Рассом бўлганида унинг тасвирини бундан-да гўзал қилиб чизиши учун фақатгина раъно гулининг сувидан кўпроқ кераклигини таъкидлайди. Раънонинг гўзаллигини тасвирлашда ортиқча уринишнинг ва бўёқларнинг зарурияти йўқ. Романни инглиз тилига ўгирган мутаржим эса аслият матнига ўз хоҳиш-истагича ўзгартиришлар киритиш, қисқартириш, кенгайтириш, ортиқча изоҳлар билан тўлдириб ташлаш имкони берилмагани сабаб, Раънонинг портретини аслиятдагидек, тасвирлайди. Фақат бунда таржима тили реципиенти психологияси инобатга олинмаган кўринади. Таржимада *раъно гулининг flower rano* тарзида сўзма-сўз ўгирилиши ҳамда *Austrian brier* сифатида изоҳланиши натижасида расм солишда раъно гули сувидан фойдаланишар экан, деган концептни юзага келтиради. Бундан ташқари *раъно гули* – атиргуллилар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик ва унинг қизил ёки сариқ хушбўй гули[16;539], *Austrian brier эса – a wild rose bush with long stems and sharp thorns*[28], яъни узун тана ва ўткир тиканли ёввойи атиргул бутаси.

Раънонинг ташқи кўринишини тасвирлашда давом этиб, ёзувчи яхшилар қаторига қўшиб бўлмайдиган, хасис Солиҳ махдумни табиат ҳусн ҳаловатда тенги йўқ қиз билан ярлақганини таъкидлайди.

Аслиятда: *Солиҳ махдум хасис, таъмагир, ҳар ҳолда сажияси эътибори билан уни яхшилар қаторига қўйиб бўлмайди. Ва лекин табиъат хасис эмас, тикандан гул, аридан бол яратаберадир. Шунга ўхшаши тиканлик ёғочдан хуш ислик, латиф кўрунишлик Раъно яратилган эди. Табиат хасис эмас, тикандан гул, аридан бол яратаберади*[17;9].

Таржимада: *Nature is not greedy so it can create a flower from prickle and honey from bees. Like this girl by the name Rano was created with her exceptionally good smell and beauty from the wooden prickle*[18;21].

Муаллиф қаҳрамонларининг салбий ёки ижобий хусусиятларини очиб бераркан, динамик тамойиллардан фойдаланади, уларнинг ҳаётига аралашмайди, шунчаки қаҳрамонларни қитобхонга яқиндан таништиради. Мутаржимга келсак, муаллиф ва қаҳрамон муносабатига аралашинишга, аслият матни мазмун-моҳиятига дахл қилишга ҳақли эмас. Мутаржимлар ана шу ахлоқий кодексга амал қилган ҳолда, асарни инглиз тилига бевосита ўгиришган, яъни аслият тили, таржима тили, таржима техникаси, асар мавзуси юзасидан юқори даражадаги компетенцияга эришиш йўли орқали мутаржим психологиясини намоён қилишган.

Асардаги қаҳрамонлар характерида вазминлик ва босиқлик етакчилик қилади. Бошига тушган мушкул дамларда вазминликни, шовқин-сурон кўтаришни, дағалликни, кўполликни ўзига эп кўрмаган Анвар, кўқинч ила жасорат билан хонга юзланиб, овозини кўтаради.

Аслиятда:

– *Гуноҳсизни меним кўз ўнгимда банддан озод қилинмас экан, Анварни бу ердан чиқара олмаслар, қиблаи олам, – деди ва ўзини ташқарига торта бошлаган жаллодларни арслонларча силтаб юборди, – сизда адолат борми, жаноб?! [17;145]*

Таржимада:

– *No sir, I won't leave this place until I am eyewitness of the innocent's release! – Anvar shouted pushing the executioners aside. – Where's your Justice, sir?! [18;260]*

Асарда қаҳрамонлар характеридаги мазкур хусусиятлар муаллиф нутқи орқали ҳикоя қилинади, бу эса ўз навбатида ёзувчи ва қаҳрамон характер хусусиятларининг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади, чунки муаллифнинг ўзида шундай хусусиятлар мужассам.

А.Қодирий кишилар орасидаги ўзаро муносабатни ифодалашда эҳтиром ва илтифотлиликка алоҳида эътибор қаратиб, ўзбекона тавозени намоён этади.

Аслиятда: *Нигор ойим йигирма-ўттиз қизни ўқутиб улардан тушкан “озодлиқ” ва “панжшанбалик” пулларга ҳам эга бўлолмас, ҳар кун деярлик муҳтарам маҳдум поччага ҳисобини батамом топириб туришқа мажбур эди*[17;8].

Таржимада: *But the worst thing was the fact that Nigorkhanum could not even own her money earned by herself teaching the students. She was to report about everything to her husband*[18;19].

Муаллифнинг Солих маҳдумга “муҳтарам маҳдум почча” тарзида мурожаат этиши ҳам такаллуф. Таржимон асарни бир тилдан иккинчи тилга ўгириб, уни таржима тили китобхонига тушунарли қилиб етказиш учун масъул.

Исталган тилдаги кўп сўзлар маданий-эмоционал ассоциациялар билан ўралган. Бундай сўзларнинг мос келмаслиги таржима матнида ассоциатив лакуналарни келтириб чиқаради. Таржимада шунингдек, ҳар бир халқнинг онгида англашиладиган ўзигагина хос бўлган сифатлар, характер-хусусияти, ташқи кўриниш, мурожаат шакллари, миллий фольклор элементлари, эпос, адабий қаҳрамонлар билан боғлиқ номлар ҳам ассоциатив лакуналар ҳисобланади[5;70]. Г.В.Быкованинг фикрига қўшилган ҳолда “Меҳробдан чаён” асари аслиятида ишлатилган “озодлиқ” ва “панжшанбалик” пуллари ассоциатив лакуна, улар таржима тили реципиентларига тушунарли сабаб изоҳ талаб этади. Бироқ, ҳар бир халқнинг ўзигагина хос лакуналарини таржима тилида яратилаётган асарда ҳар доим ҳам изоҳлаш реципиентни ортиқча маълумотлар билан чалғитишга олиб келади. Бундай ҳолларда таржимон касбий фаолиятдан келиб чиқиб, реципиентга тушунарли ва маданиятига хос сўз ва бирикмалардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Асарда келтирилган “озодлиқ” ва “панжшанбалик” пулларини “money earned by herself” тарзида ўгирилиши таржима тилидаги асарни ортиқча юқдан халос этиб, таржимон ва таржима тили реципиенти ўртасидаги муносабатни ифодалаган.

Аслиятда: *Шу ҳолда етти-саккиз кунлаб Анварнинг дунёга “таирифи” сир бўлиб кечти. Анвар оҳорлиқ янги йўрғак кўрмаганидек, огаларидан бирининг эски бешигига тўққузинчи кун беланди эмас, тиқилди. Анварнинг “чилласи чароғ кўрмаган” бўлса ҳеч боки йўқдир, бироқ йигирма кунлаб бешикда исмсиз ётиши қизиқдир, чунки янги “қадрлик меҳмон”га от қўйиши на отасининг эсига ва на онасининг хотирига келган эди*[17;22].

Таржимада: *Therefore, the newborn Anvar for seven or eight days remained a mystery for the neighbors. No one had prepared for him a new diaper, on the ninth day he was stuck in the old and shabby cradle remained from one of his brothers. It was surprisingly, in commemoration of the “forty days” after the birth in his honor is not lit, as it was supposed, more than for twenty days he laid in the cradle without a name, because his father was not up to it, and his mother did not even remember to give the name to the new “honored guest”*[18;42].

Ёзувчи Анварнинг дунёга келиши ҳақидаги маълумотни китобхонга шунчаки баён қилмайди, бадиий ниятини намоён этиш мақсадида “кейинги бобларимизда ўқирсиз” сингари сўзларни қўллайди, китобхон психологиясига таъсир этиб, уни воқеалар ривожига кизиқтиради.

Аслиятда: *Ва шу бир неча кун ичида Анварнинг бош мунший бўлиш шойиъаси юриб қолдиким, ҳозирга бу тўғрида бир мулоҳаза айтиш қийиндир. Чунки бу мансабга интилгучи казо ва казолар, шоир ва фузалолар кўбдир*[17;30].

Таржимада: *So as the result there spread much gossips that Anvar was about to be appointed as the head munshiy. We cannot say anything about it now, because there were many honorable people, poets and scholars who wanted to get his position* [18;58].

Анварнинг бош муншийликка тайинланиши аллақачон мақсад қилинган бўлса-да, ёзувчининг бу йўсинда бобларни тугатиши, китобхонни асар давомини тезроқ ўқиб, воқеалар якунини билишга чорлайди. Асар инглиз тили ўгирмасида “*We cannot say anything about it now*” деган жумланинг қўлланилиши таржима тили реципиенти қалбида ҳам “кейин нима бўларкан?” деган саволни юзага келтиради ва шу ўринда биз яна муаллиф – қаҳрамон– аслият реципиенти – таржимон – таржима тили реципиенти психологиясининг гувоҳи бўламиз.

Хулоса. Умуман олганда, асар аслияти ва инглиз тили ўгирмасини ўзаро чоғиштириб, миллий-маданий хусусиятлар, фразеологик бирликлар, тарихий воқеалар ва архаизмлар, ўлчов

бирликлари таржимаси ва уларнинг мутаржим ва таржима тили реципиенти психологиясига таъсирини ўрганиш алоҳида изланишларга асос бўла олади. Хулоса қилиб айтганда, бадий асарлар инсон маънавий-психологик оламига таъсир ўтказиб, эстетик вазифа бажаради. “Меҳробдан чаён” асарида бадий психологизм аспекти (муаллиф, қаҳрамон, аслият реципиенти, мутаржим, таржима тили реципиенти), шакллари (бевосита, билвосита), принциплари (динамик, типологик, аналитик)ни қўллаш натижасида китобхоннинг асар мазмун-моҳиятини чуқур англаб етишига эришилган. Китобхоннинг бундай саъй-ҳаракатлари уни реципиентга айлантиради, яъни энди у асар моҳияти хусусида мулоҳаза юритади, персонажлар ҳаётида рўй бераётган воқеалар ривожиди у билан ҳамнафас яшайди, уларнинг ташқи ва ички психологик ҳолатини тушунишга уринади, воқеалар тафсилотини у ёки бу тарзда яқун топишини кутади. Айнан мана шу жиҳат “Меҳробдан чаён” асарида бадий психологизмни юзага келтирган ва асар ўқимишлилигини таъминлаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 376-сон “Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори https://lex.uz/pages/forpda.aspx?lact_id=3743182
2. Андреев А.Н. Целостный анализ литературного произведения: учеб.пособие для студ.вузов. – Минск: Электронная книга БГУ, 2003. –143с.
3. Барабаш О.В. Психологизм как конструктивный компонент поэтики романа Л. Н. Толстого «Анна Каренина»: дис. ... канд. филол. Наук. – М.:МГУ, 2008. – 208 с.
4. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. – М.: Искусство, 1979. - 424 с.
5. Быкова Г.В. Лакунарность как категория лексической системологии.– Благовещенск: изд-во БГПУ, 2003. – 275 с.
6. Выготский Л.С. Психология искусства.– М.:Искусство, 1968. – 345с.
7. Гинзбург Л.Я. О психологической прозе. О литературном герое. – СПб.: Азбука, 2016. – 704 с.
8. Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы: учебное пособие. – М.:Флинта: Наука, 2011. – 176 с.
9. Золотухина О.Б. Психологизм в литературе: пособие по спецкурсу для студ. спец. – Гродно: ГрГУ, 2009. – 181с.
10. Компанец В.В. Художественный психологизм в советской литературе. (1920-е годы) – Л.: Наука, 1980. – С. 52.
11. Лихачев Д.С.Внутренний мир художественного произведения // Вопросы литературы. – 1968. – № 8. – С.74 - 87.
12. Страхов И.В. Психологический анализ в литературном творчестве: пособие для студентов пед. ин-тов. – Саратов: БИ, 1973. – 84 с.
13. Умумий психология: Пед.ин-тларининг талабалари учун дарслик (А.В. Петровский, А.В.Брушлинский, В.П.Зинченко бошқ.). А.В.Петровский таҳр. остида. – 3-қайта ишланган ва тўлдирилган русча нашр.тарж. – Т.:Ўқитувчи, 1992. – 510 б.
14. Характер // Литературная энциклопедия терминов и понятий; под ред. А. Н. Николюкина. - М., 2001. – 1600 стб.
15. Шодиев Н. Психологик таҳлил принциплари, форма ва воситалари. – Ўзбек тили ва адабиёти. – 1978. – 2-сон. – Б.3.
16. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. I.A –Д / Таҳрир хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 670 б.; Ж.II. Е –М /– 672 б.; Ж.III. Н –Тартибли /– 688 б.; Ж.IV. Тартибот – Шукр /– 608 б.; Ж.V. Шукрона –Х/ –592 б.
17. Қодирий Абдулла. Меҳробдан чаён (Худоёрхон ва муншийлари ҳаётидан тарихий рўмон). – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 149 б.
18. Abdulla Qodiriy. The Scorpion from the Altar: Novel. Translators: I.M.Tukhtasinov, U.R.Yoldoshev, A.A.Khamidov. – Т.: “Mashhur-Press”, 2019. – 272 p.
19. Abrams M.H. “Psychological and Psychoanalytic Criticism”, In Abrams, A Glossary of Literary Terms (Boston: Heinle & Heinle, 1999), 248-253.
20. Brooks P. “The Idea of a Psychoanalytic Literary Criticism”, In Brooks, Psychoanalysis and Storytelling (Oxford – Cambridge: Blackwell, 1994), 20-45.
21. Fathali M. Moghaddam, “From Psychology in Literature to Psychology is Literature”, Theory & Psychology, 4 (2004): 505 - 525.
22. Freud S. “Creative Writers and Day-dreaming” trans. James Strachey, In The Standard Edition of the Complete Psychological Works of Sigmund Freud, ed. James Strachey, vol. IX (London: The Hogarth Press, 1959): 141-154.
23. Holland N. Psychoanalytic Psychology and Literature-and-Psychology (New York – Oxford: Oxford UP, 1990), 29.

24. Jung C. "Psychology and Literature", trans. W. S. Dell and Cary F. Baines, In *The Creative Process: A Symposium*, ed. Brewster Ghiselin (Berkeley–Los Angeles: University of California Press, 1954. – P.217 - 233.
25. Jung C. "On the Relation of Analytical Psychology to Poetry", trans. R. F. C. Hull, In *Jung, The Spirit of Man in Art and Literature, The Collected Works*, vol. 15, ed. Herbert Read and Michael Fordham (New York: Routledge, 2014), 65 - 83.
26. Murray M. Schwartz and David Willbern, "Literature and Psychology", In *Interrelations of Literature*, ed. Jean-Pierre Barricelli and Joseph Gibaldi (New York: The Modern Language Association of America, 1982), 205 - 224.
27. <https://www.tau.ac.il/tarbut/tirgum/holmes75.htm> James S. Holmes, 1988 (1975). "The Name and Nature of Translation Studies". – Amsterdam: Rodopi, pp. 66-80.
28. www.CALD Cambridge Advanced Learners' Dictionary. Third edition
29. www.ziyouz.com kutubxonasi Dilmurod Quronov. Adabiyotshunoslikka kirish. – B. 242.

УЎҚ 808.3

ФРАНЦ КАФКА ИЖОДИДА ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ТУШУНЧАЛАРИНИ ИФОДАЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС УСЛУБИ

Ш.Куванова, катта ўқитувчи, Қарши давлат университети, Қарши

Аннотация. *Мазкур мақолада ёзувчининг услубини ўрганишида инсонун жамиятга тегишли Кафкача бадиий тасвирлар таҳлил қилинган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Макону Замон ва Инсонун Жамият образларининг тасвири Кафка услубининг моҳиятини ташкил этади. Адибнинг ёзиш услубини ўрганиш доирасида унинг ҳаёти ва ижоди ҳам яқиндан ўрганилади. Франц Кафка асарларида «макон» ва «замон», «инсон» ва «жамият» тушунчалари ёрдамида аслида ҳаёт ва ҳодисаларнинг мавжуд шакллари белгиланиши ушбу мақолада тадқиқ этилди.*

Калим сўзлар: *ижод, уй, борлиқ, замон, усул, бадиий хусусият, бадиий тасвир, образлар тасвири, ҳаракат, ҳаёт, воқеа*

Аннотация. *Для того, чтобы изучить методы Кафки, в этой статье проанализированы художественные методы, относящиеся к тому времени дому действию. Надо определенно подчеркнуть, что образы Действия, Времени и Человечества и Общества в понятии методов Кафки образуют талантливость его методов. Чтобы изучить его писательскую методику надо поближе узнать его жизнь и творчество. В произведениях Франца Кафки такие понятия как Действие бытие «Дом», «Человек», и «Общество» помогающие в основном выявить формы жизни и происшествя показана в этой статье.*

Ключевые слова: *творчество, Дом, Бытие, Время, метод, художественная особенность, художественное описание, описание образов, действие, жизнь, происшествие*

Abstract. *This article analyzes Kafka's artistic images of space and time in the study of the writer's style. It should be noted that the depiction of the images of Space, Time and Human society is the essence of Kafka's style. As part of the study of the writer's writing style, his life and work are also closely studied. In this work, Franz Kafka explores the definition of existing forms of life and events using the concepts of «space» and «time», «man» and «society».*

Keywords: *creation, space, time, style, artistic feature, artistic image, image depiction, essence, life, event*

Кириш. Модернизм XX аср жаҳон адабиётида янги давр очгани ҳеч кимга сир эмас. Модернизм дунёни, инсонни янгича кўриш, тушуниш, англаш, англантишнинг ўзига хос фалсафий-назарий асосларига эга оқим. [1:129]. Жаҳон адабиётининг энг машҳур адиблари қаторида Франц Кафканинг номи тилга олинади. Бир қанча мамлакатларда Франц Кафка жамиятлари очилган. Чехияда «Франц Кафка жамияти», «Франц Кафка — Австрия жамияти», «Франц Кафка — Европа жамияти», «Франц Кафка музейи» каби муассасалар фаолият олиб бормоқда. Адибнинг номида «Франц Кафка халқаро мукофоти» ни Гарольд Пинтер, Эльфрид Еленик, Хааруки Мураками, Вацлав Гавел каби замонамизнинг машҳур адиблари ушбу нуфузли халқаро мукофотга сазовор бўлган [2:4].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review). Франц Кафка ўзининг қисқа ҳаёти мобайнида «Жараён» романи, «Эврилиш» қиссаси, «Жазо колониясида» эссе ва бир

қанча ҳикоялар ҳамда «Отамга мактублар», «Миленага мактублар» каби эпистоляр жанрдаги хатлари билан адабиёт тарихида мустаҳкам ўрин эгаллаган. Унинг бадиий асарлари дунёни босиб келаётган фашизм хавфидан рамзий йўсинда огоҳлантиради. У бу хавф қаршисида кўркувга тушади. Кўркувни адабиётга олиб киради. Мавжуд воқелик олдида оддий инсоннинг ниҳоятда ожиз ва ҳақир ҳолини жуда ёрқин образлар ёрдамида тасвирлайди [1:23]. Франц Кафканинг асарларини ўқиб, инсон қисмати ва воқеасини тасвирлаш учун адиб бу рангнинг ҳар хил турларини ўйлаб топганини пайқаймиз [3:139]. Кўплаб адабиётшунослар, психологлар Франц Кафка асарларини абсурд адабиёт сифатида тадқиқ этадилар. Франц Кафка абсурд адабиёт яратиш ҳаёлида роман ёзмаган, у — ҳаётнинг ўзини, инсон умрининг ўзини абсурд деб тушунган [4:16]. Кафканинг ижодига қизиқиш ёзувчининг ўлиmidан сўнг бошланди ва унинг ёзиш услубини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб бораётганлар иккига ажралдилар, бир томон Франц Кафка инсон қаршисида турган ёвузликни енгиб ўтишига ишонмайди ва ўқувчини ҳам бунга ундамайди, яъни яшашдан ёруғлик кўрмаган, ўз оламидай Ҳаётни ҳам Хаос санагану; ундан бизга мавҳум адабиёт қолди, дея таъкидлайдилар [5:118]. Ёзувчининг услубини ўрганишда макону замон ва инсонуну жамиятга тегишли Кафкача бадиий тасвирларни таҳлил қилиш масаласи ҳам катта аҳамиятга эга.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Кафка ҳаёт билан ижодининг ўзаро муштараклигини уйғунлаштира олган адиб эди. Франц Кафка ижодида «инсон» ва «жамият», «макон» ва «замон» тушунчалари ёрдамида аслида ҳаёт ва ҳодисаларнинг мавжуд шакллари белгиланади, бир томондан, уларнинг биргаликда қўлланилиши, борлиқда бир-бирини тўлдириши ва узвийлигини акс эттиради. Иккинчи томондан, уларни бир-бири билан ўрин алмашиш жараёнлари, замону макон ичра инсонуну жамиятнинг бир-бирига алоқадорлиги инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир. Адабиётда замону макон ва инсонуну жамият образлари реал воқеликнинг мавжуд шакллари саналади ва адабиётшунослик фалсафадан бир қадар фарқ қилади. Адабиётда узлуксизлик замоннинг энг муҳим хусусиятларидан бири саналади. Ёзувчи одатда маълум бир замонни акс эттирмайди, балки уни тасвирлаш учун эътиборини алоҳида, энг муҳим лаҳзаларига эътибор қаратади. Яна бир томондан ёзувчи ҳаётнинг бошқалар кўролмаётган, кўришга идроки ва салоҳияти етмаётган қирраларини, томонларини кўра олди ва тасвирлаб, чизиб берди, инсонни таҳликага солаётган ҳикмат-мажозларни яратди. Макону Замон ва Инсонуну Жамият образларининг тасвири Кафка услубининг моҳиятини ташкил этади, бу тушунчаларнинг тизими Кафка Оламида Дунё киёфасини акс эттиради ва ушбу масалаларнинг марказида ягона реаллик мажудлигини кўрсатади — бу Инсон феномени саналади. Ўзига хос ёзиш услуби ва ноодатий қарашлари билан Франц Кафка Инсонни ички руҳий исёнлари силсиласида у яратган образлар ўзига чигалу мавҳум кўринишда ёзувчининг Дунё картинасида намоён бўлади. Воқелик эса Замон оқимида қараб Маконда ўзгариб бораверади, шу тариқа унсурларнинг тинимсиз алмашинуви содир бўлади ва бу изланувчиларнинг қарашлари орасида гўё адиб ва қаҳрамонларининг ҳаётида юз берган тўхтовсиз зиддиятлару номуносивбликларни юзага келтирди. Кафка асарларида кўпроқ зулмат, кўркув, бўшлиқ ва номаълумлик манзаралари акс этсада, булардан кўзланган мақсад — инсонни даҳшадга солиш эмас, балки инсоннинг ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишга бўлган ишончини мустаҳкамлашдир. Инсонга, унинг қалби ва руҳиятига бўлган ишонч Кафка ижодининг асоси ҳисобланади. «Макон» ва «Замон», «Инсон» ва «Жамият», «Ҳаёт» ва «Дунё»нинг муштараклиги зиддиятларини ўрганиш муаммоси Кафка ижодида муҳим аҳамият касб этади ва мазкур адибнинг ёзиш услуби ва унинг руҳий оламини ўрганиш масаласи эса адабиётшуносликдаги энг муҳим вазифалардан бири саналади. Кафка, ўз таъбири билан айтганда «ҳамма нарсани ичига ютиб, дунёни фақат ўз тимсолида ҳис этиб ва ўзи орқали ўтказиб» яшаган [2:15].

Айрим тадқиқотчилар Франц Кафка романлари, қатор қисса ва ҳикояларининг ёзиб тугалланмаганлигига шама қилиб, унинг ижодига номукамаллик тамғасини ёпиштирмоқчи бўладилар. Бу даъволарга нисбатан Нобель мукофоти совриндори, америкалик адиб Уильям Фолкнернинг: «Буюклик — мукамалликни орзу қилиш, бўй етмас юксакликка қўл чўзиш ва катта мағлубиятга учрашдир», деган сўзларини келтириш кифоя деб ўйлаймиз [2:14]. Мазкур

тадқиқот шу маънода маъжозий конструкцияни ўрганиш орқали инсониятнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, анъаналари, ҳаётий кадриятлари ҳақидаги билимларни янада кенгайтиради.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Кафка Макс Брод, Оскар Баум, Феликс Вельч, Франц Верфел билан дўстлик ришталари боғлаб «Прага гуруҳи» деб номланган адабий клубнинг ташкил этди. Шу гуруҳда ижод қилиш жараёнида у, тенгдошлари каби Фридрих Ницше фалсафаси, Рудольф Штайнер антропософияси (инсонни илоҳийлаштириш), Чарльз Дарвин назарияси билан қизиқди ва янги давр ғояларини тарғиб қилувчи гуруҳлар йиғинларига қатнади. Ўз ижоди орқали Кафка «ички ҳаётни фақат бошдан кечириш мумкин, уни тасвирлаш ёки мухтасар баён қилиб бериш мумкин эмас» лигини яхши била туриб, «дунёни покизаликка, ҳақиқатликка ва метиндек мустаҳкамликка кўтармоқчи эди». Унинг азоб-уқубатлари Парвардигорнинг мутлақ мукамаллиги «осмон ва ер, абадий ва ўткинчи, ва у яратган Одамзоднинг мукамал эмаслиги (гуноҳга ботганлиги)» ўртасидаги муросасиз зиддиятлардан келиб чиқади. Униси ҳам, буниси ҳам — бир-бирига уланмаган томирлар, бир-бири билан алоқаси йўқ тушунчалар, бир-бирига қовушмайдиган ва бир-бирини мувозанатда тута олмовчи ҳолатлардир. Кафка эса «ҳақиқатга бармоқ учи билангина тегиниб кўриш» дан қаноат ҳосил қилишни асло хоҳламади. У бутун ҳақиқатни, аччиқ бўлсаям, ғам-ҳасратга тўла бўлсаям, бахт –саодатга етакламасаям, охириги қатрасигача билишни хоҳларди.. Фақат Кафкагагина хос бўлган реаллик ва ирреаллик, воқелик ва фантазияларнинг такрорланмас, уйғунлиги, айниқса 1912 йилдан кейин ёзилган асарлари, яъни «Жазолар» (*Strafen, 1914*), тўпламига кирган «Хукм» (*Das Urteil, 1912*), «Эврилиш» (*Die Verwandlung, 1912*), «Жазо колониясида» (*In der Strafkolonie, 1914*) номли новеллаларда «Қишлоқ шифокори» (*Ein Landarzt, 1919*) номли тўпламига кирган қатор асарларида ўз аксини топди. Уларнинг барчаси автобиографик характерга эга бўлиб, шахсий кечинмалар асосида қурилганлигига қарамасдан, бир вақтнинг ўзида инсон борлиги парадигмасини теран ифодалайди ва инсон онгининг зулматли қаъридан кўтарилаётган ёвуз куч ҳар сафар аччиқ истехзога, дунёга танқидий қарайдиган ақл-идроқка дуч келади.

Хулоса ва таклифлар (Conclusions/Recommendations). Нобель мукофоти совриндори Ҳерман Ҳессе Кафкани «Немис прозасининг яширин қироли» деб таърифлаган [2:12]. Бир асрдан сўнг Кафканинг ана шу «яширин қироллиги» ошкор бўлди. Франц Кафка яратган боқий асарлар маънавий сафар анжومي, воситаси вазифасини ўтайди. Қадимги итальян мутафаккирларидан бири Худо инсонни яратгани билан киши ҳақиқий инсон мақомига етишмоғи учун ўз-ўзини кашф этмоғи, қайта яратмоғи керак деган. Франц Кафка қахрамонлари ўзини қайта яратишга мубтало инсонлар образи. Унинг қахрамонлари учун ўз «мен»идан ўзга дунё йўқ, улар дунёни фақат ўз «мен»лари орқали кўрадилар, дунё савдоларини ўз «мен»лари манфаатига бўйсундирадилар ва шу йўл билан дунёни, инсон ҳақидаги шу вақтгача бўлган тушунча ва билимларни ўз «мен»лари ҳисобига бойитадилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ulug'bek Hamdamov. Jahon adabizoti: modernizm va postmodernizm. O'quv qo'llanma. – Toshkent: Akademnashr, 2020. – B. 129., 23.
2. Akmal Saidov. Franz Kafka — Telba Dunyoning Dahosi. Davr Press. Toshkent, 2015, - B. 4., 15., 14., 12.
3. Shavkat Karimov. Nemis adabiyoti tarixi. Mumtoz so'z. Toshkent, 2010,- B. 139.
4. Кафка, Франц. Жараён, Отамга хат: Роман ва хат /таржимон В.Файзуллох, сўзбоши муаллифи Х. Дўстмухаммад. — Тошкент.: Шарқ, 2015. — 16. Б
5. Муҳаммадjon Холбеков . XX аср модерн адабиёти манзаралари. Мақоллар тўплами. — Тошкент: Mumtoz сўз, 2012. — Б. 158., 166.
6. Franz Kafka. Das Schloß- Roman. Fischer Verlag. Frankfurt am Main, 2008. — S. 388.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ НУТҚИДА РИТОРИКАНИНГ ЎРНИ

*Н.А.Курбанова, ўқитувчи, Қарши давлат университети, Қарши**Х.Б. Самигова, доцент, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент*

Аннотация. Тиббиёт ходимлари нутқида риториканинг қай даражада муҳимлиги яъний тиббиёт ходими ва бемор билан мулоқат жараёнидаги нутқнинг раван сўзлашиши, таъхис натижалари беморга аниқ етиб боришида, соғлиги яхшиланишини ишонтиришида ва беморнинг ҳаётга нисбатан реал қарашида, нутқнинг ўрни ва нутқ маданиятининг аҳамияти шу билан бирга риториканинг ўрни беқиёсдир. Ушбу илмий мақоланинг долзарблиги шундаки, инглиз ва ўзбек тиббиёт ходимлари нутқида риториканинг роли ва хусусиятларини чоғиштирма аспектда ўрганилмаганлигидадир. Ушбу мақолада қуйидагилар ўз ифодасини топади: риторика атамасининг тадқиқи ва талқини инглиз ва ўзбек тилларида чоғиштирма аспектда ёритиб берилди; тиббиёт ходимларининг нутқининг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган; тиббиёт ходимлари нутқи мулоқот моделида мақтов, ҳурмат маъносини ифодаловчи тил воситаларининг аҳамияти далилланган;

Калит сўзлар: риторика, лингвистика, услубият, стилистик, лингвокультурология, мимика, нутқ.

Аннотация. Важность риторики в речи медицинского персонала, то есть, беглость речи при общении с медицинским персоналом и пациентом, роль риторики и важность речевой культуры неопределимы для обеспечения того, чтобы результаты диагностики четко доходили до пациента. Улучшая здоровье и осознавая взгляд пациента на жизнь. Актуальность данной научной статьи заключается в том, что роль и характеристики риторики в речи английских и узбекских медицинских работников не изучались в сравнительном аспекте. В этой статье рассматривается следующее: Изучение и интерпретация терминологической риторики в английском и узбекском языках в сравнительном аспекте; Выявлены особенности речи медперсонала; обоснована важность языковых средств выражения смысла похвалы, уважения в модели речевого общения медперсонала;

Ключевые слова: риторика, лингвистика, методология, стилистика, лингвокультурология, мимика, речь.

Abstract. The importance of rhetoric in the speech of medical staff, the fluency of speech in communication with the medical staff and the patient, the role of rhetoric and the importance of speech culture is invaluable in ensuring that the results of the diagnosis reach the patient clearly, improving health and realizing the patient's outlook on life. The relevance of this scientific article is that the role and characteristics of rhetoric in the speech of English and Uzbek medical professionals have not been studied in a comparative aspect. This article addresses the following: The study and interpretation of the term rhetoric in the English and Uzbek languages in a comparative aspect; The peculiarities of the speech of medical staff are revealed; The importance of language means of expressing the meaning of praise, respect in the model of speech communication of medical staff is proved;

Keywords: rhetoric, linguistics, methodology, stylistics, cultural linguistics, facial expressions, speech.

Нутқ маданияти муайян бир халқ маданиятининг ушбу халқ тилидаги акси ва ифодасидир. Ушбу тушунча борасида турли хил қарашлар ва изоҳлар мавжуд бўлиб, энг аввало, нутқ маданияти грамматик жихатдан тўғри гап тузиш, хатосиз сўзлаш, тушунарли ва раван фикр юритиш деб талқин қилинади. Нутқ маданияти ҳар бир инсоннинг тил соҳасида, нутқ сўзлаш борасида эгаллаган ютуқлари ва сўзловчининг билимдонлиги, тарбияси, маънавий етуқлик даражасини кутарувчи омил ҳисобланади [2:5].

Академик А.Ҳожиёв ўзининг “Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати” асарида нутқ маданияти терминига қўйидагича таъриф беради.

- Филология фанининг жамият тараққиётидаги тилдан фойдаланиш жараёнини ўрганиш, кишилар орасидаги алоқа воситаси бўлган тилдан фойдаланиш қоидаларини илмий асосда белгилаш билан шуғилланувчи бўлимдир.

- Нутқнинг нормативлиги, унинг маълум тарихий тараққиёт даврида шу тилда сўзлашувчи жамоа томонидан қўйиладиган талабларга мослиги: талаффуз, урғу, сўз қўллаш, шакл ясалиши, сўз бирикмаси ва гап тузиш меъёрларига амал қилишдир. Нутқнинг нормативлиги фикрнинг аниқ, равон ва софлигини ҳам ўз ичига олади [3:62]. Сўзлашув услуби, Илмий услуб, Бадий услуб, Расмий услуб ва Публистик услублар оғзаки нутқнинг стилистик маданияти, тингловчиларга таъсир этишининг маълум воситаси ҳисобланади. Демак, ушбу услублар орқали аудиторияга ўз фикрини, қарашини етказиб беришда ёки таъсир этишда фойдаланилади. Инглиз ва ўзбек тиббиёт ходимлари нутқи мисолида қараб чиқадиган бўлсак, инглиз тиббиёт ходимлари беморларга нисбатан: *dear, getting in touch, come in, please!, not good, Nothing to be worried at* каби сўзлар қўлланилса, ўзбек тиббиёт ходимлари нутқида ҳам бу ҳолатни учратиш мумкин: *азизам, саломат бўлинг, киринг марҳамат, омон бўлинг* ва кабилар.

Дарҳақиқат, тиббиёт ходимлари ва беморлар орасидаги мулоқотда сўзнинг ҳамда нутқнинг ўрни беқиёсдир. Нутқ ҳар томонлама яхши бўлиши учун ўз олдига маълум талабларни қўяди. Бу талаблар нутқнинг асосий сифатлари, хусусиятлари ҳисобланиб, тиббиёт ходимлари нутқининг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, нутқнинг тозаллиги, таъсирчанлиги, талаффузида мулоқотлик ҳислати мавжудлиги мақсадга мувофиқлигидир.

Нутқ маданиятининг риторик аспекти биринчи навбатда, нотиклик назариясининг асосларини ўрганади. Риторика- бу сўз санъати, талаффуз билан жиловланган сўзлар йиғиндисидир. Дастлаб, риториканинг пайдо бўлиши, унинг фан сифатида вужудга келиши ҳақида фикр юритсак. Риторика (юн. реторике - нотиклик) - нотиклик санъати, кенг маънода умуман бадий наср ҳақидаги фан ҳисобланади.

Тилшуносликка оид луғатларда *риторика*: «Таъсирчан ва ифодали нутқни назарий жиҳатдан ўрганувчи соҳа», деб талқин этилади [8:389].

Х.Самигованинг фикрича эса, риторика- фикрни ифодали, маъноли, таъсирчан баён эта олган ҳолда тингловчиларга таъсир этиш, уларни сўзловчи мақсадлари сари эргаштириш, ишонтириш санъатидир деб ҳисоблайди [2:11]. Нутқ оғзаки сўзлашувга хос бўлгани боис, у айрим нуксондан ҳоли бўлмайди. Шу сабаб, бемор билан муомалага киришишнинг ўзига яраша шартлари ҳам бор. Бу эса тиббиёт нутқида таъсирчанликни оширади. Тиббиёт нутқида таъсирчанлик деганда, тиббиёт ходими бемор хасталигининг диагнозини, дунё қарашини, билим даражасини, ташқи психик белгиларини ўрганганидан сўнг, ўзини ҳам бу мулоқотга руҳан тайёрлаганидан кейингина бемор билан мулоқот жараёнида таъсирчанлик, ички ва ташқи занжирида бемор шахси ва унинг касаллик сабабларини белгиловчи далиллар занжири пайдо бўлади. Мисол тариқасида токсикоман бемор мулоқотини оладиган бўлсак, ўзбек тиббиёт ходими нутқида токсикоман бемор тушқунлик каби оғир ҳолатга ўзининг ўта иродасизлиги туфайлигина тушиб қолиши бемордаги қису ва камчиликларни очиқ-ойдин кўрсатиш даво жараёнига зарар келтириши мумкин. Мулоқот чоғида *беморнинг кундан-кунга аҳволи яхшиланиб бораётганини, мушоҳадаси тиниқлашаётганини, сўзлашганда талаффузи аниқлашаётганини, нигоҳлари эса ойдинлашаётганини гап орсиди (урғу бермасдан) айтиб ўтиш* дуруст бўлади [9:18]. Руҳий муолажа, албатта, меҳнат терапияси билан уйғунликда олиб борилса, самаралироқ бўлади. Австралиялик мутахассис А.Пизнинг таъкидлашича, сўзлар орқали 7 % маълумотни, товушлар воситалари орқали 38%, мимика, имо-ишоралар, поза (тана ҳолати) орқали - 55% маълумотни бериш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, нима гапираётганимиз эмас, қандай гапираётганимиз муҳим. Сухбатдошимиз томонидан ифода этилаётган новербал маълумотлар - овозининг интонацияси, қарашлари, мимика, имо-ишоралари, турли тана ҳаракатлари ва тана вибрациялари - биз учун жуда муҳимдир [7:30].

Касалликдан халос бўлиш бемор билан тиббиёт ходимининг биринчи суҳбатидан бошланади. Шунинг учун биринчи учрашув жуда жиддий ва масъулиятлидир. Рус шифокор олими М.Мудров шундай деган эди: “Сен дардни ва беморни билдинг, шу билан бирга, бемор ҳам ким эканлигингни билиб олди. Хастанинг ишончини, ихлосини қозониш учун унинг тушаги олдида хушёрлик, донолик ва сабр-қаноат лозим. Тиббиёт ходими учун бу фазилатлар ниҳоятда зарур”. Дарвоқе, айтадилар-ку, нўноқ ёзувчи, рассом ёки истеъдодсиз артист бўлиши мумкин, лекин ёмон тиббиёт ходими бўлиш мутлақо мумкин эмас, бу – жиноят [1:6]. Ноўрин сўз, кўпол муомала, шошма-шошарлик, юзаки текширув ва шунга ўхшаш бежо муносабатлар беморни бездиради [7:45]. Аалхусус, бошқа шифокор кидиришга мажбур бўлади. А.Навоийнинг “Махбуб ул-қулуб” асарида келтирилган мисраларга эътибор қаратсак: “Улким, димогида ҳабт -сўзида йўқ набм” яъни кимнинг димоғида иллат бўлса, сўзида боғланиш йўқдир деб таъкидлаган. “Димоғи саҳиҳ - гуфтори фасиҳ” яъни мия соғлом бўлса, гап сўзи ҳам ёқимли ва хатосиз булур. “Сўзи ҳисобсиз, ўзи ихтисобсиз” ёки “Сўзида паришонлик, ўзида нушаймонлик” ва бошқа мисолларни келтириш мумкин.

Демак, айнан ушбу занжир орқали беморлар тиббиёт ходимига ишонч ва умид кўзи билан қарай бошлайди. Тиббиёт ходими бемор билан мулоқотнинг аввалидаёқ унинг савясига мос равишда суҳбатлашиши муҳим. Бемор хунарманд бўлса, шунга хос мақомда, академик бўлса, албатта унинг юқори савясига яраша мулойим муомала қила олиш асосий талабларидан бири ҳисобланади. Бу ўринда тиббиёт ходимлари нутқида риториканинг ўрни бекиёсдир. Шифокор мулоқот моделида ҳам нутқ риторикасининг ифодаланилишини кўриш мумкин:

- Гипократ модели-бу қасамёд беморга нисбатан руҳий ва жисмоний зарар етказмаслик ҳамда эвтаназияга йўл қўймаслик назарда тутилади.

- Параселс модели- беморга ғамхўрлик қилиш

- Дентология модели- бурч қондаларига амал қилиб, беморни муолажа қилиш ва парваришlash лозим.

- Биоэтика модели- беморнинг диагностик муолажаларини ва касаллиги тўғрисида бемор шани ва ҳақ-ҳуқуқларига зид келмаган ҳолда муолажа ва текширув ўтказиш тушинилади. Қуйидаги мисолда кўриш мумкин:

Doctor: Hello! What can I do for you?

Patient: Good Morning Doctor. I don't feel good.

Doctor: **Come and sit here.**

Doctor: Open your mouth.

Doctor: **Since how long are you not feeling well?**

Patient: Doctor I feel weak and do not feel like eating.

Doctor: Ok. **And what else?**

Patient: I feel like vomiting..... [10].

Хулоса қилиб айтганда, Софистлар риторикани икки воситада фойдаланишган бўлиб, улар диалектика- фикрлаш санъати, баҳс-мунозарани ўтказиш, суҳбат; иккинчиси эса риторика- ишонтириш санъти. Демак, тиббиёт ходимлари бемор юрагига мулойимлик, меҳр-муҳаббатлик билан эътибор қаратиши учун нутқда риторикани фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Усманходжаев “Тиббиёт ходимлари маънавияти” Тошкент-2014.-б-6
2. Самигова Х.Б. Нутқ маданиятининг риторик аспекти; Тошкент-2016й
3. Хожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати.-Т.,1985.-62бет
4. Габуния З., Башиева С. Риторика как часть традиционной культуры. – Нальчик, ЭЛЬФА, 1993. – С. 3-77
5. Самигова Х. Инглиз ва ўзбек нутқ маданияти риторик аспектининг чоғиштирма тадқиқи: Филол.фан.док. .. дис. Автореф.-Тошкент:ТДШИ,2017.-б11.
6. Гринко.Е. Н Медицинская риторика. Москва Издательство “Флинта” Издательство “Наука”. 2018г.;-35ст.
7. Муҳаммадждонова Л. “Риторика” Тошкент-2019.-б- 30
8. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – С. 389.
9. Гадаев А , Алимова М.Х , Салиходжаева Х.С , Мусаждонова Л.Х. “Умумий Амалиёт ҳамширалари учун амалий кўникмалар тўплами” Тошкент -2011.-Б-18.
10. The ochsner journal. Doctor-Patient communication p18

НОЛИСОНИЙ ВОСИТАЛАР ОРҚАЛИ ИФОДАЛАНАДИГАН ТАНБЕҲЛАР ТАҲЛИЛИ

М.Дж. Мадумарова, ўқитувчи, Фарғона политехника институти, Фарғона

Аннотация. Мақолада нолисоний усул орқали берилган танбеҳ тингловчига лисоний воситалар орқали ифодаланган танбеҳдан ҳам кўра кучлироқ таъсир кўрсатиши мумкинлиги баён этилган.

Калим сўзлар: паралингвистика, новербал, нолисоний, экстралингвистика

Аннотация. В статье отмечается, что выговор, сделанный с помощью ненормативной лексики, может оказать на слушателя более сильное воздействие, чем выговор, выраженный с помощью языковых средств.

Ключевые слова: паралингвистика, невербальная, нолисоническая, экстралингвистика

Abstract. The article notes that a reprimand made with the help of profanity can have a stronger impact on the listener than a reprimand expressed with the help of linguistic means.

Key words: paralinguistic, cognitive science, non-verbal, electronically, extralinguistic

“Инсон кўринишидан ҳеч нарса демаса ҳам, ичида ҳамиша гапиради” дейди буюк мутафаккир Жалолиддин Румий ва бу фикрини давом эттириб, яна шундай ёзади: “Сўз – идрок қилишда сўзга муҳтож бўлганлар учундир. Сўзсиз идрок этганларнинг сўзга қандай эҳтиёжи қолади? Идрок эса билганлар учун кўкларнинг, ернинг ҳаммаси сўзидир. Ҳафиф бир сасни эшитганга бақириб-чақирининг нима ҳожати бор?...” Буларнинг ҳаммаси тилшуносликнинг “паралингвистика” – “нолисоний восита” деб аталмиш ўта қизиқарли ва ўта зарур бўлими билан бевосита боғлиқдир.

Мутахассиларнинг фикрига қараганда, одамлар ўзаро мулоқотлар чоғида ўзлари айтмоқчи бўлган фикрнинг фақат 7 фоизинигина сўз, қолган 38 фоизини оҳанг ва 55 фоизини имо-ишоралар орқали баён этар эканлар. Бироқ мана шундай катта соҳа ўзбек тилшунослигида назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам жуда кам даражада ўрганилганлиги учун танбеҳнинг паралингвистик воситалар билан боғлиқ томонлари ҳақида сўз юритишдан аввал тилшуносликнинг бу катта соҳаси ҳақида баъзи бир фикрларни билдириб ўтишга тўғри келади. Илмий услубда “паралингвистика” атамаси фаолроқ қўлланиши боис аввал шу термин луғавий маъносига тўхталамиз.

Паралингвистика - тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, “тилга ёндош” деган маънони англатади ва тилшуносликда бу термин остида фикрни нолисоний йўл билан баён қилиш назарда тутилади. Шунга кўра “новербал”, “нолисоний”, “экстралингвистика” сўзлари бу атамага синоним сифатида қўлланилади. Инсон ўз нутқини маълум ҳаракатлар билан биргаликда йўналтириши ва бу ҳаракатлар ўзига хос маъно касб этиши доимо психолог, социолог ва лингвистларни бирдек қизиқтириб келган ҳамда уларнинг тадқиқот объектларига айланиб улгурган.

Дастлаб психологлар новербал воситаларни «Ифодали хатти-ҳаракатлар» деб номлаганлар ва уларни «Экспрессив хулқ» рубрикаси остида эмоционал доира контекстида тадқиқ этганлар. Бунга Ч. Дарвиннинг «Выражение эмоции у человека и животных» номли асари туртки бўлганлигини таъкидлайдилар. Рус психологлари эса «Ифодали хатти-ҳаракатлар»ни ижтимоий персонал нуқтаи назаридан новербал хулқ (хатти-ҳаракат), новербал коммуникация сифатида баҳолайдилар.

XX асрнинг қирқинчи йилларида психолог С. Л. Рубинштейн ифодали ҳаракатларга изоҳ берар экан, «Ифодали ҳаракатлар нутққа маълум даражада аралашиб, қўшилиб кетади ва улар хабар етказиш, таъсир этиш қуролига айланади», деб таъкидлайди. Коммуникатив вазиятларда адресант нутқига аралаш ҳолатда келган новербал воситалар лисоний бирликлар билан биргаликда нутққа қўшимча маъно қўшиб келади. Бошқача қилиб айтганда, новербал воситаларни психологлар идрок қилиш, таниш, шарҳлаш орқали уларнинг ўзига хос

семантизациясини ўқиш мумкинлигини эътироф этадилар. Коммуникатив актдаги новербал воситаларнинг ўрни, роли, маъноси, ишлатилиш хусусиятлари бир қатор философ, психолог, социолог ва тилшунос олимлар томонидан атрофлича тадқиқ этилган бўлса-да, социумнинг ижтимоий вазифаси: касби, ҳунари билан боғлиқ жиҳатлари ҳозирча ўз тадқиқини кутмоқда. Шунинг учун турли касб эгалари мулоқот хулқининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришда уларнинг ана шу мулоқот хулқида маълум ўринни эгалловчи новербал воситалардан қай тарзда ва қандай фойдаланишига, улардан англашиладиган ўзига хос семантизацияларга эътибор қаратдик. Рус психологи В.А. Лабунская ўзининг «Новербальное поведение» асарида коммуникатив актда кишилар томонидан ижро этиладиган новербал воситаларни туркум, тур, компонент ва элементларга ажратади. Унга кўра, новербал воситалар дастлаб экстралингвистика, просодика, кинесика, такесика каби туркумларга ажратилади. Туркумлар ўз навбатида турларга, яъни экстралингвистика - пауза, йўталиш, хўрсиниш, кулиш ва йиғлаш каби турларга; просодика - талаффуз, овоз, темп, тембр, каби турларга; кинесика - экспрессия, авербал ҳаракатлар, кўз қараш каби турларга; такесика статик ва динамик тўқнашишлар каби турларга бўлинади ва улар ҳам ўз навбатида компонент ва элементларга ажралади.

Новербал воситалар бевосита коммуникация жараёнида нутққа қоришиб унга эмоционал кўриниш, экспрессив «жон киритиш» учун хизмат қилар экан, турли касб эгалари мулоқот хулқига хос бўлган шундай хатти-ҳаракатлар ҳам борки, улар нутққа кўшилмайди, яъни нутқ иштирокисиз қўлланилади. Кузатишларимиздан ҳар бир социум ўз ижтимоий соҳаси талабига кўра маълум функцияни бажариш билан бирга ана шу функцияга тегишли бўлган новербал воситалардан фойдаланиши маълум бўлди. Бунга кўплаб мисолларни келтириш мумкин: биргина серкатнов кўчада транспортлар ва пиёдалар ҳаракатини тартибга солаётган ДАН ходими ҳаракатларини кўз олдингизга келтиринг. Унинг ҳар бир ҳаракатлари кўча ҳаракати қатнашчиларига маълум информацияни беради, яъни ДАН ходими ўзига хос новербал хатти-ҳаракатлар орқали ҳайдовчилар ва пиёдалар билан коммуникацияга киришади. Ҳаракатни тартибга солувчи ДАН ходими (регулировщик)нинг ҳаракатларидан «тўхташ», «юринг», «тайёрланинг» каби семантизациялар (танбех, огоҳлантириш, буйрук) ни тушуниш мумкин. Ёки ҳарбий соҳага хос новербал воситаларнинг мавжудлигини ҳарбийларнинг ўзаро коммуникатив муносабатларида ҳам кузатиш мумкин. Уларнинг қадам олиши, ўзини тутиши, саломлашув ва мурожаат босқичларида бажарадиган ўзига хослиги билан ажралиб туриши барчага маълум. Шунингдек, топшириқ билан фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ ҳарбийлар гуруҳ боши (командир) билан орадаги масофадан қатъи назар махсус новербал хатти-ҳаракатлар ёрдамида маълумот алмашадилар. Чунончи, командирнинг чап қўлни кўтариб, кафтини мушт қилиши «ҳаракатланишни тўхтатинг» маъносини, шу ҳолатда муштини ёзиб юбориши «Беркининг!» маъносини, кўрсаткич бармоғини юқорига қилиб, ҳавода доира чизиши «Ўраб олинг!» маъносини англатади.

Дарсга кирганда ўқитувчи: ўқувчиларнинг ўринларидан туриб унга салом беришини кутади. Дарс пайтида шовқинни босиш, ўқувчиларга танбех бериш учун ручкасини столга уриб тақиллатиб «тинчланинг», кўрсаткич (указка) ни кўргазмага теккизиб «эътибор қилинг» каби сигналларни бериш билан коммуникацияга киришади. Булардан кўринадикки, танбех фақат сўз ва гаплар воситасидагина эмас, имо-ишора, хатти-ҳаракатлар орқали берилиши мумкин. Абдулла Қаҳҳорнинг “Даҳшат” ҳикоясидан олинган куйидаги парчада фикримизга оид куйидагиларни ўқиймиз: “Нодирмоҳобегим сандал ичидан оёғини узатиб Унсиннинг болдирини чимчилади, кўзи билан “хайрият тушунмади, бас қил, гапирма” деб ишора қилди...”

Одоб-ахлоқ мавзуида ўтказилган баҳс-мунозаралардан бирида сўз олган талабамиз мавзуга оид куйидаги ҳаётий воқеани ҳикоя қилиб берган эди: “Ўтган куни дадам иккаламиз чой ичмоқчи бўлдик. Шу пайт телевизорда қизиқ кўрсатув бошланиб қолди. Мен чойни дамлаб, дастурхонга олиб келиб қўйдиму пиёла олиб келиш эсимдан чиқиб, телевизор кўриб қолибман. Шу пайт дадам “пиёла олиб келмайсанми?” дейиш ўрнига бошларидан дўппиларини олиб, чойнакка тутдилар ва “қуй!” деган маънода менга қарадилар. Мен дарров гапга тушундим ва уялиб кетдим...”

Нолисоний воситалар орқали танбеҳ беришнинг тур ва усуллари ранг-баранг ва жуда кўп бўлиб, оддийгина томоқ кириб қўйиш, норози оҳангда гапиришлардан тортиб бир маънили қараб қўйишлар орқали ҳам содир этилиши мумкин. Айниқса, оталарнинг оддийгина томоқ кириб қўйишларида ҳам олам-олам маъно яширинган бўлади. Миллийлик нуқтаи назаридан: умуминсоний ва бир миллатга алоқадор танбеҳлар.

1. Худуд нуқтаи назаридан: фақат бир худуд вакиллари ўртасидагина қўлланадиган танбеҳлар.

2. Умумийлик ва индивидуаллик нуқтаи назаридан: кўпчилик томонидан бир хилда, алоҳида шахслар томонидан ўзига хос усулда қўлланадиган танбеҳлар.

3. Ахлоқ нуқтаи назаридан: ўринли ва ўринсиз танбеҳлар.

Маҳорат нуқтаи назаридан: меъёрида ва мулоимлик билан, меъёрни билмасдан ва кўполлик билан қилинадиган танбеҳлар.

Нолисоний воситалар мулоқот жараёнида сўздан ўн қарра кўпроқ қўлланилади ва буларнинг ҳаммаси танбеҳларга ҳам тегишлидир.

Нолисоний усул орқали берилган танбеҳ тингловчига лисоний воситалар орқали ифодаланган танбеҳдан ҳам кўра кучлироқ таъсир кўрсатиши мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Колшанский Г.В. Паралингвистика. – М.: Наука, 1974. – С. 80.
2. Леонтьев А. А. Слово о речевой деятельности. – М.: Наука, 1965. – С. 114.
3. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент, 2007. – Б. 184.
4. Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. филол. фанл. докт. дис. автореф. – Тошкент, 2000. – Б. 48.

УЎК 81-13

ОБРАЗЛАР ПОРТРЕТИНИ ЯРАТИШДА МИФОЛОГИК ТАСВИРЛАР

Н.С.Матязова, доцент, PhD, Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада Хоразм достонларида портрет билан алоқадор мифологик тасвирларни турли достонларда ҳар хил намоён бўлиши, образлар портретини чизишида уларнинг куч-қудратига эътибор қаратилиб, муболоғали, гайритабиий тасвирлар юзага келиши назарда тутилган.

Калим сўзлар: Миф, мифология. мотив, достон, қаҳрамон, партогенезис, ҳомий, культ, эпик.

Аннотация. Данная статья акцентирует внимание на мифологических образах, связанных с портретом по-разному показанных в разных хорезмских эпосах, их силе в отображении портретов, создании мифологических, сверхъестественных образов.

Ключевые слова: миф, мифология. мотив, эпос, герой, партогенез, покровитель, культ, эпос.

Abstract. This article focuses on the mythological images associated with the portrait, shown in different ways in different Khorezm epics, their power in displaying portraits, creating mythological, supernatural images.

Key words: myth, mythology. motive, epic, hero, partogenesis, patron saint, cult, epic

Мифлар табиат ҳодисаларнинг ибтидоий инсон тафаккурида қайта жонланиши бўлиб, унинг негизида гайритабиий мотивлар ётади. Инсониятнинг онг даражаси тараққий этгани сари жамият билан алоқадор турли жанрлар пайдо бўлиб, мифлар аста-секин уларнинг таркибидан жой ола борди. Айниқса эпос мифларни ўз таркибига кўпроқ сингдириб юборди. Мифлар жамият ва инсон ҳаёти ҳақидаги воқеаларни тасвирловчи эпик асарларда ўзига хос фантастик безак бўлиб қолди. Достонлардаги танланган асосий воқеаларини очиб бериш жараёнида жуда кўп ёрдамчи омилларга таянилади. Образ портрети чизилади, манзаралар тасвири берилади, ҳайвонлар, қушлар билан алоқадор лавҳалар келтирилади, урф-одатлар, маросим кабиларга муружаат этилади. Ушбу мураккаб жараён эпос таркибига жуда кўп архаик

мотивларнинг кириб келишига йўл очади. Шу тариқа эпос воқеалари орасига халқнинг хусусий эпосидаги архаик мотивлар билан бир қаторда бошқа халқлар фольклори билан алоқадор айрим мифологик лавҳалар ҳам кириб, сингишиб кетади.

Достон таркибидаги архаик эпосга хос мотивларнинг ишлатилиши аксарият ҳолларда уни ижро этувчи бахшилар таъсири билан боғлиқдир. Достон ижроси давомида бахшилар бошқа бир достон таркибидаги образ портрети ижро этилаётган достон образига кўчириб юборавериши мумкин. Табиат манзаралари ёки урф-одатлар билан алоқадор лавҳалар ҳали бундан мустасно эмас. Бахшилар профессионал ижодкор бўлганликлари сабабли уларда анъанавийлик барқарор сақланади.

Ҳар бир достонда воқеаларни ҳаракатга келтирувчи восита сифатида образининг майдонга чиқиши ўз-ўзидан маълум. Достондаги бош қаҳрамон барча ҳолларда ўзида халқ идеалини мужассамлаштиради, халоскор куч сифатида гавдаланади. Уларга қарама-қарши бўлган рақиб образлари ҳам бош қаҳрамон даражасида, айрим ҳолларда эса ундан ҳам қувватлироқ тарзда тасвирланади.

Кўп ҳолларда эса курашувчи икки гуруҳнинг ёки рақибнинг биттаси инсон тарзида (бош қаҳрамон) иккинчиси эса ёвуз мифологик жонзот сифатида намоён бўлади [1].

Мана шу ҳолатлар бош қаҳрамон ёки рақиб образининг портретини чизганда мифик тасвирдан фойдаланишни тақозо қилади. Достонларда бунга мисоллар жуда кўп. Масалан, “Гўрўғли” эпосидаги Гўрўғли образи ниҳоятда муболоғали қилиб тасвирланади. Бўйи икки ярим газ, эни бир газ, буртлари товланиб турган, кўзи ёниб турган ҳайбатли йигит” [2] сифатида тасвирланган Гўрўғли ҳеч ким кўтара олмаган ёйни кўтариб, икки учини бир жойга келтиради, етти филни қаторлаштириб қўйганда ўша ёйдан отган ўқи етти филни ҳам тешиб ўтади.

Достон воқеаларидаги мантиқ нуқтаи назаридан қараганда, мана шу тасвирланган эпик қаҳрамонга қарши борган рақиб ҳам у билан тенг ёки ундан ҳам устун бўлган куч-қудратга эга бўлиши лозим. Шу сабабли унинг рақиблари ҳам ниҳоятда муболағали тарзда тасвирланади. Мазкур тасвир эса ўз-ўзидан архаик эпосдаги мифологик образларга хос бўлган кўринишларни эсга солади.

“Гўрўғли”нинг “Бозиргон” шохобчасидаги Бозиргоннинг портрети ҳам шунга яқин берилади. Эпик душманларга берилган ушбу характеристиканинг замирида икки нарса ётади. Биринчидан, Гўрўғли мана шундай қудратли душманларга қарши курашиб енгиб чиқиши керак. Демак, эпик қаҳрамон улардан ҳам кучли, қудратли, идеал инсондир. Иккинчидан, эпик душманларнинг қиёфасини тасвирлашда муболаға жуда қуюқлашади ва ниҳоят улар мифик демонлар шаклига ўхшаш ҳолатда берилади. Бу эса ўз-ўзидан архаик эпос анъаналарига мурожаат қилишдир. Чунки, “Ҳар бир миллат поэтик маданиятида анъанавий бадий-услубий воситаларнинг қўлланилишида характерли белги уларнинг барқарорлиги бўлиб ҳисобланади” [3]. Шу сабабдан достонларда мифик лавҳалар ҳам баъзи эволюцион ўзгаришларга учрасаларда, анча барқарор сақланиб қолганлар. Достонларда бош қаҳрамон портрети турли жойларда турлича тасвирланади. Бу ҳолат ҳар бир достондаги воқеа характери билан боғлиқдир. “қирқ минглар” достонида Гўрўғли Хунхоршоҳнинг қирқ минг кишилиқ қўшинига қарши жанг қилади. Бу лавҳада Гўрўғли портрети янада маҳобатли тасвирланади. “Гўрўғлининг ўзи ўттиз ботмон келадиган ёйини олиб, ўттиз қўйнинг терисидан тикилган силкма чўғирмасини кийиб, ўттиз туянинг тукидан тўқилган чекманини кийиб, белини ўттиз газ арқон билан боғлаб олдинда бора берди” [4].

Ушбу муболоғали тасвирга разм солинса, унинг замирида ҳам мифологик образ бўлган девлар тасвирига ҳамоханглик сезилади. Гўрўғли достонда инсон сифатида ҳаракат қилади. Юқоридаги тасвир бахши томонидан таъриф этилганда эшитувчи унга тўла ишонади. Бироқ, жиддий таҳлил нуқтаи назаридан қараганда, архаик эпосдаги мифологик образларга берилган қиёфа таърифи ушбу тасвирда ўзининг муайян барқарорлигини сақлагани аён бўлади.

Хоразм достонларида портрет билан алоқадор мифологик тасвир турли достонларда ҳар хил тарзда намоён бўлади. “Гўрўғли” туркуми достонларида жисмоний кураш, олишув, жангу жадал эпизодлари кўп бўлгани сабабли образлар портретини чизишда унинг куч-қудратига кўпроқ эътибор қаратилиб, муболағали, ғайритабиий тасвир юзага келади.

“Ошиқ” туркумига кирувчи дostonларда кураш, жанг эпизодлари деярлик йўқ. Шу сабабли мазкур дostonларда образ портретини чизишда кўпроқ ошиқ ва маъшуканинг гўзаллигига, хушбичимлигига кўпроқ урғу берилади. Албатта бу тасвирда мифологик тасвирнинг кўлами анча паст, лекин барибир унда муболоға, ғайритабиийлик ўзини намoён қилиб туради:

“Эрса, Ҳамронинг қора кўзига, кулар юзига, ширин сўзига, қалам қошига, инжу тишига, писта даҳанига, тилла суви билан кумуш суви берилган кокилига Сайёдхоннинг кўзи тушуб, беҳуш бўлиб йиқилди. Бир соатдин сўнг хушина келиб ҳайрон бўлиб турди. Ҳамро ҳам кўрдик, тилло тахтнинг устида шоҳ сифатли бир қиз турибди. Юзи тарлон боқишли, ошиқлар жонини ёқишли. Сайёдхонни кўргач ошиқ Ҳамро масту беихтиёр бўлиб қолди” [5].

Ушбу портрет чизғиларига назар ташланса, унда инсон қиёфасига қараганда мифологик образ сифатида эртак ва дostonларда учрайдиган пари қиёфаси киши кўз олдида жонланади. Шу нуқтаи назардан ёндошганда дostonдаги ошиқ ва маъшуклар портретини чизишда халқ ижодкорлари мифологик образлар таъсирига берилган ҳолда ғайритабиий ҳолатлар тасвирига мурожаат қилишиб, тингловчиларда бадиий-эстетик завқ уйғонтиришга ҳаракат қилишади. “Ошиқ” туркуми дostonларида ҳам баъзан қаҳрамонлик эпосига хос портрет чизғилари кўзга ташланиб қолади. “Сайёд ва Ҳамро” дostonида берилган Сайёдхон портрети, “Гўрўғли” дostonидаги Хирмондали портретига анча яқин келади.

Портрет тасвири шеърини тарзда ҳам берилади. Уларда ҳам муболоғаларнинг ғайритабиий ҳолатлар билан боғлиқ иғроқ, ғулув турлари кўп учрайдики, уларнинг ҳам қадимий асоси мифик тасаввурга бориб тақалади:

Лаъли гавҳар эрур кокилин тори,
Йўлинда ўлтирур кўп интизори.
Ақлу хушим олди қадди рафтори,
Қайси бир васфини баён айлайин.

Юзин кўрган замон ўзимдин кетдим,
Маст бўлиб тупроққа булғаниб ётдим.
Ҳайрон бўлиб айтар сўзим унутдим,
Қайси бир васфини баён айлайин [6].

Мисраларга разм солинса ундаги ташбеҳларда ибтидоий инсоннинг анимистик тасаввурлари ўз ифодасини топади. Бундай характердаги мисраларнинг шундай тоифалари борки, унда предметлар маъшуканинг қоши, кўзи, киприги ва қиёфасига нисбатан турли ташбеҳлар ишлатилиб, улар жонлантирилади. Натижада ажойиб сўз ўйинлари рўёбга чиқади. Қуйидаги парчада ҳам шу хусусият ўзини намoён қилиб туради:

Боши олтин, оёқлари кумушдин,
Тиши дур, кўзлари мастона хушдин.
Қўли ёқут эрур, бармоқлари лаъл,
Жаҳон тахтига лойиқ шоҳ мукамал [7].

Бундай тасвирнинг асосий негизи юқорида таъкидлаганимиздек анимистик тушунчалар билан алоқадордир.

Ибтидоий одам табиат ҳақидаги тасавурида ўзини табиат кучлари ва ҳодисалари билан айнан бир нарса деб ҳисоблайди, жонсиз нарсаларни жонли деб қарайди [8].

Бундай ибтидоий тасаввурларнинг қолдиқлари халқ дostonларида, эртакларида сақланиб қолган.

Юқоридаги тўртликда бошнинг олтинга, оёқнинг кумушга, тишнинг дурга, қўлни ёқутга, бармоқни лаълга ўхшатилиши аввалда таъкидлаганимиз Портрет тасвири масаласида яна бир жиҳатни эътиборга олиш зарур. Мифологик таъриф турли образлар тасвирида турлича кўринишга эга бўлади.

Дostonларда салбий образлар, шунингдек турли жонзотлар фаолияти ҳам ёритиладики, уларнинг портрети билан алоқадор таъриф ва тавсифларнинг моҳияти сал бошқачароқ тарзда рўёбга чиқди. “Гўрўғли” дostonларида эпик қаҳрамонни унинг жанговор оти-Ғиротсиз тасаввур қилиш қийин. Дostonларда Гўрўғлига қандай таъриф берилса, унинг Ғиротига ҳам шундай таъриф берилади. Ғиротнинг дунёга келиши тўла мифологик характерга эга. Демак, Ғирот оддий отлардан эмас. Шу сабабли у дарёдан учиб ўтади, қалъа деворларидан бир

сакраганда ошиб тушади. Бу хусусиятларнинг барчаси мифологик тасаввурларнинг мевасидир. Агар ўша тасаввур орқали таъриф берилмаганда Гиротнинг оддий отлардан фарқи бўлмас, ғайритабиий ҳолатларни енгиб ўта олмас эди. Ундай ҳолда эпик отлик хусусияти йўқолиб, дostonдаги воқеалардан фантастик руҳ кўтарилиб, бадий асарнинг ғоявий-эстетик қиммати ўз кучини йўқотган бўлур эди.

Достонларда салбий образлар ҳам иштирок этишади. Уларнинг портрети сал бошқачароқ кўринишда гавдалантирилади. Масалан, “Гўрўғли” достонларида ялмоғиз кампирга шундай тавсиф берилади: “Гўрўғли қараса бир кампир турибди, оғзи ўчокдай, бели кундадай, сочлари байталнинг ёлидай, тишлари ёвадай бир бало”. Достонларда дев образлари тез-тез кўзга ташланади. Уларнинг портрети ўта баҳайбатли қилиб тасвирланади. “Авазхон” достонида девга шундай таъриф берилади: “Икки дев ётибди, ҳар қайсисининг эни ўн газ, узун ийгирма газдан кам эмас. Киприклари курранинг куйруғидай” [9].

“Эдиго” достонида эса девнинг таърифи янада ошириб тасвирланади: “Майдонда бир махлуқ ётибди: бўйи юз газ, бағри сийнаси эллик газ, тамоми баданида оқ тук кўқарган, кўрган одамнинг юраги пора-пора бўлур” [10].

Портрет тасвирида мифологик тушунчаларга мурожаат қилиниши бадий қонуниятлари асосида рўёбга чиқади. Ушбу лавҳалар достонлар таркибига асрлар оша, бахшиларнинг бадихагўйлиги натижасида кириб, сингишиб кетган. Достонларнинг бадийлик мезонини белгилашда улар таркибидаги мифологик тасвирларнинг ролини эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мелетинский Е.М. Введение в историческую поэтику эпоса и романа, М., Наука, 1986, с.74.
2. Гўрўғли, Урганч, “Хоразм”, 2004. 45-б.
3. Кудояров А.В. Художественно-стилевые закономерности эпоса монголоязычных народов, «Фольклор, образ и поэтическое слово контексте», М., «Наука», 1984, с-10,
4. Гўрўғли, Урганч, “Хоразм”, 2004. 187-б.
5. Ошиқнома, 1-китоб, Урганч, “Хоразм”, 2006, 25-б.
6. Ожиза, Тошкент, 2003, 94-бет.
7. Ошиқнома, 2-китоб, Урганч, “Хоразм”, 2006, 353-б.
8. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т., “Ўқитувчи”, 1980, 50-б.
9. Гўрўғли, Урганч, “Хоразм”, 2004. 430-б.
10. Ошиқнома, 1-китоб, Урганч, “Хоразм”, 2006, 25-б.

УЎК: 811.512.133'373.2:254.2-24(043.3)

ЎЗЛАШМАЛАРНИНГ ОГАҲИЙ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИ ПОЭТИКАСИДАГИ ЎРНИ

Р.Махмудов, катта илмий ходими, Хоразм Маъмун академияси, Хива

Аннотация. Ушбу мақолада ўзлашмаларнинг Огаҳий тарихий асарлари поэтикасида туганган ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: тарихий асар, ўзлашма, поэтика, шеърини санъат, омоним, оҳангдош сўз.

Аннотация. В статье анализируются роль и значение заимствования в поэтике исторических произведений Огахи.

Ключевые слова: историческое произведение, заимствования, поэтика, поэтическое искусство, омоним, мелодическое слово.

Abstract. The article analyzes the role and significance of borrowing Ogahi's historical works in poetics.

Key words: historical work, borrowings, poetics, poetic art, omonym, melodic word.

Ўзлашмаларнинг тарихий асар поэтикасида нақадар муҳим аҳамият касб этишини юқоридаги тўрт фасл ҳам таъкидлаб турибди. Ушбу фаслда биз уларни умумлаштирган ҳолда бир неча назарий маълумотларни ҳам кўшимча равишда келтириб ўтамыз. Огаҳий тарихий асарларида ўзлашмалар бир неча муҳим вазифаларни бажаради:

1. Ўзлашмалар тарихий асар матнида сўз такрорланишининг олдини олади.
2. Ижодкорнинг ифода имкониятларини кенгайтиради.
3. Бадий санъатларни юзага келтиришда асосий вазифаларни бажаради.

4. Тарихий асар тилида шоҳона шукуҳ, кўтаринкиликни юзага келтиришга хизмат қилади.

5. Тарихий асар ёзиш анъаналарига риоя этилишини таъминлайди.

Таъкидланганидек, Огаҳий тарихий асарларида ўзлашмаларнинг муҳим поэтик вазибаларидан бири бу бадий тасвирий воситалар – бадий санъатларни юзага келтиришдир. Огаҳий насрда ҳам назмдаги каби бадий санъатлардан унумли фойдаланиб, фикрни жозибали тарзда ифодаланиши ҳар бир тарихий асари мисолида кузатишимиз мумкин. Бу муаррихнинг ижодий қудрати кўламдорлигидан далолат беради. Биз куйида аввалги фаслларда тилга олмаган бадий санъатларнинг юзага келишида Огаҳийнинг ўзлашмалардан фойдаланиш қудрати чексизлигини яққол исботловчи мисолларни таҳлил ва тадқиқ қилишга ҳаракат қиламиз. Огаҳий тарихий асарларида ўзлашмалардан куйидаги бадий санъатларни юзага келишида ҳам унумли фойдаланилган:

1. Сажни юзага келтиришда. Насрий асар ёзишнинг мумтоз анъаналаридан, ҳатто асосий хусусиятларидан бири бу сатрларда сажънинг мавжуд бўлишидир. Алишер Навоийнинг барча насрий асарларини кузатсак, шунга амин бўламизки, аллома ҳар бир насрий асарини яратиш жараёнида сажъ санъатининг бутун имкониятларини ишга солган. Огаҳий ҳам ушбу анъанани давом эттирди ва ҳар бир тарихий асарида сажънинг энг гўзал, бетакрор намуналарини яратди: *Аммо баъд, дониш арбобининг замири мунирларига ва «биниш» асҳобининг хотири хамирларига равшану маълум ва мубарҳану мафҳум бўлсунким, бу фақири касиру-т-тақсир, бандои садоқатинтисоб, аъни Муҳаммад Ризо мироб ал-мулаққаб би-л-Огаҳий, биродарзодаи Мунис мироб, гафураллоҳу зунубаҳумо ва сатара уюбаҳумоким, шабобат замонидин то қуҳулат авонигача дору-с-салтанаи Хоразм, сонаҳо-ллоҳу таоло ан офоти-р-разм ва-л-лазм, подшоҳларининг ҳолом ва футуҳотлари воқеъанигорлиқиға «маъмур» эрдим, андоқким, аларнинг фармони олийлари муқтазоси била ҳар бирининг отиға алоҳида ҳолом ва воқеъотларига муштамил бир китоб тартиб бердим* [7, 19-20]. Келтирилган парчадаги деярли барча сўз ўзаро оҳангдош ҳамда вазндош ёки фақат оҳангдош бўлиб келаётганини кузатиш мумкин. Хусусан: *дониш – биниш, арбоби – асҳоби, замири – хотири, минирларига – хамирларига, равшану маълум – мубарҳану мафҳум, фақир – касиру-т-тақсир, садоқатинтисоб – мироб – мироб, гафураллоҳу зунубаҳумо – сатара уюбаҳумо, шабобат – қуҳулат, замони – авони, дору-с-салтанаи Хоразм – офоти-р-разм ва-л-лазм, ҳолом – футуҳот, ҳолом – воқеъот, эрдим – бердим.* Ўн тўрт оҳангдош жуфтлик бир жумлада сажънинг нодир намунасини пайдо қилмоқда. Таъкидлаш лозимки, ушбу ўн тўрт жуфтликдан фақат бир донаси (эрдим – бердим) туркий оҳангдош сўзлардир. Қолган барча жуфтлик аъзолари ўзлашмалардан иборат. Биргина шу мисолимининг ўзи ҳам Огаҳий тарихий асарлари поэтикасида ўзлашмаларнинг қанчалик аҳамиятли эканлигини яққол намоён этиб турибди.

Огаҳийнинг сўз танлаш маҳорати жуда юксак, муаррих ҳар бир сўзнинг энг нозик маъно кирраларини ҳам ҳис қилади. сўзларни бир маржонга тизар экан, уларнинг оҳангдош ва вазндошлиги сатрлар қуйма эканлигига амин бўламиз. Ижодкор уларни зўрма-зўраки танламаган, улар Огаҳий қалбига сув каби қуйилиб келган.

Биламизки, сажъ насрий асарнинг асосий безакларидан бири бўлиб, насрий асар жумлаларидаги сўзлар ўзаро оҳангдош бўлиши (худди шеърдаги каби қофиядош бўлиши)дир. Тўғри, араб олимлари даставвал ушбу санъатни фақат насрга тегишли деб билган эсалар-да, кейинчалик у назмга ҳам татбиқ этила бошланди, даврлар ўтиб эса сажъ айни насрий асарлардаги асосий санъат тури эканлиги ҳақида фикрлар ўртага ташланди. Айрим олимлар сажъ хоҳ насрда бўлсин, хоҳ назмда бўлсин калом фосилаларининг охирги ҳарфда мувофик келиши эканлигини таъкидлашса, айрим Ажам тадқиқотчилари сажъ бу калом фосилаларининг охирги ҳарф ёки вазнда мувофиқлигидир дея баён этадилар [2, 62]. Шу нуқтаи назардан сажъ куйидаги турларга бўлинади:

1) Сажъи мутавозий – наср фосилаларининг охирги ҳарф ва вазнда мувофик (баробар) бўлишидир: *Аммо баъд, арбоби фатонат ва асҳоби дироятнинг замоири зибасоир ва хавотири байзоназоириға маъруф ва мақшуф бўлсунким, бу фақири касиру-т-тақсир,*

бебизоат, қалилу-л-иститоат, аҳқару-л-ибоди-л-малики-л-Ваҳҳоб, аъни бандайи камина Мухаммад Ризо Мироб ал-мулаққаб би-л-Огаҳий ибн Эрнийзбек – биродарзода ва дастпарвардайи Мунис мироб, сақаллоху сиррахумā ва жа'ала-л-жанната масвāхумāким, неча айёмдин бери подшоҳи жаннатжойгоҳлар ва шаҳаншаҳи маърифат-паноҳларнинг марҳамати мулукона ва илтифоти хусравоналаридин воқеъот забти ва тарих рабтига маъмур ва ул амр воситаси била аҳли олам орасида ниҳоятсиз мубтаҳиж ва масрур эрдим ва чун ҳазрати соҳибқирони сулаймонмакон, искандарнишон, Фаридуни замон ва Ҳайдари даврон, зафартавъамон, фатҳиқтирон, фармон-фармойи жаҳон, муржиъи анвоъи инсон, матбуъи афроди инсу жон, соҳиби-сайфи ва-с-самсом, мураввати қавоиди дини ислом, машиди аркони азамати ва-л-жалол, муассиси бунёни саодати ва-л-иқбол боису-л-амни ва-л-амон, моҳийу-з-зулми ва-т-туғён, рофиъи аъломи-л-адолати ва-л-эҳсон аъла руъуси аҳли-л-имон... [6, 5-6] Келтирилган парчадаги арбоб – асҳоб, фатонат – диroyат, замоир – хавотир, маъруф – мақиуф, фақир – тақсир, бебезоат – иститоат, сиррахума – масвахума, мулукона – хусравона, забт – рабт, маъмур – масрур, сулаймонмакон – искандарнишон, замон – даврон каби оҳангдош ва вазндош ўзлашма жуфтликлар сажъи мутавозийга мисол бўла олади. Эътибор қаратсак, уларнинг деярли барчасида ҳаракатлар ҳам, вазнлар ҳам, охириги товушлар ҳам бир хил. Огаҳий тарихий асарларидаги сажълар, асосан, сажъи мутавозийга мансубдир. Чунки муаррих, таъкидлаганимиздек, сўзларнинг ҳаракатлар бир хиллигига ҳам жиддий эътибор қаратади. Бу эса сўзларнинг мукамал оҳангдошлигини юзага келтиради. Бу жиҳатдан “Гулшани давлат” ёки “Риёзу-д-давлат”нинг аввалидаги ҳамд қисмлари жуда эътиборга лойиқ.

2) **Сажъи мутарраф** – наср фосилаларининг охириги ҳарфда мувофиқлиги ва вазнда муҳолиф (хилма-хил) бўлишидир. Араблар мутарраф деб атрофи, учлари бир хил рангда, қолган қисми эса хилма-хил рангларда бўлган нарсани айтадилар. Айтиш лозимки, Огаҳий тарихий асарларида сажъи мутарраф сажъи мутавозийга нисбатан кам: *Аммо баъд, соҳибфатонат хушмандларнинг замири мунири мишкотига возиҳ ва комил, диroyат хирадпайвандларнинг хотири хатири миръотига лойиҳ бўлсунким, чун олийҳазрат, фалакрифъат, сурайё мартабат, хуришид манзалат, азамат кулоҳ, макрамат дастгоҳ, султони муаззам, хоқони мукаррам, хидеви анжумҳашам, хусрави байзоалам, хулосаи салотини олам, нақоваи дудмони Одам, Дорой Искандарнишон, Искандари Сулаймонмакон, ахтари осмони адолат, гавҳари уммони жалолат* [4, 30]. Келтирилган сатрлардаги хушманд – хирадпайванд, кулоҳ – дастгоҳ ўзлашма жуфтликлар сажъи мутаррафга мисол бўла олади. Чунки фосилалар бир хил ҳарфда яқунланса-да, вазнда муҳолифлик мавжуд. Аммо парчадаги қолган барча ўзлашма жуфтликлар сажъи мутавозийдир. Чунки фосилаларнинг охириги ҳарфи ҳам вазни ҳам мувофиқдир.

3) **Сажъи мутавозин** – фосилаларнинг вазда мувофиқ ва охириги ҳарфда муҳолифлигидир. Ушбу турни айрим тадқиқотчилар тилга олмаган бўлса, Рашидиддин Ватвот ўзининг “Ҳадоиқ ас-сеҳр фи дақойиқ аш-шеър” асарида уни насрга хос эмаслигини таъкидлайди [2, 65]. Огаҳий тарихий асарларида сажъи мутавозин кам кўлланган: *Шеър ва таворих ва тасаввуф ва дақойиқий мужодаласидин ниҳоятсиз завқ ва гоятсиз фараҳ ҳосил қилур эрди ва мажлис аҳлига атойи хусравона ва сахойи бебаҳона сарпанжаси била зарпошлиг қилиб, хушҳоллиқ ва фориғболлиқ еткурур эрди*. Келтирилган парчада ниҳоятсиз завқ – гоятсиз фараҳ фосилалари мавжуд. Ниҳоятсиз – гоятсиз фосилалари сажъи мутаррафга мисол бўлса, *завқ – фараҳ* сажъи мутавозинга мисол бўлади. Чунки *завқ* ва *фараҳ* вазнда мувофиқ охириги ҳарф (оҳанг)да муҳолифдир.

Юқоридаги қайдлардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, Огаҳий тарихий асарларида сажъ энг муҳим санъатлардан бири. У маълум тарихий асарнинг эстетик таъсирини оширишда асосий поэтик восита сифатида кўзга ташланади. Огаҳий сажънинг барча турларидан ўз тарихий асарларида унумли фойдаланган ва бу жараёнда ўзлашмалар муҳим аҳамият касб этади.

2. **Ийҳомни юзага келтиришда.** Маълумки, ийҳом бир сўзнинг турли маъноларидан фойдаланган ҳолда бир мисра ёки сатрда турли маъноларни ифодалаш санъати. Ушбу санъатга

илми бадеъда анчайин мураккаб санъатлардан бири сифатида қаралган. Атоуллоҳ Хусайнийнинг таъкидлашича, ушбу санъатни таврия ҳам дейдилар, Рашидиддин Ватвот бу санъатни қадимда таҳйил деб ҳам атаганларини қайд этган [2, 123]. Ийҳом ижодкор томонидан махсус қўлланадики, ўқувчи бирор сатр ёки байтни ўқиганда унинг бошқа маъноси ҳам бормикан деб шубҳага тушуши зарур. Шу сабабдан ҳам санъатнинг номи кўп ҳолларда *ийҳом* (*иҳом* [3, 29]) – *шубҳага солиш* деб юритилган. Огаҳий салафлари анъанасини ижодий давом эттириб, ўз тарихий асарларида ҳам ушбу санъатнинг нодир намуналарини ижод қилди. Биз ўзлашма сўзларнинг бадий асар поэтикасидаги ўрни ҳақида фикр юритар эканмиз, Огаҳий тарихий асарларидаги ийҳом санъатининг юзага келишида ўзлашмалар алоҳида мақомга эга эканлигини таъкидлашимиз даркор:

*Ки то мен суруб ибтидо хомасин,
Рақам айлайин шоҳ “Шоҳнома”син* [5, 25].

“Риёзу-д-давла”дан келтирилган мисраларда “Шоҳнома” ўзлашмаси қўлланиб турибди ва у икки маънода: 1) Фирдавсийнинг “Шоҳнома” достони; 2) шоҳга бағишланган асар (Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сидан сўнг шоҳларга бағишланган асарларни унга қиёслаб “Шоҳнома” дейиш расм бўлган) қўлланиб, ийҳомни юзага келтирмоқда. Ижодкор ушбу ўринда Фирдавсийнинг машҳур достони “Шоҳнома” ва халқ орасида шоҳларга бағишланган ҳар қандай асарни “Шоҳнома” дейиш урф бўлгани орқали сўз ўйини қилмоқда ва мен яратган асар ҳам “Шоҳнома” каби маълуму машҳур шоҳлар ҳақида ва у ҳам шуҳрат қозонади ҳамда абадий тилларда дoston бўлади деган муаррих ниятини ўзида акс эттирмоқда. Шунингдек, байтдаги *шоҳ* ва *шоҳнома* ўртасидаги иштиқоқ тасвирнинг таъсирчанлигини янада оширмоқда.

Атоуллоҳ Хусайнинг таъкидича, ийҳом икки турли бўлади: 1) таврияи мужаррад. Бунда мисрадаги яқин маъно эмас, узоқ маъно ижодкорнинг асосий айтмоқчи бўлган фикри бўлади. Қуйида келтирилган мисралардаги ифоданинг янада гўзаллигига эътибор берайлик. Бу жараёнда ижодкор ўз ва ўзлашма сўзлардан унумли фойдаланиб, ийҳомнинг аввалги турини юзага келтирган:

*Камин бандадур сарв рафторинга,
Ҳазин қул эрур лола рухсоринга* [5, 24].

Ҳазин лола рухсоринга қулдир – *лола рухсоринга ҳазин қулман*. Кўриниб турганидек, *лола рухсор* мисрада икки маънода қўлланмоқда ва тасвирнинг поэтик имконияти ниҳоятда кенгаймоқда. Келтирилган сатрларда ийҳом орқали эстетик таъсир кучамоқда. Биз бу байтдаги ийҳомни таврияи мужаррад дейишимиз мумкин, яъни Бу ижодкорнинг ўз ва ўзлашма сўзларнинг барча имкониятларидан фойдалана оладиган нуктасанж ижодкор эканлигини яна бир бор исботлайди. Айни дамда, ўзлашма сўзларнинг тарихий асар поэтикасида ўрни беқиёслигидан далолат беради; 2) таврияи мувашшаҳ: сўзнинг яқин маъносига иккинчиси жуфт бўлиб англашилади.

*Бўлуб кенту саҳролари дилкушо,
Гулистони фирдавсдек ҳушҳаво* [5, 27].

“Риёзу-д-давла”дан келтирилган ушбу мисраларда *гулистон* ва *фирдавс* сўзлари орқали гулистон ва бой маъноси англашилади, айни дамда, *гулистон* ва *фирдавс* ўзлашмалари орқали биз Саъдийнинг “Гулистон” асарини ҳамда Мунис ва Огаҳийнинг “Фирдавсу-л-икбол” асарларини ҳам тушунамиз. Ушбу ўринда ижодкор ўзлашмаларни қўллашдан кўзлаган мақсади ҳар икки маънони ҳам бирдай англанишидир.

3. Иштиқоқни юзага келтиришда. Маълумки, иштиқоқ бир сўздан бошқа сўзни олиш деган маънони англатади ва шеърят истилоҳи сифатида наср ёки назмда бир ўзақдан ҳосил бўлган (ўзақдош) сўзларни қўллаш санъати маъносида истифода этилади [3, 24]. Огаҳий тарихий асарларида ушбу бадий санъатнинг нодир намуналарига дуч келамиз. Тадқиқотимиз ўзлашмалар доирасида амалга оширилаётгани сабабли, асосан, арабий ва форсий ўзлашмалар асосида юзага келтирилган иштиқоқларни таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Аввалги бобларда таъкидлаганимиздек, Огаҳий нафақат ижодкор, муаррих, таржимон, балки у моҳир тилшунос ҳамдир. Айниқса, бу ҳолат иштиқоқ билан боғлиқ ўзлашмалар қўлланишида яққол намоён

бўлади. Ижодкор, бирор сўзнинг маъносини ёнма-ён қўллаётган ўзакдош сўз ёхуд сўзлар билан ҳам ёритиб берадики, бу ҳар қандай ижодкорга ҳам хос хислат эмаслиги аниқ. Албатта, бу ижодкордан катта истейдод ва топқирлик, чуқур билим талаб этади. “Гулшани давлат”дан келтирилган ушбу байтга эътибор берайлик:

*Садоқатда келиб Сиддиқ монанд,
Адолатда Умар янглиғ хунарманд [6, 8].*

Сидк, сиддик, садақа, садоқат, содиқ каби сўзлар бир ўзакдан бўлиб, араб тилидаги *صدق* феълидан турли қолиплар асосида ҳосил қилингандир. Байтда келтирилган *сиддиқ* ўзлашмаси қуръоний лафзлардан бири бўлиб, *صدق* феълидан *فَعِيل* қолипи асосида ҳосил қилинган. *Сиддиқ* ўзлашмаси *صدق* феълининг *ҳақиқатгўй* бўлди маъносидан ҳосил қилинган *فَاعِل* қолипидаги *содиқ* аслий сифатининг орттирма даражасидир. Демак, ушбу ўзлашма *ўта рўстгўй*, *ўта ҳақиқатгўй* маъносини англатади. Ислол аввалида Абу Бақр (р.а.)нинг лақаби сифатида қўллана бошланган ушбу ўзлашма бугунги кунда антропоним сифатида ҳам кенг истифода этилмоқда. Сўзнинг генезиси жуда қадимий бўлиб, оромийдаги *соцца*, *тўғри* маъносини ифодаловчи *сисса* сўзи билан боғланади. Ушбу сўз иброний тили орқали араб, эфиоп тилларига кириб келган. Ушбу ўзлашма раббин битикларида ҳам *сисса*, *succat* [1, 194] шаклида тилга олинган ва *тўғри*, *рост* маъноларини ифодалаган. *Сиддиқ* ва *садақа* сўзлари Қуръони Каримнинг бир неча оятларида такрорланган. *Сиддиқ* қуръоний лафзи, асосан, Юсуф, Иброҳим, Идрис (а.с.)ларга нисбатан қўлланган.

Хулоса қилиб айтганда, Огаҳий тархий асарлари поэтикасида ўзлашмалар муҳим аҳамиятга эга. Улар тарихий асар бадииятининг тўла маънода беагидир. Ижодкор ўзлашмалардан тарихий асар тасвирнинг таъсир кучини оширишда, бадиий санъатларни юзага келтиришда, тарихий асар ёзиш анъаларига амал қилишда, асарга кўтаринкилик, шоҳона шукуҳни бахш этишда, лингвоэстетик имкониятларни кенгайтиришда кенг фойдаланган. Ўзлашмаларнинг маълум тархий асар поэтикасидаги ўрнини мукамал таҳлил қилиш мумтоз асарларимиз лингвопоэтикасини ўрганишда, ижодкорнинг хос (индивидуал) услубини аниқлашда, тарихий асар қўлёзмаларини тиклашда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Jeffery A. The foreign vocabulary of the Qur'an. Leiden-Boston. 2007. –P. 194.
2. Атоуллоҳ Хусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981. 62.
3. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. Тошкент. Зарқалам. 2006. –Б. 24.
4. Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Асарлар. III жилд. Зубдату-т-таворих. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Н.Жабборов. – Тошкент. Шарқ. 2019. – Б. 30.
5. Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Асарлар. IV жилд. Риёзу-д-давлат. Нашрга тайёрловчи А.Ўрозбоев. – Тошкент. Шарқ. 2020. – Б. 25.
6. Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Асарлар. VI жилд. Гулшани давлат. Нашрга тайёрловчи А.Ўрозбоев. – Тошкент. Шарқ. 2019. – Б. 5-6.
7. Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Асарлар. VII жилд. Шоҳиду-л-иқбол. Нашрга тайёрловчи Н.Шодмонов. – Тошкент. Шарқ. 2019. – Б. 19-20.

УЎК 81-13

ЕВРОПА ВА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАШТИРИШ ҚЎМИТАЛАРИ

*Ҳ.В.Мирзахмедова, PhD, доцент, Тошкент давлат шарқишунослик университети,
Тошкент*

Аннотация. Мазкур мақолада халқаро стандартлаштириш уюшмалари ва уларнинг умумий терминология, қолаверса, форс тили терминологияси билан ўзаро алоқалари ҳақида фикр юритилади. Европа ва шарқ мамлакатларида терминология ривожига бўлган эътибор натижасида бир қатор кузатилган тенденциялар мисоллар ёрдамида кўриб ўтилади. Шиддат билан шаклланаётган терминология учун қатор халқаро термин ясаш ва уларни мувофиқлаштирувчи ташкилотларнинг қиёсий-солиштирма таҳлили амалга оширилган. Шунингдек, мақолада терминларни стандартлаштириш бўйича фаолият юритаётган

ташкilotлар ва уларнинг умумий терминологияга таъсири ҳақидаги мулоҳазалар баён этилган.

Калит сўзлар: терминология, стандартлаштириши ташкilotи, халқаро стандартлаштириши қўмитаси.

Аннотация. В этой статье обсуждаются международные ассоциации стандартизации и их взаимодействие с общей терминологией, а также с персидской терминологией. В результате внимания, уделяемого развитию терминологии в странах Европы и Востока, на примерах рассматривается ряд наблюдаемых тенденций. Был проведен ряд международных терминов для быстро меняющейся терминологии и проведен сравнительный анализ координирующих их организаций. В статье также представлены отзывы об организациях, работающих над стандартизацией терминов, и их влияние на общую терминологию.

Ключевые слова: терминология, организация по стандартизации, международный комитет по стандартизации.

Abstract. This article discusses international standardization associations and their interaction with general terminology, as well as Persian terminology. As a result of the attention paid to the development of terminology in European and Eastern countries, a number of observed trends are considered using examples. A number of international terms for the rapidly evolving terminology and a comparative analysis of the organizations coordinating them have been performed. The article also provides feedback on organizations working to standardize terms and their impact on general terminology.

Keywords: terminology, standardization organization, international standardization committee.

Бугунги кунга келиб, терминларнинг аниқ назарий базаси етакчи терминолог олимлар— Е. Вюстер [1], Х. Фельбер [2], Д. С. Лотте [3], Э. Дрезин, В. Даниленколар [4] томонидан назарий асослангандан сўнг терминология яхлит фан сифатида ўрганила бошланди. Айниқса, ҳар бир фаннинг кескин тараққиёти ҳамда мазкур жараёнларда ҳар бир тушунчани номлашга бўлган эҳтиёж терминология асосининг яратилишига туртки бўлди.

Европада ҳам, Шарқда ҳам терминларга эътибор бир даврда, деярли бир вақтнинг ўзида, яъни XX асрнинг 30-36-йилларида шаклланди. Илмий-техника ривожини ва ижтимоий-маданий ҳаётнинг кескин тараққиёти Европа ва Шарқда терминларни унификациялаш ва стандартлаштиришга эътибор қаратилиши лозимлигини кўрсатди. Бундай ҳолат Европада терминология мактабларининг юзага келишини таъминлаган бўлса, Шарқда терминология билан шуғулланувчи академияларнинг вужудга келишига замин яратди. Ушбу мақола терминларни стандартлаштириш бўйича халқаро уюшмалар ва уларнинг фаолиятини тавсифий ёритишга қаратилган.

XX асрнинг бошлариданок, Германия муҳандислик академияси фаоллари муҳандислик учун лозим бўлган соҳа атамаларини ўрганиб чиқиш лозимлиги ҳақидаги таклиф билан чиқишади. Тилшунос ва файласуф олимлар “Verien Deutscher Ingeniure” (VDI) каби муҳандислик ташкilotлари билан биргаликда техник терминлар ишланмасини ишлаб чиқишга киришдилар. Бу ҳолат ёш олим Е. Вюстерни ҳам бефарқ қолдирмади. У 1931 йилда Штутгардда “Internationale Sprachnormung in der Technik” (“Технологияда тилнинг байналминал стандарти”) номли докторлик диссертациясини ҳимоя қилди [5]. Унинг мазкур иши ўша йилнинг ўзидаёқ монография ҳолида нашрдан чиқди. Бу тадқиқот иши натижасида кейинчалик ISA 37 стандартлаштириш ташкilotи шаклланди. Е. Вюстер Венада халқаро информацион ташкilot—InfoTERMни ташкил этиб, кейинчалик, терминология бўйича халқаро тадқиқот институтлари – Unesco, ISO, FEANI (Federation Europeen des Associations der Ingenieurs) каби йирик ташкilotлар билан ҳамкорликда терминларни стандартлаштириш ишларини олиб борган.

Таъкидланишича, терминологиянинг шаклланиши бир томондан, илмий-техника ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларидаги тушунча ва жараёнларни стандарт номлаш эҳтиёжининг пайдо

бўлиши билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан, биринчи ва иккинчи жаҳон уруши натижасида тиббиёт ва дори-дармон атамаларини байналминлаштириш билан боғлиқ бўлган [6]. Мазкур жараён бутунжаҳон олимларининг диққатига тушди. Дунё ҳамжамияти барча соҳа терминларини стандартлаштириш фикрини қўллаб-қувватлашлари натижасида бир қатор стандартлаштириш ташкилотлари юзага келган. Жумладан, 1926 йилда (1942 йилгача фаолият юритган) “Халқаро стандартлар ассоциацияси” – ISA (International Association for Standardization) ташкил этилди. 1946 йилда худди шу ташкилот – ISO (International Organization for Standardization) номи остида ўз фаолиятини давом эттирган. 1931 йилда Европада “British Standard Institution” (“Британия стандартлаштириш институти”) ташкил этилади.

Кейинчалик эса, стандартлаштирилган терминларни ёзма равишда эълон қилиш учун халқаро орфографик стандарт ишлаб чиқилиши долзарблик касб этди [7]. Айниқса, илмий-техник терминлар билан бир қаторда биологик ҳамда кимёвий моддалар терминларини стандарт номлаш эҳтиёжи ортди. Натижада 1949 йилда ЮНЕСКО томонидан ўтказилган халқаро конференцияда “Терминологияда стандартлаштириш жараёнини олиб бориш ҳамда аниқ, табиий ва ижтимоий фанлар учун кўп тилли луғатларни яратиш бўйича йўриқномалар” тасдиқланди. Шундай қилиб, терминология соҳасига эътибор бутунжаҳон олимлари диққат марказига йўналтирилди.

Бу орада бир қатор таклифлар бўлиб ўтди. Энг мақбул вариант сифатида рус олими Э. Дрезин томонидан таклиф этилган “Терминлардан фойдалашнинг халқаро ишланмаси” қабул қилинди [8]. Мазкур иш халқаро стандартлаштириш ассоциациясининг вакиллари томонидан юқори баҳоланди.

Чехославакияда Прага терминология мактаби намояндаларининг ташаббуси билан Чехия тили Фанлар Академияси институти (Institute of Czech Language of the Academy of Sciences) қошида “Чехославакия терминларни стандартлаштириш комитети” (Czechoslovakian Standards Committee for terminology) шакллантирилиб, унда терминларни стандартлаштириш ишлари олиб борилган [9].

Шарқда терминлар устида ишлаши бироз ўзгачароқ тус олган эди. Яъни, терминларни ўрганиш бўйича пуризм ҳаракатлари авж олди. Бу ҳаракат ортида тил софлигини сақлаб қолиш, она тилининг имкониятларидан оқилона фойдаланиш назарда тутилганди. Аммо бу ҳолат ҳам етарли даражада ўзини оқламаётганлиги яқин тарихдан ҳам маълум бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунга келиб, араб давлатларида 7 та араб тили академиялари – Миср (Қоҳира), Сурия, Ливан, Иордания, Тунис, Марокаш ва Жазоирда, фаолият юритмоқда [10]. Терминларнинг ягона вариантини ишлаб чиқиш ва ўзлашмаларнинг тилдаги таъсири масаласини ўрганиш араб тилининг долзарб муаммоларидан бирига айланган. Шу мақсадда, бугунги кунда барча араб давлатлари тил академиялари учун барча соҳалар терминларини унификациялаш мақсадида ташкил этилган миллий ташкилот – “Арабийлаштириш бўйича мувофиқлаштирувчи бюро” фаолият юритмоқда.

Кейинги йилларда ISO, ASMO (“Arab Standardization and Metrology Organization”)–“Араб стандартлаштириш ва метрология ташкилоти” ва British Standard Institution (“Британия стандартлаштириш институти”) каби халқаро ҳамда миллий стандартлаштириш уюшмалари томонидан ишлаб чиқариш ва ҳаётнинг турли жабҳаларида лозим бўладиган терминларни тартибга солиш учун стандартлар ишлаб чиқилди.

Шундай бўлишига қарамасдан, Араб давлатлари академияларида стандартлаштириш ва унификациялаш масаласига беътибор қаралмоқда. Натижада имкони борича, янги неологизмлар ҳосил қилинмоқда аммо улар ҳеч қандай қийматга эга бўлмай қолмоқда. Мазкур масалаларнинг ижросини университетлар қошида ташкил этилган CERTA (Centre d'études et de recherches en terminologie arabe) - “Араб терминологиясини илмий ўрганиш маркази” ва Agency Universitary de la Francophonie - “Франкофони Университетлар агентлиги” каби “Марказлар” ўз зиммасига олган.

Эронда эса терминларни стандартлаш бўйича 1991 йилда расман иш бошлаган ва бугунги кунда ҳам ўз фаолиятини олиб бораётган учинчи *فرهنگستان زبان و ادبیات ایران* *farhangestān-e zabān va adabeyāte irān* “Форс тили ва адабиёти академияси” (кейинчалик “Академия”, -деб юритилади) Эронда термин таклиф қилиш ва уларни стандартлаштириш бўйича ягона ташкилот ҳисобланади. Бу ҳақда 2001 йилда “Академия” томонидан нашрдан чиққан "اصول و ضوابط واژمگزینی. همراه با شرح و توضیحات" *osul va zavbet-e vāžegozini. hamroh bā šarh va touzihāt* “Сўз яшашнинг усул ва йўриқлари. Шарҳлари билан” номли йўриқномасида “...ҳар бир таклиф қилинаётган сўз ёки термин академия аъзолари томонидан узоқ муҳокама этилади, баҳс-мунозара ва савол-жавоблар орқали киритилаётган сўз ёки терминнинг мавқеи аниқлаштирилади. Ҳар бир босқичдан муваффақиятли ўтган сўз ёки термин академиянинг кенгайтирилган мажлисига овозга қўйилади. Лозим топилгандан кейингина, сўз ёки термин нашр учун тасдиқдан ўтказилади”, -дейилган [11].

ISO–Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот вакилларининг келишувларига биноан, тиббиёт, дори-дармон, қурол-яроқ терминлари, илмий-техник, жумладан, компьютер терминларини стандартлашган ҳолда ишлатилиши мақсадга мувофиқ. Мазкур халқаро ташкилот таклифига биноан, Эроннинг “Академия” йўриқномасида [12] байналминал сўз ва терминларнинг форсий вариантини келтириш ёки уларни стандартлаштириш шарт эмаслиги, халқаро расмий стандартлаштириш ташкилотлари томонидан тасдиқланган, байналминал характерга эга бўлган баъзи дори-дармон атамалари, тиббиёт, сиёсат, туризм, сервис ҳамда компьютер технологиялари терминлари стандартлаштирилган ҳолича ишлатилиши белгилаб қўйилган [13].

Кўриб ўтилганидек, Европа ва Шарқ мамлакатларида қатор стандартлаштириш ташкилотлари ишлаб турибди. Шунинг учун дунё олимлари таклифига кўра, терминологияни стандартлаштириш ҳамда байналминаллаштириш бўйича бир қатор расмий халқаро ташкилотлар ташкил этилди ва ҳозирги кунда ҳам фаолият юритмоқда.

1. ИНФОТЕРМ (INFOTERM–International Information Centre for Terminology) – ЮНЕСКО қошидаги терминология бўйича халқаро ахборот маркази. 1971 йилда Венада ташкил топган бўлиб, ЮНИСИСТ (UNISIST–Universal System for Information in Science and Technology), яъни “Илмий-техник ахборотларнинг умумжаҳон тизими” программаси асосида жаҳон ҳамжамиятининг терминологияни ривожлантириш борасида бирлаштирувчи ташкилот.

2. ТЕРМНЕТ (TERMNET–International Network of Terminology) – Терминология бўйича халқаро тармоқ бўлиб, 1988 йилда терминология бўйича конференция, илмий терминларни ўрганиш ва қабул қилиш, терминология борасидаги илмий изланишлар натижаларини чоп этиш мақсадида ташкиллаштирилган. Шу билан бирга, бу ташкилотнинг вазифаси-бутунжаҳон олимларини халқаро терминологиядаги ахборотлар билан таништиришдан иборат.

3. ИСО (ISO–International Organization for Standardization) – Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот. Бу ташкилот бир неча бор мақсадга қараб қайтадан ташкиллаштирилган: 1987 йилда ИСО-704 “Тамойиллар ва методлар” номи остида сўзларни саралаш мақсадида жорий қилинган. 1990 йилда “Лексика” номи остида ИСО-1087 шакллантирилган ва 1992 йилда “Тайёргарлик ва тақдим қилиш усули” номли ИСО-10241 ташкилоти ўз фаолиятини олиб борган.

4. ИСО-860 – 1996 йилда халқаро тушунча ва сўзларни тартибга солиш, шунингдек, сўзларни саралашнинг миллий ва халқаро тизимини ривожлантириш учун ташкил топди [14].

Хулоса қилиб айтганда, терминологияда терминларни қўллаш ва янги терминларни яратиш бўйича бир қатор таклифлар ва ёндашувлар бўлиб ўтган. Аммо бир тушунча учун бир неча терминлардан фойдаланилган. Натижада аввалига мамлакатларнинг ўзида терминларни стандартлаштириш ташкилотлари вужудга келган. Кейинчалик дунё олимларининг таклифлари асосида мавжуд терминларни стандартлаштирувчи халқаро ташкилотлар ташкил этилган.

ФҶОИДАЛИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҶЙХАТИ:

1. Wüster E. Internationale Sprachnormung in der Technik. Besonders in der Elektrotechnik. 3. Edition, Romanistischer Verlag, Bonn, 1931.
2. H. Felber. Developing an international network for conceptual analysis in social sciences the interconcept project of Unesco (a study). InfoTerm, Vienna. –Paris, 1977., Terminology Manual. – Paris, UNESCO. InfoTerm, 1984.
3. Лотте Д. С. Основы построения научно-технической терминологии. –М., 1961., Образование и прописание трёхэлементных научно-технических терминов. – М., 1969.
4. Даниленко В.П. Лексико-семантические и грамматические особенности слов терминов. –М., 1971.
5. Wüster E. Internationale Sprachnormung in der Technik. Besondere in der Electrotechnik. 3. Edition, Romanistischer Verlag, Bonn, 1931.
6. Суперанская А.В., Подольская Н.В., Васильева Н.В. Общая терминология: терминологическая деятельность. –М., Едиториал УРСС, 2005. Изд. 2-е. – С. 6.
7. Терминларни стандартлаштириш Россияда РАН (Россия Фанлар Академияси)да, Фарбада ISO (Халқаро стандартлар ассоциацияси)да амалга оширила бошланди.
8. Drezen E. Priproblemo de internaciigo de Science Teknikaterminaro. Moscow (Standartizacija I Rasionalizacija). –Amsterdam (Ekrelo), 1935.
9. H. Felber. Terminology Manual. – Paris, UNESCO. InfoTerm, 1984. P. 36.
10. Скворцова И. В. Особенности экономической терминологии современного арабского литературного языка: на материале арабской прессы начала XXI века. Автореф. дис. канд. филол. наук. М., 2008. –С. 4.
11. 8-7 ص. 1388 اصول و ضوابط واژمگزینی "همراه با شرح و توضیحات" ویرایش سوم، فرهنگستان زبان و ادب فارسی خرداد 1388.
12. 1388 اصول و ضوابط واژمگزینی "همراه با شرح و توضیحات" ویرایش سوم، فرهنگستان زبان و ادب فارسی خرداد 1388.
13. 41-44 ص. 1388 اصول و ضوابط واژمگزینی "همراه با شرح و توضیحات" ویرایش سوم، فرهنگستان زبان و ادب فارسی خرداد 1388.
14. Felber H. International standardization of terminology—theoretical and methodological aspects. – Paris, Vienna, 1977., Kohler H. The general theory of terminology: a literature review and a critical discussion. International business communication, Copenhagen business school, 2009., Акбарипур А. Терминологическое строительство в Иране. Дисс...канд. филол. наук. –М. 2006.

УЎК 81-13

ЖОМИЙ “ХАМСА” ЁЗГАНМИ?

Д.Х.Назарова, тадқиқотчи, Самарқанд давлат университети, Самарқанд

Аннотация. Мазкур мақолада форс-тоҷик мутафаккири Мавлоно Абдурахмони Ҷомӣ “Хамса” ёзган ё ёзмаганлигини аниқлаштириши учун турли факт ва далеллар келтирилган. Унинг “Ҳафт авранг”-ини “Хамса” деб аташ мумкинми деган саволга жавоб берилган. Адиб достонини гоёвий мундарижасини таҳлил қилиш орқали аниқ хулоса ва тўхтамга келинган.

Калит сўзлар: хамсанавислик, тасаввуф сулуки, борлиқ сирлари, ижод сирлари.

Аннотация. В этой статье представлены различные факты и свидетельства, позволяющие определить, написал ли персидско-таджикский мыслитель Мавлоно Абдурахмони Джамии «Хамсу» или нет. На вопрос, можно ли его Хафт Авранг называть Хамсой, был дан ответ. Анализ идейного содержания эпоса писателя позволил сделать однозначный вывод.

Ключевые слова: традиции написания Хамса, суфистический сулуки, секреты существования, секреты творения.

Abstract. This article presents various facts and evidences to determine whether the Persian-Tajik thinker Mavloni Abdurahmoni Jami wrote “Khamsa” or not. The question of whether his Haft Avrang can be called Khamsa has been answered. Through the analysis of the ideological content of the writer's epic, a clear conclusion was reached.

Keywords: tradition of Khamsa writing, sufisuluki, secrets of existence, secrets of creation.

Кириш. Жомийнинг “Хамса” ёзган – ёзмаганлиги билан боғлиқ баҳсли фикрлар адабиётшуносликда мавжуд. Айрим адабиётшунослар Жомий достонларига “хамса” тарзида эмас, балки еттилик – “Ҳафт авранг” (“Саломон ва Абсол” ҳамда “Силсилат уз-заҳаб” достонларини ҳам қўшган ҳолда) шаклида қараш зарурлигини таъкидлайдилар. Лекин Жомийнинг ўзи “Хирадномаи Искандарий” хотимасида ўз асарини “Панж ганж” деб атаганлиги учун Жомийни “Хамса” яратган ижодкорлар қаторига киритиш тўғрироқ бўлади.

Хамсачилик тарихида форс-тожик адабиётининг йирик намояндаларидан бири Абдурахмон Жомий (1414-1492) бешлиги алоҳида ўрин тутди. Жомий ижодкор бўлиш билан бирга нақшбандия сулуки вакили ҳам эди, бу ҳолат у яратган асарларда ҳам намоён бўлади. Шарқшунос олим Н. Конраднинг таъбири билан айтганда, “у-шоир, у- файласуф, у- филолог, у- мусикашунос. Лекин бу билан бир қаторда у кўпроқ сўфий. Унинг учун борлиқни англашнинг икки кўриниши мавжуд – борлиқ сирлари ва ижод сирлари” (Конрад Н.И. Запад ва Восток, 276-бет).

Асосий қисм.

Жомийнинг хамсасини гоёвий мундарижасини куриб чиқиш айна муддао деб биламиз Абдурахмон Жомий “Хамса” сининг биринчи достони “Тухфат ул-Аҳрор” 1481-йилда яратилган. Фалсафий-ахлоқий масалаларга бағишланган бу дoston Низомий “Махзан ул-асрор”и ҳамда Амир Хусравнинг “Матла ул-анвор” дostonларига жавоб тарзида вужудга келди. Дostonлар номланишидаги оҳангдошлик, композитсион қурилишдаги ўхшашлик ва қўлланилган шеърий ўлчов бу фикрни тасдиқлайди. Дoston 1707 байтдан иборат бўлиб, муқаддима қисми басмала боби, бешта ҳамд, бешта наът, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги фасл, Хожа аҳрор Валий тавсифидаги фасл, сўз таърифидаги учта боб , кўнгил таърифидаги алоҳида боб ҳамда илмул-яқин, айнул яқин ва ҳаққул яқин ҳақидаги учта суҳбатдан иборат. Салафлари- Низомий ва Амир Хусравдан фарқли ўлароқ, Жомийнинг дostonида замон подшоҳи мадҳига бағишланган боб йўқ. Асарнинг номланиши, умумий руҳи, Хожа Аҳрор валийга бағишланган бобнинг маъно-мазмунидан келиб чиқиб, бу дostonни Жомий ўз пири – Хожа Аҳрор Валийга бағишлаб ёзган, деган хулоса келиб чиқади.

Асосий қисмда Жомий салафларга издошлик қилган ҳолда 20 та мақолат ва ҳар бир мақолатдан кейин мавзуга мос равишда ибратли ҳикоятлар келтиради. Мақолатлар қуйидаги тартибда келтирилади: 1) оламнинг яралиши баёнида; 2) одамнинг халқ қилиниши зикрида; 3) ислом динининг саодати ҳақида; 4) иймоннинг моҳияти ҳақида; 5) салоти хамса (беш вақт намоз) ҳақида; 6) закот ҳақида ишоратлар; 7) Каъба зиёрати ҳақида ишоратлар; 8) узлат баёнида; 9) сукут фойдалари ҳақида; 10) фалакнинг гардишидан шикоят; 11) риёкор сўфийлар ва ҳақиқий дарвешлар баёнида; 12) зоҳир уламоларининг аҳволи баёнида; 13) подшоҳларга хитоб; 14) муншийлар ва вазирлар ҳақида; 15) қариллик ҳақида; 16) ёшлик баёнида; 17) ҳусн ва гўзаллик ҳақида; 18) ишқ таърифида; 19) хомтама шоирларнинг аҳволи баёнида; 20) насиҳат бобида.

1482-83- йилларда “Хамса”нинг иккинчи достони “Субҳат ул- аброр” (“Яхши кишиларнинг тасбеҳи”) майдонга келди. Анъанага мувофиқ, хамсанинг иккинчи достони ишқий мавзуга бағишланиши керак эди. Лекин Жомий бу ўринда анъанадан бутунлай чекиниб, фалсафий йўналишдаги яна бир дoston яратади. Лекин у биринчи дoston каби 20 та мақолатдан эмас, балки 40 та бўлим – “икд” (тасбеҳ донаси) дан иборат бўлиб, ҳар бир назарий қисмдан кейин алоҳида ҳикоят ва муножат илова қилиб борилади. Дoston ҳажман 2870 байтдан иборат бўлиб, қисқача насрий сўзбоши, басмала боби, ҳамд, наът, муножот мавзусидаги фасллардан иборат: 1) кўнгил ҳақиқатининг кашфида; 2) сўз таърифида; 3) шеър ва шоирлик баёнида; 4) борлиққа тафаккур қилиш орқали Аллоҳ борлигини далиллаштириш; 5) тавҳид бобида; 6) ҳақ таоло зоти – Борлиқ ҳақиқати эканлиги баёнида; 7) тасаввуф шарҳи; 8) мурид ва муридлик одоби; 9) тавба мақоми; 10) тақво сиррининг кашфи; 11) зуҳд мақоми; 12) сафар ва сайр-у сулук сирри; 13) сабр баёнида; 14) шукр баёнида; 15) хавф баёнида; 16) рижо (Умид) баёнида; 17) таваккул баёнида; 18) ризо баёнида; 19) муҳаббат бобида; 20) шавқ баёнида; 21) ғайрат ҳақида; 22) қурб ҳақида; 23) ҳаё ҳақида; 24) ҳуррият ҳақида; 25) футувват ҳақида; 26) сидқ ҳақида; 27) ихлос баёнида; 28) саховат бобида; 29) қаноат ҳақида; 30) тавозу бобида; 31) ҳалимлик баёнида; 32) очикюзлилик ва хушфёъллик бобида; 33) дўстлик ва унсият бобида; 34) самў бобида; 35) подшоҳлар ва давлатчилик баёнида; 36) давлат арбобини яхшиликка тарғиб этиш баёнида; 37) раиятни одил подшоҳдан миннатдор бўлишларига тарғиб этиш; 38) фарзанди – Зиёуддин Юсуфга васиятлар; 39) ўз нафсига насиҳатлар; 40) китобхонлардан муаллифнинг илтимослари зикрида.

Ҳар бир бобида Жомийнинг тегишли мавзуда назарий фикрлари, фикрининг далили сифатида ибратли ҳикоят, латифа ё тамсил, ҳикоят охирида умумлашма хулосалар келтирилган.

“Субҳат ул-аброр” рамали мусаддаси махбуни мақсур вазнида ёзилган бўлиб, Навоийнинг гувоҳлик беришича, Жомийгача ҳеч ким бу вазнда дoston ёзмаган. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг учинчи мақолатида Навоий “Субҳат ул-аброр”ни “Ҳафт авранг” таркибидаги тўртинчи дoston сифатида қайд қилиб, “Садди Искандарий”да бу дostonни Жомий “Хамса”си таркибидаги иккинчи дoston сифатида қайд қилиб ўтади:

Яна “Субҳа” жон риштасин тор этиб

Ки, ҳар муҳра бир дурри шахвор этиб

(“Садди Искандарий”, 7-боб).

Абдурахмон Жомий бешлигидаги учинчи дoston “Юсуф ва Зулайхо” деб аталиб, 1483-йилда яратилган. Низомий бешлигида бундай мавзу ва сюжетдаги дoston учрамайди. Жомий “Хусрав ва Ширин” мавзусидаги анъанавий дoston яратишдан воз кечиб, Қуръонда “аҳсан ул-қасас”- “қиссаларнинг сараси” деб таърифлаган Юсуф қиссаси баёнига бағишланган “Юсуф ва Зулайхо” дostonини яратди. Дostonнинг умимий ҳажми 4000 байтдан иборат бўлиб, хутба, ҳамд, наът, меърож, Хожа Аҳрор Валий ва Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳидаги муқаддимавий боблар билан бошланади. Жомий бу дoston сюжетида “Юсуф” сураси ҳамда ушбу сурага ёзилган тавсирлар, “Қасас ул- анбиё” ҳамда исроилийёт (исломиятдан олдин ўтган пайғамбарлар ҳақидаги яҳудий ва насроний манбалар)ни асос қилиб олган. Дostonда Юсуфнинг бекиёс жамоли, отаси - Яъқубнинг унга бўлган бекиёс муҳаббати, акаларининг ҳасадгўйлиги ва Юсуфни қудуққа ташлаб юборишлари, эртаси куни Миср қарвонидагиларга арзимаган пулга ўз жигаргўшаларини сотиб юборишлари, Юсуфнинг Миср бозоридаги савдоси, Миср Азизи уни вазнига тенг олтин тўлаб сотиб олиши, Азизнинг соҳибжамол хотини – Зулайхо Юсуфни кўриб, болалигидан тушида кўриб, севиб қолган киши аслида Юсуф эканлигини билиб, унга ошиқи беқарор бўлиши, Зулайхонинг талабини рад этган Юсуф маломат ва тухматга учраб, зиндонга тушиши, туш таъбири туфайли зиндондан озод бўлиб, олий мақомларга эришиши, Зулайхо Ҳақ динга иймон келтиргандан кейин Аллоҳ уни қайтадан соҳибжамол қилиб қўйгани ва Юсуф унга уйлангани ҳақидаги лавҳалар жуда жонли ва таъсирчан қилиб тасвирланган. Хотима қисмида Жомий асарнинг ёзилиш санаси таърихи ва байтлар миқдорини (4000 байт) ёзиб, Юсуф тимсолидан мурод – Мир Алишер Навоий эканлигини таъмия (муаммо санъати) усулида қайд қилиб ўтади.

Абдурахмон Жомий “Хамса” сидаги тўртинчи дoston “**Лайли ва Мажнун**” мавзусига бағишланган бўлиб, 1483-йилда яратилган. Ҳажман 3680 байтдан иборат. Асар салафлари дostonларидан тасаввуфий бўёқларнинг куюқлиги ва рамзийликнинг кучли ифодаси билан ажралиб туради. Дostonда анъанавий муқаддимадан сўнг воқеалар мазмуни келтирилади. Унга кўра, Қайс оиладаги ўн фарзанднинг энг кенжаси. Унинг болалиги тасвири келтирилмайди, воқеалар ибтидосида у туя миниб юрувчи енгилтабиат йигит сифатида тасвирланади. Қайс дастлаб Карима исмли қизга кўнгил кўяди. Лекин Кариманинг бадавлат йигитга рағбат билдирганлигини кўриб, қабилани тарк этади ва чопарлардан Лайли исмли қизнинг таърифини эшитиб, уни кўришга боради ва севиб қолади. Лайли ва Қайснинг қабилалари ўзаро адоватда эдилар. Қайсни амакисининг қизига уйлантирмоқчи бўладилар, лекин у кўнмайди. Шунга қарамай, Қайснинг уйланаётганлик хабари Лайлига етиб боради ва у йигитни беқарорликда айблайди. Бундан таъсирланган Қайс Лайли томон йўлга тушади ва агар уни учрата олса, Каъба зиёратига боришга онт ичади. Қайснинг орзуси амалгашиб, Лайлини учратади ва Каъба зиёратига боради. Маккадан қайтгач, севишганлар яна учрашадилар. Бу пайтга келиб Қайс “Мажнун” лақабини олган эди. Лайлининг отаси Қайсга қилич билан таҳдид қилиб, қизи билан учрашишни таъқиқлайди. Қайснинг оиласи Лайлини сўраб, совчиликка боради, лекин Лайлининг отаси қизини душман қабилага беришни истамайди. Мажнун даштга – ёввойи ҳайвонлар томонга чиқиб кетади. Даштда Мажнун лашкарбоши ва шоир Навфал билан учрашади. Навфал Мажнун номидан Лайлининг оиласига совчиликка боради, лекин Лайлининг отаси яна рад жавобини беради. Мажнун ишқий

шеърлари билан шуҳрат қозонади ва уларни тинглаган халифа ҳатто тақдирламоқчи бўлади, лекин Мажнун рози бўлмайди.

Сақиф қабиласидан бир йигит Каъба йўлида кетаётиб, Лайлини учратиб қолади ва унга совчи юборади. Лайлининг отаси насаб ва бойликда юқори бўлган бу йигитга розилик билдиради ва тўй бўлиб ўтади. Лайли куёвга Мажнунни севишини ва агар унга яқинлашса, ўзини ҳам, уни ҳам ўлдиришини айтиб, қасам ичади. Мажнун Лайлининг турмушга чиққанлигини эшитиб, қаттиқ хафа бўлади. Достонда Мажнуннинг Лайлига, Лайлининг Мажнунга ёзган мактублари келтирилган. Лайлининг куёви унинг висолига эришолмай, қаттиқ изтиробга тушади ва хасталаниб, вафот этади.

Бир куни Лайли ва Мажнун тасодифан учрашадилар, Мажнун Лайлини кўриб хушини йўқотади, Лайли базўр уни ҳушига келтиради ва келаси сафар яна шу йўл орқали унинг ҳузурига келишини айтади. Орадан анча вақт ўтгач, Лайли Мажнунни яна шу жойда ҳаракатсиз ҳолда учратади, унинг бошига кушлар ин қуришга улгурган эдилар. Маълум бўладики, Мажнун ўша учрашувдан сўнг шу ерда Лайлини кутиб турган экан. Мажнун Лайлини танймайди, уни энди Лайлини қиёфаси қизиқтирмас эди, чунки унинг ишқи мажозийликдан илоҳийлик даражасига ўтиб бўлган эди. Мажнунни ёввойи ҳайвонлар орасида ўлик ҳолда топадилар, унинг ўлимини эшитгач Лайли ҳам ҳаётдан кўз юмади. Асар бу оламнинг ўткинчилиги ҳақидаги боб билан якун топади.

“Хамса” даги сўнгги – бешинчи достон **“Хирадномаи Искандарий”** ҳам Жомийнинг анъанага риоя этиши билан характерланади. Кўринадики, Абдурахмон Жомий яратган маснавий - достонлар орасида фалсафий йўналишдаги достонлар етакчи ўринда туриши билан характерланар экан. Шунингдек, “Хамса”га қўшимча равишда яратилган “Ҳафт авранг” таркибидаги икки достон – “Силсилат уз-заҳаб” ҳамда “Саломон ва Абсол” ҳам ўз моҳиятига кўра ирфоний-тасаввуфий характерда эканлиги Жомийнинг достончиликдаги асосий йўналишини белгилаб беради.

Хулоса. Жомийнинг “Хамса”си таркибидаги достонларга диққат қиладиган бўлсак, унинг бешлигида Низомий орқали билвосита “Шоҳнома” таъсирида яратилган сюжетларни кўрмаймиз. Бошқача қилиб айтганда, исломдан олдинги Эроннинг шавкатли ҳукмдорлари – Хусрав ва Баҳромнинг тимсоллари атрофида шаклланган воқеалар Жомий асарларида шаклланмаган. Жомий бу йўналишдаги достон яратишни “афсонапардоз” (чўпчак тўқиш) деб ҳисоблаган. Шунингдек, Искандар ҳақидаги достони ҳам ушбу тарихий-мифологик сиймонинг жаҳонгирлигини васф этмасдан, унинг атрофида тўпланган донишмандларнинг ўғитларини шеърда ифода этишни маъқул кўради. Жомий учун достоннавислик – тасаввуф ва ирфон ақидаларини янада содда, қизиқарли ва тушунарли қилиб етказишнинг бир воситаси эди. Шу маънода, таникли шарқшунос Е.Э.Бертельс “Хирадномаи Искандарий”даги Юнон донишмандларини ўз моҳиятига кўра тасаввуф, аниқроғи, нақшбандийлик таълимотининг намояндалари эди, деб баҳолаганда тамомила ҳақ эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Афсаҳзод, Аълоҳон. Ҷомӣ- адиб ва мутафаккир. /А. Афсаҳзод.- Душанбе:Ирфон, 1989.- 384с.
2. Афсаҳзод, Аълоҳон. Адабиёти форсу тоҷик дар нимаи дуввуми асри XV. /А. Афсаҳзод. - Душанбе: Дониш, 1987.- 264 с
3. Бертельс, Е. Э. Джами. Эпоха, жизнь, творчество. / Е. Бертельс.- Сталинабад: Таджикгосиздат, 1949.- 174с.
4. Бертельс, Е.Э. Навои и Джами. Избранные труды. / Е. Бертельс.– Москва: Наука, 1965.- 498с.
5. Ҷомӣ, Абдурахмон. Осор. Ҷилди чорум. “Субҳат-ул-аброр”, “Юсуф ва зулайхо”. / А. Ҷомӣ. - Душанбе: Адиб, 1988.- 384 с.
6. Низомов, М. Сохтори “Силсилат-уз-заҳаб” ва масъалаи анъана ва навоарӣ дар он // Паёми Донишгоҳи миллии Тоҷикистон.-2012, №4/5.-С. 232 – 236.
7. Мирзозода, Х. Таърихи адабиёти тоҷик. Китоби 1(2). / Х. Мирзозода.- Душанбе: Маориф, 1989.-
8. Адабиёти форсу тоҷик дар асрҳои XII-XIV. Қисми дуюм.- Душанбе: Дониш, 1986.- 232с.
9. Амиркулов, С. Муқоисаи достонҳои “Юсуф ва Зулайхо”-и Ҳозир ва Ҷомӣ / Чашномаи Ҷомӣ.Маҷмӯи мақолаҳо бахшида ба ҷашни 550- солагии Абдурахмони Ҷомӣ.- Душанбе: Ирфон, 1966.-151с.- С.98- 120.
10. Асадуллоев, С. Ҷомӣ ва Ҳотифӣ / Чашномаи Ҷомӣ.Маҷмӯи мақолаҳо бахшида ба ҷашни 550- солагии Абдурахмони Ҷомӣ.- Душанбе: Ирфон, 1966.-151с.- С.36- 47

ЭКОТЕРМИНЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАСНИФИ

А.Ш. Нигматуллина, катта ўқитувчи, Фаргона политехника институти, Фаргона

Аннотация. *Мазкур мақола экотерминларнинг лингвистик таснифи ва уларнинг лексик бирлик сифатида тилишунослик фанининг ривожига қўшган ҳиссасига бағишланади. Экология тушунчаси олимлар томонидан жуда чуқур ва мукамал тарзда талқин этилади. Мақолада шунингдек, Г.С.Розенберг томонидан “экология” терминининг таърифларини таҳлил қилиши натижасида экология фанини талқин этишининг икки асосий тенденцияси намоён бўлиши ҳақида маълумот берилади.*

Калим сўзлар: *экотермин, индивидуал организм, биологик тармоқ, экологик даража, интегратив экология, лингвистик бирлик.*

Аннотация. *Статья посвящена лингвистической классификации экотермов и их вкладу в развитие лингвистики как лексической единицы. Понятие экологии интерпретируется учеными очень глубоко и всесторонне. В статье также отмечается, что проведенный Г. С. Розенбергом анализ определения термина «экология» выявляет две основные тенденции в интерпретации экологии.*

Ключевые слова: *экотерм, индивидуальный организм, биологическая сеть, экологический уровень, интегративная экология, языковая единица.*

Abstract. *This article is devoted to the linguistic classification of ecoterm and their contribution to the development of linguistics as a lexical unit. The concept of ecology is interpreted by scientists in a very deep and comprehensive way. The article also states that G.S. Rosenberg's analysis of the definition of the term "ecology" reveals two main trends in the interpretation of ecology.*

Keywords: *ecotherm, individual organism, biological network, ecological level, integrative ecology, linguistic unit.*

Бирор предмет ёки воқеликка қўйилган термин аввало шу предмет ёки воқеликка таъриф ва тавсиф беради. Уларнинг функцияси нарса ва предметларни номлаш билан чегараланади. Демак, «термин» номенклатурага нисбатан кенг ва аниқ тушунча бўлиб, махсус вазифадаги сўз маъносини берса, «номенклатура» ўзаро ўхшаш бўлган предмет ва тушунчаларни номлаш учун хизмат қилувчи атамадир.

Экология тушунчаси олимлар томонидан жуда чуқур ва мукамал тарзда талқин этилади. “Экология” сўзининг ўзи ҳам қадимги грек тилидан келиб чиқиб, “oikos” – уй, истикомат жойи, ватан, “logos” – фан маъносини билдиради. Сўзма-сўз таржима қилинганда, экология организмнинг “ўз уйидаги” ҳаёти, яъни табиий шароитлари ҳақидаги фан деган маънони билдиради. [1] Э.Геккельнинг таърифига кўра, тирик организмлар ва атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатлар бошиданок экологиянинг дикқат марказида бўлган. А.В.Мананков, “Геккель экологиясининг асосий камчилиги, тирик организмлар табиатдаги етакчи, ҳукмрон объектлари деб тасаввур этилганлиги, яшаш муҳити эса шунчаки ташки ҳодиса деб қабул қилинганлигидир”, деб таъкидлайди. Шу тариқа, организм-муҳит муносабатига етарли эътибор қаратилмас эди. А.В.Мананков қайд этганидек “умуман олганда Геккель фанга экология деган янги тушунчани киритди, бироқ экологик даражанинг ўзига эриша олмади, чунки индивидуал организмларни ўрганиш доирасида қолди”. [2]

Экология тушунчаси глобал кўлам касб этмоқда. Бугунги кунда экология – бу юздан ортиқ бўлимни бирлаштирган комплекс фан бўлиб, улардан кам деганда 30 та йўналиш биологияга оид бўлмаган соҳаларни қамраб олади.

А.Г.Шмальнинг таъкидлашича, экологияга нисбатан биологик ёндашув мукамал эмас ва инсон феномени билан боғлиқ икки принципиал жиҳатни инобатга олмайди айнан инсон табиий муҳитни: экология объектини фаол тарзда ўзгартиради, шунингдек, атроф муҳит билан муносабатларни уйғунлаштиришда бош роль ўйнайди [3] деган ғояни илгари суради.

Экотерминларни тилшунослик фанига кириб келишида уларнинг лексик бирик сифатида қўлланишида рус олимларининг ўрни ҳам каттадир.

Г.С.Розенберг томонидан “экология” терминининг таърифларини таҳлил қилиш натижасида экология фанини талқин этишнинг икки асосий тенденцияси намоён бўлди. Яъни, биринчиси – биологик тармоқ сифатида, иккинчиси эса инсон ва унинг фаолиятини ўрганувчи фан сифатида. “Бу вазиятда” деб ёзади муаллиф, “классик терминнинг анча сийқаси чиқиб қолган тушунчаларга берилган асосий таърифларини “биоэкология” ва “социоэкология” деб номлаш ўринлидир”. [4] Бу фикрлар уни соҳага қўшган ҳиссаси орқали ўз акасини топади.

Айрим биологлар, дея таъкидлайди Т.А.Акимова ва В.В.Хаскин, экология предмети анъанавий равишда ўсимлик ва ҳайвонлардан иборат бўлиб қолиши, инсон экологияси, табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ барча муаммолар эса атроф муҳит ҳақидаги фан – энвайронменталистикага киритилиши керак. “Бироқ, тор маънода тушуниладиган фундаментал экология (биоэкология) ва энвайронменталистика алоҳида олинганда замонавий экологик муаммоларнинг бутун мажмуи ва долзарблигини акс эттирмайди”. [5]

Сўнги йилларда яратилган илмий ишларда акс этган экология таркибининг таҳлили шундан далолат берадики, мазкур фан экологик билимнинг социологик билимларга бирлаштириш билангина чекланмайди. А.В. Мананков XXI аср бошига келиб шаклланган интегратив экология ҳақида ёзади. Турдош фанлар – табиий (физика, кимё, геология ва бошқалар), техник (тоғ-кон иши, қурилиш ва бошқалар), ижтимоий (иқтисодиёт, ҳуқуқ соҳалари) каби фанларни ассимиляциялаган ҳолда, умумий экология фанлараро фанга айланиб, бир неча ўнлаб йўналишларни бирлаштиради ва унинг лексикони 12-14 минг термин ва тушунчаларни ўз ичига олади. А.В.Мананков таъкидлаганидек, замонавий экология “кенг ва тизимли тармоқлараро нуктаи назар билан тавсифланадики, у барча экологик жиҳатдан йўналтирилган фанларнинг инкорпорацияси ва концептуал умумлашувига асосланади, шундай бўлсада, биологиялаштирилган фан қирраларини сақлаб қолган”. [6]

Экология фанлараро фан бўлиб, унинг объекти табиий фанлар ва гуманитар йўналишлар, фундаментал ва амалий илмий фаолиятни яқинлаштиради. Замонавий экологияни мегафан [7], комплекс фан [8], интегратив фан [9], синтетик фан деб аташади. Бироқ шу ўринда А.Ф.Алимов, “синтетик фан ҳақида синтетик материаллардан айрим ҳолатда сўз юритиш тўғри бўлмаса керак...”, деб қайд этади. [10]

Муаллифлар экологияни тўртта асос бўйича йўналишларга бўлишни таклиф этадилар: марказий тушунча бўйича (ландшафт-ландшафт экологияси, ҳамжамият – ҳамжамиятлар экологияси); ўрганилаётган организм тури бўйича (ўсимликлар – ўсимликлар экологияси); тадқиқ этилаётган муҳит тури бўйича (кўл - лимнология); экологик билимларни қўллаш соҳаси бўйича (агроэкология, экоманежмент ва бошқалар). [11]

Ҳозирги кунда экология лексикаси ва терминологияси шаклланиш босқичида эканлиги маълум, чунки турли илмий йўналишларнинг экологиядаги интеграциялашуви жараёнининг ҳали тугамаганлиги экологиянинг айрим йўналишлари ноаниқлиги туфайли “экология” терминининг универсал характерга эга бўлишига сабаб бўлмоқда. Натижада “экологик таълим”, “экологик фикрлаш” ва “экологик дунёқараш” каби иборалар юзага келяпти.

В. К. Рахилин ва К.Н. Благосклоновларнинг фикрига кўра, ҳозирги пайтда экологиянинг биологик фан бўлганлиги, унинг олдида ечилиши қийин муаммо ва вазифалар қўйилаётганилиги янги фан шаклланишига олиб келиши хусусида сўз юритилмоқда.[12]

XIX асрнинг иккинчи ярмида экологиянинг ўсимликлар экологияси, ҳайвонотлар экологияси, инсонлар экологияси, геоэкология каби йўналишлари юзага келди. 1972-1992 йилларда БМТ томонидан экология бўйича ҳалқаро анжуманлар ўтказилиб турилди. XX асрнинг 90 – йилларига келиб экология умумий билимлар тизимидан асосий концепцияларини ишлаб чиққан мустақил фан сифатида ажралиб чиқди. Шу боис у табиий ва ижтимоий фанлар ўртасидан жой олди ва умуминсоний маданий тараққиётнинг долзарб мавзусига айланди. Ҳозирда юзлаб экофан тармоқлари ривожланмоқда, олимлар фанда ва ижтимоий ҳаётимизда “экологик портлаш” юз берганлиги ҳақида сўз юритилмоқдалар. [13]

Ҳозирги кун экология фани бир неча фанларни ўз ичига олади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос тузилишга эга. Экологиянинг у ёки бу йўналиши бўйича мутахассиси ўзига таниш тушунчалар орқали фанга бўлган ўз нуқтаи назарини шакллантиради.

Тушунча ва маъно сўзда мустақамланган воқеъликни акс эттиришнинг турли даражаларини билдиради. [14] В.Г. Гак тушунча ва лексик маъно нисбати муаммосига уч ёндашувни қайд этади:

1) лексик маъно тушунчадан кенгроқ, чунки ўз ичига бир қатор бошқа компонентларни ҳам қамраб олади, масалан, баҳолаш ва хоказолар;

2) лексик маъно тушунчадан шу маънода торроқки, у фақат объектларнинг фарқланувчи қирраларини ўз ичига олади, тушунчалар эса уларнинг янада чуқурроқ ва аҳамиятлироқ хусусиятларини қамраб олади;

3) лексик маъно илмий тушунчалардан фарқланувчи энг яқин тушунчаларга боғланади. [15].

Экотерминларнинг лексик бирлик сифатида тилшунослик соҳасига кириб келиши бу соҳада фанда яратилган янгиликлар ва ютуқларни маҳсулидир. Булар орқали турли терминлар фанда ишлатила бошлади ва ўз ўрнига эга бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Энциклопедический словарь юного натуралиста / Под ред. Е.Е. Сыроечковского. - М., 1981 С.
2. Мананков А.В. Проблемы интегративной экологии// Педагог. Наука, технология, практика.- Барнаул.: Барнаульский гос.пед.ун-т. -2000. - №8
3. Шмаль А.Г. Экология = регламентация?// Экология и жизнь. - 1999. -№3.
4. Розенберг Г. С. Анализ определенной понятия “экология”//Экология. – 1999. - с. 96.
5. Акимова Т. А., Хаскин. В. В. Экология – Природа – Человек – Техника/ Т. А. Акимова, В.В.Хаскин. – М.: ЮНИТИ - ДАНА 2000, с. 23.
6. Мананков А.В. Проблемы интегративной экологии// Педагог. Наука, технология, практика. – Барнаул.: Барнаульский гос.пед.уни-т. - 2000. - №8
7. Марфенин Н.Н. Гуманизм и экология//Экология и жизнь. - 2000. -№5. – С. 6- 10
8. Қаранг:Рахилин В.К, Благосклонов. К.Н. Охрана природы и экологии. Термины и сущность//Философские науки. – 2000 №1 с.146; Коробкин В.И, Передельский. Л.В Экология. –Ростов н/Д: Феникс. - 2000. – 576с
9. Мананков. А.В. Проблемы интегративной экологии//Педагог. Наука, технология, практика. – Барнаул.: Барнаульский гос.пед.ун –т. -2000. -№8
10. Бродский. А.К. Краткий курс общей экологии.: Учебн.пособие. –Спб:ДЕАН, 1999. -224 с
11. Гусева И.Г. Когнитивно-дискурсивный анализ межотраслевой экологической терминологии в области рыбного промысла. Автореф. дис. ... канд. филол. Наук. – Калининград, 2004. 25 с.;
12. Рахилин. В.К., Благосклонов. К. Н. Охрана природы и экологии. Термины и сущность// Философские науки. - 2000.№1. – с. 139 – 142
13. Горелов А.А. Социальная экология / А.А. Горелов.- М., 1998.- 262 с.; Реймерс Н.Ф. Начала экологических знаний: Уч. Пособие / Н.Ф. Реймерс.-М., 1993.-260 с.; Кобылянский В.А. Философия экологии: общая теория экологии, геоэкология. Биоэкология. Учебное пособие/В.А. Кобылянский.-М., 2003.— 192 с.
14. Стернин И.А. Проблемы анализа структуры значения слова. – Воронеж.: Воронеж гос.ун-т. – 1979. - 156 с.
15. Гак В.Г. К типологии лингвистической структуры русского биологического текста. Л., 1981.

УДК 808.3

КАТЕГОРИИ ОБЯЗАТЕЛЬНОСТИ И ФАКУЛЬТАТИВНОСТИ В СИНТАКСИСЕ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА

Г.Т.Нурова, докторант, Самаркандский государственный университет, Самарканд

Annotatsiya. Maqola ingliz tili sintaksisidagi majburiy va ixtiyoriy kategoriyalarning xususiyatlarini o'rganishga bag'ishlangan bo'lib, ular ingliz tilidagi jumlaning tuzilishini tushunish va uning konstruktiv tahlilini o'tkazish uchun muhimdir. Ilmiy adabiyotlarni tahlil qilish, konstruktiv, qiyosiy va tizimli tahlil, shuningdek, induksiya, deduksiya, umumlashtirish va modellashtirish tadqiqot usullaridan foydalanildi. Maqola muallifining xulosasiga ko'ra, jumla tarkibida namunaviy-majburiy va ixtiyoriy komponentlarning joylashishi namunaviy majburiyat muammosining alohida jihati va utuman olganda ixtiyoriydir, chunki har qanday model ushbu toifalarning ta'rifini cheklab

qo'yolmaydi. Sintaksis tuzilmalarining ana shu umumiy xususiyati har qanday turdagi tuzilmalarning yaratilishiga asoslanadi.

Kalit so'zlar: *Inglizcha gap, konstruktiv tahlil, majburiy va ixtiyoriy kategoriyalar, sintaksis, modellar.*

Аннотация. *Статья посвящена исследованию особенностей категорий обязательности и факультативности в синтаксисе английского языка, которые имеют важное значение для понимания структуры английского предложения и проведения его конструктивного анализа. Методами исследования стали анализ научной литературы, конструктивный, сравнительный и системный анализ, а также индукция, дедукция, обобщение и моделирование. Автор статьи полагает, что выделение модельно обязательных и факультативных компонентов в структуре предложения является частным вопросом проблемы модельной обязательности и факультативности в целом, поскольку определение данных категорий не представляется возможным ограничить рамками какой-либо одной модели. Эта общая черта синтаксических структур лежит в основе создания структур любого типа.*

Ключевые слова: *английское предложение, конструктивный анализ, категории обязательности и факультативности, синтаксис, модели.*

Abstract. *The article is devoted to the study of the obligatory and optional categories' features in the syntax of the English language, which are important for understanding the structure of the English sentence and conducting its constructive analysis. The research methods were the analysis of scientific literature, constructive, comparative and systems analysis, as well as induction, deduction, generalization and modeling. The article's author concluded that the allocation of model-mandatory and optional components in the structure of a sentence is a particular issue of the problem of model obligation and optional in general, since any one model cannot limit the definition of these categories. This common feature of the syntax structures underlies the creation of any type structures.*

Key words: *English sentence, constructive analysis, obligatory and optional categories, syntax, models.*

Понятия обязательности и факультативности в синтаксисе используются в рамках характеристики сочетаемости, которая определяется валентностными свойствами слов. Сочетаемость не связана с позицией слов в структуре предложения, поэтому проявляется во всех синтаксических структурах, например, “the girl, playing the violin”, “playing the violin, the girl went to the window” и т.д. При этом большинство ученых указывает на то, что валентностная сочетаемость обеспечивается, прежде всего, лексической семантикой слов.[1] Вместе с тем указанный вид сочетаемости в науке называется грамматической сочетаемостью, а ее обязательность и факультативность многими учеными описывается как структурная.[2] Однако в последние годы в большинстве научных исследований высказываются сомнения относительно целесообразности отнесения валентностной сочетаемости к категориям синтаксической структуры, поскольку валентностная сочетаемость предстает как проявление лексических свойств слов.[3] При этом валентностную сочетаемость в качестве структурной сочетаемости можно объяснить тем, что ее реализация всегда связана с выражением синтаксических отношений, а, значит, с построением и развитием синтаксических конструкций, что позволяет считать оправданным применение в отношении валентностной сочетаемости термина «структурная обязательность и факультативность».

Полагаем, что распространенные в научно-экспертном сообществе возражения вызваны тем обстоятельством, что специалисты не совсем согласны с существующим в лингвистике описанием грамматической сочетаемости. Проблема заключается в том, что до недавнего времени в научной литературе такие явления, как грамматическая сочетаемость почти не дифференцировались, поскольку ученые ставили акцент на валентностную сочетаемость и ее свойства, не выделяя иные виды синтаксической сочетаемости. Более того, в лингвистике сочетаемость обычно определялась структурными категориями. Вместе с тем разграничение конструктивного и коммуникативного синтаксических аспектов обуславливает

необходимость изменить взгляды на такое синтаксическое явление, как сочетаемость синтаксических единиц. Отдельные труды лингвистов посвящены попыткам обозначения наравне с конструктивную и факультативную обязательность в коммуникативном отношении.[4] На этом основании, анализируя характер сочетаемости, разграничивают понятия обязательной и факультативной сочетаемости в коммуникативном и конструктивном аспектах.

В коммуникативном отношении каждый компонент предложения, несущий в себе информацию (сообщающий об определенном явлении объективной действительности) становится обязательным в конкретном предложении: его невозможно изъять без коммуникативного и семантического ущерба для высказывания как акта коммуникации. В частности, в предложении “Our house was the last but one on the edge, and there began a deserted field, in some places overgrown with bushes” (И.С. Тургенев) все компоненты коммуникативно обязательны. Исходя из этого, на первый взгляд, может показаться, что данный подход делает невозможным обозначение факультативных компонентов в коммуникативном отношении, поскольку каждый компонент предложения обозначает что-либо, а, значит, является обязательным. Вместе с тем важно обратить внимание на то, что коммуникативная факультативность может быть выражена информацией, представленной в определенном компоненте высказывания иным способом. С коммуникативной точки зрения, факультативность становится проявлением избыточности в языке. Компонент высказывания, значение которого «включилось» в значение иного компонента, является коммуникативно факультативным. Рассмотрим примеры: “He rubs his sleepy eyes, examines us one by one in surprise, as if not believing that they returned alive” (Г.А. Федосеев «Злой дух Ямбуя»); “You grow up big and go”. (В.А. Солоухин «Владимирские проселки»). В данных примерах слова «живыми», «большой» являются факультативными в коммуникативном отношении, поскольку их изъятие из предложений не влияет на коммуникативную семантику высказываний.[5]

В процессе обозначения конструктивно обязательной и факультативной сочетаемости в противопоставлении коммуникативной обязательности и факультативности не представляется возможным ограничить область конструктивной сочетаемости исключительно явлениями валентностной сочетаемости. Конструктивная сочетаемость указывает на два вида разных явлений: 1) валентностную (структурная) сочетаемость; 2) сочетаемость в рамках синтаксической модели (модельная сочетаемость).

Структурная обязательность и факультативность представляет собой выражение внутренних свойств слов согласно их лексическим и грамматическим значениям. Модельная обязательность и факультативность связана с участием или неучастием компонента в создании конкретной синтаксической модели. Модель является абстрактным образом, который позволяет в самом общем виде представить формальную характеристику и грамматическое содержание определенного синтаксического построения. Модель проявляется в различных конструкциях, однако эти понятия не тождественны. В частности, конструкция может содержать в себе компоненты, не представленные в исходной (ядерной) модели. Например, в конструкции “In summer, children sleep on the porch», кроме компонентов, обеспечивающих предикативную модель “children sleep”, присутствуют компоненты “in summer” и “on the porch”, которые не участвуют в реализации этой модели. На этом основании введем понятия модельно обязательных и модельно факультативных компонентов конструкции. Первые являются компонентами, необходимы для реализации конкретной модели, вторые – не принимают участия в данном процессе, они только расширяют конструкцию, добавляя в нее различные единицы информации. Рассмотрим данные положения относительно ряда предложеньеским и непредложенческим конструкций. В связи с этим актуальной представляется мысль Т.П. Ломтева о том, что модель предложения представляет собой остаток после исключения из предложения его индивидуальных компонентов в плане звучания и конкретности значения[6].

Все предложенческие конструкции реализует определенную модель предложения с конкретным структурным типом предложения. В частности, если рассмотреть модель номинативного односоставного предложения в русском языке, которое является одним из структурных типов предложения, то оно реализуется посредством одночленной конструкции, например, «Осень». В плане конструирования этой модели компонент «осень» модельно обязателен. Однако в предложении «Поздняя осень», которое реализуется по той же модели, представлен модельно обязательный компонент «осень» и модельно факультативный компонент «поздняя», в который заключена дополнительная информация. В английском языке конструкция “The rooks flew south” реализует модель двусоставного предложения, при этом компоненты “rooks” и “flew” являются модельно обязательными; а компонент “south” модельно факультативен, однако данный вывод не ведет к автоматическому признанию данного компонента коммуникативно факультативным. В конструкциях модели с двойным атрибутивно-обстоятельственным отношением, например, “They saw him upset”, “He worked sick”, “He will be the first to answer”, “Turned to him first” становится несущественным, воплощается ли эта модель через предложенческие или не предложенческие структуры, поскольку модельно обязательными предстают три элемента: имя – глагол – имя (глаголы – именной определитель). В связи с этим в конструкциях “He worked sick today”, “He is the first to answer at the exam”, “Suddenly see him upset” компоненты “today”, “at the exam” и “suddenly” являются модельно факультативными.

Обращения автора к русским князьям. В «Слове о полку Игореве» автор не просто рассказывает о произошедших событиях. Он активно в них участвует, выражает беспокойство за русскую землю, оценивает действия русских князей, осуждает их за внутренние волнения и нежелание объединяться в борьбе против общего врага. Например: «*Ярь Туре Всеволодъ! Стоиши на борони, прыщещи на вои стрѣлами, гремлещи о шеломы мечи харалужными. Камо, Турь, поскачаше, своимъ златымъ шеломомъ посвѣчивая, – тамо лежатъ поганья головы половецкыя...*»; «*Великий князь Всеволод! Не помыслишь ли ты прилететь издалека,*

отцовский золотой престол побережь?»; «**Ты, буй Рюриче, и Давыде!** Не ваю ли вой злачеными шелома по крови плаваши? Не ваю ли храбрая дружина рыкають акы тури, ранены саблями калеными, на полъ незнаемъ?»; «**Галички Осмомысль Ярославле!** Высоко стъдиши на своемъ златоконангъмъ столъ, подперъ горы Угорскыи своими желъзными плъки <...> Стрълъй, **господине**, Кончака, поганого кощя, за землю Рускую, за раны Игоревы, буюго Святславлича!»; «**А ты, буй Романе, и Мстиславе!** Храбрая мысль носить ваю умъ на дъло»; «**Иньгварь и Всеволодъ, и вси три Мстиславичи,** не худа гнъзда шестокрилиц! Не побъдными жребии собъ власти расхытите!»; «**Ярославе и вси внуце Всеслави!** Уже понизите стязи свои, вонзите свои мечи вережени, уже бо выскочите изъ дъдней славъ» [2, 258; 263; 262; 264].

Обращаясь к русским князьям, автор в «Слове о полку Игореве» пытается объединить их, заставить забыть разногласия, отомстить «за землю Рускую, за раны Игоревы».

Авторские обращение помогают привлечь читателей, включить их в общее повествование; определить позиции авторов (автора) по отношению к предыдущей и современной им (ему) народнопоэтической традиции и к описываемым событиям.

Непосредственные обращения героев произведений. Обращения князей к войску, дружине. Традиционным и наиболее общим обращением к войску является **братие**, хотя возможна и некоторая конкретизация: «**И рече Игорьъ къ дружингъ своей: «Братие и дружино!** Луце жъ бы потяту быти, неже полонену быти, а всядемъ, **братие**, на свои бръзья комони да позримъ синего Дону». Спала князю умъ похоти, и жалость ему знамение заступи искусити Дону Великаго» – здесь **дружино** – обращение к младшим дружинникам; «**Хошу бо, – рече, – копие приломити конецъ поля Половецкаго; съ вами, русици, хошу главу свою приложите, а любо испита шеломомъ Дону»** [2, 256].

Непосредственные обращения героев друг к другу. К этой группе можно отнести обращения князя Всеволода и князя Святослава, обращения бояр к князю. Например: «**И рече ему Буй Туръ Всеволодъ: «Одинъ братъ, одинъ свгтъ свгтлый – ты, Игорю!** Оба есвъ Святъславличя! Стъдай, **брате**, свои бръзьи комони, а мои ти готови, остьдлани у Курьска напереди»; «Тогда великий Святъславъ изрони злато слово, слезами смгъшено, и рече: «**О, моя сыновчя, Игорю и Всеволоде!** Рано еста начала Половецкую землю мечи цвгълити, а себъ славы искати»; «**И ркоша бояре князю: «Уже, княже, туга умъ полонила. Се бо два сокола слгтъгста съ отня стола злата поискати града Тъмutorоканя, а любо испити шеломомъ Дону...»»** [2, 254; 260].

Обращения к неодушевленным предметам и явлениям природы: «**Ярославна рано плачетъ въ Путивль на забралъ, аркучи: «О вътре вътрило!** Чему, **господине**, насильно вгъеши?»; «**Ярославна рано плачетъ Путивлю городу на заборолъ, аркучи: «О Днепре Словутицю!** Ты пробиль еси каменныя горы сквозъ землю Половецкую. Ты лелгяль еси на себъ Святослави носады до плъку Кобякова. Възлелгй, **господине**, мою ладу къ мнгъ, а быхъ не слала къ нему слезъ на море рано»; «**Ярославна рано плачетъ въ Путивль на забралъ, аркучи: «Светлое и тръсветлое слънце!** Вгъмъ тепло и красно еси: чему, **господине**, простре горячую свою лучю на ладъ вои!»; «**Игоръ рече: «О, Донче!** Не мало ти величия, лелгявшу князя на влънахъ, стлавшу ему зелгъну траву на своихъ сребреныхъ брезгъхъ, одгъвавшу его теплыми мылами подъ стгнюю зелену древу» [2, 264; 266].

«Слово о полку Игореве» было написано в религиозном духе, но в нем также встречаются языческие мотивы. А.Н. Робинсон в исследовании «Солнечная символика в «Слове о полку Игореве»» отмечает, что «язычество присутствовало в княжеско-дружинной среде в качестве одного из религиозных (хотя и подчиненного, перешедшего в область так называемой низшей мифологии) компонентов «двоеверия»» [14, 19]. «Слово о полку Игореве» характеризуется языческим обожествлением предметов и явлений природы. Люди и стихии выступают в роли потомков, внуков богов: Боян – внук бога Белеса, ветры – внуки Стрибога, Солнце – Дажь-бог. Обращения князя Игоря к Дону, Ярославны к ветру, Днепру, солнцу – это языческие заклинания. Для выражения почтения к божественным силам используются такие стилистические приемы, как повтор обращений (**вътръ, вътрило**), употребление

приложения (*Днепре Слоутицю* – т.е. славный; так называли с древнейших времен великую реку восточные славяне [9, 23]), определений (*светлое и тресвятлое слънце*), а также обращений *господине* [18, 173].

Все обращения этой группы служат для выражения внутреннего состояния героев: князя Игоря (надежды на возвращение домой), русских жен (печали, тревоги за мужей), автора (тревоги за судьбу Русской земли в обращении «*О Русская земле! Уже за шеломянемъ еси!*») [2, 256].

Таким образом, особенности употребления обращений в текстах «Слова о полку Игореве» связаны:

- во-первых, в «Слове о полку Игореве» автор стремится объединить русских князей, отсюда многочисленные авторские обращения к князьям, к читателям;
- во-вторых, для XII в. характерным обращением к князю является *княже*, в 70-х гг. этого же века появляется обращение *господине* (оба эти обращения встречаем в «Слове о полку Игореве»).

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Адрианова-Перетц В.П. «Слово о полку Игореве» и памятники русской литературы XI – XIII веков. – Л.: Наука, 1968. – 202 с.
2. Библиотека литературы Древней Руси. – СПб.: Наука, 1997. – Том 4. – 687 с.
3. Бражников А.И. Из наблюдений над синтаксическими конструкциями с обращением в стихотворной речи С. Есенина // Вопросы синтаксиса русского языка. – Рязань, 1974. – С. 46-57.
4. Гольдин В.Е. Обращение: теоретические проблемы. – М.: URSS, 2009. – 134 с.
5. Жилияков В.И. Эмоционально-экспрессивная функция обращений в песнях-стихах А.В. Кольцова // Краткие очерки по русскому языку. – Воронеж, 1964. – С. 92-102.
6. Ломоносов М.В. Полное собрание сочинений. – Т. 7. Труды по филологии. – М. – СПб.: Наука, 2011. – 995 с.
7. Максимов Л.Ю. Обращения в стихотворной речи // Ученые записки МГПИ. – М., 1965. – № 236. – С. 69-70.
8. Михайлова М.Б., Алексеева А.Е. О динамике стилистических функций обращений в древнерусской житийной литературе // Историческая стилистика русского языка. – Петрозаводск, 1990. – С. 83-87.
9. Новгородская летопись по Синодальному списку // Новгородская первая летопись старшего и младшего изводов / Под ред. А.Н. Насонова. – М. – Л.: Издательство Академии наук, 1950. – 642 с.
10. Осетров Е. Восточнославянская Илиада // Слово о полку Игореве. 800 лет / Альманах библиофила. – М.: Книга, 1986. – Выпуск 21. – С. 7-26.
11. Панфилова З.А. Стилистическая роль обращений у Н.М. Карамзина // Проблемы стилистики и лексики русского языка. – М., 1978. – С. 103-113.
12. Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – М.: URSS, 2013. – 432 с.
13. Приходько Т.С. «От странной лирики, где каждый шаг – секрет...» (Роль обращений в композиции стихотворений А. Ахматовой) // Русская речь. – 1997. – № 4. – С. 23.
14. Робинсон А.Н. Солнечная символика в «Слове о полку Игореве» // «Слово о полку Игореве». Памятники литературы и искусства XI – XVII веков. – М.: Наука, 1978. – С. 7-58.
15. Розенталь Д.Э. Практическая стилистика русского языка. – М.: Высшая школа, 1987. – 399 с.
16. Руднев А.Г. Синтаксис осложненного предложения. – М.: Учпедгиз, 1959. – 198 с.
17. Русская грамматика. – Т. II. Синтаксис. – М.: Наука, 1980. – 710 с.
18. Словарь-справочник «Слова о полку Игореве»: В 6 выпусках / Сост. В.Л. Виноградова. – М. – Л.: Наука, 1965. – Выпуск 1. – 199 с.
19. Старовойтова О.А. Обращение как фактор стилистики в произведениях житийного жанра XIV – XVI вв. // Динамика русского слова. – СПб., 1994. – С. 62-66.
20. Успенский сборник XII – XIII вв. / под ред. С.И. Коткова. – М.: Наука, 1971. – 754 с.

УЎК 81-13

ТИЛ ВА МАДАНИЯТНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ

С.Б. Пулатова, таянч докторант, Ўзбекистон Миллий Университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақола тил ва маданиятнинг боғлиқлик жиҳатлари ва узвий алоқадорлигига бағишланган. Шунингдек, тил маданиятни ифода этувчи муҳим восита эканлиги ва икки лексемик бирликнинг ўзаро боғлиқлигига сабабчи бўлган бир қатор омиллар ҳақида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: тил, маданият, анъана, урф-одатлар, қадриятлар.

Аннотация. В статье рассматриваются взаимосвязанные аспекты и целостные взаимоотношения языка и культуры. Также указывается, что язык является важным средством выражения культуры, и ряд факторов способствует взаимозависимости двух лексемных единиц.

Ключевые слова: язык, культура, традиции, обычаи, ценности.

Abstract. This article focuses on the interrelated aspects and integral interrelationships of language and culture. It is also pointed out that language is an important means of expressing culture and a number of factors contribute to the interdependence of two lexeme units.

Keywords: language, culture, tradition, customs, values.

Тил – миллатнинг маънавий бойлиги ва маданиятни намойиш этиб берувчи тимсол ҳисобланади. Ундан ташқари, ижтимоий ҳодиса ҳисобланувчи тил мулоқотга киришишнинг энг муҳим воситаси, у орқали тушунча ва ғоялар юзага чиқарилади ҳамда ўзаро фикр алмашилади.

Маданият эса ҳар бир халққа хос, анъана, урф-одатлар, қадриятларни акс эттирувчи ва халқнинг ҳаёт тарзини, таомланишини ва қай тарзда кийинишини намойиш этувчи ижтимоий феномендир. Келтирилган баёнга қўшимча тарзда айта оламизки, маданият маълум бир гуруҳ инсонлар томонидан қабул қилиниш билан бир қаторда фойдаланиладиган, ҳар бир инсоннинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатлари маъносини изоҳлашига таъсир қиладиган муносабатларнинг, эътиқоднинг ва хулқ-атвор конвенцияларининг мажмуидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, тил ва маданиятнинг бирлаштирувчи белгилари ҳар бир халққа хослиги, ҳар бир миллатда турлича кўринишга эгаллиги ва ижтимоий ҳодиса эканлигидир. Қуйида тил ва маданиятнинг ўзаро интерактив яъни алоқадорлиги хусусида батафсил фикр юритамиз.

Тил маданий қадриятларни ифода этишда ва уларни ривожлантиришда асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Шубҳасиз, маданиятни самарали усулда ифодалаш ва етказиб бера олишда тилнинг ўрни беқиёсдир. Шу сабабдан ҳам тил ва маданият чамбарчас боғлиқ дейишимиз ўринлидир. Тил ва маданиятни боғлиқлигини ифода этувчи фикрларга юзланишимиз лозимки, улар қуйидаги баёнларда ўз ифодасини топган.

Кен Хейлнинг таъкидлашича, “Тил йўқолганда, маданиятнинг бир қисми йўқолиши мумкин, шунингдек, маданият тилда сезиларли даражада муҳим ўрин эгаллайди” [1] деган фикрни олға суради. Келтирилган фикрга ҳамоҳанг тарзда айтишимиз мумкинки, тилни ўрганиш маълум бир жамиятнинг хатти-ҳаракатларини ва мазкур давлатнинг урф-одатлари, яъни маданиятини ўрганиш ҳам демакдир.

Тилшунос Буттжестнинг фикрига кўра, “Маданиятни ўрганиш аслида хорижий лингвистик тизимдан фойдаланиш ва уни ўзлаштиришнинг асосий омили ҳисобланади”. [2] Англаганимиздек, маданиятни чуқурроқ ўрганиш тилшуносликка мурожаатни талаб қилади. Қўшимча тарзда, Рита Мей Брауннинг фикрига юзланишимиз жоизки, у шундай баён этади: “Тил – маданиятнинг йўл харитаси”. [3] Яъни бирор бир халқнинг маданиятини ўрганишдан олдин, ўша миллатнинг тилини ўрганиш лозим деган хулосага келишимиз мумкин.

Тилшунос олим Рави Закариаснинг фикрича: “Тилдаги ўзгаришлар кўпинча маданиятнинг ўзгарувчан қийматларини акс эттиради” [4] Юқорида таъкидланган тил ва маданият луғавий бирликлар ўзаро боғлиқ бўлганлиги туфайли, бир тизимдаги ўзгариш иккинчисида ҳам намоён бўлади яъни иккала ижтимоий ҳодиса ҳам тенг ўзгаришларга учрайди ва равақ топади.

Келтирилган фикрларга қўшимча тарзда, ўзбек миллий маданиятининг машҳур ва атоқли вакиллари билан бири, маърифатпарвар олим Абдулла Авлонийнинг баёнини келтириб ўтишимиз лозимки, унга кўра: “Ҳар бир миллатнинг ўзлигини кўрсатадурғон ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур” [5]- дея таъкидлайди. Демак, тил – миллатнинг кўзгуси, маданият ва маънавиятни шакллантирувчи омил ҳисобланади.

Ўз соҳасининг етук мутахассисларидан бири, рус тилшунос олими Г.О.Винокурнинг “тилни ўрганаётган ҳар қандай тилшунос, албатта, танлаган тили унинг маҳсулоти бўлган ўша маданиятнинг тадқиқотчисига айланади” [6] деган фикри тилшунослик ривожланишидаги илк даврлардан бошлаб ўз тасдиғини топиб келмоқда десак хато бўлмайди. Олимнинг фикридан четлашмаган ҳолда айтишимиз мумкинки, маълум бир тилни тадқиқ этаётган олим ўз-ўзидан маданиятни ҳам ўрганади, ёки аксинча маданиятни ўрганган тилни ўзлаштириши ўзаро мутаносибликда амалга ошади. Тилнинг маданият билан ўзаро боғлиқлиги, уни миллат ҳамда жамият руҳининг муҳим элементи эканлигидан далолатдир.

И.Гердернинг 1770-йилда ёзилган “Тилнинг келиб чиқиши ҳақида талқин” асарида инсон фаолиятидаги тўрт асосий ҳодиса: тил, маданият, жамият ва миллий руҳ бир-бири билан боғланган. Тил ўзининг келиб чиқишига кўра маданият билан боғлиқ бўлиб, у жамият билан бирга такомиллашади. Тилнинг маданият билан органик боғлиқлиги уни миллий руҳнинг таркибий қисмига айлантиради”[7]. Тил ва маданият ўз навбатида мутаносибликни намоён этган пайтда ушбу лексемаларни жамият ва миллий руҳ билан уйғунлаштириш инсоният учун муҳим эканлигини намоён этади.

Кўшимча равишда, тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати ва алоқадорлиги В. фон Гумбольдтнинг таълимотида батафсил тарзда ёритиб берилган:

- 1) “Моддий ва маънавий маданият тилда мужассамлашади.
- 2) Ҳар қандай маданият миллийдир, унинг миллий характери тилда дунёни ўзига хос кўриш воситаси билан ифодаланади.
- 3) Тилга ҳар бир халқ учун ўзига хос бўлган ички шакл хосдир, тилнинг ички шакли – “халқ руҳи” ва унинг маданиятининг ифодаси.
- 4) Тил инсон ва унинг ўраб олган дунё орасидаги халқ ҳисобланади”.

Амин бўлганимиздек, тил ва маданиятнинг боғлиқлик жиҳатлари ва узвий алоқадорлиги бир нуқтаи назар билан чекланиб қолмаган. Тил маданиятни ифода этувчи муҳим воситадир. Икки лексемик бирликнинг ўзаро боғлиқлигига бир қатор омиллар сабабчи бўлган.

Инсонни шахс сифатида шаклланиши ва раванқ топишида тил ва маданият ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сабаби, инсон жамиятга айниқса ён-атрофидагиларга қараб ўзгаради, нутқда жамият қўллайдиган тилдан фойдаланади ҳамда уларнинг маданиятига қараб ўз маданиятини шакллантиради. Маданият эса бизга бошқа инсонлар билан қандай муносабатда бўлишимизга намуна бўлади ҳамда қадриятлар ва ахлоқни шакллантиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, маданият бизни атрофимизда ҳамфикрларни тўплашда ёрдам беради ва шу туфайли жамият билан юзага чиқадиган алоқамизни мустаҳкамлайди. Бошқа бир томондан олсак, тил ўз маданиятимизни ифода этишда фойдаланиладиган воситага ўхшайди. Дарҳақиқат, маданий ғоялар ва эътиқодлар тил орқали ифода этилади. Қолаверса, маданият ҳам, тил ҳам ўтмишга назар ташлаб, ғояларни пайдо бўлишига имкон беради. Биз атрофимиздаги инсонлар билан қай ҳолатда муносабатда бўлишимиз, гаплашишимиз ва ўзаро мулоқотга киришимиз учун қандай маданий қадриятга эга эканлигимиз муҳим ҳисобланади. Турли маданиятларга мансуб бўлган инсонлар билан учрашганимизда, биз бошқа маданият ҳақида кўпроқ тушунчага эга бўламиз ва улар билан ўзаро муносабатлар шахсиятимизга ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Шу боисдан ҳам тилдан фойдаланган ҳолда инсонлар билан алоқада бўлиш, уларнинг маданияти билан ҳам узлуксиз боғланиш демакдир.

Берилган баёнлар, тилшунос олимларнинг турлича ёндашув ва мулоҳазаларидан тил ва маданият доимий равишда ўзаро боғлиқ эканлигининг гувоҳи бўлди. Агар тил ривожланишдан тўхтаса, ўз ўзидан маданиятда ҳам оқсашлар юз беради. Гапимизнинг исботи тариқасида Делл Хаймеснинг фикрига юзланишимиз керакки, унинг баёнига кўра “тил ва ижтимоий ҳаётнинг ўзаро таъсирининг ҳар қандай умумий назарияси лингвистик воситалар ва ижтимоий маъно ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни қамраб олиши керак, дунёдаги тиллар сони тез суръатлар билан камайиб бормоқда, чунки ҳозирги тиллар инвентаризациянинг ярми хавф остида. Сабаби эса маданий алоқалар, маданий муносабатлар, маданий ёдгорликлар ҳолати глобаллашув жараёнлари натижаси остида зарар кўрганлигидир.

Агар тил ҳам зарар кўрса, дунё ҳамжамияти ва кейинги авлодлар учун билим ва маданиятда катта йўқотиш бўлади. Чунки, тилнинг йўқолиши натижасида маълум маданиятнинг урф-одатлари, анъаналари ҳам йўқолиши мумкин. Тилнинг хилма-хиллигини тушуниш инсонга, маълум бир мулоқотнинг лисоний жараёнларини тушунишга хизмат қилади”.

“Лингвокультурология (лотин тилидан: lingua - тил, cultur - маданият, logos - фан, таълимот) - тилшунослик ва маданиятшунослик бирикмасида пайдо бўлган замонавий ривожланаётган фан. У тилни миллат менталитетини ифода этувчи маданий ҳодиса сифатида ўрганеди. Бошқача қилиб айтганда, халқнинг маданияти унинг тилида акс этади” [9].

Фикримизга кўра, лингвокультурология – тилшуносликдаги мустақил соҳалардан бири бўлиб, тилшунослик доирасидаги қолган йўналишларга нисбатан янги тушунчадир. Лингвокультурологиянинг ўрганиш объекти тил ва маданиятдир яъни ҳозирги кунда тилшунослик доирасида кенг оммалашаётган ушбу соҳа маданиятни тилда қай тарзда ифодаланиши ҳақидаги билимлар мажмуасидир.

Тил ва маданият ўзаро узвий боғлиқликни намоиш этганлиги сабабли, тилшуносликда янги ва мустақил соҳа лингвокультурология илми пайдо бўлган. Барчамизга маълумки, ушбу соҳанинг ўрганиш объекти тил ва маданиятдир яъни тилда маданиятни қай тарзда ифода этишни ва ўзаро алоқадорлигини ўрганувчи билим комплексидир. Тил ва маданият борасида ва лингвокультурология соҳасида бир қатор тилшунос олимлар фаолият юритмоқдалар. Демакки, ҳозирги кунда ушбу соҳа оламнинг лисоний манзарасида кенг тарзда ривожланиб, оммалашиб бормоқда. Шу боисдан ҳам, мисли кўрилмаган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илм-фан ривожланишда давом этар экан, лингвокультурология соҳасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилади, турлича назариялар ишлаб чиқилади ва албатта бу фан ҳозирги кунга нисбатан бир неча баробар тараққий этади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунга келиб баъзи тиллар йўқолиш хавфи бор тиллар сифатида талқин этилмоқда. Агар бир халқнинг тили йўқолса, албатта ўша халқнинг маданияти ҳам ўз-ўзидан йўқолади. Сабаби, тил маданият, қадрият, анъана ва урф-одатларни аждодлардан авлодларга мерос бўлиб қолишига хизмат қилувчи улкан аҳамиятга молик воситадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. The Relationship between Language, Identity and Cultural ...<https://core.ac.uk>. Internet sources
2. Buttjost; IOSR Jurnal. Internet sources
3. Rita Mae Brown (uz.eferrit.com). Internet sources
4. Ravi Zakarias – Quotes; goodreads.com. Internet sources
5. Авлоний, Танланган асарлар, Икки томлик, «Маънавият», Т., 1998 й
6. Хомский Н. Аспекты теории синтаксиса. М., 1972. – С. 259; Язык и мышление. М., 1972. – С. 122
7. Гердер И. Г. Идеи и философия истории человечества. –М., 1977. –С. 233.
8. Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб. Пособие. – М.: Академия, 2001-2008с.

УЎК 81-13

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОМАТИК КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ТАДҚИҚИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ И.Н. Сайдаматов, катта ўқитувчи, ЎзДЖТУ, Тошкент

Аннотация. Тилшуносликда турғун сўз бирикмаларни ифодалаш учун турли терминлардан фойдаланиб келинмоқда. Мазкур ҳолат ушбу турғун бирикмалар табиатининг мураккаблиги боис юзага келмоқда. Бу терминларнинг семантик, тузулиши ҳамда функционал жиҳатлари ҳам анчагина мураккаб саналади. Шунга кўра, фразеологизмлар структурал-семантик, стилистик, мураккаб ва қўшма гаплардаги синтактик функцияси ва бошқа тамойиллар асосида ўзаро гуруҳланади деб айта оламиз.

Калит сўзлар: турғун бирикмалар, фразеологизмлар, структурал-семантик, стилистик, мураккаб ва қўшма гаплар.

Аннотация. В лингвистике для выражения устойчивых выражений использовались различные термины. Это связано со сложностью природы этих устойчивых соединений.

Семантические, структурные и функциональные аспекты этих терминов также весьма сложны. Соответственно можно сказать, что фразеологизмы группируются по структурно-семантической, стилистической, сложной и синтаксической функции в сложносочиненных предложениях и другим принципам.

Ключевые слова: *устойчивые соединения, фразеологизмы, структурно-семантические, стилистические, сложные и сложносочиненные предложения.*

Abstract. *In linguistics, various terms have been used to express fixed expressions. This is due to the complexity of the nature of these stable compounds. The semantic, structural, and functional aspects of these terms are also quite complex. Accordingly, we can say that phraseologies are grouped on the basis of structural-semantic, stylistic, complex and syntactic function in compound sentences and other principles.*

Keywords: *fixed compounds, phraseologies, structural-semantic, stylistic, complex and compound sentences.*

Тилнинг инсоният ривожига мўжизакорлиги шундаки, у бизни ўтмиш билан боғлабгина қолмасдан, кишига бир вақтнинг ўзида келажакни олдиндан кўра билиш, шу билан бирга шахслар билан мулоқот қилиш имконини ҳам беради. Шахматда ҳар бир доннинг ўз ўрни ва вазифаси бор бўлгани билан, ўйиннинг натижаси, донларни қандай ҳаракатлантириш шахматчига боғлиқ бўлади. Тилда ҳам ҳар унсурнинг ўз вазифаси, ўз маъно кўлами ҳамда бошқа унслар билан боғланиш ҳолатлари мавжуд. Изланувчилар, ёзувчилар, тилшунослар эса ана шу тил қонуниятларини мукамал эгаллаган ҳолатда, сўзнинг янги-янги маъно кўламларидан фойдаланиб, ҳеч ким кутмаган тасвирлар, янгича сўз бўронларини ҳосил қиладиларки, кишиларга фойдаси тегади, ўқиган киши маънавий озуқа олади.

Тилда киши нутқини бойитиб, тингловчи эътиборини осонгина жалб қиладиган, сўзга ўзгача жозоба бахш этадиган шундай унслар ҳам борки, уларни фразеология деб аталувчи бўлим ўзида жамлайди. Фразеология иборалар ҳақидаги таълимот бўлиб, бу терминни илк мартаба 1928-йилда Е.Д. Поливанов қўллаган ва бу хусусида шундай деган эди: “Мен морфологияга нисбатан синтаксис қандай алоқада бўлса, лексикага нисбатан худди шундай муносабатга киришувчи махсус фанни “фразеология” термини билан аташни лозим топдим”. Икки ёки ундан ортиқ сўздан таркиб топган ва яхлит бир маъно ифодаладиган, грамматик ва семантик жиҳатдан бўлинмайдиган ва одатда сўз эквиваленти бўлган тил бирлиги – фразеологик бирлик ёки фразеологизм дейилади”.

Тилнинг луғат бойлиги ҳам фақат янги сўзлар ясашишигагина эмас, балки иборалар, турғун сўз бирикмалари ҳисобига ҳам сон жиҳатидан, ҳам сифат жиҳатидан бойийди. Тилдаги ана шундай турғун бирикмалар “дунёси” билан шуғулланувчи фан фразеология фанидир. Ҳозирда бу терминдан икки хил маънода фойданолмоқда:

1. Тилдаги фразеологик бирликларнинг жами;
2. Турғун бирикмаларни ўрганувчи соҳа, фан.

Шуни таъкидлашимиз жоизки, тилшуносликда турғун сўз бирикмаларни ифодалаш учун турли терминлардан фойдаланиб келинмоқда. Мазкур ҳолат ушбу турғун бирикмалар табиатининг мураккаблиги боис юзага келмоқда. Бу терминларнинг семантик, тузулиш ҳамда функционал жиҳатлари ҳам анчагина мураккаб саналади. Шунга кўра, фразеологизмлар структурал-семантик, стилистик, мураккаб ва қўшма гаплардаги синтактик функцияси ва бошқа тамойиллар асосида ўзаро гуруҳланади деб айта оламиз. Фразеологизмларнинг оддий классификация усулларидан бири сифатида структурал-семантик асосидаги таснифи тан олинади. Бунга кўра турғун боғламалар жуфт сўзлар (сўз қўшилмалари), идиомалар, ҳикматли сўзлар (афоризмлар), мақолларга бўлинади.

Жуфт сўзлар (сўз қўшилмалари)- бир хил сўз туркумига тегишли ва ўхшаш бирликлардан ташкил топган фразеологик маъноли иборалар саналади: Жуфт сўзлар битта сўз туркумига тегишли бўлган бирликлардан ташкил топган турғун фразеологик маънога эга иборалар ҳамдир. Хусусан: **back and forth** («ипидан игнасиғача»); **backward(s) and forward(s)** («икир чиқириғача, бошидан охириғача»); **does and don'ts** («қоидасига кўра»); **between grass**

and hay («ўн гулидан бир гули очилмаган/навқирон»); **open and shut** («аниқ ва лўнда») каби турғун бирикмаларни жуфт сўзларга мисол қилишимиз мумкин.

Рус тилшунос олими И.А. Кунин фразеологизмларни чуқур тадқиқ этар экан, уларни қуйидагича таснифлайди: 1. Идиомалар ёки идиоматик иборалар- тўлиқ ёки қисман кўчма маънони ифодалаб келади. Инглиз тилидаги: *to show the white feather, an odd (queer) fish*; 2. Семи-идиомаларда ҳам ўз маъно ҳам маъжозий маъноларга эга бўлади. Масалан *chain reaction, to lay down one's arms*. 3. Фразеоматик бутунлик. Бу турдаги фразеологизмлар ўз маъносида тўлиқ маъно англатади. Масалан: : *to raise one's eyebrows, to pay attention (a visit), to clean one's fits (teeth), at the best* [1].

Инглиз тилида икки ёки ундан ортиқ компонентдан ташкил топган, яхлит фразеологик маъно англатувчи турғун тил бирлигига фразеологизм ёки фразеологик бирикма деб айтилади. Масалан, инглиз тилидаги **a feast or a famine** («катта омад, ёки бутунлай омадсизлик»); **put on the grill** («киришиб кетмоқ»); **set on six and seven, set on cinque and sice** («бор йўғи билан таваккал қилиш, барча нарчасини тикиш»); **think on one's feet** («бировнинг гўрига биров тушмоқ, тезда тушуниб етмоқ») каби иборалар бунга мисол бўла олади.

Шуни таъкидлаб ўтишимиз лозимки, инглиз тилида фразеологик бирликлар ҳосил бўлишининг етти асосий кўриниши мавжуд: 1) ўзгарувчан сўз бирликлари маъноси ўзгартирилиб; 2) турғун бирикмалар маъноси ўзгартирилиб; 3) сюжет асосида; 4) индивидуал, яъни муаллиф иборалари; 5) потенциал фразеологизмлар негизида; 6) омонимли сўз ўйинлари билан; 7) фразеологик бирликлардан (фразеодеривация) янги фразеологик бирликлар ҳосил бўлиши орқали.

Юқоридагиларнинг дастлабки олтитаси инглиз тилидаги фразеологик бирликларнинг бирламчи шаклланишга мансуб бўлса, фразеодеривация эса иккиламчи фразеологик шаклланиш саналади. Бунда ҳосил бўлувчи янги ибора тилда мавжуд бўлган фразеологизмларнинг семантик, грамматик ва функционал жиҳатдан ўзгаришларга юз тутиши асосида вужудга келади. Мазкур йўллар билан ҳосил бўлган фразеологик бирликларни келтириб ўтамиз: *with both feet* («тиш-тирноғи билан»), *a little (small) frog in a big pond* («денгиздан томчидек, хамир учидан патир, туянинг кейинги оёғи»), *go great guns* («нишонга урмоқ, мақсади чўққисига эришмоқ»), *a white-collar job* («тоза иш»).

Бундан ташқари, тиллардаги бир қатор турғун бирликлар-фразеологизмлар ушбу тасниф орқали қамраб олинмаган. Фразеологизмлар шаклланиши жараёнида асосий фразеологик шакл ҳам у ёки бу даражада ўзгаришга юз тутиши мумкин. Қуйида замонавий инглиз тилига хос бўлган фразеологик бирликнинг шаклланишини мисол сифатида келтирамиз: 1. **The last straw** («Охирги хас туянинг белини синдирибди», яъни «сўнги томчи сабр косасини тўлдиради»): *This was the last straw. He was throwing up her lawless girlhood love to her as an offence.* (Th. Dreiser. The Titan, ch. XIX) [2]; *One look showed Swithin his condition. Drunk again. This was the last straw* (J. Galsworthy. Caravan, Salvation of a Forsyte) [3]

2. **break the camel's back** («сабр косасини тўлдирмоқ», «ишни тугатмоқ»), иборасини матн ичида кўриб чиқамиз: *So, Godfrey had at last succeeded, he thought grimly. It was clear that he had supplied the straw that broke the Gestapo camel's back.* (M. Dodd. Sowing the Wind, ch. XXIII)

Инглиз тилида турғун сўз бирикмалари ҳосил бўлишининг яна бир усули сифатида шахслар билан (ёзувчилар, шоирлар, давлат ва жамоат арбоблари, журналистлар ва бошқалар) боғлиқ бўлган фразеологизмларни кўрсатишимиз мумкин. Мисол учун қуйидаги фразеологизмлар президентлар, номлар, улар олиб борган сиёсат билан узвий боғлиқ: **big stick** - «куч ишлатиш сиёсати», «куч сиёсати»; **lunatic fringe** - «экстремистлар»; **hat in the ring** - «сайлов олди компаниясида иштирок этиш учун» (Т. Рузвелт); **New Frontiers** - «янги истиқболлар» (Дж. Кеннеди); **Silent Majority** - «сукутдаги халқ» (Р. Никсон) ва бошқалар.

Инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам турғун сўз бирикмаси албатта камида иккита сўздан иборат бўлиши керак. Бу жараёнда фразеологик шакл таркибидаги компонентлар ўз мўтадиллигини сақлаган ҳолда, у ёки бу ўзгаришларга юз тутиши мумкин. Қуйида инглиз тилида учрайдиган равиш сўз туркумига хос бўлган сўзларнинг фразеологизмлар

шаклланишида тутган ўрнини кўриб чиқамиз: 1. *He realized that ... he was sailing rather close to the wind financially... (Th. Dreiser)*. 2. *... he's sailing near the wind with those large contracts that he makes (J. Galsworthy)*. 3. *He didn't buy a programme - they were asking a shilling each for them and a man must draw a line somewhere (J.B. Priestley)*. 4. *He was drunk ... rotten drunk. A follow got to draw the line somewhere (A.J. Cronin)*.

Мисоллардан кўриниб турибдики, фразеологик бирликлар тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлган бирлик саналади. Улар икки ёки ундан ортиқ компонентларга эгадир. Натижада фразеологизмлар ўз маънолари ва таркибига кўра бир бутун турғун шакл сифатида қабул қилинади. Бундан кўриниб турибдики,

1. Фразеологик бирликлар нутқ жараёнида яратилмайди, аксинча, улар тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлади;

2. Таркибий қисмларининг бир бутунлиги, структураси ва семантикасининг доимийлиги инглиз фразеологик бирликларга хос бўлган хусусиятлар саналади;

3. Фразеологик бирликларнинг таркибий қисмлари икки ёки ундан ортиқ асосий урғуга эга бўлиши мумкин;

4. Фразеологик бирликлар сўзловчи томонидан сўз сифатида англаниши мумкин бўлган алоҳида бўлақлардан ташкил топган турғун боғламалардир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. – Ленинград: Ленинградский унив, 1963. – 207с.
2. Бозорбоев К.Т. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари: Филол. фан. номзоди. ... дис. – Самарқанд, 2001. – 135 б.
3. Кунин А.В. Английская фразеология. – М.: Высшая школа, 1970. 344 с.
4. Маъруфов Т. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Москва.: «Рус. язык», 1981. – 520 б.
5. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати / араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар. – Т.: Университет, 2003. – 335 б.
6. Юсупов Ў.К. Сравнительный анализ английских и узбекских сложноподчиненных предложений с придаточными условными. Автореф.... канд. филол. наук. – Т., 1971. – 29 с.

УЎК 37.02

ЎСИМЛИКЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ХАЛҚ ҚАРАШЛАРИ ВА МИФОЛОГИК ТАСАВВУРЛАР ГЕНЕЗИСИ

Р.Ш. Сапарниязов, ўқитувчи, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Аннотация. Ушбу мақолада ўсимликлар билан боғлиқ халқ қарашлари ва мифологик тасаввурлар генезиси масалалари ўзбек ва қорақалпоқ фольклоридаги материаллар асосида қиёсий таҳлил қилинади. Ўсимликлар билан боғлиқ халқ қарашлари дунё халқлари мифологиясининг муштарак элементларидан бири бўлиб, унинг қолдиқ ишонувлар тарзидаги айрим жиҳатлари ўзбек ва қорақалпоқ фольклоридаги эпик қаҳрамоннинг мева (олма, анор, арпа, маккажўхори сўтаси каби) воситасида гайриоддий равишда тугилиши сингари анъанавий мотивларнинг юзага келишига асос бўлгани сўз этилади.

Калит сўзлар: фольклор, эпик қаҳрамон, ўсимлик, мифология, генезис, гайриоддий

Аннотация. В статье проводится сравнительный анализ генезиса народных представлений и мифологических представлений, связанных с растениями на материалах узбекского и каракалпакского фольклора.

Народные представления, связанные с растениями, являются одним из общих элементов мифологии народов мира, и некоторые аспекты его остатков верований рассматриваются в качестве основы возникновения традиционных мотивов, таких как необычное рождение эпического героя от фруктовых растений (яблоко, гранат, ячмень, кукуруза) в узбекском и каракалпакском фольклоре.

Ключевые слова: фольклор, эпический герой, растение, мифология, генезис, необычный

Abstract. The article provides a comparative analysis of the genesis of folk ideas and mythological ideas associated with plants on the materials of Uzbek and Karakalpak folklore.

Folk representations associated with plants are one of the common elements of the mythology of the peoples of the world, and some aspects of its remnants of beliefs are considered as the basis

for the emergence of traditional motives, such as the unusual birth of an epic hero from fruit plants (apple, pomegranate, barley, corn) in Uzbek and Karakalpak folklore.

Key words: *folklore, epic hero, plant, mythology, genesis, unusual*

Ўсимликларни илоҳий тасвирлаш ва уларда инсон руҳи истиқомат қилиши, ўсимликлар, хусусан дарахтлар инсонни ёвузликдан асраши тўғрисидаги мифологик қарашлар барча халқлар фольклори учрайди. Фанда бундай тасаввурлар тотемизм деб юритилади. Маълумки, тотемизм туркий халқлар мифологиясининг энг қадимий қатламига мансуб тасаввурлар тизими бўлиб, одамларнинг турли-туман жониворлар, ўсимликлар ёки нарса-ҳодисалар билан қон-қариндошлигига ишониш асосида келиб чиққан. Яъни «тотемизмда баъзи ўсимлик (дарахт) ва ҳайвонлар одамларнинг кўриқловчиси ва тангрилари ҳисобланган. Муайян қавм аъзолари аниқ бир ҳайвон ёки ўсимлик зотидан тарқалган деган тасаввур шаклланган. Шу боисдан ҳам тотем улар учун илоҳий (муқаддас) ҳисобланган» [1]. Бинобарин, туркий халқларда бўри, айиқ, бургут, илон, кўй, оху, хўкиз каби жониворлар қаторида дарахт тотеми ҳам мавжуд бўлган [2].

Дарахт тотеми билан алоқадор мифологик қарашлар этнографик [3] ва фольклористик [4] нуқтаи назардан маълум даражада ўрганилган бўлса-да, бу эътиқоднинг келиб чиқиш тарихи ҳамда фольклор асарларидаги бадий талқини масаласи махсус тадқиқ этилмаган.

Ўзбек фольклорида одамнинг дарахтдан вужудга келганлиги тўғрисидаги архаик мифлар сюжетининг қадимий намуналари етиб келмаган бўлса-да, ўсимликлар билан боғлиқ халқ қарашлари, афсоналар, кўшиқлар, эртақ ва дostonларда дарахтга алоқадор турли-туман тотемистик эътиқодларнинг излари акс этганлиги кузатилади. Шунинг учун ҳам биз ўзбекларнинг дарахт тотеми билан боғлиқ мифологик қарашларини жаҳон халқлари, шу жумладан, туркий халқлар фольклори материаллари билан қиёслаган ҳолда таҳлил қиламиз.

Хусусан, ер юзида одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги антропогеник афсонанинг тоғли олтойликлар фольклори орқали етиб келган бир намунасида инсон бир жуфт дарахтдан яратилганлиги нақл қилинган. Илк одамларнинг отаси Улган, онаси эса Ымай (яъни Умай) бўлиб, бу икки мифологик персонаж афсонада икки дарахт сифатида талқин қилинган. Шунинг учун ҳам тоғли олтойликларда ҳар бир уруғнинг ўз «шажара дарахти» бор. Бундан ташқари, Сибирь ва Енисей бўйларида яшаган туркий халқларда муқаддаслаштирилган дарахтлар этник маданиятнинг мифологик моҳият касб этувчи муҳим элементларидан бирига айланган. Масалан, тоғли олтойликлар мифологиясида «Бай терек», ёқут асотирларидаги «АарЛууп» ана шундай муқаддас дарахтлар сирасига киради [5].

Фольклоршунос Н.В.Емельяновнинг ёзишича, Аал Луук ҳаёт дарахтининг номи бўлиб, ёқут халқ эпоси «Олонхо» қаҳрамони ана шу муқаддас дарахт остида дунёга келган [6].

Қадимги туркийларда дарахт тотемига ишониш кучли бўлганлигини тасдиқлайдиган муҳим бир далил X асрда яшаган араб сайёҳи Ибн Фадлан саёҳатномасида келтирилган. Ибн Фадлан бошқирдлар ва қипчоқлар ўлкасига борганида уларнинг бўйнида ёғоч парчаси осилганлигини кўриб, бунинг сабабини сўраганида улар: «Бизлар дарахтдан яралганмиз, дарахтдан бошқа илоҳни билмаймиз», - деб жавоб беришган [7]. Бу факт бошқирд ва қипчоқлар фольклорида дарахт тотеми тўғрисида миф мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Ўзбек халқ оғзаки бадий ижодида одамнинг дарахтдан пайдо бўлганлиги тўғрисидаги миф бўлган. Чунки хоразмликларнинг исломдан аввалги эътиқодларини тадқиқ этган этнограф олим Г.П.Снесарев ёзиб олган бир афсона шундай хулоса чиқаришга асос беради. Унда нақл қилинишича, осмондан тушган Хорут ва Морут номли фаришталарнинг гуноҳга ботишига сабаб бўлган қиз аслида тут ёғочидан ясалган кўғирчоқ бўлиб, мўъжиза туфайли унга жон кирган эмиш. Қиз шу қадар гўзал эканки, унинг беқиёс хусну жамолини кўриб ҳуши бошидан учган фаришталар гуноҳ ишларга кўл урибдилар. Аммо гўзал ва покиза қиз бадниятли Хорут билан Морутнинг йўлига юришни истамабди ва тут дарахти танасига кириб кўздан ғойиб бўлибди [8]. Бу афсона сюжетининг асосини ташкил этган ғайриоддий туғилиш мотиви дарахт култи билан боғлиқ тотемистик тасаввурларни ўзида акс эттирганлиги билан характерланади.

Қарақалпоқ халқ эртақларида ҳам қахрамоннинг дарахт билан боғлиқлиги ҳақидаги мотивлар келтирилади. Масалан «Талас» номли эртагида эпик қахрамон қиз ёғоч устасининг маҳорати билан дарахтдан ясаиб, унга заргар чиройилилик бағишласа, мўлла ёғочдан ясалган қуғирчоқ қизга аллоҳдан унинг танасига жон беришни тилайди. Шу билан дархатдан ясалган қизга аллоҳ жон ато этади ва гузал қиз бўлиб етишади.

«Ағаш устасы, зергер, молла ушеуи узақ сапарга шығыпты, Елсиз-жолсыз жерлерди басып, неше күнлер жүреди. Күнде кеште бирейи от жағып қараўыллап отырып, екеуи уйықлайды екен. Өз гезеги келген күни ағаш устасы иси еригип отырып, ағаштан бир қуўыршақ жоныпты. Азанда оянып молла менен зергер хайран қалып, қуўыршақты алып жолға түсипти. Ертеңине кеште зергердің қараўыллық гезеги келип оттың жақтысында қуўыршақты тегислеп жонып, үстине түрли ҳасыл кийимлерден кийиндирип, қуўыршақты бир сулыў қыз сыпатына келтиреді. Азанда оянып молла менен ағаш устасы буған хайран қалысыпты. Булар қуўыршақты алып тағыда жолға раўана болады. Ертеңине кеште молланың гезеги келипти, Молла түни менен таң атқанша қудай талаға жалбарып қуўыршаққа жан бериўди сорапты. Азанда үш жолаўшының алдында «бир гөззал» хызмет қылыпты» [9].

Қахрамоннинг дарахтдан туғилиши, яғни илоҳ ва маъбудлар дарахт-она бағрида вояга етиши мотиви дунё мифологиясининг муштарак элементларидан бири саналади. Хусусан, қадимги Хинд эпоси «Ригведе»да тасвирланишича, дарахт танасини ўзига макон қилган олов маъбуди Агни «ҳомиладор аёл вужудда ажойиб тарзда улғаяётган ҳомила»га ўхшатилади. Унинг куч-қудрати ҳақида сўз кетганда, «Эй, ҳамиша барҳаёт илоҳ, қачонки сен қуриган дарахтдан туғилганиндан сўнг барча беқиёс қудратингни англаяжакдир» дейилади [10].

Дарахтдан туғилиш тўғрисидаги тотемистик эътиқоднинг ўзига хос эпик талқини фольклор асарларида қахрамоннинг бирор мева ёки ўсимликни егач, ҳомиладор бўлган онанинг фарзанди сифатида ғайриоддий равишда дунёга келиши тарзида мотивлаштирилганлигини кўрамиз. Фольклоршунос Ғ.Жалоловнинг ёзишича, ўзбек халқ сеҳрли эртақларида «кўпинча боласизлик азоби билан эзилган подшо ёхуд бошқа бирон кишига девона учраб унга сеҳрли мева (чунончи, олма) беради. Ана шу сеҳрли мевани еган хотин эртақнинг асосий ижобий қахрамонини туғади» [11]. Хусусан, «Зар кокилли йигит» эртагида бефарзанд одамга дуч келган ялмоғиз кампир қўйнидан битта олма чиқариб, «Шу олмани хотинга егиз, сенга ўғил туғиб беради», - дейди. Кампир айтганидай бўлиб у кишининг хотини ўша олмани еганидан кейин ҳомиладор бўлиб, ўғил фарзанд кўради [12]. «Тоҳир ва Зухра» эртагида оқ соқолли чол қўйнидан иккита қизил олмани чиқариб, бирини подшоҳга, бирини вазирга узатиб: «Мен олмани сизларга шу шарт билан бераманки, қайси бирингизнинг хотинингиз ўғил туғса, отини Тоҳир қўйинг, ким қиз туғса, отини Зухра қўйсин», - дейди [13]. «Кичкинажон кичкина» эртагида эса қаландар бобо бефарзанд подшоҳга қўйнидан учта олма чиқариб бериб: «Бу иккита қизил олмани икки хотинингга бер, оқ олмани бўлса энг яхши кўрган хотининг есин, балким фарзандли бўларсан», - дейди. Подшоҳнинг икки хотини олмаларни дарҳол ейдилар, кичик хотин эса кир юваётган учун олмани бир тишлайди-да, «кейин ерман» деб бир четга қўйяди. Шу пайт осмондан бир илон тушиб келиб, ҳалиги бир тишланган олмани олиб кетади. Орадан тўққиз ой ўтгач подшонинг қатта хотини тойлоқдай, ўртанчаси дўмбоқдай, кичиги эса нимжон ўғил кўрадилар [14].

«Алпомиш» достонининг Бўрибой Аҳмад ўғли вариантида ҳам Бойбўри билан Бойсарининг аёллари бир қаландар берган олмани иккига бўлиб еганларидан кейин ҳомиладор бўлиб, фарзанд кўрадилар [15].

Қорақалпоқ фольклорида «Арпамедиян» номли эртақ мавжуд. Унда потшоҳнинг қизи усимлик уруғидан еб ҳомиладор бўлиш мотиви тасвирланади. Эртақда қизнинг арпа дондан ейишига потшоҳнинг уйига келган дарвеш сабабчи бўлади.

«Бир бар екен, бир жоқ екен, бурынғы өткен заманда бир патша болыпты. Оның бир қызы бар екен. Патша қызын хеш жарық дуньяға шығармайды, тамға салып қоятын болыпты. Бир кунлери патша қызын аспазларына тапсырып, ҳаялы менен қыдырып кетипти. Қыз сарайдың ишинде отырса, есигиниң алдына “хуў-ҳақ” – деп дийўана келеди. Қыз дийўаныны бос жибермейин деп, атасының ғазийнесинен азгантай алтын берейин десе, хеш жерден гилт таба

алмайды. Оннан кейин бир табақ арпа береди. Қыз арпаны дийўананың қабына салайын деп атырғанда бир уўыс арпа жерге төгилип қалады. Қыз төгилген арпаны алақанына салып, аўзына атып жибереди де, жайына кирип отырабереди.

Күнлерден кун, айлардан ай өтип, қыз бир уўыс арпадан жукли болады. Патша қызының жукли болғанын билип, оны шаўып өлтирмекши болады. Бирақ патшаның бир ақыллы ўезири қызды өлтирмей аман алып қалады.

Патшаның қызы айы күни питип, атбасындай ул туўады. Адамлар жыйналып, баланың атын қоймақшы болады. Усы ўақытта баяғы дийўана келип, баланың атын Арпамәдиян қояды. Арпамәдиян бир кунде бир жасап, еки кунде еки жасап жети жасқа шығады. Баланы жети жасқа шыққанда, мектепке береди.

Арпамәдиян жасынан ақ күшли, шаққан болып өседі” [16].

Эпик қахрамоннинг дарвеш томонидан берилган олмани еган онадан туғилиши мотиви озарбайжон халқ эртақларига ҳам хос бўлиб, кўпинча эгизаклар культига алоқадор сюжетлар таркибида иштирок этиши кузатилган [17].

Эпик қахрамоннинг дарахт ёки муайян ўсимлик меваси воситасида дунёга келиши мотивининг тарихий асослари тотемистик тасаввурларга боғланади. Чунки қадимги одамлар аёл вужудида ҳомиланинг вужудга келиши тотем билан бевосита боғлиқ деб ўйлаганлар, яъни тотем сифатида эътироф этилган жонивор эти, сути, ўсимлик меваси, барги ва ҳ.к.ни истеъмол қилиш ҳомилаторликни келтириб чиқаришига ишонишган. Бошқача айтганда, одамнинг туғилиши – аёл танасига тотемнинг кириши билан изоҳланса, ўлим жоннинг ўз асл маконига, яъни тотемга қайтиш воситаси деб билинган. Шунинг учун ҳам, эртақ қахрамонларининг онаси арпа, маккажўхори сўтаси, олма, анор, сув кўпиги, майдалаб туйилган бош суягининг талқони ва бошқа нарсаларни егач ҳомилатор бўлиши тасвирланади.

Хуллас, дарахт билан боғлиқ тотемистик тасаввурлар дунё халқлари мифологиясининг муштарак элементларидан бири бўлиб, унинг қолдиқ ишонувлар тарзидаги айрим жиҳатлари ўзбек ва қарақалпоқ фольклоридаги эпик қахрамоннинг мева (олма, анор, арпа, маккажўхори сўтаси каби) воситасида ғайриоддий равишда туғилиши, дарахт остида туғилиш, чақалоқни дарахт (чинор) устидаги қуш уясида қолдириб кетиш, одамнинг ўсимликка эврилиши натижасида у ёки бу дарахтнинг пайдо бўлиши сингари анъанавий мотивларнинг юзага келишига асос бўлган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва тасаввурлари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б.12.
2. Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: МГУ, 1948. – С.223-226; Традиционное мировоззрение тюрков Южной Сибири. Знак и ритуал. – Новосибирск: Наука, 1987. – С.35-38.
3. Зеленин Д.К. Тотемистический культ деревьев у русских и белорусов. – Л., 1933; Яна ўша. Тотемы-деревья в сказаниях и обрядах европейскиз народов. – М., Л., 1937; Усмонова М.У. Дерево в традиционных представлениях хакасов // Вопросы этнокультурной истории Сибири. – Томск, 1980. – С.100-106.
4. Чоршанбиев М. Ўзбек фольклорида дарахт билан боғлиқ тотемистик қарашлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1998. – 6-сон. – Б.32-33.
5. Сағалаев А.М. Урало-алтайская мифология. Символ и архетип. – Новосибирск: Наука, 1991. - С.24.
6. Емельянов Н.В. Сюжеты якутских олонхо. – М.: Наука, 1980. – С.31, 36.
7. Путешествие Ибн-Федлана по Волге. – М.-Л., 1939. – С.66.
8. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. - М.: Наука, 1969. - С.204.
9. Қарақалпақ фольклоры. 1 том. Нөкис, Қарақалпақстан, 1977. –Б. 131-132.
10. Овсяннико-Куликовский Д.Н. Религия индусов в эпоху Вед // Избранные труды русских индологов-филологов. – М.: Наука, 1962. – С.172-173.
11. Жалолов Ғ. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.65.
12. Булбулигўё. Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент, 1986. – Б.351.
13. Ўзбек халқ эртақлари. 2 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Адабиет ва санъат нашриёти, 1995.
14. Ўзбек халқ эртақлари. Тузувчи: Муродов. – Тошкент: Мерос, 1992. – Б.57.
15. ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1553.
16. Қарақалпақ фольклоры. 1 том. Нөкис, Қарақалпақстан, 1977. –Б. 76-78.
17. Қазымоғлы М. Миф о близнецах и проблема двойника в фольклоре // Вестник тюркского мира. – Махачкала, 2009, №1. – С.34-35.

ҒАФУР ҒУЛОМ АСАРЛАРИДА ЕТИМ БОЛА ҲАЁТИ ВА ЕТИМЛИККА МУНОСАБАТНИНГ ЁРИТИЛИШИ

З.Т. Сафарова, ўқитувчи, Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Аннотация. Ўзбек адабиётининг ёрқин намояндаси Ғафур Ғулом ҳам наср, ҳам назмда самарали ижод қилиб, “Шум бола”, “Менинг ўғригина болам”, “Сен етим эмассан” каби асарлари билан халқ қалбидан чуқур жой эгаллаган адибдир. Мазкур мақола ёзувчи ижодига мансуб асарларда етим болалар турмуш тарзининг реалистик бадиий тасвири ҳамда етимларга бўлган муносабатнинг турли кўринишларини таҳлилга тортади.

Калит сўзлар: Ғафур Ғулом, етим, етимлик, реалист, мавзу, гоя, қаҳрамон, инсон, жамият, ҳикоя.

Аннотация. Яркий представитель узбекской литературы Гафур Гулям успешно работал как над прозой, так и над поэзией, завоевав популярность среди людей в основном такими произведениями, как «Озорник», «Мой сыночек ворюшка», «Ты не сирота». В статье рассматривается творчество автора, в частности произведения, где присутствует реалистичное художественное изображение образа детей-сирот и анализируется отношение общества к ним.

Ключевые слова: Гафур Гулям, сирота, сиродства, реалист, тема, идея, характер, человек, общество, рассказ.

Abstract. A bright representative of Uzbek literature Gafur Gulyam successfully worked on both prose and verse, who gained popularity among people mostly with works such as: “Naughty boy”, “My thief child”, “You are not an orphan”. This article discusses the realistic artistic depiction of the lifestyle of orphans and various attitudes towards orphan children in the works of the author.

Key words: Gafur Gulyam, orphan, orphan hood, realist, novella, literary theme, main idea, character, person, society, story.

Ғафур Ғулом XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакили бўлиб, ҳам шоир, ҳам ёзувчи сифатида бирдек машҳур сўз санъаткоридир. Унинг асарларида кўзга ташланадиган энг муҳим хусусият шуки, адиб ўзбек халқининг самимияти, бағрикенглиги, инсонпарварлиги ҳамда соддадиллиги билан бир қаторда, баъзи ўринларда ҳатто салбий оқибатларга олиб келган камчиликларини ҳам борича гавдалантира олган. Ёзувчи ижодига мансуб аксарият қисса ва ҳикояларнинг марказида уларни гоя жиҳатдан бирлаштириб турувчи етимлик мотиви устунлик қиладики, бундай ижод намуналари қаторида “Ёдгор”, “Менинг ўғригина болам”, “Нетай”, “Шум бола”, “Сен етим эмассан” каби асарларни санаб ўтиш мумкин. Мазкур мақола муаллифнинг етимликка бўлган қарашлари ҳамда ўзбек халқининг етим болаларга бўлган муносабатлари нечоғлик маҳорат билан тасвирланганини таҳлил қилишга бағишланади. Маълумки, адабиёт соҳасида қалам тебратган ҳар қандай ижодкорнинг бадиий маҳорати у яратган бадиий асарлар тилида намоён бўлади. Ёзувчининг ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга муносабати, ўзига хос дунёқараши, теран фикр-мулоҳазалари, бошқалар кўзи илғамаган нозик масалаларни моҳирона ёрита олиши ва бошқа жиҳатлар бадиий асарни бойитувчи муҳим омиллардан бўлиб ҳисобланади. Бу борада, халқ тилини чуқур билиш, чексиз сўз бойлигига эга бўлиш ҳамда ҳар бир сўз маъносидан усталик билан фойдалана олиш муҳим, албатта, аммо, қалблардан чуқур ўрин эгаллайдиган ҳақиқий маънодаги дурдона асарлар яралиши учун ёзувчи халқ дардини, орзу-ҳавасларини яқиндан ҳис қила олиши ўта муҳим эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ғафур Ғулом ижодига оид асарларда айнан шундай белгилар мужассамлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Ёзувчининг “Менинг ўғригина болам” ҳикояси қашшоқ ҳаёт кечиришига қарамай, маънавий баркамоллиги, инсонийлигини юксак даражада сақлаб қолган муштипар ўзбек кампири [2,160] ҳамда уруш даврида йўқчилик туфайли муҳтожликдан ҳаётнинг ночор кўчасига кирган ўғри ўртасидаги самимий ва дардли суҳбат асосида юзага келган. Асар ушбу суҳбатнинг тасодифий гувоҳига айланган етим бола тилидан ҳикоя қилинади. Гарчи етим бола

воқеа марказидаги қахрамон даражасига чиқарилмаса-да, етим тақдирига нисбатан инсоний илиқ туйғулар асарнинг бошидан охиригача яққол сезилиб туради. Шунга таянган ҳолда, ҳикоянинг бош мавзуларидан бири етимлик билан боғлиқ деб айта оламиз. “Менинг ўғригина болам” ҳикояси шундай сатрлар билан бошланади: *“Отамизнинг ўлганига анчагина йил ўтиб кетди. Бу йил - ўн еттинчи йилнинг кўкламида онамиздан ҳам ажралиб, шум етим бўлиб қолдик. Биз тўрт етимдан хабар олиб туришига катта онам – онамнинг оналари Роқиябиби келиб турибдилар”* [6,88].

Ҳикоя воқеалари давомида адиб бир неча бор етимлик қисмати ва тақдирига қайғураётган буви образига урғу бериб ўтади. Ўғри билан суҳбат чоғида, кампирнинг неваралари келажаги ҳақида жон куйдириб айтган куйидаги сўзлари фикримизни асослайди: *“Шу тўртта етимнинг эртасини ўйлайман-да, болам. Замонни ўзинг кўриб турибсан, тириклик тошдан қаттиқ, туянинг кўзидай нон анқога шапиғ”* [6,89].

Адибнинг ота-онасидан эрта ажрагани, ёш бўла туриб ҳаётнинг паст - баландини бошидан кечиргани, шавқатсиз сахналарнинг гувоҳи бўлгани, етимликнинг аччиқ-чучугини ўзи ҳам тотиб кўргани, унинг асарларида етимларга нисбатан бундай ёндашувнинг тез-тез учраб туришига туртки бўлган бўлса, ажаб эмас. Бу фикрнинг айна ҳақиқат эканлигини Ғафур Ғуломнинг куйидаги мисраларидан ҳам англаш мумкин:

... мен етим ўсганман, оҳ, у етимлик...
Вой, бечора жоним, десам арзийди,
Бошимни силашга бир меҳрибон қўл,
Бир оғиз ширин сўз нондек арзанда. [1,70].

“Сен етим эмассан” шеърдан келтирилган юкоридаги парчада нафақат адибнинг ўз тақдири, балки, уруш туфайли ота-онасидан эрта етим қолган минглаб болаларнинг аянчли аҳволи гавдалантирилган бўлиб, унинг ҳар бир мисрасида ниҳоятда теранлик билан юксак инсонпарварлик руҳи акс эттирилади.

Муаллиф ўз давридаги реал воқеалар тасвирини асарларида жуда эҳтиёткорлик билан гавдалантириб боради. Жумладан, “Менинг ўғригина болам” ҳикоясининг яна бир қахрамони – ўғри йигит нутқи воситасида ўша даврда ҳукм сурган ижтимоий ҳолатни куйидагича жонлантиради:

“Унинг этигини киядиган ўзбек, қозоқ, қирғиз деҳқонлари қаёқда дейсиз, қолган эмас. Фақат уларнинг етимларигина шаҳримизни тўлдириб юрибди. Қайси бурчакка, қайси чордеворга бош суқманг, ўн бешта етим ювуқсиз қўлини чўзиб: “Амаки, нон беринг”, дейди” [6,91].

Кўриниб турибдики, Ғафур Ғуломнинг бош мақсади, одамларнинг эътиборини етимларга қаратиш, уларнинг тақдирига бефарқ бўлмасликка чақиришдан иборат. Оддийгина ўғри ва кампир суҳбати ортида, қанчадан-қанча олийжаноблик, инсонпарварлик ҳамда меҳроқибат туйғулари яширинганини сезиш қийин эмас. Ҳикоя сўнигида, катта қозонни олиб кетишни таклиф қилган кампирга жавобан ўғри шундай дейди:

“- Йўқ, йўғ-э, буви, ёмон ният қилманг. Ҳа-ҳув дегунча бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади. Яна катта оилалар жам бўлади. Ҳатто бу қозон ҳам кичиклик қилиб қолади. Ўша етимларнинг ўзига буюрсин. Тўйларида ўйнаб кулиб хизмат қилайлик” [6,93].

Кўриниб турибдики, ўғри образи болаларига бир бурда нон топиш илинчида чорасизликдан шу йўлга кирган бўлиб, аслида кўнгли пок, самимий; одамларга меҳри лиммолим, ўзгалар дардига ҳамдард одам. Шунинг учун ҳам, ўқувчи қалбида унга нисбатан нафрат эмас, балки илиқлик ва хайрихоҳлик туйғулари уйғонади. Асар қахрамонлари ўзлари ночор бўлсалар-да, бир-бирларига мадад бўлишга уринадилар. Кампир тўрт етим билан кунини зўрға кўраётган бўлса ҳам, ўғрининг болаларига раҳми келиб, уни қуруқ юборгиси келмайди, ўғри эса, қанчалик муҳтож бўлмасин, етимлар ҳақини олишни истамайди. Ғафур Ғулом шундай оддий воқеа орқали ўзбек халқининг пок ниятли самимий эканлигига ишора қилади.

Ғафур Ғулом қаламига мансуб “Ёдгор” қиссасида асосан, ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишга уриниши, оила ва ахлоқ муаммолари, янгича дунёқарашнинг шаклланиши ва бошқалар тасвири бош мавзу сифатида ёритилган бўлса-да, бу асар ҳам етимлик мавзусини

четда қолдириб ўтмаган. Аниқроғи, қиссада ота-онаси томонидан воз кечилган ташландик бола - “тирик етим” образи мавжуд. Бошқа асарлардаги каби, бу қиссада ҳам улкан ўзбекона бағрикенгликнинг шоҳиди бўлишимиз мумкин. Ўз онаси томонидан ташлаб кетилган норасида болага мутлақо алоқаси бўлмаса-да, асар қаҳрамони Жўра ҳам, унинг ойиси ҳам Ёдгорни туғишганидан кам бўлмаган чексиз меҳр-муҳаббат қуршовида катта қилишади. Буни Жўранинг ушбу сўзларидан ҳам билиб олиш мумкин:

“..... ўғлим келгандан буён уйимизда анчагина эрмак топилиб қолди. Укаларим мактабдан келгандан кейин ўйнайдиган нарсалари чақалоқ. Ўзим ҳам шидан қайтгандан кейин чақалоқни қўлимга олиб, жиндек овунтирган бўламан.” [6,37].

Келтирилган жумлалардан етим болага кўрсатилаётган меҳр-эътибор сезилиб турган бўлса-да, муаллиф халқ орасида етимларга нисбатан мавжуд бўлган ҳадиксирашни ҳам кўрсатиб ўтади. Жўранинг опаси кампир онасини қойиб айтган гаплари орқали фикримизни асослаш мумкин:

“ ... боласини қўлига тутқазинг, хоҳлаган жойига бориб боқтирсин, худо кўтарсин, “Етим қўзи асрасанг, оғзи-бурнинг мой этар, етим ўғлон асрасанг, оғзи-бурнинг қон этар”...” [6,38]

Ушбу жумлаларда келтирилган халқ мақоли етим бола боқишнинг баъзан салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ифодалайди. Бундай маънога эга мақоллар халқимизда тез-тез учраб туради. Масалан: “Раҳм ема етимга, етим урар бетинга”, “Етимчадан бой чиқса, айрон бермас ичарга”, ёки “Етимни сийласанг, чориғи билан тўрга чиқар” каби мақолларда айнан етимдан яхшилик чиқмаслиги таъкидланади. Ғафур Ғулом асарларининг ўзига хос жиҳати шундаки, ушбу мазмундаги мақоллар деярли барча асарларида бош қаҳрамон (етим бола)га зулм кўрсатувчи образлар нутқида ишлатилган. Фикримизни “Шум бола” асаридан олинган қуйидаги парча далиллайди:

“Ҳой падарлаънат, мулойим сунурги. “Етим қўзи асрасанг, оғзи-бурнинг мой этар, етим ўғлон асрасанг, оғзи-бурнинг қон этар” деганлар. Сен ҳароми келгандан буён дўкон-дастгоҳимдан барака кўтарилиб, такада бирор кун тинчим қолмади.” [5,147] Кўриниб турибдики, ушбу асарда ҳам салбий образлардан бири Ҳожи Бобо етимларга жуда совуқ муносабатда бўлади. Бундай образлар орқали ёзувчи, реал ҳаётда учрайдиган шундай меҳрсиз инсонларни қаттиқ танқид остига олади. Шу билан бирга, уларга нисбатан нафрат ҳиссини китобхонга сингдириб боради, оқибатда, ўқувчи қалбида жабр кўрган етим боланинг раҳмини ейиш ва унинг дардини яқиндан ҳис қилиш каби туйғулар жўш уради. Бошқа томондан, бу асарлар кишини тамоман ғам-ғусса гирдобига чўктириб ҳам қўймайди. Улар ёзувчининг ҳаётни бадиий таҳлил этишдаги теран маҳоратини, тилдаги халқона чечанлик ва билағонлигини, характерлар яратишдаги ўзига хослигини ва айниқса, ҳазил-мутойиба, юмордаги беназир усталигини кўрсатади. Масалан, дайдилиқда тентираб, оч-наҳор юрган етим бола ҳолатини ёзувчи шундай тасвирлайди: “Аммо баданда бир саркаш аъзо бор, у менинг ихтиёримдан ташқари, ўзбошимчароқ. Унга менинг ҳукмим ўтмайди. Билмаганлар билсин, у аъзо камдан-кам кишиларга вафо қилган – қорин.”

Очликни муаллиф асарда бир неча бор “бўи қоп тик турмас”, “саркаш иштаҳа”, “бедаво қорин” каби иборалар билан ифодалайди. Барча ўринда китобхон енгил юморга ўралган аччиқ ҳақиқат билан юзлашади. Бу ёндашув ёзувчининг ўзига хос услубини юзага чиқаради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Жумабоев М. Болалар адабиёти.- Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013 .- 80 б.
2. Каримов Н. Назаров Б. Адабиёт.- Тошкент: “Ўқитувчи”, 2004 .- 366 б.
3. Ғафур Ғулом. Кечмиш ва кечирмишларимдан. – адабий-танқидий мақолалар, I жилд. – Тошкент: “Фан”, 1971.
4. Ғафур Ғулом. Танланган асарлар. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. - 362 б.
5. Ғафур Ғулом. Шум бола. - Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2015. – 155 б.
6. Ғафур Ғулом. Менинг ўғригина болам. - Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2017. – 125 б.

**МАКТАБДА ЛИНГВОПОЭТИКА САНЪАТИНИ ГЕРМЕНЕВТИК МЕЗОНЛАР
БИЛАН ЎРГАНИШ**

*Д.Р. Турғуннўлатов, талаба, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти,
Чирчиқ*

Аннотация. Мақолада мактабда поэтик тилнинг санъат яратилиш имкониятлари герменевтик мезонларда ўрганиши усуллари тадқиқ қилинган ҳамда бу борада ижтимоий-сиёсий фактор мезонлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: сўз санъати, миллий тил, индукция, дедукция, индивидуализм, ғоя, ёлқин, оммавийлик, бадиий ижод.

Аннотация. В статье анализируется принципы изучения искусство лингвопоэтики по герменевтическим параметрам в школе и социально-политические факторы при создании искусство поэтическим языком.

Ключевые слова: искусство слова, национальный язык, индукция, дедукция, индивидуализм, идея, ялқин, публичность, поэтическое творчество.

Abstract. The article analyzes to Study of lingvopoetic art with Hermeneutic parametros the principles of social and political factors in the creation of art poetic language in school.

Keywords: art of the word, the national language, induction, deduction, individualism, the idea, yalqin, publicity, poetry.

Санъат инсон ҳаётининг мазмуни. Санъатсиз ҳаёт ваҳшийлик, деган гап аксиома. Бироқ санъатни эгаллаш, уни эшитиш, кўриш ва ҳис қилиш ҳамда ундан завқланиш баробарида уни тушуниш, уни тўлақонли ўзлаштириш муаммоси ётади. Санъатнинг замирида оддий инсоний маданият туради. Маданият эса, инсонлар ва халқлараро толерантликнинг таянч нуқтаси. Санъатни тушуниш борасида инсон ҳиссиётнинг олий шакли-сўз воситасидаги ёлқиндан фойдаланади.

Бадиий адабиёт тили умумлаштирувчи характерга эга, чунки бадиий асар мавзу доирасида воқелик ва персонажларнинг реал инъикоси жараёнида ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай соҳасига дахлдор бўла олади. “Ёзма адабиёт ўз тараққиётида сон-саноқсиз авлодларнинг коллектив ижоди бўлган фольклордан доноликни, образ яратиш соҳасида тўпланган тажрибаларни, тил бойлигини ва ҳаёл уфқларининг кенглигини ўрганди”.

Ваҳоланки, бадиий асар муаллиф шахси ва образли лисоний масштаб воситасида тилнинг ҳар қандай ифода услубига бевосита мурожаат қилиши мумкин. Илмий, расмий, китобий, оммавий, диалектал, чегараланган ва чегараланмаган тил унинг ифода аспектлари ичида бўлади. Шу боис бадиий адабиёт тили – бадиий тил, бадиий адабиётнинг ўзи каби оммавий характерга эга. Айнан мана шу оммавийлик бадиий адабиёт герменевтикасини ижтимоий ҳодисага айлантиради.

Бадиий асар матни герменевтик таҳлили жараёнида бадиий адабиётнинг энг муҳим атрибутларидан бири унинг бадиийлигини, аниқроғи, бадиийликнинг инсон тафаккуридаги фалсафий-эстетик фантазияга муносабатини назарда тутиш лозим. Бу ўринда бадиийлик “ўзига хослик”, “истиснолик”, “шилланганлик”, “сайқалланганлик”, “меъёрланганлик” маъноларига яқин ва айнан шу ҳодиса санъат мавжудлик белгисининг энг биринчи талаби. Бу маънолар бадиий адабиёт намунасининг шакли ва ғояси бинобарига юзага чиқади. Шакл ва ғоя эса мантиқ – билишнинг ўзига хос қирралари. Билиш – тафаккур фаолияти, тафаккурнинг бу фаолияти эса, тилда намоён бўлади. Бадиийлик бадиий адабиётда сўзда намоён бўладиган алоҳида хусусият сифатида унинг тили ҳам демакдир: бадиийлик бу – бадиий тил.

Бадиий адабиётнинг яна бир муҳим хусусияти – унинг индивидуал ижод намунаси эканлиги. Бадиий адабиётда энг муҳим ҳодиса – индивидуализм – ижодкорнинг ўз ғояси, унинг ўз асари орқали инсониятга айтмоқчи бўлган сўзи, гапидир. Гап, сўз - тил бадиий асар намунасининг борлиғи, унинг мавжудлик ҳолатидир. Бу тамойил ижоднинг, асарнинг барча мавжудлик категорияларини қамраб олади. Оламнинг мавжудлиги ғоя экан, ғоя сўз билан

ифодаланар, сўз эса, тилнинг намоён бўлиш шакли экан, онг, ғоя - тил, сўз эса, нутқдир. Бадиий асар эса, бадиий нутқнинг реаллик касб этган варианты.

Тил, умумхалқ тили онгнинг мавжудлик ҳолати. Ҳар бир инсон ўз онгини тил орқали реаллаштиради. Тил - бу ўринда онгнинг реаллик калити. Нутқ эса, тилнинг ёзма, оғзаки, ички туйғуда реаллашган шакли. Сўз эса, нутқнинг, амалдаги тилнинг товушда либосга эга бўлган кўриниши. Буларнинг ҳаммаси умумхалқ тилида умумий, айрим ижодкорда хусусий, индивидуал кўринишга эга. Индивидуал ижод индивидуал тилни, аниқроғи тилнинг янги воситаларини талаб қилади. Индивидуал тил – ижодкорлик.

Герменевтика жамиятдаги гравитациянинг мавжудлик ҳолатини ўрганишга қаратилган фан. У борлиқнинг (Ер сайёрасида) мавжуд ҳар бир воқеа-ҳодисасининг ўрни ва ролини меъёрлаштиришга қаратилган таълимот. Герменевтиканинг предмети ва таълимоти бутушуниш назарияси, яъни олам ва одам борлиғи ва бирлигини тушуниш муаммоси. Тушуниш бу-геометрик фикрлаш демақдир. Ваҳоланки, Аллоҳ томонидан яратилган ҳар бир нарса ва мавжудотнинг ўрни ва аҳамияти борлигини тушуниш, унинг мавжудлиги билан келишиш, ўзаро нифоқ, айниқса, интиқомга ўрин йўқлигини тушуниш ва атрофдагиларга шу тушунилган ғояни етказиш ҳақидаги таълимот. Бу борада Ўрта асрларда тасаввуф таълимоти қатор эътиборга молик ғояларни илгари сурган.

Герменевтика санъатнинг образли инъикосини инсоният борлиғи ижтимоий гравитациянинг қонуний кўринишларини яратишга қаратилган таълимот сифатида санъат воситасида борлиқ ҳодисаларининг образли изоҳини унинг барча қонун-қоидалари доирасида тушуниш, тушунтириш ҳамда уни ҳис қилиш методларини яратади.

Ижод индивидуаллиги бадиий ғоя индивидуаллигининг асосида ётади. Борлиқнинг изоҳи беҳад, бироқ бу ҳол ундаги тинимсиз оригиналликнинг энг одми ҳолати холос. Олам ҳодисаларининг ичида абадийликка фақат ғоягина даҳлдор. Ҳар қандай материаллик эфемерликка маҳкум. Ҳар қандай эфемер ҳодисалар ўртасида қандайдир умумий боғланиш - дедукция кузатилади.

Дедукция бизни силлогизмга етаклайди. Инсон тафаккурининг энг заиф жойи унинг мана шу силлогизмлар – инкорни инкор ёки сабаб-натижалар домида қолганлигидадир. Шу ҳол материализм, шу ҳол реализм.

Ижоднинг индивидуаллиги кўп ҳолларда айнан шу қобикни ёриб чиқишга интилган даҳолар фаолиятининг тўлкинидир. Соя моддий ҳолат, тўлқин эса, ички туйғу, шаклсиз фаросатга бўйсунмас ёлқин. Ёлқин категорияси табиат ва жамият қонунларини тушуниш борасида инсон менталитетининг мавжудлик ҳолати. Инсон нималар биландир тарих ва келажакни ҳозирги ҳолатга боғлай олиши, улардаги воқеа-ҳодисаларни ёдда сақлаши, тасаввур қилиш ва қайта ишлаши, энг муҳими улардан ўзига хос хулоса, тушунчалар ярата олиши лозим. Герменевтик индивидуализм асар яшаш тарзининг энг муҳим шарти. Борлиқни индивидуал кашф этган ёки билишнинг, тафаккурнинг индивидуал ҳолатини кашф этган асаргина унинг муаллифига шуҳрат келтиради, кейинги авлод учун классик намуна сифатида яшайди. Бундай бахт талантларга, салоҳиятчиларгагина насиб қилади. Талант ва салоҳият эгалари даҳолар, даҳолар эса ижодкорлардир. Ижодкор ягона, индивидуал кўринишга эга. Ғоя – индивидуал тафаккур ёлқини. Оммада ғоя фақат материаллашади, реалликнинг қулига айланади, ижодийликни йўқотади. Шу боис ижод – ғоя – тафаккур олий заминий кўринишдир.

Индивидуал тафаккур ёлқини самовий, самовийлик - оригиналлик, оригиналлик - янгилик, янгилик - бетакрорлик, бетакрорлик - ижодийлик. Ижодийлик билан индивидуаллик бу тизимда бирлашмоқда.

Борлиқдаги ҳар бир мавжудлик митти олам экан, унинг мавжудлиги мана шундай ёлқинни истифода қилиш орқали борлиқ қонуниятлари ва воқеликни бевосита иштирокчисига айланиши учун имкон яратади. Демак борлиқ, унинг мавжудлик қонуниятлари реал ва абадий воқелик экан, уларнинг ёлқини ҳам абадий, шунингдек, уларнинг инсон психологиясида менталитетига муносиб акс этиши ҳам реал воқелик. Санъатнинг оммавийлиги шартида энг муҳим нуқта мана шу. Энди мана шу ўринда асар ғоясини шакллантиришда ҳисобга олиниши зарур бўлган бадиий адабиётнинг муҳим хусусияти – оммавийликка тўхталиб ўтиш зарур.

Оммавийлик – бадий асар мавжудлик функциясининг, унинг герменевтик шароитда шаклланишининг муҳим шарт. Бадий асар фақат кенг омма тамонидан қабул қилингандагина адабиёт, санъат намунаси бўла олади. Омма – халқ асарни уч муҳим хусусиятга таянган ҳолда қабул қилади: биринчисида бадийлиги учун, ўзининг эстетик эҳтиёжини қондириш мақсадида, иккинчисида алоҳида даҳо тамонидан яратилган индивидуал ижод намунаси сифатида ва ниҳоят, унинг янги, инсон учун номаълум бўлган, унга янги дунё сирларини очадиган бадий ғоя ташиганлиги учун. Бу ўринда бадийлик ва ижодийлик худди ягона денгизга бирлашган дарёлар каби бир манзил ва ғояда-оммавийликда бирлашадилар.

Бу уч хусусият оммага бадий асарни реаллаштирган нутқнинг мавжудлик ҳолати – сўз орқали етиб боради. Сўз ва унинг маъно хусусиятлари бадий асар умумий ғоясининг реаллиги калити сифатида онг билан англаниб, тилга айланади. Бадий асар ғоясининг лисоний - тил хусусияти айнан шу шаклда намоён бўлади.

Бадий тилнинг мукамал, теран, жозибатор ва нафис бўлиши бадий асар муваффақиятининг энг муҳим гарови. Инсоният бадий асарни мана шу хусусият гарови воситасида қабул қилади, ўзлаштиради, оммавийлаштиради.

Бадий адабиёт-бадий асар бадий тилда акс этган поэтик образли борлиқ сифатида олам ҳақидаги индивидуал инсон тасаввурини герменевтикада ёлқин воситасида оммалаштириш демакдир. Жамиятнинг ҳар бир вакили ўз менталитети ва худо берган имкониятларидан келиб чиқиб, асар воситасида табиат ва жамиятдаги муносабатларни тақдим қилинган образларда кўради, эшитади, ҳис қилади ҳамда улардан хулоса, тушунчалар яратади. Охир-оқибат ўзининг руҳий-психологик дунёсини қайта яратиш бинобарида жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлишга интилади. Катарсис-бадий адабиётда ижтимоий тушунишнинг калити сифатида мана шундай тарбиявий аҳамиятга эга.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Тисельтон Э. Герменевтика. – Черкасси: 2008.
2. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида.-Т.: Маънавият. 2010.
3. Михайлов А.А. Современная философская герменевтика. –Минск: 1984.
4. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. –Москва: 1986.
5. Шпет Г.Г. Герменевтика и ее проблемы // Контекст. Литературно-теоретические исследования.- Москва:1989-1992.
6. Султонов И. Адабиёт назарияси. –Тошкент: 1982.
7. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. –Тошкент: 1968.
8. Турғунпўлатов, Д. Р. (2021). Ўзбек болалар адабиёти ва Турғунбой Ғойипов. Образование и наука в XXI веке. 2(15), (шп. 1688-1690).
9. Турғунпўлатов, Д. Р. (2021). Бугунги янгиланаётган таълим тизимида кластер тушунчаси. Студенческий вестник, 23(168).
10. Турғунпўлатов, Д. Р. (2021). Халқ мақолларида учрайдиган карама-қаршилик хусусиятининг ўзига хос поэтик тамойиллари. Scientific progress, 2(1).
11. Турғунпўлатов, Д. Р. (2021). Муболаға-кенг оммалашган адабий жанр. ARES, 2(8), 186-188.

УЎК 808.5

XX АСР 60-70 ЙИЛЛАРИДА МИСР РОМАННАВИСЛИГИДАГИ АДАБИЙ ЖАРАЁНЛАР

Н.А. Умарова, ўқитувчи, ЎзДЖТУ, Тошкент

Аннотация. *Мазкур мақола Мисрнинг XX аср 60-70 йилларида адабиёти ривожига бағишланган. Мақолада Миср романчилиқ тараққиётига эътибор қаратилиб, мазкур халқ адабиётининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Мақолада Миср диёрида рўй берган “Янги мавж” оқими ва унинг намоёндалари ҳақида маълумотлар, “Янги роман” ва унинг ўзига хос хусусиятлари мисрлик адиблар ижоди мисолида очиб берилган.*

Калит сўзлар: *“Янги мавж” оқими, “Янги роман”, маърифатпарварлик, миллий адабий мерос, реализм, модернизм*

Аннотация. *Данная статья посвящена развитию египетской литературы в 60-70-е годы XX века. Статья посвящена развитию египетских романов и раскрывает особенности этой народной литературы. В статье представлена информация о движении «Новая волна»*

в Египте и его представителях, «Новом романе» и его особенностях в творчестве египетских писателей.

Ключевые слова: «Новая волна», «Новый роман», просвещение, национальное литературное наследие, реализм, модернизм.

Abstract. This article is devoted to the development of Egyptian literature in the 60s and 70s of the twentieth century. The article is devoted to the development of Egyptian novels and reveals the features of this folk literature. The article provides information about the New Wave movement in Egypt and its representatives, the New Novel and its features in the works of Egyptian writers.

Key words: "New Wave", "New Novel", education, national literary heritage, realism, modernism

XX асрнинг 60-йиллари Миср адабиётида “Янги мавж” йўналиши кенг тус олди. Бу оқим вакиллари сони кўпчиликни ташкил этди. Янги мавж оқими тарафдорлари бўлган ёш ёзувчилар ўзларини – “Ал-воқеуна ал жудуд”- янги реалистлар деб ҳам номладилар. Бу оқимнинг ўзига хослиги ёзувчиларнинг маълум ҳодисага ўзларининг шахсий қарашлари ва тажрибаларига таяниб ёндашишларида намоён бўлди. Эндиликда ёш ёзувчилар олдингидек фақат ижтимоий шартланган дунёқараш билан эмас балки, физиологик, психологик, биологик, тарихий омилларга таянган нуқтайи назар орқали фикрлай бошладилар ва ўз асарларида дунё муҳитида шаклланган инсонни эмас, балки инсон онгида унинг ҳиссий туйғулари орқали шаклланган олам тўғрисидаги тушунчаларни тараннум этдилар. Бунда ёзувчилар ҳаёл ва тасаввур эркинлигига таяниб иш кўрдилар.

“Янги мавж оқими” нинг забардаст вакиллари орасида Муҳаммад Ҳофиз, Рағаб, Иброҳим Аслан, Жамол ал-Ғитоний, Дия аш-Шарқовий, Абдул-Ҳаким Қосим, Ҳасан Муҳассиб, Аҳмад Ҳошим аш-Шариф, Баҳа Тохир, Мажид Тобиа, Яҳё ат-Тохир Абдулла каби истеъдод эгалари бор. Улар даставвал ҳикоянависликда ўзларини синаган бўлсалар кейинчалик романнависликда ҳам ижод қилиб улкан ютуқларга эришдилар. Улар эндиликда янгича фикр юритиб, шакл ва мазмунан янгича асарларни омма эътиборига ҳавола этдилар. Шу ўринда ёзувчи Юсуф ал Қуайид ўз асарларида Юқори Миср қишлоқларининг тасвирини очик-ойдин тасвирлаб, ундаги қоқоқ ижтимоий муҳитни яққол ифодалаб беради. Унинг фикрича: “ Ҳар бир Миср романнавис ёзувчиси эски услубни, яъни йигит ва қиз ўртасидаги севги ёки мамлуклар давридаги воқеаларни эмас, балки ўз она юртининг муаммолари ҳақида қайғуриб, Миср ижтимоий ҳаётини тасвирлаб бериши керак” [1:252-б].

Дарҳақиқат, ўша даврда Миср ижтимоий муаммолар қуршовида қолган эди, буни яхши идрок этган ёзувчилар ўз асарларида энди мана шундай долзарб муаммоларни кўтариб чиқдилар. Бу асарларда 1952 йилдан сўнг Мисрда қишлоқлардаги ўзгаришлар, бутун дунёдан узилган юқори Миср деҳқонининг дунёқарашини аста ўзгариши ва янгиликлар кириб келиши, бунга деҳқонларнинг муносабатларини очик тасвирлайди, Миср диёрида ечимини топмаган ижтимоий, иқтисодий ва маиший муаммоларини қоқоқ ва қашшоқлашган қишлоқ аҳолиси тақдири орқали кўрсатиб беради. Ёзувчилар асарларида энди анъанавий услублар (мақома, сира, ҳикоят, сафарнома, тарихий хроника ва бошқалар) билан чекланмай, онг оқими, ички монолог, вақт чегараларини кесиб ўтиб ҳаёт ва ҳақиқат қоришувидан фойдаландилар. Асарларнинг яна бир ўзига хос жиҳати араб адабий тили “Ал-Фусха” дан фарқ қилувчи Миср сўзлашув (диалект) тили “ал-Аммия”да ёзилгани бўлди. Асарлардан танқидий руҳ устувор бўлди, ёзувчилар ўз қарашларини ҳам асарга жо қилиб, кескин фикрлай бошладилар.

Кузатишлар шунини кўрсатдики, Миср “Янги роман” шаклланишида қуйидаги икки тамойил муҳим аҳамият касб этди:

1. Миллий тарихга, бой мерос анаъналаридан илҳомланиб, ёзма ва оғзаки халқ ижодида таяниб асар яратиш;

2. Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейин ривожланган жаҳон адабиёти, ғарб романчилиқ анъаналари таъсирида, улардан орттирган тажриба асосида романлар яратиш;

Асар қаҳрамонлари қайфиятида норозилиқ ҳисси, келажакка ишончсизлик, ички ҳиссиётлар ва қайғулар тараннуми, ўтмиш ҳақидаги хотираларнинг жонланган қиёфасини

кўришимиз мумкин. Буни яққол далили сифатида Суналлоҳ Иброҳимнинг “Бу хид” романини келтиришимиз мумкин. Бу роман бош қаҳрамони қамокхонадан чиқиб ўзини ўраб турган олам ва ижтимоий муҳитга мослаша олмайди, ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади, лекин унга доимо ёқимсиз хид ҳамроҳлик қилади, бу хид уни ҳеч қачон тарк қилмайди, қайта қайта ювинса ҳам бу хид кетмайди. Ҳар куни бир хиллик кузатилади, яъни эрталаб уйғонади, ювинади, чекади, дўстлари, қариндошлари, севган инсони билан учрашади, суҳбат қуради ва кечга яқин уйга қайтади. Ҳаётидаги маъно мазмун ёқолгандек туюлади, энди унинг аввалгидек мақсад ва ғоялари ўрнини умидсизлик, ишончсизлик эгаллаган. Унинг ёқимли машғулоти бўлган ижод қилиш, қалам тебратиш истаги ҳам унда ёқолади. Умидсиз ва мазмунсиз ҳаёт тарзи сабаб, энди унда, ўзини бир неча маротаба мажбур эца ҳам, ёзишга иштиёқ пайдо бўлмайди. Ҳаётда ҳаммадан узилган ҳаммадан четда, ҳеч кимга кераксиз инсонга айлангандек туюлади. Бу асар беихтиёр ўқувчида Албер Камюнинг “Бегона” романини эслатиб юборади. Асардаги хид ҳам мажозий маънода адолацизликлар, ноҳақликлар билан боғилиб кетган, кескинлашган, ижтимоий муҳитни ифодалайди. Асар ғоясига келадиган бўлсак бунда адиб Фрейднинг қарашларига таянади, лекин ёзиш услубини танлашда эса Э. Ҳемингуей услубига яқин услубни танлайди. Бу ҳақида унинг ўзи шундай дейди:” Менинг қўлимга Ҳемингуей ижоди ҳақида иккита асар тушди. Бири америкалик танқидчи Карлос Беккернинг асари, иккинчиси совет танқидчиси Кашкиннинг асари ... бу икки асар менинг танловимга қаттиқ таъсир қилди. Бу асарларда танқидчи ёзувчиға ўз ёзиш услубини танлаб олишға кўмак беради. Икки танқидчи олим ҳам улуғ америкалик адибнинг ёзиш услубини ва унинг хусусиятларини, бадиий маҳоратини китобхонға тўлақонли кўрсатиб беришға эришдилар. Менда бу қоидалар кизиқиш уйғотди ва уларға асосланишға қарор қилдим. Энг биринчи қоида бу киши ўзи билган нарса ҳақида ёзишидир [2:7-6].

Умуман олганда асар психологик роман-монодрама, экзистенциал қарашлар, ҳаёт маънисизлиги, яшашнинг абсурдлиги каби модернизм [4] ва постмодернизм [3] унсурлари ўз ичига олган бўлса-да реалистик қарашлардан асло четга чиқмаган. Ҳар бир ёзувчи ўз нуқтайи назаридан келиб чиққан ҳолда 80 йиллар романларининг мавзулар кўламини шакллантириб берди. Уларда қайта ва қайта бирдан бир Мисрдаги охириги 30 йилликнинг ижтимоий-сиёсий муаммолари комплекси: 1952- йилдаги революция, араб-исроил низоси, “Инфитаҳ” Садат сиёсати ва унинг Миср жамиятига келтирган иқтисодий ва маънавий оқибатлари, ижтимоий контрастларнинг чуқурлашиши, миллий маданият аҳволи жонланди. Миср романапислари ўз романлари орқали ўз шахсий қарашларини, Миср ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар ва улар келтириб чиқарган оқибатларнинг батафсил ёритилишини таъминлаб бердилар. Унда албатта миллий мерос анъаналарини сақлашға ва ғарб романи унсурларини ўз асарларига сингдириб юборишға ҳаракат қилдилар. Роман тарихий, ишқий, ижтимоий, реалистик ёки модернистик бўлишидан қатъий назар романапислар ўз асарларида барчани бирдек ўйлантираётган муаммолар, ғояларни тараннум этишдан чарчамадилар ва сермахсул ижод этдилар.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки XX аср 60-70 йилларида Миср янги адабий изланишлар жараёнларини бошдан кечирди. Эндиликда ёзувчилар янгича фикрлай бошладилар. Миллий мерос анъаналаридан воз кечмаган ҳолатда янги адабий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айландилар. Романапис ёзувчилар бор истеъдод ва маҳоратларини ишға солган ҳолда роман жанрининг салмоқли ривож топишға ҳисса қўшдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кирпиченко В.Н. Современная Египетская проза 60-70 годов, Москва: 1985, С-252
2. Иброҳим С. Тажрибаи ар-риваийя (меннинг романчиликдаги тажрибам). -Ал-адаб .1980, Н2/3, Б-7
3. Фр модерне – энг янги, замонавий; XX аср охири-XX аср бошларида оммалашган термин, санъат ва адабиётда декадансдан кейин майдонга чиққан нореалистик оқимларнингб умумий номи.
4. Фр постмодернисме-модернизмдан кейинги; Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан адабиёт ва санъатда, умуман, ижтимоий-гуманитар соҳаларда кузатила бошлаган оқим, ижодий метод. Француз постструктурализмнинг деконструкция (Ж.Деррида), постфрейдизмнинг “шизоанализ” ва “онгсизлик тили” (Лакан, Ж.Делёз, Ф.Гаттари) таълимотлари ҳамда семиотикадаги киноявийлик концепсияси (У.Эко) Постмодернизмнинг фалсафий асосини ташкил қилади.

ИЗУЧЕНИЕ ЛИНГВИСТИЧЕСКИХ АСПЕКТОВ РЕЧЕВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

*Э.А.Халилова, международный университет туризма и культурного наследия**«Шелковый путь», Самарканд*

Annotatsiya. Ushbu maqolada shaxsning rivojlanishiga hissa qo'shadigan tarjima faoliyati, uning ijodiy qobiliyati ochib berilgan.

Kalit so'zlar. lingvistik jihatlar, tarjima faoliyati, tonallik, tarjima ekvivalentligi.

Аннотация. В этой статье рассматривается изучение переводческой деятельности способствующей развитию личности, раскрытию его творческой способности.

Ключевые слова. лингвистические аспекты, переводческая деятельность, тональность, переводческая эквивалентность.

Abstract. This article examines the study of translation activities that contribute to the development of a person, the disclosure of his creative ability.

Keywords. linguistic aspects, translation activity, tonality, translation equivalence.

Изучение лингвистических аспектов межъязыковой речевой деятельности называют "переводом" или "переводческой деятельностью", которая способствует не только овладению системой лингвистических знаний и закономерностей функционирования изучаемого иностранного языка, его разновидностей, развитию умений работы с компьютером, получения, анализа и переработки информации из глобальной сети, но также и развитию личности обучаемого, раскрытию его творческих способностей, самостоятельности мышления. Перевод выполнял важнейшую социальную функцию, делая возможным межъязыковое общение людей. Распространение письменных переводов открыло людям широкий доступ к культурным достижениям других народов, сделало возможным взаимодействие и взаимообогащение литератур и культур. Знание иностранных языков позволяет читать в подлиннике книги на этих языках, но изучить даже один иностранный язык удастся далеко не каждому.

Что такое перевод? – это такой вид языкового посредничества, который целиком ориентирован на иноязычный оригинал. Изначально перевод выполнял важнейшую социальную функцию, делая возможным межъязыковое общение людей. В истории человечества образовались группы людей "билингвы", их языки отличались друг от друга, они помогали общению между "разноязычными" коллективами». Толмачи» – так называли устных переводчиков. Они переводили различные тексты религиозного, делового и официального характера.

Доступ к культурным достижениям других народов открыло людям распространение письменных переводов, и также это сделало возможным взаимодействие и взаимообогащение литератур и культур. Вопрос о степени близости перевода к оригиналу, широко обсуждали еще переводчики античного мира. В ранних переводах Библии или других произведений, считавшихся священными или образцовыми, преобладало стремление буквального копирования оригинала, приводившее порой к неясности или даже полной непонятности перевода. В итоге, позднее, некоторые переводчики пытались теоретически обосновать право переводчика на большую свободу в отношении оригинала, необходимость воспроизводить не букву, а смысл или даже общее впечатление, "очарование" оригинала. Начало теоретических споров нашего времени о необходимости сохранить в переводе то же воздействие на читателя, которым обладает оригинал можно найти уже в этих первых высказываниях о целях, которые должен преследовать переводчик. Позже отдельные переводчики пытались сформулировать некоторое подобие "нормативной теории перевода", излагая ряд требований, которым должен был отвечать "хороший" перевод или "хороший" переводчик. Французский гуманист, поэт и переводчик Этьен Доле (1509-1546) считал, что переводчик должен соблюдать следующие пять основных принципов перевода:

- 1) понимать содержание переводимого текста и намерение автора, которого он переводит, в совершенстве;
- 2) владеть языком, с которого переводит, и столь же превосходно знать язык, на который переводит, в совершенстве;
- 3) избегать тенденции переводить слово в слово, ибо это исказило бы содержание оригинала и погубило бы красоту его формы;
- 4) в переводе использовать общеупотребительные формы речи;
- 5) воспроизводить общее впечатление, производимое оригиналом в соответствующей "тональности» правильно выбирая и располагая слова".

Основы научной теории перевода стали разрабатываться лишь к середине двадцатого века, когда переводческая проблематика привлекла внимание лингвистов. До этого времени считалось, что перевод никоим образом не может включаться в круг вопросов, изучаемых лингвистической наукой. Четко выразил отношение лингвистов к переводу В. Гумбольдт в своем письме к известному немецкому писателю и переводчику Августу Шлегелю: "Всякий перевод представляется мне безусловно попыткой разрешить невыполнимую задачу. Ибо каждый переводчик неизбежно должен разбиться об один из двух подводных камней, слишком точно придерживаясь либо своего подлинника за счет вкуса и языка собственного народа, либо своеобразия собственного народа за счет своего подлинника". Подобные взгляды, получившие позднее название "теория непереводимости", разделялись многими лингвистами, в том числе и теми, которые сами много и весьма успешно выступали в роли переводчиков. "Теория непереводимости" не оказала, разумеется, какого-либо влияния на переводческую практику, поскольку переводчики продолжали выполнять "невыполнимую" задачу. На пути лингвистического анализа перевода, эта теория была одним из препятствий. В 1790 г. в книге англичанина А. Тейлора "Принципы перевода" основные требования к переводу были сформулированы следующим образом:

- перевод должен полностью передавать идеи оригинала;
- стиль и манера изложения перевода должны быть такими же, как в оригинале;
- перевод должен читаться так же легко, как и оригинальные произведения.

В середине двадцатого столетия лингвистам пришлось коренным образом изменить свое отношение к переводческой деятельности и приступить к ее систематическому изучению. Мы уже знаем, что в этот период на первый план начал выдвигаться перевод политических, коммерческих, научно-технических и прочих "деловых" материалов, где особенности индивидуально-авторского стиля, как правило, мало существенны. В связи с этим все более четко стали осознавать, что основные трудности перевода и весь характер переводческого процесса обуславливаются расхождениями в структурах и правилах функционирования языков, участвующих в этом процессе. Кроме того, возросшие требования к точности перевода также подчеркивали роль языковых единиц. При переводе материалов подобного рода уже нельзя было довольствоваться верностью перевода "в целом", одинаковостью воздействия на читателя оригинала и перевода. Перевод должен был обеспечить передачу информации во всех деталях, вплоть до значений отдельных слов, быть полностью аутентичным оригиналу.

Позднее подобные взгляды, получили название "теория непереводимости", и разделялись многими лингвистами, в том числе и теми, которые сами много и успешно выступали в роли переводчиков. Разумеется "теория непереводимости" не оказала, какого-либо влияния на переводческую практику, так как переводчики продолжали выполнять "невыполнимую" задачу. Эта теория была одним из препятствий на пути лингвистического анализа перевода. В современном переводоведении ведущее место принадлежит лингвистическому переводу (лингвистике перевода), изучающему перевод как лингвистическое явление.

Теоретическую часть лингвистики перевода составляет лингвистическая теория перевода. Термин "теория перевода" употребляется в значении "лингвистическая теория

перевода" без дополнительных оговорок. В таком значении в теории перевода различаются "общая теория перевода", "частные теории перевода" и "специальные теории перевода".

Лингвистическая теория перевода является, в первую очередь, дескриптивной теоретической дисциплиной, занимающейся выявлением и описанием объективных закономерностей переводческого процесса, в основе которых лежат особенности, структуры и правила функционирования языков, участвующие в этом процессе. Иначе говоря, теория перевода описывает не то, что должно быть, а то, что есть, что составляет природу изучаемого явления. Вместе с тем на основе описания лингвистического механизма перевода оказывается возможным сформулировать некоторые нормативные рекомендации, принципы и правила, методы и приемы перевода, следуя которым переводчик может более успешно решать стоящие перед ним задачи. Во всех случаях научный анализ наблюдаемых фактов предшествует нормативным предписаниям.

В ходе разработки лингвистической теории перевода была продемонстрирована некорректность "теории непереводимости". Рассмотрение перевода с позиций языкознания четко определило невозможность полного тождества содержания оригинала и перевода. Языковое своеобразие любого текста, ориентированность его содержания на определенный языковой коллектив, обладающий лишь ему присущими "фоновыми" знаниями и культурно-историческими особенностями, не может быть с абсолютной полнотой "воссоздано" на другом языке. Поэтому перевод не предполагает создания тождественного текста и отсутствие тождества не может служить доказательством невозможности перевода. Утрата каких-то элементов переводимого текста при переводе не означает, что этот текст "непереводим": такая утрата обычно и обнаруживается, когда он переведен и перевод сопоставляется с оригиналом. Невозможность воспроизвести в переводе какую-то особенность оригинала — это лишь частное проявление общего принципа нетождественности содержания двух текстов на разных языках (а если говорить об "абсолютной тождественности", то и двух текстов на одном языке, состоящих из неодинакового набора языковых единиц). Отсутствие тождественности отнюдь не мешает переводу выполнять те же коммуникативные функции, для выполнения которых был создан текст оригинала. Известно, что в содержании высказывания имеются элементы смысла, которые не имеют значения для данного сообщения, а "навязываются" ему семантикой языковых единиц. Если в переводе на английский язык указание на род утрачивается, то с точки зрения коммуникации такая потеря не только не существенна, но даже желательна. Кроме теоретических разделов, лингвистика перевода включает разработку ряда прикладных аспектов, связанных с методикой обучения переводу, составлением и использованием всевозможных справочников и словарей, методикой оценки и редактирования переводов. Всех их объединяет с переводом их коммуникативная вторичность: это всегда та или иная репрезентация оригинала на другом языке. Осуществление массовой подготовки переводческих кадров обнаружило недостаточность традиционной формулы квалификации переводчика: "Для того чтобы переводить, необходимо знание двух языков и предмета речи". Оказалось, что факторы, указанные в этой формуле, сами по себе не обеспечивают умения квалифицированно переводить, что надо не просто знать два языка, но знать их "по-переводчески", т.е. в сочетании с правилами и условиями перехода от единиц одного языка к единицам другого.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. В.В.Гриншкун. - М.: Педагогика, 2002.
2. Швейцер А.Д. Теория перевода – М.: Наука.1988.-214с.
3. Т.Н.Носкова. - СПб.: СПбГУКиТ, 2004.
4. А.А.Волков. – Грамматология, Издательство Московского университета, 1982.

УЎК 808.3

КЎП МАЪНОЛИ СЎЗ МАЪНОСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ТИЛ СИСТЕМАСИНИНГ ТАЪСИРИ

Л.С.Худайбердиева, доцент, Андижон Давлат Тиббийёт Институтини, Андижон

Аннотация. Тил ижтимоий ҳодиса сифатида илмий, сиёсий ҳаётда ҳамда маиший турмушда пайдо бўлаётган ҳар бир янги ҳодисани ўзида акс эттириб туради. Сўзнинг кўп

маънолилик хусусияти тилнинг лексик тизимини ўзгартириб юбора оладиган ҳодиса саналади. Битта шакл (сўз) остида бир нечта маънони ифодалаш мумкинлиги лексик тизимнинг номинатив имкониятларини оширади ва уни тубдан ўзгартириб юбора олади. Кўп маънолиликнинг муҳим хусусиятлардан бири шундаки, у табиатида кўра битта қонунга бўйсунмайди.

Калит сўзлар: сўз, лексик-семантик майдон, маъно кўчиши усуллари.

Аннотация. Язык как социальное явление отражает каждое новое явление, возникающее в научной, политической и повседневной жизни. Многозначность слова – это явление, способное изменить лексическую систему языка. Способность выражать несколько значений в рамках одной формы (слова) увеличивает номинативную способность лексической системы и может радикально ее изменить. Одна из важных особенностей двусмысленности заключается в том, что она по своей природе не подчиняется ни одному закону.

Ключевые слова: слово, лексико-семантическое поле, методы смысловой передачи.

Abstract. Language as a social phenomenon reflects every new phenomenon that arises in scientific, political and everyday life. The polysemy of a word is a phenomenon that can change the lexical system of a language. The ability to express several meanings within one form (word) increases the nominative ability of the lexical system and can radically change it.

Key words: word, lexical-semantic field, methods of semantic transfer.

Лексик бирликлар парадигматик ва синтагматик хусусиятларига кўра тилда ўзига хос мазмун-моҳиятига эга бўлади[1]. Лексик бирликларни семантик гуруҳларга бирлаштириш гоёси ўз вақтида М.М.Покровский томонидан қайд этиб ўтилган эди: “Сўзлар ва уларнинг маънолари бир-бирларидан айри ҳолда бўлмайди: улар гуруҳларда бирлашади. Гуруҳланиш асосида улар ўртасидаги ўхшашлик ёки бош маънога қарама –қарши қўйилган маъно ётади”[2]. Лексик бирликларнинг мазкур хусусияти ХХ-асрнинг иккинчи ўн йилликларида И.Трир, Г.Ипсен, В.Порциг каби немис олимларини ўзига жалб этди. Удар ўз тадқиқотларида "семантик майдон" (Wortfeld, Bedeutungsfeld) тушунчасини олға сурдилар[3]. Ушбу оқимга мансуб бўлган тилшуносларнинг изланишлари натижасида лексик бирликларнинг ички қурилишини чуқур текшириш тилда лексик - семантик майдоннинг ҳукм суришини кўрсатиш имконини берди. Лексик-семантик майдон тушунчаси тил ҳодисаларидаги системавийликни идрок қилиш, лексемалар ўртасидаги ички тизим қонуниятларини очиб бериш учун йўл очди. Бу йўналиш кўплаб тилшуносларнинг диққат-эътиборини ўзига тортди. Семантик майдон тушунчаси бўйича ўзига хос лингвистик талқинлар юзага келди. Хусусан, унга берилган ўзгача тил тавсифини Й.Трирнинг қарашларида кузатамиз: "Муайян тил белгисини англаш учун унда **майдон** тушунчасининг бор ёки йўқлигини билиш лозим. Сўз фақат майдон ичида тушунилади. Тушунча майдонидан ташқарида маъно англашилмайди”[4].

И.Трир томонидан илгари сурилган **майдон** тушунчаси шуни кўрсатадики, муаллиф бунда биринчи галда лексик бирликларнинг билатериал характериға эътибор берган. У майдонни иккига ажратади: луғавий майдон ва тушунча майдони. Бир-бири билан боғланган ўз ҳолатига кўра асосий тушунчага бўйсунувчи тушунчани тушунча майдони сифатида талқин қилади. Сўз ва у мансуб бўлган "оилани" луғавий майдон деб атайди. И.Трир яна шуни ҳам кўрсатадики, луғавий майдон ўз хусусиятига кўра фақат маълум бир тушунчаларнигина ўзида акс эттира олади, қолган тушунчалар бошқа луғавий майдон воситасида юзага чиқади[5]. И.Трир семантик майдонни тавсифлар экан, лексиканинг предметлар билан бўлган алоқаларига, шунингдек майдоннинг аниқ чегараларини белгилаш учун халақит берадиган сўзларнинг кўп маънолигига бир неча бор мурожаат қилади. Сўзнинг кўп маънолигини белгилаш жараёнида унинг ўз ва кўчма маъноларини бирлаштирган синонимик қаторларни аниқлаш мумкин. Буни **туғун** сўзининг семантик структурасини таҳлил қилиш орқали кузатса бўлади. У куйидаги маъноларда ишлатилади.

1. Асосий номинатив маъно: арқон, ип, лента каби нарсаларнинг уланган ёки сиртмоқ сингари боғланган ери;

2. Ўраб, бўғчалаб боғланган нарса, бўғча;

3. (адабий) Бадиий асарда воқеалар ривожланиши учун туртки бўлган ҳодиса, воқеа,

4. (кўчма) Воқеа, ҳодиса ва шу кабиларнинг тўқнашган, чалкаш ери; воқеалар тугуни, зиддиятлар тугуни;

5. (кўчма) Дилда тўпланган, кўнгилга ғамлик солиб турган ёки ечилмай бош қотираётган нарса [6].

Бунда ташқари тугун сўзи идиоматик ибораларда ҳам ишлатилади. Масалан, нерв тугуни - ўзаро бириккан нейрон таначаларининг тўплами; ёки тугун оши-одатда худойига қилинадиган чучварали угра ош.

Тугун сўзининг кўчма маъносининг ривожланиши натижасида унинг кичрайтириш шакли ҳам келиб чиққан. **Бу ҳолатни тўйиб кўрдим-да, Ечиб солдим дил тугунчасин. (Сайёр)**

Ушбу сўзнинг кичрайтириш шакли ботаник атама сифатида ҳам ишлатилади: гул уруғининг остки қисмидаги уруғдонга ҳосил тугунчалари дейилади. Тил материаллари шуни кўрсатадики, асосий маънонинг синонимларини қўллаш орқали сўзнинг полисемантик имкониятлари кенгайиши мумкин. Масалан, тугун сўзининг синонимлари сифатида чигал ва чалкаш сўзлари ишлатилади. Чигал сўзи луғатда қуйидагича изоҳланади: 1. Учيني топиб ёзиб бўлмайдиган, чалкашиб у ер бу ерига тугун тушиб қолган (ип, ингичка сим ва ш.к.ҳақида); 2. (кўчма) Чалкашиб, мураккаблашиб кетган, чалкаш: чигал воқеа, чигал иш, чигал бир масала. Мазкур ҳолат тугун сўзини воқеа ва ҳодисаларнинг тўқнашган ерини ифодаловчи синоним сифатида ишлатиш имконини берган. Юқоридаги синонимик қаторни функционал-услубий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали унда семантик имкониятнинг кўплигини кузатса бўлади.

Гапни бошқа ёққа бурма. Қани, дилингдаги тугунни еч (Ойбек. Олтин водийдан шаббодалар). Бу гапда асар қаҳрамонини қийновчи қандайдир масала ҳақида гап кетяпти. Қуйидаги мисолда эса чигал сўзи бир - бирига боғланган муаммо мажмуини ифодалаш учун кўчма маънода қўлланмоқда: **Пўлатжоннинг кўзлари равшанлашиб кетгандек, кўпдан миясини чулғаб олган чигал ечилиб кетгандек, ўзини енгил ҳис қилди. (С.Аҳмад. Қадрдон далалар)**

Чалкаш сўзи чигал сўзининг синоними саналади ва қуйидаги маъноларда ишлатилади: 1. Учيني, бош -кетини топиб бўлмайдиган, чигаллашиб кетган: чалкаш ип, чалкаш (бетартиб) ёғочлар. 2. Тушуниб, охирига етиб бўлмайдиган, англашилиши қийин: чалкаш фикрлар, чалкаш масала. Қизиқарлиси шундаки, семантик жиҳатдан бир -биридан узоқ бўлган тугун ва чалкаш сўзлари чигал сўзи туфайли бир синонимик қаторни ташкил қилмоқда. Бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак, тугун-чигал-чалкаш синонимик қаторида чигал сўзи қаторни ҳосил қилувчи асосий занжир сифатида юзага чиқмоқда. Чалкаш сўзининг семантикаси кенгайиб, у нутқ жараёнидаги бирликларнинг таркибий қисмини ифодалашга ҳам ўтган: **"У (Раҳмонов) ҳозир ўзининг чалкаш ҳаёти учун бутун айбни ўша тантик Маҳфузага юклашга тайёр эди" (А.Мухтор.Туғилиш) [7].**

Келтирилган мисоллар шундан далолат берадики, бундай синонимик қаторлар тилда кўп учрайди ва улар тил бирликларининг семантик имкониятларини ошириш учун хизмат қилади. Маълум бир матнда синонимик қаторнинг бошқа синонимик қаторга араллашиб кетиши кузатилади. Бундай ҳолатларда тўғри ёки кўчма маънога эга эканлиги билан ўша қатордаги сўзларга синоним бўлиб қолиши мумкин. Тўғри ва кўчма маънолар семантик жиҳатдан бир-бирини тўлдиради. Синонимик қатордаги силжишлар уни ташкил қилаётган сўзларнинг қўлланилиши учун тўсиқ бўла олмайди. Синонимларнинг тўғри ва кўчма маъноларини ишлатиш бўйича олинган маълумотлар шуни тасдиқлайдики, уларнинг маъноларига асосланиб туриб, матнларнинг аниқ тавсифини берса бўлади. Кўчма маънода ишлатилган лексик бирликларнинг (шунингдек, синонимик қаторларнинг) кўпайиши сўзлардаги семантик сатҳнинг кенгайишини, матнлар салмоғининг ортиб боришини таъминлайди. Бундай ҳолларда семантик қаторлардаги силжиш ва бир-бирини тўлдиришга асосланган тўғри ва кўчма маънодан фойдаланилади. Кўчма маънода ишлатилган синонимик қатор биринчи галда тўғри маънодаги лексемани кўчма маънодаги сўзлар гуруҳига қўшади ва шу усул ёрдамида унинг

функционал имкониятларини очиб беради. Келтирилган фикрлар шуни тасдиқлайдики, муайян синонимик гуруҳ функционал имкониятларининг нафақат кўчма маънони янги сатҳда автоматик равишда қўллаш орқали, балки кўчма маънодаги сўзнинг тўғри маъносига синоним бўлган ҳолатлар ҳисобига ҳам кенгайиши кузатилади. Ушбу кўчма маънонинг пайдо бўлиши тўғри ва кўчма маъно ўртасидаги мотивацияга асосланган бўлади. Иккинчи томондан эса, кўп маъноли сўздаги тўғри маънонинг синонимик хусусиятига асосланилади.

Хуллас, лексик бирликларнинг маъносидаги мураккаб қурилиш ва уларнинг амалиётда қўлланиши мазкур бирликни ҳосил қилувчи элементларнинг барқарор ўзаро муносабатларига, алоқаларига боғлиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Уфимцева А.А. Слово в лексико-семантической системе языка.-М.:наука, 1968.-272с.
2. Шамсуддинов Х. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал – семантик синонимлари. Филол.фанлари доктори...дис.автореф.-Т.,1999.
3. Шукуров И. Перенос значения слов в современном узбекском языке: Автореф.дис.канд.фил.наук.-Т.,1978.-21с.
4. Trier I. Der deutsche Wortschatrum sinnbezirk des Verstandes. Heidelberg,1971,5-s.

УЎК 81-13

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТНИ ИФОДА ЭТУВЧИ ЛЕКСЕМИК БИРЛИКЛАРНИНГ СТРУКТУРАЛ-СЕМАНТИК ЖИХАТЛАРИ

Б.Р. Шамсематова, катта ўқитувчи, Ўзбекистон Халқаро Ислоҳ Академияси, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада қадриятларни ўрганиш ҳозирги кунда тилишуносликда чуқур таҳлил ва тадқиқ талаб этувчи долзарб йўналишлардан бири эканлиги ҳақида сўз боради. Шунингдек, инглиз ва ўзбек тилишунослигидаги миллий қадриятларни англатувчи концепсияларни структурасини бир неча гуруҳларга бўлиб тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: миллий қадриятлар, лексемик бирликлар, структурал-семантик таҳлил.

Аннотация. В статье обсуждается, что изучение ценностей - одно из актуальных направлений лингвистики, требующее глубокого анализа и исследования. Структура концептов, представляющих национальные ценности, в английском и узбекском языкознании также изучалась в нескольких группах.

Ключевые слова: национальные ценности, лексемные единицы, структурно-семантический анализ.

Abstract. This article discusses that the study of values is one of the current areas in linguistics that requires in-depth analysis and research. In addition, the structure of concepts representing national values in English and Uzbek has been studied in several groups.

Keywords: national values, lexeme units, structural-semantic analysis.

Барчамизга маълумки, қадрият тушунчаси кенг маънода қўлланилувчи концепсия ҳисобланиб, миллий қадрият, умумбашарий қадрият, маънавий қадрият, ахлоқий қадрият сингари бир қатор ёндош тушунчалар билан ҳамоҳанг тарзда қўлланилади.

Миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ қадриятлар миллий қадриятлар дейилади. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти ҳамда маданияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлади”.[1]

Юқоридаги фикрга ҳамоҳанг тарзда айтишимиз жоизки, қадриятлар яқинда пайдо бўлиб қолмаган, асрлар давомида аждодлардан авлодларга мерос қилиб қолдирилган, узоқ тарихий жараёнда шаклланган анъаналар, урф-одатлар жамланмасидир.

Кўплаб маъноларни ўзида мужассам эта олганлиги сабабидан миллий ёки бошқа тилдаги қадриятларни ўрганиш ҳозирги кунда тилишуносликда чуқур таҳлил ва тадқиқ талаб этувчи долзарб йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.[2] Қадрият тушунчасини таҳлил этиш асносида бу концептнинг турли жиҳатларини таҳлил этиш тадқиқот ишимизнинг асосий мақсадидир. Шу билан бир қаторда, бу тушунчани янада чуқур ўрганиш ва бир тилнинг ўзига хос ёки ноодатий шакллари очиб бериш учун дунё тили сифатида эътироф этилувчи инглиз ва сўз

бойлиги жиҳатидан дунё тиллари орасида алоҳида мавқега эга бўлган ўзбек тилларидаги миллий қадрият тушунчасини ифода этувчи бирликларни структурал-семантик жиҳатларини таҳлил этиш ва уларнинг мавзувий гуруҳларини шакллантиришимиз тадқиқот ишимизнинг бош мақсадидир.[3]

Нафақат ўзбек ва инглиз, балки бошқа халқларга хос умумий қадриятлар мавжудки, улар умумбашарий қадриятлар деб талқин қилинади. Ер, ҳаво, сув, тириклик, тинчлик, тенглик каби бир қатор ёндош концептлар айни умумбашарий қадриятга мисол бўла олади.[4]

Инглиз тилшунослигидаги миллий қадриятларни англатувчи концепсияларни структурасини куйидагича гуруҳларга бўлиб тадқиқ этишимиз ўринлидир.

Бир таркибли қадриятни ифода этувчи лексемик бирликлар.

Softness, politeness, exactness, smile, sorry, home, joke, tea, sport, golf, thanks, please, turkeys, measure, weight, weather, food

Икки таркибли лексемик бирликлар.

Pancake day, Marmar championship, Family traditions, Memory Day

Уч таркибли лексемик бирликлар.

Complete English breakfast, Guy Fawkes Day, National horse-racing

Гувоҳи бўлганимиздек, инглиз миллий қадриятларини ифода этувчи лексемик бирликларнинг тузилиши турличадир. Улар бир, икки ёки уч таркибли бўлишидан ташқари эътироф этилган тил бирликлари орасида тузилиш жиҳатидан содда ва ясама бўлган тил бирликлари ҳам мавжуддир. Мисол тариқасида куйида келтириб ўтамиз.

Содда сўзлар

Smile, sorry, home, joke, tea sport, golf, thanks, please, turkey, weather, food каби асосан от туркумига мансуб бўлган бирликлар мавжуддир.

Юқоридаги баёнларга қўшимча равишда миллий қадриятларни ифода этувчи сўзлар орасида **ясама сўзлар** ҳам мавжуддир.

Softness=soft+ness яъни сифат сўз туркумидан от уyasalgan; *Politeness=polite+ness=* сифат+от;

Exactness=exact+ness= сифат+от;

Championship=champion+ship= от+от кўринишидаги ясама сўзларга мисол бўла олади.

Юқоридаги таҳлиллардан фикр қилиб айтишимиз мумкинки, инглиз тилшунослигидаги миллий қадриятни ифодаловчи лексемик бирликлар, асосан, **содда сўзлар** ва **сифат+от** кўринишидаги ясама лексемалардан иборатдир. Тадқиқотимиз мобайнида инглиз халқининг миллий қадриятларини ифода этувчи сўзлар орасида **жуфт ва такрорий сўзлар** деярли учрамаганининг гувоҳи бўлдик.

Ўзбек халқининг миллий қадриятларини янада чуқурроқ англаш ва инглиз тили билан чоғиштирма тадқиқ қилиш учун структура жиҳатидан таҳлил қилишимиз тадқиқотимизнинг асосий вазифаларидан биридир. Шу ўринда миллий қадриятни ифода этувчи бирликларни куйидагича таснифлашимиз ўринлидир.

Содда сўзлар. *Самарқанд, Қарши, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Андижон, Марғилон, Термиз, ҳаё, ибo, оила, кураш, ҳалол, атлас, адрас, адолат, ҳақиқат, дўппи, ер, сув*

Ясама сўзлар.

Эъозламоқ (от+феъл);

Поклик (сифат+от);

Тўғрисўз (сифат+от);

Софдил (сифат+от);

Эркинлик (сифат+от);

Тинчлик (сифат+от);

Яхшилик (сифат+от);

Бахшичилик (от+от);

Меъморчилик (от+от);

Қўшма сўзлар.

Меҳмондўст, бағрикенглик

Жуфт сўзлар.

Шарм-ҳаё, қўни-қўшинчилик, қариндош-уруғ, карнай-сурнай

Гувоҳи бўлганимиздек ўзбек халқи миллий кадриятлари турлича кўриниш ва тузилишдадир. Маълум бўлганидек, ўзбек миллий кадриятларини ифодаловчи лексемик бирликларни асосан содда сўзлар ташкил қилади. Таҳлилимиз кўрсатиб турибдики, юқорида қайд этиб ўтилган бирликлар орасида такрорий сўзлар деярли учрамаганига амин бўлдик.

Шу билан бир қаторда айтиб ўтиш жоизки, ўзбек миллий кадриятига оид сўзлар асосан бир ва икки таркибдир. Шу хусусида батафсил ва кенгрок фикр юритамиз.

Бир таркибли миллий кадриятни ифодаловчи бирликлар

Атлас, адрас, дўппи, палов, маҳси, ковуш, ибо, кураш, ятак, тарбия, одоб, ахлоқ.

Икки таркибли миллий кадриятни ифодаловчи бирликлар

Бешик тўйи, Суннат тўйи, мучал тўйи, Хосил байрами, Гул байрами, Никоҳ тўйи, Миллий ўйинлар, келин салом, Оталар маслахати, Махалла полвони, Наъмунали қизлар.

Барча халқларнинг ўзига хос қадимий урф-одатларидан, меросларидан қолган миллий кадриятлари мавжудлиги сабабли кадрият тушунчаси барча халқлар учун муқаддас тушунча ҳисобланади. [5] Гувоҳи бўлганимиздек, инглиз ва ўзбек халқлари ҳам миллий кадрият ва анъаналарига содиқ ва уларни ардоқловчи халқлар десак муболаға бўлмайди. Шундай бўлса ҳам иккала халқ миллий кадриятлари ўртасида бир неча фарқлар мавжуддир.

Қуйида инглиз ва ўзбек тилшунослигида миллий кадриятни ифодаловчи лексемик бирликларнинг бирлаштирувчи ва фарқловчи белгилари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Структура жиҳатидан таққослайдиган бўлсак иккала тилда ҳам мавжуд **бирлаштирувчи** белгиларга хос хулосалар қуйидаги баёнларда намоён бўлади:

1. Содда сўзлар;
2. Сифат+от кўринишидаги ясама сўзлар;
3. От+от кўринишидаги ясама сўзлар
4. Такрорий сўзлар мавжуд эмаслиги;
5. Бир ва икки таркибли лексемик бирликлар.

Фарқловчи белгилари сифатида қуйидагиларни айтиб ўтишимиз жоиздир:

1. Уч таркибли лексемик бирликлар мавжудлиги (инглиз тили)
2. Жуфт ва қўшма сўзлар мавжудлиги (ўзбек тили)
3. тўлдирувчи+фёъл (ҳаракат номи) тузилишидаги бирликлар мавжудлиги (ўзбек тили)
4. Жуфт ва такрорий лексемалар мавжуд эмаслиги (инглиз тили)
5. Воситасиз тўлдирувчи (белгисиз тушум келишиги билан ифодаланган) + ҳаракат номи структурасидаги сўзлар мавжудлиги (ўзбек тили)

Юқоридагилардан ташқари, чоғиштирилаётган тилларидаги миллий кадриятлар орасида спорт, таомлар ва байрамлар иккала тилда ҳам мавжудлигининг таҳлилларимиз орқали гувоҳи бўлдик. Қолаверса мавзувий гуруҳлар орасида ахлоқий, маънавий, ижтимоий-сиёсий кадриятлар иккала тил учун ҳам умумийдир. Шу ўринда таъкидлаш керакки, инглиз халқи овқат пайтларига алоҳида эътибор қаратиш билан бир қаторда об-ҳаво ҳақида суҳбатлашиш анъанага айланган. Ўзбек халқи бошқа халқларда такрорланмайдиган, ибо, ҳаё, ифбат соҳибларидир ва ўзбек халқи учун ота-она ва катталарни хурмат қилиш каби тарбия ва одоб-ахлоқ алоҳида ўринга эгадир. Ўзбекларда шахсий масалалар ҳақида суҳбат оммалашган бир пайтда инглизларда сиёсий ёки об-ҳаво хусусидаги суҳбатлар алоҳида қийматга эгадир.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, инглиз халқи учун ҳам ўзбек халқи учун ҳам миллий кадриятлари алоҳида салмоғга эгадир ва халқ орасида кадрлидир. Миллий кадрият бўлгани учун иккала халқ тилшунослигида ушбу кадриятларни ифодаловчи лексемик бирликлар анъана ва урф-одатларидан келиб чиққан ҳолатда турлича тушунчалар билан ифодаланган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Жалолиддин Ахмедов “Ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган бебаҳо кадриятлари. 24.02.2020 да эълон қилинган маъқола.
2. Roakeach, M. The Nature of Human Values / M. Roakeach. – New York, The Free Press, 1973. P. 56.

3. Рустамов Д. Лексемалар миллий-маданий хосланган семемасининг лингвомаданий тадқиқий: Филол. фан. бий. фалс. фан. докт. дисс. автореф. Фарғона, 2018 йил.
4. “Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафқураси”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1993, 75-бет.
5. Isakova Z. Z. “The category of value in linguistics”. Published by 2030 Uzbekistan Research Online, 2020. P. 136.
6. Rihsivayevna, S. B. (2021, February). Features of translating religious values terms of religious discourse. In Archive of Conferences (Vol. 14, No. 1, pp. 8-9).
7. Shamsematova, B. (2021, April). Value as an axiological component of the linguistic picture of the world. In Конференции.

УЎК 808.3

МАҚОЛ ҚОФИЯСИНИНГ СТРУКТУРАЛ ЭВОЛЮЦИЯСИ

Х. Шарафиддинов, ф.ф.н, ўқитувчи, Фарғона давлат университети, Фарғона

Аннотация. Маълумки, мақолларнинг нутқ шакли бўйича насрий ва назмий шакллари мавжуд. Дастлаб насрий тузилишга эга бўлган мақоллар назмий шакл олувида такрорнинг аллитерация ва ассонанс турлари фаол қўлланган бўлса, навбатдаги босқичда сажъ ҳамда қофия ҳам шеърини унсур сифатида қўллана бошлаган. Мақолада қофиянинг мақол поэтик структурасида архитектуроник вазифа бажариши – мақол жумлаларини мисра ва бандларга уюштириши ҳақида гап боради.

Калит сўзлар: функция, архитектуроник, ритмик, ассоциатив, аллитерация, ассонанс.

Аннотация. Как известно, пословицы имеют прозаическую и поэтическую формы речи. Если в поэтической форме пословиц с прозаической структурой активно использовались аллитерационные и ассонансные формы повторения, то на следующем этапе сажъ и рифма также использовались как поэтические элементы. В статье рассматривается роль в стихах из пословиц – организация предложений пословиц в строки и стихи.

Ключевые слова: функция, архитектуроника, ритмика, ассоциативность, аллитерация, ассонанс.

Abstract. As is known, proverbs have prose and poetic forms of speech. If alliterative and assonance forms of repetition were actively used in the poetic form of proverbs with prosaic structure, then in the next stage saj and rhyme were also used as poetic elements. The article examines the role in the proverbial poems - the organization of proverb sentences into lines and verses.

Key words: function, architectonics, rhythmic, associative, alliteration, assonance.

Ўзбек халқ мақоллари структурасида қофия тараққиётини, ривожланишини белгилаш мақолнинг умумий шаклидаги такомиллашувидан келиб чиқилган ҳолда бажарилиши лозим. Масалан, стилистик восита сифатида функция бажарувчи қофия кейинчалик поэтик элемент сифатида архитектуроник вазифа бажарадиган фигурага айланади. Бу жараён мақол умумий шакли, структурасидаги тараққиёт билан зич боғланади. Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит турк”да келтирилган куйидаги мақолда қофия бор.

Арпасиз ат ашумас, арқасиз алп чэрик сийиумас.

Кейинчалик мазмунан шу мақолнинг биринчи қисми базасида тугал поэтик шаклда яна бир мустақил мақол яратилдики, унда қофия архитектуроник элемент сифатида қатнашади.

Масалан: Озиқли от хоримас,
Хориса ҳам оримас.

“Девон”дан келтирилган мақолда икки қофиядошлик мавжуд: арпасиз – арқасиз, ат – алп. Бу қофиядошлик мақол эвфониясини таъминлаган, оҳангдошлик жиҳатини қуюклаштирган. Бу мақолнинг эвфоник жиҳати кейингисидан кучли. Бироқ оҳангдошлик стилистик восита сифатида ассоциатив ҳамда эвфоник вазифа бажариш билан чекланади. Кейинги мақол таркибидаги оҳангдошлик – хоримас – оримас – ассоциатив ва эвфоник вазифа бажариш билан бирга, архитектуроник вазифа ҳам бажаради. Бу функционал эволюция мақол шакли эволюцияси билан бирга, мақолнинг умумий шакли эволюцияси доирасида рўй беради. Келтирилган мақолларнинг шаклий ўзгариши – бу, модел ўзгаришидир. Шундай мақоллар ҳам борки, модел

ўзгаришсиз қолади, айрим сўзлар янгиланиши эвазига қофия вужудга келади. Масалан: “Зарбулмасал”да келтирилган “Яхши нафас – ярим мол» мақоли кейинчалик модели ўзгартирилмаган ҳолда поэтик шаклга эга бўлган. Бу – мақол таркибидаги айрим сўзлар ўрнига ўзаро оҳангдош сўзлар келтириш натижасида мумкин бўлган: Яхши ният, Ярим давлат. Алмаштирилган “ният” ва “давлат” сўзлари аслида “нафас” ва “мол” сўзлари билан лингвистик планда синонимик эмас. Лекин юқоридаги мақоллар матнида синоним бўлади – контекстуал синоним. Демак, мақол моделидан фойдаланиб, унинг таркибидаги сўзлар синонимлари билан алмаштирилиши эвазига вужудга келган қофиядошлик тайёр модел доирасида архитектуроник вазифа бажарган. Бу функцияга асосланиш (қофия функциясига асосланиб, сўзлар синонимлари билан алмаштирилган), демак, функционал эволюциядир.

Қофия компонент бўғинларининг чуқурлашуви ҳам қофиянинг фонетик эволюцияси доирасига киради. Масалан, эмас, демас сўзлари икки бўғиндан иборат, қофиякомпонент сифатида ҳам икки бўғин қатнашади. Едирмас, дедирмас сўзлари уч бўғин, бу сўзлар қофиякомпонент сифатида қатнашганда уч бўғин билан қатнашиб, юқоридаги икки бўғинга нисбатан кучлироқ оҳангдошлик яратади. Бу ҳам қофиянинг фонетик эволюциясидир.

Қофиядаги структурал эволюция қофиякомпонент таркибига, унинг тузилишига боғлиқ. Масалан:

– Алплар бирла урушма,

Беглар бирла турушма, –[5] мақолининг қофиякомпоненти ҳам, қофияси ҳам структурал жиҳатдан соддадир. Шу мақолнинг иккинчи қисми асосида яратилган – Ўйнашмагин арбоб билан,

Арбоб урар ҳар боб билан, –[6] мақолининг қофиякомпоненти мураккаб бўлиб, у аналитик формали суратда шаклланган, яъни арбоб ва билан сўзларидан ташкил топган, қофияси ҳам структурал жиҳатдан мураккаб бўлиб, у ўз ичида таркиб қисмларига бўлинади: арбоб – ҳар боб. Бу – қофиянинг структурал эволюциясидир. Хуллас, ўзбек халқ мақоллари қофиясининг эволюцияси, энг аввало, мақол умумий структурасидаги эволюция билан бирга кечади; қофиянинг стилистик восита сифатидаги такрор туридан архитектуроник вазифа бажаришга ўтиши унинг функционал эволюциясидир.

Қофия материали бўлмиш қопиякомпонентлар уйғунлигининг кучайиши ва чуқурлашуви қофияга ҳам алоқадор бўлиб, бунинг натижасида қофия уйғунлиги ҳам чуқурлашади. Бу унинг фонетик эволюциясидир.

Қофиякомпонент структурасининг соддадан мураккабга силжиши туфайли қофия ҳам структурал жиҳатдан мураккабик томон силжийди. Бу унинг эволюциясидир. Умуман, мақол структурасидаги эволюция ҳам, қофиясидаги эволюция ҳам бадий тафаккур эволюцияси, борлиқни мантиқий ва бадий ўзлаштиришнинг янада чуқурлашуви билан боғланади. Мақол қофиясининг (умуман, қофиянинг) эволюцияси фонетик жиҳатдан белгиланганда, қофиякомпонентларнинг даражаси бир-бирига максимал яқинлашиши билан белгиланади. Масалан,

– Мол оласи тишида,

Одам оласи ичида, – мақолининг “Девон” вариантларида қофиякомпонент сифатида “ичтин” ҳамда “тоштин” сўзлари қатнашади. Аниқки, “ичида” сўзига оҳангдошлик жиҳатидан “тошида” сўзи эмас, “тишида” сўзи яқинроқ, чунки бу оҳангдошликда биринчи бўғинни яратувчи унлиларда бир хиллик бор. Шунингдек, “Зарбулмасал”да келтирилган – Аслинг хатоси бўлмас,

Ножинсинг ошноси бўлмас, мақолининг қофияси “хатоси” ва “ошноси” сўзларининг товуш уйғунлигига асосланади. Бу мақолнинг ҳозирги вариантыда иккинчи қофиякомпонент “атоси” сўзи билан алмашган. Кўринадики, фонетик уйғунлик кучайтирилган. Мана шу фонетик уйғунликнинг кучайиши қофиянинг фонетик эволюциясидир. Қофиякомпонент бўғинларининг кўлами кенгайиши, янада чуқурлашуви ҳам қофиянинг фонетик эволюцияси доирасига киради. Масалан,

– Тўқлар нелар дедирмас,

Очлик нелар едирмас, – мақолининг “Девон”даги шакли куйидагича:

Оч не емас, тўқ не демас.

Мақолнинг умумий структурасида жумлалар ўрни алмашган. Бу ўзгаришнинг давоми сифатида кофиякомпонентлар бўғиндошлиги чуқурлашган. “Девон” вариантыда кофиякомпонентлар икки бўғиндан иборат бўлса, ҳозирги шаклида уч бўғиндан ташкил топган. Бу ҳам фонетик эволюция.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Уч томлик. 1-т. – Тошкент, “Фан”, 1960, Б-144-145.
2. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: “Фан”, 1978, Б-179.
3. Гулханий. Зарбулмасал. – Тошкент: 1972, Б-12.

УДК 81-13

ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ИЗУЧЕНИЯ ВИДОВ РЕЧЕВОГО ДЕЙСТВИЯ В ЛИНГВИСТИКЕ

Ш.Ш. Шокирова, преподаватель, Андижанский государственный университет, Андижан

Аннотация. Ушбу мақолада нутқ акт турларини замонавий лингвистикада ўрганишнинг назарий таҳлили келтирилган. Шунингдек, нутқ актининг асосий хусусиятларининг қисқача таърифи ҳақида муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: нутқ акти, лингвистика, назария, коммуникация

Аннотация. В статье представлен теоретический анализ изучения типов речевых актов в современной лингвистике. Обсуждается также краткое описание основных особенностей речевого акта.

Ключевые слова: речевой акт, языкознание, теория, общение.

Abstract. The article presents a theoretical analysis of the study of types of speech acts in modern linguistics. A brief description of the main features of the speech act is also discussed.

Key words: speech act, linguistics, theory, communication.

Речевой акт, минимальная единица речевой деятельности, выделяемая и изучаемая в теории речевых актов – учении, являющемся важнейшей составной частью лингвистической прагматики.

Одно из положений теории речевых актов состоит в том, что минимальной единицей человеческой коммуникации является не предложение или высказывание, а «осуществление определенного вида актов, таких, как констатация, вопрос, приказание, описание, объяснение, извинение, благодарность, поздравление и т. д.». [1] Эта установка оказалась созвучной тем взглядам в современной лингвистике, для которых характерно стремление выйти за пределы предложения, раздвинуть рамки лингвистического анализа. Такое расширение исследовательского кругозора – не самоцель, а средство «разгрузить» семантическое описание предложения и текста, удалив из него некоторые компоненты обще коммуникативного порядка.

С теорией речевых актов лингвисты связывают следующие надежды[2]:

- 1) выйти за пределы материала, обрабатываемого чисто лингвистическими методами, но при этом стараться разработать достаточно надежный инструментарий;
- 2) объяснить и описать стратегии речевого воздействия на основе атомарных понятий данной теории;
- 3) распространить «принцип композиционности Г. Фреге» на область речевого взаимодействия; то есть установить такие структуры и правила их преобразования, которые позволили бы, исходя из интерпретации составных частей речевого общения, получить – «композиционным путем» – интерпретацию целого;
- 4) объяснить и формально показать, как некоторые внешне независимые друг от друга высказывания образуют связный контекст;
- 5) объяснить связь между ясностью выражения и эффективностью воздействия; эти понятия риторики связывают «прозрачность» воплощения иллюзии с перлокутивным

эффектом; теория речевых актов могла бы дать рекомендации, как добиться «безотказного» достижения риторических целей;

6) получить таксономию речевых средств и метаязык для лексикографического описания; например, при описании глаголов речи удобно использовать понятийный аппарат теории речевых актов;

7) включить в сферу теории прагматики коммуникативные намерения, психологические и поведенческие реакции, обычно присущие получателю по ходу коммуникации; исследовать социальные последствия актов коммуникации в терминах отношений социальной зависимости и эквивалентности;

8) углубить теорию перифраз, учитывая не только чисто логические отношения между близкими по смыслу предложениями, но и коммуникативные свойства таких предложений;

9) установить отношения между репертуаром актов высказывания на конкретном языке, с одной стороны, и иллокутивными актами универсального характера – с другой;

10) включить единицы, большие, чем предложение, в компетенцию семантики истинности, приняв, что денотатом сообщения является функция, выполняемая высказыванием; значение этой функции определяют, в свою очередь, элементы ситуации и формы высказывания (такова посылка модели «денотата сообщения»).

В рамках общелингвистического подхода к теории речевых актов можно выделить две дисциплины: собственно теорию речевых актов (анализ, классификация и установление взаимосвязи между речевыми актами безотносительно к речевым средствам) и «анализ речевых актов», или лингвистический анализ речи (установление соответствия между речевыми актами и единицами речи).[3] В рамках первой дисциплины вопрос о том, насколько цели и намерения реализуемы в конкретном общении, несуществен. Для второй же дисциплины языковой материал является исходным пунктом; именно здесь лингвистика видит свою область исследования.

Исследователи в понятии речевого акта подчеркивают различные моменты, существенные для лингвистики. Так, М. Хэллидей рассматривает речевой акт как выбор одной из многочисленных переплетающихся между собой альтернатив, образующих «семантический потенциал» языка. Говоря, мы выбираем одну из форм: утверждение, вопрос, обобщение или уточнение, повторение или добавление нового. Иными словами, в противоположность взгляду на язык как на набор правил, или формальных предписаний, здесь предлагается концепция языка как совокупность выборов, которые индивидами могут быть оценены по-разному. Именно в этом смысле речевой акт связан с «планированием речи» и является сложной сущностью, в которой когнитивные и т. п. функции сочетаются с межличностными при том или ином удельном весе этих функций в конкретной ситуации. [4]

Дадим краткий перечень основных характеристик речевого акта (далее РА), которые выделяет М. Хэллидей согласно различным лингвистическим концепциям:

1) условия успешности РА заложены в том, что в рамках предложения принято относить к модусу – это соответствующая составляющая предложения, его перформативная часть;

2) РА – это элементарная единица речи, последовательность языковых выражений, произнесенная одним говорящим, приемлемая и понятная по меньшей мере одному из множества остальных носителей языка;

3) РА – это заключительный акт в серии других действий; различной бывает та степень, в какой РА универсален; противопоставлены универсальные и социально обусловленные РА; пример первых – утверждение; пример вторых – вопрос о наличии детей, который в ряде африканских племен употребляется как простое приветствие;

4) универсальные свойства РА противопоставлены тем, которые специфичны для конкретного языка: перлокуции всегда универсальны, а иллокуции бывают как универсальными, так и специфическими (они по-разному – в различном наборе – представлены в различных языках). Это позволяет обозначить новый аспект в проблеме исследования языковых универсалий;

5) РА может быть как крупнее предложения (высказывания), так и меньше его, то есть он может быть составной частью предложения; так, именно словосочетание можно представить (хотя в классической теории РА этого не делается) как РА описания, в большей или меньшей степени успешный;

6) РА связывает между собой невербальное и вербальное поведение;

7) РА, рассматриваемый как поверхностная структура предложения, не является производным от «скрытых» структур, а есть непосредственная реальность речи с ее текстовыми связями и с правилами употребления языковых единиц, заданными в рамках грамматики;

8) РА позволяет разграничить текст и подтекст;

9) РА связан с понятием «фрейма» или «рамки» в некоторых концепциях моделирования речевой деятельности: имеются в виду «ритуальные» последовательности РА, интерпретируемые на основе знаний о мире и привлекающие для своей интерпретации мета условия (связанные с установлением того, в контексте какого фрейма мы находимся в данный момент, то есть с выбором фрейма), а также опирающиеся на предшествующие, настоящие или будущие (ожидаемые) действия коммуникантов;

10) типичной задачей РА является воздействие на мысли адресата, когда он интерпретирует высказывание говорящего. В то же время общие свойства РА – это свойства кооперированного сознательного и разумного взаимодействия нескольких субъектов. [5] Все это позволяет определить понятие уместности и приемлемости речи на макроуровне, на который не распространяется грамматика отдельно взятого предложения;

11) РА включает в грамматическое описание, прагматические понятия контекста и роли говорящего и адресата, лежащие в рамках конвенций и норм конкретного общества. Последние определяют, какой вариант выражения предпочтителен для данного РА;

12) понимание предложения, в котором реализуется РА, связано с процессом дедуктивного вывода в обыденном мышлении, что по-новому ставит вопрос о соотносительности грамматики (и норм) языка, с одной стороны, и мышления – с другой;

13) нельзя говорить о понимании предложения только в его буквальном значении: необходимо установить цель РА. Поэтому выявление иллюкативной силы предложения входит в описание языка;

14) РА соединяет предложение с высказыванием.

В статье А. Дэйвисон подчеркивается еще один важный момент: имеются предложения, в логической структуре которых кванторные слова и наречные словосочетания модифицируют показатель иллюкативной силы. Отсюда вытекает, что прагматический и синтаксический подходы к речевым актам тесно переплетены. Об этом же, видимо, свидетельствует и явление так называемых «модализованных речевых актов». [6] Иначе говоря, грамматика должна имплицитно включать в свой состав теорию речевых актов.

В сегодняшней лингвистике попытки усовершенствовать эту теорию предпринимаются в следующих направлениях:

1) выйти за пределы отдельно взятого речевого акта, связать его с другими единицами общения таким образом, чтобы получилась целостная картина живого общения с его поворотами, неудачами, исправлениями, усовершенствованиями стиля. Как иногда в этой связи указывается, контекст в этой теории – не более чем «возможный контекст», а истинно творческий аспект языковой деятельности в ее каждодневном проявлении остается затуманенным;

2) устранить разрыв между намерениями и средствами выражения, принятыми в данном социуме. Иначе смысл речевого действия неясен. Однако в сегодняшней теории речевых актов удается выявить только свойства логико-синтаксической репрезентации речевого действия, а не реальных речевых действий;

3) отразить в теории то обстоятельство, что одни лишь синтаксические и семантические свойства предложения как единицы языка (то есть свойства «псевдопредложения») вне речи не могут определять употребимость конкретного предложения в конкретном виде речевого

акта. Иначе условия адекватного употребления предложения окажутся, вопреки исходным установкам данной теории, уникальными для каждого конкретного предложения, а не типовыми;

4) необходимо уточнить исходные понятия; иначе при переходе теории речевых актов от дедуктивных рассуждений к анализу конкретного материала (например, в литературоведческом анализе) происходит следующее: термины и основные понятия начинают употребляться настолько приблизительно, что теряют свой строгий смысл. В результате вся терминология и теоретический аппарат могут восприниматься просто как очередной способ метафорического определения явлений;

5) учесть не только намерения и мнения говорящего, но и природу речевого общения, главным образом зависящую от взаимоотношений и взаимодействия говорящего и слушающего.

Имеются и другие направления критики данной теории – как конструктивные, так и деструктивные. Д. Франк дает интересную систематизацию направлений этой критики. Необходимо иметь в виду, что в своей книге Д. Франк использует эту систематизацию для построения усовершенствованной концепции, в которой диалогические свойства речи привлекаются к описанию грамматики.

Итак, многие из недостатков современной теории речевых актов могут быть объяснены ее незавершенностью и продолжающимся становлением. Перспективы применения теории речевых актов, как было показано выше, весьма многообразны, поэтому не следует недооценивать ее значимость для языкознания на сегодняшний день.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Дейк, Т.А. Язык. Познание. Коммуникация / Т.А. Дейк. -М.: Прогресс, 1989. - 312 с.
2. Баранов, А.Н. Лингвистическая теория речевых актов (когнитивный подход): автореф. д-ра филол.наук А.Н. Баранова. - М.: 1990. - 48 с.
3. Богданов, В.В. Классификация речевых актов просьбы / В.В. Богданов. - Калинин, 1989. - 68 с.
4. Формановская, Н.И. Речевой этикет и культура общения /Н.И.Формановская. - М.: Высш. школа, 1989. - 334 с.
5. Серль, Дж. Классификация иллокутивных актов / Дж. Серль. - М.: Издательская группа «Прогресс», 1999. - 46 с
6. Шевченко, И.С. Речевой акт как единица дискурса [Электронный ресурс] - Режим доступа: <http://homepages.tversu.ru/~ips/JubShev.html>

O'QISH BUZILISHLARINI BARTARAF ETISHDA OLIB BORILADIGAN LOGOPEDIK ISHLAR METODIKASI

Z.M.Axmedova, p.f.n., dotsent, Toshkent davlat pedagogika universiteti, Toshkent

A.Abdulxakova, magistr, Toshkent davlat pedagogika universiteti, Toshkent

Annotatsiya. Ushbu maqolada kichik maktab yoshidagi o'quvchilarda o'qish buzilishlari, disleksiya turlari va ularni bartaraf etishda olib boriladigan korreksion-logopedik ishlar metodikasi bo'yicha ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: o'qish buzilishi, disleksiya, optik disleksiya, agrammatik disleksiya, motor disleksiya, fazoviy mo'ljal olish.

Аннотация. В данной статье представлена информация о нарушениях чтения, видах дислексии и методах коррекционной и логопедической работы у младших школьников.

Ключевые слова: нарушение чтения, дислексия, оптическая дислексия, аграмматическая дислексия, моторная дислексия, ориентация в пространстве.

Abstract. This article provides information on reading disorders, types of dyslexia and methods of corrective and speech therapy work in younger students.

Key words: reading disorder, dyslexia, optical dyslexia, agrammatic dyslexia, motor dyslexia, orientation in space.

O'quv faoliyati kichik maktab yoshdagi o'quvchining yetakchi, asosiy faoliyat turi bo'lib, uning psixik rivojlanganlik darajasini, shaxsning qaror topishini belgilab beradi. O'quv faoliyatini shakllantirish masalalari muayyan qiyinchiliklarni boshidan kechirayotgan bolalar haqida gap ketganda yanada dolzarb tus oladi. Zero, bunday o'quvchilar bir qator xususiyatlari bilan ajralib turadilar va bu xususiyatlar bolalar o'quv faoliyatining shakllanishiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Diqqatning barqarorligi, ishchanlik qobiliyatining pastligi, ta'sirchanlik, faoliyatning yetarli darajada bir maqsadga yo'naltirilmaganligi, uning nutqiy faoliyatining zaifligi kabi xususiyatlar muhim o'rin egallaydi. O'qishda qiyinchiliklari bo'lgan bolalarga xos xususiyat ishchanlik qobiliyatning pastligi, diqqatning barqarorligi individual jihatdan turli shaklda namoyon bo'ladi (T.I.Jarenkova, 1984) [1]. Ayrim bolalar topshiriqni bajarishga kirishgan dastlabki bosqichda diqqatning yuqori darajada bir narsaga qaratilishi va noyob qobiliyat ko'rinib qoladi, ishning davom etishiga qarab bu omillar to'xtovsiz pasayib boradi, ba'zi o'quvchilarda ishga kirishgandan keyingina diqqat bir joyga qaratiladi, ba'zilar esa diqqatning vaqti-vaqti bilan o'zgarib turishi va topshiriqni bajarish davomida ishchanlik qobiliyatining bir xilda bo'lmasligi kuzatiladi. Yuqoridagi ma'lumotlardan kelib chiqqan xolda, o'qish buzilishlarini oldini olishda olib boriladigan asosiy ishlar bolalarda fazoviy ko'rish funksiyasini, diqqati, xotira, analitik- sintetik faoliyat, til analiz-sintezini shakllantirish, nutqning leksik, grammatik tomonini rivojlantirish va og'zaki nutq kamchiliklarini bartaraf etishdan iboratdir. O'qish buzilishlarining mexanizmi ko'p jihatdan bir-biriga o'xshashdir, shuning uchun ularni bartaraf etish yuzasidan olib boriladigan logopedik-tuzatish ishlari metodikasi ham o'xshash bo'ladi.

Tovushlar differentsiatsiyasini aniqlash va mustahkamlash bo'yicha olib boriladigan logopedik ishlar turli analizatorlarga (nutq eshituv, nutq harakat va ko'ruv) tayangan holda olib boriladi. Tovushlarni bir-biridan farqlash ustida olib boriladigan ishning muvaffaqiyatli bo'lishi fonematik analiz va sintezni rivojlantirish bilan chambarchas bog'liqdir. Almashtiriladigan tovushlarni bir-biridan farqlash ustida olib boriladigan logopedik ishlar 2 bosqichni o'z ichiga oladi:

Birinchi bosqich — tayyorgarlik (almashtirilayotgan har bir tovush ustida ishlash).

Ikkinchi bosqich — almashtirilayotgan tovushlarni eshitish va talaffuz jihatdan farqlash.

Birinchi davrda almashtirilayotgan har bir tovushning talaffuz va eshitish obrazining ketma-ketligi aniqlanadi. Olib boriladigan ish rejalari quyidagilardan iborat: ko'rish, eshitish, taktil

idrok etish, kinestetik sezish orqali tovushlarni jarangdorligi va artikulyatsiyasini aniqlash bo'g'irlarda tovushlarni ajratish so'zlarda tovushning o'rnini (boshida-o'rtasida-oxirida) aniqlash tovushlarni so'zdagi ketma-ketligini aniqlash gap, matnlarda tovush o'rnini aniqlash.

Ikkinchi bosqichda almashtiriladigan tovushlarni talaffuz va eshitish jihatdan qiyoslash ishlari olib boriladi. Bunda ham olib boriladigan ish birinchi bosqichdagidek bo'lib, har bir tovush eshitish va talaffuz jihatdan aniqlanadi. Asosiy maqsad ularni bir-biridan farqlashdir, shuning uchun nutqiy materialga almashtirilayotgan tovushlar ishtirok etgan so'zlar tanlab olinadi.

Tilning analiz va sintez tomonini rivojlantirish. Gapda so'zning soni, ketma-ketligi va o'rnini aniqlash qobiliyatini quyidagi topshiriqlarni bajarish orqali shakllantirish mumkin:

- i. Syujetli rasmlar asosida gap tuzish va gapdagi so'zlar sonini aniqlash.
- ii. Ma'lum miqdordagi so'zlar bo'yicha gap o'ylab topish.
- iii. So'zlar sonini ko'paytirib, gapni kengaytirish.
- iv. Gapda so'zlar o'rnini aniqlash (ko'rsatilgan so'z nechanchi o'rinda turibdi).
- v. Ma'lum sondagi so'z ishtirok etgan gaplarni matndan ajratish.
- vi. Gapda nechta so'z bo'lsa, shuni ko'rsatuvchi sonni ko'rsatish.

Agrammatik disleksiyani bartaraf etish vazifalari: bolada morfologiya va sintaktikani umumlashtirish, so'zning morfologik tarkibi va gapning tuzilishi haqidagi tasavvurlarni shakllantirishdan iborat. Ishning asosiy yo'llanmasi: gap tuzilishini aniqlash, so'z o'zgarishi va so'z yasash vazifalarini rivojlantirish, bir o'zakli so'zlar va so'zlarning morfologik tuzilishi ustida ishlash. Gap ustida ishlashda uning tuzilish jihatdan murakkabligi, ontogeneza uning turli tipda hosil bo'lish ketma-ketligi hisobga olinadi. Gap ustida ishlash quyidagi rejalar asosida amalga oshiriladi:

i. Ikki tarkibli gaplar, bu bosh kelishikdagi otlar va hozirgi zamon 3-shaxs fe'llarini o'z ichiga oladi.

ii. Boshqa ko'rinishdagi ikki tartibli gaplar.

iii. 3-4 so'zdan iborat bo'lgan yoyiq gaplar.

Keyinchalik murakkab tipdagi gaplar ustida ishlanadi. Savollarga javob berish, mustaqil gap tuzish kabi topshiriqlar berish lozim. Gap ustida ishlash jarayonida analogik gaplar berish kerak. Har bir o'qilgan gap savollar yordamida analiz qilinadi, gapdagi so'zlar orasidagi grammatik bog'lanishlar aniqlanadi va mustahkamlanadi. So'z o'zgartirish bo'yicha quyidagi vazifalar beriladi:

- a) Aralastirib berilgan tayanch so'zlar bilan gap tuzish.
- b) Gapda tushirib qoldirilgan so'zlarni joyiga qo'yish.
- c) Gapni predmetli rasm yordamida to'ldirish. Tugallanmagan gap va rasm taklif qilinadi.
- d) Predmetli rasmlar yordamida berilgan otni birlikdan ko'plik shakliga turlash.
- e) Berilgan gap konstruksiyasi bo'yicha harakat bajarish.
- f) Bajarilgan harakat bo'yicha gap tuzish.
- g) Berilgan o'tgan zamon fe'lini hozirgi zamon fe'liga aylantirish.
- h) Ot va sifatni ko'plikda, birlikda kelishiklarda ifodalash.

Bir vaqtning o'zida o'qilgan so'z gap yoki matnni tushunish ustida ish olib boriladi:

i. So'zni o'qish va shu so'zga mos rasmni ko'rsatish.

ii. So'zni o'qib, harakat bajarish.

iii. So'zni o'qish va savolga javob berish.

iv. Gapni o'qish va unga mos rasmni ko'rsatish.

v. Matn ichidan berilgan rasmning mazmuniga mos gapni topish.

7. Gapni o'qish va uning mazmuniga qarab savollarga javob berish.

Semantik disleksiyani bartaraf etishda muhim o'rinni lug'at ustida ishlash egallaydi. Lug'atni aniqlash va boyitish ustidagi ish o'qilgan so'z, gap yoki matn ustida ishlash jarayonida olib boriladi. Quyidagi topshiriqlardan foydalanadi:

1. Gapdagi alohida so'zlarning sinonimini topish (quvnoq-xursand).

2. Qarama-qarshi ma'noga ega bo'lgan so'zlarni topish (Issiq-sovuq, kasal-sog', oq-qora)

3. Qarama-qarshi ma'nodagi so'zlarni ifodalab gapni to'ldirish: Daryoda suv sovuq, choynakda esa issiq.

4. Bir qancha predmetlarni bitta umumiy soʻz bilan ifodalash: Masalan: qoshiq, kosa, pichoq bularni bir soʻz bilan nima deymiz?

5. Bitta umumlashtirib berilgan soʻzga oid predmetlarni nomlash.

6. Harakatni bildiruvchi soʻzlarni topish.

a) Nima qanday harakat qiladi? Toshbaqa emaklab yuradi, baliq suzadi, urbaqa sakraydi, qush uchadi kabi

b) Nima qanday ovoz chiqaradi?

Qurbaqa qurillaydi, mushuk miyovlaydi.

7. Predmetlarning rangini, shaklini, hajmini aniqlash.

8. Predmetning nomini aniqlash.

Lugʻatni boyitish va aniqlik kiritish va asosan oʻqilgan soʻzlar, gaplar, matn ustida ishlash jarayonida olib boriladi.

Optik disleksiya va disgrafiyani bartaraf etishda ish quyidagi yoʻllanma boʻyicha olib boriladi:

a. Koʻrish idrokini rivojlantirish, ranglar, shakllar va miqdor, oʻlchamni bilish (koʻrish gnozisi).

b. Koʻrish xotirasi hajmini kengaytirish, aniqlash va rivojlantirish.

c. Fazoviy tasavvurlarni shakllantirish.

d. Koʻrish analiz va sintezini rivojlantirish.

Koʻruv gnozisini rivojlantirish jarayonida harflarni bilish (harf gnozisi) topshiriqlari ham berib boriladi. Masalan: harflar ichidan maʼlum harfni topish, harflarni nomlash va yozish bosma va yozma shrift bilan yozilgan harflarni taqqoslash qoʻshimcha chiziqlar chizib oʻchirilgan harflarni aytish yoki yozish notoʻgʻri joylashgan harflarni aniqlash harflarning etishmagan elementlarini toʻldirish.

Optik disleksiyaning bartaraf etish uchun bolalarning shakl, rang, hajm haqidagi tasavvurlarini aniqlashtirish boʻyicha ish olib boriladi. Logoped bir qator shakllarni koʻrsatadi (aylanma, oval, kvadrat, toʻgʻri burchakli uchburchak, romb, yarim aylana), rangi va xajmi jihatdan farqni soʻraydi hamda bolalarga bir xil rangdagi, bir xil shakl va hajmdagi, bir xil rang va shakldagi, turli shakl va rangdagilarni ajratishni taklif etadi shuningdek, fazoviy tasavvurlarini shakllantirishga ham diqqatni jalb qilmoq lozimdir.

Fazoviy moʻljal bir-biriga oʻzaro bogʻliq boʻlgan moʻljalning ikki turini oʻz ichiga oladi: oʻz tanasiga nisbatan, fazoviy muhitga nisbatan moʻljal olish. Demak, oʻng va chapni ajratish avval 1-signal sistemasida, keyinchalik esa rivojlanib borayotgan 2-signal sistemasi bilan birgalikda amalga oshadi. Bolaning fazoviy muhitni moʻljal olishi ham maʼlum izchillikda rivojlanadi. Dastlab bola predmetning holatini oʻzining oʻng va chap qoʻliga yaqinligiga qarab ajratadi. Optik disleksiyaning bartaraf qilishda turli xil harf va shaklni fazoviy joylashishini aniqlab olish zarur. Vazifa logopedning ogʻzaki yoʻllanmasi boʻyicha bajariladi.

Xulosa qilib, oʻqish buzilishini bartaraf etish koʻruv gnozisi, fazoviy tasavvurlar va ularning nutqdagi belgilarini, koʻruv analiz va sintezini, eshitish qobiliyatini rivojlantirishga qaratilgan usullar bilan amalga oshiriladi. Bundan tashqari, analizatorlardan keng foydalangan holda almashtiriladigan harfni taqqoslashga katta eʼtibor beriladi.

Xulosa qilib, oʻqish buzilishidagi kamchiliklarni bartaraf etishda kompleks yondoshish, bolaning individual xususiyatlarini inobatga olish alohida ahamiyat kasb etadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR ROʻYXATI:

1. Ayupova M.Yu. "Logopediya". T.: Oʻzbekiston faylasuflar milliy jamiyati, 2007.
2. Волкова Л.С., Селиверстов В.И. "Хрестоматия по логопедии" (извлечения и тексты). 1-т. – Москва, 1997.
3. Корнев А.Н. Нарушения чтения и письма у детей. – Санкт-Петербург, 2003.
4. Moʻminova L., Axmedova Z. Umumtaʼlim maktablarida faoliyat koʻrsatayotgan logopedlarning ishi. Instrukтив – metodik yoʻriqnoma. – Toshkent, 2009.
5. Садовникова. И.Н. Нарушения письменной речи и их преодоление у младших школьников. Москва-1995г.

MAKTABGACHA TARBIYA YOSHDAGI NUTQ KAMCHILIGI BO'LGAN BOLALARDA SENSOR RIVOJLANISHNING MAZMUN VA MOHIYATI

Z.M.Axmedova, p.f.n., dotsent, Toshkent davlat pedagogika universiteti, Toshkent
S.Shernazarova, magistr, Toshkent davlat pedagogika universiteti, Toshkent

Annotatsiya. Ushbu maqolada maktabgacha tarbiya yoshidagi nutq kamchiligi bo'lgan bolalarda sensor rivojlanish xususiyatlari, bola shaxsi va nutqining rivojlanishida sezgi, idrok, tasavvur, tafakkurlarning rivojlanish davrlariga oid ma'lumotlar, shuningdek, mavzu yuzasidan olimlarning fikrlari keltirilgan.

Kalit so'zlar: Kompleks, korreksiya, nutqiy nuqson, sensor, sezgi, idrok, tasavvur, tafakkur.

Аннотация. В данной статье представлена информация об особенностях сенсорного развития у детей с нарушениями речи в дошкольном возрасте, этапах развития сенсорики, восприятия, воображения, мышления в развитии личности и речи ребёнка, а также взгляды ученых по этой теме.

Ключевые слова: Комплекс, коррекция, речевое нарушение, сенсорика, восприятие, воображение, мышление.

Abstract. This article provides information on the features of sensory development in children with speech impairments in preschool age, the stages of development of sensing, perception, imagination, thinking in the development of the child's personality and speech, as well as the views of scientists on this topic.

Key words: Complex, correction, speech disorder, sensing, perception, imagination, thinking.

Sensor rivojlanish deganda idrokning rivojlanishi va predmetlarning tashqi xususiyatlari (shakli, rangi, katta-kichikligi, fazodagi o'rni) haqidagi tasavvurlarning shakllanishi, shuningdek atrof olamdagi xususiyatlar, munosabatlar, bog'liqliklarni ko'ra bilish va kashf etish qobiliyatining rivojlanishi, ularni predmetlar, belgilar, so'zlar yordamida "qurish" malakasi tushuniladi. Ilk va maktabgacha yosh sezgi organlari faoliyatining takomillashishi, atrof olam haqidagi tasavvurlarni to'plashda aynan maqbul yosh hisoblanadi. Sensor rivojlanish ahamiyatining naqadar muhimligi shubhasizdir, zero bilish atrof olam predmetlari va hodisalarini idrok etishdan boshlanadi. Bilishning qolgan barcha shakllari – eslab qolish, tafakkur, tasavvur – idrok etilgan obrazlar asosida yuzaga keladi. Shuning uchun predmetlarni to'laqonli idrok etishga tayanmasdan turib, bolalarning normal aqliy rivojlanishiga erishib bo'lmaydi.

Atrof voqelikni to'laqonli idrok etish qobiliyatini shakllantirishga qaratilgan sensor tarbiya olamni bilishning asosi bo'lib xizmat qiladi. Uning birinchi bosqichini hissiy tajriba tashkil etadi. Aqliy, estetik, jismoniy tarbiyaning muvaffaqiyati ko'proq bolalarning sensor rivojlanish darajasiga, ya'ni bola qay darajada mukammal eshitishi, ko'rishi, his qilishiga bog'liq.

Ilk bolalik bosqichida predmetlar xususiyatlari bilan tanishish hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi. Ye.R.Baenskaya ilk yoshni sensor tarbiyaning "oltin davri" deb atagan edi.

Maktabgacha yoshdagi bolaning sensor rivojlanishi bilan bog'liq muammolar ko'plab olimlar diqqatini jalb etgan (B.G.Ananayev, M.E.Bernadskaya va I.V.Blinnikova, A.V.Zaporojes, O.G.Solnseva va b.). Hozirgi kunda maktabgacha yoshdagi bolaning sensor rivojlanishini tadqiq etish zarurati shu bilan belgilanadiki, nutq patologiyasiga ega bolalar, odatda o'qish jarayonida qiyinchiliklarga duch keladilar, chunki idrok, tasavvur, xotira kabi psixik jarayonlar nutq hamda uning ma'no birligini tashkil etgan so'z asosida shakllanadi va rivojlanadi. Maktabgacha maxsus ta'lim sohasining yirik olimlaridan biri L.S.Vigotskiy sensor rivojlanish, tafakkur rivojlanishi hamda shaxsning shakllanishida nutq ulkan ahamiyatga ega ekanini qayta-qayta ta'kidlab o'tgan edi.

Har bir odam atrof olam bilan munosabatga kirishar ekan, uni beshta sezgi yoki sensor tizimlar yordamida idrok etadi va o'rganadi. Bular ko'rish, eshitish, sezish, hid bilish, ta'm bilish. Bolaning umumiy rivojlanishida sensor rivojlanish va predmetlarning tashqi xususiyatlari (shakli, rangi, katta-kichikligi, fazodagi holati, shuningdek hidi, ta'mi va h.k.) haqidagi tasavvurlarning shakllanishi katta ahamiyatga ega. Bu sezgilar tabiiy yo'l bilan shakllanadi va rivojlanadi, biroq bola turli-tuman

axborotni qanchalik ko'p idrok etar ekan, unda nerv ho'jayralari (neyronlar)ning shakllanish jarayoni shu darajada faolroq kechadi. Bu esa bolaning intellekti darajasiga ta'sir ko'rsatmay qolmaydi. Sensor rivojlanishning mazmuni va metodlari idrokning mohiyati va uning bolalarda rivojlanishi haqidagi bir qator muhim ilmiy qoidalarga asoslanadi. Bular quyidagilar:

1) sezgilar va idrok retseptor jarayonlar sifatida emas, balki reflektor jarayonlar sifatida olib qaraladi. Bu degani, sezgi va idrok predmetning alohida sifatlarini yoki bir butun predmetni ko'zguda aks ettirgandek passiv xarakter kasb etmaydi, balki analizatorlarning predmetni va uning xususiyatlarini tadqiq etishga yo'naltirilgan alohida xatti-harakatlari sifatida olib qaraladi. Idrok rivojlanishining o'zi bola tomonidan sensor xatti-harakatlarni o'zlashtirishning uzoq yo'li sifatida olib qaraladi;

2) bolada idrokning rivojlanishi ijtimoiy sensor tajribani o'zlashtirish jarayoni, kattalar ta'sirida avval mavjud bo'lmagan yangi sensor qobiliyatlarning shakllanish jarayoni sifatida olib qaraladi. Avvalam bor bola atrof olamni adekvat (xuddi o'zidek) bilishni ta'minlaydigan usullar sifatida insoniyat tomonidan belgilab qo'yilgan perseptiv (tekshiruvchi, o'rganuvchi) xatti-harakatlar tizimini o'zlashtiradi. Keyin esa u etalonlar (qoliplar) tizimlarini o'zlashtiradi hamda ulardan o'zining sensor tajribasi uchun sifat o'lchovlari kabi foydalanishga o'rganadi (geometrik shakllar tizimi, ranglar tizimi, kattaliklar, materiallar, tovushlarning balandligi tizimlari; nutqda talaffuz normalari; yo'nalishlar tizimi va h.k.);

3) idrok mazmunli faoliyat jarayonida rivojlanadi: bola hayotining birinchi yilida u bolaning predmetli faoliyati bilan bog'liq bo'ladi, keyinchalik esa yanada murakkabroq faoliyat turlari (tasviriy, qurish-yasash, o'yin, mehnat, o'qish) bilan bog'liq bo'ladi. Bolaning sensor rivojlanishi va unda har xil faoliyat turlarining rivojlanishi bir-biri bilan yaqindan bog'liq va bir-birini belgilaydi.

Barcha bilish jarayonlari qatorida sezgi va idrok bir butun bilish jarayonida axborotning dastlabki manbai vazifasini bajaradi: sezgilar asosida idrok, keyin xotira, nutq rivojlanadi, idrok esa tafakkur fundamenti bo'lib xizmat qiladi. Bu ayniqsa maktabgacha yoshda aniq namoyon bo'ladi. Bu davrda bolaning olam bilan tanishuvida sensor jarayonlar yetakchilik qiladi. Idrok turlari voqelikning idrok etilayotgan xususiyatlari, predmetlari va hodisalarining xarakteri bilan belgilanadi. Idrokning har bir turini bola muayyan yoshda, o'zining avvalgi tajribasiga tayangan holda o'zlashtira boshlaydi.

Idrokning quyidagi turlari farqlanadi:

- shaklni idrok etish – bola go'daklik davridan to 1 yoshgacha foydalana oladigan idrokning birinchi turi, bunda bola predmetlarni avvalam bor ularning shakliga qarab farqlashni o'rganadi;

- rangni idrok etish;

- o'lcham (katta-kichiklik)ni idrok etish – bolaning o'zlashtirishi uchun eng qiyin xususiyatlardan biri, chunki har gal o'zga predmet etalon (qolip) vazifasini o'taydi;

- fazoni idrok etish. Bu idrok turi bolaning tana, oyoq-qo'l, bosh, ko'z harakatlari orqali orttirilgan hayotiy tajribasi asosida shakllanadi. Bu harakatlarga asta-sekin harakatlanish paytida o'zgarayotgan predmetlarning obrazlari, ularning proporsiyalari, holatlari qo'shilib boradi. Shuningdek bu idrok turi bolaning harakatlanish sohasi va nutqining rivojlanishi sayin shakllanib boradi (so'zlarda fazoviy tushunchalar mustahkamlanib boradi);

- vaqtni idrok etish – xatti-harakatlar, sodir bo'layotgan hayotiy voqea-hodisalarining emotsional kechinmalari, atrof vaziyat va predmetlar o'zgarishidagi tashqi belgilar orqali olingan hayotiy tajriba asosida shakllanadi; bunday belgilar majmuyi sutka vaqtining nomlari (ertalab, peshin va h.k.), yil mavsumlari nomlari, vaqt o'lchovi birliklari (minut, soat, bir kecha-kunduz va h.k.), vaqt kechishi birliklari (tez, uzoq vaqt, kecha, bugun va h.k.)ni bildiruvchi tushunchalar orqali mustahkamlanadi

- tana harakatlarini idrok etish – gavda va qo'l-oyoqlarning holati va harakatlarini sezishdan boshlanadi va bir butun dinamik obraz sifatida mustahkamlanib boradi;

- predmetlar va hodisalarining alohida xususiyatlarini idrok etish – u har xil sezgi organlaridan kelgan hamda har qanday predmet yoki hodisa haqida nisbatan to'g'ri va har tomonlama tasavvur beradigan sezgilarning (ko'rish, ta'm bilish, hid bilish, sezish, harakat, eshitish) birlashuvini bildiradi;

- bir butun predmetlarni idrok etish. Bu idrokning bosh vazifasi bo'lib, barcha turdagi idroklardan kelgan axborotning kompleks birlashuvi tufayli amalga oshiriladi.

D.B.Elkoninning fikricha, predmet va hodisalar sifatleri va xususiyatlarining andozaviy (etalon) ma'nolarini o'zlashtirish uch davrda kechadi [1]:

- birinchi davr bola tug'ilgan davrdan uch yoshgacha davom etadi. Bu sensomotor qoliplar (etalonlar)ning shakllanishidan oldin keladigan davr bo'lib, bunda bola bevosita harakatlanishga moslashish uchun muhim ahamiyatga ega bo'lgan predmetlarning alohida xususiyatlarini (shakli, katta-kichikligi, boshqa predmetlarga nisbatan joylashish masofasi va h.k.) aks ettiradi xolos;

- ikkinchi davr uch yoshdan besh yoshgacha bo'lgan davrni qamraydi. Bunda bola predmetli qoliplar (etalonlar)dan foydalana boshlaydi, ya'ni predmetlar xususiyatlarining namunalari muayyan predmetlarga nisbat beriladi, masalan, oval bodring shakli orqali belgilanadi;

- uchinchi davr besh yoshdan boshlanadi. Bu bosqichda tajriba to'plash va uni umumlashtirish asosida kattalar rahbarligida bola umum qabul qilingan qoliplar (etalonlar)ni o'zlashtira boshlaydi. Bunda predmetlar xususiyatlarining o'zi muayyan predmetlardan uzilgan holda qolip (etalon) ma'nosini kasb etadi (masalan, o't yashil, olma sharsimon, uying tomi yassi, qalam yog'ochdan va h.k.).

Ijtimoiy ishlab chiqilgan qoliplar (etalonlar)ning o'zlashtirilishi hamda perseptiv hatti-harakatlarning egallanishi idrok etish xarakterini o'zgartiradi: bola atrof olamni mustaqil bilish, umumlashtirish imkoniyatiga ega bo'ladi, unda predmetlar va hodisalar haqida ayrim-ayrim va bir butun tasavvurlar shakllanadi.

G.A.Uruntayevaga ko'ra ham sensomotor rivojlanish uchta davrga bo'linadi [2]. Olimaning fikricha, sensomotor rivojlanishning birinchi davri go'daklikka to'g'ri keladi va bunda oliy analizatorlar (ko'rish va eshitish) sezish organi va harakatlanish organi sifatidagi qo'l harakatlarining rivojlanishidan o'zib ketadi, bu esa bola fe'l-atvorining barcha asosiy ko'rinishlarini shakllantiradi.

Sensomotor rivojlanishning ikkinchi davriga G.A.Uruntayeva ilk bolalik davrini kiritadi hamda bu davrda idrok etish va ko'rish-harakatlanish hatti-harakatlari hali juda nomukammal bo'ladi deb hisoblaydi.

Sensomotor rivojlanishning uchinchi davrini, maktabgacha bo'lgan davr tashkil etadi, bunda sensomotor rivojlanish o'z maqsadi, vazifalari, amalga oshirish vositalari va usullariga ega bo'lgan maxsus bilish faoliyatiga tayanadi. O'yin harakatlari (manipulyatsiyalari) predmet ustida olib boriladigan tekshiruvchi xatti-harakatlar bilan almashinadi hamda predmet qismlari bajaradigan vazifalarni, ularning harakatchanligini va o'zaro aloqalarini anglab yetish uchun uni muayyan maqsadga yo'nalgan holda tekshirib ko'rish jarayoniga aylanadi.

I.V.Noskovning fikricha, katta maktabgacha yoshga kelib predmetlarni tekshirib, o'rganib chiqish jarayoni predmet ustida tajriba o'tkazish, uni o'rganib chiqish xarakterini kasb etadi. Bunga qaratilgan xatti-harakatlarning ketma-ketligi bolaning tashqi muhitdan olingan taassurotlari bilan emas, balki uning oldiga qo'yilgan vazifa bilan belgilanadi, ya'ni bunda yo'naltirilgan tadqiqot faoliyatining xarakteri o'zgaradi. Predmetlar ustida qo'l bilan olib boriladigan xatti-harakatlar (manipulyatsiyalar)dan bolalar predmet bilan ko'rish va sezish asosida tanishishga o'tadilar. 5-7 yoshdagi bolalarda idrokning asosiy farq qiluvchi xususiyati shu bilan belgilanadiki, ularda ko'rish idroki boshqa idroklar tajribasini o'zida mujassam etib, yetakchi idroklardan biriga aylanadi [3].

Shunday qilib, sensor rivojlanish bu shakl, rang, katta-kichiklik, fazo, vaqt, tana harakatlari, predmetlar va hodisalarning alohida xususiyatlari, bir butun predmetlarni idrok etishni shakllantirish jarayonidir. Predmetlarni bir butun holda idrok etish idrokning bosh vazifasi bo'lib, bu vazifa barcha turdagi idroklardan olingan axborotni kompleks birlashtirish tufayli amalga oshiriladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Выготский Л.С. «Мышления и речь». Москва – 1992 год.
2. Венгер Л.А., Э.Г. Пилюгина, Н.Б. Венгер. Воспитание сенсорной культуры ребёнка. Москва, «Просвещение» - 1998 год.
3. Левина Р.Е., Никашина Н.А. Характеристика общего недоразвития речи у детей. Москва – 2017 год.
4. Эльконин Д.Б. Психология обучения младшего школьника. Москва-1994 год.
5. Хрестоматия по логопедии. В 2-х томах. Под редакцией Л.С.Волковой, В.И.Селивёрства. ТОМ II. – М.: ВЛАДОС-1997 год.

O'QUVCHILAR BILIM VA SALOHİYATINI OSHIRISHDA O'QISH SAVODXONLIGINING AHAMIYATI

K.Baymenova, o'qituvchi, Qoraqalpoq davlat universiteti, Nukus

Annotatsiya. Mazkur maqolada o'qish savodxonligining asoslarini shakllantirishga oid ta'limiy topshiriqlar borasida so'z yuritiladi. Xususan, o'quvchilarning tafakkur doirasini kengaytirish, erkin fikrlashga undovchi matnlar asosida atroflicha tatbiq qilingan.

Kalit so'zlar: PISA, xalqaro tadqiqot, og'zaki nutq, yozma nutq, o'qish savodxonligi, matn

Аннотация. В статье рассматриваются учебные задачи, связанные с формированием основ читательской грамотности. В частности, широко реализовано расширение кругозора студентов на основе текстов, поощряющих свободное мышление.

Ключевые слова: PISA, международные исследования, устная речь, письмо, грамотность чтения, текст.

Abstract. This article discusses the educational tasks related to the formation of the basics of reading literacy. In particular, the expansion of students' horizons has been widely implemented on the basis of texts that encourage free thinking.

Keywords: PISA, International Research, Oral, Written, Reading Literacy, Text

O'qish savodxonligi-shaxs o'zining bilim va salohiyatni rivojlantirish, jamiyatda o'z o'rnini topish yo'lida matnlarni tushunish, ulardan foydalanish, ular ustida mulohaza yuritish hamda ularga munosabat bildirish qobiliyati demakdir.

Xalqaro tadqiqotlarga ko'ra, o'qish savodxonligi nafaqat ta'lim tizimi uchun, balki boshqa sohalar uchun ham muhim. Chunki shaxs kelajakda qaysi sohani tanlashidan qat'iy nazar o'qish savodxonligi yutuqlarga erishish poydevori bo'ladi. O'quvchining kitob o'qish qobiliyatiga e'tibor qaratish, jumladan, uning ma'lumotni tanlash, tushunish, talqin qilish va baholash xalqaro tadqiqotlarning, xususan PISA tadqiqotining asosiy maqsadlaridan biridir [1].

O'qish va o'qish savodxonligi bir-biridan farq qiluvchi tushuncha ekanligi anglashimiz kerak. Xalqaro baholash o'z ichiga matn tarkibidan alohida olingan so'zning ma'nosini tushuntirishdan tortib, matnning fonetik, leksik, grammatik qurilishini anglash hamda matndan olingan tushunchaning o'zini hayotiy voqea-hodisalar bilan bog'lay olish kabi qator aqliy faoliyat va til kompetensiyalarini qamrab oladi. O'qish savodxonligi orqali o'quvchi tushunish, foydalanish, mulohaza yuritish hamda munosabat bildirish kabi ko'nikmalarga ega bo'ladi.

O'qish savodxonligi zaruriyatining asoslari quyidagilardan iborat:

matn orqali o'quvchining tinglab tushunish, gapirish, o'qish, yozish ko'nikmalari shakllanadi; o'quvchi matn tuzish texnikasini o'rganadi;

o'quvchi matn lug'ati bilan ishlash jarayonida qanday so'zlardan foydalanish kerakligi, shu o'rinda aynan qanday so'z qo'llansa, o'rinli bo'lishini tushunadi;

o'quvchi matndan savol berishni o'rganadi, aytilmoqchi bo'lgan asosiy fikrni anglab, uni qisqa va mazmunli jumlada aks ettirish ko'nikmasini shakllantiradi;

lug'at bilan ishlash jarayonida o'quvchi o'zi uchun yangi bo'lgan so'zlar izohini o'rganadi, uning lug'at boyligi oshadi.

8-sinf o'zbek tili darsligida berilgan "Eng to'yimli taom" mavzusidagi matni o'quvchilarni mantiqiy kreativ fikrlashga undovchi matn hisoblanadi. Dastlab matn o'qituvchi tomonidan o'qib beriladi yoki audio yozuv varianti tomonidan eshittiriladi, o'quvchilar matnni kuzatib boradilar. Bu orqali o'quvchilarning tinglab tushunish ko'nikmalari shakllantiriladi.

Eng to'yimli taom

Non eng to'yimli, foydali taomdir. Har kuni nonushtaga non keltiriladi. O'zbek dasturxoniga, avvalo, non qo'yiladi. Non novvoylar tomonidan tandirlarda yopiladi. Tandirdan chiqqan issiq nonning hididan ishtahangiz ochiladi. Yurtimizdagi turli viloyatlarda o'nlab turdagi nonlar tayyorlanadi. Toshkent patirlari, Samarqand nonlari, Namanganning qatlama nonlari, obinon, kulcha non, shirmoy nonlar, hatto chet ellik mehmonlar tomonidan ham sevib xarid qilinadi. Non faqat taom

emas, insonlar tomonidan yaratilgan mo'jiza hamdir. Shuning uchun bizda non juda e'zozlanadi, uning uvog'i ham yerga tushirmaydi. Uzoq safarga ketayotgan yigitlarga rizqi o'z uyida qolsin deb non tishlatishadi. Keksalar yoshlarni "Nondek aziz bo'ling", "Uyingiz bug'doyga to'lsin" deb duo qilishadi.

O'quvchilarning gapirish malakarini shakllantirish uchun quyidagi savollar bilan murojaat qilish mumkin:

1. Eng to'yimli va foydali taom qaysi?

2. Qanday non turlarini bilasiz?

3. Non nima uchun aziz?

Mantiqiy kreativ fikrlashga undovchi topshiriqlar:

1. "Eng to'yimli taom" matniga to'g'ri kelmaydigan jumla qaysi qatorda berilgan?

O'zbek dasturxoniga, avvalo, non qo'yiladi.

Yurtimizdagi turli viloyatlarda o'nlab turdagi nonlar tayyorlanadi.

* Tandirdan chiqqan issiq nonning hididan ishtahangiz bo'g'iladi.

Non faqat taom emas, insonlar tomonidan yaratilgan mo'jiza hamdir.

Uzoq safarga ketayotgan yigitlarga rizqi o'z uyida qolsin deb non tishlatishadi.

2. Fikrni davom ettiring: Uzoq safarga ketayotgan yigitlarga

eson-omon uyiga kelsin deb non tishlatishadi.

nondek rizqi bo'lsin deb non tishlatishadi.

kuch-quvvatga to'lib yursin deb non tishlatishadi.

Nondek e'zozda bo'lsin deb non tishlatishadi

* rizqi o'z uyida qolsin deb non tishlatishadi.

3. Keksalar yoshlarni qanday duo qilishadi?

Nondek unumdor bo'ling

*"Nondek aziz bo'ling", "Uyingiz bug'doyga to'lsin"

Nondek barakali bo'ling

Uyingiz nonga to'lsin

Nondek shirin bo'ling

4. O'z yashab turgan hududingizda qanday non turlarini bilasiz? Nomlarini yozing.

5. Berilgan matnga siz qanday sarlavha qo'ygan bo'lardingiz?

6. Non haqida qanday xalq maqollarini bilasiz?

7. "Nondek aziz bo'ling", "Uyingiz bug'doyga to'lsin" iborasini qanday tushunasiz?

8. Berilgan fikrlardan qaysi biri matn mazmuniga xulosani ifodalaydi.

Non novvoylar tomonidan tandirlarda yopiladi.

Tandirdan chiqqan issiq nonning hididan ishtahangiz ochiladi.

Non faqat taom emas, insonlar tomonidan yaratilgan mo'jiza hamdir.

Keksalar yoshlarni "Nondek aziz bo'ling", "Uyingiz bug'doyga to'lsin"

deb duo qilishadi.

Uzoq safarga ketayotgan yigitlarga rizqi o'z uyida qolsin deb non tishlatishadi.

9. Hikoya mazmuniga mos keladigan maqol qaysi qatorda berilgan?

Arpa yotsa, ombor sol

Arpaga-o'rim, bug'doyga ko'rim

Mehnat tagi rohat

Bugungi ishni ertaga qo'yma

*Nonning uvog'i ham non

10. Berilgan maqollardan qaysilari hikoya mazmuniga mos keladi? (Ha yoki yo'q javobi orqali).

Nimani qilsang xor

O'shanga bo'lasan xor
 Non bo'lsa bas
 Qolgani havas
 Har kim ekkani o'rar
 Non qadrini och bilar,
 Kiyim qadrini-yalang'och
 Mehnat qilib topganing
 Qandu novvot totganing
 Novvoyga non aziz,
 Tegirmonchiga - un
 Nonga e'tibor-elga e'tibor
 Nonga hurmat-elga hurmat

O'qish savodxonligi nafaqat ta'lim tizimida, balki boshqa sohalarida ham yutuqlarga erishish uchun asos, zaruriyat hisoblanadi. O'quvchining kitob o'qish qobiliyatiga e'tibor qaratish, jumladan, uning ma'lumotni tanlash, tushunish, talqin qilish va baholash tadqiqotning asosiy maqsadlaridan biridir.

PISA ko'p sonli o'quvchilarni baholaydi. Bu o'quvchilarning ba'zilar ilmiy yoki kasbiy sohani egallash uchun universitetga borishadi, boshqalari ishga joylashish uchun zarur tayyorgarlik ko'nikmalarini egallaydilar, ba'zilar esa umumiy o'rta ta'limni tamomlashi bilanoq oddiy ishga joylashadilar. Ularning ilm yoki mehnat faoliyatini tanlashidan qat'i nazar, o'quvchilarning fuqarolik jamiyatida hamda shaxsiy hayotdagi faol ishtiroklarida o'qish savodxonligi muhim ahamiyat kasb etadi.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, topshiriq talablariga o'quvchining shaxsiy yondashuvi vazifani bajarish jarayonida alohida o'rin egallaydi. O'qish maqsadining tuzilishi, o'quvchining qiziqishi, bilimidan kelib chiqib berilgan topshiriqlar muhim ahamiyat kasb etadi. PISA tadqiqotlarida o'qish savodxonligini baholashda nafaqat o'quvchilarning bajargan topshiriqlari, balki ularning tashqi muhit, hayotiy harakatlarni qabul qilish ko'nikmalariga egaligi ham inobatga olinadi.

FOYDALANILADIGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Ta'lim sifatini baholash bo'yicha xalqaro tadqiqotlarni amalga oshirish milliy markazi veb-sayti www.markaz.tdi.uz.
2. Xalqaro tadqiqotlarda o'quvchilarning o'qish savodxonligini baholash. Metodik qo'llanma. T-2019
3. PISA for development assessment and analytical framework: reading, mathematics and science © OECD 2018
4. Международный координационный центр исследования TIMSS –<http://timss2015.org/>.
5. A.B.Radjiyev, A.A.Ismailov, J.R.Narziyev, X.P.Tog'ayeva, «O'quvchilar savodxonligini baholash bo'yicha xalqaro tadqiqotlar dasturi», Qo'llanma, 2019-yil.
6. OECD (2013), PISA–2012 Assessment and Analytical Framework: Mathematics, Reading, Science, Problem Solving and Financial Literacy, OECD Publishing
7. PISA 2018 Reading framework – www.oecd.org.
8. Ковалева Г.С., Э.А.Красновский Примеры открытых заданий по чтению PISA–2000, Центр оценки качества образования ИСРО РАО,2003
9. Iqtisodiy Hamkorlik va Taraqqiyot Tashkiloti (Organization for Economic Cooperation and Development, OECD) –www.oecd.org/edu/pisa.
10. Центр оценки качества образования ИСРО РАО – <http://centeroko.ru>

UO'K 37.02

BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA IJTIMOY – MADANIY KOMPETENSIYANI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA *H.B. Berdiyeva, katta o'qituvchi, Termiz Davlat Universiteti, Termiz*

Annotatsiya. maqolada bo'lajak o'qituvchilarda ijtimoiy – madaniy kompetensiyani shakllantirishning nazariy muammolari, shuningdek ijtimoiy – madaniy kompetentlik mohiyati, komponentlari haqida nazariy tahlillar berilgan.

Kalit so'zlar: ijtimoiy – madaniy kompetensiya, qadriyatlar, ijtimoiy pozitsiyalar.

Аннотация. В статье рассматриваются теоретические предпосылки формирования социо-культурной компетенции, а также сущность пути и средство социо-культурного компетенции.

Ключевые слова: социо-культурная компетенция, процесс обучения, теория, сущность.

Abstract. The article deals with theoretical prerequisites for development of socio-cultural competence of younger schoolchildren in the process of learning, as well as ways and means of forming their social and cultural competence.

Key words: education, process of learning, younger, schoolchildren, socio-cultural competence.

Jahonda oliy ta'lim muassasalari talabalarini samarali muloqotga tayyorlashga doir amalga oshirilayotgan ilmiy izlanishlarda aniq maqsadga yo'naltirilgan modulli texnologiyalarni ishlab chiqish, verbal va noverbal muloqot vositalarining umuminsoniy va milliy axloqiy-estetik jihatlarini aniqlash, bo'lajak mutaxassislarining shaxslararo, madaniyatlararo hamda ommaviy muloqot madaniyati, moderatorlik va supervayzerlik qobiliyatlari, tizimli tahlil qilish, mantiqiy fikrlash va mohirona munozara olib borish, ijtimoiy-madaniy kompetentligini oshirish, mahoratini rivojlantirish kabi masalalar dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Ana shu nuqtai nazardan oliy ta'lim muassasalari talabalarini samarali muloqotga tayyorlashning pedagogik mexanizmlarini takomillashtirish muhim ilmiy-amaliy ahamiyat kasb etadi.

Intellektual rivojlangan, raqobatbardosh barkamol shaxs uzluksiz ta'lim-tarbiya jarayoni va sifatli pedagogik faoliyatning natijasidir. SHunga ko'ra, talabalarda mustaqillik va o'z-o'zini rivojlantirish imkoniyatini taqdim etadigan, tarbiyaviy jarayonning samaradorligini oshirishga xizmat qiluvchi va har bir ta'lim oluvchining kelajakda ijtimoiy va madaniy faoliyatni tashkil etishda faol ishtirok etishini ta'minlashga yo'naltirilgan tashabbuskorlik sifatlarini shakllantirishning pedagogik tizimini takomillashtirish talab etilmoqda.

O'zbekiston Respublikasida Oliy ta'lim tizimida kechayotgan modernizatsiya jarayonlari bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining ijtimoiy – madaniy kompetensiyasini takomillashtirish tizimini amaliyotga faol tatbiq etishni talab etadi. Buesa esa dunyo ilm-fanida o'qituvchi kompetensiyasi, ijtimoiy – madaniy kompetensiyani shakllantirish tizimini takomillashtirish bo'yicha pedagog, metodist olimlar tomonidan olg'a surilgan ilg'or nazariy qarashlarni ilmiy o'rganishni taqazo etadi. Bu borada olib borilgan ilmiy izlanishlar shundan dalolat beradiki, ushbu muammo yuzasidan xalqaro miqyosda e'tirof etilgan qator ilmiy markazlar va oliy o'quv yurtlari tadqiqot ishlari olib bormoqdalar. Pedagog olim N.N Djamilova ijtimoiy ko'nikmalar haqida fikr yuritar ekan; Talabalarda ijtimoiy muammolarni hal etish va aholining ijtimoiy faravonligiga qaratilgan loyihalarda ishtirok etishi ularda ijtimoiy tashabbuskorlikni shakllantiradi va ularning ijtimoiy tashabbuskorligi ko'rsatkichi bo'lib hisoblanadi.

SHuni hisobga olish kerakki, ijtimoiy loyihalash bu - o'ziga xos intellektual va ijtimoiy-ahamiyatli faoliyat bo'lib, u qadriyatlar, ehtiyojlarning real hayotga ko'chishi, sodir bo'ladigan ijtimoiy o'zgarishlarni anglashga tayyorlashdir [1]. SHuningdek, o'ziga xos intellektual va ijtimoiy-ahamiyatli faoliyat bo'lib, u qadriyatlar, ehtiyojlarning real hayotga ko'chishi, sodir bo'ladigan ijtimoiy o'zgarishlarni anglashga tayyorlashdir.

Oliy ta'lim muassasasi talabalarida tashabbuskorlik sifatlarining shakllanishi shaxsiy va kasbiy ijtimoiylashuvning jadallashuvi sharoitida amalga oshadi hamda barqaror axloqiy-emotsional yo'nalganlik, aniq hayotiy maqsadlarning tarkib topishi bilan uyg'unlashadi.

Butun dunyoda bo'lajak pedagoglarning kasbiy kompetentligini rivojlantirishda ijtimoiylashuvni ta'minlash, qadriyatlar tizimini shakllantirishning samarali texnologiyalarini ishlab chiqish, ijtimoiy pedagogika fanining eng samarali usullarini interpretatsiyasidan keng foydalanish, kasbiy kompetentlikning aksiologik komponent klassifikatsiyasi va xususiyatlariga doir ilmiy tadqiqotlar amalga oshirilmoqda. Mazkur tadqiqot natijalari ta'lim va o'qitish sifatini baholashning xalqaro standartlarini joriy etish hamda oliy ta'lim muassasalari faoliyatining sifat ko'rsatkichlarini belgilashda bo'lajak o'qituvchilarda aksiologik munosabatni qaror topganlik

darajasini aniqlash imkoniyatini kengaytirmoqda. Mamlakatimizda o'quvchilarga va o'zlariga nisbatan shaxsiy va insonparvarlik pozitsiyasini egallashga qodir bo'lgan o'qituvchilar tayyorlashga bo'lgan ehtiyoji bo'lajak o'qituvchilarda ijtimoiy-madaniy kompetentsiyani shakllantirish dolzarb muammolar toifasiga kirishini izohlaydi.

O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasida —"Uzluksiz ta'lim tizimini yanada takomillashtirish, oliy ta'lim muassasalari faoliyatining sifati hamda samaradorligini oshirish, mustaqil fikrlaydigan, Vatanga sodiq, qat'iy hayotiy nuqtai nazarga ega yoshlarni tarbiyalash" kabi vazifalar belgilangan [2]. Bu borada oliy ta'lim muassasalari talabalarida kasbiy qadriyatlar tizimi va faoliyat motivlari asosida kasbiy kompetentlikni rivojlantirishning aksiologik mezon va ko'rsatkichlarni aniqlashtirish, qadriyatlar tizimini rivojlantirishning tashkiliy tuzilmasi va mexanizmlarini takomillashtirish, kreativ ta'lim texnologiyalarini ishlab chiqish muhim ahamiyat kasb etadi.

"Kompetensiya (lot.competo – erishyapman, munosibman, loyiqman) ma'nosini anglatib, muayyan davlat organi (mahalliy o'z-o'zini boshqarish organi) yoki mansabdor shaxsning Qonun, Nizom yoki boshqa hujjati bilan belgilangan vakolatlari, huquq va burchlari doirasi; u yoki bu sohada bilimlar, tajriba demakdir". Kompetentlik atamasi lotincha "compete" so'zidan olingan bo'lib, "erishayapman", munosibman" degan ma'noni anglatadi hamda ma'lum sohadan xabardorligini, bilishini va tajribaga ega ekanligini bildiradi .[3]

Pedagog olim V.I.Baydenko: "Kompetensiya ba'zi shaxslarning tavsifnomalari (bilimga va uni qo'llashga oid, hayotiy pozitsiyasiga, malakasiga, mas'uliyatiga ko'ra) mutanosiblikni o'zida namoyon etish imkoniyatiga ega bo'lishidir –deya ta'riflaydi. [4]

Zamonaviy oliy ta'lim bo'lajak pedagog shaxsiga barkamol va erkin fikrlovchi shaxs sifatida ijtimoiy-madaniy faoliyatda faol ishtirok etish imkoniyatini berishi kerak. Shu bilan birga, bo'lajak o'qituvchi shaxsining zamonaviy jamiyat madaniyati maydoniga kirishi, bir tomondan, mutaxassis shaxsining kasbiy tayyorgarligi darajasi, ikkinchi tomondan, umumiy madaniy rivojlanish darajasi bilan belgilanadi.

A.G.Bermus umumiy kompetensiyalar muammosini tadqiq etarkan, umumiy kompetensiyalarni asosiy to'rt kompetensiyaga bo'ladi: instrumental, shaxslararo, sistem va maxsus kompetensiyalarga ajratatadi.[5]

Instrumental kompetensiya, kognitiv qobiliyat, g'oya va fikrlarni tushunish va qo'llay olish qobiliyati, atrof-muhitni tushunish va uni boshqara olish qobiliyati, vaqtni to'g'ri tashkillash, ta'lim strategiyalarini belgilay olish, muammolarni echa olish va qarorlar qabul qilish, texnologik uquvlar, lingvistik ko'nikmalar, kommunikativ kompetensiyalarni o'z ichiga oladi va u quyidagilarda namoyon bo'ladi: analiz va sintez qilish qobiliyati; tashkiliy va rejalashtirish qobiliyati; tayanch umumiy bilimlar; kasbi bo'yicha umumiy bilimlar; ona tilidagi kommunikativ ko'nikmalar; oddiy kompyuter ko'nikmalari; turli manbalardan olingan axborotlarni topish va tahlil qila olish ko'nikmalari; muammolarni echish qobiliyati; qarorlar qabul qilish qobiliyati.

SHaxslararo kompetensiya – his-tuyg'ular va munosabatlarni ifoda etish, tanqidiy mulohaza yuritish, o'ziga nisbatan tanqidiy munosabat bildira olish, ijtimoiy munosabatlarga kirishimlilik, guruhlarda ishlash, ijtimoiy va axloqiy mas'uliyatlarni zimmasiga olish kabilarning barchasi individual qobiliyatlar bo'lib, ular quyidagilarda namoyon bo'ladi: tanqid va o'z-o'zini tanqid qilish qobiliyati; jamoada ishlash qobiliyati; shaxslararo ko'nikmalar; fanlararo jamoada ishlay olish qobiliyati; boshqa fan sohalarida ekspertlar bilan o'zaro munosabat yurita olish qobiliyati; madaniyatlararo farq va o'ziga xos jihatlarni to'g'ri qabul qilish qobiliyati; xalqaro miqyosda ishlash qobiliyati; axloqiy qadriyatlarni e'zozlash.

Tizimli kompetensiya tushunish, munosabat va bilimlarni bog'lay olish, bunda tizim komponentlararo munosabatlar, har bir komponentning tizimda tutgan o'rni, o'zgarishlarni hisobga olgan holda rejalashtirish, tizimni takomillashtirish va yangi tizimlar yaratishni o'z ichiga oladi. SHunday qilib, tizim kompetensiya quyidagilarni o'z ichiga oladi: bilimlarni amaliyotda qo'llay olish qobiliyati; tadqiqotchilik qobiliyati; ta'lim olish qobiliyati; yangi vaziyatlarga moslashuvchanlik qobiliyati; yangi g'oyalarni anglay olish qobiliyati; etakchi (lider) likka qobiliyat; boshqa mamlakatlar munosabati va urf - odatlarini tushunish; mustaqil ravishda

ishlay olish; loyihalar yarata olish va ularni boshqarish qobiliyati; tashabbus va tadbirkorlik qobiliyati; sifat uchun mas'ullik; muvaffaqiyat uchun xohish.

Maxsus kompetensiya deganda, ma'lum bir fan bo'yicha o'quv jarayonlari va ularda o'qitiladigan fanlar bo'yicha layoqatlilik darajasi nazarda tutiladi. Birinchi daraja turli fan sohalari uchun quyidagi kompetensiyalar hisobga olinishi lozim:

- fanning tarmoq va asoslarini namoyish etish qobiliyati;
- egallangan bilimlarni mantiqan va tartibli mushohada etish qobiliyati;
- yangi axborotni vaziyatga sola olish va talqin etish qobiliyati;
- fan umumiy tizimini va fan osti sohalariaro aloqalarni tushuna olish qobiliyati;
- tanqidiy tahlil metodlarini tushunish va ulardan foydalanish, nazariyani rivojlantirish;
- fanning metod va texnikalaridan to'g'ri foydalanish qobiliyati;
- ma'lum fan sohasida tadqiqotlar sifatiga baho bera olish qobiliyati;
- ilmiy nazariyalarni tekshirish va tajribalar natijalarini tushuna olish qobiliyati.

Ikkinchi daraja bitiruvchilari quyidagi kompetensiyalarga ega bo'lishi zarurligi tavsiya etiladi:

- tadqiqotning eng zamonaviy metod va texnikalarini egallagan bo'lishi, eng zamonaviy nazariyalar va ularning sharhini bilishi;
- nazariya va amaliyot taraqqiyotidan boxabar bo'lish va o'zlashtirib borish;
- mustaqil tadqiqot metodlarini egallash va ilgarilagan bosqichda uning natijalarini tushuntirib bera olish;
- sohaga o'z xulosasini qo'sha olish qobiliyati;
- ijodiy va o'ziga xos yondashuvni namoyish eta olish;
- professional darajada kompetensiyaga ega bo'lish.

Pedagog olim B.Umarov innovatsion kompetentlikning o'ziga xos xususiyatlarini ilmiy-nazariy izohlab, kompetentlikning o'zi pedagogda umumiy dunyoqarashning kengligi va madaniyatning yuqoriligi, o'z bilimlarini amaliyotda rivojlantirishga layoqatlilik, ijtimoiy va psixologik - pedagogik tadqiqotlar metodlarini bilish, pedagogik va

boshqaruv ko'nikmalarining zaruriy majmuasiga ega bo'lishni nazarda tutishini e'tirof etadi.

Boshqacha qilib aytganda, kompetentlik ijtimoiy-madaniy bilim va ko'nikmalarning mavjudligi, shuningdek, ularni amaliy faoliyatda qo'llash va takomillashtirishga layoqatlilik bilan belgilansa, innovatsion kompetentlik esa o'qituvchining shaxsiy imkoniyatlari yig'indisi, uning o'z ijtimoiy-madaniy bilimlari va tajribalarini amaliy faoliyatda ijodiy ravishda qo'llay olish qobiliyatidir." [6]

Innovatsion kompetentlikning mezoni kreativ tafakkurni amaliyotga tatbiq etishdan iboratdir. U o'z ustida tinimsiz ijodiy ishlashi, fan-texnika yangiliklarini amaliyotga joriy etishni, ijodkorlik va tashabbuskorlikni talab etadi.

N.Egamberdiyevaning fikricha, ijtimoiylashuv va kasbiy etuklik jarayonlari kasbiy ta'limni bir vaqtning o'zida ham shaxsning individual rivojlanishi, uning ijodiy salohiyatini rivojlantirish, ham talabaning shaxsiy va kasbiy nuqtai nazarini shakllanishiga yo'naltirilgan bo'lishini talab qiladi. Ushbu jarayonlarning muvaffaqiyati quyidagi ikkita shartni amalga oshirishni talab etadi: talabalarni faol ijtimoiy va kasbiy munosabatlarga jalb etish; birgalikdagi samarali ijtimoiy va kasbiy faoliyat jarayonida shaxsning o'z-o'zini to'la namoyon eta olishiga imkoniyat yaratish. [7]

Xulosa qilib aytganda, oliy ta'lim tizimida yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlashda ularda ijtimoiy –madaniy kompetensiyalarni shakllantirish, kasbiy ijtimoiylashtirish globallashtirish jarayonida muhim ahamiyat kasb etadi. SHu nuqtai-nazardan bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini kasbiy ijtimoiylashtirish bir tomondan shaxsning kasbiy shakllanishi va rivojlanishi, ikkinchi tomondan o'zida individning ijtimoiy shakllanishi, bo'lg'usi pedagogik faoliyatida zarur ahamiyat kasb etadigan ijtimoiy tajriba, qadriyatlar, xulq-atvor me'yorlarini o'zlashtirish jarayonini o'zida aks ettiradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Djamilova N.N.Pedagogika oliy ta'lim muassasalari talabalarida tashabbuskorlikni rivojlantirishning pedagogik mexanizmlari. Ped.fan.dok (Dss).diss.avtoreferati – T., 2019,16, 22 bet

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi —O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar Strategiyasi to'g'risidagi PF-4947-son Farmoni. – O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017 y., 6-son, 70-modda.

3. O'zbek tilining izohli lug'ati. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi". Davlat ilmiy nashriyoti, -T.: 2006. 3 jild. -557 b.

4. Байденко В.И. Выявление состава компетенции выпускников вузов как необходимый этап проектирования ГОСВПО нового поколения: Методическое пособие. -М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2006.-72 с

5. Бермус А. Г. Проблемы и перспективы реализации компетентного подхода в образовании // Интернет-журнал «Эйдос». - 2005. - 10 сентября. - <http://www.eidos.ru/journal/2005/0910-12.htm>, e-mail: list@eidos.ru.

6. Umarov B. Innovatsion kompetentli pedagoglarning shakllanishida mustaqil ta'lim muhim vosita sifatida.// Zamonaviy ta'lim / Sovremennoe obrazovanie. 2014, № 8, 15-bet

7. Egamberdiyeva N. Madaniy-insonparvarlik yondashuv asosida talabalarni shaxsiy va kasbiy ijtimoiylashtirish nazariyasi va amaliyoti (Pedagogika oliy ta'lim muassasalari misolida): Ped. fan. dok. ... diss. – T., 2010. – 332 b.

UDC 37.02

DEVELOPMENT OF THE MORAL SPHERE OF THE PRESCHOOL PERSON. THE IMPACT OF FAMILY UPBRINGING ON CHILDREN

Sh. Boronova, teacher, Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology, Andijan

Annatsiya. Maqolada oilada maktabgacha yoshdagi bolalarni ma'naviy axloqiy sifatlarini shakllantirib borishda ota-onaning ahamiyati hamda bola ma'naviy-axloqiy sifatlarini rivojlantirish orqali jamiyatda yetuk shaxs sifatida shakllanishi yoritilgan.

Kalit so'zlar. Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalar xususiyatlari, ota-onalarni vazifalari, Sharq mutafakkirlarining fikrlari.

Аннотация. В статье рассматривается роль родителей в формировании духовно-нравственных качеств дошкольников в семье, а также становление ребенка как зрелой личности в обществе через развитие духовно-нравственных качеств.

Ключевые слова. Характеристика дошкольников, роли родителей, взгляды мыслителей Востока.

Abstract. The article discusses the role of parents in the formation of spiritual and moral qualities of preschool children in the family, as well as the formation of the child as a mature person in society through the development of spiritual and moral qualities.

Keywords. Characteristics of preschool children, the role of parents, the views of Eastern thinkers.

Introduction. One of the most important issues of our time is the spiritual and moral development of children. This requires an endless search for compassion, truth, and mutual enrichment of beauty in children. Belief in the preschooler is able to stimulate the creativity of the teacher, and in a joint search, the teacher and the student discover the secrets of spiritual and moral growth, defined by the categories of "meaning" and "purpose". shrinks.

When does a person's spiritual and moral upbringing begin? Such upbringing should begin at birth. The child should be surrounded by an atmosphere of kindness and love, kindness and purity of relationship both in the family and at school. Striving to be aware of the phenomenon of spirituality leads us to the idea of culture. Culture affects the whole inner and moral world of a child - aspirations for the future, values, interests and needs, emotions and mind. Man acts in accordance with them in all spheres of life, which determines his social and moral maturity, viz. spiritual maturity. Sincerity and kindness, kindness and compassion, confidence in the future and creative work for the prosperity of the Motherland are such human qualities. Truthfulness and honesty, justice and respect for elders, willingness to serve the interests of others - these are the qualities of a person that are the best measure of his spirituality.

This is where we come to the most important category of education - spiritual and moral health, which is possible if the class teacher observes the following stages in the learning process:

- development of the emotional sphere (education of moral feelings);
- Moral education (formation of moral consciousness);
- Practical activities of the ethical direction (education of sustainable skills of moral behavior).

In the work on moral education, it is important to awaken the inner activity of the individual as a subject of self-knowledge, self-development, self-improvement in activity, relationships, communication.

I work with students on spiritual and moral development in the following areas: Spiritual Cultural and Aesthetic Social Spiritual direction Visit to RDK Kormilovsky, our museums, exhibitions enrich the moral world of schoolchildren, aesthetic taste develops. Participating in various competitions and performances relaxes children and makes them more cultured. Many reveal their talents as artists, readers, singers, storytellers and more. The listed activities form norms and rules of behavior, expand ethical ideas.

The development of aesthetic education is characterized by diversity. One of the forms of work in this area is classroom hours. Issues such as diligence, thrift, courtesy, kindness, mutual assistance, etc. are discussed during the lessons. They are designed to enrich with moral ideas, to get acquainted with the rules of behavior, to practice in a culture of behavior. Children develop an evaluative attitude towards their own behavior, the actions of other people. Working socially, I try to prepare my students to interact with each other in different life situations, to take responsibility, to work successfully in a group, to communicate with other people. Generous, loyal in feelings and relationships; gentle, gentle in handling; good-natured by nature; friendly, kind to people; compassionate, caring, attentive, compassionate; calm, kind, ready to help another.

Family and kindergarten are the two priority areas where the full formation of a person as an individual takes place.

The family is the key to moral upbringing. The weak point in shaping the right moral ideas is the family. Many parents have no doubt that in the process of imitation in preschool children, social norms, moral requirements, and various forms of behavior begin to take shape, often parents. Hence, the main task of moral education is to convey to the family the need to preserve and pass on new traditions and family values that have been handed down from time immemorial and created by them. It is important to emphasize that the family is responsible for the upbringing of the child.

Family values are the basis of spiritual and moral education New, modern traditions include family Saturday evenings, skating rinks, trips to the movies together. A great solution would be to choose a family holiday that is meaningful for that particular family. It can be New Year, birthday or March 8th.

When watching cartoons, it is better to give preference to kind Soviet cartoons rather than modern American cartoons. "The Impact of Modern Cartoons on Children's Development and Upbringing" will be a great topic for the next parent meeting or consultation.

The tasks parents set for themselves are simple: to teach children to distinguish between good and evil, to do good, and to be compassionate; to form feelings of respect and love for one's homeland; focusing on the moral upbringing of preschool children in the family by familiarizing them with the traditional foundations of the family.

Forms of work with parents on spiritual and moral education in the family: parent meetings on spiritual and moral issues; evening discussions; open demonstrations by teachers; involvement of parents in joint activities: holding exhibitions, competitions, theatrical performances; individual consultation meetings with specialists: psychologist, teacher and educator; excursions with children; active participation of parents in the life of the kindergarten or school (assistance in landscaping the site, minor repairs, joint preparation of the holidays) recreation with parents. Together with parents, spiritual and patriotic education should set the following goals: to form in children a positive attitude to people and the world around them; to get acquainted with the ability to show compassion to people; teaching them to be responsible for their own actions.

Our educational institution has been carrying out spiritual and moral education with children for several years. If the goal is to create a basis for a correct understanding of the world, kindness, compassion, good communication, the long-term goal is to help future generations to respect the

cultural, historical past and present of their homeland. 'consists in nurturing in moral values. country. To achieve these goals, we will solve the following tasks:

1. Fostering a positive attitude in children towards the world around them, other people and themselves.
2. Strengthen the ability to be empathetic, sensitive and fair.
3. Enrich children's vocabulary with verbal courtesy formulas (greetings, farewells, pleas, apologies).
4. To give a basic understanding of the history of mankind through acquaintance with works of art, games, folklore and production activities.
5. Expand the understanding of traditional forms of family structure.
6. Develop a respectful attitude towards the work of close adults.
7. Teach a sense of responsibility for their actions and actions.

The education system created for the spiritual and moral development of the preschool person in the preschool institution contributes to the holistic spiritual, moral and social development, the formation of the inner world and the development of the moral position of the child.

REFERENCES:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 29 dekabrda «2017-2021 yillarda maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida» gi PQ-2707-son qarori. - «O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami», 2017 yil 9 yanvar, 1-son, 11-moddasi.
2. Maktabgacha ta'limga qo'yiladigan davlat talablari. - T.: 2017.
3. Falsafa: qomusiy lug'at. – T.: «Sharq» NMAK, 2004. – 496 b.
4. O'zbek tilining izohli lug'ati. J.II. – T.: «O'zbek milliy entsiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2006.– 672 b.
5. LaFreniere, P., & MacDonald, K. (1996) tengdoshlarning munosabatlarida bolalarning resurslarga yo'naltirilgan xatti-harakatlari bo'yicha evolyutsion istiqbollar: kirish so'zlari. Xalqaro xulq-atvorni rivojlantirish jurnali, 19 (1), 1-5.

UO'K 37.02

INSON SALOMATLIGI VA SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHDA SPORTNING O'RNI

B.N. Boymuratov, assistent, Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti, Toshkent

Annotatsiya. Maqolada sog'lom turmush tarzini shakllantirishda sportni o'rni ilmiy jihatdan tahlil qilindi. Salomatlikni «qurilishi»ning eng muhim yo'nalishi, shubhasiz, eng yosh paytidan boshlanadigan va tayyorlanishning effektiv uslubiga asoslangan bolaning harakatlanishini tarbiyalash hisoblanadi.

Kalit so'zlar: sport, sog'lom turmush tarzi, salomatlik, harakatlanish, badan tarbiya, ko'satkich, irsiy omillar, muhofaza, jismoniy faollik.

Аннотация. В статье научно анализируется роль спорта в формировании здорового образа жизни. Несомненно, наиболее важным аспектом «построения» здоровья является воспитание у ребенка движений, которые начинаются в раннем возрасте и основываются на эффективном методе подготовки.

Ключевые слова: спорт, здоровый образ жизни, здоровье, подвижность, физическое воспитание, индекс, генетические факторы, защита, физическая активность.

Abstract. The article scientifically analyzes the role of sports in the formation of a healthy lifestyle. Undoubtedly the most important aspect of "building" health is fostering movement in a child that begins at an early age and is based on an effective training method.

Keywords: sport, healthy lifestyle, health, mobility, physical education, index, genetic factors, protection, physical activity.

Salomatlik har bir inson uchun bebaho boylik sifatida jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining muhim shartlaridan biri hisoblanadi. Jahon Sog'liqni Saqlash Tashkilotining ta'rifiga ko'ra, salomatlik - bu nafaqat kasallik yoki jismoniy nuqsonlarning yo'qligi, balki to'liq

jismoniy xotirjamlik holatidir. Ushbu nufuzli tashkilot ekspertlarining asosli xulosalariga ko'ra tibbiy xizmat sog'liqning atigi 8-10 foizini ta'minlar ekan. Sog'lig'imizning 18 foizi irsiy omillarga, 17 foizi atrof-muhitga va 50 foizdan ko'prog'i turmush tarzimizga, ya'ni bevosita o'zimizga bog'liq ekan. Sog'lom turmush deganda inson tomonidan o'zining va atrofdagilarning sog'lig'ini saqlash, mustahkamlash va kasalliklarni oldini olish bilan bog'liq tadbirlar majmuasi tushuniladi. Shuningdek, bu tushuncha inson salomatligini yaxshilash va muhofaza qilishga qaratilgan faol harakatdir. Unga oqilona ovqatlanish, jismoniy faollik, unumli mehnat qilish va dam olish, shaxsiy gigiena qoidalariga rioya qilish, zararli odatlardan o'zini tiyish va hakovolar kiradi. Alloma Abu Ali ibn Sino sog'lom turmush tarzining salomatlikni saqlashdagi o'rni nihoyatda beqiyos ekanligiga alohida e'tibor bilan qaragan. Sog'lom turmush tarzi deganda, insonga tabiatdan berilgan salomatlikni saqlab qolish, insonning o'z organizmiga nisbatan g'amxo'rlik va e'tibori deb tushungan.

Hozirgi kunda sog'lom turmush tarzi asosini quyidagilar tashkil qiladi: kun tartibiga rioya qilish va ertalabki badantarbiyani imkoniyatga qarab 7-10 daqiqa davomida bajarish, toza havoda sayr qilish; harakatlanish faolligiga amal qilish, jismoniy tarbiya, sport bilan shug'ullanish; shaxsiy va umumiy gigiena qoidalariga amal qilish: ertalab, badantarbiyadan keyin yuvinish, nonushtadan so'ng va kechki uyqu oldidan tishlarni tozalash, ovqatlanish oldidan qo'lni sovunlab yuvish; mavsumbop kiyinish; oqilona ovqatlanish, ortiqcha vazndan qutulish. Hayvon yog'lari, qand va shirinliklarni iste'mol qilishni chegaralash; sog'liq uchun zararli odatlarga barham berish: chekish, spirtli ichimliklar iste'mol qilish kabi salbiy illatlardan voz kechish; sog'lom oila qurish va zamon talabi asosida oilani rejalashtirishga e'tibor berish; fe'l-atvorda mavjud bo'lgan nuqsonlarni bartaraf etish, ya'ni emotsional holatni jilovlay olish, arzimagan sabablar bilan kayfiyatning buzilishi va atrofidagi odamlarning kayfiyatini buzishdan saqlanish; atrof-muhit xavfsizligini saqlash, doimiy jismoniy badantarbiya mashg'ulotlari bilan shug'ullanish.

Inson salomatligining ilmiy va amaliy masalalarini echish uchun "salomatlik" tushunchasining o'zini zamonaviy ifodalanishi juda muhim ahamiyatga ega [8, 67-b.]. O'zbekiston Respublikasi umumta'lim maktablarining I-IX sinf o'quvchilari uchun jismoniy tarbiya dasturida shunday yozilgan: "Salomatlik – bu kasallik va jismoniy defektlarning mavjud emasligigina emas, balki to'liq jismoniy, ma'naviy va ijtimoiy farovonlik holatidir" [10, 44-46-b.]. N.V.Barisheva fikricha, salomatlik – bu jismoniy va ruhiy farovonlikdir.

Mutaxassislar salomatlikning yanada aniqroq ta'rifini taklif etadilar [4, 158-160-bb.; 6, 191-193-bb.]. "Salomatlik – kasallik va shikastlanishlarning yo'qligi, organlar va tizimlarning o'z funksiyalarni normal bajarishi, yuqori ish qobiliyati, noqulay ta'sirlarga mustahkamlik hamda turli yuklama va tashqi muhit shart-sharoitlariga etarlicha moslashish qobiliyati". Boshqacha aytganda, salomatlik – bu organizmning tabiiy holati bo'lib, u organizmni tashqi muhit bilan to'liq muvozanatini va biror bir kasallik yo'qligini xarakterlaydi. Sog'lom organizm ancha sezilarli ruhiy va jismoniy yuklamalarni ko'tara olishi, fiziologik tebranishlar doirasidan chiqmagan holda tashqi muhit faktorlarining ma'lum o'zgarishlariga moslashish qobiliyatiga ega [7, 43-b.].

Abu Ali ibn Sino salomatlik va kasallikning olti bosqichini tavsiflab bergan. Uning fikricha [2, 56-b.], "... chegaragacha salomat tana; sog'lom tana, biroq chegaragacha emas; sog'lom, lekin kasal bo'lmagan tana; keyin yaxshi holatdagi va salomatlikni tez qabul qiladigan tana; chegaragacha kasal tana" bo'ladi.

Hozirgi paytda quyidagi "salomatlik darajalari" qabul qilingan: absoyut sog'lom inson, sog'lom yoki deyarli sog'lom inson [1, 69-70-bb.]. Absolyut sog'lom inson – bu organizmdagi hamma organlar va tizimlar tashqi muhit bilan normada funksiyasini bajarayotgan va ularda hech qanday kasallik og'ishlari bo'lmagan insondir. Bunday insonlarning soni juda ham kamligi aniqlangan. "Deyarli sog'lom organizmning ma'lum patologik siljishlarini inson mehnat qobiliyatiga ta'sir etmaydigan holatini anglatadi" [9, 88-90-bb.]. SHu bilan birga salomatlikda og'ishlarning yo'qligi hali kasallik holati yo'qligidan dalolat emas, chunki salomatlikni buzmaganda holda himoya moslashish mexanizmlarining o'ta zo'riqishi va organizmga haddan tashqari qo'zg'atuvchilar ta'siri kasallikni rivojlanishiga olib kelishi mumkin.

Hozirgi paytda uchinchi holat – sog'lik va kasallik o'rtasidagi chegaraviy holat mavjud. Uni «normal hayot faoliyatining buzilishi», vitaminlar etishmaganda, ovqatda almashtirib bo'lmaydigan

kislotali yog'lar va aminokislotalar etishmaganda vujudga keladi. Bu uchinchi holat bir klimatik sohadan boshqasiga o'tishda, shuningdek yomon sanitar gigienik ish sharoitlarida (yuqori darajada chang, gazlar, zaharli gazlar aralashmasi) vujudga keladi. Bu sharoitlar, ayniqsa noqulay ob-havoda organizmning kasal tarqatuvchi agentlar-bakteriyalarga, viruslarga tabiiy immunologik mustahkamligini (qarshiligini) kamayishi munosabati bilan o'tkir ichak kasalliklarini vujudga kelishiga xizmat qiladi [5, 143-b.]. Dinamik salomatlik to'g'risida tasavvur hosil qilish uchun faqatgina organlar va tizimlarning holatini emas, balki ularning ishlash qobiliyatini ham tadqiq qilish zarur. Ko'pchilik hollarda insonning statistik va dinamik salomatlik holatlari o'zaro mos tushadi. Biroq, ma'lum darajadagi jismoniy tayyorgarlik (trenirovkalarda chiniqish) sog'lom bo'lmagan individuumga (bu erda gap kuchli kasalliklar to'g'risida bormayapti) absolyut sog'lom raqibiga nisbatan ancha yuqori natijalarga erishish imkonini beradi. Masalan, surunkali gastrit yoki o'rta qulog'i shamollagan kvalifikatsiyaga ega bo'lgan sportchi – chang'ichi uning tamoman sog'lom, biroq jismonan tayyorlanmagan raqibiga nisbatan doimo ancha chidamli bo'ladi.

Shuningdek quyidagi omillarga e'tibor qaratish muhimdir: 1. Kun tartibi – inson tomonidan tashkil etiladigan turli faoliyat: mehnat qilish, dam olish, ovqatlanish, faol harakat qilish, sport bilan shug'ullanish va hokazolarning ma'lum vaqtlarda tartib bilan ketma-ket bajarilishidir. Tabiiyki, kun tartibi hamma uchun bir xil bo'la olmaydi. U kishining yoshi, kasbi, sog'ligi, ish qobiliyati va turmush sharoitiga qarab belgilanadi. Biroq, barchaning bajarishi zarur bo'lgan umumiy talablar borki, bularga - aqliy hamda jismoniy mehnatning mutanosibligiga erishish, mehnatning o'z vaqtida dam olish bilan almashtirilib turishi, vaqtda ovqatlanish, barvaqt uyquga yotish va o'rindan turishga odatlanish kabi harakatlar kiradi.

2. Inson uzoq va tinch hayot kechirish maqsadida sog'lom, tetik va baquvvat bo'lishi, o'z yoshligi, husni hamda ishchanlik qobiliyatini saqlashga harakat qiladi. Bunga erishishning asosiy omillaridan biri - jismoniy harakat sanaladi.

3. Sog'lom turmush kechirish uchun, albatta organizmni turli tabiiy muhit sharoitlariga chiniqtirish ham talab etiladi. Organizmni chiniqtirish, qulay jismoniy mashqlarni bajarish, sovuq suvda cho'milish orqali tashqi muhitning zararli ta'sirlariga nisbatan organizmning qarshiligini oshirish omillari hisoblanadi. Chiniqish - organizmni suv, quyosh va havo ta'sirida sekin-asta moslashtira borish mexanizmidir.

Sport tayyorgarligi sportchilarning harakat malakasi hamda jismoniy, axloqiy va irodaviy sifatlarini shakllantirish hamda takomillashtirishda jismoniy tayyorgarlik darajasini boshqarishning umum nazariy qoidalariga rioya etishni talab etadi. Mashg'ulotda boshqaruv sport tayyorgarligi tizimining eng muhim ekstenti, uzviy tarkibiy qismi hisoblanadi. Boshqaruv bu sport mashg'ulotlari jarayonida yuz beradigan o'zgarishlarga tizimli ravishda javob qaytarish hamda ularning yo'nalishini doimo belgilab turishdir. Bu murabbiy sportchining aqliy va ijodiy imkoniyatlarini faol safarbar etish, ilmiy – texnik imkoniyatlarini ilg'or texnologiyalar zamonaviy asbob anjomlar, qompyutir texnikasini jalb qilish, dasturlar ishlab chiqish va boshqalarni talab etuvchi jarayon. Bu murabbiy pedagogning malakaviy darajasi, uning bilimlari, ko'nikmalari, tajribasi murabbiy maxoratini, sportchining professionallik darajasini tinimsiz oshirib borish demakdir. Sport mashg'ulotini boshqarish samaradorligi ko'p jihatdan uning aniq (iloji boricha sifatli tarzda) ifoda etilgan mashg'ulot tuzilmasi va musobaqa faoliyati tuzulmasiga bog'liq bo'lib, tayyorgarlikni muayyan bosqichida o'z ifodasini topadi. Boshqaruv tizimi yordamida sport tayyorgarligida sportchilar tayyorlashning eng muxim talablari hamda asosiy koidalari ruyobga chikariladi.

Sport mashgulotida boshqaruv obekti sportchining hatti- xarakatlari hamda sport tizimida ta'sir ko'rsatish majmuasining, xususan, ko'llaniladigan mashg'ulot va musobaka yuklamalarining natijasi hisoblangan tezkor, joriy boskichlaridagi holati sanaladi. Sport mashg'uloti jarayonini ko'p qirraliligi va sportchining doimiy holda imkoniyatining o'zgarishi, har xil omillar dasturida uning holatini tebranishi boshqarishning negizi bo'lib hisoblanadi. Bu esa sportchilarda murabbiyga beriladigan teskari aloqasi orqali beriladi.

Sportchidan murabbiyga beruvchi ma'lumotlar (o'zini sezishi, his etishi, ishga bo'lgan munosabati, kayfiyati va boshqalar): sportchi o'zini tutishi haqidagi ahborotlar (mashg'ulot ishining hajmi, uni bajarish, aniqlangan holatlar boshqalar), mashg'ulot samaradorligini, qisqa vaqtdagi

ko'rsatkichlari(mashg'ulot yuklamsi tasirida funksional tizimdagi chegara va o'zgarishlar harakteri), mashg'ulot samaradorligining yig'ilishi to'g'risidagi ahborotlar(sportchining mashqqa chidamlilik holatining o'zgarish holati), musobaqa faolyatini va sportchining tayyogarligini aniq tuzilishini ko'rsatkichlari model tasnifini oraliq nazorat ham boshqarishning asosiy ishlanmasi bo'lib hisoblanadi.

Xulosa qilib aytganda, organizmni chiniqtirish, mehnat unumdorligini oshirish, sog'liqni mustahkamlash orqali uzoq umr ko'rishni istaganlar, albatta doimiy ravishda jismoniy harakat sport bilan shug'ullanib turishi va kun tartibiga rioya qilishlari, ayniqsa, bugungi kunda koronavirus COVID-19 tarqalayotgan bir paytda asablarini asrab irodalarini namoyon qilishlari kerak bo'ladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Абдиев А.Н., Шин В.А. Типовые упражнения, направленные на специализирование реагирований боксеров в индивидуальной работе «на лапах». Педагогик таълим. //(илмий-назарий ва методик журнал) / №5 Тошкент 2003.
2. Abu Ali ibn Sino. Tib qonunlari. 3-jildlik saylanma / Н.Никматуллоев У.Каримов hamkorlikda. - Toshkent: Mehnat, 1992.
3. Азимов И.Г., Расулова Э.Р., Хамракулов А.К. «Физическая культура и спорт как фактор гармонического развития личности», // Тезисы. Карши 1990.
4. Айрапетьянц Л.Р., Годик М.А. Спортивные игры. – Ташкент: Ибн Сино. 1991.
5. Алабин В.Г., Алабин А.В., Бизин В.П. Многолетняя тренировка юных спортсменов. – Харьков: Основа, 1993.
6. Аулик Б.А. Определение физической работоспособности в клинике и спорте. - Москва: Медицина, 1990.
7. Верхошанский Ю.В. Основы специальной физической подготовки. - Москва: ФиС. 1988.
8. Barkamol avlod O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. - Toshkent, 1997.
9. Otaev A. K. Bolalarni chaqqon, ephil va baquvvat qilib tarbiyalash. – Toshkent: O'qituvchi, 1990.
10. O'zbekiston Respublikasi umumta'lim maktablarining I-IX sinf o'quvchilari uchun jismoniy tarbiya dasturi. – Toshkent, 1997.

UDC 37.02

TEACHING READING STRATEGIES IN ENGLISH LANGUAGE

G.M. Gofurova, teacher, Andijan State Medical Institute, Andijan

Annotatsiya. Ushbu maqolada o'qishni metodik muammo sifatida boshlang'ich darajada o'qitish metodikasini tahlil qilish va o'qish jarayonining mohiyati haqida bayon etiladi.

Kalitso'zlar: o'qitish usullari, so'z uslubi, o'qish ko'nikmalari, akustika, o'qishni o'rganish, iboralar usuli, hikoza usuli.

Аннотация. В этой статье представлен анализ методики обучения на начальном уровне как методологической проблемы и сущности процесса чтения.

Ключевые слова: Методы обучения, метод слов, навыки чтения, акустика, обучение чтению, метод фраз, метод рассказа

Abstract. This article presents an analysis of teaching methods at the initial level as a methodological problem and the essence of the reading process.

Key words: Teaching methods, word method, reading skills, phonic, teaching reading, the Phrase Method, the Story Method

On completion of the article the students are expected to be able to read and understand newspaper articles, on topics familiar to them, without depending on dictionaries. These activities help the students to reflect on written texts critically and to progress from an intermediate to an advanced level of proficiency.

At an early stage of teaching reading the teacher should read a sentence or a passage to the class himself/herself. When s/he is sure the students understand the passage, s/he can set individuals and the class to repeat the sentences after him/her, reading again himself/herself if the pupils' reading is poor. The pupils look into the textbook. In symbols it can be expressed like this: T - C - T - P₁ - T - P₂ - T - P₃ - T - C (T - teacher; C - class; P - pupil).

All in all, there are six important methods of teaching reading. They are as follows:

- The alphabetic method or ABC method or spelling method.
- The phonic method.
- The word method.
- The phrase method.
- The sentence method.
- The story method .

1. The Alphabetic Method. The teacher teaches the students the names of letters in their alphabetic order. S/he also may combine two or more letters to form a word: e. g. *i_n=in, o_n=on, o_n_e=one*. From 'words' it moves to 'phrases' and finally 'sentences'. Thus, the procedure begins from letters and ends in sentences .

There are many ways to teach the alphabet and all teachers develop their own style over time. One of the common instructions to introduce a new letter is the following one:

1. Hold up an alphabet letter flashcard so all students can see it.
2. Chorus the letter 3 to 5 times. Then ask each student individually to say the letter.
3. Teach the sound of the letter (e. g. "A is for 'ah'. ah - ah - ah"). Chorus again and check individually.
4. Provide an example of an object that begins with the letter. Double-sided flashcards with the letter on one side and a picture on the other are great for this. (e. g. "What's this?" (elicit "A"). "And A is for.?" (elicit "ah"). "And 'ah' is for. (turning the card over)"apple!". Chorus the word and check individually.

Ключевые слова: соревновательный, новый, продвинутый, учебная деятельность, самостоятельное мышление, проблемные ситуации

Abstract. The article says that today the creative qualities of a teacher are focused on his personal abilities, natural and social forces for the organization of high-quality, effective professional activity.

Key words: competitive, new, advanced, learning activity, independent thinking, problem situations

Кириш. Ҳозирда мамлакатимизда инновацион технологияларга асосланган таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаол ва малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашни жаҳон андозалари даражасига кўтариш масалаларига оид тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бунда мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш каби муҳим вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги 576-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мазкур тадқиқот учун асос бўлиб хизмат қилади.

Замонавий педагогикада “креатив педагогика” тушунчаси қўлланила бошлаганига ҳали у қадар кўп вақт бўлмади. Бирок, ўқитиш жараёнига инновацион ҳамда ижодкорлик ёндашувларини қарор топтиришга бўлган эҳтиёж “Креатив педагогика”нинг педагогик туркум фанлар орасида мустақил предмет сифатида шаклланишини таъминлади. Ушбу предмет асосларини педагогика тарихи, умумий ва касбий педагогика ҳамда психология, хусусий фанларни ўқитиш методикаси, таълим технологияси ва касбий этика каби фанларнинг методологик ғоялари ташкил этади. “Креатив педагогика” фанининг умумий асослари мутахассис, шу жумладан, бўлажак мутахассисларнинг касбий камол топишлари учун зарур шартшароитни яратишга хизмат қилади.

Муаммонинг долзарблиги. мустақиллик шароитида Ўзбекистонда креатив ёндашувлар умумий ўрта мактабларда илмий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаганлигини инобатга олган ҳолда “Креатив ёндашувлар асосида ўқувчи-ёшларда маънавий-ахлоқий муосабатларни шакллантириш технологияси” мавзуси тадқиқот муаммоси сифатида белгиланди.

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки семинар якунида ўқувчи (ёки ўқувчи)ларнинг машғулоти ҳамда ўтилган мавзу ва бўлимлардаги баъзи мавзулар, муаммоларга нисбатан фикрларини билиш мақсадида) ёки режаси асосида бирор-бир бўлим ўрганилгач қўлланилиши мумкин. Чунки бу технология ўқувчи (ёки ўқувчи)ларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда ўқувчилар томонидан

машғулот жараёнида эгалланган билимларини таҳлил этишга ва эгаллаганлик даражасини аниқлашга, баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади. Технологиянинг мақсади. Ушбу технология ўқувчи (ёки ўқувчи)ларни тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини, зехни ўткирликни тавсифлайди. Шунингдек, креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида акс этади. Америкалик психолог П.Торренс фикрича, креативлик муаммо ёки илмий фаразларни илгари суриш; фаразни текшириш ва ўзгартириш; қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш; муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарамақаршилигига нисбатан таъсирчанликни ифодалайди. Бошқа ҳар қандай сифат (фазилат) каби креативлик ҳам бирданига шаклланмайди. Креативлик муайян босқичларда изчил шакллантириб ва ривожлантирилиб борилади.

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳистуйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади. Қолаверса, креативлик зехни ўткирликни белгилаб беради, “талабалар эътиборини таълим жараёнига фаол жалб этишни таъминлайди. Хорижий мамлакатларда барча соҳаларнинг мутахассислари каби ўқитувчилар ҳам ўзларида креативлик сифатлари мавжудлиги ва унинг Креативлик (лот., инг. “среате” – яратиш, “среативе” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти 22 даражасини аниқлаб боради. Бунинг учун улар Е.П.Торренс томонидан 1987 йилда асосланган ва шахснинг креатив тафаккурга эгаллигини аниқловчи тестдан ўтади. Мазкур тест шахс креативлиги ва унинг даражасини ижодий фаолиятни ташкил этишдаги фаоллик, тезкор фикрлаш, ўзига хос (оргинал)лик ва такомиллашганлик каби мезонлар бўйича баҳолаш имкониятини яратади.

Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиши унинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қувватини касбий фаолиятни сифатли, самарали ташкил этишга йўналтиради. Олий таълим тизимида фаолият юритаётган педагогларнинг креативлик сифатларига эга бўлишлари уларда ўқув ва тарбия жараёнларини ташкил этишга анъанавий ёндашишдан фарқли янги ғояларни яратиш, бир қолипда фикрламаслик, ўзига хослик, ташаббускорлик, ноаниқликка тоқат қилмасликка ёрдам беради. Бинобарин, креативлик сифатларига эга педагог касбий фаолиятни ташкил этишда ижодий ёндашиш, янги, илғор, талабаларнинг ўқув фаолиятини, шахсий сифатларини ривожлантиришга хизмат қиладиган ғояларни яратишда фаоллик кўрсатиш, илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш, шунингдек, ҳамкасблар билан педагогик ютуқлар хусусида доимий, изчил фикр алмашиш тажрибасига эга бўлишга эътибор қаратади. Одатда педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари педагогик муаммоларни ҳал қилишга интилиш, илмий-тадқиқот ишлари ёки илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишлари орқали таъминланади. Педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун талабалик йилларида пойдевор қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Педагогик тизимнинг инновацион имконияти тушунчаси билан бирлаштириладиган таълим муассасасининг ташкилий-бошқарув, моддий-техник ва бошқа ресурсларини ўз ичига олган экзоген омиллар бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси шахсининг инновацион

йўналганлигини ривожлантиришга имкон беради. Технологик кўрсаткичлари, даражалари ва баҳолаш мезонлари бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг инновацион касбий фаолиятга тайёргарлик компонентларини аниқлашни тақозо этди.

Шундай қилиб, замонавий шароитда таълим ва тарбия жараёнларининг сифатли, самарали ташкил этилиши ижтимоий зарурият сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Мазкур заруриятнинг қондирилиши педагогларнинг юқори даражада касбий компетентлик, маҳорат ва малакаларга эга бўлишларини тақозо этади. Педагогларнинг таълим жараёнига креатив ёндашувлари талабаларда таълим олишга бўлган қизиқишни юзага келтиради, уларнинг ўқув-билиш фаолиятларини фаоллаштиришга ёрдам беради. Қолаверса, талабаларнинг мутахассис сифатида креатив сифат, ижодкорлик кўникма, малакаларини фаол ўзлаштиришлари учун зарур шароитни яратади. “Креатив педагогика” фанининг асослари талабалар ва педагогларда креативлик сифатлари ва ижойи фаолият кўрсатиш малакаларини самарали шакллантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Инновацион таълим технологиялари /Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81-б.
2. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш /Монография. – Т.: Фан, 2004.
3. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013.
4. Сайидахмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. – Т.:Олий педагогика институти, 2003. 9.
5. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
6. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Т.: Фан, 2006.

УЎК 37.02

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДАГИ ЎРНИ

Ж.А. Пўлатов, талаба, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада инновацион таълим технологиялари ва уларнинг педагогик асослари ўрганилиб, ўқув жараёнида замонавий-интерфаол ўқитиш усулларидан самарали фойдаланиш йўллари тадқиқ этилган. Таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш таълим оловчиларнинг мустаҳкам назарий билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларни касбий маҳоратга айланишини таъминлаш мақсадида, ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: педагогик маҳорат, таълим, технологиялар, метод, интерфаол ўқитиш услублари, малака, кўникма, малака.

Аннотация. В данной статье рассматриваются инновационные образовательные технологии и их педагогическая основа, а также способы эффективного использования в учебном процессе современных интерактивных методов обучения. В целях повышения эффективности образовательного процесса, формирования прочных теоретических знаний, умений и навыков у студентов, обеспечения их трансформации в профессиональные навыки разработаны предложения и рекомендации по эффективному использованию новых педагогических технологий в учебном процессе.

Ключевые слова: педагогическое мастерство, образование, технология, метод, интерактивные методы обучения, навыки, умения, квалификация.

Abstract. this article examines innovative educational technologies and their pedagogical basis, as well as ways to effectively use modern-interactive teaching methods in the learning process. In order to increase the efficiency of the educational process, to form strong theoretical knowledge, skills and abilities of students, to ensure their transformation into professional skills, proposals and recommendations for the effective use of new pedagogical technologies in the teaching process have been developed.

Keywords: pedagogical skills, education, technology, method, interactive teaching methods, skills, abilities, qualifications.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га асосан олий ўқув юртлари ва касб-хунар таълимини бошқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Олий таълим муассасалари ва касб-хунар таълимининг ривожланиши уларнинг мақсад ҳамда вазифаларини тобора бир-бирига яқинлаштириб, уларни бирлаштирмоқда. Олий ва касб-хунар таълимини бошқаришда замонавий инновацион технологияларни жорий этиш, баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялашда ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ўз самарасини бермоқда[1].

Давлат ва жамоат ташкилотларининг вазифаси энг аввало, узлуксиз таълим тизими муассасалари фаолияти мазмунини тубдан, қайтадан кўриб чиқишни тақозо этадиган мураккаб жараёндир. Ижтимоий амалиёт, жамоатчилик тарбияси, таълим ва тарбиянинг аниқ мақсадга қаратилганлиги эркин шахсни шакллантиришнинг асосини ташкил этади[2]. Таълим жараёнини модернизациялаш ҳамда моддий техник базасини яхшилаш, жамиятни маънавий янгилаш биринчи навбатда, ёш авлод анъаналари инсонпарварлик ва демократик кадриятларни сингдириш орқали таъминланади. Буларнинг барчаси ёш кадрларни тайёрлаш ва ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳозирги глобаллашув жараёнларида таълимга инновацион ёндашувнинг ижтимоий-педагогик зарурияти қуйидагилар билан ўлчанади:

1.Фан-техника тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий янгилашни узлуксиз таълим тизими, хусусан, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнини илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, таълимдаги инновацион ёндашувлар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш;

2.Талаба-ёшлардаги маълумотлилик даражаси, интеллектуал салоҳият, ижтимоий фаоллик, ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи шахсга йўналтирилган ўқитишнинг самарали ташкилий шакллари, технологияларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш;

3.Педагогик инновацияларни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг касбий-инновацион компетентлигини ривожлантириш зарурати.

Дарҳақиқат, таълимга инновацион (инглизча innovation - янгилик киритиш) ёндашув ғояси таълим мазмуни ва натижаларининг шахсга йўналганлиги, таълим мазмуни, шакл, метод ва воситаларини фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари, илғор тажрибалар, замонавий методикалар билан уйғунлаштиришга қаратилганлиги билан анъанавий ёндашувдан фарқ қилади [3].

Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштирган, бу ахборотларни ўзлари томонидан баҳолашга қодир, зарур қарорлар қабул қилувчи, мустақил ва эркин фикрлайдиган шахслар керак. Бу борада касб-хунар таълимида инновацион технология ларнинг бошқариш жараёнидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Инновацион технологиялар педагогик жараён, ҳамда ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ижодий фаолиятига янгилик, ўзгартишлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол усуллардан фойдаланилади, чунки таълимда бошқарув ролини ўқитувчи бажаради. Интерфаол таълим технологияларини амалга ошириш қуйидаги шаклларда амалга оширилади: индивидуал, жуфтлик, гуруҳ ва жамоа билан ишлаш[4].

Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол таълим технологиялари ёрдамида талабаларнинг қобилиятларини ривожлантириш, ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқариш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуктаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга эришиш мумкин. Энг муҳими, интерфаол таълим технологияларини қўллаш орқали ўқитувчи талабаларнинг таълим-тарбия жараёнидаги аниқ мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этади. Шунингдек, талабаларни муайян

билимлар соҳасини эгаллашга йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали уларнинг билим ва кўникмаларини холис баҳолаш имконини беради. Шу боис интерфаол таълим технологияларидан ўқитиш жараёнида қўллаш натижасида: -талабаларда билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишни уйғотади; -таълим жараёнининг ҳар бир иштирокчисини рағбатлантиради; -ҳар бир талабанинг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади; -ўқув материалининг самарали ўзлаштирилиши учун қулай шароит яратади; -талабаларга кўп томонлама таъсир кўрсатади; -талабаларда ўрганилаётган мавзулар бўйича фикр ҳамда муносабатни уйғотади; -талабаларда ҳаётий зарур кўникма, малакаларни шакллантиради; -талабаларнинг хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартирилишини таъминлайди.

Ҳозирги кунда интерфаол таълим технологияларидан оммавийлари қуйидагилар саналади: интерфаол методлар (“Кейс-стади”, “Блиц-сўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат”, “Режа”, “Сухбат”, “Мусобақа-беллашув” ва б.); стратегиялар (“Ақлий хужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёра”, “Ротация”, “Т-жадвал” ва ҳ.к.); график органайзерлар (“Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Нилуфар гули”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?”) ва бошқалар. Биз юқорида педагогик жараёнларнинг амал қилиниши шарт бўлган уч турдаги методологик асоси ҳақида қисқача тўхталдик. Ўқув жараёнида ҳар бир ўқитувчи (педагог, тьютор), ушбу уч методик асоснинг барчасига бирдай амал қилиши шарт. Шундагина улар кутилган натижани бериши мумкин.

“Ақлий хужум” методидан фойдаланилганда талабаларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан талабаларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Талабалар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантикий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги талабаларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади. “Ақлий хужум” иштирокчилари олдида қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилди ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қайтадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлди. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланади ва хужум давомида улар танқид қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий хужум тугагач, муҳимлик жиҳатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони ечиш учун зарурлари танланади. «Ақлий хужум» методи ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

- 1.Талабаларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.
- 2.Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда - янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.
- 3.Ўтилган мавзуни мустақамлаш мақсад қилиб қўйилганда – мавзудан сўнг, дарснинг мустақамлаш қисмида амалга оширилади.

Инновацион технологияга оид дидактик ўйинлар ҳаётий воқеийликка энг яқин келувчи метод бўлиб ҳисобланади ва у кўпроқ амалий аҳамиятга эгадир. Дидактик ўйинларни олийгоҳларда ташкил этиш ва қўллашда куйидаги психологик ва педагогик принципларга амал қилган ҳолда йўлга қўйиш лозим:

-ишлаб чиқаришдаги реал вазият моделини кўчириш ва ишлаб чиқариш динамикасини ҳисобга олиш;

-ишлаб чиқариш жараёнини ривожланиш, доимий ўзгариш характериға эга эканлигини яхши биламиз.

Ана шу ўзгарувчанлик ва динамик ривожланиши билармон ўйинларни ташкил этиш жараёнида албатта ҳисобга олиниши талаб этилади.

Касбий фаолиятни мазмунини ва шаклини ҳисобга олиш. Олий таълимнинг энг асосий вазифаларидан бири юқори малакали кадрларни етказишдир, шу вазифани бажариш учун ҳар бир педагог таълимни бошқаришда ихтисослик бўйича ўзига хос бўлган ишбилармон ўйинларни ишлаб чиқишимиз зарур.

Касб-хунар таълимида ўз касбига садоқатли бўлиш ва жамоа бўлиб ишлашда ўз касб-хунарига ҳурмат ва қизиқиш билан иш бажаришига ўргатиш. Бугунги талаба эртага ишчи жамоасига қўшилар экан, у жамоанинг бир қисми сифатида маълум бир функцияни бажаради, шу жамоанинг бошқа аъзолари билан биргаликда умумий ишни олиб боради. Шунинг учун жамоа бўлиб иш бажаришни ўрганиш қанчалик зарур бўлса, педагогик бошқарув сирларини ўрганиш ҳам янги касб –хунар эгаси учун жуда муҳим.

Талабаларда ҳал этилаётган масала юзасидан мантикий, изчил фикрлаш, ички моҳиятини таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантирувчи технологияни қўллаш куйидаги тартибда амалга оширилади [5]:

Педагог – ўқитувчиларнинг асосий вазифаси талабаларга ўтилаётган мавзунини содда тушунарли қилиб, турли хил ўқитиш воситалари ва усулларидан самарали фойдаланган ҳолда ўқитишни ташкил этиш талаб этилади.

Таълим жараёнида ўқитишни ташкил этишда мазкур таълим технологияларидан комплекс фойдаланиш (юқорида кўрсатиб ўтилган методлардан) таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу боис, ўқитиш жараёнида турли хил усуллардан биргаликда ва ўзаро ҳамжихатликда олиб бориш тавсия этилади.

Хулоса сифатида шунини таъкидлаш лозимки, интерфаол таълим технологиялари таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, ўқитувчи, талаба, талабалар гуруҳи, шунингдек, жамоа ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, ғоявий ва руҳий бирликка эришиш, ягона мақсад сари интилиш, ҳар бир таълим олувчининг ички имкониятларини рўёбга чиқариш, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ҳамда муҳитни яратишда катта имкониятларга эга. Интерфаол таълимнинг энг муҳим таркибий элементи бўлган интерфаол методлар ўз моҳиятига кўра таълим мақсадларни амалга оширишда маълум даражада самарадорликка эришишни таъминлайди. Энг муҳими ўқитувчи (тьютор)лар интерфаол методларни танлашда ўрганилаётган мавзу, муаммо ёки ҳал қилиниши лозим бўлган масалага эътибор қаратишлари лозим. Қолаверса, интерфаол методларни қўллашда талабаларнинг ёши, психологик хусусиятлари, дунёқараши, ҳаётий тажрибалари инobatта олинса, дарс самарадорлиги янада ошади. Бу эса ўқитувчилардан касбий маҳорат, малака, билим ва сезгирлик (интуиция)га эга бўлишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.:ТДПУ, 2005 й
2. <https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1249&context=tiame> Ф.К.Ботирова. Таълимни бошқаришда замонавий инновацион технологияларнинг аҳамияти.
3. Ишмухамедов Р., Мирсолиева М. Ўқув жараёнида инновацион технологиялар (методик қўлланма). – Тошкент-2014.
4. Беспалько В.П. «Педагогика и прогрессивные технологии обучения» М.: Педагогика, 1995 г
5. Худойкулов Х.Ж. Педагогик технология таълим самарадорлигининг асосидир. – Т.: Наврўз, 2012 й.
6. <https://internationaljournals.co.in/index.php/giirj/article/view/32> M.Nasritdinova Pedagogical components and stages of health of develop children through music education
7. <https://khorezmscience.uz/archive/1634533306.pdf> Madina Nasritdinova Theoretical fundamentals of health directly developing children by music education
8. <https://www.tojqi.net/index.php/journal/article/view/8283> Madina Nasritdinova Methodological Support and Practical Status of Health Through Developing Children Through Music Education

УДК 37.02

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ВОЕННЫХ ТЕРМИНОВ В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

О.З. Рашидов, преподаватель, Термезский государственный университет, Термез

Annotatsiya. Ushbu maqolada ingliz tilidagi harbiy atamalardan foydalanish haqida soʻz boradi. Harbiy materiallarga, harbiy badiiy materiallar, harbiy publitsistik va harbiy-siyosiy materiallar, harbiy ilmiy va harbiy-texnik materiallar, shuningdek, harbiy qo'mondonlik hujjatlari (turli harbiy hujjatlar) kiradi.

Kalit so'zlar: harbiy xizmatchilar, ish, o'rtacha, xususiyat, buyruq.

Аннотация. В этой статье рассматривается использование военных терминов в английском языке. Насыщенность специальной терминологией - характерная черта военных материалов (в этом исследовании было установлено, что на каждой странице текста боевой инструкции в среднем 13-15 терминов). Военные материалы, как правило, включают материалы военного искусства, военно-публицистические и военно-политические материалы, военно-научные и военно-технические материалы, а также документы военного командования (различные военные документы).

Ключевые слова: военнослужащие, работа, средний, особенность, команда.

Abstract. This article deals with use of military terms in English. The saturation of the special terminology is a characteristic feature of military materials (in this study, it was found that there are an average of 13-15 terms on each page of the text of the combat manual). Military materials typically include military art materials, military journalistic and military-political materials, military scientific and military-technical materials, and military command documents (various military documents).

Key words: military, work, average, feature, command

Военные материалы принято называть научно-техническими материалами и актами контроля, относящимися к жизни и деятельности воинских частей войск и вооруженных сил. Военная фантастика, военная журналистика и военно-политические материалы являются военными только с точки зрения актуальности и тематики и имеют особенности, существенные для всех общественно-политических, публицистических и литературных текстов [Нелюбин 1981]. Определить границы этого понятия сложно с военной точки зрения, потому что сфера применения военной терминологии очень широка, а наиболее часто используемые термины имеют в ней конкретное узкое значение.

В.Н. Шевчук предлагает следующее определение понятия «военный термин»: «устойчивая единица синтетической или аналитической номинации в том смысле, который регулируется ее определением, придается соответствующему понятию в концептуально-функциональной системе конкретной области вооруженных сил. профессия. " [Шевчук 1989, 8]. Г. Стрелковский пишет в своем учебнике «Теория и практика военного перевода. Немецкий язык»: существует. или активность. Следовательно, нельзя говорить об общем понятии «военный термин», но необходимо различать тактические, организационные, военно-технические термины, термины, относящиеся к различным видам и видам вооруженных сил. Все это разные направления военного знания и деятельности, и каждое из них имеет свой терминологический характер. В каждом из этих направлений смысл термина очень ясен» [Стрелковский 1979, 83]. В общем смысле военная терминология включает в себя все слова и словосочетания, выражающие военные понятия, т. Е. Понятия, непосредственно относящиеся к вооруженным силам, военному делу, война и т. д. Кроме того, научно-технические термины должны быть связаны с военным словарем с военными понятиями (например, гусеница - танк или след какой-либо боевой машины, гусеничный). Проблемы терминологии, в частности размытость границ употребления тех или иных терминов, как в приведенном выше примере, А. И. Моисеев: «Обычно термины и все другие признаки, относящиеся к терминологии в целом: смысловая точность, точность, непротиворечивость, отсутствие синонимии и т. д., не более того. чем их склонность или необходимые качества или, наконец, требования к «доброте».

«Структурированная терминология. Хорошо известны последовательность, слабые значения реальных терминов, примеры их многозначности, омонимии и синонимии» [Моисеев 1970 -1, 138]. При определении военных терминов в будущем мы будем опираться на работы Б.Н. Головин, изучавший особенности словесных терминов [Головин 1980, 4-11]. Перечислим наиболее важные из них: взаимосвязь с концепцией, а не с определенной темой; необходимость определения; формирование индивидуальных концепций, характерных для отдельных ученых; взаимосвязь значения термина со значениями других терминов в рамках соответствующей терминологической системы; взаимосвязь с конкретной профессиональной деятельностью и т. д. «Таким образом, в термине слово на первый план выходит его

объективное значение, субъективное, оценочное, полностью удаленное или скрытое» [Головин 1980, 7]. З.И. Комарова предъявляет к термину следующие требования: оригинальность, ясность, лаконичность, последовательность, эмоционально-выразительная нейтральность, отсутствие модальных и стилистических функций, безразличие к контексту, привычность, отсутствие синонимов и омонимов в одной терминологической системе и т. Д. [Комарова, 1979]. Системность можно назвать одной из важнейших черт терминологического единства. Понятие терминологической системы в лингвистике является одним из основных понятий терминологии, что означает, что всегда существует определенная структура ее компонентов, то есть ее компонентов. С точки зрения А.В. Суперанской, терминологическую систему следует рассматривать как сложный объект в направлении от его составных частей к целому; и говоря о структуре, в направлении от целостности объекта к его частям и характеру их взаимосвязей. [Superanskaya 2004, 115].

Терминологическая система - это «лингвистическая модель определенной конкретной области, которая существует вместе с логической моделью, представленной системой понятий и системой определений, которая отражает логическую модель в системе словесных знаков». Военная терминология может включать слова и фразы, хотя они неправильно означают военные концепции, они используются почти исключительно в военной среде и, как правило, неизвестны или полностью неизвестны (например, кабалы - лес; отчет о поведении - дом (солдатский дом; сторона руки - посуда), а также некоторые иностранные долги, различные жаргоны и т.) означает «пехота») [Судзиловский 1979, 37]. Изменения в составе военного словаря, особенно постоянное его пополнение, потеря нескольких слов из него, изменение значения тесно связаны с постоянным развитием словаря. общие условия в вооруженных силах. После прочтения документа «FM 23-10 Sniper Training» («Снайперская подготовка ДОО (FM 23-10)»), который был впервые выпущен в 1994 году для нужд армии США и Затронули не только подготовку снайперов, но и в какой-то мере. Во всех других областях военного дела мы можем определить основные направления деятельности военной терминологии. Современная британская военная терминология определяет новые виды оружия - прежде всего системы противоракетной ядерной обороны (ракеты с проволочной защитой - управляемые ракеты; реактивные гранаты - активные ракетные снаряды; радиоактивные осадки - радиоактивные продукты ядерных взрывов), радиоэлектронные и другие технические средства. (инструкция для легкого гонщика - управление светом; лазерная дальность - лазерный дальномер; устройство обнаружения засад - (технические) средства обнаружения засад); условия реорганизации сухопутных войск и высших командных структур (центр тылового управления - центр тылового управления); термины, связанные с изменением некоторых основных правил (доктрин) тактики и оперативного искусства (electronic countermeasures - электронные контрмеры). Важно помнить о существенных различиях в английской военной лексике, используемой в США и Великобритании. Это объясняется как особенностями организации, вооружения, тактики вооруженных сил этих стран, так и различиями между английской и американской версиями современного английского языка. Например, понятия «соединение» или «объединение» в США выражаются этим термином, а в Соединенном Королевстве - образованием; Генеральный штаб - это «общая часть штаб-квартиры» в США и «оперативно-разведывательная часть штаб-квартиры» в Соединенном Королевстве. Есть различия в воинских званиях и особенно в терминологии организации: в США она называется «министр обороны», а в Великобритании - «министр обороны». Ряд терминов используется только в США (например, начальник штаба - «начальник штаба» Службы вооруженных сил)) или только в Великобритании (например, команды - английский военный словарь также включает ряд военных терминов, характерных для вооруженных сил Канады, Австралии и других англоязычных стран [Коровушкин 1980].

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Бархударов Л.С. Общелингвистическое значение теории перевода. //В.сб.: «Теория и практика перевода». -Л., 1962.- с. 44-47.
2. Бархударов Л.С. Очерки по морфологии современного английского языка. М.:Высш. школа,1975.-156 с.

3. Бархударов Л.С. Процесс перевода с лингвистической точки зрения. //В.сб.: «Конференция по вопросам теории и методики преподавания перевода. Тезисы докладов». -М., 1964.-с.61-63.
4. Бархударов Л.С., Штелинг Д.А. Грамматика английского языка. – М.: Высш. школа, 1965. – 482 с.
5. Бархударов Л.С., Я. И. Рецкер. Курс лекций по теории перевода. М., 1968.
6. Бенвенист Э. Общая лингвистика. – М.: Прогресс, 1974. –447 с.
7. Болдырова М.М. Сочетания to + Participle II со значением результативного состояния в современном английском языке. – В кн. : Учен. Зап. МГПИ т. 59. –Москва, 1971. –С. 35-44.
8. Большой англо-русский словарь. /Под руков. Гальперина И.Р. –Москва: Советская энциклопедия, 1972. I-II т. 1688 с.
9. Бурунов Ж. Сравнительная типология английского и тюркских языков.–М.: Высшая школа,1983.–268 с.
10. Валгина Н.С. Синтаксис современного русского языка. – Москва: Высшая школа, 1978. -439 с.
11. Делиева Л.М., Непесова Р.Г., Слонимская Н.Н. К методике сопоставительного исследования неродственных языков // Известия. Турк. сер., серия общественных наук. -№2. М., 1973.–С 47-55.
12. Каушанская В.Л., Ковнер Р.Л., Кожевникова О.Н., Прокофьева Е.Ф., Райнес З.М., Сквирская С.Е., Цырлина Ф.Я. Грамматика английского языка. – Л.: Просвещение. Ленингр. отд-ние, 1973. - 319 с.
13. Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышления. –Л.: Наука, 1972. -216 с.
14. Catford J. A linguistics theory of translation. Oxford, 1965.-556p.
15. Сепир Э. Положения лингвистики индоевропейских языков. //В кн.: Звегенцев В.А. История языкознания XIX – XX веков в очерках и извлечениях, ч. II . –М. 1960. -С. 134-141.
16. Julmatov T. “Юный Бек”. -Ташкент, из-во Г.Гуляма 1997, с.288

УЎК 37.02

ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ТАРБИЯЛАШДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

М.М. Садуллаева, ассистент, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада ёшларни миллий ва маънавий қадриятлар асосда тарбиялашда оиланинг ўрни илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларнинг ривожини таъминлайдиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир.

Калим сўзлар: оила, маҳалла, ёшлар, тарбия, Аёллар дафтари, Темир дафтар, уюшмаган ёшлар, миллий, маънавий, қадриятлар

Аннотация. В статье научно анализируется роль семьи в воспитании молодежи на основе национальных и духовных ценностей. Семья - это священное место, которое сохраняет преемственность каждого народа, нации, обеспечивает развитие национальных ценностей, рождает новое поколение, воспитывает его духовно и физически, является главной основой общества.

Ключевые слова: семья, соседство, молодежь, воспитание, Женская книга, Железная книга, неорганизованная молодежь, национальные, духовные, ценности

Abstract. The article scientifically analyzes the role of the family in the upbringing of young people on the basis of national and spiritual values. The family is a sacred place that preserves the continuity of each people, nation, ensures the development of national values, gives birth to a new generation, brings it up spiritually and physically, is the main foundation of society.

Key words: family, neighborhood, youth, education, Women's Book, Iron Book, unorganized youth, national, spiritual, values

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида таъкидлаганларидек: “Сизлар биз учун аввало муқаддас она, азиз Ватан, оила тимсоли, битмас-туганмас меҳр, эзгулик ва куч-ғайрат манбаидирсиз. Бу азалий ҳақиқатни мураккаб пандемия шароитида айниқса чуқур ҳис этмоқдамиз” [2].

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса, аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду

ташвишлари, орзу ниятлари, ҳаётӣ муаммо ва эҳтиёларини яхши билиш керак” [1, 114-б.],- деган сўзларини методологик асос қилиб олган ҳолда ёшлар билан мулоқот қилиш – бу ота-оналар, муаллим-мураббийлар ва бошқа мутасаддилар томонидан ёшларнинг орзу-истак, дилидаги армон ва дардларини, шикоятларини, таклифларини яқиндан билиш мақсадида, улар билан бевосита ёки билвосита учрашиш, кўришиш, қабул қилиши орқали ўрнатиладиган муносабатлари натижасида олинган маълумотлар бўйича тегишли хулосалар чиқаришда ота-онанинг ўрни муҳимдир.

Оила жуфтлик қонуни асосида юзага келади, бир эркакнинг ўзи ёхуд бир аёлнинг ўзи оила бўла олмайди. Қолаверса, оила фақат эр ва хотиндангина иборат эмас. Оила эру хотиндан ташқари эрнинг ота-онаси, яъни қайнота ва қайнона, фарзандлар, ука сингиллардан иборат кўп бўғинли хонадон. Унинг ҳар бир аъзоси ўз мавқеига эга, шу оиланинг ички интизомига бўйсуниб яшайди. Шу маънода оила жамият ичидаги жамиятдир. Бу жамиятнинг ўз салтанати бор: бунда минглаб тасодифлар жараёнида эр-хотин муҳаббати синовдан ўтади, шу синов жараёнида улар бир-бирини чуқурроқ тушунадилар, бир-бирларини қадрлашни ўрнига қуядиган бўлади, бир-бирларига кечиримли бўлишади, эр-отага, хотин-онага айланади, фарзандларини тарбиялаб, орзу-хавас кўради [5, 34-б.]. Шу маънода оила инсон ҳаётига тўқислик бахш этади, жамиятнинг муқаддас маскани сифатида садоқат сарчашмасига айланади. Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларнинг ривожини таъминлайдиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир. Оила табиатнинг энг гўзал мўъжизаларидан бири бўлиб, у инсонларга хос “табиий-биологик”, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирликдир [6, 112-б.].

Профессор О.Мусулмонова таъкидлаганидек: “Оиланинг асоси эр-хотин ёхуд ота-онадир. Модомики, эр-хотин оиланинг тамал тошларини мустаҳкам бунёд этишга масъул эканлар, улар унда учрайдиган турмуш қийинчиликлари, ҳаёт қувончлари-ю, ташвишларини бошдан кечиришда, оилани идора этишда, фарзанд тарбиясида масъулдирлар” [4, 60-б.].

Ҳар бир халқнинг ўзи учун эъозли, қимматли бўлган маънавий бойликлари бўлади. Булар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган, ҳозирги кунда ҳам ўзининг аҳамияти ва қадрини йўқотмаган, шу халқнинг ифтихор манбаига айланган дурдоналардир [3, 26-б.]. Миллат ва элатларнинг ўзига хос тарихий мероси, санъати ва адабиёти билан бир қаторда уларнинг урф-одат ва маросимлари, маданий муносабат ва ахлоқий фазилатлари ҳам маънавий қадриятлар тизимида қиради. Булар халқнинг ўзига хослигини сақлаб қолишда, ёш авлодни тарбиялашда, шахснинг ижтимоийлашувида муҳим роль ўйнайди.

Миллий маънавий қадриятларда халқнинг дунёқараши ва ҳаётга муносабати, ички табиати ва турмуш тарзи ўз ифодасини топади. Буларда миллатнинг руҳий олами ва тафаккур тарзи, орзу-умидлари ва идеаллари, виждони ва ор-номуси акс этади. Миллий қадриятлар халқнинг кундалик ҳаёти ва турмуш тарзида ўзига хос мезон вазифасини ўтайди. Ушбу қадриятлар воситасида турли ҳодиса ва ҳолатларга, янги пайдо бўлаётган фаолият турлари ва расм-русумларга баҳо берилади. Ёш авлоднинг ҳаётӣ мўлжаллари, «замона қаҳрамони» ҳақидаги тасаввурлари ҳам маънавий қадриятлардан келиб чиқиб шаклланади.

Миллий маънавий қадриятлар - ижобий ахлоқий сифатларни такомиллаштириш, давлат ва миллат ривожига тўғаноқ бўладиган салбий иллатларни бартараф этиш омилдир. Маънавият, миллий қадриятлар ва истиқлол ғоялари алоҳида олинган ҳар бир шахс ҳаётида ҳам, жамиятдаги турли гуруҳ ва қатламлар фаолиятида ҳам, умуман инсоният тараққиётида ҳам катта аҳамиятга эга. Миллат ва давлат тараққиётининг маълум даврларида маънавият ва миллий ғоя энг долзарб, ҳал қилувчи омил бўлиб майдонга чиқади.

Миллий ўзликни англаш айнан маънавий қадриятларни ўзлаштириш, ўз халқининг тарихи, маданий меросини ўрганиш, бугунги ҳолати ва эртанги истиқболини аниқ тасаввур этишдан бошланади. Ҳар бир инсоннинг меҳнати, фаолияти, ҳаётӣ мақсадлари маълум бир қадриятларга эришиш, моддий ва маънавий бойликларга эга бўлишга йўналтирилган бўлади.

Даврлар ўтиши билан миллий маънавий қадриятлар ҳам ўзгариб, ривожланиб, янгиланиб, бойиб боради. Замон руҳига ва тараққиёт талабларига мос келмай қолган меъёр ва талаблар инкор этилади. Янгича тасаввур ва ёндошувлар, фазилят ва одатлар ҳаётга кириб келади. Бунга кундалик ҳаётимиздан, турмуш тарзи - кийиниш, овқатланиш, тўй-ҳашамларни ўтказиш ва бошқалардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Миллий маънавий мерос, қадриятлар тушунчаси кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг таркиби қуйидагилардан иборат: тарихий мерос ва тарихий хотира; маданий ёдгорликлар, осори-атиқалар, қадимий кўлёмалар; илму-фан ютуқлари ва фалсафий тафаккур дурдоналари; санъат ва миллий адабиёт асарлари; ахлоқий фазилятлар; диний қадриятлар; урф-одат, анъана ва маросимлар; маърифат, таълим-тарбия ва ҳоказолар.

Миллий маънавий қадриятлар тизимида тарихий мерос ва тарихий хотира муҳим ўрин тутди. Маънавиятни юксалтириш ва халқнинг руҳини кўтаришда тарихий мерос ҳамда тарихий хотиранинг жуда катта аҳамияти бор. Тарихни ҳаққоний ўрганиш, ундан сабоқлар чиқариш лозим.

Ўзбек халқи жаҳон маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўшган миллатлар қаторидан фахрли ўринни эгаллайди. Маданий ёдгорликлар, меъморчилик санъати намуналари, қадимий кўлёмалар – миллий маънавиятнинг бебаҳо дурдоналари, халқимиз учун энг қадрли ва муқаддас бўлган бойликлардир. Буларни авайлаб-асраш, келажак авлодларга етказиш маънавият соҳасидаги энг долзарб вазифадир. Илм-фан ва унинг ютуқлари – миллий ёки худудий чегарадан чиқадиган, бутун жаҳон эътироф этадиган, умуминсониятга хизмат қиладиган бойликдир. Бироқ олимнинг ижоди ва унинг илмий кашфиёти аввало унинг миллати ва Ватанини дунёга танитади, миллий қадриятни жами башариятнинг ютуғига айлантиради [8. 65-б.].

Миллийлик, халқнинг руҳияти ва маънавияти, айниқса, санъат ва адабиёт ривожига ёрқин ифодаланади. Эзгулик ва покликни, инсонийлик ва ҳаққонийликни куйлаган буюк асарлар, қайси жанрда ёки қайси тилда яратилганидан қатъий назар, жаҳонга танилади, пировардида яна шу миллатнинг халқаро нуфузини юксалтиради. Миллий маънавий қадриятлар тизимида ахлоқий сифатлар, диний қадриятлар муносиб ўрин эгаллайди ва миллий ўзликни англашнинг муҳим шартини, омили сифатида намоён бўлади. Ахлоқий ва диний қадриятлар аксари ҳолларда ўзаро боғлиқ бўлиб, жамиятнинг маънавий юксалишида, ёш авлод тарбиясида бирдек муҳим аҳамиятга эга.

Кексаларга ҳурмат – инсон яратган унинг маънавий мавжудлигини ифода этувчи қадрият. Тирик табиатнинг «яшаб қолиш учун кураш», «фақат кучлилар енгади» қабалидаги қонунлари мавжуд. Насл қолдириш, янги авлодга меҳр қўйиш, уни оёққа турғазгунча жон фидо қилиш ҳайвонларда ҳам бор. Аммо, қарияларни эъзозлаш, кексаларга эҳтиром, меҳр-муруват кўрсатиш - инсоний фазилятдир. Буларсиз миллий ғоямизни тасаввур эта олмаймиз. Ривоят қилишларича, бир қабилда шундай одат бўлган экан: отаси қариб, кучдан қолгач, ўғли орқалаб, кимсасиз тоққа элтиб ташларкан. Бир фарзанд отасига раҳми келиб, яширинча овқат олиб бориб, падарини ўлимдан сақлабди. Ўғлини паришон кўрган ота бунинг сабабини сўраганда, юртда вабо тарқалгани, чораси топилмаётганини билибди. Донишманд чол айтган йўл-йўриқ туфайли бало даф бўлибди. Яна бир пайт табиий офатдан, кейинги сафар душманнинг ҳужумидан қариянинг маслаҳатлари қабилани қутқарибди. Йигитнинг «доно»лиги сабабларини юртдошлари сўраганда, у ўлим жазоси хавф солса ҳам, отасини асраб қолганини, унинг ўғит ва маслаҳатлари асқотганини айтибди. Шу-шу кексалар ҳурматини жойига қўйиш расм бўлибди.

Катталарни ҳурмат қилишдек миллий қадрият, баъзан ёши ва илми улуғлар қолиб, мансаб ва лавозими юқориларга қуллик қилиш каби ҳолатларни эътироф этмайди. Айни пайтда, халқ томонидан кўрсатиладиган юксак эҳтиром кексаларга ҳам катта масъулият юклайди [7, 78-б.].

Маънавий қадриятларнинг аҳоли кенг қатламлари, айниқса ёш авлоднинг «мулки»га айланиши ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бунинг учун шу миллат тақдири ва истиқболига бефарқ қарамайдиган илғор вакилларнинг саъй-ҳаракати талаб этилади. Моддий ва маънавий

бойликлар, агар миллий тарбия тўғри йўлга қўйилмас экан, чанг босган китоблар, нураётган осори-атиқалар, мазах қилинадиган удумлар даражасига тушиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, миллий маънавий қадриятлар ижтимоий ҳаётнинг ва маънавий борлиғимизнинг муҳим ва серқирра соҳаси бўлиб, инсон ва жамият камолотида муҳим аҳамият касб этади. Миллий қадриятлар муттасил ривожланиб, такомиллашиб боради. Буларнинг ижтимоий гуруҳлар ва алоҳида шахслар томонидан ўзлаштирилиши таълим ва тарбияни талаб қилади. Шунингдек, ёшлар тарбиясида шарқона менталитет, миллий урф-одатлар ва қадриятлар асосида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови/Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент, «Ўзбекистон», НМИУ, 2017.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 7 март 2021 йил/<https://president.uz/uz/lists/view/3435>.

3. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий гуруҳ. Т., «Ўқитувчи», 2000.

4. Куронов М. Миллий тарбия. - Тошкент, «Маънавият», 2008.

5. Юсупов Ў. Оила – маънавият булоғи. - Тошкент, «ЎАЖБНТ» маркази, 2000.

6. Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси. - Тошкент, «Ўзбекистон», 2008.

7. Ёшлар оилавий ҳаёт бўсағасида. - Тошкент, «Ўзбекистон», 2000.

8. Дехқонов М., Абдурахимов Қ. Оилада гўзал хулқ таълим-тарбия инсон ҳусни ва одобининг зийнати. – Тошкент, Фан, 2006.

УЎК 37.02

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Н.Э. Сапарова, ўқитувчи, Термиз давлат университети, Термиз

Аннотация. Ушбу мақолада мактабгача таълим муассасаларида чет тили ўқитиш методикасини такомиллаштириш технологияларининг илмий назарий асослари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: *Методика, таълим, технология, илмий, амалий*

Аннотация. В статье рассматриваются научно-теоретические основы технологий совершенствования методики обучения иностранным языкам в дошкольном образовании.

Ключевые слова: *Методология, образование, технология, наука, практика.*

Abstract. This article discusses the scientific and theoretical basis of technologies for improving the methods of teaching foreign languages in preschool education.

Keywords: *Methodology, education, technology, science, practice*

Маълумки, давлат ва жамият ривожининг ҳар бир босқичи шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавиймаърифий ва маданий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда дидактиканинг тарихий ва мантиқий бирликнинг методологик принципига мувофиқ таълим тизими олдида муайян давлат ва ижтимоий буюртмаларни қўяди. Таълим жараёнини режалаштириш профессор-ўқитувчилар фаолиятининг асосий жиҳатларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда амалга ошириладиган чора-тадбирлар вакуум остида эмас, балки таълим муассасининг шароитидан келиб чиққан ҳолда бажарилади. Профессорўқитувчилардан албатта улар фаолият кўрсатадиган таълим муассасаси маданиятини, ташкилотнинг мақсадини ва дунёқарабини, интилишини, қадриятларини ва характерини тушуниши кутилади. Муассасанинг маданияти ва қадриятлари албатта ўқув дастурига таъсир кўрсатади.

Хориждаги олий таълим муассасаларининг кўпчилиги ўзларининг вазифаларини бажаришда талабаларга муассаса мақсадлари ва битирувчи ўзига хос хислатлари тўғрисида фикрини бериб боради. Мазмунан бу умумий тушунчаларда мазкур университетда таҳсил берилаётган курслар ва дастурлар бўйича талабага кутилаётган натижаларни беради. Масалан, Окленд университетида яхши хужжатлаштирилган битирувчи профили мавжуд бўлиб, унда

кўйидагилар кўрсатилади: Окленд университетиди бакалавр йўналишида таҳсил олиб битирган талаба юқори даражадаги билимларни эгаллаб, ҳам мутахассис билимларига, ҳам умумий интеллектуал кўникмаларга ва ҳаётий тажрибага эга бўлади ва бу унинг ишга жойлашувида, фуқаролик бурчларини бажаришда, шунингдек давомий таълим олиш ва малакасини оширишда асос бўлиб хизмат қилади. Битирувчи профили талабанинг таҳсил олишида ҳам муассаса ва ҳам дастур даражасидаги олиниши кутилаётган натижаларни яққол ифодалаб беради. Шу сабабли профиль махсус фанларга асосланган натижалар тавсифлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш учун йўриқнома бўлиб ҳисобланади. Профессор-ўқитувчиларнинг факультетлар, мактаблар ва кафедралардаги роли ушбу мақсадларга эришиш учун ўқув дастурларини, ўқитиш методикасини ва стратегиясини, педагогик ва таълим имкониятларини ишлаб чиқишдан иборат (Маки, 2004).

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ижтимоий-иктисодий, маънавий-маърифий соҳаларда улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Айниқса, ёшлар таълим ва тарбиясига эътибор, уларга замонавий билим бериш, маълумотини, малакасини ошириш каби долзарб муаммолар ҳал этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинаётган ҳар бир Қарорларда, Президентимиз Фармонларида баркамол инсон тарбияси ва касбий маҳоратини аввало таълим муассасаларида ошириб боришга асосий эътибор қаратилмоқда. 2010 йилнинг “Баркамол авлод” йили деб эълон қилиниши педагоглар ва тарбиячилар зиммасига улкан масъулиятлар юклади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ўқитувчиларнинг савиясини ва билимини узлуксиз ошириб бориш учун шарт-шароит яратилиши зарур.

Олий педагогик таълим муассасаларида ушбу муаммоларнинг ечимини топишда “Педагогик маҳорат” фанини чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Педагогик маҳорат нима? Унинг моҳияти нималардан иборат? Уларни эгаллаш учун нималарни билиш керак? Ҳозирги замон педагогикаси ва психологияси «педагогик маҳорат» тушунчасига турлича изоҳ беради. Жумладан, “Педагогик энциклопедия”да таъриф қўйидагича изоҳланган: “Ўз касбининг моҳир устаси бўлган, юксак даражада маданиятли, ўз фанини чуқур билладиган, ёндаш фанлар соҳаларини яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш услубиятини мукамал эгаллаган мутахассис». Ушбу таърифнинг моҳиятидан келиб чиқиб ўқитувчининг педагогик маҳорати тушунчаси мазмунини шундай изоҳлаш мумкин: 1) маданиятнинг юқори даражаси, билимдонлик ва ақл заковатнинг юксак кўрсаткичи; 2) ўз фанига доир билимларнинг мукамал соҳиби; 3) педагогика ва психология каби фанлар соҳасидаги билимларни пухта эгаллаганлиги, улардан касбий фаолиятида фойдалана олиши; 4) Ўқув - тарбиявий ишлар методикасини мукамал билиши. Педагогик маҳорат тизими қуйидаги ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган асосий компонентлардан иборат: 1) педагогик инсонпарварлик йўналиши; 2) касбга оид билимларни бошқа фанлар билан алоқадорликда мукамал билиш; 3) педагогик қобилиятга эга бўлиш; 4) педагогик техника сирларини пухта эгаллаш.

Кўплаб университетлар Битирувчи профилига ёки Битирувчи хислатлари тавсифига эга ёки уларни ишлаб чиқмоқда. Ўқув дастурини ишлаб чиқишда ўрганиш натижалари ёндашуви ҳали янгилигича қолмоқда, ва кўплаб профессор-ўқитувчилар бошида ушбу ёндашувни ҳам ходимлар, ҳам талабалар учун тушунарли ва мазмунли тавсифлаб беришда қийналишади. Республикаимиз мустақилликка эришгач, таълим ижтимоий соҳадаги устувор йўналиш деб белгиланди, олий таълимни жорий этишнинг методологик ва назарий асоси бўлган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да олий таълим тизими олдига ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб- ҳунар дастурларини онгли равишда танлаган ва кейинчалик пухта ўзлаштирган, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратиш, жамият, давлат ва оила олдидаги ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялаш каби давлат буюртмалари қўйилган. Жамиятимизда содир бўлаётган ижтимоий-иктисодий, мафкуравий, маънавий-маърифий ўзгаришлар, ҳуқуқий-демократик жамият қуриш тамойиллари ҳисобга олинган ҳолда яратилган “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” номли рисолада таълим тизими олдида ижтимоий буюртмалар қўйилган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда мазкур давлат ва ижтимоий буюртмалардан олий таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитишга қўйиладиган мақсад ва вазифалар шакллантирилади. Мактабгача таълим педагогикаси туркум фанларини ўқитишда ўқитувчи мазкур буюртмаларни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар:

- Мактабгача таълим педагогикаси туркум фанларини ўқитиш жараёнида талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, маърифий ишларнинг самарали шакллари ва усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- Мактабгача таълим педагогикаси туркум фанлардан ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида инновацион ва ахборот-коммуникатив технологиялардан фойдаланиш;
- Мактабгача таълим педагогикаси туркум фанларини ўқитишда тайёргарликнинг модуль тизимидан фойдаланган ҳолда ўқитиш жараёнини жадаллаштириш;
- халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида махсус таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш;
- Мактабгача таълим педагогикаси туркум фанларидан таълим жараёнининг ўқув-методик мажмуалар ва дидактик таъминотнинг янги авлоди силабусни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
- Миллий мустақиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятлар устуворлиги асосида махсус таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида талаба-ёшларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш;
- Мактабгача таълим педагогикаси туркум фанларини ўқитиш жараёнида талаба-ёшлар онги ва қалбига миллий ғоя ва мафқурани сингдириш, таълим муассасаларида мафқуравий тарбияни бугунги кун даражасига кўтариш;
- Таълим-тарбия жараёнида таълим ва тарбияни узвийлаштириш орқали талабаларнинг баркамоллигини таъминлаш, ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиеник таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш; Бўлажак педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштиришни бажариш лозим. Барча касблар орасида ўқитувчилик касби ўзгача ва муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, ўқитувчи ёш авлод қалби камолотининг меъмори, ёшларга таълим-тарбия берувчи инсондир.

Бугунги кунда у ёшларни гоёвий - сиёсий жиҳатдан чиниқгириб, табиат, жамият, ижтимоий ҳаёт, тафаккур тараққиёти қонуниятларини ўргатади, ёшларни меҳнат фаолиятига тайёрлаб, касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашларида кўмаклашади ва жамият учун муҳим бўлган ижтимоий-иқтисодий вазиятларни ҳал этади. Ана шу маъсулият ўқитувчидан ўз касбининг моҳир устаси бўлишни, ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатиб, уларнинг қизиқиши, қобилияти, истеъдоди, эътиқоди ва амалий кўникмапарини ҳар томонлама ривожлантириш йўлларини излаб топадиган касб эгаси бўлишни талаб этади. Бунинг учун доимо ўқитувчининг касбий маҳоратини, кўникма ва малакаларини ошириб бориш, гамхўрлик қилиш, унга зарур шарт - шароитлар яратиш, керакли моддий ва илмий -методик ҳамда техник ёрдам кўрсатиш, ўқитувчининг ижодий ташаббускорлигини мунтазам ошириб боришга кўмаклашиш лозим. Шунга асосан, «Педагогик маҳорат» фани, маҳоратли ўқитувчини тайёрлашга хизмат қилади. У ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг касбий фаолияти сирларини, моҳирлигини ўргатувчи ва уни такомиллаштириш тўғрисида маълумотлар бериб боровчи фан бўлиб, ўқитувчида педагогик маҳоратнинг моҳият мазмунини, ҳозирги замон талаблари доирасида касбий фаолиятини ривожлантиришнинг йўлларини, воситаларини, шакллари йўғанади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16- февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 июнь 2015 йилдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732 фармони.
4. Дьяченко В.К. Новая дидактика. – М., 2001. 5. Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов: рабочая тетр. – Уфа: Изд-во БГПУ, 2004. 6.

БЎШ ВАҚТ ВА УНДАН Фойдаланиш маданияти (Талаба-ёшлар мисолида)

А.Х. Хайитов, бош мутахассис, Ўзбекистон Республикаси Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Тошкент

Аннотация. Бугунги кунда бўш вақтни ташкил этишининг спорт билан шугулланиш, музейлар, театрлар, кинотеатрларга бориш, телекўрсатувларни томоша қилиш, китоб ўқиш сингари анъанавий шаклларида ташқари ахборот технологияларининг турли шаклларида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Мазкур мақолада ҳозирги шароитда талаба – ёшларнинг бўш вақтларидан фойдаланиш маданияти ёритилган.

Калим сўзлар: бўш вақт, бўш вақт маданияти, ижтимоий фикр, ижтимоий фаолият, ижтимоий фаоллик, мустақил та'лим, ижод, мутолаа маданияти.

Аннотация: Сегодня, помимо традиционных форм досуга, таких как спорт, музеи, театры, кинотеатры, просмотр телевизора, чтение книг, широко используются различные формы информационных технологий. В статье описаны основные направления использования досуга студентов в современной ситуации.

Ключевые слова: Свободное время, культура свободного времени, общественное мнение, общественная деятельность, общественная активность, самостоятельное образование, творчество, культура чтение.

Abstract. Today, in addition to the traditional forms of leisure, such as sports, museums, theaters, cinemas, watching TV, reading books, various forms of information technology are widely used. This article describes the main directions of the use of leisure time of students in the current situation.

Key words: Leisure, leisure culture, social thought, social activity, social activism, independent learning, creativity, reading culture.

Бўш вақтдан оқилона фойдаланиш жамият ҳаёти ривожланишининг ҳамма босқичларида муҳим муаммо бўлиб келган. Шунинг учун ҳам бўш вақтда шахс эркинлигига дахлдорликнинг қонунийлиги ёки ноқонунийлиги ҳақидаги мунозаралар бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Бази тадқиқотчилар шахс эркинлигига аралашининг асосга эга эканлиги ҳақидаги нуқтаи-назарга эга бўлсалар, бошқалари, аксинча, ҳар бир индивиднинг ўз бўш вақтида фаолият кўрсатиши эркин ва мустақил танлаши ҳуқуқига эга эканлигини таъкидлашдилар. [3. 260 б.]

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра бўш вақтдан фойдаланиш маданияти энг аввало, инсоннинг ички маданияти бўлиб, унинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, мақсади, диди, кўникмалари, ақл-идроқи сингари шахсий сифатларнинг мажмуасидан ташкил топади ва улар бўш вақтни мақсадли, фойдали, мазмунли ўтказишга имкон беради [2.Б. 64].

Шу билан биргаликда таъкидлаш зарурки, ҳар бир инсоннинг шахсий хусусиятлари бўш вақтни ташкил этиш, ундан фойдаланиш, ушбу ходисанинг ижтимоий ходисаларини алоҳида ҳисобга олишни талаб қилади. Бу ўхолот бўш вақтни ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тизимининг муҳим таркибий қисмлари бўлган кинотеатрлар, стадионлар, музейлар, кутубхоналарнинг мавжудлиги ва қанчалик даражада фаолият кўрсатаётганлиги билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Бу талаба-ёшлар бўш вақтини ташкил этиш ва уни бошқариш мазмуни билан боғлиқ бўлган муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда бўш вақтда маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этишининг муайян тизими яратилди ва уларда юзлаб, минглаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Олий ўқув юртларида ҳам суҳбатлар, мунозаралар, учрашувлар, турли тўғарақлар ташкил этиш орқали маънавий-маърифий тадбирларнинг бир бутун тизими билан қамраб олинган. Лекин, инсонпарварлик, эзгулик, бунёдкорлик ғояларини ўзида мужассам этувчи янги Ўзбекистонни барпо этишдан иборат бўлган ижтимоий мўлжалимиз ва унга эришиш йўлида ўзини сафарбар этишдан, ижтимоий ҳамкорлик қилишдан, ижтимоий

фаоллик кўрсатишдан иборат бўлган ижтимоий маъсулиятимиз ўртасида уйғунлик мавжуд эмаслиги туфайли кўзлаган мақсадимизга эришиш қийин кечмоқда. Демак, биз бўш вақтда ташкил этаётган маънавий-маърифий ишлар бевосита жамиятнинг ижтимоий мўлжали ва ижтимоий мажбурияти ўртасидаги уйғунликни таъминлай олсақгина, кўзлаган мақсадимизга эриша оламиз.

Маълумки, олий ўқув юртининг асосий вазифаларидан бири талаба-ёшларни ўқув матреалларнинг асосий манбалари билан ишлашга ўргатишдан, унинг мустақил билим фаолиятини ташкил қилишдан, ўз-ўзини бошқариш усуллари билан таништиришдан иборатдир. Ўқув фаолияти мустақил уюштирилади билиш мақсадга мувофиқликни, режалаштиришни, мунтазамликни, изчил ўқув фаолиятини таълимнинг барча босқичларида амалга оширишни тақоза этади. Худди шунингдек бўш вақтни тўғри ташкил эта билиш ҳам таълимнинг барча босқичларидаги мунтазамлик ва изчиллик билан боғлиқдир. Бунда бўш вақтнинг кадрига етишни шартли равишда: а) илк ўспиринликдаги мустақил ҳаётгача бўлган давр билан: б) талабаларнинг давридаги мустақил ҳаёт, фаолият жараёнида уни англашда ўзига ҳос тафавут борлиги аниқ кўринади.

Буни мактаб ўқувчилари ва талаба – ёшлар ўртасида олиб борилган социологик сўров натижалари тўла тасдиқлайди. Мактаб ўқувчиларида “Бўш вақтни идрок этишнинг 36-37 фоизини ташкил этса, талаба ёшларда бў кўрсаткич 56-57 фоизни ташкил этганлигини кўриш мумкин”.

Ҳар иккала тоифа ёшларда ҳам бўш вақтни идрок этиш ва кадрлашга муайян муаммо борлиги аниқ кўринади. Социологик тадқиқотлар кўрсатишича асосан “яхши” ва “аъло” боҳаоларга ўқийдиган, ижтимоий фаол талабалар бўш вақтнинг кадрини бошқаларга нисбатан теранроқ англаб етиши маълум бўлди. Бунда инсон маънавий олами билан бўш вақтни оқилона ташкил этиш ўртасида ўзвий боғлиқлик мавжуд эканлигини кўриш мумкин.

Шу ўринда бўш вақтда талаба – ёшлар соғлом маънавий эҳтиёжларининг кондирилиши муаммосига алоҳида эътибор қаратиш тақоза этилади.

Маълумки маънавий эҳтиёжлар моддий эҳтиёжлардан бир қанча ўзига ҳос хусусиятларига кўра фарқланади. Маънавий эҳтиёжлар тарихий тараққиёт давомидагина эмас инсоннинг индивидуал ривожланиш жараёнида ҳам ўзгариб боради.

Маънавий қадриятларни ўзлаштириши кишилар томонидан бўш вақтда ўзаро маънавий алмашув ва маънавий мулоқотнинг ўзига ҳос жараёни сифатида амалга оша боради.

Айниқса, бугунги кунда саёз, бузғунчи, бузқуликни тарғиб этувчи “асарлар” кўпайиб кетган шароитда маънавий билимлар ўрнига кўр-кўрона эргашишга асосланган жаҳолат кучайиб бораётганлигидан кўз юмиш мумкин эмас.

Шунинг учун ҳам бу муаммога Президентимиз Ш.Ш.Мирзиёев алоҳида тўхталиб, қўйдагича таъкидлаган эди: “Биз жаҳолат деганда одатда, диний жаҳолат, ақидапарастликни тушунаемиз.

Лекин бугунги ҳаётини жараёнлар жаҳолат ҳаётининг ҳамма соҳасида ҳам учраши, агар унга қарши ўз вақтида кураш олиб борилмаса, ўта оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Биз бугун жаҳолат деган балога иқтисодиёт соҳасида ҳам, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият тизимида ҳам қўйинки ҳаётимизнинг барча жабҳаларида дуч келаямиз ва бу иллат кўл-оёғимизда бамисоли кишан бўлиб турибди. Бу кишандан холос бўлмасдан туриб тараққиёт ва ривожланиш ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас.

Айни вақтда маданият соҳасида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириши бўйича олдимизда жуда кўп муҳим вазифалар турибди”. [1.Б.].

Кишиларнинг маънавий эҳтиёжларини муайян меъёрлар асосида чегаралаш жуда мураккаб бўлган жараёндир.

Жамиятда соғлом маънавий эҳтиёжни шакллантириш шунинг учун ҳам муҳимки, инсон ва жамиятнинг маънавий ахлоқий даражаси қашшоқлашса моддий истеъмолчилик, буюмпарастлик психологияси ҳам шунчалик кучайиб боради.

Олий ўқув юртларида бўш вақтда олиб бориладиган маънавий фаолият ҳам маънавий ижодий, ҳам амалий томондан ҳар бир талабанинг камраб олинишдан манфатдордир.

Ҳар бир инсондаги ривожланишга эҳтиёж, камолатга етукликка интилиш ҳисси ирода, рухий ҳаракат, ички қувват ва рухий эҳтиёж сифатида намоён бўлади. Бунда маънавий эҳтиёж алоҳида ўрин эгаллайди ва унинг оқилона, соғлом таризда қондирилиши инсон камолоти учун катта аҳамиятга эгадир.

Соҳлом маънавий эҳтиёж инсон ва жамият тараққиётининг асоси, уни ривожланиш сари етакловчи кучдир. Соғлом маънавий эҳтиёжнинг қондирилиши жамиятнинг мукамалликка, ҳар бир инсоннинг баркамолликка интилишини англайди. Ушбу, билим олиш, ижтимоий тажриба орттириш, ўз-ўзини тарбиялаш, ривожлантиришга интилиш ҳам соғлом маънавий эҳтиёж шаклланишининг муҳим жиҳатлари ҳисобланади. Соғлом маънавий эҳтиёж ҳар бир инсонга унинг номукамаллигини эслатибгина қолмасдан мунтазам мукамалликка ундайди.

Афсуски, илмий адабиётларда ҳанузгача “Соғлом маънавий эҳтиёж” тушунчасига аниқ таъриф берилмаганлигидан ташқари, уларнинг даражасини аниқловчи мезонлар, кўрсаткичлар ва аломатлар тизими ҳам яратилмаган.

Бизнинг фикримизча, соғлом маънавий эҳтиёж – ҳар бир инсоннинг мустақил тафаккур юритиш ва танқидий баҳолаш асосида ўз эҳтиёжларини муайян меъёрий чегарада қондира олиш кўникмаси асосида унинг камолатига хизмат қиладиган, ижобий қобилияти ва фазилатларини бойитадиган, ривожлантирадиган ва шу орқали жамият тараққиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатадиган ўзига ҳос маънавий тизимдир.

Талаба – ёшлар учун бўш вақт ўқиш вақти бюджетининг зарурий қисмидир. Ўқишдан ташқари вақт талаба томонидан маълум мақсадга, маънавий ва жисмоний такомиллашувга хизмат қилдириладиган бўлса ўқиш вақти учун ажратилган вақтнинг янада мазмунли, тўлақонли бўлиши учун хизмат қилади.

Демак, бўш вақтдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш учун кўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

1. Бўш вақтдан самарали фойдаланиш учун аниқ мақсад ва вазифаларни олдиндан белгилаб олиш ҳамда шунга мувофиқ таризда фаолият кўрсатиш.

2. Бўш вақтнинг нисбий тушунча эканлигини англаган ҳолда уни самарали ташкил этиш ўқиш фаолиятига, соғлом турмуш тарзига, жисмоний ва маънавий камолотга эриштирувчи восита эканлигини англай билиш.

3. Бўш вақтни мазмунли ва самарали ташкил этишни кундалик турмуш тарзига айлантиришга эришиш.

4. Бўш вақтдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар, имкониятларни яратишга эътибор қаратиш.

Бўш вақт тузилмасининг ўзгариб бораётганлиги натижасида унинг анъанавий шаклларида фойдаланиш умумий бўш вақт бюджетига нисбатан кам фоизни ташкил етмоқда. Шунинг учун ҳам бўш вақтдан фойдаланишнинг анъанавий шакллари қайта тиклаш мақсадида театрлар, кинотеатрлар, музейлар, кўرғазмаларга боришни мунтазам йўлга қўйиш зарурдир. Мутолаа маданиятини шакллантириш самарадорлигини янада оширишнинг янги усул ва шакллари қўллаш, бўш вақт бюджетига китоб мутолаасига мунтазам вақт ажратиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки инсоният жамияти яшаш учун моддий ва маънавий ишлаб чиқариш билан доимий ва узлуксиз шуғилланар экан, тафаккур еҳтиёжи ҳам ҳеч қачон йўқолмайди. Тафаккур еҳтиёжини қондириш ва ривожланишини таъминлаш учун еса инсонлар доимий мутолаа билан шуғилланишлари керак. Жамият тараққиётнинг ҳар қандай юқори босқичига етган пайтида ҳам унинг мавжудлигини таъминлаб келаётган маънавий – ахлоқий тамойиллар сақланиб қолади.

Интернетнинг имкониятлари бундан кейин ҳам янада кенгайиб, ривожланиб боришини ҳеч ким инкор етмайди. Лекин ушбу тизим журнал, китобларни (илмий журнал, илмий китоб) мутолаа қилиш орқали билим ортирган кишилар томонидан яратилган. Интернет ушбу билимларни ортириш учун зарур бўлган маълумотлар ва ахборотларни тезкорлик билан

кидириб топиш, ўрганиш, таҳлил қилиш, таққослаш ва хулосалар чиқаришга ёрдам берувчи воситадир.

Талаба – ёшларнинг бўш вақтларида мутолаа билан шуғлланишлари мустақил таълим билан шуғлланишлари билан чамбарчас боғлиқ жараён бўлиб, мустақил таълимни ташкил этиш жараёни илмий жиҳатдан ўрганган ҳолда таълим жараёнига татбиқ этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Зеро бу ҳам педагогик, ҳам психологик жиҳатдан қаралганда талаба шахсини жараёнга тайёрлайди ва ўз – ўзидан мустақил таълим олиш салоҳиятини ривожлантириб боради. Бу еса талаба – ёшлар мустақил таълим олиш салоҳиятини ривожлантиришнинг назарий – амалий асосларига таянган ҳолда мазкур жараённи илмий ташкил этиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Бу еса бўш вақтда талаба – ёшларнинг мустақил таълим олишини ташкил этишда қўйидаги омилларга еътибор қаратиш лозим эканлигини кўрсатади:

Биринчидан, бўш вақтда талабанинг мустақил изланиши манбаларни еркин танлай билиши, таҳлилий асосда тўғри хулоса чиқара билиши, ўз хулосаси билан тенгдошларини таништириш кўникмасини ўзлаштиришга ёрдам беради.

Иккинчидан, бўш вақтда мустақил таълимни ташкил этиш жараёнида талаба – ёшларнинг қизиқишлари асосида турли йўналишдаги тадбирларни ташкил ета олиш орқали талабанинг ўз онгида мавжуд билимларни ривожлантириш, ўз қобилиятларини намоёиш этиш, имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳитини яратади.

Учинчидан, замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш бўш вақтда мустақил таълимни ташкил этиш жараёнида турли фанларга оид мактаблардан кечроқ фойдаланишга ёрдам беради.

Талабалар ахборотларни олиш, узатиш, қайта ишлаш каби жараёнларни санаб кўриши натижасида уларнинг компьютер саводхонлиги ҳам ошиб боради. Бу еса талабаларни изланувчанликка, мантиқан фикрлаш қобилиятини ошириб боришга ундайди ва муаммоларини ҳал этишда яхши самара беради.

Тўртинчидан, тадқиқотчилик қобилиятини шакллантириш орқали талабаларда бўш вақтларида мустақил таълим олишлари жараёнидаги йўналишлар орқали мустақил ижод қилиш кўникмаси ҳам шакллантирилади. Ҳар бир талаба қобилияти асосида, ўз хоҳишига кўра маълум бир мавзуда тадқиқотлар олиб бориши натижасида унинг мустақил таълим олишдаги мунтазамликка кўникма ҳосил қилишга имконият яратилади.

Бешинчидан, бўш вақтда мустақил таълимни тўғри ташкил этиш кўникмасини ҳосил қилиш орқали талаба ўз тажрибасига таянган ҳолда манбаларни ўрганади ва уларга ўз муносабатини билдира олади.

Аудиториялардаги дарсларга қўшимча равушда талабаларда бўш вақтда мустақил таълимни ташкил этиш, уларда янги далиллар ва маълумотларга таянган ҳолда мустақил фикр билдира олиш кўникмасининг шаклланишига ёрдам беради. Фикр юритиш мустақиллиги интеллектуал ташаббускорлик – талаба – ёшларнинг ўз олдиларига янги муаммо, аниқ мақсад, вазифалар қўйиши, уларни амалга оширишга ҳаракат қилиши, ниҳоясига етказиши жараёнида қўлланиладиган усул воситаларни ўзи излаб топишида намоён бўлишини назарда тутати.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. (Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан учрашувидаги маърузаси) Халқ сўзи, - 2017. – 3 август.

2. Норқулов Д.Т. Вақт жамият мадания – маънавий равнақи омили: Назария ва амалиёт. ф.ф.доктори унвонини олиш учун тайёрлаган диссертацияси Тошкент, 2000 йил.

3. Ҳақназаров Х.Д. ёшларнинг бўш вақтидан фойдаланиш маданияти Ўзму хабарлари, 2014 № 4, 258-261 бетлар.

УЎК 37.02

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ПОРТФОЛИОНИНГ ЎРНИ
Д.М. Шахобиддинова, катта ўқитувчи, Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти, Тошкент

Аннотация. Бугунги кун замонавий таълимда педагогнинг касбий, талабанинг эса ўқув фаолиятини мазмунан такомиллаштириш, шунингдек, ҳар икки фаолият турининг сифатини маълум кўрсаткичлар асосида етарлича, ҳолис баҳолашга нисбатан эҳтиёж кучаймоқда. Портфолио педагог ҳамда талабанинг фаолиятига билвосита баҳо бериш, қай даражада сифатли ва самарали эканлигини таҳлил қилиш имкониятини таъминлашга хизмат қилади.

Калит сўзлар: мустақил таълим, портфолио, мустақил иш, автобиографик ҳужжатлар, янги ғоялар, методлар.

Аннотация. В современном образовании требуется потребность в улучшении содержания профессиональной и учебной деятельности преподавателя, а также качества обоих видов деятельности на основе определенных показателей. Портфолио дает возможность косвенно оценить работу учителя и студента, проанализировать качество и результативность.

Ключевые слова: самостоятельное исследование, портфолио, самостоятельная работа, автобиографические документы, новые идеи, методы

Abstract. Dans l'enseignement moderne, il est nécessaire d'améliorer le contenu des activités professionnelles et éducatives de l'enseignant, ainsi que la qualité des deux types d'activités sur la base de certains indicateurs. Le portfolio permet d'évaluer indirectement le travail de l'enseignant et de l'élève, d'en analyser la qualité et l'efficacité.

Keywords: independent research, portfolio, independent work, autobiographical documents, new ideas, methods

“Портфолио” (ингл. “portfolio” – “портфел”, “ҳужжатлар солинадиган сумка”) – автобиографик характерга эга ҳужжатлар тўплами деган маънони англатади. Мавжуд тизимга янги ғояларни, методларни киритади [1, 46-б.]. Янги ғояни амалга ошириш мазмуни, шакл ва методларини тизимлаштиради. Педагог ўқитиш ва тарбиялашга оид ўз концепцияси ёки методикасини яратади [2, 102-б.]. Умуман олганда, портфолио ҳар бир педагог ёки талабанинг максимал даражада эришган ютуқлари, уларнинг ижодий имкониятлари, қизиқиш ҳамда қобилиятларини ёритади. Ўқув портфолиоси.

Портфолиони яратишдан асосий мақсад талабанинг олий ўқув юртидаги ўқиш жараёни даврида эришган ютуқлари тўғрисидаги далилий ҳужжатларни тўплаш ва сақлашдан иборат. Портфолио нафақат талабанинг таълим соҳасидаги фаолияти натижаларини ўзи томонидан баҳолашнинг самарали шакли бўлиб қолмасдан, қуйидагиларга имконият туғдиради: технологияларга таянган ҳолда талабаларда умуммаданий, умумкасбий ва касбий компетентликни шакллантиришга йўналтирилган ўқув, ўқув- услубий, илмий ва ўқишдан ташқари фаолият натижаларини тўғри баҳолашга йўналтирилган назорат қилиш ва баҳолашнинг инновацион шаклларида фойдаланиш «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадига мувофиқ ҳисобланади.

Республикамиз олий таълим тизимида ушбу технологиянинг қўлланилиши амалдаги талаба билимини баҳолашнинг тест рейтинг тизимини инкор этмайди, аксинча уни тўлдиради. Ривожлантирувчи таълимга, инсонпарвар педагогика нуқтаи назаридан шахсга йўналтирилган таълимга ўтишга, талабаларда касбий компетентликни шакллантириш бўйича рефлексия ҳосил қилишга шароит яратади.

Бугунги кунда хорижий мамлакатлар тажрибасида кенг қўлланилаётган назорат воситаси бўлган ўқув портфолиоси қуйидаги имкониятларга эгаллигига кўра амалий аҳамият касб этади. Моҳиятига кўра талабаларнинг ўқув портфолиолари бир неча турга бўлинади: 1. Талабалар ўқув портфолиоларининг асосий турлари. 2. Портфолио-педагог ёки талаба учун ўзига хос рекламадир - кўп функциялили ва ўзининг шахсий муваффақиятини баҳолаш. 3. Индивидуал муваффақиятлар мониторингини амалга ошириш. 4. Имтиҳонни ташкил этиш. 5. Таълим натижаларини ҳолис белгилаш. 6. Таълимий муваффақиятлар ҳамда қўшимча натижаларни аниқ кўра олиш. 7. Талабанинг мавжуд имконият ва қобилиятларини, унинг кучли ва кучсиз томонларини кўра олиш, шахсий, касбий ҳамда ижодий салоҳиятига етарлича баҳо бериш.

Асосий турлари: тақризлар портфолиоси; ҳужжатлар портфолиоси; ишлар портфолиоси; натижалар портфолиоси; баҳоловчи портфолио; On-line портфолио.

Қуйида талабалар ўқув портфолиоларининг турларига хос хусусиятлар тўғрисида сўз юритилади. 1. Ҳужжатлар портфолиоси (бунда талабанинг индивидуал таълимий муваффақиятлари акс эттирувчи диплом, фахрий ёрлик, гувоҳнома ва бошқалар жамланади). 2. Ишлар портфолиоси (унда талаба томонидан бажарилган ижодий ишлар, лойиҳалар, тадқиқотлар, уларнинг натижаларини акс эттирувчи рейтинг дафтарчаси, ижодий иш дафтари, электрон ҳужжатлар, моделлар, лойиҳалар, ижтимоий, ишлаб чиқариш, педагогик амалиётга доир ҳисоботлар, талаба томонидан мустақил ёки гуруҳдошлар билан ҳамкорликда тўплаган адабиётлар, даврий нашрларнинг ксеронусхалари, иллюстрациялар жой олади). 3. Натижалар портфолиоси (бунда талабанинг ўзи ёки педагоглар томонидан жамланган талабаларнинг энг яхши ишлари ўрин олади; натижалар портфолиоси индивидуал ва гуруҳли бўлиши мумкин; ушбу портфолиога акс этган маълумотлар асосида “Энг яхши талабалар гуруҳи” танловини ташкил этиш мумкин). 4. Баҳоловчи портфолио (у талабанинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш мақсадида шакллантирилади; бу турдаги портфолиодан назорат ишлари, тестлар, чизмалар, кроссвордлар ва бошқалар ўрин олади). 5. Тақризлар портфолиоси (бунда талаба томонидан эришган ютуқларни баҳолашга доир ҳулоса, тақриз, резюме, эссе, тавсиянома ва тавсифномалар жамланади) 6. On-line портфолио (бу каби портфолио турли шаклларда намоён бўлади; масалан: 1) талабалар томонидан олий таълим муассасаси ёки факультет сайтига материалларни қўшиш; 2) шахсий веб-сайтларни яратиш; 3) семестр якунлари бўйича ҳисобот тайёрлаш). Портфолиолар яратилишига кўра ҳам турлича бўлади. Яъни улар электрон, босма ва қоғоз вариантларда яратилади. Қайси вариантда портфолиони яратишни субъектнинг ўзи танлайди. Портфолиога талабанинг жорий, оралик ва мустақил ишлари бўйича бажарган топшириқлари, уларга қўйилган ўзлаштириш баллари ҳам жамланиб борилади. Портфолио юргизиш талабанинг семестр (курс) ва ўқув муддати давомидаги ўзлаштириши, мустақил иш топшириқларини мунтазам равишда бажариб борганлиги тўғрисидаги далилий ҳужжат ҳисобланади [4, 20-6.].

Портфолио педагогик жараёнда педагогга талабанинг эришаётган ютуқлари юзасидан мониторингни олиб бориш имкониятини яратади ва ўзлаштириш балларининг ҳаққоний, ишончли бўлишини таъминлайди. Талабага эса билим даражасининг қай даражадалигини, унинг динамик ўсишини кузатиб бориш, касбий жиҳатдан шахсан ривожланиш даражасини мустақил баҳолаш учун зарур шароитни яратади. Талабалар қандай шароитларда портфолиоларни шакллантиришлари керак? Қуйидаги ҳолатларда талабалар томонидан портфолиоларнинг шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир: Талабаларнинг портфолиолари қуйидаги тузилишга эга бўлади: Турига кўра портфолиолар бир неча бўлимларни ўз ичига олиши мумкин. Масалан, “Ишлар портфолиоси” қуйидаги тўртта бўлимдан таркиб топади: 1. Истиқболли иш ўрнига эга бўлишда (рахбарият ва ҳамкасблар ёш мутахассис билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар). 2. Илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда (тадқиқот натижаларини патентлаштириш имкониятини таъминлайди). 3. Фан олимпиадаларда иштирок этишда (олимпиаданинг турли босқичларида талабанинг имкониятларини баҳолаш ва чамалашга мувофиқ бўлинади). 4. Номдор ҳамда Президент стипендиясига талабгор бўлишда (танлов хайъати талабанинг имкониятларидан тўла хабар бўлади). 5. Шахсий мақсадларни амалга оширишда (қўшимча фаолият тури билан шуғулланишда ҳамкорларга талаба шахсини яқиндан таништириш имкониятини яратади) 1) титул; 2) мундарижа; 3) портфолионинг мақсади; 4) портфолионинг бўлимлари: 1. “Менинг қиёфам” (талабанинг шахсига оид маълумотлар талабанинг расми, эссе, анкета, тавсифномалар асосида берилади; унда қуйидаги лавҳалар мавжуд: “Менинг анкетам”; “Танишинг – бу мен!”; “Менинг ўйларим”; - “Мен ва менинг қизиқишларим”).

2. Портфолио-коллектор (талаба томонидан мутахассислик фанлари бўйича тўплаган материаллар (адабиётлар рўйхати, чизма, жадвал ва расмлар, мақолаларнинг ксеронусхалари, курсдошларининг ижодий ишлари) ўрин олади; бўлим қуйидаги лавҳалардан иборат бўлиши мумкин: “Иш столи”; “Бу қизик”; “Курсдошларим ижодидан”; портфолио-коллектор унча

катта бўлмаган ўзига хос архив саналади). 3. Иш материаллари (талабанинг ўзи томонидан яратилган, тизимлаштирилган барча материаллар киритилади; бўлимнинг лавҳалари қуйидагича бўлиши мумкин: “Ёзма ишлар”, “Ижодий ишлар”, “Тадқиқот тажрибалари”, “Амалиёт ишланмалари”). 4. Шахсий ютуқлар (талабанинг ярим, бир ўқув йили ёки яхлит таълим даврида эришган ютуқлари, қўлга киритган натижалари акс этади; унда қуйидаги лавҳалар бўлиши мумкин: “Менинг бунёдкор ғоям”; “Менинг таълим борасидаги ташаббусларим”). Талабаларнинг ўқув портфолиосини яратишга қаратилган амалий ҳаракат бир неча босқичда ташкил этилади.

Бугунги кунда республика таълим муассасалари таълим олувчилар фаолиятини назорат қилишда “ассесмент” синови кенг қўлланилмоқда [3, 76-б.].

Ҳозирги кунда олий таълимда фойдаланилаётган талабалар билимини баҳолаш тест рейтинг тизимига асосланган бўлиб, талаба билимини баҳолашда асосий ҳал қилувчи шахс фан ўқитувчиси ҳисобланади.

Талаба портфолиосини яратишдан мақсад портфолио талабанинг маълум фан бўйича барча ишларини тўлиқ ёритиши керак. У ўз ичига фан бўйича барча турдаги топшириқлар, лойиҳалар, маърузалар, ёзма ишларни қамраб олиши, талабанинг ушбу фан бўйича муваффақиятларини, фанга муносабатини, фанни ўзлаштириши ва тушунишини, муаммоли топшириқларни бажариш ва коммуникатив қобилиятини, унинг келажакда ушбу фан бўйича интилишлари ва ўзлаштиришини, ўзлаштириш усулларини кўрсатиб бериши зарур. Аниқлик ва нутқ, фикрни баён қилиш маданияти «портфолио» сифатини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Портфолиони яратишда асосан қуйидагиларга аҳамият бериш талаб этилади: талабанинг мустақил фикрлаши; «портфолио» яратишнинг вақт оралиғини белгилаш (семестр, ўқув йили ёки бутун ўқув жараёни бўйича); фан бўйича эришилган билимларнинг ўзаро боғлиқлиги ва асосланганлиги; тақлиф этилган ишлар (лоийҳалар, мустақил ишлар, рефератлар ва б.) бўйича талабанинг ўз баҳоси; муаммоларни ҳал этиш жараёни, йўллари.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, халқаро таълим тизимидаги инновацион ўзгаришлар, ривожланган давлатлар таълим тизимидаги ижобий, замонавий педагогик технологияларга таянган ҳолда талабаларда умуммаданий, умумкасбий ва касбий компетентликни шакллантиришга йўналтирилган ўқув, ўқув-услубий, илмий ва ўқишдан ташқари фаолият натижаларини ҳолис баҳолашга йўналтирилган назорат қилиш ва баҳолашнинг инновацион шаклларида фойдаланиш “Кадрлар тайёйлаш миллий дастури” талаблари асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадларига мувофиқдир.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, талабаларга портфолионинг афзалликлари, уни яратишдан кўзланган мақсад, портфолионинг турлари, портфолионинг тузилиши, амалий ҳаракатларни ташкил этиш асосида талабалар ўз портфолиоларини яратиши муҳим аҳамият касб этади ва талабаларни ижод қилишга ундайди. Кўп ҳолатларда бу технология биографик анкета, таълим соҳасидаги ютуқлар баёни, ўқув индивидуал топшириқ, баҳс-мунозара, интервью, ижодий иш, тест, индивидуал кейс, тақдимот, эксперт кузатиш, ролли ҳамда ишбилармонлик ўйинлари кабилардан ташкил топади. Булар ҳам ўз навбатида талабани ўз мутахассислик соҳасида мустақил ишлашга ва янгилик яратишга ундайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Альджанова И. Ўқув портфолиоси – бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентликни шакллантириш воситаси сифатида / Педагогик таълим ж. – Тошкент, 2012, 4-сон. – 46-б.
2. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар / Таълим муассасалари педагогўқитувчилари учун амалий тавсиялар. – Тошкент, “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
3. Ишмухамедов Р. Таълимда инновация. – Тошкент, “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2010.
4. Мусаева С. Портфолионинг мақсад ва моҳияти / Педагогик таълим ж. – Тошкент, 2013, 1-сон. - 20-б.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ

Э.К. Юсупов, старший преподаватель, Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, Ташкент

Annotasiya. Maqolada rus tilini o'qitishda interfaol shakllar va usullarning imkoniyatlaridan foydalanish haqida so'z boradi. Interfaol axborot texnologiyalaridan faol foydalanish o'qitishni tashkil etishning an'anaviy shakllaridan yangi yaxlit ta'lim muhitiga o'tishga imkon beradi.

Kalit so'zlar: interaktiv usullar, rus tili, talaba, dars, innovatsiya, kompetensiya.

Аннотация. В статье речь идет об использовании потенциала интерактивной форм и методов в обучении русского языка. Активное применение интерактивных информационных технологий позволяет перейти от традиционных форм организации обучения к новой интегрированной образовательной среде.

Ключевые слова: интерактивные методы, русский язык, студент, занятие, инновация, компетенция.

Abstract. The article deals with the use of the potential of interactive forms and methods in teaching the Russian language. The active use of interactive information technologies makes it possible to move from traditional forms of organizing training to a new integrated educational environment.

Keywords: interactive methods, Russian, student, lesson, innovation, competence.

Интерактивное обучение-это современный метод обучения, который состоит из взаимодействия всех участников образовательного процесса: учителя и учащихся. Сегодня этот метод обучения широко используется повсеместно: в школах, университетах, на курсах и тренингах. Интерактивные методы обучения могут быть использованы практически для всех видов обучения: на личных встречах в группах, в Интернете, по телефону. Отличные результаты можно получить, если изучать русский язык в интерактивном режиме. В частности, интерактивные методы обучения русского языка намного эффективнее стандартных классических уроков. На таких уроках учитель не преподает материал, а становится активным участником обсуждения, направляет его в нужное русло. Любые интерактивные занятия полезны для человека, так как учат выражать свое мнение и отстаивать свою точку зрения.

Методика обучения интерактивным языкам учит учащихся не только обмениваться информацией, но и приобретать практические коммуникативные навыки на целевом языке, формировать собственное мнение, быстро реагировать на слова собеседника. На таких уроках учитель уже не просто ведущий, а помощник, который быстро подскажет нужное слово и исправит ошибку. Интерактивные методы обучения русскому языку значительно ускоряют процесс изучения языка.

Интерактивные образовательные технологии. В педагогике выделяют несколько моделей обучения:

1) Пассивно-ученическое обучение объект (слушает и смотрит).

2) Активный - студент выступает в роли "субъекта" обучения (самостоятельная работа, творческие задания)

3) Интерактив - inter (взаимодействие), Action (действие). Учебный процесс происходит в условиях постоянного, активного взаимодействия всех учащихся. Студент и учитель являются равными субъектами обучения.

Использование интерактивной модели обучения предусматривает моделирование жизненных ситуаций, использование ролевых игр, совместное решение задач. Исключается доминирование или какое-либо представление о каком-либо участнике образовательного процесса[3]. Учит гуманному, демократическому подходу к модели. Интерактивные образовательные технологии-это такая организация образовательного процесса, при которой невозможно участие обучающегося в взаимодополняющем, коллективном, основанном на взаимодействии всех участников образовательного процесса. Интерактивные

образовательные технологии: 1. Работа в паре; 2. Работа в малых группах; 3. Мозговой штурм; 4. Ролевая (деловая) игра; 5. Прессовый метод; 6. Обсуждение.

Существует огромное количество интерактивных образовательных технологий. Каждый учитель может самостоятельно предлагать новые формы работы с классом. Когда студенты учатся задавать друг другу вопросы и отвечать на них, часто в классе используется работа в парах. После того, как сформированы два обруча, студентам очень понравится такая работа, как карусель: внутренний и внешний. Внутренняя петля-это студенты, которые сидят неподвижно, а внутренняя петля меняется каждые 30 секунд. Таким образом, они успевают за несколько минут проговорить несколько тем и пытаются убедить собеседника в их правильности.

Технология работы в малых группах заключается в том, что несколько учащихся выполняют ситуацию по кругу, а остальные наблюдают и анализируют. Акт мозгового штурма включает в себя перемещение по группе для сбора информации по предмету, рекомендованному для учащихся.

Работа в парах-группа делится на 3 или 4 группы с одинаковым количеством учащихся. Каждая группа обсуждает этот вопрос и делает заметки на своем "дереве" (лист ватманской бумаги), затем группы меняются местами и добавляют свои идеи на деревья своих соседей. Такая форма взаимодействия, как "принятие позиции", также часто используется[4].

Интерактивное обучение-это прежде всего интерактивное обучение, в процессе которого учитель и студент взаимодействуют. Теоретическое обоснование системы обучения русскому языку включает дидактические и методические принципы. Происходит процесс перехода от индустриального общества к информативному, постиндустриальному. Это предъявляет новые требования к качествам, которые предназначены для современных студентов, для развития и становления вуза. Личностное развитие, интеллектуальное, нравственное, становится приоритетным направлением обучения и воспитания в вузе. Наши действия, поступки-суть наших педагогов. Аспект развития личности занимает ведущее место в системе целеполагания дисциплины "русский язык". Таким образом, цели обучения наряду с традиционными целями:

- воспитание патриота своей Родины, уважающего национальные ценности, ценности гражданского общества и мировой культуры, имеющего отношение к языку как к культурному явлению;

- развивать способность гибко адаптироваться в постоянно меняющемся мире, способность к вербальному межличностному и межкультурному взаимодействию и взаимопониманию;

- формирование умений анализировать факты, классифицировать их, делать необходимые обобщения, формулировать обоснованные выводы;

- умение осуществлять информационный поиск, выделять и преобразовывать необходимую информацию, самостоятельно решать задачи, творчески мыслить.

Государственный образовательный стандарт учитывает интересы, склонности обучающихся, их профессиональные требования и намерения относительно продолжения образования. На самом деле коммуникативное обучение русскому языку, которое уже налажено в вузах, является личностно-ориентированным. Его основные черты заключаются в отказе от авторитарного стиля управления учебным процессом, признании учащегося активным субъектом учебной деятельности, построении учебных ситуаций, организации учебного процесса в условиях, приближенных к реальным общению.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Umarbekova G.A. Use and formation of the professional competence of the teacher in the process of learning the Russian language// EPRA International Journal of Research and Development (IJRD)// 6-2 // 2021//
2. Епишева О.Б. Основные параметры технологии обучения. //Школьные технологии. –М.,2004. - № 4.
3. Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии. -Т.: Фан, 2000.
4. Фарходжонова Н. Ф. Проблемы применения инновационных технологий в образовательном процессе на международном уровне. Международная конференция. Инновационные тенденции, социально-экономические и правовые проблемы взаимодействия в международном пространстве. – 2016.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

**№1 (85)
2022 й., январь**

Ўзбекча матн муҳаррири:	Рўзметов Дилшод
Русча матн муҳаррири:	Ҳасанов Шодлик
Инглизча матн муҳаррири:	Мадаминов Руслан, Ламерс Жон
Мусахҳих:	Ўрозбоев Абдулла
Техник муҳаррир:	Шомуродов Журъат

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувоҳнома № 13-023

Теришга берилди: 07.01.2022
Босишга рухсат этилди: 12.01.2022.
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 70.
Ҳажми 20 б.т. Буюртма: № 1-Т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими
220900, Хива, Марказ-1
Тел/факс: (0 362) 226-20-28
E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz
xma_axborotnomasi@mail.ru



(+998) 97-458-28-18